

**ҲАСАН ҚУДРАТУЛЛАЕВ**

**БОБУР АРМОНИ**

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2005

83.3 (59) 1

Қ72


Масъул муҳаррир:  
**Хайриддин СУЛТОН**

Тақризчилар:  
**Саидбек ҲАСАНОВ,  
Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ,  
Абдурашид АБДУҒАФУРОВ**

Қудратуллаев Ҳасан.  
Бобур армони. — Т.: «Шарқ», 2005. — 384 б.

ББК 83.3. У21

- © «Маърифат» газетаси таҳририяти, 2005.  
© «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси Бош таҳририяти, 2005.



*Бутун умрини фарзандларининг илмли  
ва саодатманд бўлишига сарфлаган  
онажоним Шаҳрибону Қудрат қизининг  
порлоқ хотираларига бағишлайман.*

**МУАЛЛИФ**

## **СЎЗБОШИ**

Ватанимиз мустақилликка эришгач, миллий маданий мерос, хусусан, мумтоз адабиёт ва тарихий асарларни ўрганишга холис ёндашув етакчи усулга айланди. Президент Ислом Каримовнинг миллий маданий меросимизга янгича муносабат ҳақидаги фикрлари шу жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. «Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифатсеварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланди.

Ва, ўз навбатида, бу фалсафий-ахлоқий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳра олиб бойиб боради.

Бизнинг келажаги буюк давлатимиз ана шу фалсафага уйғун ҳолда Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом Термизий, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо сингари мутафаккир аждодларимизнинг доно фикрларига уйғун ҳолда шаклланиши лозим»<sup>\*</sup>.

Маданият ва маънавият тарихимизда XV аср — XVI асрнинг биринчи ярми ўлмас асарларга қоят бойлиги, бу даврда халқимиз инсониятга кўпгина илм ва адабиёт даҳоларини етказиб бергани билан алоҳида эътиборга лойиқ. Хусусан, Хуросон ва Мовароуннаҳрда юзлаб шоиру адиб, муаррих ва бастакор, санъат аҳли баракали ижод қилди. Форсий ва туркий тилларда яратилган дурдона асарлардан ҳам форсийзабон, ҳам туркийзабон китобхонлар бирдек маънавий озиқ олдилар. Ҳар икки тилда яратилган бадиий, тарихий асарлар мазмунан бир-бирини бойитди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» воқеий-илмий-саргузашт асари мумтоз адабиётимизнинг энг но-

<sup>\*</sup> Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. "Ўзбекистон", Тошкент, 1996, 7—8-бетлар.

дир насрий намунаси сифатида ҳаётни ҳаққоний акс эттиргани, ўзига хос услуби билан алоҳида қадрли. Навоий насрий асарларидан сўнг «Бобурнома» туркий тилда яратилган бадиий, илмий наср жавоҳири сифатида бугунги кунда дунёдаги юзлаб йирик фан тадқиқотчилари диққатини ўзига тортиб келмоқда.

«Бобурнома»нинг XVI асрдаёқ адабиётчилар, тарихчилар, умуман, илм аҳли эътиборига сазовор бўлгани маълум. Асар яратилганидан кўп ўтмай форс тилига, кейинроқ инглиз, ҳинд, урду, немис, француз, рус тилларига таржима қилинди. «Бобурнома»нинг ўзига хос жиҳатларини очиб беришда ўзбек, ҳинд, афғон олимлари, европалик, япониялик тадқиқотчилар теран тадқиқотлар олиб бордилар. Чунончи, XX асрнинг 90-йиллари иккинчи ярмида Японияда «Бобурнома»нинг илмий-танқидий матни, изоҳлар ва япон олими Эйже Мано қарашлари ифодаланган илмий-тадқиқот нашр эттирилгани бунинг яққол далилидир. Шундай нашрлар инглиз тилида ҳам амалга оширилдики, бу Бобур ижодига катта қизиқиш ва эҳтиром рамзидир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди совет даврининг жамаки чеклапларига қарамай, ўзбек олимлари томонидан ҳам анча кенг ўрганилди. В.Зоҳидов, Б.Валихўжаев, И.Султон, А.Қаюмов, П.Шамсиев, А.Абдуғафуров, А.Ҳайитметов, С.Азимжонов, М.Шайхзода, Ҳ.Ёқубов, Ғ.Саломов, Н.Отажонов, С.Ҳасан, С.Жамолов, Ё.Исҳоқов, С.Ғаниева, И.Ҳаққул ва бошқа олимларимиз Бобур ижодининг турли жиҳатларини ўрганиб, кузатишлари натижаларини жамоатчиликка ҳавола этдилар. Ёзувчиларимиз — Ойбек, П.Қодиров, Б.Бойқобилов, Х.Султон адиб ҳаётига оид ниҳоятда мароқли, гўзал асарлар яратиб, юртдошларимизни бу буюк тақдир соҳибининг бетакрор маънавий олами билан ошно қилдилар.

Европалик олимлардан Лейн Пуул, Монстюарт Элфинстон, Эдуард Давсон, Вилиамс Рапбрук, Ҳенри Эллиот, Эдуард Ҳолден, Жан Луи Бакйе Граммон, Аннетта Бевериж хоним ва унинг турмуш ўртоғи Ҳенри Бевериж яратган

асарларда Заҳириддин Бобур ижоди, ҳаёти ва сиёсий мавқеи турли илмий, бадий даражада талқин этилди. Айниқса, инглизларнинг Бобур ижодига қизиқишлари, уларнинг мустамлакачилик сиёсати билан, ҳамиша бўлмаса ҳам, уйғун олиб борилганлигини кўрамиз. Буни инглиз шарқшуноси Ф.Талботнинг фикридан ҳам билса бўлади: “Ҳозирги Ҳиндистонни ўрганмоқчи бўлган киши ишни, энг яхшиси, Бобурнинг хотираларини мутолаа қилишдан бошлагани маъқул”.

Истиқлолдан кейин маънавиятимизга дахлдор манбаларни ҳеч қандай чеклашларсиз, асл ҳолича ўрганишга кенг йўл очилди. Бинобарин, энди «Бобурнома» асарига фақат бирор тарихий воқеани тасдиқлаш учун мурожаат этиладиган манба сифатида қараш ярамайди. Назаримизда, энди асар воқеаларини кенг ва теран таҳлил қилиш асосида Бобур дунёқарашини, унинг беқиёс бадий оламига кириб бориш фурсати етди. Зеро, «Бобурнома»дек ганжинанинг ҳар бир сўзи, жумласи, ибораси Заҳириддин Бобур ички олами, унинг армонли ва қувончли дамлари, серқирра олимлик фазилатларини ёритувчи бебаҳо далиллардир.

Агар «Бобурнома»ни биз мумтоз насримизнинг юксак намунаси сифатида тадқиқ этиш билангина кифоялансак, муаллифнинг бадий усталиги, насрдаги поэтик маҳорати тўла очилмай қоладигандек. Шу боис, биз «Бобурнома»ни Навоийнинг айрим насрий асарлари, Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ», Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» китоблари билан қиёслаб, тадқиқ қилишга интилдик. Зарур ўринларда Гулбаданбегимнинг “Ҳумоюннома”, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асари билан ҳам фойдаландик.

Мақсадимиз икки (туркийда — Навоий, Бобур, форсийда — Восифий ва Хондамир) тилда ижод этган тўрт адиб асарларидаги умумийлик ва ўзига хослик сирларини ўрганиш орқали «Бобурнома»нинг бетакрорлигини очиб бериш, Бобурнинг моҳир адиб сифатидаги истеъдоди қирраларини кўрсатиш ҳамда ҳар тўртала адибнинг ўз даври адабий-эстетик талабларига нечоғли жавоб берган асар-

лар битганликларини илмий таҳлил қилишдир. Тадқиқотимиз концепциясини белгиловчи бу йўлга асосан қуйидаги хулоса асос бўлди. XV аср иккинчи ярми — XVI асрнинг биринчи ярмида адабиётда муаллиф “мен”и яққол гавдаланди. Восифий, Бобур, Навоий асарлари номидаги «вақоеъ», «ҳолот» сўзлари ҳам шунга бир ишора, дейиш мумкин. Хондамирнинг «Тарихи Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар» (қисқача, «Ҳабиб ус-сияр») асари номида ҳам шахсият масаласи бўртиб кўринади. Муаллиф асар номини унинг яратилишига ҳомийлик қилган вазир Ҳабибуллоҳнинг исми билан бошлайди ва «афроди башар», яъни инсоният тарихи аввалидан ўзи яшаган даврга қадар маълумот беради.

Тадқиқотда илк маротаба адибнинг ижтимоий мавқеи ўз шахсий қарашларига кўрсатган таъсир билан уйғунликда ўрганилди. Ҳеч кимдан ҳадиксирамаган, «тили қисиклик» жойи йўқ Бобур, шоҳ Ҳусайн Бойқаро, вазир Навоий, тарихчи Хондамир, эркин ижодкор Восифийнинг қарашлари қиёсий текширилди. Шу аснода мазкур адибларнинг жамиятдаги ўрни уларнинг ижодига, ҳодиса ва шахслар тасвири ҳамда ўзаро муносабатларига нечоғли таъсир этгани аниқланди.

Адабиётшунослигимизда ҳали «Бобурнома» муаллифининг реал ҳаётни тасвирлашдаги юксак адабий-эстетик қарашлари ҳамда бадиий тасвир маҳорати деярли тадқиқ қилинмаган. Ўрта асрлар тарихий воқелигининг «Бобурнома»да нақадар аниқ акс этгани ва Бобурнинг адабий-эстетик қарашларига мос талқинини замондошлари асарлари билан кенг миқёсда таққослаш орқали унинг юксак бадиий салоҳиятини ёритиш ҳам мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Мазкур тадқиқотимиз яқун топиб, нашрга тайёр ҳолга келган бир пайтда ўзбек бобурушунос олимлари катта жасорат кўрсатиб, “Бобурнома”нинг янги, ҳозирча охириги, нисбатан мукаммал илмий-танқидий наприни Бобур халқаро фонди ҳомийлигида эълон қилдилар (Заҳириддин Му-

ҳаммад Бобур. “Бобурнома”. Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзаев ва Эйжи Мано(Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи Саидбек Ҳасанов. “Шарқ” НМАК, Тошкент, 2002). Бу напир Бобур ижодини янада кенгроқ тадқиқ этишга асос бўлади. (Китобдаги “Бобурнома”дан парчалар шу напирдан олинди.)

Ушбу тадқиқотнинг юзага чиқишида яқиндан ёрдам берган филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Кароматовга, қимматли маслаҳатлари билан кўмаклашган марҳум академик Иззат Султон, академик Б.Валихўжаев, профессорлар — А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, Н.Комилов, И.Ҳаққул, З.Машрабов, Ҳ.Саидов, муҳандис-оператор Ж.Эркабоевга муаллиф ўз эҳтиромини билдиради. Китобнинг бадиий сайқалига ҳисса қўшган муҳаррирлар Маҳмуд Саъдий ва Аҳмад Отабойга ҳам миннатдорчилик изҳор этамиз.

Мазкур тадқиқот билан танишиб, қимматли маслаҳатларини дария тутмаган масъул муҳаррир, адиб Хайриддин Султонга ташаккур изҳор этамиз.

Азиз китобхон! Бобур нисбатан қисқа умр кечирса-да, анчагина кўнгил армонларига етди. «Бобурнома»нинг яратилиши, бобоси Амир Темури империясини қайта тиклашдаги ютуқлари, гоҳ-гоҳида бўлса-да ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўлиш... Аммо шу қатори она юрти жамолига интиқлик, қурилмай қолган иморат, йўллар, Ҳиндистонда мустаҳкам давлат тизимини ниҳоясига етказиш... Булар амалга ошмаган орзулар, унинг ўтли армонларидир. Шу боис китобга «Бобур армони»деб ном бериш лозим кўрилди.

Китобдаги айрим камчиликлар борасида ўз фикр-мулоҳазаларини нашриёт манзили ёки матбуот орқали баён этишни лозим кўрган мутахассис ва ўқувчиларга олдиндан ташаккур айтамиз. Зеро, бу мулоҳаза ҳамда таклифлар келгуси тадқиқотларда асқотади.

## І Б О Б. БАДИЙ ТАСВИР ВОСИТАЛАРИ ВА ИФОДА УСУЛЛАРИ

### 1. Бобурнинг қиёслаш санъати — теран мантиқий тафаккур намунаси

“Бобурнома»даги нарса-ҳодисаларнинг, ҳайвонот ва набототнинг ўзаро ўхшашлиги ҳамда фарқини муаллиф назари билан таққослаганда, Бобурнинг фикр доираси юят кенглиги, табиат ва давлатни бошқариш борасидаги мулоҳаза-мушоҳадалари кўлами, атроф-муҳит ҳақидаги фикрларини янада кенгроқ идрок этиш имкони туғилади. Мисол учун, қуйидаги парчани кузатайлик:

«Кобулнинг агарчи қип қори улуг тушар, вале яхши ўтулари бордур ва ёвуқтур, бир кунда бориб келтурса бўлур. Ўтулари ханжак ва балут ва бодомча ва қарқандур. Булардин яхшироғи ханжакдур, ёруғ куяр (тутуни-нинг яхши иди бўлур, чўғи ҳам валаба турар), ўли ҳам куяр... Балут йиғочида яна бир ажаб хосиятдур: сабз-барглик шохларига ўт қўйсалар, ғариб шарфа била куяр. Оёғидин бошигача шарфа била бир замонда куяр. Бу йиғочнинг куймаги хейли яхши тафарруждур. Бодомча борчадин кўпроқ ва шойиғроқтур, чўғи турмас. Қарқанд паст-паст тиканлар бўлур, ўли-қуруғи тенг куяр, тамом Ғазни элининг ўтуни будур».

Тасаввур қилайлик: Бобур Мовароуннаҳрда темурий шаҳзодаларнинг ўзаро низоларидан диққинафас бўлиб, Кобулда ҳокимиятини ўрнатиб, ҳукм юритаётган пайтлар. Унинг тахминича, Афғонистоннинг моддий даромади келгусида салтанат харажатларига етмайди, демак, асл мақ-

сади — бобоси Амир Темур тузган ягона қудратли салтанатни қайта тиклаш орзуси амалга ошмай қолади. Кейинчалик у ана шу мақсад йўлида Ҳиндистонни забт этгани маълум. Юқоридаги парчада Бобур қиши қаттиқ келадиган Афғонистон учун энг зарур нарса — турли хил ёнилри-ўтин хусусиятларини қиёсий таҳлил қилади, ўтинлардан қайси бири кўпроқ иссиқлик бериши билан қизиқади. Матнда ханжак, балут, бодомча ва қарқанд каби ўтинлар айтилиб, булар орасида ханжак ёруғ алангаси, хушбўй ҳиди ва, энг муҳими, ёнгандан сўнг чўғи (кўмири) узоқ сақланиши таъкидланади. Беш хил ўтиндан балутнинг ўзига хос хусусияти қиёсан белгиланади, яъни балут ёқилганда ҳатто шохларида яшил барглари ҳам «шарфа била куяр». Бу билан балут ўтинининг таърифи тугамайди. Ҳақиқатда, ҳар қандай ўтинни ёққанда қуруғию хўли, ингичкаю йўғон шохлари турлича — гоҳ ёниб, гоҳ ўчиб, чала куйган ҳоллар бўлади. Балут эса «оёғидан бошиғача» бир хил ёнади. Бобур ўтинлар таърифини давом эттириб, бодомча таърифига ўтиб, унинг «чўғи турмас»лигини таъкидлайди. Бизнингча, «чўғи турмас» деган иборанинг мазмунини теран, чунки умр бўйи совуқ ва иссиқда даштун жангалзорларни кезиб, жанг қилган Бобур учун чўғи кўп турадиган, черикларни узоқроқ иситадиган ўтин муҳимдир. Демак, унинг кўзлаган мақсадига бодомча унча тўғри келмайди. Хўш, агар бу ўтинлар топилмаса-чи, унда нима қилиш керак? Бобур ўзи санаган ўтинлар билан қарқанд тиканларини қиёсламаса-да, ундан ўтин ўрнига фойдаланиш мумкинлигини, ҳатто бу янтоқни бутун Ғазни аҳолиси ўтин ўрнида ишлатишини мисол келтириб, шубҳага ўрин қолдирмайди. Хуллас, бу қиёслашда Бобур ўтинга, таъбир жоиз бўлса, стратегик жиҳатдан ёндашади ва ўша даврнинг иссиқлик манбаи сифатидаги ижтимоий-ҳарбий аҳамиятига алоҳида эътибор беради.

Бобур қиёсий таҳлил услубидан кўпинча Ҳиндистон, унинг табиати ва ерлари, ўлканинг ҳайвонот олами таъ-

рифида ҳам кенг фойдаланади. Масалан, «Кобулдин Ҳиндистон азимати била отланилди... Гармсер вилоятларини ва Ҳиндистон навоҳисини ҳаргиз кўрулган эмас эди. Нингнаҳорға етгач, ўзга оламе назарға келди: гиёҳлар ўзгача ва йиғочлар ўзгача ва вухуш ўзгача ва тюр ўзгача, эл ва улусининг роҳ ва расми ўзгача; ҳайрате бўлди, филвоқиъ жойи ҳайраттур». Бу тасвирда муаллифнинг ҳайратлангирувчи даражадаги синчковлиги, табиатта хос хусусиятларни очиши, уларни ипидан-игнасиғача ўқувчига етказиши диққатга сазовордир. Масалан, Ҳиндистонда ўсадиган мевалардан анбанинг (манго-Ҳ.Қ.) таърифига назар солайлик: “Набототким, Ҳиндистон махсусидур, бир анбадур. Аксар Ҳиндистон эли «бе»ни беҳаракат талаффуз қилурлар, ёмон муталаффиз бўлур учун баъзи «нағзак» дебтурлар, нечукким, Хожа Хисрав дебтур:

*Нағзаки мо нағз куни бўстон,  
Нағзтарин меваси Ҳиндистон.*

(Мазмун: “Нағзак”имиз бўстон беағи. У Ҳиндистоннинг энг гўзал мевасидир.)

Яхшиси яхши бўладур, валаба еса бўладур, вале яхшиси кам бўладур. Аксар хом узадурлар, уйда пишадур, хоми хўб ош қатиғи бўладур... Баъзи эл анбани андоқ таъриф қилиб эдиларким, қовундин ўзга жамиъ мевага таржиҳ қилиб эдилар. Эл таъриф қилгонча худ эмастур, кордий шафтолува худ шабоҳати бор. Папакаал вақтида пишадур. Икки навъ ейилур: бири — сиқиб, пўла қилиб, терисини тешиб, сўруб сувини ичарлар, яна бир, шафтолуи кордийдек, терисини аритиб ерлар. Барги шафтолу баргига андаке ўхшар, танаси баднамо ва бадандомдур. Бангола ва Гужаротта яхши бўлур эмиш».

Агар бу меванинг хусусияти ва фойдали жиҳатларини санаб чиқсак, оддий ўқувчи тасаввури Бобур эътибор берган жиҳатларнинг тўртдан бирича ҳам бўлмас. У, аввало,

«анба» сўзининг келиб чиқиши ва унинг ҳинд тилидаги фонетик ифодаси ҳақида фикр юритади, талаффузи мушкуллиги туфайли «баъзи «нағзак» дебтурлар», дейди. Фикрининг тасдиқи учун Хожа Хусравдан байт келтиради. «Нағзак» форсча сўз бўлиб, «нағз» — яхши, «-ак» қўшимчаси эркалаш, кичрайтириб айтилгандаги маъноларни билдиради. Демак, Бобур мева ҳақида маълумот беришдан олдин унинг форсча номини келтириш орқали сифатини таърифламоқда ва айни дамда ўзининг тилшунос сифатидаги истеъдодини ҳам намоён этмоқда. Муаллиф мева номига мос сўз ишлатади: «яхшиси яхши бўладур». Бу ибора ортиқча такрордек туюлиши мумкин. Бироқ бу мева «нағзак» бўлгани билан, айни ном барчасига хос эмаски, шу боис муаллиф шундай огоҳлантирувчи маълумотни ҳам беради: «вале яхшиси кам бўладур». Шу тариқа, Бобур китобхонни алданишдан сақлайди. Ўз номи билан («яхшигина») нағзак меванинг нега яхшиси кам, деган саволга ўқувчи жавоб қидиришини билган Бобур қуйидаги жавобни беради: «Аксар хом узадурлар, уйда пишадур». Демак, унинг фикрича, табиат мувозанатини бузиб, манфаат учун уни издан чиқариш сифат бузилишига сабаб бўлади. Бунда табиат ва инсонни экологик ҳимоя этиш мавзуи қаламга олинганини кўрамиз. Хўш, Ҳиндистонда анбани хомлигида узиб сотиш таомилга айланган экан, буни таъкидлашдан нима фойда? Китобни ўқиган ўқувчи хом мевани емаслигидами? Тасвирда Бобур услубининг жуда муҳим томони кўзга ташланади: тажрибали саркардани ҳар бир мева, аввало, инсон учун қайси жиҳатдан зарур, наф беради, қолаверса, сафарларда, жангда ҳар нарсадан оқилона фойдаланиш лозим, деган фикр тарк этмаган. Синчков адибнинг нозик диди ва қарашлари, илмий мушоҳадалари уйғунлашиб, ҳайратланарли тасвирларни юзага келтирган. Бобур хом анбадан ҳам фойдаланиш йўлини кўрсатиб, «хоми хўб ош қатиги бўладур», ҳатто «ғўрасининг мураббоси ҳам хўб бўладур», дея уқтиради.

Бобур қаерга бормасин, ўша жой халқининг талаффузи ва сўзлашув тилига эътибор бергани қўйидаги мисолда ҳам яққол кўринади. XVI асрда Хуросон ва Мовароуннаҳр учун Ҳиндистон узоқ ўлка ҳисобланган. «Бобурнома»да бу ўлкада ўсадиган дарахт ва мевалар ҳақида имкон қадар кенг маълумот берилади. Чунки ҳиндистонлик бўлмаган киши учун бу юртнинг фаройиб жиҳатлари кўп. Масалан, Бобур анба меваси ҳақида ёзаркан, одамлар анбани қовундан бошқа деярли барча меваларга ўхшатганини айтади. Унинг ўзи Ҳиндистонга боргач, бу мевани кўриб, еганидан сўнг аввалги фикридан қайтади. Бу ўринда ҳам Бобурга хос синчковлик, қиёсий таҳлилни кузатамиз. Зотан, у анбани шафтолига ўхшатади, бироқ шафтолининг ҳам хили, ранги, мазаси кўплиги боис, уни «кордий шафтоли»га монандлигини айтади. Шафтолининг бу нави пўсти «гўшти»га қаттиқ ёпишган бўлади, уни фақат пичоқ билан арчиб ейиш мумкин. Шу боис, анба шафтолининг шу навига ўхшаш. Бобур анбанинг пишиш вақтини кўрсатган («пашакаал» (куз) вақтида») ва бу мевани тановул қилишнинг икки йўлини уқтириб, тасвирни янада мазмунан бойитган. Муаллиф, биринчи кўрган кишининг ихлоси қайтмаслиги учун анбанинг ташқи кўриниши «баднамо», дейди ва ўзига ҳам бу меванинг кўриниши ёқмагани боис «баданомдур», дея илова қилади.

«Бобурнома»даги Мовароуннаҳрнинг мева ва полиз экинларига доир қиёслашларда биз Ҳиндистондаги анба мевасига берилгани каби кенг ва батафсил таъриф-таъсифни кўрмаймиз. Чунки Бухоро, Андижон вилояти ва туманларида етиштириладиган мевалар ҳақида фикр юритганида уларни ўқувчилар изоҳларсиз ҳам тушунишига муаллифнинг ишончи комил бўлган. Шу боис, бу қиёслашларда меваларнинг мазаси, таъми, ранги, пўстловининг қалин-юпқалиги, ҳосилдорлиги ва бошқа жиҳатлари борасида фикр юритилади. Бу қиёслашларнинг яна бир муҳим жиҳати Бобурнинг юксак даражадаги тасвирлаш ма-

ҳорати билан беклиқ. У бирор-бир туман ёки вилоят аҳлининг ҳамиятига тегмасликка, одилона фикр юритишга интилган. Қаранг, «Мовароуннаҳрда Бухоро қовунича кўб ва хўб қовун бўлмас» деган жумлани ўқиган ўқувчи Мовароуннаҳрнинг бошқа жойларида етиштириладиган қовунлар мазаси ва турларига кўра Бухоро қовунига тенг келолмаслигига ишонади. Шу жумладан сўнг Бобурнинг ўзи ҳам қатъий фикр айтганини ўйлаб мулоҳаза қилган бўлса керак, «агарчи» сўзи орага тунади. Бу — Бобурнинг юрт билиши, тафаккури теранлиги, ҳар бир нарсга тўғрисида пухта ўйлаб хулоса чиқаришига яққол мисол. У Бухоро қовунларини Ахсининг номдор қовуни билан солиштиради: «Агарчи Фарғона вилоятидин Ахсининг бир навъ қовуниким, «миртемурий» дерлар, мунинг қовунидин чучукроқ ва нозукроқ бўлур». Бу ўринда гап Мовароуннаҳр қовунларининг сернавлиги, сифати ҳақида боргани боис, Бобур яна «вале»га жой қолдиради. Унингча, барибир, Бухоро халқи қовунчиликда уста. Агар Ахси бир нав қовунда пухрат тутган бўлса, «вале Бухорода ҳар жинс қовундин кўб бўлур ва яхши бўлур».

Бир қараганда, “Бобурнома”да ҳайвонот, наботот, табиат манзараси, қушлар олами таърифининг берилиши оддий ҳолдек туюлади. Аслида эса бу таърифларда Заҳриддин Бобурнинг чуқур фалсафий идроки, атрофимиздаги жонли ва жонсиз оламни яхлитликда бир макон ва замонда мушоҳада эта олиндек кучли мантиқи мавжуд. Қулон, тустовуқ, каклик, бедана каби жонворлар ҳақида фикр юритганда Бобур, албатта, шу мавжудотларнинг яшаши учун зарур шароитлар: табиат, иқлим, релйеф, ўсимликлар дунёси, жангалзору буталар, уларнинг озиқа захираси, шу билан беклиқ йил фаслларининг ўзаро мувофиқлиги, хуллас, барча омилларни назарда тутди. Ўқувчи “Бобурнома”ни мутолаа этгани сари ўзи билмаган, эшитмаган ёки кўп кўрган бўлса-да, эътиборсиз қолдирган жиҳатларни англаб, муаллифнинг зийраклиги, зукколиги, фикри теранли-

гига тан беради. Бобур насри поэтикаси, аниқроғи, нозик фалсафасини ўзида мужассамлаштирган бу хусусият асардаги ҳайвонот олами таърифи билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Бобур услубидаги таққослашда ҳайвонот олами алоҳида ўрин тутadi. Масалан, унинг Ҳиндистонда кўп, аммо Хуросон ва Мовароуннаҳрда учрамайдиган каркни тасвирлашдаги маҳоратини олайлик. У «Бобурнома» ўқувчиси учун унча маълум бўлмаган бу ҳайвон ҳақида ҳикоя қилар экан, имкони борича уни аниқ, тунгунарли сўзлар билан изоҳлашга интилади. Шу боис, каркни кўпчилик биладиган ҳайвонлар — фил, от, кўтос билан қиёслайди. Ҳайвонлар фақат жуссаси, терисининг ранги ва жисмоний хусусиятларига эмас, балки сезгиларининг нозик жиҳатларига кўра ҳам қиёсланади. Ўқувчи каркни мутлақо кўрмаган бўлса ҳам, асардан у ҳақда жуда кўп маълумот олади:

«Яна каркдур; бу ҳам улуг жониворедур, захомати уч говмишча бўлмай. Ул сўзким, ул вилоятларда манхурдурким, карк филни шох била кўтарур эмиш, холибо ғалаттур. Бир шохи бор, бурнининг устида, узунлиги бир қаришдин кўпрак, икки қариш худ кўрулмайдур. Бир улук шохидин бир обхўра кишти бўлди, яна бир нарднинг тоси бўлди, яна уч-тўрт эллик ҳам шояд ортти экин. Териси бисёр қалин бўлур. Қаттиқ ёй била бағалкушо ва хўб тўлдуруб урсалар, яхши кирса, тўрт эллик кирар. Дерларким, пўстининг баъзи ерларидин ўқ хейли ўтар эмиш. Икки қўлининг қошидин ва икки бутининг қошидин тixи тушубтур. Йироқдин ёпуғ ёпқондек кўрунур. Ўзга ҳайвоноттин отқа мушобаҳати кўпрактур. Нечунким, отнинг улук қорни бўлмас, мунинг ҳам улук қорни йўқтур, нечунким, отнинг ошук ўрнида парча сўнгаги бўлур, мунинг ҳам ошук ўрнида парча сўнгаги бор; нечунким отнинг илигида кўмук бўлур, мунинг ҳам илигида кўмук бор...»

Хондамир «Ҳабиб ус-сияр» асарида ҳайвонот олами борасида маълумот бериб, карк (каркидон) ҳақида ҳам ёзади. Агар Хондамир маълумоти «Бобурнома» билан бир вақтда ёзилганини инобатга олсак, Хондамир ҳам бу ҳайвонни фил билан қиёслагани тушунарли бўлади. Бироқ масалага таққослаш санъати мезони билан ёндашсак, Бобур тасвири, аввало, қиёсий таҳлил жиҳатидан илмий мукаммал чиққанини кўрамиз.

«Каркидон ташқи қиёфасидан говмишга яқин. Унинг учи ўткир, бурнининг устида жойлашган биттагина шохи бор. Шу шохи ила фил билан уришади. Шохни синдириб кўрганда унинг ичи кишини ҳайратда қолдирадиган тарзда нақшли, гўзал чизмаларга бой эканлиги билинади. Чин хоқонлари каркидон шохини жуда қадрлайдилар ва ундан камарбандлар ясагадилар. Каркидоннинг жуссаси барча хонаки ва ёввойи ҳайвонларнинг гавдасидан бақувватдир. Шундай ривоятлар борки, каркидон шунчалик қувватга эгаки, филни ўз шохи билан кўтаради ва ҳалок бўлгунга қадар кўтариб гураверади. Шунда каркидоннинг кўзи филнинг қони ва ёғидан тўлиб, ҳалокатига сабаб бўлар экан. Каркидон ва филни шундай ҳолатда кўрган бир ўлканинг кишилари уларни ўзлари яшайдиган жойга олиб бориб, анча вақт бу ҳайвонларнинг гўштини тановул қилар эканлар. Айтишларича, каркидон ҳомилали бўлганда боласини қорнида тўрт йил, айрим ривоятларга қараганда — етти йил кўтариб юрар экан ва туғилиш вақти етганда боласи онасининг қорнидан бошини чиқарар ва шу ҳолда бир неча вақт ўглаб юрар экан»<sup>\*</sup>. (Назаримизда, Хондамир юқоридаги маълумоти охирида каркидонни кенгуру билан адаштирганга ўхшайди; форс тилидан таржима бизники — Ҳ.Қ.).

<sup>\*</sup> *Ғиёсиддин Хондамир*. Тарихи Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар. 4-жилд. Техрон, 1333 қамарий йил, 292-бет. (Бундан кейинги бу китобдан олинган парчалар ҳам муаллиф таржимасида берилади.)

«Бобурнома»да кишини ҳайратга солувчи тасвирлар кўп. Аксарият ҳолларда улар қиёслаш санъати орқали ифода-ланган. Юқоридаги мисолларда биз асосан бир жинсли предмет ва воситалар, ҳайвонлар қиёсини кузатдик. Қуйи-даги парча Бобурнинг қиёсий таҳлилда юксак даражага эришганига яна бир мисол. У бу ерда хурмо дарахти ху-сусиятини ҳайвон ҳаёти билан қиёслайди. Бири жонли, бошқаси — жонсиз. Бироқ Бобур улар орасида умумий биологик бирликни кўради. Олимнинг далиллари ниҳоят-да ишончли ва қизиқарли: «Дерларким, наботот орасида хурмо дарахтининг икки иши ҳайвонотқа ўхшар: бир ул-ким, нечунким, ҳайвонот бошини кесарлар — ҳаёт мун-қатиъ бўлур. Хурмо дарахтининг ҳам боши кесилса, да-рахти қурур. Яна бир улким, нечукким, ҳайвонотдин бе-нар натижа ҳосил бўлмас, хурмо дарахтига ҳам нар хур-модин шохини келтуруб тегурмасалар, яхши бар бермас. Бу сўзнинг ҳақиқати маълум эмас».

Бобурнинг дуррож номли қушни тасвирлашида қиёс-лаш санъати янада яққолроқ кўринади. Дастлаб бу қуш-нинг жуссаси какликка ўхшатилади, кейин дуррожнинг қайси ўлкада, қайси тилда гапира олиши баён қилинадики, бу, албатта, диққатни тортади:

«Яна бир дуррождур. Бу Ҳиндистон махсуси эмастур. Гармсер вилоятларда бўлур, вале баъзи жинси Ҳиндистон-дин ўзга ерида бўлмас учун, муни тақриб била зикр қил-дим. Дуррожнинг жуссаси какликча бўлғай. Нарининг орқаси қирғовулнинг модаси рангидекдур, бўғзи ва кўкси қорадур, оқ-оқ туклари бордур, икки кўзининг икки ёнида қизил хатте тушубтур, тавре қичқирурким: «Шир дорам шакарак», анинг унидин масмуъ бўлур, «шир»ни қитдек айтадур, «дорам шакарак» худ дуруст муталаффиз бўла-дур. Астробод дуррожлари «Бот мени туттилар», деб қич-қирур эмиш.

Арабистон ва ул навоҳининг дуррожи «Бишшукри таду-мун нуъм» («Шукр қилсанг, неъмат фаровон бўлади»),

деб чорлар эмиш. Модаси қирғовулнинг юзларидек рангликдур. Нижровдин қуйи бўлур».

Бобурнинг қиёсий таҳлил санъати фақат юқоридаги мавзуларда эмас, балки темурий шаҳзода ва бекларнинг давлат бошқаришлари, саркардалик қобилиятларини чоғиштиришда ҳам аниқ кўринади. Бу услуб асар муаллифининг юрт, элатни, минтақа жуғрофиясини пухта билиши ва аниқ тасвирлашида ҳам ўз ифодасини топган. Бобурнинг кенг мушоҳада-мулоҳаза кўлами, тасвирда жуғрофия ва тарих илмларини уйғунлаштира олгани асар қимматини янада оспирган. Унинг Андижон, Кобул, Гардез, Ғазни ва, ниҳоят, Ҳиндистон ўлкаларини тасарруфига киритиб, ўз кузатишларини илмий йўсинда зикр этгани бунга мисол бўла олади. Асар давомида илмий мушоҳада мукаммал тарзда бадний тасвирга уйғун келган. Масалан, Ҳиндистон тарихи ҳақидаги муаллиф фикрлари воқеалар баёни ва шахслар тақдири тасвири билан уйғунлашиб кетган. Ўқувчи бу умумийлик туфайли тўлиқ тасаввурга эга бўлади.

Бобур ўз тасарруфига киритган мамлакатни тасвирлар экан, ўзидан олдин ҳукмронлик қилган лашкарбошиларнинг тутган сиёсатини ўзиникига қиёслайди. Бадний адабиётда қиёслаш, тазод санъати янгилик эмас, бироқ Бобурнинг таққослаши тарихий фактларга бой ва ишонарли бўлгани боис алоҳида мазмун касб этади. Айрим ўринларда бу фахрия жанрининг насрдаги намунасидек туюлади. Бобур ўзидан олдин Ҳиндистонда узоқ вақт ҳукмронлик қилган Султон Маҳмуд Ғози (Ғазнавий), Султон Шаҳобиддин Ғурий салтанати ҳақида ёзар экан, «Султон Маҳмуд, Ҳиндистонниким мусаххар қилди, Хуросон тахти анинг тахти забтида эди ва Хоразм ва Дорулмурз салотини анга мутиъ ва мунқод эди. Самарқанд подшоҳи анинг зери дас-ти эди. Черики икки лак бўлмаса, худ бир лак не сўз эди. Яна ғанимлари рожалар эди. Тамом Ҳиндистон бир подшоҳда эмас эди. Ҳар рожа бир вилоятга ўз бошича подшоҳлиқ қилур эди», дейди.

Бобурга хос қиёсий таҳлил жозибаси қуйидаги икки мисолда ҳам кўзга яққол ташланади. Бобур Афғонистон тасвирига алоҳида эътибор беради. Унинг Афғонистон тоғлари билан бу тоғларда яшовчи ерли аҳолини таққослаши чиройли бадний тасвирга айланган: «Яна Хожа Исмоил ва Дашт, Дуки ва Афғонистон тоғлари бир йўсунлук тоғлардур. Паст-паст, ўти оз, суйи танқис, йиғочсиз, баднамой, ярамас тоғлардур. Тоғлари эллариға муносиб тунгубтур, нечукким, «Тенг бўлмагунча, тўш бўлмас» дебтурлар. Оламда мундоқ ярамас вазълиқ тоғлар кам бўлғай».

Ҳақиқатан, бу юртнинг чиройли боғу роғлари билан бирга, ўсимлик, дов-дарахт ўсмайдиган тоғлари ҳам кўп. Бобур «паст-паст, ўти оз, суйи танқис, йиғочсиз, баднамой, ярамас», деб баҳо берар экан, бу тоғларни шу ерлик халққа ўхшатиб, «Тенг бўлмагунча, тўш бўлмас», дейди. Албатта, бунинг маълум сабаблари бор. Кобулни, Афғонистонни забт этган Бобур пуштун афғонлари, ҳазарийлар томонидан кўп қаршиликларга учраган, кўпгина бек ва аскарларидан айрилган, ўз навбатида, у ҳам бу халққа зугум ўтказган. Бу қиёсий тасвир «Бобурнома»дан шу боис жой олган.

Иккинчи мисолни эса ўқувчи диққатига таҳлилсиз ҳавола этамиз, чунки бу парчадаги маҳорат намунаси изоҳга муҳтож эмас: «Кобул узумидин Ғазни узуми яхшироқ бўлур. Қовуни ҳам Кобул қовунидин ортиқроқтур. Олмаси ҳам яхши бўлур... Кобулға боқа Ғазни ҳамниша арзонлиқтур».

«Бобурнома»да муаллиф ўзини шоҳ ва лашкарбони сифатида Иброҳим Лўдий билан зимдан қиёслайди, имкониятларини таққослайди. Бу таққослашда ҳарбий санъат, давлатни бошқариш, қўшинга муносабат каби масалалар ўз ифодасини топган. Бобур Иброҳим Лўдийнинг ҳарбий имконияти юқорилигини баҳоларкан: «Ғанимнинг ҳозир черикини бир лак ченарлар эди. Ўзининг ва умаросининг, минг-икки мингга ёвуқ фили бор дерлар эди... Агар мундоқ хаёл қилса эди, бир лак, икки лак ҳам навкар тута

олтур эди», дейди ва шундай имконият билан мамлакатни ҳар жиҳатдан мустаҳкам бошқариш мумкинлигини қайд этади. Бобур тасвирида Иброҳим Лўдийнинг барча жиҳатлари ўз аксини топган. Унингча, шоҳ, аввало, саҳонат-пеша ва эл дардини тушунадиган бўлиши керак. Бойлик-ка ўчлик, атрофидаги амиру навкарларини ризо қилмаслик давлат раҳбарининг иллатидир («Тенгри таоло рост келтурди, не йиғитини рози қила олди, не хазинасини улаша олди... Ўзи ярмоқ йиғиштурмоққа беҳад толиб, бетажриба йиғит эди»).

Демак, Лўдийнинг хасислиги, тажрибасизлиги юз минг-лик лашкарини мағлубиятга дучор қилган. Бобур бу қиёфани тўлиқ тасвирлаб бериш учун янги чизгилар воситасида тавсифни кучайтиради, рақибининг саркардаларга хос бўлмаган хислатларини ҳам оча боради. Чунончи, Лўдий шахсиятидаги беқарорлик, жангдаги бетартиб раҳбарлик, паришонлик шулар жумласидандир: «Не келиши саранжомлик эди, не туруши, не юруши эҳтимомлик эди, не уруши». Бу фикри ўз қўл остидагиларга аниқ етиб боришини сезган Бобур ажиб таққослашни лозим кўради. Асар давомида Шайбонийхон ҳақида илқ сўз айтмагани ҳолда, шу ўринда унинг ҳарбий санъатда устуңлиги ҳақида сўз юритади. Бу, бир жиҳатдан, Иброҳим Лўдий билан кутилган қақшатқич уруш олдидан аскарларини руҳий ҳозирлаш бўлса, иккинчидан, Бобурнинг Мовароуннаҳр ва Хуросонни рақибга осонликча ташлаб чиқмагани, ўша жанглар тажрибаси энди қўл келаётганини кўрсатиш зарурати эди. Муаллиф бу ўринда тазод санъатидан моҳирона фойдаланган. Жўғрофий жойлар, уруш қатнашчилари кайфияти, тарихий вазият тасвирларида Бобур юксак маҳоратини намоён этган: «Дедимким, сен буларни ўзбак хон (яъни Шайбонийхон — Ҳ.Қ.) султонларига қиёс қиламусен? Ул йил Самарқандтин чиқиб, Ҳисор келганда ўзбакнинг жамиъ хон ва султонлари йиғилиб, иттифоқ қилиб, бизнинг устумизга келур азимат била Дарбанддин ўттилар. Биз жамиъ сипоҳий ва мўғулнинг кўч ва молларини

маҳаллотқа киюруб-киюруб, маҳаллотни кўчабанд қилиб, беркиттук. Чун ул хошлар ва султонлар юруш-турушнинг ҳисоб ва яроғини билур эдилар, кўрдиларким, ўлук-тирикни Ҳисорда кўруб, Ҳисорни беркиттук. Ҳисор устига келмакнинг ҳисобин топа олмай, Чавониён павоҳиси Навондокдин-ўқ ёндилар. Буларни аларга ўхшатма, иш ҳисобини ва юруш яроғини қанда билурлар. *Тенгри рост келтурди, мен дегандек ўқ бўлди...*

Мустақилликка эришганимиздан сўнг советлар даври зуғуми ҳақида очиқ гапирадиган бўлдик. Хусусан, Заҳриддин Бобур ижоди борасида гап очилса, унинг меросини ўрганишда чеклашлар бўлганини айтамиз. Гоҳида Бобур ижоди мухлислари: “Ахир, совет даврида ҳам Бобур асарлари чоп этилди-ку, ўрганилди-ку!”, дейишади. Бу тўғри, албатта. Аммо адиб ижоди, шахсияти, услуби аслича ўрганилмади, у қолдирган маънавий мерос синчиклаб, теран таҳлиллар орқали мухлисларга етказилмади. Биреқлама ўрганиш, мумтоз манбаларни давр сиёсати, мафкурасига мослаб талқин қилишлар одатга айланди. Советлар даврида Бобурнинг ҳарбий санъати, ҳисобсиз лашкарни сақлаш, таъминлаш, уларни бир ёқадан бош чиқариб кўзланган мақсадга хизмат қилдириш илми ҳақида лом-мим дейилмади. Афсуски, ҳануз бу муҳим жиҳатни ўрганишга кириша олганимиз йўқ. Амир Темур, таъбир жоиз бўлса, ҳарбий доктринаси асосида ҳукмронлик қилган Бобур сиёсатида, аввало, черик-аскар кўнглини топиш, уни эътибордан четлаштирмаслик бош мезон бўлган. Бунга “Бобурнома”дан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Бобур сафдошлари билан Ҳиротдан Кобулга қайтишда Ҳиндукуш тоғидан қор кечиб ўтган, ўзи сафнинг олдида қорни шиббалаб йўл очган. Оддий фидойи аскар Дўстбекнинг ўлими уни қаттиқ изтиробга солган. Унинг амри билан аскар жасади Ҳазнига олиб келиниб, Маҳмуд Ҳазнавий мақбараси ёнида дафн этилган. Қолаверса, Бобур қўлга киритилган бойликлардан, беклар қатори, аскарларга ҳам муносиб улушлар белгилаб, тақсимлаган.

Иброҳим Лўдий маълумиятининг сабабини Бобур унинг жанг санъатини билмагани қатори, хасислигида, деб кўрса-тади. Ҳатто аскарларига вақтида маош бермаганини алоҳида қайд этади.

Айрим ғарблик олимлар Ҳумоюн, Комрон, Аскарӣй, Ҳиндолнинг оталарининг вафотидан сўнг улкан салтанатни бошқара олмаганликлари сабабини вақтида Бобурнинг саҳийлик билан ўа қўл остидагиларга чексиз бойликларни инъом этиб юборганида, деб билишади. Бу ҳақда инглиз тарихчиси Маллисон шундай ёзади: "... Бобур давлатнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш ўрнига хазинани ўгли, амалдорлари ва аскарларига саҳийлик билан тақсимлаб берди, бу эса салтанатдаги молиявий вазиятни қийин аҳволга солиб қўйган эди. Шунинг учун ҳам Ҳумоюнга отасидан иқтисодий инқирозга юз тутган, пойдевори нураб турган салтанат мерос қолган эди"

Бу — инглиз тарихчисининг фикри. Бироқ "Бобурнома" Ҳиндистонда Бобурнинг жуда оғир аҳволда қолгани, бу минтақанинг диққинафас ҳавосидан беклар ва қўшиннинг ўта безгани, уларда моддий манфаатдан кўра Ватан соғинчи устун келгани асосий муаммога айланганлиги ҳақида дарак беради. Бундай вазиятда лашкарни у зар кучи, сўз жозибаси билан асраб қолган эди. Ҳозирги пайтда тарихчи, сиёсатшунос, адабиётшунос олимларимиз олдида ана шу давлат бошқаруви системасини ўрганиш ва шу орқали Бобур шахсиятини янада мукамалроқ кўрсатиш вазифаси турибди. Бир жиҳатдан, инглиз тарихчиси ҳам ҳақ кўринади. Эҳтимол, Бобурнинг бағрикенглиги, ўта саҳийлик билан қўли остидагиларга инъомлар улашгани уларни биров айнитган, камровига кўнмаслик касалига мубтало этган. Агар бу жиҳатни Бобурнинг давлат бошқарувидаги камчилиги, деб қаралган тақдирда, айнан шу камчилик замирида ҳам буюк шахс мақсадини аниқ кўрса-

\* Л.П.Шарма. Бобурийлар салтанати. Тошкент, "Маънавият", 1998, 34-бет.

тадиган маънавий фазилат намоён бўлади. Бобур ўзи ва фарзандлари учунгина беҳисоб давлат орттириш, дунё бойликлари билан хазинасини тўлдиришни мақсад этмаган, Афғонистон ва Ҳиндистонга бу ишда юриш қилмаган. Унинг мақсади бобоси Амир Темур салтанатини тиклаш, барқарорлаштириш эди. “Хумоюннома”да Бобурнинг қизи Гулбаданбегим қуйидаги маълумотни қолдирган. Ундан хулоса чиқариш ўқувчилар ҳукмига ҳавола. Бунда сўз Бобурнинг Иброҳим Лўдий устидан валаба қозониб, ҳисобсиз бойликка эга бўлганлиги ҳақида боради: “У кишининг (яъни Бобурнинг — Ҳ.Қ.) қўлларига беш подшоҳнинг хазинаси тушди. Буларнинг ҳаммасини (жанг интирокчиларига) бўлиб бердилар. Шу вақтда ҳиндистонлик амирлар “Ҳиндистонда қадимги подшоҳлар хазинасидан харж қилиш айб ҳисобланади, аксинча, уларга қўшиб-қўшиб кўпайтирилади”, дейишади. Ҳазрат бунинг аксини қилиб, хазиналарнинг ҳаммасини (одамларга) тақдим қилдилар”<sup>\*</sup>.

Яна, Гулбаданбегим Бобур томонидан ҳисобсиз бойлик Хуросонга — турли беклар хонадони ва аъёнларига тортиқ этилганини ҳам ёзади.

Заҳириддин Бобурнинг қиёслаш санъати тасвир маҳоратидангина далолат бериб қолмай, айни пайтда унинг раият фаровонлигини таъминлаш, ҳар бир нарсадан имкон қадар унумли фойдаланиш борасида юритган фикрларида ҳам кўринади. Норанж меваси ҳақидаги мулоҳаза бунга мисол бўла олади. «Бобурнома»да норанж дарахти Ламғонот, Бажавр ва Савад деган жойларда ўсиши айтилади. Кейин эса ҳар жойнинг норанжи ўзининг шакли ва таъмига кўра таққосланади.

Ламғонот норанжи «кичикрак ва киндиклик (ўхшатишга эътибор беринг: киндиклик! — Ҳ.Қ.) бўлур», дея таърифланиб, кейин унинг ижобий («бисёр латиф ва нозук ва сероб») жиҳатлари орттирма сифат даражасида таърифланади. Дастлаб ўқувчи Ламғонот норанжини бун-

<sup>\*</sup> Гулбаданбегим. Хумоюннома. Тошкент, “Маънавият”, 1998, 36-бет

дай сифатлари боис, бетакрор, деб тасаввур этади. Бобур эса ҳар бир нарсага турмуш эҳтиёжи нуқтаи назаридан ёндашади. Норанж пўстининг нозиклиги — унинг сифати, демак, ейишли, кам исроф бўлади. Бу мевани узоқроққа олиб бориш савдо масаласи билан боғлиқ. Пўстининг нозиклиги бунга имкон бермайди. Уни ҳатто унча узоқ бўлмаган жойга ҳам олиб бориш мумкин эмас экан, чунки тез бузилади («нозуклутидиндирким, Ламёноттин Кобулгачаким, ўн уч-ўн тўрт йиғоч бўлғай, келтургунча баъзи норанжлар хароб бўлур»). Бу сатрларни ўқиган ўқувчида: зарурат туғилса қайси норанжни узоқроқ жойга олиб бориш мумкин, деган савол туғилиши мумкин. Бобур Ламёнот норанжини Астробод норанжи билан қиёслайди («Астробод норанжини Самарқандгаким, икки юз етмиш - икки юз саксон йиғоч бўлғай, элтарлар») ва кейингисининг бузилмаслигини айтади.

Асарда бу мевани қиёслаш Бажаврдаги норанж навлари тавсифи билан давом эттирилади. Бобур Бажавр норанжининг янги навини мисол келтиради, унинг катталиги, мазаси ва бошқа хусусиятларини таърифлайди («Бажавр норанжларининг улуғлиғи биҳича бўлур, суви кўптур ва ўзга норанжларнинг сувидин турпироқтур»). Бу қиёслашда муаллиф катта-кичикликни таъмга қарама-қарши қўяди. Демак, бу мева қанчалик катта бўлса, шунчалик нордон бўлади, нордони эса истеъмолга унча яроқли эмас. Бобур бундай дарахт жуда беор, норанж дарахтларининг бошқа турига қараганда кўп ҳосил беришини алоҳида таъкидлайди («Хожа Калон дедиким, Бажаврда ушбу жинс норанжнинг бир дарахтидин олиб санадук, етти минг норанж чиқти»).

Норанж хусусиятларини қиёслаш асарда турунж меваси таърифи билан давом эттирилади ва мевадан имкони борича чиқитсиз фойдаланишга, Оллоҳ берган неъматни тежаб сарфлашга эътибор қаратилади. Турунж меваси хисравий қовунча билан ҳажман солиштирилиб, кейин но-

ранж билан қиёсланади ва дарахтлар барги, мевасининг пўсти, таъми, шираси, яхши-ёмонлиги, чиройли-хунуклиги айтилади: «Яна бир норанж мушобиҳи мева турунждур. Бажавр ва Савад эли баланг дейдурлар... Турунж икки навъ бўладур: бири чучук ва бемаза ва дилочур. Чучук, еярга худ ярамас, магар пўсти мураббова ярагай. Ламвотнинг турунжи ушмундоқ дилочур чучуктур... Турунжнинг ранги норанж рангидин сарияроқтур».

Бунда Бобур қиёслаш ичида қиёслаш усулидан фойдаланган. Аввал норанж турунж билан солиштирилади, кейин турунжнинг навлари бир-бири билан қиёсланади. Шу тариқа, таққослаш мураккаблашиб боради ва ўқувчи турли меваларнинг хусусиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлади.

«Бобурнома»да қайси маъзуга доир нарса ва ҳодисалар таққосланмасин, муаллиф ҳар гал тўлиқ маълумот беришга интилади. Масалан, товус тасвирини олайлик. Бобур уни бошқа қўшлар билан қиёсламайди, балки урғочи ва нарипинг ўзаро фарқларини очиб беради. Нега энди Бобур бу гал мазкур усулни қўллаган? Чунки кўрган кишининг хаёлига дастлаб патлари чиройли товланадигани, тамаппо билан юрадигани товуснинг урғочиси, деган фикр келиши табиий. Аслида эса, товуснинг чиройлиси нари бўлади. Шу боис, Бобур кишини алдовчи ташқи қиёфа ва жинсий номутаносибликни ўқувчи онгига қиёслаш орқали сингдиришга ҳаракат қилган:

«Туюрдин: бир товусдур. Пурранг ва пурзёб жониворедур. Андоми ранг ва зебича эмас. Жуссада турнача бўлмай, турнача баланд эмастур (бу ўринда муаллиф яна ички қиёслаш услубини қўллаган — Х.Қ.). Нарининг ва модасининг бошида йигирма-ўттуз нар бордур, икки-уч эллик баландлиги бўлмай. Модасининг яна зеб ва ранги йўқтур. Нарипинг бошида тавқи савсанийдур, бўйни хушранг кўктур. Бўйнидин қуйи орқаси сариқ ва тўтаги ва кўк ва бинафша ранглар била мунаққаш воқиф бўлубтур. Орқасидаги гуллари кичикрак-кичикрак гуллардур. Орқасидин

қўйироқ ушбу ранглар билан мунаққаш улут-улут гуллар қўйруғининг учигача бордур. Баъзи товусларнинг қўйруғи бирар қулоч бўлур ва гуллуқ парларининг остида қисқароқ, ўзга қушларнинг қўйруғидек, қўйруғи ҳам бордур. Бу расмий қўйруғи ва қанотлари қизилдур».

Бу тасвир, қиёсий таҳлил намунасидан ташқари, муаллифнинг юксак бадиий салоҳияти, ҳайвонот олами ҳақида кенг тасаввуридан далолатдир.

Муаллиф нилагов ҳайвонини тасвирлашда юксак маҳоратини намоён этган. Бобур бу ҳайвон баландлигини от билан, рангини эса урғочиси билан қиёслайди ва кейин нарини тасвирлайди. У нилаговнинг ташқи кўриниши сув кўтосига монандлигини айтиб, модасининг рангини бўғу — маралга таққослайди. Бундай таққослаш ҳар томонлама синчковлик, билим талаб этиши табиий: «Яна нилаговдур, баландлиги отча бўлғай. Оттин бир нима ингчакрактур, эркаки кўктур. Бу жиҳаттин волибо нилагов, дерлар. Икки кичикрак шохи бор. Бўғзида бир қариндин узунроқ туки бордур. Баҳрий кўтасга мушобаҳоти бор. Тувоғи уйнинг тувоғидек айридур. Модасининг ранги бўғу — маралнинг рангидектур. Шохи ҳам йўқтур. Бўғзидаги туки ҳам йўқтур. Эркакига боқа тупчоқ вазъдур».

Муаллиф нилаговнинг эркаки ва модасини фарқлаш учун кичик деталларга ҳам катта эътибор берган (эркагида «икки кичикрак шохи», бўғзида эса узунроқ туки борлиги, модасининг шохи йўқлиги, эркакига нисбатан «тупчоқ вазъ» эканлиги ва бошқалар).

«Бобурнома»да қиёслаш баъзан деталлар орқали эмас, балки умумлашма тарзида ҳам келган. Бундай қиёслаш объекти сифатида катта минтақа ёки инсон фаолияти олинган. Масалан, Нижров, Ламғонот ва бошқа тоғлардаги ҳайвон турлари, қушларнинг Ҳиндистонда бор-йўқлиги қиёсланади: «Бу тоғларда (Нижров, Ламғонот тоғларида — Ҳ.Қ.) Ҳиндистон қушлари, Ҳиндистон жониворлари бисёрдур, мисли тўти ва шорак ва товус ва лўча ва маймун

ва нилагов ва кўтаҳпой, балки бу мазкур бўлгон жониворлардин дағи ўзга-ўзга жинс қушлар ва жониворлар бўлурким, Ҳиндустонда дағи андоқ жониворларни эпитилмайдур».

«Бобурнома»дағи қиёслаш санъати муаллифнинг бадиий маҳорати юксак, адабий-эстетик тафаккури теранлигидан, қолаверса, тарих, адабиёт ва бошқа фанларни чуқур билганидан далолат беради. Фақат бутина эмас. Ҳар қандай таққослаш кишидан кенг билим, фалсафий, мантиқий мулоҳазани талаб қилади. «Бобурнома»дағи қиёсий лавҳалар ўқувчини ҳаёт воқеа-ҳодисаларига, атрофимизни ўраб турган жонли ва жонсиз мавжудотга синчковлик билан қараш, уларни чуқурроқ идрок этишга ундайди. Ниҳоят, «Бобурнома» мутолаасидан сўнг жисм, предметларни ўзаро қиёслаш ўқувчи учун кўникмага айланиб, кишида нарса ва шахсларга хос хусусиятларни чуқурроқ билишга интилиш ҳиссини тарбиялайди. Бу Бобурнинг маҳорати ва донишмандлигидан яна бир далолатдир. Хуллас, бадиий юксак иборалар, сўз ва атамалар билан безатилган, қисқа баён услубида ифода этилган қиёслашлар асарнинг ўзига хос ноёб нафосатини янада оширган.

## **2. «Саккиз сифати асил анинг зотиға мутассил эрди...»**

Давлат қурилиши ҳамиша ҳар бир мамлакат тараққиётининг устувор йўналиши бўлиб келган. Бугунги кунда Ўзбекистон ўзига хос тараққиёт йўлидан бориш учун бизда давлат қурилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Маълумки, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини, ҳокимият тармоқлари ваколатларини белгилаш, ижтимоий-сиёсий муносабатлар системасини яратиб, ҳуқуқий-демократик, иқтисодий, сиёсий асосларни мустаҳкамлаш каби масалалар давлат қурилишининг муҳим жиҳатларидир. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида

Давлат ва жамият қурилиши академияси ташкил этилди. Аслида давлат бошқаруви масаласи Ўзбекистон учун янгилик эмас. Бу борада буюк аجدодларимиз, хусусан, Амир Темур ва Заҳириддин Бобур улкан ютуқларга эришган.

Мазкур мавзунинг тадқиқотимизга бевосита тааллуқли жиҳати шундаки, ҳам адиб, ҳам шоҳ бўлган Бобур ўз асарида давлатнинг ички тузилишига, юртни бошқараётган турли тоифага мансуб шахсларга батафсил баҳо берган. Бу баҳо, биринчи галда, адабиётшунослик нуқтаи назаридан, Бобурнинг атрафидаги кишилар характери, уларнинг ижобий ва салбий хислатларини насрий асар бадиияти доирасида очиб бергани, муаллифнинг давлат бошқарувида оид қарашлари, унинг ягона темурийлар салтанатини асраш йўлидаги руҳий кечинмалари билан уйғунлашиб кетгани туфайли ҳам муҳимдир. Ана шу жиҳатни алоҳида тадқиқ этиш Бобур услубини янада чуқурроқ тушунишда асосий омил экани шубҳасиз.

Айни пайтда тарихчилар, ҳарбийлар, ҳуқуқшунослар Амир Темурнинг давлатчилик сиёсати, тажрибасини чуқур ўрганиб, ижобий жиҳатларини ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қилмоқдалар.

1404 йили Хитойга юриш бошлаган Соҳибқирон 1405 йил 18 февралда тўсатдан вафот этади ва орадан кўп фурсат ўтмай, фарзандлари, неваралари ўртасида тож-тахт учун кураш бошланиб кетади. Абдураззоқ Самарқандий «Матлаъи сатдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида бу ҳақда жуда кўп маълумотларни келтирган. Лекин Амир Темурдан кейин Мовароуннаҳрда 43 йил ҳукмронлик қилган Шохрух мирзо даври нисбатан осойишта бўлиб, бу подшо салтанат яхлитлигини асраб қолишга кўп ҳисса қўшган эди.

Абдураззоқ Самарқандий, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий ва бошқа муаррих ҳамда адиблар асарларида Амир Темур ҳамда унинг

ворисларининг давлат қурилишига доир қарашлари ҳақида тадқиқотчи олимларимиз анчагина фикрлар билдирганлар. «Бобурнома»да эса бу мавзу алоҳида мазмун касб этади. Чунки Бобур, Амир Темур вориси сифатида, бобоси салтанатини тиклашга интилиб, улкан давлатни бошқаришга алоҳида эътибор қаратмасдан иложи йўқ эди. Унинг ана шу мақсад йўлидаги интилиш ва иродаси инсоний феъл-атвори ва саркардалик истеъдодида ёрқин намоён бўлгани диққатга сазовордир. Бу мавзунини ёритиш Бобур шахси хислатларини очиш билан бирга, унинг одамшунослигини, давлат бошқаруви сирларини пухта эгаллаганини ва юксак бадиий истеъдод соҳиби эканини ҳам кўрсатишга имкон беради.

«Бобурнома»да давлат қурилиши масаласининг қандай ёритилганига тўхталишдан аввал, Амир Темурнинг ўғли Шохрухнинг бу борадаги фаолияти ҳақида фикр юритишга зарурат бор. Чунки Шохрухнинг Амир Темур салтанатига муносабати кўп жиҳатдан Бобурникига яқин.

Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асаридаги ҳар бир воқеа-ҳодиса тасвирида муаллифнинг Шохрух салтанати пойдевори мустаҳкам бўлишига хайрихоҳлигини, ўз ҳукмдорига садоқатини сезиш мумкин. Шохрух мирзо ўғли Бойсунғурнинг тажрибасизлиги, ёплигини инобатга олиб, амир Саййид Фахриддинни давлат ишларига бош қилиб қўяди. У эса «мустақил равишда соҳиби девонликда ўтириб қабул ёки рад, ҳал ёки банд қилиш ишларида яккаю ягона» бўлади ва оқибатда раият томонидан кўп шикоятлар келиб чиқади. Абдураззоқ Самарқандий бу амирнинг манманликка берилгани, ҳирси ошганию, онқўрлигини тасвирлар экан, нокас шахс қиёфасини яратади. У Саййид Фахриддин тасвирида ўзи эгаллаган бадиий санъатлар — муболаға, ўхшатиш ва истиорани аччиқ истеҳзо билан уйғунлаштириб, ҳирсда ҳад билмас кимса қиёфасини гавдалантиради. Саййид Фахриддин шахсияти мисолида биз темурийлар

салтанатида бойлик орттириш фақат тўғри ва ҳалол йўл билан, шариат аҳкоми ва инсоф юзасидан амалга ошганини, эл-юртга ўтказилган зулм орқали тўпланган мол-дунё, эришилган мансаб қораланганини кўрамизки, бу жиҳатлар муҳим ахлоқий-тарбиявий аҳамиятга молик: «Мирзо Бойсунғур девон маснадини шарафли қилган вақтда амир Саййид Фахриддин мустақил равишда соҳиби девонликда ўтириб қабул ёки рад, ҳал ёки банд қилиш ишларида яккаю ягона эди. У жуда кўп аъёнлар ва ҳадсиз буюмлар тўплаб, мол-мулкининг кўплигидан ўз даври Қорунига ва шавкат ғуруридан замон Фиръавнига айланган эди... Вазирлик савдоси унинг димоғини шишириб, молихуми сафроси калласи томон йўналди — юрак ўйноғи, нафас қисилиши, сариқ касаллигининг ранги ва истисқо тапналиги унинг ичу тошига ғалаба қилиб, туролмай ётиб қолди. Моҳир табиатнинг қўли унинг муолажасига кўтоҳлик қилди ва кинахор сийнаси вазирлик ҳасратига тўлган, дили интиқом шиддатида куйган, нафаси қиш шамолидек совутан, чеҳраси зарчувадек сарғайган ҳолда минг дарду андух билан ўз қилмишининг гирифтори бўлиб, вужуд бандидан халос бўлди».

Биз Абдураззоқ Самарқандий асарида бу парчани бежиз келтирмадик. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг юртни бошқаришга, теурий шахзодаларнинг ҳамжиҳатлигига, аҳиллигига оид қарашлари жуда кўп жиҳатлари билан Шохрух мирзо қарашларига мос. Бобурнинг ҳаёт таълимини Амир Темур ўтитлари қатори, бу подшодан ҳам олгани эҳтимолдан узоқ эмас.

Бобур асарида асосий эътиборни давлатдорликнинг қайси жиҳатларига қаратган, асосан унинг қайси томонини ёритган? Бу масалага Бобурнинг шахсий хислатлари ва характеридан келиб чиқиб ёндашган маъқул. «Бобурнома»нинг охирида исми номатълум қолган котиб шоҳ Бобур хислатларига қисқа, аммо аниқ баҳо бериб, шундай ёзади: «Ва маҳолдурким, ул подшоҳи қобилнинг яхшиликларини

айтган билан ва битиган билан тугангай. Лекин муҷам-  
мал буким, секкиз сифати асил анинг зотиға муттассил  
эди». Биз ҳам Бобурнинг Амир Темур давлатчилиги қурили-  
ши давомчиси сифатидаги ўзига хос жиҳатларини шу сак-  
киз хислатини талқин этиш билан ёритишни лозим кўрдик.

**«БИРИСИ БУКИМ, НАЖҲАТИ БАЛАНД ЭДИ...»** Бу таъ-  
рифда Бобурнинг нуфузи, обрў-эътибори баландлиги на-  
зарда тутилган. Ҳақиқатан, Бобур 12 ёшдан бошлаб юр-  
тни бошқаришга киришганида Амир Темур салтанатини  
бутун сақлаш, теурийзодалар орасида нифоқ ўрнига  
дўстлик, ҳамжиҳатлик ўрнатишни ўз олдига асл мақсад қилиб  
қўяди. Шу мақсад йўлида у имкони борича рост ва тўғри  
гапни айтишни лозим кўради. Мовароуннаҳр яхлитлиги ва  
Самарқанднинг пойтахт сифатидаги шухрати учун кураш-  
ган Бобур энг яқин кишилари — теурийзодаларнинг  
мамлакатни парокандаликка олиб келаётганликларини,  
яъни ўзаро низолар бобоси Амир Темур давлатини майда  
феодал давлатларга бўлиб юбораётганини кўриб ачинади.  
Шайбонийхон Аму дарёдан кечиб, Ҳирот сари лашкар  
тортганда, Бобур Ҳусайн Бойқаро билан бирлашиб, ғаним  
устига лашкар тортишни таклиф этади. Бироқ Ҳусайн  
Бойқаро бу таклифни қабул қилмайди, оқибатда Бобур  
яккаланиб қолади...

Эҳтимол, Ҳусайн Бойқаро нисбатан тинч, узоқ муддат  
феодал курашлардан холи бўлган ҳокимиятини яна уруш-  
га тортишни истамагандир. Бироқ Бобурнинг Амир Те-  
мур салтанатини бутун асраб қолишдек ақидасига Ҳусайн  
Бойқаронинг бу қарори мос келмагани аниқ.

Бобур Ҳусайн Бойқаронинг етук саркардалигига, қилич-  
бозликдаги маҳоратига тан бериб, унинг замонида «ҳар  
кимнингким бир ишга машғуллиги бор эди, ҳиммати ва  
ғарази ул эрдиким, бу ишни камолға еткурғай», деса-да, энг  
зарур вазиятда бирлашиб Шайбонийхонни мағлуб этишга  
бош қўшмай, урушнинг иккиламчи ташвишлари билан банд  
бўлганини кечира олмайди: «Султон Ҳусайн мирзодек

Темурбек ўрунига ўлтурғон улут подшоҳ ванимининг устига юрумакни демай, ер беркитмакни («Тирмиз ва Килиф ва Карки гузарларида кема мунча ясанг, кўпрук асбоби бу миқдор тайёр қилинг» — бу сўзлар Ҳусайн Бойқароники — Ҳ.Қ.) деса, эл ва улусқа не умидворлиқ қолгай?».

Тарихий манбаларнинг далолат беришича, айти шу даврда ёш Заҳириддин Бобур кўп руҳий ва маънавий азобларга дучор бўлган. Яқин қариндошлари, бек ва темурийзодалардан кутилган нажот умидсиз қолган, фидойилиги қадр топмаган. «Ҳумоюннома»да ўқиймиз: «У Ҳазратга (яъни Бобурга — Ҳ.Қ.) дуч келган уқубат ва хатарлар оз подшоҳларга дуч келган. Икки қайта Самарқандни қилич зўри билан фағҳ қилдилар... Олти ой давомида Самарқандни олмоққа уриндилар, лекин мақсадларига ета олмадилар. (Чунки) Самарқанддаги амакилари Султон Ҳусайн мирзо Бойқаро каби Қошғарда бўлган тоғалари — Султон Маҳмудхон ҳам ёрдам юбормадилар. Ҳеч жойдан мадад ва ёрдам келмагач, маъюс бўлдилар».

Эътибор берайлик, «Бобурнома»даги матнда Бобурнинг маъюслигига ишора йўқ. Аксинча, темурийзодаларнинг тарқоқлиги, салтанатни асрашга лоқайдлиги уни вазаблантирган, холос. Назаримизда, Бобур бу ички дарди, афсус ва надоматини насрда ифода эта олмаган. Аксинча, бу дард шоир Бобур дилидан назмда — қуйма рубоийда кучли изҳор этилган:

*Гар меҳр била бу чарх эврулса эди,  
Жонлардин анинг жавфи керак тўлса эди.  
Бобур киби жонга меҳр боалар эрдим,  
Гар ушбу жаҳонда меҳри жон бўлса эди.*

Бобур салтанатни асраш учун темурий шаҳзодалар бирлашмасликлари, уларнинг тож-тахт ва ворислик учун ўзаро якдил бўлиб курашмаётганликларидан изтироб чека-

ди. Темурийлар салтанатини инқирозга олиб келган ана шу иллатларга қарши фикрларга «Бобурнома»да кўп дуч келамиз. Бобур бобоси Амир Темурнинг валиаҳдликни ўғли Шохрух ёки набираси Халил Султонга эмас, балки суюкли набираси Мирзо Пирмуҳаммадга васият этгани кибру ғурури баланд шаҳзодаларнинг норозилигига сабаб бўлганини яхши биларди. Шу боис, у тўнғич ўғли Хумоюн мирзога биродарлари Ҳиндол, Комрон, опа-сингиллари билан ҳаминча ҳамжиҳат бўлишни уқдириб, васият қилар экан, унга аталган мактубида (бу мактуб Бобурнинг бошқа ўғилларига ва яқин беги Хожа Қалонга ҳам юборилган) ёзади: «Агар менинг ризомни тиларсен, хилватнишинлиқни ва эл бида кам ихтилотлиқни бартараф қилғил. Кунда икки навбат ишингни ва бекларни ихтиёрларига қўймай, қошингга чарлаб, ҳар маслаҳат бўлса кенгашиб, бу давлатхоҳларнинг иттифоқи бида ҳар сўз-унга қарор бергайсен».

Бобурнинг амир ва беклар билан муносабатида давлатни бошқариш, андишали сиёсат юргизиш истаги устунлигини кўрамиз. Унингча, давлат бошлиғи — шоҳ ўз яқинлари, бек ва мулозимларига юксак инсоний муомалада бўлиши, турли сабаб ва гина-кудуратлар боисидан уларни ўзидан четлаштирмаслиги лозим. Агар шоҳ майда низо, арзимас миш-мишларга эргашиб, салтанатини тўғри бошқара олмайди, бу эса фақат рақибга кўл келади. Бобур Шайбонийхон билан уруш олиб борган кезлари Фаррух арғун, Қора Булут, Зуннун арғун сингари беклари Қалот шаҳрини топшириб, унинг ҳарбий режасига қарши чиқадилар. Оқибатда эса улар Бобурнинг ҳақлигини англаб, таъзим бажо этиб «соғдоқ, қиличларини бўйинларига осиб» келадилар. Аслида бундай гуноҳ шафқатсиз жазога лойиқ эди, бироқ Бобур «бу табақага музоҳим бўлмоқ менинг гаразим эмас эди», дер экан, қаршисида Шайбонийхондек кучли душман турганда бекларини жазоласа, элнинг таъна-маломатига қолишини билади. Унинг давлат бошқарувидаги бу сиёсати кўп жиҳатдан ибратлидир: «Қалотни Зун-

нун арғун Муқимға бериб эди. Муқимнинг навкарларидин Фаррух арғун ва Қора Булут Қалотта эдилар. Соғдоқ, қиличларини бўйинларига осиб келдилар, гуноҳларини афв қилдик. Бу табақага музоҳим бўлмоқ менинг қаразим эмас эди, не жиҳаттинким, ўзбакдек ғаним ёнимизда туруб экин, орада мундоқлар бўлса, йироқтин-ёвуқтин эшитган-кўрганлар не дегайлар?».

Шоҳ Бобурнинг ота сифатида ўғилларига берган бу ўғити шунчаки тарбия эмас, балки Амир Темур васиятларининг бардавомлигидир. Қолаверса, темурий шаҳзодалар, алаалхусус, Ҳусайн Бойқаронинг ўз ўғиллари билан носозлиги, тож-тахт учун талашишлари ҳам Бобур учун катта ибрат бўлган эди.

Унинг назарида, Ҳусайн Бойқаронинг давлат бошқарувидаги яна бир камчилиги — ўғилларининг бирини бошқасидан устун қўйишидадир. Бу эса мамлакатни ягона сиёсат воситасида бошқаришга имкон бермаган, уни таназулга олиб келган сабаблардан бири бўлган. Бобурнинг Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Музаффар мирзо ҳақидаги фикри бунга далил: «Яна бир Музаффар мирзо эди. Султон Ҳусайн мирзонинг суюклук ўғли бу эди. Агарчи хейли суйгудек ахлоқ ва афъоли ҳам йўқ эди, ўғлонлари мунки кўп отруқ кўргани учун аксар ёвийқтилар».

Бобур ҳақ эди: модомики шоҳ ўз фарзандларини инсофга, одобга чақира олмас экан, юрт хароб бўлади, салтанат инқирозга юз тутати. Ҳақиқатда, Ҳусайн Бойқаро салтанати шу даражага бориб етадики, Ҳиротта икки ўғлини «баширкат» подшоҳ деб эълон қилинади. Бундан ҳайратга тушган Бобур ёзади: «Бадигуззамон мирзо била Музаффар Ҳусайн мирзони Ҳири тахтида баширкат подшоҳ қилдилар... Бу қариб амре эди, ҳаргиз подшоҳлиқта ширкат эшитилган эмас».

Ҳусайн Бойқаро фарзандларининг тож-тахт учун кураши, Ҳирот шаҳрига иккиси «баширкат» ҳоким бўлиши Бобурга қаттиқ таъсир этган, чоғи. Бундай мантиқсиз во-

рисийлик ўзаро ҳурмат оёқ ости бўлиб, ота-ўғил, ака-укада меҳр қолмагандагина юзага келиши мумкин. Бироқ, Бобур фикрича, шундай вазиятда ҳам бу сиёсий ўйин амалга ошмаслиги лозим эди. Бундай подшоҳликдан бекликни афзал билган Бобур салтанат учун курашда ҳам мардлик, ҳамият, орият мезон бўлишини уқтиради. «Бобурнома»дан келтирилган юқоридаги парчада ўз фикрини тўлиқ айтмаган шоир Бобур қуйидаги қитъада уни ривожлантиради. Ҳақиқатда назм имконияти бунда ўз кучини аъло даражада кўрсата олган:

*Қолмади ҳурмат аҳли оламда,  
Оламу олам аҳлидан юв иллик.  
Бобуро, икки подшоҳлиқдин  
Яхшироқ бу замонда бир беклик.*

Бобурнинг салтанат бошқарувига оид бундай қарашлари, фаолият усули унинг Кобул ва бутун Ҳиндистонни забт этишига, шуҳратига шуҳрат қўшилишига, «нажҳати баландлиги»га асос бўлди.

**«ИККИМЧИСИ, ҲИММАТИ АРЖУМАНД ЭДИ...»** Заҳириддин Бобур ҳукмдорликда темурий шаҳзодалар орасида ҳиммати баландлардан эди. Унинг фикрича, подшоҳликнинг асосий шартларидан бири адолат билан иш юрита олишдир. «Бобурнома»да асар муаллифининг ҳимматлилиги салтанат асосини ташкил этганига далиллар кўп. Афронистоннинг Нингнаҳор вилоятида амакиси Мирзо Улуғбек қурдирган боғни унинг айни пайтдаги эгаси — бир кампирдан нархидан ортиқ пул бериб, рози қилиб олгани (тортиб олмагани), Ҳиндистонни забт этганда қашшоқликда қолган бир қишлоқ аҳлига кўп ҳадялар берганида ҳам унинг ҳимматини кўрамыз. Яна бир мисол. Бобур ўз асарида ўша давр уруш вазиятидаги тартиб-қоидаларни ҳам зикр этган. Аскарлари Қалот йўлида учраган Ҳиндистон савдогарларини талашни ихтиёр этганда у қар-

ши чиқади, бу амал адолатдан эмаслигини («Дедимким, савдогарнинг не гуноҳи бор, мундоқ жузъий-жузъий фойдадин Тенгри ризосини арода кўруб кечсак, мунинг муқобаласида куллий-куллий фавоид Тенгри таоло рўзи қилғусидур») ва савдогарлардан «пешкаш расми била бирор нима» олганини айтади.

Лекин Бобур химматни фақат иқтисод билан белгиламайди, балки дўста ардоқли ва бағрикенг бўлмоқни давлат бошқарувининг бош омилларидан ҳисоблайди. Унинг фикрича, подшоҳни ҳамиша содиқ кишилар ўраб туриши керак. Уларга ишончсизлик, садоқатсизлик, уларнинг маслаҳатсиз иш юритиш салтанатни инқирозга олиб бориши билан тенг. «Бобурнома»да муаллиф бутун умри давомида ўзига садоқат кўрсатган Қосимбек образини яратади. Унинг, бошқа мулозиму амирлари қатори, шакл-шамойили, хулқи, шеър адабиётга лаёқати ҳақида гапирмайди, балки уни ўз шоҳига ўта вафодор, кордон, мулоҳазали шахс сифатида гавдалантиради. Қосимбек — дўстлик ва содиқлик намунаси. Шароит қанча мушкул бўлмасин, у Бобурни танҳо қолдирмайди, ёши улувлиги боис ҳали ҳаёт тажрибаси етарли бўлмаган шоҳни яқинлашаётган хавф-хатардан огоҳ этади, обрўсини аҳтиёт қилади. Қосимбекнинг мавқеи шу даражага етадики, Афғонистонда асир олинган аксар туркман ҳазараларини қатл этиш шахтидан Бобурни қайтаради («...хаёлимда бу эдиким, тушган юртта турлук-турлук азоб ва уқубат била ўлтургайларким, жамиъ раҳзан ва саркашларга ибрат бўлвай. Йўлда Қосимбекка йўлуқуб, бемавқий тараҳҳум қилиб, халос қилибтур»). Қосимбекнинг бу ҳаракатидан таъсирланган Бобур қолган асирларни ҳам озод этади.

Бобур Қандаҳорни эгаллаб, шаҳар хазинасини қўлга киритгач, бир муддат шу ерда қолмоқчи бўлади. Бироқ шароитни яхши англаган Қосимбек унга шаҳарда қолиш хавфли эканини билдиради. Бобур шоҳлигига қарамай, ўз бегининг мулоҳазали, оқилона фикр юритишини мардлар-

ча тан олади ва ундан миннатдор эканини яширмайди: «Шайбоқхон Ҳиридин тоғ йўли била мени Қандаҳорда хаёл қилиб, Қандаҳор устига илғар, ушмунни мулоҳаза қилиб, Қосимбек тажрибалиқ киши муҳассиллиқлар била Қандаҳордин бизни кўчурди:

*Ҳарчи дар оина жавон бинад,  
Пир дар хишти пухта он бинад.*

(Мазмуни: Ёш киши кўзгуда нимани кўрса, қари уни пишган рингта кўра олади).

Бобурнинг Қосимбек шахсиятига муносабати кўп жиҳатдан Амир Темур давлатдорлик сиёсати принциплари-ни очиб беришини назарда тутиб, яна бир эътиборли мисолга мурожаат этамиз. Бобур фикрича, подшоҳ ҳаминша содиқ мулозимларининг маслаҳати билан иш тутиши керак. У мағлубиятга учраб, тушкунликда қолган пайтда Қосимбек юксак фаросатли элчи сифатида шоҳининг обрўсини ҳимоя қилади: «Бадигўззамон мирзонинг девонхона уйига етгук, муқаррар андоқ эдиким, мен уйдин киргач, юкунғаймен, Бадигўззамон мирзо кўпуб араққа келгай, доғи кўрушулгай. Мен уйдин киргач, бир юкундум, доғи бедаранг мутаважжих бўлдум, Бадигўззамон мирзо оҳистароқ кўпуб, сустроқ юруди.

Қосимбек чун давлатхоҳ эди ва менинг номусим анинг номуси эди, белбоғимдин бир тортти, воқиф бўлдум. Таанни била юруб, муқаррар бўлгон ерда кўрушулди...» (Таъкидлар бизники. — Ҳ.Қ.).

Гулбаданбегим «Ҳумоюннома» асарида падари ҳимматининг аржумандлигига бир неча мисоллар келтиради. Бу, аввало, Бобурнинг аёл зотига бўлган юксак эҳтироми ва эътиборида ўз аксини топган. «Бобурнома»да ҳам айни шу мавзунини кўп учратамиз. Аммо Гулбаданбегим келтирган мисолларда тарихчи аёл қарашлари — Бобурнинг аёлларни нақадар эъозлагани айнан аёл киши томонидан зикр этилгани диққатни тортади.

Ҳиндистон фатҳ этилгандан сўнг Бобурнинг фармони ва истаги билан бу юртга Хуросон ва Мовароуннаҳрдан кўпчилик беку аъёнлар, аёллар, жумладан, Султон Абу Саид мирзонинг қизларидан Гавҳаршод бегим, Фаҳри Жаҳон бегим, Хадича Султон бегим, Бадигўлжамол бегим, Оқ бегим, Султонбахт бегим ва бошқалар келадилар. Бобур уларнинг ҳар бирига ҳисобсиз инъомлар беради, эҳтиром кўрсатади. Гулбаданбегим асаридан олинган қуйидаги парчада унинг юксак одабийлиги, ҳиммати, соф инсоний андишаси, хуллас, комиллиги ўз аксини топган. Асарда ёзиллишича, хотини сўнгсиз ташвишлардан чарчаган Бобурнинг бироз ором олишини тилаб, зодагон аёлларни унинг ҳузурига чақириш лозим, деган фикрни айтади. Бир қарапда, бу ҳам меҳрибонлик, оддий ҳол. Аммо Бобур буни темурийлар саройи одобини бузиш, аёлларга ҳурматсизлик, деб билади ва маликани изза қилади: «Подшоҳ ҳазратлари Огра шаҳрида тўрт йил турдилар. Ҳар жума куни аммаларини кўргани борар эдилар. Бир куни ҳаво ниҳоятда иссиқ эди, онам ҳазратлари: «Бутун ҳаво ниҳоятда иссиқ, агар жума куни кўргани бормасангиз нима қилади, бегимлар бундан хафа бўлмасалар керак», деб сўрадилар. Подшоҳ онамга мана бундай жавоб бердилар: «Моҳим, сиздан бу гапнинг чиқиши таажжубдир. Ҳазрат Абу Саид мирзонинг қизлари ўз ота ва биродарларидан жудо бўлиб бу ерга келган, агар мен уларнинг кўнглини олмасам, унда нима бўлади».

Шу ўринда мазкур мавзуга боғлиқ бўлган Фиёсиддин Хондамирнинг Ҳусайн Бойқаронинг давлат бошқарувидаги энг муҳим жиҳат — амирларнинг хулқ-атвори, ўз вазифасига муносиблиги ёки муносиб эмаслигига доир қарашларини келтириш жоиз кўринади. Хусусан, «Ҳабиб ус-сияр» асарида зикр этилишича, XV—XVI асрларда темурийлар салтанати қанчалик мустаҳкам бўлмасин, айрим вилоятлар беклари, халқи муайян даражада мустақилликни ўзларида асраб қолишган, Ҳусайн Бойқаро амр-фармони-га ҳамилина ҳам бўйсунмаганлар. Шундай вилоятлар-

дан бири Туршиз бўлган. Хусайн Бойқаронинг беклари орасида Ҳожи Пир ўзининг илоийиқ хулиқи билан ном чиқарган, Султон ундан қутулиш йўлини тополмай юрган бир пайтда Алишер Навоий маслаҳат беради. Хондамир ёзади: «Мир (яъни Алишер Навоий — Ҳ.Қ.) уни (яъни Ҳожи Пирни — Ҳ.Қ.) катта тантана ва новораю сурнайлар садоси, ҳисобсиз навкарлар қуршовида у вилоят(Туршиз)га бошлиқ этиб юборади. Бироқ бу вилоятнинг одамлари ўта бўйин эгмайдиган, фосиқ, яккаш бўлганлиги учун ҳоким (доруға) этиб тайинланган киши озгина уларнинг чизивидан чиқса, уни подшоҳнинг рухсатисиз нариги дунёга жўнатганлар».

Мазкур воқеанинг давоми ва тафсилотларини Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарида ўқиймиз. Ҳақиқатан ҳам, Ҳожи Пирнинг зулм-истибдоди жонидан ўтган Туршиз аҳолиси охир-оқибат уни тошбўрон қилиб ўлдиради.

*«УЧИМЧИСИ, ВИЛОЯТ ОЛМОҲ...»* Заҳириддин Бобурнинг бобоси Амир Темурга кўпроқ ўхшаб кетадиган хислатларидан бири ҳам шудир. Мовароуннаҳрдан бенасиб қолган Бобур Кобулни эгаллар экан, бу ҳудуд иқлими, бойлиги ва моддий имкониятини обдон ўрганadi. Фақат иқтисодий имкониятларга таяниб давлатни бошқарса, молиявий тангликка учраб, инқирозга юз тутиши муқаррарлигини ҳис этади. Аскарлар учун зарур сарф-харажатлар ва бошқа чиқимлар учун бу юртдан олинган даромад камлик қилишини билган Бобур учун Амир Темур салтанати тасарруфидаги ерларни эгаллаш, имкони борича, кенгайтириш ва асраш орзуга айланади. Шу боис Ҳиндистон забт этилиб, унинг тасарруфига киритилади. Бобур вилоятларни кенгроқ эгаллаш, қўл остидаги ҳудудларда барқарор сиёсат юргизишни давлат қурилишининг асосларидан, деб билади.

«Бобурнома»да муаллиф Ҳиндистондаги тўрт йиллик ҳаёти, ерли халқнинг бот-бот салтанатига қарши қўзғал-

либ тургани, бож тўлашдан бош тортгани ёки уруш пайтлари бу қаршиликларни муттасил бартараф этиб туришга тўғри келганини ёзади. Айрим ҳолларда Бобур онгида шафқатсиалик эзгулик устидан юлиб келган. Бу жиҳат Амир Темурнинг давлат бошқарувида ҳам, Бобур сиёсатида ҳам кўзга аниқ тапланади. «Бобурнома»да муаллифнинг мулк олиш сиёсати кенг ва атрофлича, турли ранг, жилоларда ўз аксини топиб, кўпинча кишилар характерини ёритиш орқали намоён бўлади. Бундай ҳолатлар асар услуби ва йўналишини белгилайди.

Муҳими шундаки, Бобур дунёқараши тиниқ лаҳзалар баёни, ўзига хос иборалар орқали бизга етказилади, Афғонистон ва Ҳиндистонни тасарруфига киритиш жараёнида кўнглидан кечган изтироб ва шодлик, андиша ва қаҳр, қасд олиш ва кечириш хислатлари ёрқин акс этади. Ҳиндистон ерига кирган, унинг шаҳар, қишлоқларини эгаллай бошлаган Бобур минг андишага боради. Табиати, дини, урфодати, халқи, ҳатто ҳайвонот ва наботот олами ўзгача бўлган бу юртда муқим ўрнашиш кайфияти ва ниятидан келиб чиқиб, маҳаллий аҳоли билан тил топишини сиёсатини юргизишни лозим деб билади. Бироқ ҳиндларнинг ҳаммаси ҳам унинг сиёсати, давлатини бошқариш усулини маъқул кўрмаган эди. «Бобурнома»да Ҳозихон Ҳинду ҳақида фикр юритилади. Бобур гарчи бундай шахсларни, яхшиликка ёмонлик қайтгани боис, «кўрнамак» деса-да, ерли халқнинг ўз эли, Ватанига садоқати, руҳиятини жонли, ошкора ва холис тасвирлаб берганки, бунга қойил қолмай иложимиз йўқ. Ана шу қарама-қаршилик Бобурнинг ўзалигини, холислигини кўрсатади ва бундан унга нисбатан меҳримиз янада ошади. Зотан, «Бобурнома» ҳаққоний ёзилгани, унда воқеалар ҳалоллик билан баён этилгани учун ҳам жаҳон тадқиқотчилари эътиборини ўзига қаратган: «Илгари ўлтурғузуб, бир ҳиндустоний билур кишига буюрдумким, бу сўзларни бирор-бирор анга хотир нишон қила айткил, мундоқ дегилким, мен сени ота дедим, таъзим ва эҳти-

ромингни ул тариқким, сенинг хотиринг тилар эди, андин яхшироқ қилдим. Ўзуинги ва ўғлонларингни балужларнинг дарбадарлиқларидин қутқордим. Хайлхоналарингизни ва ҳарамларингизни Иброҳимнинг бандихонасидин халос қилдим. Уч карўр Татархоннинг вилоятини санга иноят қилдим. Сенинг ҳаққингда ёмон бордиммуким, тўшунг била белингга икки қилич боғлаб, черик тортиб, бизнинг вилоятларнинг устига келиб, мундоқ шўр ва фитна солурсен».

Бобур забт этган ҳудудларнинг халқи, уларнинг дини, тили, урф-одатлари баёни орқали бу халқларнинг ўзига бўлган муносабатларини ҳам белгилаб берган. Масалан, Афғонистондаги саркаш ҳазарийлар, афғонлар яшайдиган ерлар Бобур томонидан қаттиққўллик билан эгалланган, моллари ўлжа қилинган, мусодара этилган, бўйсунмаганлари қатли ом қилинган. Аксинча, алоҳида туркийнажот, асл қавмлари бобурийларга яқин бўлганларга марҳамат кўрсатилган, мулк босқини ҳам тўла амалга оширилмаган ёки заррача зиён етказилмаган. Бобур кўпинча маҳаллий аҳолини ўз томонига қаратишга интилиб, «душманнинг биттаси ҳам кўп», деган нақлга амал қилган. Қуйидаги мисолга аҳамият берайлик. Муаллиф маҳаллий халқнинг «гала қораларига тегмаслик»ни таъкидлар экан, бу халқнинг фақат мол-ҳоли, уй-жойи, экинларига эмас, ҳатто энг арзимас нарсасига ҳам тегмасликка амр беради. Шу жиҳатни у жуда ўринли, муносиб ибора — «ип учи» ва «игна синуғи» воситасида ифодалаган. Одатда чок тикилаётганда ипни игнага ўтказишдан олдин учи кесилади ва ташлаб юборилади, синиқ игна эса ҳеч нарсага ярамаслиги боис яроқсиз бўлади. Бу ўринли ўхшатиш фармон моҳиятининг нақадар юксак аҳамиятга эга эканлигини кўрсатган: «Чун ҳамиша Ҳиндистон олмоқ хотирда эди, бу бир неча вилоятларким, Бҳира ва Хупоб ва Чаноб ва Чанут бўлғай, неча маҳал турк тасарруфида эди, буларни худ мулкимиздек тасаввур қилур эдук. Зўр била ё сулҳ била

Ўзимизнинг мутасарриф бўлуримизга мутаяққин эдук. Бу жиҳаттин бу тоғ али била яхши маош қилмоқ вожиб ва лозим эди. Фармон бўлдиким, ҳеч ким буларнинг гала-қоралариға, балки иш учи, игна синуглариға атроф ва навоҳида зарар ва нуқсон еткурмасун» (Таъкидлар бизники — Х.Қ.).

*«Тўртумчиси, вилоят сахламоғ...»* Тарихий фактлар ҳамда «Бобурнома» шундан далолат берадики, Бобур томонидан қайта бунёд этилган темурийлар салтанати ўзининг расм-одати, қоида-қонунига амал қилиш, иқтисоди, ҳисоб-китоби мустаҳкам қўшинни асраш ва уни таъминлаш каби масалаларни давлат бошқарувининг асосий омили, деб билган. Бу сиёсат фақат Бобурнинг ҳукмдорлик даврида эмас, балки Ҳиндистон англизлар томонидан босиб олингунга қадар (XIX асргача), ҳатто кейинги босқичда ҳам ўз самарасини берди, ҳинд халқиға маданият, тараққиёт келтирди, ягона давлатда яшаш имконини яратди. Ўз она юртида қуролмаган иморат ва боғу роғлар, суюриш иншоотларию сув омборларини Афғонистон ва Ҳиндистонда бунёд этгани Бобурнинг юрт, вилоят сақлаш сиёсатини англатади. У шоҳ сифатида давлат нуфузи, келажагини ерга меҳр қўйишда, деб билди. Шу боис, қаерга бормасин, ўша ерни обод этди, дарахт, гул, полиз экинлари ўстиришға интилди. Шу қатори, қаерда бўлмасин, темурийлар салтанатидаги урф-одатлар, тартиб-низомни сақлади, уларға амал қилди.

Темурийлар давлатидаги тартиб, ўзига хос урф-одатлар ҳаминша олиилар, сайёҳлар ва тадқиқотчилар диққатини жалб этиб келган. Бунинг яққол мисолини биз Темур даврида унинг саройида бўлган испаниялик сайёҳ Клавихонинг ёзмаларида, Али Яздийнинг «Зафарнома»сида, Абдурраззоқ Самарқандийнинг «Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарларида кўришимиз мумкин. «Бобурнома» ҳам бу хусусиятдан холи эмас, аксинча, асарда бу жиҳат ўзининг ранг-баранг жилолари билан кўзга ташла-

нади. Шулардан бири Ҳиндистонда навбатдаги ғалаба шарафига берилган зиёфат-тўй манзараси тасвирдир.

Бобур тўйда яқин кишилари, беку аъёнлари, хорижлик меҳмонлар ва ҳатто оддий кишиларга ҳам ҳисобсиз муруват кўрсатганини, зар-зевар берганини ёзган. Бунда те-мурийлар салтанатида тўй маросими, меҳмон кутишдек нозик, аммо бажарилиши шарт бўлган тадбирга хос жиҳатлар ўз аксини топгани аҳамиятга молик. Тасвирда ҳар бир меҳмон, мамлакат зодагонининг ўз ўрни, белгиланган жойи борлигини кўрамыз. Шу қатори, ўрни, эгаллаган жойига қараб Бобурнинг бу кишиларга муносабати қай даражада эканига ҳам гувоҳ бўламыз. Масалан, «қизилбош ва ўзбак (собик Шайбонийхон ҳокимиятига мансуб элчи-вакиллар — Ҳ.Қ.) ва ҳиндуларнинг элчилари»га ўзидан етмиш-саксон қари (қадам) наридан жой тайинлайди. Уларни кўздан узоқроққа ўтирғизиш билан кифояланмай, энг зийрак ва довиюрак беги Юнус Алини ҳам бош, ҳам меҳмон этиб тайинлайди. Бобур ўнгу сўлига, бир хил узоқликда, ўзбак элчиларини жойлаштиради. Бундай тантана шарафига шох Бобур учун махсус тахт ясашади («Мен янги солғон мусамман хаспўш толорнинг зилъида ўлтурдум»). Ҳатто Бобурга яқин кишилар ҳам ўнг томонда ва чап томонда беш-олти қадам нарида ўтирадилар. Бу тартибда, биринчидан, шох хавфсизлиги назарда тутилган бўлса, иккинчидан, шохнинг кимга қандай муносабатда эканини билишни оsonлаштирган. Бобур тўйнинг муҳим жиҳатлари қаторида қуйидагиларни ҳам ёзади: «Буюрдимким, олимда зайлуча солдилар. Қизил ва оқни (олтин ва кумуш танга пуллар — Ҳ.Қ.) бу зайлуча устига тўкдилар. Рахт ва оқ парча ва бадраларни ҳам қизил ва оқнинг ёнида тўда қилдилар.

Ошдин бурунроқ сочиқ кийорур асносида маст тева-ларни ва филларни ўтрудағи оролда урушқа солдилар. Бир неча қўчқор ҳам уруштурдилар. Булардин сўнг кушти-гирлар кушти тушдилар».

**«БЕШУМЧИСИ, МАЪМУРЛУҒ...»** Заҳириддин Бобурнинг давлатдорлиги ва бу борада Амир Темур йўлидан боргани алоҳида тадқиқотга арзирли мавзу. Бироқ юрт маъмурлиги, фуқароларнинг давлат тузумидан розилиги масаласи фақат темурийлар ҳукмронлиги даврининг эмас, балки барча замонлар ва давлатлар барқарорлигининг етакчи муаммоси бўлиб келган. Бобур фикрича, адолат билан иш юритиш ҳар қандай маъмурлик асосини ташкил этади. Фақат адолатли тузум ҳақиқий маъмурликни юзага келтиради. «Бобурнома»дан бунга оид жуда кўп мисолларни келтириш мумкин. Бобур мамлакатни бошқарган пайтда очлик, ночорлик пасайган, қўлга киритилган бойлик теги тақсимланган. Қўлга киритилган ўлжани, бойлик ва ҳудудларни беғу аъёнлар, шаҳзодаларга инсоф билан тақсимлаш ҳам юрт маъмурлигининг асосини ташкил қилган. Абдураззоқ Самарқандий «Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида Шохрух мирзо ҳам «салтанатни бошқариш ва даромадни инсоф юзасидан шаҳзода ва аъёну бекларга тақсимлашни отаси Амир Темурдан ўрганганини таъкидлайдики, бу чиндан диққатга сазовор. Шубҳасиз, ана шу тартиб Бобурнинг давлат қурилишига бўлган муносабатига ижобий таъсир кўрсатган: «Оталарча насиҳатлар эшикларини уларнинг бахт-саодати юзига очди ва ҳар бирлари учун шоҳона ҳашамат асбобларини мукамал қилгач (насиҳатга бошлаб) адолат қонуилари ва салтанат қоидалари бўйича эргашиши ҳамда хотирлар дўстлик ва муҳаббатга бўйсуниб кўниксин ва у шаҳар — диёрларнинг ободонлигига сабаб бўлиши учун у мавзеларнинг акобирлари ва шараф кишиларига меҳрибонлик назари билан лутф-марҳамат кўрсатиб, тўла ҳомийлик қилишни буюрди».

Бобур сиёсатида, таъкидлаганимиздек, олинган ўлжани тўғри сарфлаш, тақсимлаш мамлакат қудрати, иқтисодий сиёсатининг, ҳулиас, юрт фаровонлигининг асосини ташкил этганини кўрамыз. Шу боис, олинган ўлжанинг миқ-

дори, сифати, турига қараб, олиб борилган урушнинг даражаси, моҳияти, қурбонликлар сабаби, умуман муҳорабанинг мақсади ҳам белгиланган. Агар Бобурнинг аввалги юришларида, айниқса, Афғонистонда ҳазарийлар қишлоқларини босганида, ўлжа қанча қўй, қора мол, от (жайдари, улов, този нави) қўлга киритилгани билан белгиланган бўлса, Қандаҳорни олиб, хазина эгалланганда, Бобур олдинги ўлжалардан бунинг устунлигини таъкидлаш учун «қўйга чандон ҳам парво қилмадилар», дейди ва бу билан катта ўлжа мусодара қилинганини билдиради. «Ҳар хазинада сандуқ-сандуқ ва танг-танг рахтлар ва ортмоқ-ортмоқ ва қоп-қоп оқ тангалар ҳар кимнинг ўтоқида ва чодирда ҳар жинс ўлжадин бисёр эди, қўй ҳам бисёр эди, қўйга чандон ҳам парво қилмадилар».

Юрт маъмурлигини Бобур ҳар бир шахснинг, хоҳ у бек, хоҳ оддий аскар бўлсин, маъмурлигида деб билган. Тўқ, таъминланган, оила таъминларидан холи аскар, саркарданинг аъло даражада хизмат қилишини у яхши англаган. Зодагонларга катта инъомлар берар экан, уларнинг маданий, кам-кўстсиз яшашини ҳам орзу қилган, шунга интилган. У ўткинчи умрни хушнуд ўтказишга мойил, фисқ-фужур, ифво-надоматдан кўра, бир лаҳзалик ширин суҳбатни авло кўрган. У яратган ғазалларда бебаҳо умрга меҳр, фурсатни хуш кайфиятда ўтказиш, Оллоҳ инъом этган умр қадрига етишга даъват бор:

*Ўзни, кўнгул, айш ила тутмоқ керак,  
Бизни унутқонни унутмоқ керак.  
Ушбу тараб гулбунига сув бериб,  
Ғусса ниҳолини қурутмоқ керак.  
Ҳар нимага ғам ема, ғам кўп турур,  
Айш билла ўзни оутмоқ керак...*

**«ОЛТИМЧИСИ, РАФОҲИЯТ НИЯТИ ТЕНГРИ ТАОЛО  
БАНДАЛАРИГА...»** Бобур сиёсатида андиша, афв этиш, бечораларга кўмак бериш кайфияти ҳамиша устун бўлган.

Адашганини кечириш, муслмончиликка, шариат аҳкомига бўйсуниб унинг характери ва давлат бошқариш сиёсатининг негизи ҳисобланган. Юқорида келтирилган аксари-ят мисоллар бунга далилдир.

Заҳириддин Бобур кўпинча давлат сиёсатини бузмаслик, теурий зодагонлар орасига нифоқ тушмаслиги учун ҳатто жонидан ўтиб кетган вазиятда ҳам одамларни кечири олган, шахзода ва бекларнинг номаъқул ҳаракатлари, тож-тахт талашинлари ўзига маъқул бўлмаса-да, ён босган. Уларга яхшилиқ қилиш, шоҳ авлоди вакиллари номига ёмон сўзларни раво кўрмаслик ҳам Бобур шахсиятини белгилайди. Қуйидаги мисолга эътибор берайлик: Муҳаммад Ҳусайн мирзо на инсоф ва на шариатга тўғри келадиган ишни қилади, яъни ўзгалар маҳрамхонасига сўроқсиз киради. Бу қилмиши Бобур нафсониятига қаттиқ тегса-да, иснод қариндош-уруғлариға тегишини билгани учун гуноҳкорни жазолашдан ўзини тияди: «Боре баҳарҳол Муҳаммад Ҳусайн мирзони хонимнинг тўшақхонасидин топиб, аркта менинг қошимға келтурдилар. Мен бурунидек-ўқ таъзим қилиб кўптум, хейли ҳам дурушт юзга келмадим. Муҳаммад Ҳусайн мирзоким мундоқ зишт ва шаниъ ҳаракотга иқдом қилди ва бу навъ шўр ва фитнаангиз ва бунёдига эҳтимом айлади, агар порпора қилсам, ери бор эди, турлук-турлук азобу уқубат била ўлмакка сазовор эди. Чун орада бир навъ уруклук бўлуб эди, менинг туққон холам Хўб Нигорхонимдин ўғлонлари ва қизлари бор эди, бу ҳуқуқни ёд қилиб, Муҳаммад Ҳусайн мирзони озод қилдим» (Таъкид бизники — Ҳ.Қ.).

«Бобурнома»да муаллиф касри нафси ёки вақт зиқлиги боис Муҳаммад Ҳусайн мирзонинг кейинги тақдири ҳақида батафсил маълумот бермайди. Гулбаданбегим «Ҳумоюннома»да ушбу масалада айрим далилларни келтиради. Бу манба Бобур характерини янада ойдинлаштирадики, унинг юксак андиша соҳиби, қўл остидагилар гуноҳини кечирувчи юксак ҳамиятли инсон эканлигига яна

бир карра иқроф бўламиз. Халқдаги: «Султон суягини хўрламас» ибораси бу ҳолатдаги ечимга нақадар мос келганини кўрамиз. Табиати адоват, ўч олиш, йиқилганни теппиб ўтишдек иллатлардан холи бўлган Бобур теурийзодаларни бирлаштириш учун сабр қилади, гуноҳкорга ўзини англаш, тўғри йўлга кириб олиши учун имкон беради, инсофга чақиради. Эҳтимол, у бошқача йўл тута олмасди ҳам. Тож-тахт талашиншлар, ўзаро ихтилофлар салтанатни инқирозга учратган бир пайтда шахсий адоватга эрк бериш ақлдан эмаслигини Бобур яхши англаган. Тўғри, энг яқинлари хиёнат йўлини тутганда ҳеч кимга ишонмай, фақат ўз ақлига таяниб иш кўришга жазм этган дамлари ҳам кам бўлмаган. Балки, шундай вазиятларда шоир Бобур қалбида, ҳаёт синовларидан толиққан шуурида қуйидаги рубоий тузилгандир:

*Втларни керакки, ошно кам қилсанг,  
Ҳар кимки вафо қилса, жафо кам қилсанг,  
Новмид бўлур барча вафодорларинг,  
Гар шах назаринг бирла вафо кам қилсанг.*

Рубоийда Бобур фақат илк мисрада ёт одамларга унчалик ишонмасликка даъват этмоқда. Лекин барчага ишонмаслик вафодор кишилардан ўзингни узоқлаштиришга олиб келадики, айниқса, бу шоҳга муносиб хусусият эмас, дейди у. Шу боисдан ҳам шоҳ вафодорликка мойил бўлмоғи лозим. Айни шу маслак Муҳаммад Ҳусайн жонига аро кирган, яъни шоҳ унинг гуноҳидан ўтган.

Гулбаданбегим ёзади: «Ҳазрат Муҳаммад Ҳусайн мирзонинг гуноҳини кечирдилар. Кейинчалик эса холаларининг кўнглида бўлиб ўтган кулфат ғубори қолмасин деб, илгаридан ҳам ортиқ ҳурмат қилдилар. Ҳар куни холаларининг бўш қолган уйларига келиб-кешиб турдилар (ва охир Муҳаммад Ҳусайн мирзони) саройда бир ўринга тай-

ин қилдилар». Мисли кўрилмаган баърикенглик, инсонийликнинг юксак намунаси! Салтанатга тажовуз этиб, йўқ пайтида ҳокимиятни эгаллашга кўз тиккан бир кимсага шоҳ томонидан кўрсатилган илтифот бу! Булар барчаси бирликка даъват, темурийлар хонадони шайини баланд тутиш, энг муҳими, аёл зотига эҳтиром! Бу воқеа унинг комил инсонлигига шубҳа қолдирмайди. Очигини айтганда, худди шу хислат бугунги кунимизда аксариятимизда етишмайди. Бобурога андиша, сабр, чидам аталмиш исломий, инсоний мезонни кўпинча шахсий ғуруримиз барбод этади...

**«ЕТТИМЧИСИ, ЧЕРИКНИ КЎНГЛИ(НИ) ҚЎЛГА ОЛМОҚ».** Бобурнинг юртларни забт этиш сири, эҳтимол, шу тушунча билан боғлиқдир. Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»да ёзишча, Амир Темур ҳар қандай шароитда ҳам, энг аввало, оддий аскар ҳолидан хабардор бўлиб, назорат этиб турган. Бобур ўз юрти Андижондан узоқда — Афғонистон ерларида юрганида Ҳиротдан Кобулга қайтиши қиш вақтига тўғри келади. Ҳафталаб ёққан қор ва совуқ бир тўда отлиқнинг илгари ҳаракатини қийинлаштиради. Бобур ана шу қор кечиш машаққатини қаламга олганда, инсон иродаси табиат қаршиликларига бардош беришини ва, пировардида, енгишини жуда жонли ва ҳаётий тасвирлайди. Ушбу лавҳада шоҳ Бобурнинг черикка муносабати диққатга сазовордир. Муҳими, у қорни ёриб ўзига йўл очувчиларга шоҳларга хос муносабатда бўлмасдан, раҳм кўзи билан қарайди, ўзи ҳам жангчилар қатори қорни шиб-балаб, йўл очади. Қор кечиш йўл очиш азобини ўз танида кечиргани боис, Бобур асаридаги тасвир ўта ҳаққоний чиққан. Бу тасвирдан олинган қуйидаги парчада асар муаллифининг мушкул вазиятдаги иродаси, атрофдаги кишиларга муносабати, дунёқараши ҳам ўз аксини топган: «Бир ҳафтага ёвуқ қор тепиб, кунда бир шаръий - бир ярим шаръийдин ортуқ кўчулмас эди. Қор тепар киши мен

эдим, ўн-ўн беш ички била ва Қосимбек эди, икки ўғли Тенгриберди ва Қанбар Али била яна икки-уч навқари ҳам бор эди. Ушбу мазкур бўлғонлар яёқ юруб қор тепар эдук, ҳар киши етти - саккиз, ўн қари илғари юруб қор тепар эди. Ҳар қадам қўйғонида белиғача, кўксигача бота-бота қор тепар эди. Бир неча қадам борғондин сўнг илғариги кишининг ҳамли куюб турар эди, яна бир киши илғари ўтар эди, бу ўн-ўн беш — йигирма киши яёқ қорниким тепар эди, онча бўлур эдиким, бўш отни тортса бўлур эди... Маҳал ул эмас эдиким, кишига таклиф ва зўре қилилмай, ҳар кимнинг ҳиммат ва журъати бўлса, бундоқ ишларни ўзи тилаб қилур» (таъкидлар бизники — Ҳ.Қ.).

Таъкидланган жумлада Бобурдаги саркардалик хусусиятининг нозик жиҳати—кучли руҳшунослиги яққол намоён бўлган. Шароитнинг ниҳоятда оғирлигини билган саркарда, гарчи ҳаммага бош бўлса-да, буйруқ, пўписа, золимликни ортиқча билади, ҳар кимнинг ҳиммати, виждонига қўйиб беради. Бу тадбир, биринчидан, Бобурнинг оғир пайтларда ўз эли билан ҳамдард бўлганини билдирса, иккинчидан, унинг ҳарбий тактикаси, раҳмдиллиги, руҳшунослигидан далолат берадики, асар муаллифи шахсиятини ўрганишда ҳам айна тасвир муҳим омилдир.

Аскарларга ўлжани тақсимлар экан, Бобур кимнинг қаерданлиги, миллати ва насабига қараб эмас, балки садоқати, мардлиги ва фидойилиги, валабага қўшган ҳиссасини ҳисобга олади: «Ёлғиз бу эмас, ҳар қачонким, Тенгри таоло давлати берди. меҳмон ва ғариб бекларни ва йигитларни бойрилардин ва андижонийлардин ортуқроқ ва яхшироқ кўрдум. Бовужуд бу ажаб балоедурким, ҳамиша эл мени ғайбат қилурларким, бойридин ва андижонийдин ўзгани риоят қилмас. Масал борким: «Душман не демас, тушга не кирмас». «Дарвозайи шаҳрро тавон баст, натвон даҳани муҳолифон баст» («Шаҳар дарвозасини ёпиб бўладию, аммо душман овзини ёпиб бўлмайди»).

Заҳириддин Бобур бу зарбулмасални бежиз ишлатмаган. Албатта, улкан бир давлатда барчанинг кўнглини топиш имкони йўқ. Бироқ мудом барча яхшиликларига ёмонлик, вафосига жафо кўриш Бобурни чарчатган. Одамлардаги гумроҳлик, фақат шахсий манфаатидан келиб чиқиб воқеаларга баҳо бериш, хулоса чиқариш ҳар қандай сабрбардошли кишини ҳам мувозанатдан чиқариши мумкин. Бобурнинг қуйидаги рубойиси ана шундай ноҳақликлардан чарчаган пайтида ёзилгандир:

*Не хеш мени хушлару не бегона,  
Не ғайр ризо мендину не жонона,  
Ҳар нечаки яхшиликта қилсам афсун,  
Халқ ичра ёмонлиг билла мен афсона.*

**«СЕККИЗИМЧИСИ, АДОЛАТ ҚИЛМОҚ».** Бобурнинг адолатта доир фикрларига ўрта асрлар яхлит феодал давлати давомчиси сифатидаги шох қарашлари нуқтан назаридан ёндашмоқ лозим.

Темурийлар салтанатидаги адолат узоқ муддат мобайнида фан, илм, санъат, адабиёт, тасвирий санъат ривожига асос бўлди. Бобурнинг инсоний фазилатлари унинг ҳукмдор сифатида нисбатан адолат билан иш юритганида ўз аксини топди. Юқоридаги мисоллардан ташқари, умумлаштириб айтиш мумкинки, у барча фарзандларига бир кўзда қаради: Ҳумоюнга меҳри баланд эди, аммо уни бошқа шаҳзодаларга қарши қўймасди. Тириклик пайтида фарзандларини ризо этиб, мулк қолдирди, бекларга нисбатан ҳам худди шу йўсинда иш тутди.

Дарҳақиқат, Бобур давлатчилигида лаёқатли, етук аскар, беклар ҳам қудратли давлат асосини ташкил қилгани, аксинча, сотқинлар — давлат асосини емирувчилар унинг назаридан четда қолгани ҳақида кўп фикрлар айтилган.

Амир Темури салтанати ва юришларининг муваффақиятига, аявалло, ҳарбий тактика жиҳатидан юксак савияда

ўргатилган аскарлари, лашкарбошилари маҳорати омил бўлган. Зеро, ўша даврда уруш тактикасини эгаллаган, жисмонан бақувват жангчи ҳамиша диққат марказида бўлган. Бобур ҳам бунга алоҳида эътибор берган. «Бобурнома»да бир неча йиллар жанг қилган шахслар тасвири (жумладан, Қосимбек, Муҳаммад Саййид Урус ва бошқалар) қатори, бир вазиятда мардлик кўрсатган жангчилар номи ҳам келтирилган. Масалан, Султонқули чиноқ номи кичик, аммо арзирли бир ҳаракати боис асарга кириб қолган: «Бир афғон бир парча торнинг устида туруб эди. Фолибо нари ёни учма эди, кетар ери ҳам йўқ эди. Султонқули чиноқ жибалик чиқиб чопқулоб олди. Менинг қошимда бир қилғон иппи ушбу эди. Ушбу иппи сабаби риюти ва тараққийси бўлди».

Ҳамиша етук, жангари, фолиб черик(аскар)ни тасвирлаш ва уни намуна сифатида кўрсатиш Бобур учун расм бўлган. Мисолларга мурожаат қилайлик: «Яна Муҳаммад Саййид Урус эди... Ул замонда яхши отишлиқ, йигитлар бор эди. Ул саромардлардин бири будур: ёйи қаттиқ, ўқи узун, берк отишлиқ ва яхши отишлиқ экандур»; «Шу жоъ ва мардона киши эди (яъни Ҳусайн Бойқаро — Ҳ.Қ.). Борлар ўзи қилич тегурубтур, балки ҳар маъракада борлар қилич тегурубтур».

Бобур наздида навкару бекларнинг садоқати муносиб тақдирланиши керак. Шу ақидага у ҳамиша содиқ қолган. Дўстбек исмли навкари ҳақида шундай ёзади: «Сешанба кечаси, ойнинг бешида, Дўстбекким, йўлда тунда иситиб эди, Тенгри раҳматиға борди. Басе мутаассир ва мутаъаллим бўлдук. Дўстбекнинг наъшини Ғазниға элтиб, Султоннинг равзасининг эшикининг олдида қўйдилар. Дўстбек хейли яхши йигит эди, беглигида ҳануз тараққий қилур эди. Беглигинин бутун ичкиликларида неча қатла яхшилар борди...».

Бу парчада диққатни тортадиган, «Бобурнома» муаллифининг маҳорати ва ички дунёсини очадиган нозик

жиҳатлар бор. Бобур «неча қатла яхшилар борди» деганда Дўстбекнинг урушларда намуна кўрсатганини таъкидлаётир. Муаллиф Дўстбекнинг жанг майдонларида кўп марта волиб келгани, ўзи мард, шижоаткор, билаклари қилич ўйнатиш учун яратилгани ҳақида гапирди. У Бобурга вафодорлик кўрсатиб, уни неча бор ўлимлардан асраб қолган. Дўстбек мисолида Бобур ўз даврининг бек, амир, лашкарбошилари характерини очади, вафо қилган саркарда ҳамиша унинг инъомларидан четда қолмаганидек, вафотидан кейин ҳам ҳурмат-аҳтироми сақланишини таъкидлаб, «Дўстбекнинг фавтидин сўнгра вилоятини иниси Мирим Носирға иноят қилдим», деб ёзади. Бобур китобхон онгига садоқатли лашкарбошининг вафодорлигини улуғлар экан, бу билан унинг хислатларини таърифлашни тугатмайди. Дўстбекнинг ўлими Бобур ва унинг атрофидагиларни ҳам «басе мутаассир ва мутаъаллим» этар экан, ана шу қадр рамзини нозик ифодада баён этади: Дўстбекнинг жасади Гулкина шаҳридан анча узоққа — Ғазнига олиб борилиб, Султон Маҳмуд Ғазнавий қабри—зиёратгоҳи ёнида дафн этилади. Бу билан Бобур садоқатли дўст ва моҳир жангчисини Хуросон ва Мовароуннаҳр, Яқин Шарқ ва Ҳиндистон вилоятларини забт этган машҳур Султон Маҳмуд Ғазнавий ёнида мангу ором олишга лойиқ деб билади.

Бобурнинг аскар, бек ва лашкарбошиларига қараши бевосита оддий, атрофидаги турли тоифага мансуб кишиларга муносабати билан уйғун. Бу уйғунликда ҳам инсоний муносабатлар, ҳаёт қарама-қаршиликлари ўз аксини топган. «Бобурнома»нинг энг қимматли ва ўзига хос жиҳати шундаки, муаллиф кимга баҳо бермасин, бу шахс ҳатто отаси Умаршайх бўладими ёки яқинларими, фақат рост сўзни айтади. Масалан, Бобурнинг кўнгли тўлмаган, аммо холис баҳо берган шахс—Алишер Навоийнинг укаси Дарвеш Алибекка муносабати бунга бир далил. У шоир, вазир,

давлат арбоби Алишер Навоийдек улут шахсининг иниси Дарвеш Алибекнинг салбий хислатлари ҳақида гапирар экан, зимдан унинг Навоийга яқин киши бўлганидан афсусланади ва обрў-эътибори, юқори доираларда юриши фақат Навоий туфайли эканини алоҳида таъкидлайди: «Яна Дарвеш Алибек эди. Алишербекнинг туққан иниси эди. Неча маҳал Балхнинг ҳукумати мунда эди. Балхда яхши бекликлар қилди. Тийра маъз ва мулаффиъ ва беҳунарроқ киши эди. Султон Ҳусайн мирзо аввал Қундуз ва Ҳисор устига келганда тийра маъзалиғидин туттурдилар. Балх ҳукуматидин маъзул бўлди. Тарих тўққуз юз ўн олтида мен Қундуз келганда, менинг қошимға келиб эди, масх ва мабхут эди. Беклик қобилиятидин дур ва ичкилик салоҳиятидин маҳжур (таъкидлар бизники — Ҳ.Қ.) эди. Голибо, Алишербек воситасидин мунча риоят топқандур».

Юқорида ҳар учала шахсга таъриф берган Бобур бундай салбий хусусиятга эга кишилар давлат бошқарувида, шоҳ ва султонлар даврасида бўлишини лозим кўрмаган. Уларнинг табиатидаги ноқобиллик, парижонлик ёки Бобур таъбири билан айтганда, «тийра маъзлик» салтанат обрўсига зиён етказган.

«Бобурнома»да давлатни бошқаришда, мулкни идора этишда ҳамда хулқу ахлоқларида садоқат туйғуси устун бўлган бир гуруҳ кишилар ҳам тилга олинган. Шулардан бири Бобурга ҳамisha садоқат кўрсатган ўғиллари Комрон, Ҳиндол ва, умуман, бобурийлар хонадонига сарпарастлик қилган амир Хожа Калондир...

Бобурнинг насрдаги маҳорати унинг кишилар руҳиятини аниқ ёритиб беришида ҳам кўринади. Асардаги ростбаёнлик, инсон руҳиятини зийрак назар билан очип, муаллифнинг шахсий нуқтаи назаридан кўра тасвирланаётган киши дунёқарashi, унинг давлат бошқарувидаги ўрни, қолаверса, жамиятдаги оддий инсон сифатидаги мавқеини

тўғри белгилаш ҳайратланарли даражада мароқли. Бобур Ҳиндистонни забт этиб, улкан мамлакатни, катта бойлигу хазинани қўлга киритган бир пайтда лашкари ва амиру зодагонлари кайфиятида Ватан соғинчини тобора кучайиб борганини ҳис этади. Шу боис, жангу жадалларда ҳамроҳ бўлган яқинларидан ажралгиси келмайди, имкон қадар адолат қилишга, черик кўнгилни олишга интилади. Бироқ атрофидагилар «элида ҳусн йўқ, омаду рафт йўқ ва табъ ва идрок ва адаб йўқ ва карам ва мурувват»и бўлмаган, иқлими, шароити, меваси, урф-одати мувофиқ келмаган юртни шоҳ инъомисиз ҳам ташлаб кетишга рози ҳолга келганда Бобур чорасиз қолганини ёзади. Гарчи бек ва амирларидан гинаманд бўлиб уларни муайян даражада вафосизликда айбласа-да: «Менинг чашмдоштим булардин мундоқ эдиким, мен ўтқа, сувга кирсам-чиқсам бетаҳоший бизлар била киргайлар ва била чиққайлар... йўқким: менинг хилофи мақсудум сўз айтқайлар, ҳар иш ва ҳар муҳимшингким, бориинг кенгаш ва иттифоқи била ўзумизга жазм қилдук, кенгаштин қўпмасдин бурунроқ ул сўз ва муҳимдин қайтқайлар», деб ички бир инсоний туйғу билан Ҳиндистон, айниқса, Оградаги шароитнинг оғирлигини тасвирлайди.

Бобур ана шу тасвирда жангчилари руҳиятини яхши очиб беради. Унинг ҳар бир сўз, иборасида номувофиқ табиат, шароит билан инсон сабр-бардошининг зид келгани ўз аксини топган — шоҳ Бобур ва пок кўнгилли инсон сиймоси тавдаланган. Шоҳ ва инсон — икки қутб муаллиф қалби, фикрида тўқнашганидек, «Бобурнома»даги тасвирда ҳам тўқнашади. Бири — одамларни фармону зўрлик билан олиб қолиш истагидаги шоҳ, иккинчиси — уларга Ватан, оила соғинчи туфайли руҳсат беришга мойил кайфиятдаги инсон. Иккинчи туйғу Бобурда ғолиб келади. Огранинг гармсер шамоллари, номувофиқ табиати ҳақида ёзганлари, аввало, бундай шароитдан азоб чеккан муал-

лифнинг ички оламини ёритса, иккинчидан, лашкару зодагонларнинг кайфиятини очиб берган: «Биз Ограга келганда иссиқ вақтлари эди, халойиқ таваҳҳумдин тамом қочиб эдилар. Ўзга ва отқа ошлиқ ва хас топилмас эди. Кентлар муғоярат ва мунофарат жиҳатидин ёвилиққа ва ўғурлуққа ва раҳзанлиққа юз қуюб эдилар... Яна ул йил хейли иссиқ эди. Хейли эл боди самумнинг таъсиридин ҳар замонда йиқилиб-йиқилиб, ўла кириштилار. Бу жиҳатлардан аксар беклар ва ўбдон-ўбдон йигитлар кўнгул солиб эдилар. Ҳиндистонда турмоққа рози эмас эдилар, балки кетарга юз қуюб эдилар».

«Бобурнома»да шу воқеалар баёни келган ўринда барча бек ва аскарларга қаратилган «хитобнома» бор. Хужжатга ўхшаш бу матн кўп жиҳатдан Бобурнинг давлатни бошқариш сиёсатига дахлдордир. Асарда давлатдорликка оид бундай ҳужжатлар анчагина бўлиб, улар асар сюжети, композициясига боғланган. Бобур «Кобулдин отланадур»-юнда, бир нечани янги бек қилилиб эди. Менинг чашмдоштим булардин мундоқ эдиким, мен ўтқа, сувға кирсам-чиқсам бетаҳоший бизлар била киргайлар ва била чиққайлар», деган умид билан узоқни ўйлаб Ҳиндистонни эгаллаган. Бироқ бутун умри давомида ёнида бирга бўлган бекларининг Ҳинд элида уни ташлаб кетиш майли борлиги Бобурни қаттиқ ўйга толдиради. Бобур уларни йиғиб кенгап ўтказади. Унинг мақсади мамлакат яхлитлигини сақлаб қолишга, қанчалик машаққатлар эвазига эришилган галабанинг қадрига етишга, давлатхоҳлик руҳияти билан иш тутишга қаратилган эди: «Мен дедимким: «Салтанат ва жаҳонгирлик беасбоб ва олот даст бермас. Подшоҳлик ва амирлик бенавкар ва вилоят мумкин эрмас. Неча йил саъйлар қилиб, машаққатлар кўруб, узоқ ерлар қатъ этиб, чериклар юруб, ўзумузни ва черикни ҳарб ва қитол мухотараларига солғайбиз. Тенгри инояти била бу нав қалин ёғийларни босиб, мундоқ кенг мамлакатларни ол-

ғайбиз. Ҳоло не зўр келибтур ва не зарур қилибтурким, мундоқ жонлар тортиб олгон вилоятларни бежихат со- лғайбиз... Ҳар ким давлатхоҳдур, мундин сўнг мундоқ сўзларни айтмасун, ҳар ким тоқат келтура олмай кетарга юз қўйса, борғонидин қайтмасун».

Кўриниб турибдики, бунда Бобурнинг давлатни бошқа- риш сиёсати яхлит салтанатни мустаҳкамлаш, уни авлод- ларга бутун қолдириш кайфияти билан йўғрилган. Қўйи- даги сатрларга эътибор берайлик: «Фаразким, бу дунёда кишидин ушмундоғ нималар қолур, ҳар ким ақлдин баҳра- вар бўлса, нега андоғ ҳаракатга иқдом қилғайким, андин сўнг ёмон дегайлар ва ҳар кишига ҳушдин асари бўлса, нега андоғ амрга иқдом ва эҳтимом қилмағайким, қилгон- дин сўнг мустаҳсин дегайлар. «Зикри номеро ҳакимон умри сони гуфтаанд» («Шуҳрат билан ёдланишни ҳакимлар иккинчи умр демишлар»).

Бобурнинг Амир Темури давлатдорлик сиёсатидан хази- нани асраш, ҳисоб-китобни жойига қўйиш, салтанатни бо- шқаришда ҳаром, фаҳш ва ғайриинсоний ҳаракатлардан ҳазар қилиш каби фазилатларни мерос олгани ва уларга таянгани яққол кўзга ташланиб туради. Биз Бобурнинг давлат бошқаришда энг асосий жиҳат — мулозиму бек- лар, каттаю кичик билан кенгашиб иш тутиш зарур, деган фикрини юқоридаги таҳлил асосида кўриб чиқдик. Бу сиёсат темурийлар давлатдорлигининг асоси, мазмуни ва моҳиятини ташкил этадики, Бобур ҳам бутун умри даво- мида фаолиятида шунини изчил татбиқ этиб келган.

«Бобурнома»да муаллиф таъкидлаган давлат қурили- ши, уни бошқаришда шахснинг ўрни, давлат хизматчила- рининг ўз лавозимларига муносиб бўлишлари каби жиҳат- лар бутунги кунда ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ.

Бобурнинг инсон характерини ёритиш, унинг жамият бошқарувидаги ўрнини белгилаш орқали шахсига хос ху- сусиятларини очишдек тасвирлаш услуби буюк сўз устаси- нинг маҳоратидан ҳам далолатдир.

### 3. «Темурийя салотини дастури била...»

«Бобурнома»да кўплаб фанларга доир маълумотлар мавжудлигини таъкидлаган ҳолда, муаллифнинг барқарор салтанат яратиш ва уни бошқаришга оид қарашлари асарда алоҳида мазмун касб этганини уқтириш жоиз. Зотан, бу мавзу «Бобурнома»нинг яратилишида асос бўлгани ҳам сир эмас. Асарда Бобурнинг саркардалик маҳорати, юртга меҳр ва садоқати, инсонийлиги ва қаттиққўллиги турли жонли мисолларда ўз аксини топган. Мазкур мавзу билан боғлиқ кузатишларимиз доирасида темурийлар салтанатидаги дипломатик муносабатларга ҳам дуч келдикки, бу жиҳат давлат бошқарувининг ажралмас қисмини ташкил этади.

Тадқиқотимизда «Бобурнинг секкиз хислати нажиби» сарлавҳаси остида шоҳ Бобурнинг якка ҳукмронлик, давлатчиликка оид қарашларига бироз тўхталиб ўтдик. Бироқ унинг ўз даври дипломатик муносабатларига доир қарашлари замирида маҳоратли носир сифатидаги истеъдодини алоҳида тадқиқ этишга зарурат сездик.

«Бобурнома»даги 1500—1501 йил воқеалари тасвири Бобурнинг Шайбонийхонни Самарқанддан чиқариб юбориб, шаҳарни эгаллашига бағишланган. Асар мутолааси жараёнида Амир Темур яратган буюк салтанат, аввало, бек ва шахзодаларнинг бойлик ва юрт талашиб, бир-бирларига хиёнат қилишлари оқибатида таназзулга юз тутганига гувоҳ бўламиз. 1500 йили Бобур иккинчи марта Шайбонийхондан Самарқандни тортиб олишга уринганида унга дастлаб тоғалари, отаси Умаршайхнинг беклари хиёнат қилишади.

Ҳаял ўтмай Султон Али мирзонинг опаси Зухрабеги ова Шайбонийхонга ўз манфаати йўлида хуфёна Самарқанд дарвозасини очиб беради ва Бобур шаҳарга киролмай кўп саргардонликка дуч келади. Кейинроқ куч тўплаб Самарқандни эгаллагач, қамалда қолиб охир-оқибат Шайбоний-

хон билан сулҳга имзо чекиб, шаҳарни тарк этишга мажбур бўлади.

Самарқандни Шайбонийхонга қолдирган бўлса-да, у ўзининг бу валабасидан жуда ғурурланади, билагида куч, томирида темурийлар қони жўш уради. Ўн тўққиз ёшида Шайбонийхондек ғанимни енггани, Самарқандни эгаллаганини фахрия тарзида баён қилади. Бироқ Самарқандни ночор тарк этишининг сабабини темурий султонларнинг ҳамжиҳат эмаслигида, ҳар ким ўз тинчини кўзлаганида деб билади. («Султон Ҳусайн мирзодек мардона ва соҳибтажриба подшоҳ бизга мадад қилмай ва кўмаклар бериб, элчи йибормай, Шайбонийхонга Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳийни муҳосара овонида элчиликка юборди».) Ана шу боис «буларнинг умиди била қабалда қалъадорлиқ қилмоқ бетақриб экандур», деган хулосага келган Бобур рақиби Шайбонийхон билан сулҳни имзолайди.

Самарқанд устидаги муҳораба Бобур учун катта кураш мактаби бўлгани аниқ. Унинг қуйидаги хулосаси давлатчиликнинг, барқарор салтанат негизини яратишнинг асосини белгилаши билан муҳимдир. Узоқни кўра олган шоҳ Бобурнинг заковатини кўрсатадиган бу хулосада юрт барқарорлигини таъминловчи муҳим омиллар бор. Шу ўринда ушбу матидаги яна бир жиҳатга диққатни қаратайлик: Бобур «бурунғилар дебетурларким», дея сўз бошлар экан, салтанатни асрашда ота-боболари таълимотига таянганига, мавриди билан улардан фойдаланганига гувоҳ бўламиз.

«Бурунғилар дебетурларким, қўрғон беркитмакликка бош керак, икки қўл керак, икки бут керак: бош сардор бўлғай. Икки қўл икки тарафтин келур кўмак ва мадад бўлғай. Икки бут қўрғоннинг суйи била захираси бўлғай. Биз бу атроф ва жавонибдағилардин кўмак ва мадад кўз тутарбиз, булар худ ҳар қайси бир ўзга хаёлда», деб қайд этган эди Бобур.

Заҳириддин Бобурнинг давлатчиликка бундай ёндашуви қанчалик ҳаётий, оқилона эканига вафотидан кейин юз берган салтанати инқироzi мисолида гувоҳ бўламиз. Ҳиндистонни забт этгач, салтанатида «бош, икки қўл, икки бут»ни яратиб, давлатни ўғли Ҳумоюнга мерос қолдиради. Аммо кўп ўтмай Ҳумоюннинг укалари содир этган бош-бошдоқлик мустаҳкам давлатнинг парчаланиши, салтанатнинг ўзгалар қўлига осонгина ўтиб кетишига сабаб бўлади.

«Бобурнома»ни мутолаа қилгани сайин ўқувчи ўзи учун катта ҳаётий сабоқ олади. Китобда Бобур ўзи йўл қўйган хатоликларни мардларча тан олиб ёзади, уларни қандай тузатганини ошкора баён этади. Натижада унинг шахсиятига меҳримиз янада ортади.

1498—1499 йил воқеалари тасвирини олайлик. Бобур Андижон тахти учун курашиб юрган давр. Султон Аҳмад Танбал ва Узун Ҳасан устидан ғолиб келиб, уларни Андижондангина эмас, Ўшдан ҳам чиқариб юбориб қалабага эришган Бобур ваним беклар ва уларнинг тарафдорларидан ўч олади. Хусусан, Аҳмад Танбал кишиларининг Бобур тарафдорлари мол-мулкига эгалик қилишига чек қўйгани ҳақида шундай ёзади: «Батахсис бизинг кўзимизнинг ўтрусиди бизинг отимизни миниб, бизинг тўнумизни кийиб, бизинг қўюмизни еб юругайлар, мунга худ ким таҳаммул қилгай?.. Фармон бўлдуким, бизинг била бўлғонлар таниғон нималарини олсунлар...».

Бир қарашда Бобурнинг ушбу хулосаси ва фармони ўринлидек. Ёнгилган ванимнинг молу жонига эгалик қилиш теурийлар уруш қондасига муайян даражада мос. Бироқ юқоридаги матннинг давомида Бобур «...агарчи маъқул ва муважжаҳ эди, бир нима шитоб бўлмиш», дейди. Шу ўринда «шитоб» сўзининг моҳиятига кенгроқ тўхталиб ўтсак. Назаримизда, Бобур ўз қаламравидаги кишилар гапига кириб, уларнинг раъйини қайтаришга ботинмай берган бу фармони айни вазиятда қанчалик тўғри

бўлмасин, бироқ келгусида Мовароуннаҳр, алаҳхусус, Андижон тахтини эгаллаш ниятида тузган режаларига берилган қаттиқ зарба эди. Зотан, Аҳмад Танбал каби ҳийлакор, ҳарбий қудратда ҳам нисбатан кучли ғаним мудом Бобурнинг тинчлигига раҳна соларди. Иккинчидан, хиёнаткор беклардан ташқари, бу юртга асл даъвогар Жаҳонгир мирзодек ғаними ҳар лаҳзада Танбал билан бирлашиб ёки якка ўзи Бобурга қарши курашиши хавфи бор эдики, Бобур, бир муддатта бўлса-да, буни хаёлидан чиқарганди. У бир дафъали ғалаба сархушлиги таъсирида қолиб, хато қилганини тезда пайқайди. Аммо вақт ўтган эди. «Жаҳонгир мирзодек музи(ғаним) ёнимизда ўлтуруб, элни мундоқ ҳуркутмоқнинг ҳеч маъниси йўқ эди».

Шу жумладан, кейинги парча Бобурнинг давлатчилик, ҳарб илми ва, умуман, давлат сиёсатида шошқалоқлик билан иш кўриш аянчли оқибатлар билан якунланишини таъкидлаганини ўқиймиз. Ўйламай берган бу ўринсиз фармонини Андижонни иккинчи марта бой берганининг (бу, эҳтимол, Мовароуннаҳр) ҳокимиятидан маҳрум бўлиб қолганининг) бош сабабидир деб баҳолар экан, у лашкарбошининг ҳар бир амри, хулоса ва ҳукми «етти ўлчаб бир кесип» қабилида бўлиши лозимлигини уқтиради. Ушбу хулосалар бутунги кундаги дипломатик фаолиятда ҳар бир амалга чуқур ўйлаб, кенг мулоҳаза юритиб, кейин киришини лозимлиги борасида сабоқ вазифасини ўташи аниқ. Бобурнинг бўлган воқеадан изтироб чекиб айтган ҳар бир сўзи, хатосидан гуноҳкорларча қилган тавбаси, шу қатори, мард кишининг мардларча иқрори ҳамдир: «**Мулкгирликда ва мамлакатдорлиқта** агарчи баъзи ишлар зоҳирда маъқул ва муважжаҳ кўрунур, вале ҳар ишнинг заминиде юз минг мулоҳаза вожиб ва лозимдур. Ушбу бир бемулоҳаза ҳукм қилғонимиздин не миқдор шўр ва фитналар қўпти. Охир, Андижондин иккинчи навбат чиқғонимизга сабаб ушбу бетааммул ҳукм қилғонимиз бўлди» (таъкид бизники — **Ҳ.Қ.**).

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг фикрича, мамлакат ва қаламравида содир бўладиган ҳар қандай воқеа-ҳодиса, ўзгаришлар бевосита унинг султони, шоҳи амр-фармони орқали амалга оширилиши лозим. Бошқача айтганда, мамлакатда ягона раҳбар ҳукм сурмас экан, унинг иссиқ-совуғига жавобгарликни зиммасига олмас экан, бундай юртни бошқариш имконсиз бўлиб, ҳукмдорга ишончсизлик ҳисси кучая боради. Бобурнинг бу қарашини нақадар ҳаётийлиги 1500—1501 йили «ваддор Абуясуф»нинг хиёлати ва бир неча беқларнинг сотқинлиги оқибатида Самарқандни қўлдан бериши мисолида яққол кўринади. «Бобурнома»да ёзилишича, Самарқандга вақтинчалик ҳоким бўлган Султон Али мирзо шаҳарни Шайбонийхонга топшириб қўяди. Фитнанинг асл сабабчиси Султон Алининг онаси Зухрабегини бўлиб, у Шайбонийхонга махфий мактуб йўллаб, агар ўзини хотинликка олса ва ўғли Султон Алига муносиб мансаб берса, Самарқанд дарвозасини очиб беражагини билдиради. Шайбонийхон бунга рози бўлади ва уни мактубдагидек амалга оширади. Бироқ Самарқандни эгаллаган Шайбоний Зухрабегига уйланишни хаёлига ҳам келтирмайди, Султон Али билан «кўришгандан сўнг қуйи ёнда ўлтирилади». «Султон Али мирзо ҳам ўз ишига ҳайрон ва чиққонидин (яъни Шайбонийхон ҳузурига келганидан — **Ҳ.Қ.**) беҳуд пушаймон эди». Хуллас, Шайбонийхон Султон Али мирзони қатл этади. Самарқандда катта нуфузга эга Хожа Яҳёнинг икки ўғли Муҳаммад Зикриё ва Хожа Боқини Хуросонга юбориб орқасидан одам ёллаб, Кордзан мавзеида шаҳид қилади.

«Хожа Яҳёдин чун Шайбонийхон мутаваҳҳим эди», дер экан, Бобур Хожа Яҳёнинг ўша даврда обрў-эътибори эл орасида юқори эканини, ҳатто Шайбонийхон ҳам ундан ҳайиқишини айтади. Хожа Яҳёнинг икки ўғлини қатл этишга амр берган Шайбонийхон, бу жиноятдан ўзини олиб қочиб, «Хожанинг иши мендин эмас», дейди.

Мазкур воқеани батафсил шарҳлаганимизнинг боиси шундаки, воқеа баёнида Бобурнинг уста ҳукмдор Шайбонийхонга берган баҳоси мавжуд. Бу баҳода эса Бобурнинг — лашкарбошининг, султоннинг жамиятдаги мавқеи, бурчига теран муносабати ўз аксини топган. Унинг фикрича, ҳукмдор ўзи берган бирон-бир ҳукм, ҳулосасидан воз кечмаслиги, уни тан олиши лозим ва жавобгарлик ҳисси ҳамisha зиммасида бўлиши керак. Шайбонийхонни Хожа Яҳёнинг Самарқанд аҳолиси олдидаги обрў-эътибори чўчилади, ундан очикчасига қутулишдан ҳайиқади. Шу боис, қилган жинояткорона ҳаракатини тан олмайди, уни кимнингдир бўйнига юкламоқчи бўлади, бекларини ўзбошимчаликда айблайди. Бобур назарида, қўл остидаги беклар, мулозимлар ҳаракати, жиноятдан беҳабар султон, хон эътиборга лойиқ эмас. У қилган ишидан тониб, узр айтар экан, бу узр гуноҳдан баттар: «Шайбонийхоннинг сўзи бу экандурким, Хожанинг иши мендин эмас эди, Қапбарбий ва Кўпакбий қилдилар. Бу андин ёмонроқ. Масал борким: «Узраш баттар аз гуноҳ» (узри гуноҳидан ёмонроқ. *мух.*). Мундоқ ишларни беклар ўз боши билан хонидин ва подшоҳидин бевуқуф қила бошласа, бас, хонлиғига ва подшоҳлиғига не эътибор?»

«Бобурнома»да муаллиф давлат бошқарувида яқка-ҳукмронлик масаласига доир қарашларини шу мавзуга ҳатто хиёл мос келадиган воқеа-ҳодисалар тасвирида ҳам баён этиб кетаверади. Таъкидлаш жоизки, мазкур масала Бобур шахсиятини белгилашда ўта муҳим. Бу унинг мустаҳкам салтанатининг майда феодал мулкларга бўлиниб кетиши, қўшҳокимлик тарқоқликка, беклар орасида кескин низоларга сабаб бўлади, деган воясининг маъзини ташкил этади.

«Бобурнома»даги 1503—1504 йил воқеалари ҳикоясида Қабодиён, Айбак, Даран Зиндон каби манзиллар учун олиб борилган курашлар тасвирланган. Ажар қўрғонидида қўним тутган Бобур ўз қўшинига «уч-тўрт кўч билан Коҳ-

мард келиб» қўшилганини ёзади ва кутилмаганда мазкур воқеага алоқаси бўлмаган қуйидаги матн келади: «Ажарда эканда Султон Маҳмуд мирзонинг Хонзодабегимдин бўлган қизиниким, бурун Жаҳонгир мирзога мирзолар тиригида қўлуб эдилар, Жаҳонгир мирзога никоҳ бўлди. Ушбу аснода Боқибек манга каррот ва маррот айтур эрдиким: «Бир вилоятқа икки подпоҳ ва бир черикка икки мири сипоҳ мужиби тафриқа ва вайронлиқ ва сабаби фитна ва паришонлиқдур...».

Бу парчага эътибор берайлик. Хонзодабегимнинг қизи Жаҳонгир мирзо даврида бошқа мирзога унаштирилганига қарамасдан, шароит тақозосига кўра, Жаҳонгир мирзога турмушга чиққан. Бундай ҳолат турмушда учраб туради-ку! Нега Бобур айнан шу воқеалар таспирида, бир қараганда, унча арзимаган ҳолатни давлат бошқаруви масаласига йўйиб ўртага солмоқда?

«Бобурнома»даги ушбу йил воқеаларига диққатни қаратсак, бу саволга жавоб топамиз. Бобур Хуросон ва Мовароуннаҳрда ягона салтанатни барпо этиш устида тинмай ўйлар эди. Унга гоҳ дўст, гоҳ душман бўлиб юрган Хисравшоҳ ва иниси Боқи Чағонийёний ҳаракати мутлақо ёқмасди. Чағонийён, Шахрисафо ва Термизга бек бўлиб, Коҳмард ва Бомийёни ҳам эгаллаган Хисравшоҳнинг хоҳарзодаси Аҳмад Қосим ўзича бу юртларни бошқариб турган эди. Бошқа бекларда ҳам мустақил ҳукмдорлик қилиш кайфияти васваса қиларди. Бунинг устига, Шайбонийхоннинг Хуросонга тинимсиз таҳдиди Бобурни яна бир карра ҳокимлик ғоясини амалга ошириш тўғрилигига иқдор этарди. У ўзининг бу ғоясини бир неча марта Ҳусайн Бойқарога айтганида, у ўз қаламравини ҳимоя қилишни маъқулроқ кўрди: «Менинг бу навоҳига келган хабарим бориб эди (яъни Ҳусайн Бойқарога — Ҳ.Қ.). Манга ҳам битиб эдиким, сен Коҳмард ва Ажарда ул кўҳпояни беркитиб, Хисравшоҳ Ҳисор ва Қундуз қўрғонларида эътимодий кишиларини қўюб, ўзи

на иниси Вали Бадахшон ва Хатлон тоғларини беркитсунлар. Ўзбак (яъни Шайбонийхон — Х.Қ.) иш қила олмай ёнғусидур, деб».

Гарчи Бобур Хусайн Бойқарони ўша даврдаги темурийзодалар орасида «андин улукроқ подшоҳ ҳам ёш ва ҳам вилоят ва ҳам черик била йўқ эди», деб баҳолаб, Тирмиз, Килиф, Каркида кемалар ясаб, муҳофаза қўрғонларини барпо этишга кўрсатма бериб, темурийзодаларга бош бўлганини таъкидласа-да, унинг ўз ҳудуди ҳимояси билан чекланган ҳаракатлари Бобурнинг давлатчилиқ қарашларига мос келмас ва Хусайн Бойқаронинг юртни ҳимоя этиш усулини ноқис, деб биларди. Бунинг асосий сабабини у Хусайн Бойқаронинг Шайбонийхондек ҳарбий имконияти кучли, ҳийлакор ва темурийлар салтанати дунманининг шахсиятини яхши билмаганида, у билан юзма-юз олишмаганида кўради. Шу боис, Хусайннинг ватдалари билан элни Шайбонийхонга қарши курашга даъват этиш амри маҳоллигини айтади: «...бу печа йил ўзбак тафриқасидин дилшикаста бўлган элларнинг кўнгли қавий бўлуб, умидвор бўлғайлар эди.

Султон Хусайн мирзодек Темурбек ўрунига ўлтурғон улуг подшоҳ фанимининг устига юрумакни демай, ер беркитмакни деса, эл ва улусқа не умидворлиқ қолғай?»

«Бобурнома» муаллифининг бундай баён услуби, воқеалар тасвирининг изчиллиги мумтоз адабиётимизнинг бошқа намуналарида деярли кўзга ташланмайди. Асарнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳам шунда.

Заҳириддин Бобурнинг давлатчилиқ илмида билдирган якуний ҳулосалари кишини ҳайратга солади. Тарихда Бобурчалиқ Хусайн Бойқарога ҳар томонлама холис ва бегараз баҳо берган шахс бўлмаса керак. Айрим ўринларда Бобуршоҳнинг шахсий қарашлари устунлиқ қилгандир, аммо яхлит олганда, унда адолат туйғуси ғолиб келган.

«Бобурнома»да Хусайн Бойқаро, унинг уруғ-аймоқлари, насл-насаби таърифини якунлаб, аччиқ ҳақиқатдан ҳуло-

са чиқарган Бобурнинг фикрида таънадан кўра ўкинч, теуурийлар хонадони фожиасидан қайғуриш туйғулари устун: «Султон Хусайн мирзодек улуғ подшоҳ, Ҳиридек ислом шаҳрининг подшоҳи бу ажабтурким, бу ўн тўрт ўғлидин учи валаддуз—зино эмас эди. Фисқ ва фужур ўзида, ўғлонларида ва эл-улусида асру шойиъ эди. Ушбуларнинг шоматидин эдиким, мундоқ хонводадин етти-секкиз йилда бир Муҳаммад Замон мирзодин ўзга осор ва аломат қолмади».

Яккаҳукмронлик ҳақидаги Бобур қарашлари унинг умри охиригача давлат бошқарувида асосий мезон бўлиб қолди. Ҳинд олими Л.П.Шарманинг фикрича, давлат бошқарувининг бу йўли Ҳиндистонда Бобур вафотидан кейин ҳам амалда бўлиб, ягона, мустақил давлат барпо этилишига сабаб бўлган. «Хукмдор сифатида Бобур ўз бурчини яхши бажарарди, — дейди ҳинд олими. — У ҳукмдорнинг мавқеини янада кўтаришга тиришарди ва ягона ҳукмронликнинг қудратига тўла ишонарди. Шунинг учун ҳам у ўзига «Подшоҳ» деган унвонни қабул қилган. Мамлакатга якка ҳукмронлик қилиш услуби ҳиндларга ҳам яқин бўлган ва шоҳнинг улугворлигига улар жуда катта эътиқод қўйган».

Шоҳликка бўлган муносабати орқали Бобурнинг жамият, давлатчилик, умуман, ҳаётга муносабатини белгилаш мумкин. Теуурий султонун шаҳзодалар, саройдаги ҳисобсиз беклар кўпроқ бойликка эга бўлиш ҳирси билан ёнган бир даврда Заҳириддин Бобур ўзининг бутун салоҳияти билан фарзандлари Ҳумоюн, Ҳиндол ва Комронни аҳилликда яшаш, бир-бирига садоқатли бўлиб давлатдорлик қилишга чақирди. У фақат фарзанларинигина эмас, балки теуурийлар хонадонига мансуб барча бек ва хонзодаларнинг хатоликларини кечирди, уларни эл олдида шармисорликдан сақлаб қолди. Бундай воқеалар ўзининг иззат-нафсига теккан тақдирда ҳам, у агар шундай иш тутилса турли даражадаги султонларни, бекларни бирлашти-

риш имкони бўлади, деган ақидага амал қилди. Бу ақида Бобур назарида Амир Темур салтанатини қайта тиклаш, уни душманлардан ҳимоялашнинг муҳим чораси ҳисобланган.

«Бобур садоқатли ўғил, меҳрибон ота, содиқ дўст, вафодор эр ва ғамхўр қариндош эди, — деб ёзади Л.П.Шарма. — Бобур қариндош-урувларидан меҳр-мурувватини аямас, дўстларининг ташвишига ҳамдардлик қилар ва қувончларига шерик бўлар, хотинлари бир нечта бўлишига қарамай, уларнинг барчасини барабар иззат қиларди, ўғилларининг ҳам ҳаммасига бирдек меҳр билан қарарди».

Мисолларга мурожаат этайлик. Кобулни эгаллаб, пойтахт деб эълон қилган Заҳириддин Бобурнинг обрў-эътибори кун сайин ортиб борарди. Шу қатори, Хоразмни забт этиб, Хуросонга кўз тиккан Шайбонийхоннинг таҳдидидан ҳадиксираган Ҳусайн Бойқаро 1506 йилнинг кузида Бобурни Ҳиротга маслаҳатга чақиради. Бироқ ярим йўлда у Ҳусайн Бойқаронинг вафот этганидан хабар топиб, Ҳиротга боради, шоҳ ва унинг яқинлари мазорларини зиёрат қилади. Алишер Навоий яшаган уй, «Ихлосия» мадрасасида яшаб, беклар билан учрашиб, қаҳратон қишда Кобул томон йўл олади. Қандайдир бир ички туйғу уни тезроқ Кобулга етишга ундар, шу боис Қандаҳордан ўтадиган равон йўлни қолдириб, Ҳиндикуш довони орқали ўтишга қарор қилинади. «Бобурнома»да бу қор кечиб ўтиш воқеаси ниҳоятда жонли, таъсирли тасвирланганки, биз мазкур ишчимизнинг бу мавзуга тааллуқли жойида унга батафсил тўхталганмиз.

Хуллас, Бобурнинг кўнглида шубҳа уйғотган гумонлари рост бўлиб чиқади. Хуросон сафари олдидан Бобур ўз холасининг эри Муҳаммад Ҳусайн мирзо Дуғлатга Кобул ва унга тегишли қаламравларни назорат қилиб туришни топширган эди. Бироқ сафари чўзилгани боис, гўё у душманлари қўлига асир тушгани, зиндонга ташлангани ва

Кобулга етиб келиши амри маҳоллиги ҳақида гап тарқатилди. Бу фитнанинг бошида Бобурнинг бувиси турган, унинг мақсади суюкли невараси Хон мирзони (Султон Вайс) шоҳ этиб тайинлаш эди. Фитналардан огоҳ бўлган Бобур яқинлари билан Кобулга кириб, узоқ тўқнашув ва урушлардан кейин шаҳарни эгаллаб, исёнчиларни асир олади.

Бу тарихий ҳодисалар «Бобурнома»нинг 1506—1507 йил воқеалари тасвирида батафсил ёзилган. Бу ўринда бизни Бобурнинг шундай мураккаб даврда Шайбонийхондек йирик ғаним билан эмас, сотқин беклари билан урушиб ғалаба қозонгани эмас, балки ўзи ишонган, қаламравига муваққат ҳоким этиб тайинлаган уруғ-аймоқларининг мислсиз хиёнатига муносабати қизиқтиради. Шунингдек, қуйида Бобурнинг давлатчилик сиёсати ва шахсга алоҳида муносабати йирик империяни идора қилишида қандай ўрин тутган, деган саволга имкон қадар жавоб излашга уринамиз.

Бобурга хиёнат этганлардан бири Султон Санжар барлосдир. Бу шахс анчагина нуфузга эга бўлган, таъкидланишича, Бобур «Нингнарҳор вилоятини анга иноят» қилган. Бироқ «ул ҳам бу фитнада булар билан шерик эди». Хиёнату сотқинликларни кўравериш кўзи пишган Бобур бу беғиш айби устида қўлга олиб, қўл-оёқларини боғлаб ҳузурига келтирганларида у «музтариб бўлуб қичқирадурким, ҳай, менда не гуноҳ», деб. Шунда «гуноҳ мундин ортуқ бўлурмуким, бу жамъ била ҳамжиҳат ва ҳаммашваратлардин бир улурғони сен», деган Бобурнинг фикрига диққат қилайлик. Ўша даврдаги сиёсий вазият Заҳириддин Бобурдан қанчалик сабр-бардош, чидам талаб этган! Давлатга хиёнат қилган кимса ўз хиёнатини оддий ҳол деб билса, мамлакат шоҳи эса хиёнат бундан ортиқ бўлмаслигини айтиб турса, бундай шахс устидан қандай ҳукм чиқариш керак? Табиийки, унга ўлим жазоси муқаррар! Биз юқорида ҳам Бобурнинг буюк инсоний фазилатлари ҳақида

сўзладик. Фикрларимизнинг бурҳони қотەъ исботи айна мисол замирида ҳам мужассам. Шу қадар азим гуноҳга ботган Султон Санжар устидан Бобур қўйидаги ҳукмни чиқаради: «Чунон додамнинг волидаси Шохбегим хоҳарзодаси бўлур эди, буюрдумким, мундоқ беиззатона кездурманг, ўлум йўқтур». Бунда Бобур ўз хоҳиши-иродаси, давлатчилик тартибини темурийлар хонадони шаънини ҳимоя қилишдан тубан қўймоқда. Демак, Амир Темур хонадонига мансуб ҳар бир аъзонинг обрўи, шон-шуҳрати бутун авлод шаънини белгилаган. Унинг ҳимояси Бобур дипломатияси, мурувватли ахлоқининг моҳиятини ташкил этиб, бир умрли фаолияти мезонига айланган.

Шох Бобурдаги ана шу юксак хислатини янада теранроқ англашга интилайлик. Бобур Султон Санжар хиёнатини бувиси Шохбегимга ҳурмати боис кечирган. Шохбегимнинг ўзи бу эҳтиромга лойиқмиди? Ахир, Кобулдаги исённинг бош сабабчиси Шохбегим эди-ку? Шу фитнакор, дунё кўрган аёл қанча яхшиликлар кўргизган Бобурни юзхотир қилмай, унинг ўрнига суюкли набираси Хон мирзони султон, деб кўтаришга интилмаганмиди? Заҳириддин Бобурнинг ўзидан ёши улуг темурийзодаларнинг, ҳатто аёлларнинг ҳам, хиёнату хоинликларига қарамай, иззатикромларини жойига қўйиб, гўё ҳеч нарса бўлмагандек уларга пешвоз чиққани энг вазмин ўқувчини ҳам ҳайратга солади! «Шохбегим ва хоним бир уйда ўлтуриб эдилар. Доимги ерда тушуб, келиб бурунвидек адаб ва таъзим била юруб кўрушгум...» (таъкид бизники — **Ҳ.Қ.**). Бобурнинг қўллаган сўз, ибораларига эътибор берайлик. Темурий султонлар сарой дастурига кўра, шох, вазир, бек, сарой хонадони аҳлининг мавқеига қараб бир-бирлари билан кўришиш тартиблари бўлган. Бу ўша давр дипломатиясининг нозик жиҳати эди. Бир қадам олдин бориб кўришиш, неча марта таъзим этиш, орқа ўғирмасдан қадам босиш, маълум масофада туриб сўзлаш, қучоқлашиб кўришиш ёки кўришмаслик ва бошқа жуда кўп назокатли ҳара-

катлар сарой қонунияти ҳисобланган. Зодагонларнинг ўзаро муносабати даражаси, эҳтироми ёки нафрати, бешфарқлиги ёки самимияти, расмийчилиги ёки чин кўнгилдан қилинган ҳатто оддий ҳаракати фақат ўзаро муносабатни эмас, балки позик дипломатик даражани ҳам англатган. «Бобурнома»да муаллиф бундай ҳаракатларни изоҳламайди ва, эҳтимол, ўша давр ўқувчиси учун бу ортиқча кўрингандир. Биз бүгун «Бобурнома»даги таърифларга жиддий эътибор қаратар эканмиз, ҳар бир сўз, ибора, жумланинг замирида муаллиф қарашларининг асл моҳияти, шоҳнинг аниқ шахсга муносабатини кўрамиз. Юқоридаги матнга эътибор берайлик: Бобур «доимги ерда тушиб» кўришганини айтмоқда. Демак, низодан олдин ҳам шоҳ Бобур бувиси Шохбегим билан келиб айнан шу ерда сўрашган. Одатда, ҳукмдор гуноҳкорни ўрнидан қўзғалмасдан суруштирган. Бобурнинг Шохбегим гуноҳини кечиргани: «бурунвидек адаб ва таъзим била юруб кўруштум», деганида аниқ сезилади. Бунда «бурунвидек» сўзига алоҳида урғу берилган. Киши ҳампиша ҳам жаҳл ўрнига бардош, шиддат ўрнига ҳалимлик каби руҳий ҳолатни сақтай олмайди. Бунинг учун ўта мустаҳкам ирода керак. Қолаверса, муаллиф «адаб» ва «таъзим» сўзларини қўлламоқдаки, бу Бобурнинг юксак инсоний хусусиятини билдириб, вазият тасвирига янада тиниқлик киритган.

Ҳукмдорнинг бундай муносабатидан Шохбегим ва бошқа аёллар ўзларини йўқотиб қўйишади, тиллари калимага келмайди, титроққа тушибади. Бобур дарҳол уларни хижолатли ҳолатдан чиқариш пайида таскинли сўзларни айтади. «Бобурнома»да ушбу матндан сўнг бир парча келади. Назаримизда, Бобур Шохбегим ва унинг атрофидаги шахсларнинг саройда тутган ўрни, мавқеига алоҳида эътибор билан қараган, улар тушган ноқулай ҳолатда ҳам инсоний туйғулар устун келган, қариндошлари олдида на маънавий ва на моддий жиҳатдан тили қисиклик жойин йўқлигини билдирган. Оғир дамларда қариндошлар кўмак-

ка қўл чўзмаганларини таъкидлаб, ички ғурур билан ўзининг бу ҳаракатида қараз йўқлигини, нияти темурийлар хонадони шаънини ҳимоя қилишдан иборатлигини таъкидлаган: «Неча қатла ҳам ким, замона ноҳамворлиғидин ва даврон носозкорлиғидин ва тахт ва мулк ва навкар ва савдардин айрилиб, аларға илтижо этдим, онам ҳам борди, ҳеч навъ риояте ва шафқате кўрмадук... Ул табақадин ҳар кимки менинг сарвақтимға тушти, илгимдин келганча туққонлиқни ва яхшилиқни бажо келтурдум, нечукким Шохбегим келдилар. Памўонниким, Кобулнинг аъло ерларидиндур, бердим. Яна ҳар навъ фарзандлиқ ва хизматгорлиқта тақсире қилмадим».

Эътибор берайлик, Бобур «ул табақадин» деган иборани ишлатган. Бу иборада катта маъно мужассам. Маълумки, Бобурнинг отаси Умаршайх мўғуллар сулоласидан бўлмиш Юнусхоннинг қизи Қутлуғ Нигор хонимга уйлашиб, ундан Заҳириддин Бобур туғилган («Бобурнома»да муаллиф «мўғулий расм ила...» деб кўп расм-русумлар ҳақида фикр билдирадики, бу темурийлар хонадонидаги уруғ-аймоқчилик масаласи борасида кенг маълумот беради. Биз қуйида айни мавзуга алоҳида тўхталамиз — **Х.Қ.**).

Эҳтимол, Кобулдаги исённи халқ ёки ўша давр сиёсатдонлари Бобурнинг мўғул авлодларига мансублигини пеш қилиб уюштиргандирлар. Асарда бу ҳақда очиқ гапирилмайди. Аммо матндан буни илғаш мумкин. Муаллифнинг асарда она томонидан бўлган зодагонларга алоҳида эътибор берганидан англашиладики, фитна воқеаси уларнинг Бобурдан ранжиганликлари оқибати эмас, балки темурий бек ҳамда султонларнинг тож-тахт таллашиб уюштирган навбатдаги фитнаси экан.

Бобур ҳаминша беклари, аъёну ашрафлари, отасининг хизматида бўлган амалдорларининг иззат-икромини жойига қўйган, уларга турли юрт, туманларни инъом этган, лавозимлар берган. «Бобурнома»да муаллиф миллати, элатига қараб одамларни ажратмаганини кўп таъкидлайди.

Жумладан, Кошғар хони Султон Саидхон ўз яқинлари билан ҳеч вақосиз келганда, уларга Ламғор ва Мандовар туманини бергани, бор навкарларини қўшиб, Андижон вилоятига Султон Саидхонни хон қилиб тайинлагани, кўпчилик мўғул султонларига «ўз туққонларидин яхшироқ кўруб, риоят ва шафқатлар» қилганини баён этади.

Назаримизда, Заҳириддин Бобур Кобулдаги ўша фитнадан қаттиқ таъсирланган. У ўтган умрини сарҳисоб этаркан, гўё «Бобурнома» ўқувчиларини саройнинг чалкаш, мураккаб ҳаётида юз берган кирдикорларнинг туб сабабларини топишга ундаб, бу фирром ўйинларда ўзининг пок, ҳур фикри бўлганини, ёмонга ёмонлик билан эмас, мураса-мадора, ақл ва маърифат билан жавоб берганини алоҳида уқтирган. Асарни ўқиш жараёнида Бобурнинг мурувватидан фақат хиёнаткор ва бебош темурийзолалар эмас, балки шундай ёмон амалларга қўл урган сарой мунажжими Шамсиддин қатори, унга заҳар берган Иброҳим Лўдийнинг онаси, Муҳаммад Хусайн мирзо, Боқи Чавониёний ва яна ўнларча кишилар баҳраманд бўлганини билиб оламиз. Бобур гуноҳкорларни кечирибгина қолмай, уларга катта инъомлар, лашкару от-улов беради, ўз ихтиёрларига қўяди, комил мусулмон сифатида биронтасидан ўч олмайди, яъни ўз таъкидига кўра, Шайх Саъдийнинг байтига амал қилади:

*Ту бадкунандайи худро ба рўзгор сипор,  
Ки рўзгор туро чокарест кийнагузор.*

(Мазмуни: *Сен ўзинга ёмонлик қилгани ҳаётга топшир, ҳаёт сенинг ўч олувчи хизматкорингдир*).

Ҳақиқатда ҳам, тақдир уларнинг жуда кўпидан ўч олади, нобакорликлари учун Оллоҳнинг ўрипли жазосига гирифтор бўлади.

Ана шундай хулосага келган Бобур чинакам иқрор сўзларидан иборат ҳақиқатни баён этади. Қуйида келтирила-

диган сатрлар «Бобурнома»нинг асл моҳиятини, муаллиф дунёқарабини белгилайди: «Лоҷарам ота-оғадин ҳар яхшилиқ ва ёмонлиқким шойеъ эди, тақрир қилдим ва қариндош ва бегонадин ҳар айб ва ҳунарким баёни воқифъ эди, таҳрир айладим. Ўқуғувчи маъзур тутсун, эшитғувчи тааруз мақомидин ўтсун».

Китобда Бобурнинг ҳаётида, курашларида гоҳ душман, гоҳ хиёнаткор, ишчи юришмаганда сулҳ тузиб, бошқа пайтда қўлига қилич олиб курашган Хисравшоҳ шахсиятига бот-бот мурожаат этганини кузатамиз. Қўйидаги мисолда Бобур саройида дипломатик муносабатлар қандай амал қилгани, улардаги назокат ҳақида фикр юритилади.

...Бобур лашкарлари Ҳисор, Хуросондаги Қундуз, Душай ва бошқа вилоятларни эгаллаб, зафар билан Кобул томонга интиляётган пайтда, Мовароуннаҳр учун олиб бориляётган жангларда унга кўп душманликлар қилган, ҳеч вақосиз қолган пайтда бир озғин от, егулик таомни қизганган Хисравшоҳ Шайбонийхон ва мўғул аскарларидан маълуб бўлиб, куёви Яъқуб Аюбни Бобурга элчиликка юборади ва учрашишни сўрайди. Бобур бу дафъа ҳам гинакудуратни йиғиштириб, инсоний муносабатни раво кўради: «Бу йўсунлуқ аҳд бўлдуким, анинг жони амонда бўлғай. Молиға ҳам не миқдорким, ўзи ихтиёр қилса, музояқа бўлмағай».

Бундай мурувватни кутмаган Хисравшоҳ унинг ҳузурига шопилади. Ана шу учрашув тасвирида биз таъкидлаган сарой дипломатиясининг ўта нозик қирралари чизилган. Бу ҳолатни муаллиф ўзига хос атамалар, сўз-иборалар билан баён этади. Учрашувда қудратли саркарда Хисравшоҳ тақдир тақозоси билан юз тубан бўлиб Бобурга таъзим қилгани тасвирланган. Хисравшоҳ «қоида ва дастур» бида келади. Бироқ Бобур билан аввалгидек яқин келиб кўришолмайди, «йироқтин тушуб» келади. Бу маълубнинг ҳолати! Одатда шаҳзодалар, темурий саркардалар бир-бирлари билан бир юкиниб (таъзим этиб) ёки уч юки-

ниб кўришишган. Ҳар бир юкиниш муайян бир муносабат мазмунини белгилаган. Хисравшоҳ эса «кўрушурда уч қатла юкунуб, ёнғонда ҳам (орқага тисарилиб ҳам — Х.Қ.) уч қатла, сўрғонда ва тортук тортқонда бирор юкунди», деб ёзади Бобур. Бунда муаллиф Хисравшоҳнинг ҳар бир юкинишини унинг устидан эришган бир ғалабаси рамзи сифатида келтиради. У Хисравшоҳнинг забунлигини неча марта эгилгани билан белгилайди. Зотан, теуурийлар салтанатида тиз чўкишнинг бир неча даражаси бўлган. Бу киши қоматининг оёққа қараб даражама-даража эгилишига бовлиқ. Бошни ирраб қуйи тушириб, қўлни кўксига қўйиб ярим эгилиб ёки тиззасини ерга қўйиб, бошини ҳукмдор оёғи томон ергача етказиб эгилиш сингари ҳаракатларнинг ҳар бири, таъкидлаганимиздек, тарафларнинг ўзаро муносабатидан белги берган. Хисравшоҳ «йигирма беш, йигирма олти қатла паё-пай юкунди ва борди ва келди», дейди Бобур. Бу сўзларда волиб Бобурнинг маълуб душманидан устунлиги, музаффар шоҳнинг фаҳри мужассам. Ётибор берайлик, Бобур Хисравшоҳ таъзимини атайин санаган (25-26 марта), бунга диққат қилган. Шу жойда у: «Толиқиб тамом йиқила ёзди. Неча йил қилғон беклиги ва салтанати тамом бурунидин чиқти», деб ёзади. Кўрганимиздек, ана шу мағлублик ҳолатини муаллиф сарой расм-русумидаги зодагонлар хатти-ҳаракати, теуурийлар салтанатчилиқ қоидалари орқали ифодалаган.

Ушбу матндаги теуурий ҳукмдорларга тааллуқли бир жумлага муҳтарам ўқувчи диққатини алоҳида қаратмоқчимиз: «Қари танбал мардак неча йиллар ўз мурудича юруб, салтанаттин тек бир хутба ўз отива ўқумайдур эди». Бобурнинг Хисравшоҳга берган бу баҳоси кўзга кўринган теуурий бек учун ҳақорат аслида. Одатда, бирон бек юксак мартабага эга бўлиб, каттагина ҳудудга ҳукмронлик қилса, намоз олдидан хутбада ўз номини қўшиб ўқишларига амр беради. Бу қоида шу бекнинг ўз қаламравида пис-

батан мустақил эканлигини, шаҳаншоҳ у билан ҳисобла-  
нишини билдиради. Айрим ҳукмдорлар юксак мартабага  
етгандан кейин ўз номлари битилган танга пуллар зарб  
этганларки, бу ҳам унинг қудрати ва нуфузини кўрсатган.

Бобур юқоридаги баҳосида Хисравшоҳга таъна-мало-  
матни кўзламаган, балки унинг жуда катта лашкари, обрў-  
эътибори бўла туриб, бундай хор бўлишга, биринчи навбат-  
да, очкўзлиги, вайриинсоний ҳаракатлари, одам танимасли-  
ги сабаб эканини айтаётир. Бобурнинг фикрича, қодир  
Оллоҳнинг унга нисбатан жазоси вожиб бўлган: «Ажаб  
қодиредур, бир кишиким, йигирма-ўттуз минг навкарнинг  
эгаси эди... Султон Маҳмуд мирзога тааллуқ вилоёт та-  
мом анинг таҳти тасарруфида эди... Хисравшоҳни бир  
ярим кунда уруш йўқ, талош йўқ, бизнингдек қаллош ва  
мафлук икки юз-икки юз эллик кишининг қошида андоқ  
хору зор ва забун ва ожиз қилдиким, не навкарига ихтиё-  
ри қолди, не молига, не жонига».

Хуллас, давлатчилик ва юрт идораси учун ҳамиша ҳам  
лашкар сони, бошлиқнинг печа йил ҳарб-муҳорабада бўлга-  
ни, мол-дунёси эмас, энг аввало, қўл остидаги кишилар ўрта-  
сидаги ҳурмати, уларнинг мушқилликларини тушуниши,  
қаттиққўллиги ва аниқ мақсад — юрт бирлигини асраш  
нияти устун бўлмоғи лозим. Бобур ана шу ипсоний фази-  
латларнинг йўқлигини Хисравшоҳ таназзулига сабаб қилиб  
кўрсатади.

Шу тариқа, Заҳириддин Муҳаммад Бобур темурийлар  
хонадони, уларга яқин бек, уламолар обрў-эътиборини сақ-  
лашни юртни бошқариш, ягона салтанатни асрашда асос,  
деб билган.

Инглиз олими Уилям Эрскин Кобулдаги хиёнат ва Бо-  
бурнинг бу воқеага муносабатини қуйидагича баҳолаган:  
«Бобурнинг Шохбегим ва хонимларнинг илтимоси олдида  
Хон мирзо ва Муҳаммад Хусайн мирзо ҳамда уларга  
қўшилганларнинг гуноҳини кечирганини кўриб, биз Бо-  
бурни ҳамияти йўқ, гурусиз ёки иродасиз киши экан-да,

деган хулосага келмаслигимиз керак. Унинг меҳр-шафқатлилиги, гуноҳкорни кечира олиш қобилияти кучли ирода эгаси эканидан, унинг нозик қалбини яралаган муртадлардан ақлан ва ахлоқан бир поғона юқори турганидан, унинг буюк қалб эгаси эканидан ва, айниқса, ўз қариндошларига нисбатан меҳр-шафқати юқори эканидан далолат беради».

Заҳириддин Бобурнинг барча шаҳзодалар, уруф-аймоқлари билан аҳил яшаб ва бирликда фаолият кўрсатиши зарурлигига оид қарашлари ёш пайтидаёқ шаклланган. Зотан, султон ва шаҳзодалар орасидаги гиналар, аразомуз муносабатлар аксар ҳолларда юрт ягоналигини истаган ёш шаҳзодага тўсқинлик қилар эди. Шу боис, у имкон қадар хонота ва тағойилари қошига уларни йўқлаб, гоҳида мадад истаб борганини кўради. Ёш Бобурни ҳар сафар икки масала руҳий қийноққа солган: бири — ноиложлик, ҳарбий қудратининг талаб даражасида эмаслиги, иқтисодий танглик; иккинчиси — теурийзодалигига қарамай, турли даражадаги хонларга ёрдам сўраб боришга мажбур бўлганидир. Боз устига, оилавий низолар ҳамма вақт ҳам иззат-нафсини енгиб, ёрдам сўраб боришга имкон бермаган. Бироқ масала ноиложликка бориб тақалган шароитларнинг асл моҳиятини очиб бераркан, Бобур бунинг барчаси ягона мақсадга — мустаҳкам салтанатни барпо этишга қаратилганини айтади ёки шунга ишора этади. Демак, Заҳириддин Бобур учун касри нафсдан кўра, бош мақсади — юрт ягоналигига эришиш муҳимроқ ҳисобланган.

Шу ўринда бир мисолни келтирсак. Жуда кўп ҳолларда Бобур ночор қолиб, турли ҳокиму хонларга ёрдам сўраб мурожаат этган бўлса (масалан, Тошкент ҳокими — тағойисига 19 ёшида ёрдам сўраб боргани), қуйидаги ҳолатда, аксинча, Хўжанд, Шоҳрухияни эгаллаб, қирқ кунлик жангдан валаба билан чиққанидан сўнг хонотаси олдига боришни маъқул кўради. Бундай учрашувлар Бобурнинг давлатдорликда жуда узоқни кўзлаб иш тутганидан, тақдир унинг бошига ҳали кўндан-кўп ташвишларни раво

кўришини билганидан дарак беради. Қолаверса, юқорида зикр этганимиздек, ўша пайтдаёқ у темурийзода ва хонларнинг барча кучларини бирлаштиришга интиланга ҳам гувоҳ бўламиз: «бориб мулозамат қилсам, ўтган кудуратлар рафъ бўлмай, ироқда-ёвуқта эшитур, кўрарга яхши бўлмай деб келиб, Шохрухиядан ташқари Ҳайдарбек солгон боғда хонга мулозамат қилдим». Бу учрашувдан Бобурнинг муроди бирлашиш, кўнгил топини, энг муҳими, дўст-душманга умумий бирликни, ягона қудратни кўрсатиш эди.

Хон ёши улуглигига қарамасдан, ўрнидан туриб Бобурнинг таъзимига «таъзим қилиб» кутиб олади. Бу ҳолат тасвирида Бобур «ёниб юкунгандан сўнг» деган иборани ишлатган. Бу руҳий ҳолатни хонотанинг ёш шахзода Бобурга эҳтироми, меҳри, унинг садоқатига садоқат билан берган жавоби сифатида тушуниш мумкин. «Бобурнома» муаллифининг тилидан айтилган «қалин» сўзи «жуда», «ҳаддан ташқари» деган маъноларни ҳам билдирадики, бундан хоннинг Бобурга нисбатан шафқати ва меҳрибонлиги қай даража эканини англаймиз. «Хон боғнинг ўртасида солгон улут чорлара уйда ўлтуриб эдилар. Уйдиш киргач, уч юкундум. Хон ҳам таъзим қилиб қўптилар. Кўрушуб, ёниб юкингандин сўнг ёнлариға тилаб, қалин шафқат ва меҳрибонлиқлар кўрсаттилар».

Саройда темурий бекларга муносабатда, биринчи галда, уларнинг мавқеига асосланилган. Масалан, «Бобурнома»да таъкидланганидек, Ҳусайн Бойқаронинг отаси Мансур биини Бойқаронинг икки ўғил ва икки қизи бўлган. Ўғиллардан каттаси Бойқаро мирзо, кейингиси Султон Ҳусайн мирзо, қизлари — Оқобегим ва Бадабегимлар. 1469 йили Султон Ҳусайн мирзо Хуросон султони этиб тайинланар чоғида акаси Бойқаро мирзо, ёши катта бўлса-да, шоҳона қабулларда иштирок этмаган. Бобурнинг ёзишича, «Бойқаро мирзо Султон Ҳусайн мирзодин улук эди ва навқари эди (яъни укаси Ҳусайн Бойқаронинг навқари — Ҳ.Қ.), вале девон бошида ҳозир бўлмас эди». Бу жумлада «вале» сўзига алоҳида урғу берилган. Демак, темурийзода, қанча-

лик ёши улуг бўлмасин, саройдаги мансаби даражасидан устун ўринда ўтиришга, давлат ишларига аралашини ҳуқуқига эга бўлмаган.

Бобур бу ўринда яна бир жиҳатни жуда нозиклик билан алоҳида таъкидлайди: «ғайридевонда бир тўшақта ўлтурурлар эди». Демак, оила даврасида Хусайн Бойқаро ўз акаси ҳурматиини жойига қўйган, уни ўзидан юқорига ўтказган. Темурийлар хонадонидagi, бир қарашда майда кўринган, аммо нозик тартиблар мажмудан темир интизом низоми юзага келган.

Темурий шаҳзодалар фаолиятини белгиланда, саройдаги хизматларига баҳо беришда уларнинг ўзларига муносиб бек ва саркардалар, давлат ишларини юритувчи олим-фузалоларни тарбиялаб етиштирганликлари ҳам бир мезон даражасини ўтаган. Тўғри, баъзан шаҳзодалар ёшлиги боис, тахтни улар номидан тажрибали беклар бошқарганлар. Масалан, отаси Умар-шайхнинг фожиаи ўлимидан сўнг, 12 ёшида Андижон тахтига ўтирган Бобурга отасининг беклари давлатчилик ишларини ўргатишган. Ана шу беклардан айримлари умрининг охиригача унга садоқат билан хизмат қилган. Шу қатори, Бобур ҳам ҳукмронлиги даврида жуда кўп бекларни тарбиялаган, уларга давлатчилик илмидан ташқари, лашкаркашлик сирларини ўргатган.

Бобур ўша пайтда Балх вилоятининг ҳокими бўлган ва Хисравшоҳ томонидан қатл этилган Бойсунғур мирзо ҳақида фикр билдирар экан, унга «хуштабъ ва пурфазилат ва ҳасаб ва насаб била ораста подшоҳзода», деб баҳо беради, унинг шаҳид кетганидан афсусланади. Бобур шаҳзоданинг давлатчилик ишларидаги уқувини инҳоятда қадрлаган. Унинг назарида, ҳар бир подшоҳзоданинг, албатта ўзи тарбиялаган, ишонган беклари бўлиши шарт. Бойсунғур мирзо аини шу жиҳатдан оқсаган ва бу мирзонинг катта камчилиги: «Андоқ истиқбол била салтанат қилмадиким, бир кишини ўз элидин улғайтиб муътабар бек қилмиш бўлмай. Беклари ота-обовасининг-ўқ беклари эди».

Хулоса шуки, Заҳириддин Бобур бобоси Амир Темурнинг ягона салтанатини тиклаш, шон-шуҳратини ҳимоя этиш учун умр бўйи курашди. Давлатчилик сиёсатида адолатни, инсофни, энг муҳими, инсонийликни асос, деб билди. Унинг Амир Темур саройи қодаларига юксак эътибори, дипломатик муносабатларда моҳирлиги Афғонистон ва Ҳиндистондаги давлат бошқарувида қўл келди ва ўзини тўла оқлади.

#### **4. Бобурнинг мўғул қавми ва унинг урф-одатларига муносабати**

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг она томонидан мўғул қавмига мансублиги тўғрисида илмда турли-туман фикрлар билдирилган. Бобурийларнинг Ҳиндистондаги ҳукмронлик даври «Буюк мўғуллар империяси» дея аталиб келингани ҳам бунга бир мисол. Гарчи кейинги пайтлари шарқшунос, тарихчи олимларимиз «бобурийлар сулоласи» иборасини илмий муомалага киритишган бўлса-да, хорижда ҳамон «буюк мўғуллар» атамаси ишлатилаётгани айтиб масалага баъзи бир аниқликлар киритишни тақозо этади.

Заҳириддин Бобур «Бобурнома»да отаси Умаршайх ҳақида маълумот берар экан, ўзининг она авлоди томонидан мўғулларга мансублигини айтиб ўтади. У «Умаршайх хотинлари» рукии остида қуйидагича ёзади: «Қутлуқ Нигор хоним эди, Юнусхоннинг иккинчи қизи, Султон Маҳмудхон ва Султон Аҳмадхоннинг эгачиси эди.

Юнусхон Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатойхон наслидур». Кўрганимиздек, Бобур Қутлуқ Нигор хонимнинг тўнғич ўғли, Чингизхоннинг 12-бўғиндаги авлоди.

Ота томонидан темурийлар хонадонига мансуб бўлган Бобур Умаршайх авлоди ҳақида шундай ёзади: «Султон Абусаъид мирзонинг тўртунчи ўғли эди... Султон Абусаъид мирзо Султон Муҳаммад мирзонинг ўғли эди. Султон Муҳаммад мирзо Мироншоҳ мирзонинг ўғли эди. Мироншоҳ мирзо Темурбекнинг учунчи ўғли эди».

Заҳириддин Бобурни дунёга машҳур қилган жиҳатлардан бири ўз қўли остидаги кишиларга, миллати, қавми ва элатидан қатъи назар, бирдек инсоний муносабатидир.

Андижон тахтига ўтирган ёш шаҳзода, «Бобурнома»да таъкидланишича, салтанатни бошқаришда Умаршайхнинг жуда кўп бекларини ўз хизматида қолдирган. Уларнинг кўпчилиги онаси Қутлуқ Нигорхонимнинг қариндош-уруғлари, яъни мўғул қавмига мансуб бўлган. Бобур отаси Умаршайхга эҳтироми боис шундай қилган. Улар қаторида таъвойилари Али Дўст, унинг ўғли Муҳаммад Дўст, тоғаси Мир Фиёс ҳамда Қанбар Али мўғул ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Она томонидан бўлган бу беклар қанчалик яхшилик кўрмасин, барибир, мудом салтанатнинг таназзулга юз тутишини истаб иш кўришган, Бобурга хиёнат қилишган. «Бобурнома»нинг қайси жойида бу беклар ҳақида сўз юритмаган бўлса, Бобур уларнинг сотқинлигини, мансаб ва бойлик учун ҳар қандай қабихликдан қайтмасликларини алоҳида таъкидлайди. 1499 — 1500 йиллар воқеалари тасвири бунга бир далил. Бобур Аҳмад Танбалга қарши Андижон учун кураш олиб бораётган пайт. Али Дўст ва Қанбар Али Бобурга Шайбоний билан сулҳ тузишни таклиф этадилар. Уларнинг ҳурмати боис («Чун икки улус бек бу икки мардак эди, агар буларнинг сўзига қулоқ солмай сулҳ бўлмаса, ўзга эҳтимоллари ҳам бор эди, зарурат бўлди, бу йўсинлиқ сулҳ бўлди») Бобур сулҳга имзо чекади. Лекин ҳаял ўтмай у суянган бу беклар Аҳмад Танбал билан келишиб, унинг ҳимоясига ўтиб, Бобурга бўйсунамай, ўзбошимчалик билан иш юритишади: «Андижонга келгандин сўнг Али Дўстнинг атвори тамом ўзгача бўлди... Ўғли Муҳаммад Дўст худ подшоҳона бунёдлар қўйди. Суҳбат ва шилон ва девон ва дастгоҳ борчани салотин дастури била бошлади. Бу оталиқ-ўғуллуқ Танбалга орқаланиб, мундоқ ҳаракатлар бунёд қилдилар».

Ушбу матндан сўнг Бобур сиёсий ва иқтисодий аҳволи жуда аянчли эканлигини, мўғул қавмидан бўлган қарин-

дошларига ҳеч нима деб бўлмаслигини алоҳида таъкидлаб, «бу оталиқ-ўғуллуқтин ул муддатда қалаба хорлиқлар тортилди», дейди.

Умрининг энг мушкул, хўрликларга тўла кунлари, ҳафта, ойларга чўзилган бедор тунлари уни тақдир имтиҳонидан ўтказарди. Ҳали ён бўлишига қарамай, юртни бошқаришда юксак ўқувчи борлигини кўрган, теран тафаккуридан чўчиган ғанимлари, ҳатто дўстлари, қариндош-уруғлари ҳам ундап хавфсирадилар. Уларга қарши кураш эса осон эмасди. «Бобурнома»даги сатрлар бундан гувоҳлик беради. Бироқ Бобур ўз дардини, ташвишу изтиробларини ғазаллари, қитъа ва рубойларида ҳам аниқ ифодалаган. Эҳтимол, тоғалари, уларнинг ўзи билан тенгдош ўғиллари томонидан ўтказилган зуғумлар, хиёнатлар боис шоир бу рубойни яратгандир:

*Бобур, неча бу даҳр мени зор айлар,  
Сабримни каму ғамимни бисёр айлар,  
То даҳрдурур будур анинг расмиким,  
Айриб кишини азизидин хор айлар.*

«Бобурнома»ни мутолаа қилган ўқувчи бу шахсларнинг мудом Бобурга хиёнат қилганига гувоҳ бўлади. Бобур Самарқанддан Андижонга қайтаётиб иситмадан азоб чекиб, ётиб қолади. Андижонга ундан олдин етиб келган Али Дўст Бобурнинг ўлим тўшагида ётгани, қазоси яқинлигини айтиб, шаҳар дарвозасини ғанимларга очиб беради. Ёки Мовароуннаҳрдаги жуда кўп жангларда ҳам хиёнат йўлини тутган тоғалар шаҳарни унинг ғанимларига топширадилар.

Заҳириддин Бобур Али Дўст, унинг ўғли Муҳаммад Дўст, Қанбар Али ва бошқалар қиёфасида мунофиқ шахсларни кўради. Шу билан мўғул қавмига муайян даражада муносабатини билдирган «Бобурнома» муаллифи, уларнинг нафотига оид маълумотни келтираркан, Оллоҳ иродаси би-

лан ёмонга жазо берилишини таъкидлайди. Тоғалари ва-  
фотига доир сатрларда ачиниб, куюниш ўрнида нафрат  
туйғусини ифодалаган сўзлар келади. Қўйидаги парчада  
Бобурнинг хиёнаткор шахс психологияси таҳлили, ёмон  
кимса ҳеч кимга вафо қилмаслиги ва оқибатида ўз жафо-  
сини топиши аниқ ифодаланган: «Бир-икки йилдин сўнг  
Али Дўстнинг илигига қорт чиқиб ўлди. Муҳаммад Дўст  
ўзбакка кириб эди. Филжумла, ёмон эмас эди. Андин ҳам  
кўрнамаклик қилиб, қочиб, Андижоннинг кўхпояларига  
бориб, ёғийлиқлар ва фитналар ангиз қилди. Охир ўзбак  
илигига тушти. Кўзларини кўр қилдилар. «Кўзларини туз  
тугги»нинг бу маънисини бор эмиш».

Биз «Бобурнома»да муаллиф фикрларини таҳлил этар-  
канмиз, кўпинча, буюк адибнинг айтолмай кўнглида қол-  
ган, наsrнинг чекланган имкониятидан келиб чиқиб бил-  
дирилмаган фикрларини шоир Бобур асарларини варақ-  
лаб, англашга уриндик. Қўйидаги рубоий гўё атайин Али  
Дўст, Муҳаммад Дўстларга — аслида дўст исмида қолиб,  
душманлиқни шоир айлаган кишиларга қарата айтилган-  
дек. Бу сатрлар Бобурнинг метин продасидан дарак бера-  
ди. Турмушдан маълум: ёмон жазосини топгунича неча-  
неча яхшиларни руҳан қийнайди, синдиради, беозор кўнгил-  
ларга нангтар уради. Қуръони карим, ҳадиси шарифда ҳар  
мўминнинг сабрли бўлиши, сабр исталган натижага бешак  
етказиши таъкидланган. Бироқ сабр учун метин ирода  
зарур. Оллоҳ ҳар кимга ҳам уни насиб этавермайди. «Бо-  
бурнома»даги беҳисоб далиллар асар муаллифининг ўта  
сабрли эканлиги, шу боисдан ҳам комил мусулмон сифати-  
да умргузаронлик қилганини кўрсатади. У ҳеч вақт ўч  
олиш пайига тушмаган, ганимларини Оллоҳ ҳукмига ҳаво-  
ла этганки, улар ўз қилмишларига яраша жазога мустаҳиқ  
бўлганлар. Қўйидаги рубоий буюк Бобурнинг ҳаёт фал-  
сафаси, умр мангитқи сифатида жаранглайди:

*Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,  
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур.  
Яхши киши кўрмагай ямонлиғ ҳаргиз,  
Ҳар кимки ямон бўлса, жазо топқусидур.*

«Бобурнома»да муаллиф мўғулча тартиб-қоида, давлатчилик ҳақида кўп ўринларда фикр юритган. Бироқ бирор жойда бу хусусиятларнинг на уруф-аймоқ, на насаб жиҳатидан ўзига мансублигини айтмайди. Аксинча, уларни мутлақо бегона халқ ва элатга оид тартиб-қоидалардек баён этади. Бундай ўринларда, одатда, «мўғул дастури била...», «мўғул черикиким...», «мўғул одати била...» сингари ибораларни қўллайди. Яъни матида «мўғул» сўзи учинчи шахс сифатида келади. Муаллиф мўғул урф-одати, тартиби ҳақида ёзганда, унинг баён услуби Ҳиндистон, Афғонистон ёки Жалолободдаги (Мовароуннаҳр қавмларидан узоқ) халқлар ҳаётига оид тасвир услубидан фарқ қилмайди. «Топгласи кичик хон додам (яъни мўғул авлодидаги бобоси — **Ҳ.Қ.**) манга *мўғулча расмлик* (таъкид бизники — **Ҳ.Қ.**) бош-оёқ ва кўрини ва эгарлик хосса отини иноят қилди. Мафтултуқ мўғулий бўрк ва сончма тиккан хитойи атлас тўн ва хитойи кўр, бурунги расмлик тоши чинтоий била чинтоийни сўл сари, яна уч-тўрт нима хотун кишининг ёқосига осар анбардон ва харитасидек нималар осибтурлар, сўнг сарида ҳам ушмундоқ уч-тўрт нима осибтурлар».

Матига эътибор берсак, мўғул урф-одати, кийим-кечаги ва унинг хилларини Бобур ўзига мутлақо бегона нарсалар каби тасвирлаганини пайқаймиз. Уларнинг айримларини чериклар бўйнига осадиган хариталарга ўхшатиши шундан далилат беради. Мўғулларнинг кийган кийимлари ҳам унинг учун янгилик, бир томошадек. Шу мисол ҳам Бобурнинг темурийзодаларга мансублигини, мўғул қавмига узоқ қариндошлиги шартли эканини билдириб турибди.

Ушбу фикримизни тасдиқлаш учун «Бобурнома»даги яна бир-икки мисолга мурожаат этамиз. Масалан, 1506 йил воқеалари баёини олайлик. Заҳириддин Бобурни отаси Ҳусайн Бойқаро вафотидан сўнг Ҳиротга даъват этган Бадигўззамон мирзо қабул маросимини ташкил этади. Ушбу маросимни батафсил тасвирлаган Бобур Бадигўззамон мирзонинг уйи, унда меҳмонларнинг жойлашини, дипломатик муомала-муносабат ва ҳаракатлар, кийим-кечак, тўшакларнинг хили, рангида мўғулча «дастур» аломатларини кўради ва бу унга хуш келмайди. Бу манзарани тасвирлар экан, «бурунлар бизнинг ота-оға Чингиз тўрасини қариб риоят қилурлар эди, мажлисда ва девонда ва тўй ва ошда, ўтурмоқда ва қўпмоқда хилофи тўра иш қилмаслар эрди», дейди Бобур. Унинг «бурунлар» сўзини ишлатгани мўғуллар салтанати даври ўтганлигини, энди давлатчилик ишида, расм-русум ва муомалада «темурийлар дастури» бўйича иш тутиш расм эканини аниқлатиб, мўғуллар одатига Бадигўззамондек бироз бўлса-да тақлид қилиш ўринсизлигига ишора этади. Фақат бутина эмас, Бобур шоҳ сифатида Чингизхон амр берган қонун-тартибни темурийлар салтанатида қўллашни ёт бир амал, деб билади, Чингизхонни «ёмон иш қилгон ота» қаторига қўшади. Айтиш мумкинки, бундай қараш Бобурнинг мўғуллар сиёсати, давлатчилигига эътирозини, опкорга муносабатини кўрсатади: «Чингизхоннинг тўраси насси қотиъ эмастурким, албатта, киши анинг била амал қилғай. Ҳар кимдин яхши қоида қолгон бўлса, анинг била амал қилмоқ керак, агар ота ёмон иш қилгон бўлса, яхши иш била бадал қилмоқ керак».

Заҳириддин Бобурнинг мўғул қавмига муносабатини унинг мўғул аскарлари ҳаракати ва ахлоқига берган баҳо-сида ҳам кўриш мумкин. У Шайбонийхонга қарши курашайётганида мўғул чериклари ёрдамга юборилади. «Бобурнома»да ўқиймиз: «Мўғул черикиким, кўмакка келиб эди, урушурға худ тоқатлари йўқ эди. Урушмоқни қўюб, биз-

нинг элни-ўқ талаб, оттин тушура киришдилар. Бир бу эмас, ҳамини *бадбахт мўғул*нинг (таъкид бизники — Х.Қ.) одати ушмундоқтур. Босса ҳам ўлжа олур, бостурса ҳам ўз элини талаб, тушуруб ўлжа олур».

Қайд этганимиздек, она томонидан Чингизхон авлодига мансублигини ўзи эътироф қилса ҳам, на қавм, на феъл-атвор ва на удум жиҳатидан, на саркардалик ва лашкар-кашлик бобида унинг мўғулларга дахли йўқлигига, улар Бобур табиатига мос келмаслигига «Бобурнома»да ишоралар кўп. Аслида волидаси Қутлуқ Нигорхонимнинг насли туркистонлик қипчоқ бекларига мансублигини таъкидлаган Бобур яна бир карра мўғул қавми унга бегоналигини, ўзи бутун вужуди билан темурийзодаларга мансублигини билдирган: «Юнусхоннинг онаси туркистонлик қипчоқ бекларидин Темурбек риоят қилгон Шайх Нуриддинбекнинг қизи ё набираси бўлур».

Хуллас, Заҳириддин Бобур шахсияти ва насл-насабини мўғуллар қавмига нисбат бериш ҳам маънавий ва ҳам ижтимоий-сиёсий жиҳатдан асоссиздир. У умри бўйи Амир Темур салтанатини тиклаш йўлида курашди, темурийзода сифатида ўз қавми шухратини ҳимоя этиб, ўзига шарафли ҳайкал қўйди, қисқа, аммо баракали умрни яшаб ўтди.

## II БОБ. БОБУРНИНГ ҲАЁТНИ ТАСВИРЛАШДАГИ БАДИИЙ МАҲОРАТИ

### I. «Бобурнома»да ҳаққонийлик ва бадиий талқин

XV асрнинг охири — XVI асрнинг биринчи ярмига оид насрий асарларга хос бўлган, жумладан, Хондамир ва Восифий ижодидаги каби жимжимадор услубдан фарқли равишда, «Бобурнома» содда, равон, барча даврларнинг ўқувчисига тушунарли тилда яратилган. Бу ҳақда академик Б.Валихўжаев шундай ёзади: «Бобурнома»да кўзда тутилган ғоядан унда келтирилган воқеалар тасвири биринчи планга чиқиб, муаллиф кўзда тутган ғоядан кўра илгор ақидаларни ифода этган, яъни асарни ёзаётганда воқеалар ёзувчининг объектив бўлишини, ҳақгўй ва реалист сифатида қалам тебратишини таъминлаб бораверган. Бундай ҳодиса ниҳоятда диққатга сазовордир. Худди ана шу хусусият «Бобурнома»ни ўша даврларда яратилган кўпгина тарихий асарлардан фарқ қилдиради»<sup>\*</sup>.

Бобур ижодига берилган бундай таърифларни В.В.Бартолд, С.Азимжонова, В.Зоҳидов, Ҳ.Ҳасанов, А.Қаюмов, Ҳ.Ёқубов ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида ҳам кўришимиз мумкин. Ҳозиргача олимларимиз «Бобурнома»дан турли фанларга доир парчалар, тасвирларни иқтибос сифатида келтириб, муаллифнинг қомусий билим эгаси бўлгани, «Бобурнома» эса мумтоз адабиётимизда воқеий-илмий саргузашт асар сифатида жуда кўп фанлар учун тадқиқот манбаи эканлигини таъкидлашган. Бу каби эътирофлар

<sup>\*</sup> «Ўзбек насри тарихидан». «Фан», Тошкент, 1982. 71-бет.

Бобурнинг олим ва донишманд сифатида оламга кўз-кўз қилинишига асос бўлганини кўрсатади. С.Азимжонова, В.Зоҳидов, Ҳ.Ҳасанов, А.Қаюмов, Ҳ.Ёқубов, С.Жамолов ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида Бобурнинг бадиий маҳорати билан боғлиқ фикрлар билдирилган. Бироқ адибнинг адабий-эстетик тафаккури, тасвиридаги бадиийлик ва дунёқараш уйғунлиги, ҳаётни ҳаққоний акс эттириш санъати ҳали етарли даражада ўрганилмаган.

«Бобурнома»да ҳаёт воқеалари реал ифодалангани, натурализм кўринишлари мавжудлиги, айни пайтда бу икки жиҳатнинг уйғунлиги диққатни тортадики, биз тадқиқотимизнинг асоси сифатида шуни белгилаб олдик. Бобур ижодига ҳос мазкур йўналишни таҳлил этишда «Бобурнома»дан фақат далиллар келтириш билан қаноатланмай, балки улуғ санъаткорнинг поэтик маҳоратини очиб беришга унинг теран фалсафий тафаккури кўламини кўрсатишга, асардаги мавзулар моҳиятини батафсил ёритишга интидик. Ҳаёт ҳодисаларини, жонли ва жонсиз табиатдаги ҳар бир жонзот ва жисмини, воқеа ва тасодифларни мумтоз адабиётимизда Бобурчалик тиниқ тасвирлаб берган бошқа бир адибни топиш мушкул. Унга ҳос улкан санъаткорлик, назокатли ифода услуби алоҳида таҳлил ва тадқиқни талаб этади. Тасвирланган мавзулар кўламининг кенлиги, фикр билдирилган соҳалар, фанларнинг турлитуманлиги ва биргина бадиий талқинининг ўзи ҳам алоҳида тадқиқ объекти бўлиши мумкин. Тадқиқотимизнинг мазкур бобида, асосан, «Бобурнома»даги ҳаётий, реал тасвирларда муаллиф маҳорати қирраларига, адиб ижодида тахайюл ва илоҳий қудрат талқинига эътибор қаратдик. Наботот ва ҳайвонот оламининг бадиий талқини, ҳаётнинг аслича — натуралистик тасвири ҳам шу бобда ўрганилди.

Биз Бобурнинг Мовароуннаҳрга муносабатини, бу ўлкани тасвирлашдаги маҳоратини алоҳида мавзу сифатида кўриб чиқишни лозим топдик. «Бобурнома» муаллифининг

Мовароуннаҳр билан боғлиқ руҳий кечинмалари, орзу-армонлари ҳам бизни шундай йўл тутишга ундади. Бироқ тасвирнинг ҳаётийлиги, жонлилигини янада аниқроқ кўрсатиб бериш учун айрим ҳолларда (масалан, меъморлик, ҳайвонот олами тасвири мавзуида) бошқа адиблар ижодидаги шу мавзуга доир тасвирларни қиёсий таҳлил қилишга уриндик. Бобур дунёқарашини, гўзалликка, ҳаётга муносабатини тўлароқ кўрсатиш мақсадида унинг шеърисига ҳам мурожаат этдик.

Моҳиятига кўра, «Бобурнома» воқеий-илмий-саргузашт асар бўлгани боис, биринчи галда, муаллифнинг ҳаётда кўрган-кечирганларига кўпроқ диққатни қаратдик. Бобурнинг ўз бошидан кечирган машаққатларни очиқ-ойдин баён қилиши айниқса диққатга сазовор. Адибнинг таржиман ҳоли, мусофирликдаги Ватан ҳижрони ботиний тарзда турли тасвирларда, мисралар қатига сингдирилган фикр-мазмунда ҳам ўз аксини топганки, кузатишларимиз орқали бу жиҳатга ойдинлик киритишга уриндик.

«Бобурнома»да муаллиф Ҳиндистон ҳақидаги қиссасини яқунлар экан, бу мамлакатга оид умумий қарашларини баён этади. Бунда Бобурнинг умумлаштириш санъати, олиму фозиллиги, зукколигию бой ҳаёт тажрибаси кўзга яққол ташланади. Бизнинг муродимиз «Бобурнома»нинг фақат бу жиҳатини очинишгина эмас, балки Ҳиндистон ва унинг халқи тасвири орқали муаллифнинг Ватан соғинчсини, тақдир тақозоси билан ўзга юртда янаш мобайнида англаган ҳақиқатларини ҳам ёритишдир.

Бобур асарининг жуда кўп жойларида, шунингдек, назмида ҳам Ватандан айри тушгани ижодига туртки берганини ёзади. Хуросон ва Мовароуннаҳр иқлимига ҳос жуда кўп хусусиятлар Ҳиндистон табиатига бегоналиги, Бобурдек мусофир учун у ўлканинг иқлими, суви, ҳавоси, ҳатто ҳайвонотию меваси «ўзгача»лигининг батафсил баёнини асарда кўрамиз. Бу ҳақда фикр юрита туриб, Бобур ўз руҳиятида ўзгаринг рўй берганини таъкидлайди. Бойлик,

мулк ва юртга эга бўлгани билан кўнгли яримлигини, ўз юртида оддий табиий шароитда яшаш хумори барча нарсадан устунлигини бот-бот айтади.✓

Бобурнинг соғинч туйғуларига йўғрилган ўйлари баёни ҳиндларнинг «девятый» номли қора шамдон тасвири, бу ўлкада оқар сувлар йўқлиги ва маҳаллий аҳоли шармли жойларини бир парча лунги билан беркитиб юришлари ҳақидаги ҳикояси билан якунланади. Ватан соғинчини, мусофир юртда «йўқ»ларнинг сони беҳисоблигини ифода-лаб, у енгил тортади ва Ҳиндистоннинг ижобий жиҳатларини зикр этиш учун «Латофате, ки Ҳиндистонда бор...», дея сўз бошлайди. Асарнинг шу жойидан бошлаб «йўқ»лар юртида бобоси Амир Темурнинг ягона салтанатини асраш, улкан мустақил давлатни барпо этиш учун чидам билан яшашга тан берган, кўниккан адиб ва шоҳ Бобурнинг қиссалари ўрин олади.

«Бобурнома»нинг Мовароуннаҳр ва Афғонистонга доир воқеалари баёнида кўрганамиздек, Ҳиндистон таърифига бағишланган ўринларда ҳам тарқоқ фикрли саҳифалар, бода, май базмлари шукуҳини ёритган тасвирлар кўпроқ. Ҳинд диёри, халқига берилган баҳони эслайлик. Жаннат-макон юрт — Мовароуннаҳр, унинг Андижон, Самарқанд-дек шаҳарларию, зилол сувлари, гўзал боғу сабзазорлари, Кобулдаги гулпантлар сайридан сўнг Ҳиндистон табияти Бобурга номувофикдек, бу ўлка урф-одати, набототу ҳай-воноти ҳам бегонадек... Бироқ Ҳиндистон Бобурни эмас, аксинча, Бобур бу юртни танилади, унга келди.

Улуғ адиб дунёси ботинига назар солиш учун, аввало, шеъриятига мурожаат этган маъқул. Унда гўё «Бобурнома»да муаллифнинг айтолмаган армонлари, нидоси мужас-сам. Бобур шеъриятида Ватандан айрилган, дунёси, тож-тахти бору, толен ёришмаган, ҳаёт талотумларидан ҳори-ган шоир ва шоҳнинг ички олами ҳувайдо! У тақдирига тан беради, гўё бу юртда ўзи ўзини маҳбусликка маҳкум этгандек фарёд чекади. Бир томондан, буюк салтанатни

барпо этиш масъулияти, иккинчи томондан, киндик қони томган юрт соғинчи — шу икки қутб, бири олов, бири сув янглиғ Заҳириддин Бобурни Ҳиндистонда неча йил умр кўрган бўлса, руҳан эзди, имтиҳондан ўтказди. Темурийзодалик орияти боис у бегу аскарларга ялинди, гоҳо куч ишлатиб, фармонлар бериб, мақсад-воясин томон етаклади. Лекин мудом Ватанга қайтиш орзусида ёнди, ўзи ёзганидек, борарга ихтиёр тополмади:

*Кўндан бериким ёру диёрим йўқтур,  
Бир лаҳзау бир нафас қарорим йўқтур.  
Келдим бу сари ўз ихтиёрим бирла,  
Лекин борушимда ихтиёрим йўқтур.*

Бобур Ҳиндистон қушлари ҳақида ёзаркан, тўтилар, уларнинг турларини номма-ном зикр этади. Ерли аҳоли тўтиларни «сухангўй» этиб, гапиртиришларини таъкидлайди ва яна бир тури ҳақида фикр юритиб, шундай дейди: «Хаёл қилур эдукким, тўти ва шорак ҳарне ўргатсалар айтур, ўз бошича маъни тахайюл қилиб, талаффуз қила олмас. Бу фурсатта Абулқосим жалойирким, яқин мулозимларимдиндур, ажаб нима ривоят қилди: ушбу жинс тўтининг қафаси ёпуқ экандур, тўти айтибтурким, «Рўйи маро во кунки, дамгир шудам» («Менинг юзимни оч, димиқдим» — **Муҳ.**). Яна бир навбат кўтарган қаҳаарлар дам олғали ўлтурғонда раҳгузар эл ўтуб борадурлар экандур, тўти дебтурким: «Мардум рафтанд, шумоён намеравед» («Одамлар кетдилар, сиз кетмайсизми?» — **Муҳ.**), «вал-ухдату алар-ровий» («Сўзнинг тўғри-нотўғрилиги айтувчининг бўйнига» — **Муҳ.**). Бовужуд киши ўз қулоғи била эшитмагунча инонса бўлмас».

Шу ўринда бир жиҳатга эътибор берайлик. Бобур тўти турлари ҳақидаги ҳикоясини тўлдириб, ўқувчи тасаввурини бойитиш мақсадида тўтининг ўргатилган гапига эмас, балки ўзи фикрлаб айтган гапига жонли мисол сифатида

яқин мулозимларидан бирининг ривоятини келтиради. Лекин матндан англашилиб турибдики, бу мулозим шоҳ олдида қанчалик эътиборга лойиқ бўлмасин, унинг айтганларига Бобур ишонмайди. Шу боис бу ёлғоннамо сўзни келтириб, рост сўзнинг ёнига қўйгани учун гуноҳни бўйнидан соқит қилиб, Қуръондан оят келтиради. Шунда ҳам кўнгли жойига тушмай, токи одамнинг ўзи бир гапни эшитмаса, бир ишга гувоҳ бўлмаса, унга ишониниш мушкуллигини қайта таъкидлайди. Бу мисол ҳам Бобурнинг асарга фақат аниқ, ишончли воқеа-ҳодисаларни киритишга интилизганини кўрсатади.

Аммо «Бобурнома» яратилган даврдаги бошқа муаллифлар ҳам шундай йўлни танлаганлар, дея олмаймиз. Воқеа-ҳодисалар тасвирида адибнинг, тилга олинган шахсларнинг жамиятдаги мавқеи ҳам муайян аҳамият касб этган, таъсир кўрсатган. Масалан, Хондамир «Ҳабиб ус-сияр» асарида Алишер Навоий тилидан бир ҳикоя келтириб, ёзади: Хусайн Бойқаро мулозимларидан бири узоқ ўлкага сафардан қайтгач, ўз шоҳига туяқушнинг катта тухумини ҳадя этади. Хусайн Бойқаро бу тухумни асраш учун хазинабонга беради. Орадан икки йил ўтгач, хазинабон тухум ҳақида эслаб, уни Хусайн Бойқарога топширади. Шунда, дейди Навоий, тухум ёриб кўрилди ва унинг ичидан туяқушнинг тирик жўжаси чиқди. Хондамир «Агар бу гапни ҳазрат Навоий айтмаганда ишонмаса бўлар эди», деб ҳикоясини якунлайди. «Ҳабиб ус-сияр»да ишониниш қийин бўлган мисоллар келтирилган ўринларда ҳам «Бобурнома»дагидек, «ёлғон»нинг гуноҳига қолмаслик учун Қуръондан сура, ҳадиси муборакдан иқтибослар келтирилган. Аммо Хондамир юқоридаги парчани келтирар экан, бу услубни қўлламаган. Бунда тарихчи Хондамир Навоийнинг содиқ шоғирди сифатида устози, давр амири ва адибнинг обрўсини кўкларга кўтаради. Унинг ҳикоясида Навоийнинг фикри баҳсталаб бўлса-да, бу унинг сўзи бўлгани учун рост ва

вожибдур, дегани диққатга сазовордир. Шу боис у «Амир Алишер табиатида каззоблик мутлақо бўлмагани учун бу гапни ҳақ деб қабул қилмоқ керак», дейди.

«Бобурнома»да муаллиф ўзининг Андижондан Ҳиндистонгача босиб ўтган йўли ҳақида ёзар экан, қайси шаҳар ва масканга бормасин, аввало, у жойнинг меъморлиги, қўрғони, табиати ва подир воқеаларга алоҳида эътибор беради. Бу тасвирларнинг ҳар бири ўзича эътиборга лойиқ, бири-бирига ўхшамайди, айти пайтда, улар ўзаро боқлиқки, мана шу узвийликдан бадий жиҳатдан мукамал ва реал тасвирлар юзага келган. Афғонистоннинг Нингнаҳор вилоятидаги боғ тасвирини олиб кўрайлик: «Ери муртафӣъ, оқар суйи муттасил, ҳавоси қишлар муътадил, боғнинг ўртасида бир кичикрак пушта воқӣъ бўлубтур, бир тегирмон суйи бу боғнинг ўртасидин ва боғнинг ичидаги пуштанинг устидин ҳаминша жорийдур. Боғ ўртасидаги чорчаман бу пуштанинг устида воқӣъ бўлубтур. Боғнинг гарби-жанубий тарафида даҳи дардаҳ ҳавзедур, атрофи тамом норунж дарахтларидур, анор дарахтлари ҳам бор. Бу ҳавзнинг гирдо-гирди тамом себаргазордур... Норунжлар сарваргон маҳалда бисёр яхши кўрунур, хейли яхши боғ воқӣъ бўлубтур».

Кобулда бўлган зилзиланинг «Бобурнома»даги баёнида том маънодаги ҳаққоний бадий талқинни кўриш мумкин. Асардаги бошқа кўплаб реал тасвирлардан кўз юммаган ҳолда, бу даҳшатли табиий офатнинг Бобур томонидан нақадар маҳорат билан ифодаланганининг ўзини ишбатга олганда ҳам, «Бобурнома»ни жаҳон адабиётининг нодир намуналари қаторига киритиш мумкин. Зотан, зилзила тасвири муаллифнинг теран мулоҳаза соҳиби бўлиш билан бирга, яхшигина руҳшунос, инсон психикаси билимдони эканидан ҳам далолат беради. Бундай даҳшатли офат пайтида (Бобур тасвирлаган ҳодисани ҳозирги сейсмология мезонлари бўйича 9—10 балли зилзила сифатида белги-

лаш мумкин) киши ўз ихтиёрини қўлдан бой бериши табиий. Ана шу психологик ҳолатнинг тасвири асарда жуда жонли чиққан.

Зилзила пайтида Нурулло танбурчи Бобур ёнида танбурда куй чалар эди. Зилзила бошланиши билан у ўз жонини асрашни ўйламай, қўлидаги ва ерда турган иккинчи танбурга ташланади. Бу пайт даврада ўтирган Жаҳонгир мирзо жонини асраш пайида ўзини болохонадан пастга отади. Бобур Нурулло танбурчи ҳолатини тасвирлар экан, унинг ўзини эмас, танбурини асрашга шопилганини юксак санъаткорлик билан таъкидлаб кўрсатган: «Бу аснода андоқ зилзила бўлдуким, қўрғоннинг фасиллари ва боғларининг томлари аксар йиқилиб, шаҳрда ва кентларда кўп уйлар ҳамвор бўлуб, уй ва том остига қолиб, ўлган бисёр бўлди. Памғон кентининг уйлари тамом йиқилди. Етмиш-сексон ўбдон кадхудолар том остига қолиб ўлдилар. Памғон бида Бектут орасида бир парча ерким, арзи биргина тош отими бўлғай, учуб, бир ўқ отими қуйи борди. Учқан ернинг ўрунидин чашмалар пайдо бўлди. Истарвачтин Майдонғача тахминан олти-етти йиғоч йўл бўлғай, ер андоқ ёрилиб эдиким, баъзи тарафи белча баланд бўлур эди, баъзи тарафи белча паст, ёрилган ерга баъзи ерда киши сивар эди».

Бобур зилзила оқибатининг ҳар бир асоратини диққат марказига олиб, зукколик билан тасвирлаган. Табиий офат Кобул ва унинг атрофидаги қишлоқ ҳамда маҳаллаларнинг қайси бирида қай даражада бўлиб ўтганига доир маълумотлар бугунги кунда ҳам тарихий, ҳам сейсмологик тадқиқот нуқтаи назаридан аҳамиятли. Тасвирларда муаллиф келтирган ўзига хос ўлчов birlikлари («арзи биргина тош отими», «учқан ернинг ўрунидин чашмалар пайдо бўлди», «белча баланд бўлур эди», «ёрилган ерга баъзи ерда киши сивар эди» ва бошқалар) зилзилани ўрганувчи мутахассис учун қимматли материал вазифасини ўтайди.

Муаллиф мазкур ҳодиса тафсилотларини давом эттириб, ёзади: «Зилзила бўлгон замон жамиъ тоғларнинг бошидин гардлар қўпти. Нурулло танбурчи қошимда соз чаладур эди, яна бир соз ҳам бор эди, ўпал замон ҳар икки созини илигига олди, **андоқ беихтиёр бўлдуким, созлар бир-бирига урундилар.** Жаҳонгир мирзо тепада, Улуғбек мирзо солгон иморатлардин бир болохонанинг айвонида эди, зилзила бўлгоч, ўзини ташлади, осибе етмади... Ўпал кун ўттуз уч қатла ер тебранди...».

«Бобурнома»даги ҳаётий тасвир ва турмуш ҳақиқатлари акс эттирилган яна бир неча мисолларга мурожаат этайлик. Гарчи уларнинг айримларида митти воқеалар берилса-да, аммо ҳаммасида аниқ сюжет, ривож, авж ва маънавий ечим бор. Масалан, қуйидаги тўфон тасвирига эътибор берайлик: Пашкол, куз пайти, табиат осойишта, Бобур китобат билан машғул. Бирдан шамол кўтарилиб, тўфон бошланади. Тасвирда динамизм, воқеа-ҳодисалар ривож, изчиллиги, оқибатда инсоннинг ўзини ва ашёларини асрашга тушган ҳолати санъаткорона берилган. Бобурнинг ўз жонидан кўра, азиз китобларини, ёзган асарини, давоғу қаламини эҳтиёт қилиш, уларни йиғиштириш ва қуриштириш саросимаси юзтада табиий тасвирланганки, ўқувчи беҳос шу воқеалар интирокчисига айланиб, муаллифга ҳамдард бўлади ва ёрдам беришга урингудай ҳолга тушади. Бу тасвир адибнинг ўзи биттап ҳар бир сатрни, қимматбаҳо мулк, бойлик сифатида асрашга интилганини кўрсатади. Зотан, Бобур тўфон пайтида чодир остида қолган қимматбаҳо нарсалар ҳақида сўз юритмайди, бироқ тонггача ёзган варақларини асраганини алоҳида зикр этади: «Ушбу охином таровихдин сўнгра бир пос ва беш гарий бўлуб эдиким, пашакаал булутлари қайнаб, бир замоннинг ичида андоқ тўфон бўлуб, қаттиқ ел қўптиким, йиқилмагон чодир кам қолди. Мен хиргоҳ ичида китобат қиладур эдим, коғаз ва ажзони йиқиштиргунча фурсат

бўлмади, хиргоҳни нешхона била-ўқ менинг бошимга йиқти. Хиргоҳ тунглути реза-реза бўлди. Тенгри сахлади, осибе етмади. Китоб ва ажзо варқ ўл бўлди. Ташвиш била йи-виштурулди. Сақарлот кат зайлучасига чирмаб, кат ос-тига қўюб, устига гилемларни ёптук. Икки гарийдин сўнг таскин тонти... Машаққат била ўт ёндуруб, тонг отқунча уюхламай, авроқ ва ажзонинг қурутмоёнга машғул эдук».

«Бобурнома»даги бу тасвирлар муаллифнинг адабиёт ва санъатга юксак меҳр ва садоқатини кўрсатади, шеър-ият ва мусиқанинг ўзигина эмас, балки улар билан боғлиқ ҳар бир восита (танбур ва қўлёзмалар) унинг учун қоятда қадрли экани аён бўлади.

Заҳириддин Бобур насридаги шоирона ибора ва тиниқ тасвирлар муаллифнинг фикрлаш миқёсидан далолат бе-ради. Мисол учун, поёнсиз сув омбори тасвирини олайлик. Бобур фақат кўз ўнгидаги манзарани таърифламайди, бал-ки аниқ илмий ҳулосалар чиқаради. Табиат инъом этган буюк неъмат — сувнинг иқтисодий томони, сарфланиши, ҳатто қайси минтақа ерларини суғоришга яроқлилиги ҳам таъкидланади: «Бир икки-уч кўчдин сўнг Оби Истодага етдук. Ғариб улут сув назарга келди. Ул юздаги даштлар худ асло кўрунмайдур. Сув осмон билан пайваст кўруна-дур, ул юздаги тоғлар ва пушталар не таврким, Серобнинг ул юзидаги тоғ ва пушталар муаллақ кўрунур. Бу тоғлар ва пушталар ҳам ер ила кўкнинг орасида муаллақ кўру-надур. Мунда йиғилур сувлар Каттавоз водийсининг ва Зурмат жулғасининг ва Ғазни рудининг, баҳор ёмғурлари-нинг селлари ва ёзлар сув улғайганда зироатдин ортқон сувлари эмиш».

Мазкур тасвирда муаллифнинг табиат мўъжизалари-дан оддий инсон сифатида баҳраманд бўлгани, унинг маф-тункор сеҳридан ҳайратта тушган ҳолатини кузатиш мум-кин. Бобур Оби Истода ҳудудини синчковлик билан ку-затган, унинг табиий захираси, инсон ҳаёти, деҳқончилик учун сув сарфининг йўли, заруратини кўрсатган. Ўша пайт-

даги сув омборининг аниқ тасвири кишини ҳайратга солади. Тасвири давом эттирар экан, муаллиф энг чиройли, гўзал ва нозик лаҳзани сураткаш сингари айнан тасвирлаб берганига гувоҳ бўламиз. У кўл устида, киши кўз ўнгиди ҳаракатланувчи «шафақ» пайдо бўлишини ёзади. Бир зумда Бобур онгида табиатнинг бу мўъжизасидан ҳайратга тушиш, унинг нималигини аниқлаш, ҳақиқатига етиш каби психологик ҳолатлар кечади. Ана шу ички кечинма табиат ҳодисаси билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ишонарли тасвирланган: «Оби Истодаға бир куруҳ етганда ажаб нима мулоҳаза қилдук. Ҳар замон бу сув била осмоннинг орасида шафақдек нима қип-қизил кўрунадур, яна баргараф бўладур. Ёвуқ етгунча бу ҳол эди, ёвуқ етганда маълум бўлдуким, тоғлон қоз экандур. Не ўн минг ва не йигирма минг асру кўп тоғлон қоз, қалин тоғлон қоз учуб қанот урғонда қизил парлари гоҳ кўрунуб, гоҳ кўрунмас экандур».

«Бобурнома»да табиатнинг шунга ўхшаш воқеа-ҳодисалари тасвири кенг ўрин олган. Уларнинг барчасида муаллифнинг ҳаётни айнан акс эттирганига, бадиий санъатлардан моҳирона фойдаланганига гувоҳ бўламиз. Бобурни ҳайратга солган қуйидаги воқеа ҳам фикримиз далилидир. Бунда турли тасодифларга бой ҳаётга ва табиатга қизиқувчанлик, уни ўрганиш, ҳар қандай жумбоқнинг тагига етишга интилишни кузатамиз. Энг муҳими, Бобурнинг бу воқеани қисқа, лўнда, жозибали ифодалагани алоҳида эътиборга лойиқ: «Санжид дарасининг ораси била ўтуб, Хожя Сеёроннинг яқиниға етганда, бир улуғ йилонким, йўғонлиғи билакча ва узунлиғи бир қулоч бўлғай эди, ўлтурулди. Бу улуғ йилоннинг ичидин бир инчкарак йилон чиқти, волибо ўшул яқинда ютуб экандур, бори аъзоси бутун эди. Бу инчка йилон бу улуғ йилондин жузвий қисқароқ бўлғай эди. Бу инчка йилоннинг ичидан бир катта сичқон чиқти, ул ҳам бутун эди, ҳеч ери ҳал бўлмайдур эди».

Бу парчада табиат қонуни — яшаш учун кураш ҳолис тасвирланган. Аввал ингичкароқ илон катта сичқон — каламушни тутиб ютиб юборади, каламушни мўлжал олган катта илон қуруқ қолганини пайқагач, жаҳл билан кичик илонни ютиб юборади. Ҳам кичик илон, ҳам сичқоннинг катта илон ичида бутун қолгани, Бобур таъкидлаганидек, табиатнинг ҳайратланарли ҳодисасидир. Муаллиф бу воқеа — яшаш учун кураш жараёни тасвири орқали ҳаётнинг ички моҳиятини чуқур таҳлил ҳам этган.

Қуйида келтирилган мисолда Ҳиндистондаги суғориш усулига оид жиҳатгина эмас, балки халқ ҳунармандлиги борасида ҳам фикр билдирилган. Чигирик билан ариқдан сув чиқариш жараёнини тасвирлар экан, муаллиф чигирикнинг тузилиши, ҳаракати, бу суғориш ускунасининг нимадан тайёрланишини бадий тарзда батафсил ва айни пайтда жуда содда ифодалаб беради.

Диққатга лойиқ жойи шундаки, Бобур халқ деҳқончилигининг бу оддий, аммо жуда қулай усулининг ҳар бир унсурига алоҳида эътибор беради ва уларни эринмай изоҳлайди. Натижада ўқувчи ҳиндлар томонидан жуда кенг қўлланиб келинган оддий сув чиқариш воситаси бўлмиш чигирикни аниқ тасаввур қила олади: «Икки узун ипни чоҳнинг қаддича ҳалқа қилибтурлар, икки ипнинг орасига йиғочлар боғлаб, кўзаларни йиғочларга беркитибтурлар. Бу кўзаларни беркитган ипни чоҳ устидаги чархга солубтурлар. Бу чархнинг тийрининг яна бир бошида яна бир чарх қилибтурлар, бу чархнинг қошида яна бир чарх қилибтурларким, ўқи тик турубтур, ўй бу чархни эвургач, парралари иккипчи чархнинг парраларига кириб, ул кўзалик чарх эврилар, сув тўкулур ерда нов қўюбтурлар, новдин ҳар қаён сув оларлар».

Бобурнинг бадий маҳоратини белгиловчи юксак ҳаётий тасвирлар, қайси мавзуга доир бўлмасин, ҳаққонийлиги билан ажралиб туради. Муаллиф муайян бир тасвир объекти ҳақида фикр билдирар экан, уни бир ички ҳаяжон,

эхтирос ва ҳаётӣ тажриба билан уйғунлаштириб ҳикоя қилади, табиат воқеа ҳодисаларини яхлит кузатади. Унинг фикрича, ҳаётда, табиатда содир бўладиган воқеалар, биринчи навбатда, Оллоҳнинг иродаси, қолаверса, киши тақдир «чизиги»дан айри содир бўлмайди, буларнинг ҳаммаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Масалап, Бобур қаҳратон қишда Ҳиндукуш тоғини не машаққатлар билан ошиб, Кобул томон тушар экан, чекилган азобу уқубатларга қарамай, тоғдаги қалин қор туфайли ўз одамлари билан эсон-омон, душманлар қаршилигига учрамасдан манзилга етиб олганини айтади. Муаллиф фикрича, бу ўткир чўққилардаги қалин қор тақдирнинг туҳфасидир: «Агарчи улуг қордин неча кун хейли ташвиш кўрдук, вале охир ушбу улуг қор сабабидин ўзумизни манзилга еткурдук. Нечукким, агар мундоқ улуг қор бўлмаса, андоқ бераҳ учма ва секиртмадин ким ўта олғай эди, балки агар улуг қор бўлмаса, учмада-ўқ элнинг от ва теваси тамом қолғай эди.»

*Гар неку бадеки дар шумораест,  
То дар нигари салоҳи кораст».*

(Мазмуни: Ҳар бир яхши-ёмонни текшириб қарасанг, турмуш учун хайрли эканини англайсан.)

Ҳиндукуш тоғини айни қаҳратон, қори қалин пайтда ошиб ўтиш «Бобурнома» муаллифига чуқур психологик таъсир ўтказган кўринади. Асарнинг бир неча жойида, турли воқеа ва шахслар ҳақида сўз юритганда, Бобур шу қор кечувини эслайди, Оллоҳ ўшанда ўзи ва шерикларига иккинчи умр бахш этганлигини билдириб шукроналар айтади. Юқоридаги матнда Бобур шахсиятидаги бир нозик жиҳат ҳам ўз ифодасини топган. Бобур ва унинг ҳамроҳлари учун ҳаёт-мамонт масаласи бўлган бу қор кечувидан ҳам адиб яхшилик белгисини қидиради, қалин қор боис от-улов чўққиларда қолиб кетганини айтади. Бунда Бобур инсон тақдири ҳаминша Оллоҳ қўлида эканини, жами-

ки яхшилик ва ёмонлик, рўшнолик ва қора кунлар бизнинг дунёқарашимиз, феъл-аъмомимизга қараб белгила-нишини таъкидлагандек бўлади.

Яна «Бобурнома» матнига мурожаат этайлик. Бобур камсонли бек ва аскарлари билан қор қамалида қолганда, Яратгандан мушкулларини осон қилишни сўрайди. Аслида қиш, қорнинг ҳам ўз гапти бор: гўзал тоғ манзараси, му-саффо ҳаво. Бироқ, Бобур фикрича, бу гўзалликни пай-қаш, ундан ҳузур қилиш учун кишида шунга мувофиқ кайфият, дўстларнинг шодон давраси лозим. Акс ҳолда, гўзалликнинг мафтункор жиҳатларини кўз илғамайди, кўнгилга ботмайди. Ушбу рубоий Бобур томонидан Ҳин-дукуш чўққисида яратилгани мантиқан ҳақиқатга яқин-дир:

*Қиш бўлдию бўлди барча тому тош қор,  
Жамъияти бор кишига бордур хуш қор.  
Бу қишда ямон йўлу паришон ҳолим,  
В раб, меми яхшилик сариға бошқор.*

Оллоҳ инояти боис у ва шериклари эсон-омон бу ма-шаққатдан қутулиб, Кобулга келадилар. Бобур бу ҳақда яқинлари, фарзандларига кўп ҳикоя қилган бўлса керак-ки, қизи Гулбаданбегим ҳам «Ҳумоюннома»да қор кечуви борасида маълумот беради. Муҳим жиҳати шундаки, Гул-баданбегим, яна бир карра «Бобурнома»даги далилларни тасдиқлайди, яъни қор кечувида аскарлар подшоҳ ва Хўжа Калонбекка йўл очмаганлар, балки, аксинча, шоҳ ва вазир ўз яқинлари билан қор шиббалаб оддий аскарларга йўл кўрсатганлар. Бунини Бобурнинг ўзи ҳам таъкидлаган. Аммо «Ҳумоюннома»да Ҳиндукушдаги ҳодисанинг очиқ эъти-роф этилгани жуда муҳим: «Ҳазрат (яъни Бобур — Ҳ.Қ.) билан Қосимбек ўз ўғиллари билан уч-тўрт кун давомида қорни кураб йўл очдилар ва аскарлар уларнинг ортидан ўтдилар».

«Бобурнома»да муаллиф ҳаётни аслича тасвирлаш ус-луби орқали ўша даврда содир бўлган жуда кўп тарихий

ҳодисаларни мисоли ойнада акс этгандек кўрсатиб берган. Бобур Ҳиндистонни эгаллашга киришиб, камсонли лашкари билан юз минг аскарли Иброҳим Лўдий армиясини маълумиятга учратади. Ана шу уруш тасвирида у ҳиндларнинг темурийлар ҳукмронлигига қарши кураш олиб борганини санъаткорона ёритган. Уруш лавҳалари, қаҳрамонлар руҳий ҳолатини ҳаққоний, жонли тарзда ифодаллагани боис асар таъсирчанлиги ошган. Масалан, Ҳиндистонни дастлаб босиб олиб, Иброҳим Лўдий лашкарининг асосий қисмини маълумиятга учратган Бобур олижаноблик кўрсатиб, Иброҳим ва унинг рожаларига муайян ҳудудларда ҳукмронлик қилиш ҳуқуқини қолдиради. Кейинроқ эса, Иброҳимнинг онасига ўз саройига яқин жойдан манзил беради. Бироқ на Иброҳим ва на унинг яқинлари Бобур ҳукмронлиги остида фаолият юритишни маъқул кўрадилар, унга қарши курашни давом эттирадилар. Ҳатто фитна билан шоҳ Бобур таомига заҳар солиб, унга кўп азиятларни раво кўрадилар. Сабр косаси тўлган Бобур Иброҳимнинг охириги таянчларини янчиб, урушда ўлдирилади ва қанимни устидан қолиб чиқади.

«Бобурнома»да Иброҳим Лўдий билан бўлган уруш саҳналари анча батафсил тасвирланган. Айниқса, Чандирийдаги жанг манзараси ҳолис ва реал тасвирлангани билан диққатни тортади. Бунда Бобур ҳинд қўрғонини забт этиш саҳнасини тасвирлар экан, аввало, ўз лашкарининг маҳорати, садоқат билан жанг қилганини кўрсатади. Шу билан бирга, ҳиндларнинг тап тортмай урушиши, қаршилиқ кўрсатишида мислсиз мардлик, ўз ватанига садоқатини жуда жонли ифодалайди. Ҳарб тасвирида душман қўлига асир тушишдан кўра, фақат ўзини эмас, аҳли аёлини ҳам қурбон қилган, кейин ўлимга тикка борган жангчилар халқ тимсоли сифатида намоён бўлади. Фидойилик, мардлик, юртга садоқат шунчалик ҳолис ва жонли ифодаланганки, уларни ўқиб ҳаяжонга тушмай илож йўқ: «Юққоридаги

қўрғонда мунча ҳам урушмадилар, бот қочтилар. Ғалаба киши тормашиб, юққориғи қўрғонга чиқтилар. Андак фурсаттин сўнгра кофирлар тамом яланғоч бўлуб келиб, уруша кириштилар. Ғалаба элни қочуруб, фасилдин учурдилар. Бир неча кишини чопқулаб, зойит қилдилар. **Фасилнинг устидин бот борғонларининг жиҳати бу экан дурким, олдурурларини жазм қилиб, хотунларини тамом чопқулаб, ўлтуруб, ўзларига ўлумни кўруб, яланғоч бўлуб, урушқа келмишлар.** Охир тўп-тўпидин зўр қилиб, фасил устидин қочурдилар. Икки юз-уч юз кофир Мединий Равнинг ҳовлисига кирди. Ушбу ҳаволида **аксар ўзлари бир-бирларини ўлтурубтур.** Андоқким, бириси бир қилични олиб турубтур, ўзгалари бирар-бирар **рағбат била бўюнларини узотиб турубтур.** Аксар бу дастур била дўзахка борди» (таъкидлар бизники — **Ҳ.Қ.**).

Бобурнома» адибнинг ҳаёт дафтари, тарихи китоби. Ундаги манбаларда муаллифнинг дард-ҳасратларига дуч келавермаймиз. Ҳинд диёрида Бобур шунга ўхшаш неча бор ғалаба нашидасини сурган бўлмасин, барибир, ички дард, тугён уни ўз толеи, бахти ширин умргузаронлик қилишни орзу этган гўшаси Мовароуннаҳрда эканлигини билдириб, тинчлик бермаган. Тахт топиб бахт, толега тўла эга бўлмаган шоир шеърларида лўнда, аниқ, юксак шоирона дард билан ана шу ички туйғуларини баён этган. У виждонли, ориятли шахс сифатида бу юртдаги ғазовотларидан, ўзга халқ турмуш тарзини муайян даражада ўзгартирганидан ғурурланиш қатори, азият ҳам чеккан, уларни «юз қаролиғи» деб билган, бостан ҳар қадамига ҳисоб бериб, ўз фаолиятини холис баҳолаганки, бу — Заҳириддин Бобурнинг буюклиги, мардлигидан далолатдир:

*Толеъ йўқи жонимга балолиъ бўлди,  
Ҳар шиники айладим хатолиъ бўлди.  
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,  
В раб, нетайин, не юз қаролиъ бўлди.*

Ушбу сатрларни битган Бобур, балки япада чуқур ўй-мулоҳазаларга берилгандир, Ҳиндистондаги ҳаёти, саргашта тақдирига назар солгандир. Ахир, жуда қисқа муддатда у қанчалик иморатлар, боғ-роғ яратди, юртидан тоқ қаламчалари, олуболу ниҳоллари ва қовун уруғларини келтиртириб, шу ер набототини бойитди, ҳиндларнинг ибодатхоналарини бузишдан асради, элига, ўрни келганда, ўз қавмидан устун даражада эҳтиром кўрсатди, лавозимлар берди, ишонди. Мовароуннаҳр ва Хуросондаги беку мирзоларнинг эса Бобурга кўрсатган номардликлари, жабрларининг чеки бўлмади...

«Бобурнома»даги далилларга асослансак, ҳиндлар катта-катта шаҳарларини жангу жадалсиз Бобур лашкарлари ихтиёрига топширган ҳоллар ҳам бўлган. Лекин, барибир, юқоридаги тасвир ҳиндларнинг бобурийлар салтанатига муросасиз муносабатда бўлганидан далолат беради.

«Бобурнома»да воқеа ривожини шиддатли кечади, тез ўзгаради ва худди шу суръат билан якун топади. Бундай тасвирларда ортиқча сўз-иборалар, лирик чекинишлар, Восифий, Абдураззоқ Самарқандий, Хондамир асарларидагидек шарқона жимжимадорликлар деярли учрамайди. Сўзлар ўз ўрнида, узукка қўйилган кўздек, мазмун теран ва бой: «Отлиқ сайр қилурда дарё ёқасида вофил борилғон жарнинг усти била ўтгум. От дарз қилғон жарнинг устига чиққач, жар учти, мен филҳол секраб, ўзумни ёқача солдим, от ҳам учмади. Агар мен отнинг устида бўлсам эди, волиб бу эдиким, от била-ўқ учқай эдим».

«Бобурнома» — шоҳ ва шоирнинг ҳаёт дафтери бўлиб, унда муаллифнинг оддий инсонга хос хатти-ҳаракатидан жисмоний ва маънавий имкониятларгача ёритувчи далиллар оз эмас. Қуйидаги сатрлардан биз Бобурни фақат шоҳ, шоир, адиб, мусиқашуностинга эмас, балки моҳир сузувчи эканлигини ҳам билиб оламиз. Унинг мақсади ўзининг уста сузувчи эканини кўрсатиш эмас, балки ўзи бўлган юрт дарёсида чўмилганини, дарёларнинг бир қирғовидан

иккинчисига сузиб ўтганини айтиш билан бирга, ҳар бир дарёнинг, неча қулоч отиб, бир қирғоғидан иккинчисига сузиб ўтиш мумкинлигини, черикларнинг дарёдан ўтиши учун қанча вақт зарурлигини аниқлаш ҳамдир. Бу адиб Бобурнинг синчковлигидан кўра, унинг шоҳ ва саркардалиқ сифати, десак тўғри бўлади. «Ушбу кун Ганг дарёсини қўл солуб ўттум. Бир қўлни санадим, ўттуз уч қўл била ўттум, яна тинмай ўзуб бу юзга ҳам ўттум. Бори дарёларни ўзуб, кечиб эдим, Ганг дарёси қолиб эди...».

«Бобурнома»нинг «Йигирма бешинчи йил воқеалари»да муаллифнинг кўп вақт майхўрликка берилгани, гоҳ даврада, гоҳ хосса ўтиришларда, боғ ёки тоғ устида, гоҳ кориз тепасида ичилган човир ва ейилган маъжун ҳақида ёзилган. Бу тасвирларнинг қайси бирини мисол тариқасида келтирмайлик, йигитликнинг саргаштлик, хумор тўла бир даврининг манзарасига дуч келамиз. Уларда Бобурнинг шоҳлиги ҳам, даврадошлигию май сархушлигидан дунё ташвишларини бир қадар унутгани ҳам моҳирона, реал аксини топган.

«Йигирма бешинчи йил воқеалари»га бағишланган саҳифалар аввалги йиллар тасвиридек тўлиқ, тирак ифодалар воситасида бадиий сайқал топмаган. Ҳисобсиз жанг-жадаллар, беором кечалар, маҳрумликлардан чарчаган оддий инсон — Бобурнинг човирдан тасалли топгани унинг ички дунёсини тупунишда бир омидир.

«Бобурнома»да муаллифнинг талай кунларни май, маъжун, арақ ва бошқа кўнгилни хуш этувчи воситалар билан ўтказгани айtilган. Бу пайтда уруш ва сарой машамаларидан ҳориган ёш шаҳзодада ҳаёт лаззатидан баҳраманд бўлишга улгуришдек туйғу ҳукмронлик қилгани сезилади. Наср имкониятининг чеклангани, фурсатнинг камлиги ҳаминша ҳам муаллифга ана шу ширини дамларнинг асл моҳиятини изоҳлашга имкон бермаган. «Бобурнома»да кўпгина воқеалар моҳияти шоир Бобур ижодида ўз

ифодасини толгани боис, бу мавзунини янада оидинланитириш учун унинг назмига мурожаат этамиз.

Заҳириддин Бобурнинг муайян муддатда майга ружу қўйгани турли ташвишлари, ғам ва муаммоларни бир дамга бўлса-да унуттиш, ўткинчи дунё лаззатидан, ёшлик суруридан баҳраманд бўлишга интилганидандир. Унинг шеърларида олдий инсонга хос туйғулар, ёр васлидан қувониш, лаззатланиш ифодасини кўрамиз. Шоирнинг қўидаги сатрларида изҳор этган орузи «Бобурнома»даги дўстлар давраси ҳақидаги гапини эслатади. Шеърда энди лирик қаҳрамон ўз орузсини севимли ёри билан баҳам кўрмоқчи:

*Бир гўшаи боғ йўлсая сен бўлсангу мен,  
Май қўйсоқ иккимиз қадаҳ ичра бир ҳин.  
Ондин сўнгра оёқ иликка олибон,  
Сен тутсангу мен ичсаму, мен тутсаму сен.*

Барибир, Бобурдаги ички тўён, ҳамият майга сурункали берилишига, ружу қўйишга йўл бермайди. Адиб икки-уч дафъа май ичишни тўхтатади, гўё тавба қилади. Аммо тақдиридаги оромсизлик, беқарорлик уни қайта-қайта шаробга етаклайди, турмуш мушкулотидан фориғ бўлишни у майдан излайди, чорасизлигини айтади. Қўидаги сатрлар ҳаётий, кундалик турмушни шунчалик аниқ акс эттирганки, улар бевосита «Бобурнома»даги реал тасвирлар билан мантиқан уйғунлашиб кетган. Мисраларда очикқўнгил, беғубор Бобур қалбининг пок иқрори мужассам:

*Май таркини қилъали эрурмен ғамлиқ,  
Бор тийра кўнгулга ҳар замон дарҳамлиқ,  
Ғам бирла фасурдалиқ ҳалок этти мени,  
Май бирла эмиш шодлиғу хуррамлиқ.*

Заҳириддин Бобурнинг майга муносабати ҳеч вақт алоҳида, бугунги кун таъбири билан айтганда, ичкиликбозлик қобилида қолмаган. Бу муносабат яратувчилик, ҳаёт учун

кураш, ғамларга буйин бермаслик тушунчалари билан җамо-  
ҳанг. Зеро, ғам, шоир фикрича, киши фаолиятининг ку-  
шандаси. Май, айш эса ғамнинг кушандаси. Қандайдир  
даражада май фарғатли кўнгилни поклайди, яратувчилик  
иптиёқига куч бағишлайди, дейди шоир:

*Айшу тараб гулбунига сув бериб,  
Ғусса ниҳолини қурутмоқ керак.  
Ҳар нимага ғам ема, ғам кўп турур,  
Айш биля ўзини овутмоқ керак.*

Лекин Бобур ўзини айш билан овута олмади. У май  
билан ошно дамларини кейинчалик «афлат дами», деб  
баҳолади (*«Кечурдунг ою йилин масту беҳудлуқ биля  
Бобур, Неча афлат биля умр ўтқарурсен, неча  
кун, ой, йил?»*). У гўё умри поёнига етаётганини сез-  
гандек, май ичинини на фақат ўзи тарк этади, балки алоҳи-  
да фармон билан бутун қаламравида майхўрликни бекор  
қилади. «Ҳумоюннома»да ўқиймиз: «Рано Санго жанги-  
дан икки кун бурун подшоҳ ҳазратлари шароб ичиндан  
ва бошқа номуносиб ишлардан тавба қилган эдилар. Мар-  
доналик ва яқдиллик, җамжиҳатлик билдирган яна тўрт  
юз атоқли йигит ўша мажлисда подшоҳ туфайли шароб  
ичишдан тавба қилдилар».

Бобур замонида аёлларнинг чоғир ичиш ҳоллари деяр-  
ли кузатилмаган. Дўстлар даврасида, коризнинг тепасида  
чоғир ичиб, эркин ўтирганда, «Турдибек дедиким, Ҳулҳул  
аниканинг армони борким, сизнинг биля чоғир ичгай. Мен  
дедимким, мен ҳам хотун кишининг ичганини кўрмайдур-  
мен, суҳбатқа тиланг», дейди Бобур. Шундан сўнг «Ҳулҳул  
аника келиб, манга (яъни Бобурга — Ҳ.Қ.) бисёр ша-  
лойинликлар қилди. Охир ўзумни мастлиққа солиб халос  
бўлдум», дейди.

Бобурнинг май ичган кишига хос ҳолатни бундай очиқ  
ифодалагани «Бобурнома» қимматини янада оширади. XVI

аср насрида кузатиладиган бу соддабаёнлик, «ҳасби ҳол» муаллифнинг услубини белгилашдан ташқари, Бобурдек шоҳ, адиб ва шоирнинг ички олами, ҳаёт тарзи, оддий инсондек умр кечирганини тавдалантиргани билан ҳам муҳимдир.

«Бобурнома»даги бундай ҳаётӣ тасвирларга бой лаҳза ва воқеалардан истаганча мисол келтириш мумкин. Уларнинг ҳар бири, юқорида келтирилган парчалардагидек, ўзининг мазмуни, бадиӣ ифодаси, муаллифнинг муайян воқеа-ҳодиса, жонли ва жонсиз мавжудотни таърифлаб беришдаги оригиналлиги, бадиияти ва, қолаверса, қомусий билимга эга эканлигининг исботи бўлиб хизмат қилади.

Мавзун асардан яна бир парча келтириб якунлаймиз. Унда Бобур Кобулнинг табиат ва наботот олами, кўринишлари ҳақида фикр юритган. Муаллифнинг қисқа сатрларда олам-олам маълумот бериши, меваларни инсон мизожига таъсирига кўра «гармсери», «сардсери» турларига бўлиши ва уларнинг таснифини аниқ келтириши, Афғонистонда бўлмаган олуболу ниҳолини Мовароуннаҳрдан олдириб эктиргани ва бугунги кунда бу мева шу юртнинг асосий меваси эканлигини инобатга олсак, Бобурга нисбатан эҳтиромимиз янада ошади. Бобур бунда «Ғазни тарафидаги кўҳистондин асал келмас», дер экан, унинг Афғонистон жуғрофий шароитини не чокли чуқур ўргангани, аниқ илмий ҳулосага келгани маълум бўлади. Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда Ғазни томонда асалчилик умуман ривожланмаган, чунки у ерларнинг қуруқ тоғлари, камсувлиги асаларичиликка мос эмас. Адиб Кобулнинг «равочи хўб бўлур», «биҳи била олуси ҳам яхшидур», деб қиёслар экан, унинг бу фикри жуда ҳаётӣдир. Ҳақиқатан ҳам, Кобул ва унинг атрофидаги тоғ ҳавоси, мўътадил ҳарорат жуда ҳайратланарли даражада сифатли равочларнинг етилишига омил бўлган. (Бунга ушбу сатр муаллифи ҳам гувоҳ.) «Гармсери ва сардсери ёвуқтур, — дейди Бобур. Кобулдин бир кунда андоқ ерга борса бўлурким, ҳаргиз

қор ёғмас. Икки соати нужумийда андоқ ерга борса бўлурким, ҳаргиз қор ўқсумас, магар аҳёнан андоқ ёз келгайким, қор қолмағай. Гармсериий ва сардсериий мевалар Кобул тавобиинда кўптур ва ёвуқтур. Кобул ва кентларида сардсериий мевалардин узум ва анор ва ўрук ва олма ва биҳи ва амруд ва шафтолу ва олу ва санжид ва бодом ва янвоқ кўптур. Мен олуболу ниҳолини келтуруб эктурубмен, яхши олуболулар бўлди ва ҳагуз тараққийда эди.

Гармсериий мевалар, мисли норунж ва турунж ва амлук ва найшакар Ламъоноттин келтурурлар. Найшакарни мен келтуруб эктуруб эдим... Кобул атрофидаги Кўҳистондин асал бисёр келур... Кобулнинг равочи хўб бўлур, биҳи била олуси ҳам яхшидур. Бодринги дағи яхши бўлур».

Бошқа муаллифларнинг насрий асарларида ҳам, «Бобурнома»дан келтирилган юқоридаги мисоллардагидек, ҳаётий тасвири, реаллик ва жозибадорликни кўриш мумкин. Фарқ шундаки, «Бобурнома»нинг деярли барча саҳифаларида бундай хусусиятни кузатиш мумкин, асарнинг етакчи хусусияти ҳам шунда. «Бадоеъ ул-вақоеъ», «Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн», «Ҳабиб ус-сияр» ва бошқа асарларда бу жиҳат романтик тасвирлар билан, тарихий сана ва аниқ шахслар тақдири талқинлари билан қоришиб кетган. Академик Б.Валихўжаев ёзади: «Восифий асарида реалистик тасвир услуби билан романтик тасвир услубининг қоришиб кетишини мушоҳада эта оламиз. Шунинг учун «Бадоеъ ул-вақоеъ»да тарихий воқеликнинг тасвири узоқ ёки яқин ўтмиш воқеалари билан боғлиқ бўлган ҳикоялар билан улашиб кетади. Булар эса ўз навбатида саргузаштчилик, тарихийлик ёки фантастик руҳ билан суворилган бўлиб, бадний тасвир нуқтаи назаридан муаллифнинг қаламига хос маҳорат билан ёзилган ҳикоялардир».

«Бобурнома»даги сингари, Восифий ҳам имкони борича ҳар кунлик ҳаётий воқеа-ҳодисаларни аслича зикр этишга интилан ва бу йўналишда муваффақият қозонган. Агар

Бобур шоҳ сифатида кўпроқ ҳарбий юришлари, жамиятнинг юқори табақаси ҳаётидаги воқеалар, турмуш тарзи ҳақида фикр юритиб, шунга бевосита ўзининг оддий инсон сифатидаги кечинмаларини ҳам ёритган бўлса, Восифий кўпроқ оддий халқ, ҳунарманд, талаба, муллаваччалар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Шу билан бирга, тасвир талабига кўра, Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий, Паҳлавон Муҳаммад, Суюнҷхожаҳон каби давр ҳокимлари, машҳур кишилар ҳаётига оид маълумотларни ҳам келтириб боради. Ўқувчи Восифийнинг услубига хос беҳисоб жимжимадор тасвирлар орасидан ҳақиқий, ҳаётий лавҳаларни тез ажратиб олади. Лекин «Бадоеъ ул-вақоеъ»да қисқа, мантиқан пухта тасвирлар ҳам кўпки, уларда аниқ сюжет, мақсад кузатилади ва бадиий санъат намуналари муаллиф услубидан дарак бериб туради: «Карвон Аму соҳилига яқинлашди. Айни сувнинг тошиб оқаётган пайти экан. Жайҳун тўлқинлари тўдаларининг кўпик сачратувчи маст туялари осмондек забардаст нортуюлар билан жанг бошлади, кемалар саҳнида тоғдек юklarини ташлаб, унга тулган сарбонлар устига уюрилди. Балиқ овлаш қасдида Карвон ҳар тун фалак аксидан юлдузларга тузоғи суфрасини ясади, денгиз сувини симирувчи наҳанг коми учун унга янги ой аксидан ёй ўқини отди... Карвон дарё соҳилига етгач, тўхтади»<sup>\*</sup>.

Восифийнинг ўша давр машҳур паҳлавони, инсони комил Паҳлавон Муҳаммад Куштигир ҳаётидан сўзловчи лавҳаларида реал ҳаёт тасвири, давр нафасини сезиш мумкин. Маълумки, Паҳлавон Муҳаммад Ҳусайн Бойқаро ҳокимияти даврида давр паҳлавонигина эмас, балки шоир, муסיқашунос, тасаввуф илмининг катта билимдони, ўша даврдаги илм аҳлининг сарварларидан бўлган.

Шу қатори, Ҳиротдаги бошқа бир паҳлавон — Муҳаммад Молоний ҳам забардастликда Муҳаммад Куштигирча-

<sup>\*</sup> Зайниддин Восифий. «Бадоеъ ул-вақоеъ». Форсийдан Наим Норқулов таржимаси. Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979, 14-бет.

лик кучга эга бўлган. Восифий ана шу паҳлавоннинг фил билан кураши саҳнасини келтирар экан, инсоннинг имкониятлари нақадар кенглигини тасвирлайди. Паҳлавоннинг фил билан жон таланиб олишиши, валабага иштиёқи «Бадоеъ ул-вақоеъ» асаридаги энг нодир саҳифалардандир: «Паҳлавон яктағу дасторини ўраб бир чеккага отди. Кўйлагини енгларини шимарди. Барини тангбандига қистирди ва бир оёғини сал олдинроқ қўйиб, жангга ҳозир бўлиб турди. Фил хартумини силкиб, Паҳлавоннинг елкасига қўйди ва қўлтиғи аралаш ўраб бир силкиб тортганди Паҳлавоннинг пошналари ердан узилди. Яна бир ҳаракат қилганда Паҳлавон оёқ бармоқлари учида қолди. Паҳлавон қараса, фил яна бир зўр бериб кўтариб ерга уриши аниқ. Унда суяклари майда-майда бўлиб кетади. Паҳлавон лангар тапплаб, ерга оёқ босиб олди. Филнинг қорнига ниқтай бошлади. Фил овриққа чидай олмай айлана бошлади. Кураш қондаси бўйича белига тепа бошлади. Фил овриққа чидай олмай айлана бошлади. Филбон ўзини ерга отди. Шу чоқ филнинг оёғи осмонда бўлиб қолди. Кўрган одам тўрт устун ҳавога муаллақ бўлиб қолди, деб ўйларди. Халойиқ қий-чув кўтарди. Мирзо (Ҳусайн Бойқаро — Ҳ.Қ.) буюрди: бир лаганда олтин ва кумуш келтиришди ва Паҳлавон бошидин нисор қилишди. Филни устунлар билан кўпчилик бўлиб турваздилар».

Ушбу эпизод тасвирининг давоми янада ҳаққонийлиги билан ҳайратга солади. Восифий тасвири оддий, унда муболаа, истиора, ўхшатиш каби бадиий тасвир воситалари йўқ. Адиб диққатини кўпроқ Паҳлавон ва фил ўртасидаги курашнинг якуни — волиб Паҳлавон билан филнинг «яраш» оши жараёни ўзига тортади. Муайян сюжет Восифийга бадиий воситаларни ишлатишга зарурат қолдирмайди. Содир бўлган воқеанинг ўзи ишончдан узоқроқ, бироқ бу ҳодиса кўпчиликнинг кўз ўнгида бўлгани, аиниқса, унда давр султонлари, амирлар иштирок этганлиги боис ишонмасдан ўзга илож йўқ. Асарда инсон қудрати,

ақли, заковати олдида ҳатто филдек баҳайбат ҳайвон ҳам ночор қолгани, инсонга бўйсунганининг ҳаётий тасвирлар воситасида ифода топгани муаллиф санъатидан далолатдир: «Тонг отгач, Мирзо мулозимларига дейди: «Паҳлавонни фил билан яраштириб қўямиз. Тўю базм қурамыз. Алқисса, қўй ва отлар сўйдилар. Тўй бошладилар. Паҳлавонга ва филга фахрли либослар кийдирдилар. Фил учун мош ва гуруч пиширдилар. Барканда фил олдида қўйдилар. Паҳлавон бир томондан, фил иккинчи томондан оқат ейишга киришинди. Паҳлавон катта-катта ошамлар ясаб, фил олдида келиб, оқига ташлар, фил ҳам ошамлар ясаб Паҳлавон ёнига қўярди. Кейин Паҳлавон филнинг пешонасидан ўпди, фил ўзининг ниёзмандлик бошини Паҳлавон қаршисида эгди».

Мавриди келгани боис таъкидлашимиз керакки, бутун «Ўзбек кураши» атамаси бутун жаҳонга маълум бўлиб, спортнинг бу тури бўйича халқаро мусобақалар ўтказилмоқда. Тадқиқот объектимизга айланган манбаларда эса миллий кураш тарихи, курашчиларнинг табобатига оид жуда қимматли маълумотлар бор. Фақат бугина эмас. Давр султонларининг курашга эътибори, кураш юрт фахри, якка паҳлавонлар эса хонликлар, подшоҳликларнинг ифтихори, рамзига айлангани тарихини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, кураш тарихига оид илмий диссертациялар ёқлаш, монография, рисоалар нашр этиш фурсати етди, назаримизда. Фикримиз исботи учун Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асаридан қуйидаги парчани ўз таржимамизда келтирмоқчимиз. Бунда мумтоз табобатимиздаги мўъжиза ўз аксини топган. Жарроҳликдаги бу амалиётни, эҳтимол, жаҳон табобатида мисли кўрилмаган мисол, дейиш мумкин. Хусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида Муфрид исмли паҳлавонни Мирхалил номли ғаними атрофидагилари билан бир бовда тутиб роса калтаклашади, бу ҳам етмаганидек, баданининг 18 жойига пичоқ ва ханжар уриб, ўлар ҳолатда таплаб кетишади. Бу аҳволдан хабар топган давр султони Хусайн Бойқаро энг машҳур жарроҳ

билан жабрланган Муффридни ўз ҳузурига олиб келишни ва қандай бўлмасин паҳлавонни соғайтириш йўлини топишни буюради. Восифий ёзади: «Устод Шайх (яъни табиб — Ҳ.Қ.) Муффриднинг ҳолатини кўриб бир неча катта извош (чумолининг бир тури) чумоли топиб келишларини буюрдики, тезда етказдилар. Устод Муффриднинг эзилган ичакларини кесиб, икки томондан яқинлаштирди ва извош чумолининг оғзини ичакнинг уланган жойига тутди. Чумоли нишли лаблари билан иккала ичакнинг чокидан тишлади. Устод шу заҳоти чумолининг бўйнини кесиб, танасини ташқарига ташлади. Шундай қилиб у барча узилган ичакларни тикиб чиқди. Муффрид қирқ кун деганда соғайиб оёққа турди»<sup>\*</sup>.

Шарқ табобатининг кўплаб мўжизаларидан бир намуна бу. Синган бел, билак, оёқ суякларини асл ҳолига келтириш, машқ дастури ва тартиблари ёшларни эзгулик руҳида тарбиялашда жуда қўл келади. Бу табобат иззатикром, ҳамият, мардлик, Ватанга садоқат, рақиб кучи ва шахсиятини ҳурмат этишдек қадриятлар билан уйғунликда намоён бўладики, айти шу жиҳатлар янада муҳимдир.

Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарида бунга ўхшаш ҳаётий тасвирлар анчагина ва улар тарихий қиммати билан ажралиб туради. Айниқса, Исмоил Сафавий томонидан Ҳирот шаҳри босиб олинганда Восифийнинг сафавийлар томонидан таъқиб этилиши, уларнинг мутафаккир шоир Абдурахмон Жомий қабрига ўт қўйиб, мақбарасини бузишлари, Самарқанд шаҳридаги қаҳратон қиш ва очарчилик тасвирлари фикримизга далил бўла олади.

Биз «Бобурнома»даги ҳаётни айнан акс эттирган реал, натуралистик тасвирлардан айрим намуналар келтирдик, холос. Ана шу жиҳат Бобур услубини ва «Бобурнома»нинг ўзига хос хусусиятини белгилайди. Китобнинг барча бобларидаги мавзулар таҳлилида бу мавзуга яна қайтишимизни ҳисобга олиб, ушбу хулосалар билан чекландик.

<sup>\*</sup> Садриддин Айний, «Восифий ва хулосаи «Бадоеъ ул-вақоеъ», «Ирфон» нашриёти, 1977 йил, Душанбе, 74-бет.

## 2. Тахайюл ва илоҳий қудрат

Бобурнинг илоҳиёт, тахайюл, фалакиёт ва уларнинг сирларини ўрганиш, тадқиқ этишга доир фикрлари фақат буюк адиб дунёқарашини ёритиб қолмасдан, XVI асрда руҳшунослик фанига муносабат ҳамда Бобур атрофидаги шахсларнинг ҳам бу масалаларга қарашларини муайян даражада белгилаш имконини беради. Бу мавзуларни ёритишда муаллиф ҳаёт лаҳзаларини илмий тафаккур ва бадиий тасвир уйғунлигида ифодалаган ҳамда уларни давлатдорлик билан боғлиқ ҳолда зикр этган. Бобур ижодининг мазкур йўналишини таҳлил қилиш адибнинг ижодий лабораториясига кириш, унинг маҳоратига кенгроқ назар ташлаш имконини беради.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шахсий ҳаёти ва ижодида киши диққатини тортадиган алоҳида бир жиҳатни унинг нақшбандия тариқатининг машҳур вакили Хожа Аҳрори Валига муносабати, тасаввуф илми ва Хожанинг валилик ҳоли ҳамда салоҳиятига берган баҳосидан билса бўлади.

Академик Б. Валихўжаев «Хожа Аҳрор тарихи» китобида ёзади: «Хожа Убайдуллоҳ — Хожа Аҳрори Вали XV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросонда нақшбандия тариқатининг муриди сифатида танилиб, шуграт қозониб, ўзининг ранг-баранг фаолияти билан даврнинг ижтимоий-фалсафий ва маънавий ҳаётида катта из қолдириб, XV асрдан кейинги даврда ҳам кўркамли сиймо сифатида мухлислари қалби тўридан ўрин олди».

«Бобурнома»да бу мавзу муаллифнинг Оллоҳга ишониши, Яратгандан мадад тилаши билан ҳамоҳанг ифодаланган. Тасаввуф воялари Абдуҳолиқ Гиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий ва бошқа алломалар ижоди, диний-фалсафий қарашларида ўз аксини топган. Темурийлар даврида нақшбандия тариқатининг «Дил ба ёру даст ба кор» шиори XV—XVI асрлар ижтимоий, маданий,

маънавий ҳаёти равиақига улкан ҳисса қўшди. Бу давр адиблари олам «вахдат ул-вужуд»дан, яъни ягона вужуддан иборат эканлигини, бу борлиқ ҳаминша ўзидан нур таратиб, оламга ҳаёт бахш этиши ҳақидаги тасаввуф ғоясини тарғибу таъвиқ қилиб, оламнинг чексизлиги, ундаги мавжудотнинг асоси ҳам шу ягона борлиқдан юзага келганлигини уқдирдилар. Масалан, ушбу таълимотта биноан одамнинг моҳияти бўлган РУҲ шу борлиқнинг бир зарраси, у дунёга келиб камол топади ва яна ўз аслига қайтади. Инсоннинг мақсади кишилар онгида ана шу аслиятни қарор топтириш, улғайтириш, инсонни Оллоҳ номи билан тарбиялаш, етукликка етаклашдир. Кейинги пайтда тасаввуф ғояларининг мумтоз адабиётимиздаги инъикоси профессор Н.Комиловнинг «Тасаввуф», «Тавҳид асрори», И.Ҳаққулнинг «Тасаввуф ва шеърият» номли китоб ва мақоаларида теран таҳлил этилди. Бобурнинг илоҳий қудрат ва тушга муносабати адабиётшунослар — Ё.Исҳоқов, А.Абдуғафуров, шоир ва тарихнавис Хуршид Даврон, ёзувчи Хайридин Султон асарларида тадқиқ ва талқин этилган.

Умуман олганда, фалакиёт илми ва сирларига ишониш, уни инсон умрининг башоратгўйи деб билиш Шарқда қадимдан мавжуд. Агар темурийлар даврини оладиган бўлсак, «Бобурнома»дан бошқа насрий асарларда ҳам бу мавзунинг талқини ва тасвирини кўрамиз. Масалан, Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида 1417—1418 йиллар воқеалари замирида шаҳзода Рукниддин мирзо Алоуддавланинг тукилгани зикрида келтирилган астрологик, аниқроғи, телепатик ҳолат баёни киши диққатини тортади. Маълумки, Шарқда сайёрашунослар шоҳлар учун қайси вақт ва фаслда сафарга чиқиш, урушларни бошлаш ёки қолдиришни, хуллас, толенни белгилашда ёрдам берганлар ва, айтиш мумкинки, бу соҳа анча ишончли, ривожланган илм сирасига кирган. Адиб, тарихчи, ўз даврининг фалакиёт илмидан хабардор Абдураззоқ Самарқандий шаҳзода Рукниддиннинг Шоҳ-

рух мирзо оиласида туғилишини сайёралар ҳаракатига, уларнинг бир-бирига мутобиқ ёки қарама-қаршилигига асосланиб: «осмоний бахт-саодат у билан дўстлик қилишни истаган бир соат ва Муштарий (сайёраси) ундан саодат истирофида қилган бир толеда Зухра (сайёраси) руҳни шодлантирувчи навони чертиб Кайвондек улўғвор пирни рақсу жазабага келтирди...», деб ёзади. Шоҳрух мирзо кўнглининг «хаёл ойнаси»да илоҳий тушунча ўз аксини топган. Шоҳрух ички оламининг юлдузлар ҳаракатига мос келгани тасвири бу фикрни янада қувватлайди: «...тангрининг фазлига умид барқарордирки, у (фарзанд) подшоҳликнинг аъло даражаларига кўтарулғусидур. Оллоҳга ҳамд бўлсинки, хаёл ойнасида аке этган нақш амалда ҳам худди ўшандай жамол кўрсатди».

Ўз даврининг етук шахси ва адиби Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу таълимотларни ҳар томонлама ўрганиб, улардан ҳаёт ва қисмат мазмунини қидиришга интилгани табиий ҳол. Тасаввуф ва дин, урф-одатларга кўр-кўрона эмас, балки ҳар бир ҳодиса ва ақидага ақл мезони билан ёндашгани унинг дунёқараши нақадар кенглигидан далолат беради. «Бобурнома»да муаллифнинг нақшбандия тариқатига муносабати, биринчи навбатда, Хожа Аҳрори Вали шахсияти орқали очилади. XV аср жамиятининг кўзга кўринган маънавий сардори, давлат арбоби, тариқат пешвоси, шайху валиси бўлган бу шахс темурий шоҳу шаҳзодаларнинг маслаҳатчиси, зарурат туғилганда, моддий жиҳатдан ҳомийси ва маънавий йўлбошчиси ҳам бўлган. Бобур Хожа Убайдуллоҳи Валини бахту толеннинг посбони, барча балолардан халос этувчи пир сифатида бежиз тасвирламаган. Бу хислатлар Хожа Аҳрорнинг илоҳий нур тушган қудрати, валилиги, кўпчилиكنинг қурби етмаган ишларни бажаришга қодирлиги ва Бобурга руҳий мадад бериши билан боғлиқ.

1502—1503-йиллар воқеалари, феодал урушлардан чарчаган, мағлубиятлар шаробини ичган Бобур ёзади: «Ўзум-

ни ўлумга қарор бердим. Ўшал бовда (Карнон маҳалласи — Ҳ.Қ.) бир сув оқиб келадур эди, вузу қилдим, икки ракъат намоз ўқудум, бошимни муножотқа қўюб, тилак тилайдур эдимким, кўзум уйқуға борибтур. Кўрадурменким, Хожа Яъқуб—Хожа Яҳёнинг ўғли — ҳазрати Хожа Убайдуллонинг набиралари рўбарўйимға аблақ от миниб кўп жамоати аблақсувор билан келдилар. *Дедиларким, ҳам емангиз, Хожа Аҳрор мени сизга йибордилар. Дедиларки, биз аларға истионат тегуруб, подшоҳлиқ маснадиға ўлтурғузууббиз. Ҳар ерда мушкул иш тушса, бизни назариға келтуруб ёд этсун, биз анда ҳозир бўлурбиз. Ҳоло ушбу соат фатҳ ва нусрат сизнинг сорибур. Бош кўтаринг, уйғонинг»* (таъкидлар бизники. — Ҳ.Қ.).

Бобур илоҳий қудрат ўз томонида экани ва мурувват Хожа Аҳрорнинг унга меҳри туфайли амалга ошганини айтади. Матндаги фалакиёт ҳодисаси талқини ва илмий яқунга эътибор берайлик. Хожа Аҳрор Бобурнинг келажакда етук подшоҳ бўлишини олдиндан билган ва уни ўз ҳимоясига олган («...дедиларким, биз аларға истионат тегуруб, подшоҳлиқ маснадиға ўлтурғузууббиз»). Хожа Убайдуллоҳнинг руҳи Бобурга яқиндан ёрдам берган, мушкул ҳолатга тушганида эса, унга ёрдамга шошилган.

Бобур Хожа Аҳрорни тушида кўриб, ундан мадад кутган пайтдан бироз олдин ёнига Қутлуқ Муҳаммад барлос келиб, тушида Хожа Аҳрор унинг қаердалигини аниқ айтганини гапириб беради. Қизиқки, Хожа Аҳрор руҳи бир вақтда Бобурнинг ҳамда унга подшоҳликка эришгани хабарини етказган Муҳаммад барлоснинг тушига кириб, воқеадан огоҳ этади. Шу илоҳий, руҳий ҳолатни тасвирлаган Бобур бунга нечоғли ишонгани, руҳланганини билдириб, шундай ёзади: «Қутлуқ Муҳаммад барлос дедиким, Ахсидин қочиб чиқғанда сиздин айрила тушганда Андижон келдимким, хонлар ҳам Андижон келибтурлар. Мен туш кўрдумким, Хожа Убайдулло дедиларким, Бобур под-

шоҳ Карнон деган кенттадур, бориб ани олиб келингким, подшоҳлиқ маснади анга тааллуқ бўлубтур. Мен бу туш-ни кўруб, хушҳол бўлуб, улут хон, кичик хонға арз қилдим, хонларға дедимким, менинг беш-олти ини, ўғлум бор, яна бир печа йигит кўшунгиз, Карнон тарафидин бориб хабар олайин».

«Бобурнома»да Хожа Аҳрор шахсияти билан боғлиқ яна бир туш тафсилоти баён этилган. 1501 йили ёш саркарда Бобур Самарқандни ишғол этишга киришар экан, кўп қийинчиликларга дуч келади, бир неча марта маълумиятга учрайди. Навбатдаги жанг арафасида у туш кўради. Шу туш баёни орқали муаллиф Хожа Аҳрори Вали образини, унинг жамиятдаги маъқеини тасвирлайди. Бобур: «Хожанинг олива холибо бетакаллуфроқ дастархон солмишлар», дер экан, тушдаги бу ҳолатни унинг обрў-эътибори, маъқеига муносиб ҳаракат қилинмаганидан далолат, деб билади. Аввал Хожа дастурхон Бобур томонидан солинган, деб гумонсираса, кейин бу бошқа кишининг иши эканини англайди ва Бобурга лутф кўрсатиб, уни даст кўтариб, туркий тилда маслаҳат беради («шайх маслаҳат берди»). Бобур ёзади: «Ўшал неча кунда-ўқ Самарқандни олдим». Туш тафсилотидан кўриниб турибдики, Бобур Самарқандни қайта қўлга киритганини Хожа Аҳрор руҳининг ўзини қўллаганидан, деб билган. Туш «қисса»сининг давомида яна айрим далилларни келтиради. Биринчидан, Хожа Аҳрор ёш Бобурга иноят қилиб, даставвал меҳр кўргизади («Хожа фаҳм қилиб, бу узр масму тушти»). Хожанинг унга муносабати шайх маслаҳати (тариқат шайхи назарда тутилмоқда — **Ҳ.Қ.**) орқали янада ойдинлаштирилади. Умуман, бу туш тасвири, унинг мазмуни борасидаги мулоҳазалари Бобурнинг шайх ва улут шахсларнинг илоҳий қудратига ишонгани, эътиқод қўйганини билдиради.

Мумтоз адабиётимизда туш мавзуи тез-тез учрайди. Кўпинча бу ҳолат киши тақдири, келажагининг башорати

сифатида ифода топган. Ҳарҳолда, туш кўриш қобилияти инсон руҳиятини у яшаб турган муҳит ва атрофдаги кишилар, воқеалар билан боғлиқлиги илмий исботланган. Зайниддин Восифий ҳам «Бадоеъ ул-вақоеъ»да бир қизиқ маълумотни келтиради. 1512 йили, Ҳиротда сафавийлар ғалабасидан сўнг Самарқандни Нажми Соний босиб олиши ҳақида даҳшатли шов-шувлар кўтарилганда Восифий туш кўради. Восифий: «...бу фақирнинг рўёси ойнасида юй-ибдан хабар берувчилар ва муайян мубашширлар шундай намоён этдиларки...», дея сўз бошлар экан, тушида осмон қўйлари елинларидан сут оқиб «кўча ва бозорлардан сут ариқ бўлиб оқа бошлади», дейди. Шунда у эрталаб туриб, Хожа Табризий олдига боради ва тушининг таъбирини сўрайди. Хожа тушни: «Сут Муҳаммад динининг нуридир, унинг мазмуни шариатнинг сафосидирки, самовот оламидан ноил бўлгандир. Бу фараҳбахш воқеа хабари бўлиб, порлоқ датиш ва қатъий ҳужжатдирки, бу тоифа (яъни Самарқандни босиб олиб, шаҳарни полиз даласига айлантиришнинг истаган Нажми Соний — **Ҳ.Қ.**) давлатининг ярамас дарахти... хорлик тупроғига йиқилгуси», деб таъбирлайди. Ҳақиқатда ҳам, 1513 йил 27 январда душман устидан ғалабага эришилади ва шу тариқа Восифий туши ўнгидан келади.

Бобур Хожа Аҳрори Вали шахсияти ёрдамида ўз ички дунёси, эътиқоду қарашларини бир мезонга солибгина қолмай, балки ижодида ҳам унинг руҳидан мадад олиб, марҳаматидан баҳраманд бўлганини ёзади. Бобур «Қасидан Бурда»нинг муаллифи ўз асарини яратганидан сўнг фалаж (шол) касаллигидан қутулганини ёзади. Шу боис, беморликка учраган Бобур ҳам Хожа Аҳрорнинг «Волидия» рисоласини туркий тилга таржима қилади ва таржима тугаши билан касалликдан фориғ бўлади. Таржима жараёнида у фақат Хожа Аҳрорга эмас, Абдурахмон Жомийга ҳам ихлос билдиради, зимдан у зотдан ҳам дардига шифо тилайди. Шу боис, таржимада Жомийнинг «Субҳа» қаси-

даси баҳри — «рамали мусаддаси махбун, арзуз ва зарбоҳи махбуни маҳзуф» вазини танлайди. Бобур: «Тенгри инояти била, ҳазратнинг ҳимматидин, панжшанба кун, ойнинг йигирма тўққизида андаке афсурда бўлди, ўзга бу оризадин халос бўлдум», дейди. У тез тузалганини аввало Оллоҳ, сўнгра пири Хожа Аҳрор шарофатидан, деб билади, пирининг мўъжизакор хислатга эгалигига ўқувчисини ҳам ишонтиришга ҳаракат қилади ва: «Ўтган йил ва балки ҳар маҳал мундоқ оризаким бўлди, ақали бир ой-қирқ кунга тортти» деб, ўтган йилги касаллигининг чўзилганини кейинги сафар тез соғайгани билан қиёслайди.

Аслида, самовий кучларга ишонч туйғуси Бобурда ёшлигидан шаклланган бўлиб, бу унинг ислом ақидаларига ҳаминша содиқ қолгани билан боғлиқ. Масалан, ёшлигида Андижонни ўз ихтиёрида қолдириш учун отаси Умаршайх авлодлари билан тож-тахт учун талашар экан, ванимларининг ҳужумга ўтишмаганини Оллоҳнинг инояти деб билади: «Тенгри таолоким, ўз қудрати комиласи била ҳар ишмин ҳар маҳалда андоқким бояду шояд беминнати махлуқ рост келтурубдур, мунда ҳам неча ишни боис қилдиким, алар (Умаршайх вафотидан кейин Андижонни босиб олиш ниятида бўлганлар — Ҳ.Қ.) бу келмакдин ўсондилар».

Бобур ислом дини билан боғлиқ қадриятларни, воқеа-ҳодисаларни умр бўйи мулоҳаза қилиб, идрок этиб, ҳаётий тажрибаларига таяниб, теран эътиқод билан турли мўъжизалар ҳақида муайян хулосалар чиқарган. У Ҳазрати шаҳридаги бир чашма билан қизиқади ва бу ҳақда тугал фикр айтишдан олдин Ҳазрини айланиб чиққач, «бу чашмадин ҳеч ким нингон бермади», дейди. Чашманинг мўъжизакорлигига ишонмаган Бобур у ҳақдаги баёнини «китобларда битибтурларким...», деб бошлайди: «Китобларда битибтурларким, Ҳазнида бир чашма бордурким, агар нажосат ва қозуротни бу чашмага солсалар, ўшул замон тўлғоқ ва тўфон ва ёғин ва чопқун бўлур. Яна бир тарихда кўрулубтурким, раайи ҳинд Сабуктигинни Ҳазнида му-

ҳосара қилгонда Сабуктигин буюрурким, бу чашмага нажосат била қозурот солурлар. Тўлғоқ ва тўфон, ёғин ва чопғун бўлур. Бу ҳийла била ул ғанимни дафъ қилтур. Мен Ғазнида ҳар неча тажассус қилдим, бу чашмадин ҳеч ким нишон бермади». Хондамир ҳам «Ҳабиб ус-сияр» да Ғазнидаги бу чашма тарихи ҳақида Бобур маълумотини келтиради ва у ҳам бу чашмадан дарак топмаганини ёзади.

Кўриниб турибдики, Бобур халқ орасида тарқалган турли-туман афсонага йўғрилган сирли ҳодисаларга ақл мезони билан ёндашиб, уларни обдон текширган ва шундан кейингина хулоса чиқарган.

Ислом оламидаги қарашлар ҳаминша икки қутбга бўлинган. Биринчи қутбга кўра, диний ақидалардан инсон тарбияси учун фойдаланиш мақсад қилинган бўлса, иккинчи қутбдагилар шу ақидаларни шахсий манфаатга, муайян диний оқим ва гуруҳларнинг устунлигига, одамлар онгини кераксиз расм-русумларга бўйсундиришга қаратишни кўзда тутинган. Бу масаланинг тўғри ҳал этилиши барча замонларда долзарб ҳисобланади. Зотан, мамлакатимизда истиқлол шарофати билан илмий, амалий мерос тарғиботида фақат асл исломий ақидага таяниб, ўринсиз ихтилофларга қарши бўлган Имом Абу Мансур ал-Мотурудий таълимотини ўрганишга катта эътибор берилгани шу жиҳатдан ғоятда ўринли: «Ал-Мотурудий ўз таълимоти анъаналари ва илмий асарлари билан Мовароуннаҳр илоҳиёт мактабининг ривожланишига катта улуш қўлди. Илоҳиёт илмларининг тўла шаклланиб, такомилга етишишида уларни қайта ишлаб чиқиб, маълум тизимга солишдек катта бир ишни амалга оширди... У яратган таълимот ислом динининг буюк ақидавий оқимларидан бири сифатида танилди»<sup>\*</sup>.

Бобурнинг юқорида келтирган далиллари билан Ал-Мотурудий қарашлари орасида қандай боғлиқлик бор? «Бобуриюма» асари ва шоир Бобурнинг ижодига назар сол-

---

<sup>\*</sup> Шовосил Зиёдов. «Ал-Мотурудий ҳаётий ва мероси». Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, Тошкент, 2000 йил. 21-бет.

сак, буюк адибнинг нафақат ислом оламида аҳиллик, бир-ликни тарғиб этганига, балки бошқа динлар, уларнинг вакиллари билан ҳам тил топишганига, мураккаб зиддиятларни ечиш йўлларини қидирганига гувоҳ бўламиз. Бобур исломнинг асл ақидаларига бир умр содиқ қолиб, сохтакорликдан, низога элтувчи диндорлардан узоқ турган. Бу эса моҳият эътибори билан Абу Мансур Мотурудий таълимотининг амалидир. Қўйидаги мисоллар ҳам фикримизга ойдинлик киритади, деган умиддамиз.

Матълумки, фол экстрасенслик хусусиятларидан бири бўлиб, кишининг руҳияти, борлиқни қай даражада идрок этиши, қабул қилиши, ишонини ёки ишонмаслиги билан боғлиқ. Қўйидаги мисолда Бобурнинг фолга тўла ишонганини кузатамиз. Эҳтимол, ромчи унинг кўнглидагини башорат этгани туфайли, Бобурда шундай ишонч ҳосил бўлгандир. Ҳарҳолда, у фолчининг хулосасига эътироз билдирмайди, аксинча, ром очиш жараёнини қизиқини билан кузатиб, шавқ билан баён этади. Бундан ташқари, парчада халқ урф-одати, ирими ва санъати ҳам ўз аксини топган: «Ғолибо, зуафо орасида фоле расмдурким, ўғул бўлурму ё қиз бўлурму экин, деб икки коғазда бирида Али ё Ҳасан битиб, яна бирида Фотима битиб, икки кулула балчиқ ичида қўюб, ул балчиқларни бир аёр сув ичига қўярлар. Ҳар қайси бурна очилса, андин истидлол қилурлар: эр келса, эр бўлур, қиз келса, қиз бўлур, дерлар. Фол қилдилар, эр келди. Чун мужда бўлди, анинг юзидин-ўқ хат битиб йибордук».

«Бобурнома»даги турли ақида ва мўъжизаларнинг жонли тасвири диққатни тортади. Айрим мазорот ва зиёратгоҳларнинг сохталигини исботлаш орқали одамларни диний жаҳолатдан асрашга интилан Бобур дунёвий ёки илоҳий воқеа-ҳодисаларга, ақидаларга, аввало, ҳаққонийлик назари билан қараган. Ҳазни қишлоқларидан бирида ҳаракатга келувчи «қабр» сирини очган Бобур уни шунчаки инкор этиш билан чекланмайди, балки бу найрангнинг ил-

мий, ҳаётини исботини келтириб, сохтакорликка қарши ҳатто жоҳиллар онгида ҳам нафрат уйғотиб, сўнг бу «зиёратгоҳ»-ни бузинишга амр беради. Муҳими, у шоҳ сифатида шундай маънавий жасоратта қўл уради: «Дедиларким, Ғазнининг кентларида бир мазор бордурким, салавот айтгач, қабр мутаҳаррик бўлур. *Бориб мулоҳаза қилилди*, қабрнинг тебрангани маҳсус бўлди. Сўнгга маълум бўлдуким, *мужовирларнинг тазвири* экандур. Қабрнинг устига бир жулъя ясабтурлар, ҳар замон жулъяга тегадурлар, жулъя тебрангач, қабр тебрангандек маҳсус бўладур. *Нечукким, кемага кирмаган эл кемага киргач соҳил мутаҳаррик маҳсус бўлур*. Буюрдумким, мужовирлар жулъядин йироқ турдилар, бир неча салавот айттилар, қабрда ҳаракате маҳсус бўлмади. Буюрдумким, жулъяни бузуб, қабрнинг устида гунбаз қилдилар. Мужовирларни бу ҳаракатини таҳдид билан манъ қилилди» (таъкидлар бизники — Х.Қ.).

Узоқ асрлар давомида фалакиёт илмининг ривожланиб, мунажжимлик шоҳлар саройида энг мўътабар вазифалардан бўлгани тарихий рисоалардан маълум. Темурийлар салтанати даврида, айниқса, Мирзо Улуғбекнинг фалакиёт илмини ривожлантиргани туфайли бу касб янада кўпроқ обрў-эътибор топган. Бобур ҳам ўзининг юришлари ва саёҳатларида сарой мунажжими хизматидан фойдаланган. «Бобурнома»даги далилларнинг гувоҳлик беришича, Бобур учун салтанатни яхлит сақлаш, мақсад сари довюраклик билан илдам бориш ҳар нарсадан устун эди. 1526 йил воқеалари тасвиридан унинг Ҳиндистондаги юришлари гоҳ ғалаба, гоҳ умидсизликлар билан кечгани аён бўлади. Айниқса, ғаним Бобур турган жойга етганда, аскарлари «жиба кийиб, отларга кежим солиб, яроқланиб» урушга ҳозирлик кўраётган паллада мунажжим Муҳаммад Шариф шумнафаслик билан юлдузлар Бобур лашкари хавф остида эканидан дарак бераётганини билдиради. Шунда мунажжим «баһорат»идан Бобурнинг ўктамлиги

устун келади — у само юлдузларига қараб айтилган «башпорат»га ишюнмайди. «Муҳаммад Шариф мунажжим шумнафас, агарчи манга айтур ёроси йўқ эди, ҳар кимга йўлуқса муболағалар била айтур эдиким: «Бу айёмда Миррих ғарб саридур, ҳар ким бу тарафдин урушса, мавлӯб бўлур». Мундоқ шумнафас неким сурди, бедил элнинг кўнглини кўпрак синдурди. Анинг бу париншон сўзларига гўш қилмай, қилур ишларимизни тикилмай, уруш ишида бажид ва масоф қилмоққа мустаид бўлдук».

Кўринадики, Заҳириддин Бобур ривоят ва башпоратларга ҳамма вақт ҳам ишюнавермаган, аксарият вазиятларда воқеа-ҳодисаларга ўз нуқтаи назари билан ёндашган. Юқоридаги матида у «бедил элнинг кўнглини кўпрак синдурди», дейди. «Бедил эл» деганда муаллиф тезда таҳликага тушадиган, бирор воқеа-ҳодисанинг моҳиятига етиб-етмай ўзини йўқотиб қўядиган, айниқса, Бобурнинг шахсий мунажжими башпоратини эшитганда буткул таҳликага тушган кишиларни назарда тутмоқда. Хуллас, Бобур мунажжимнинг «башпорати»га қарамай, қатъий қарор билан урушга шайланганини айтади. Аслида, бундай ирода жуда кучли руҳий ўзгаришлар, фикрлар қарама-қаршилиги жараёни замирида содир бўлади. Биз бир асосга таяниб шундай хулосага келдик: кишининг саводсизлиги, турли ақидаларга муккасидан кетиши уни ўзгалар фикрига эргашадиган, маънавий мўрт ва руҳан ожиз қилиб қўяди. Чунки бундай кимсанинг онг умуртқаси бўш, ҳар қандай ўзгаришга мойилдир. Ана шундай беқарор, муртадларнинг «ислом жангарилари» ниқобидаги кирдикорларига — истиқлолимизга соя солиш йўлидаги нокасликларига гувоҳ бўлдик.

Заҳириддин Бобур «бедил эл» — «юраксиз эл»ни журъатга, бир мақсад сари бирлашишга, Ҳинд элида темурийлар салтанати номини оқлашга чақирган. Гарчи айни давлат «Бобурнома»да очиқ ёзилмаган бўлса-да, бу — шох

Бобурнинг қалб нидоси эди. Бу пидо адиб Бобур дунёқарашининг, шоҳ Бобур фаолиятининг моҳиятини ташкил этади.

Гулбаданбегим отасининг қалб тугёни, мақсадини унинг Ҳиндистондаги юриши сарҳисоби даражасида ифодалаган. Бунда ўта мураккаб сиёсий, ижтимоий шароитда ҳам ўзини йўқотмаган саркарда қиёфаси қад ростлайди. У Ватани учун, олий мақсади йўлида жонини беринга ҳозир, ниятларининг бекам-кўст инобати учун бу дунё роҳатидан кечувчи, ҳатто ўлимга тик қаровчи жангчи сифатида гавдаланади. Қўйидаги сатрларни мутолаа қилган ўқувчи Шекспир Ҳамлетнинг «ё ҳаёт, ё мамот» монологини Заҳириддин Бобур ҳаётидан олиб ёзмаганмикан, деган ҳаёлга бориши ҳам мумкин. Гулбаданбегимнинг бу иқрорида ҳақиқий теурий шаҳзоданинг — умрини ҳисобсиз жангу жадалларда ўтказган, буюк империяни тиклаш учун ҳатто жонини аямаган жасур саркарданинг метин характери бутун борлиғи билан намоён бўлади. Мана ўша сатрлар: «Шуни эсингиздан чиқармангизки, Ватанимиз ва шаҳримиздан бизни неча ойлик йўл ажратиб турибди. Худо у кундан асрасин. Агар аскарларимиз бу жангда енгилса, худо бизни ҳимоя қилсин, биз қаерларда қолиб кетамиз? Шаҳримиз қаерда, ватанимиз қаерда. Иш ажнабийлар ва бегоналар қўлига тушиб қолади. Аҳвол шундай экан, икки йўлдан бирини танлаб олиш керак. Агар душманни ўлдирсак, ғолиб бўламиз, агар ўлдирилсак шаҳид бўламиз. Шу ҳар иккала тақдир ҳам бизникидир. Бизнинг улуг даражамиз ва олий мартабамиздир».

Заҳириддин Бобурнинг ўша пайтдаги ҳолатини бугунги кун одамининг қарашлари билан таҳлил этишга маънан нечоғли ҳақли эканимизни билмадигу, бироқ гумроҳ, «бедил эл»нинг назарида эл манфаатини кўзлаган шоҳдан кўра мунажжим Муҳаммад Шарифнинг фикри толиб босиб турган вазият, бундай вазиятда Бобурнинг маънавий устунлиги, фикрий ғолиблиги, шоҳ сифатида ўзининг қарашларини

ўтказиш сиёсати кишини ҳайратга солади. Шоҳ Бобур азгу ниятларини амалга ошириш учун сўнгги имконияти — сўз бойлиги, татъбир жоиз бўлса, ҳамиятини ишга солади. Ахир, бутун умри давомида эришилган орзулар, буюк салтанатни тиклаш мақсади якуний паллага кирган бир шароитда ҳал этувчи жангги бир мунажжимнинг баёрати йўққа чиқариши тайин эди. Бобурнинг даъватига, қалб нидосига эътибор берайлик, курашга чорловчи ибораларининг, мантиқ кучига назар солайлик. Унга қанчалик руҳий азоб, фикрий қийноқ ва касри нафси енгилш эвазига келган экан, бу сўзлар: «Подшоҳ(яъни Заҳириддин Бобур — **Ҳ.Қ.**), худо хоҳласа, то жону танимизда охирги нафасимиз қолгунча урушамиз, жон фидоликда ва қон сочишликда ўзимизни аямаймиз, *агар шу ғалдан қайтсак, хотинимиз талок бўлсин*, деб Қуръон билан қасам ичдилар».

Ҳурматли китобхон! Аҳли аёли, айниқса, Қуръон карим билан қасам ичин содиқ мусулмон учун сўнгги қасам! Бундан ортгиси Оллоҳ номи билан бовлиқ. Лекин Қуръон Оллоҳ каломи бўлгани боис, унинг муқаддас исми ҳам бунда бор. Ушбу қасам ва ниятдан сўнг Заҳириддин Бобурга Ранго Санго устидан ғалаба насиб этади. Ният ва имон бирлиги тантана қилади.

Бобур характеридаги ўта нозик хусусиятлар айнан шу сатрларда — унинг қизи иқрорида теран, татъирчан аксини топган. Бу, аслида, Бобурнинг Ҳиндистонга қилган юришининг мантиқий чўққиси, умр хулосаси, мақсадининг сарҳисоби ҳамдир.

Бобурнинг илоҳий кучга, унинг мадади ва ғойибона татъирга ишониши «Бобурнома» охиридаги бир воқеа — суюкли ўғли Ҳумоюннинг қаттиқ бетоб бўлиб ётгани тасвирида, унинг дардини ўзига олиб, Ҳумоюн сиҳат топиб, ўзи қаттиқ оғриб, охири вафот этганида кўринади. Шубҳасиз, бу мисол меҳрибон отанинг азиз фарзандига чексиз меҳрдан далолатдир. Бу мисол мулоҳазаримизга муносиб хулоса бўла олади.

Бобур умр бўйи инсон руҳиятига бевосита таъсир этувчи илоҳий қудратга қаттиқ ишонган. Ҳумоюннинг соғайишини астойдил тилаган Бобур, бутун вужуди билан унинг дардини олишга, ҳатто бу дард билан қазо бўлишига ҳам ўзини руҳан ҳозирлайди. Бобурнинг эътиқоди, оталик меҳри ва ўзи сиғинган самовий қудрат бирлашиб, бу баярикенг инсонни йиқитади. Унинг руҳи, орзу-умидлари ўғли Ҳумоюнга кўчади. «Бобурнома»даги бу сатрлар ички кечинмалар, меҳр ва садоқатнинг ёрқин ифодасидир. Оллоҳнинг мавжудлиги ва қодирлигига астойдил ишониб, қалбан тан берган инсон ўз ниятига етиши мумкинлигини Бобур ўта таъсирли ифодалаган: «Мир Абдулқосимким, улут киши эди, арзға еткурдиким, ушмундоқ дардларға дармон будурким, яхши нимарсалардин тасаддуқ қилмоқ керак. Тоинки Тенгри таоло сиҳҳат бергай. Менинг кўнглумга келдиким, Муҳаммад Ҳумоюн (нинг) мендин ўзга яхшироқ нимарсаси йўқ. Мен ўзум тасаддуқ бўлайин, Худой қабул қилсун. Хожа Халифа, ўзга муқарраблардин арзға тегурдиларким, Муҳаммад Ҳумоюн сиҳҳат топар, сиз бу сўзни нечун тилингизга келтурасиз. Фараз будурким, дунё молидин яхшисини тасаддуқ қилмоқ керак. Бас, ўшал олмоским, Иброҳимни урушида тушуб эди, Муҳаммад Ҳумоюнга иноят қилиб эдингиз, тасаддуқ қилмоқ керак. Тилга келдиким, дунё моли анинг ивазига нечук бўлмай, мен анинг фидоси қилтурменким, ҳол анга мушкул бўлбур. Ва андин ўғубтурким, мен анинг бегоқатлигини тоқат келтурмаймен. Ўшал ҳолатга кириб, уч қатла бошидин ўргулуб, дедимким, мен кўтардим ҳар не дардинг бор. Ўшал замон мен оғир бўлдум, ул енгил бўлди. Ул сиҳҳат бўлуб қўпти. Мен нохуш бўлуб йиқилдим».

Кейинги пайтда дунёнинг турли нуқталарида экстра-сенслар ва руҳшуносларнинг ҳар хил усулларда фаолият кўрсатиши, бир-биридан олисдаги икки кишининг бир хилда фикр юритиши, узоқ масофадан туриб таъсир ўтказиб, беморларни даволашлар кундалик ҳаётимизга кириб

келмоқда. Телепатик ҳодисалар кўпинча (телепатик сез-гилари ўта кучли шахсларни ҳисобга олмаганда) шу ҳо-дисалар билан бевосита боғлиқ кишиларнинг руҳияти, дунё-қараши, жамиятдаги ўрнининг яқинлигида, бир масала ва бир мавзуда фикр юритишнинг ҳар иккала кишида бир вақтда содир бўлишида кўринади. Бундай ҳолат баёнига «Бобурнома»да ҳам дуч келамиз.

Бобур томонидан Бадахшонга ҳоким этиб жўнатилган Ҳумоюн отасидан кўнгли нотинч бўлиб, соғинчдан безовтала-нади. Шунда у ўз ўрнига куёви мирзо Сулаймонни вақ-тинча қолдириб, Ограга отаси дийдорига шонилари. Ҳумо-юннинг кириб келишини илгаридан сезганини Бобур қуй-идагича тасвирлайди: «Бир неча кунда дор ул-хилофа Ограга етиб, ўшул соатким, *биз анинг онаси билан отини тутуб*, сўзлашиб ўлтуруб эдукким, *ета-ўқ келди*. Кўнгул-лар гул янглиғ очилиб, кўзлар чирокдек ёруди».

Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарида телепатик ҳолатнинг жуда бир камёб мисоли келтирил-ган. Восифий ҳикоя қилишича, бир адабий даврада Келди-муҳаммад Султон Восифий ва Қатилийга Абдурахмон Жомийнинг девонидан диққатга лойиқ ўнта шеър тан-лашни топширади. Восифий ва Қатилий ҳар қайсиси мус-тақил равишда Жомий шеърларидан намуналарни танлаб, уч кундан сўнг олиб келиб кўрсатганларида, улар танла-ган ўнта шеър мутлақо бир хил чиқади ва Восифий бу нодир телепатик ҳолатни қуйидагича тасвирлайди: «Мав-лоно (Қатилий — Ҳ.Қ.) Мавлавий (Абдурахмон Жомий — Ҳ.Қ.) куллийтини олиб уйига кетди ва уч кундан кей-ин у ҳам ўн парча шеърни танлаб келди. Очиб қарасак, Қатилийнинг Жомий куллийтидан танлаган парчалари мен танлаган 10 шеърини парчанинг ўзгинаси эди. Бу — дунё-да содир бўладиган ажойиб тасодифлардан бири эди».

Хуллас, Бобурнинг фалакиёт илми ва илоҳий қудратта оид қарашлари ғоят теран ва ибратлидир.

### 3. «Бобурнома»да табиат ва муҳит инъикоси

«Бобурнома»нинг насрий асар сифатидаги қимматли жиҳатларидан бири унда инсоннинг табиат билан боғлиқликда тасвирланишидир. Бобур табиат гўзаллиги ҳақида гапирганда, албатта, унинг муайян ҳудуднинг релйефи, тупроқ таркиби, набототи ҳақида ҳам фикр билдириб, ўқувчи тасаввурини бойитади, жонли ва жонсиз мавжудотнинг мутаносиблиги, ўзаро боғлиқлигини таъкидлаб, борлиқни асраш ҳақида қайғуради.

«Бобурнома»да Ҳиндистондаги ҳайвонлар ҳақида сўз юритиларкан, улар яшайдиган иқлим шароити, жойи, озиқланадиган ўсимликлар ҳақида маълумотлар бериб борилади. Бобур ижодининг жуғрофияга доир жиҳатларини тадқиқ этган олим Ҳ.Ҳасанов ёзади: «Бобур стилига яна шу нарса ҳам характерлики, у ўзи кўрган жойни, ўзи гувоҳ бўлган воқеани «кўрдим», дейди. Бошқалардан эшитган бўлса, «дерларким», «андоқ ривоят қилурларким», «бўлур эмиш» иборалари билан изоҳлайди. Бу реал тасвир Бобур ижодига хусндир»<sup>\*</sup>.

Дарҳақиқат, «Бобурнома»даги аксар маълумотлар муаллифнинг ўзи бевосита иштирок этган ёки кўрган, ёхуд эшитгани асосида баён этилганки, улар муаллифнинг табиат ва борлиққа муносабати орқали дунёқарашини тейроқ таҳлил этиш имконини беради.

«Бобурнома»да табиат манзараларининг ҳаққоний, жонли тасвирига оид мисоллар кўп. Улар чуқур билим ва турли фан соҳаларидан кенг маълумотга эга кишининг хулосаларидир. Маъмур тасвирлар муайян ўлка, мамлакат, шаҳар, қишлоқ ҳақидаги мушоҳадалар якунида ёрқинроқ кўзга ташланади.

Амударёдан ўтиб, Кобул шаҳрига кириб борган Бобур унинг тасвирини шу даражада бой ва сермазмун акс эттирганки, бу кишини ҳайратга солади. Тасвир кенг қам-

<sup>\*</sup> Ҳ.Ҳасанов, «Заҳириддин Муҳаммад Бобур». Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1966, 38-бет.

ровли бўлишига қарамай, бир мавзу иккинчисига ҳалал бермайди, баён эса қисқа ва аниқ. Муаллиф «Кобул вилояти тўртунчи иқлимдиндур», деб сўз бошлар экан, аввало, унинг Ер куррасидаги мавқеини илмий жиҳатдан белгилайди. Ҳар бир жумла, ибора илмий асосга эга («Шимоли Қундуз ва Андароб вилоятидур. Ҳиндукуш тоғи воситадур. Жануби Фармул ва Нағар ва Банну ва Афғонистондур»). Бундай илмий талқин бевосита бутунги Афғонистон деб аталмиш мамлакат тарихига ҳам дахлдор. Чунки Бобур давридаги «Афғонистон» ҳозирги ҳудудни эгалламаган, давлатнинг номи ҳам «Афғонистон», деб юритилмаган. «Бобурнома»даги «Афғонистон» ўша пайт яшаган афғон паштунларининг жойларини англатади (бутунги Қандаҳор, Пактия, Лўғар, Жалолобод ва бошқа жойлар). Бобурнинг Ҳиндукуш тоғини «восита» дейишида ҳам жон бор. Ҳақиқатда, бу энг баланд ва қорли тоғ Хуросон ўлкасини жанубдаги афғон, балуж ва ҳиндлар яшайдиган ўлкалардан ажратиб турган, уни ошиб ўтадиганлар учун восита-кўприк вазифасини бажарган.

Бобур Кобулнинг жуғрофий мавқеини таърифлагандан сўнг бошқа жойлар тасвирига кўчади, ҳеч нарса унинг назаридан четда қолмайди: на тоғ этакларида Шоҳи Кобул томонидан қурилган иморат («Шоҳи Кобул иморат қилгани учун бу тоғни Шоҳи Кобул дерлар». Бунда муаллиф ҳатто жой этимологиясига эътибор берган), на унда қурилган сувориш иншоотлари («менинг амаким Улутбек мирзо замонида Вайс атка мирзонинг аткаси бу тоғнинг доманасида бир ариқ чиқарибтур. Доманадаги боғот тамом бу ариқ била маъмурдур»), на Кобул шаҳрининг кўрки бўлган Кобул арки («ёзлар Кобулда шимолий ели кам эмастур... Аркта шимол сари даричалиқ уйлар асру хушҳаводур» ) ва бошқалар.

Бобурнинг ўзи яратган бир боғ тасвирига эътибор берайлик. Унда муаллифнинг табиатта ошиқлиги, яратувчилик руҳи, имкони борича ҳар бир борган жойини обод

этишга интилганини кўрамиз. Балки бу боғни яратишда унга амакиси Улугбек Мирзонинг Кобулда қазган ариғи ибрат бўлгандир. Одинапурдаги бу боғга найшакар олиб келиб ўстиришни тажриба қилади, банан дарахти кўчати-ни ҳам биринчи бўлиб шу боққа ўтқазади. Бу — Бобур фаолиятининг бир томони. Муҳим жиҳати — тасвир объектининг мантиқий баркамоллиги, композицион бутунлигидир. Муаллиф олдин боғнинг мавқеи, қурилган йили, қайси тарихий воқеа содир бўлганда кўчат ўтқазилганини баён қилиб, кейин боғни жуғрофий томондан таърифлайди. Бобур учун табиатнинг нашъу намоси оқар сув билан боғлиқ. Шу боис, унинг учун боғнинг энг афзал томони «бир тегирмон сўйи бу боғнинг ўртасидан ва боғнинг ичидаги пуштасининг устидан ҳаминша жорий»лигида. Боғнинг қолган жиҳатлари ана шу имконият билан боғлиқ. Муаллиф ўқувчини боғ аро айлантириб, «айни ери»га етаклайди ва диққатни шунга қаратади. Тасвирнинг тадрижий мукаммаллигига эришганидан сўнг, «хейли яхши боғ воқигъ бўлубтур». дейди.

«Бобурнома»нинг Афғонистонга онд қисмида муаллиф Боғи Вафо тасвирига алоҳида тўхталади ва Ҳиндистонга сафар тараддуида Ҳумоюн мирзо туфайли шу боғда тўхтадик деб, давом эттиради: «Боғи Вафонинг ҳадди ва ҳудуди ва сафо латофати бу тарихда (яъни «Бобурнома»да — **Ҳ.Қ.**) мукаррар мазкур бўлубтур. Асру сафолиқ боғ воқигъ бўлубтур. Ҳар ким *харидорлик кўзи била кўрса*, билгайким, не турлук ердур». Ушбу парчадаги бир иборага диққатни тортмоқчимиз. Бобур ўқувчини Боғи Вафо ҳақида асарининг тегингли жойида тўхталиб ўтгани ва мавзу тафсилотини бу ўринда келтириш услубига мос келмаслигини зимдан билдирмоқда, боғнинг тузилиши, гўзаллиги ва ҳашаматига эътиборни тортмоқда. «Бобурнома» — муаллифнинг ҳаётдаги барча воқеа-ҳодисалар ва нарсаларга «харидорлик кўзи билан» қараши китобидир.

Заҳириддин Бобурнинг Кобул ҳудудида яшовчи аҳоли тили, элати, миллати ва этник таркиби ҳақидаги маълумотлари бугун ҳам улкан илмий қимматга эга. Ҳақиқатан, Буюк Ипак Йўлида жойлашган, араб ва мўғул истилосини бошидан кечирган, ўша даврда катта савдо маркази бўлган бу минтақа ва унинг маркази Кобулда турли тилда сўзлашувчи кўплаб миллату элатлар ўтроқ ҳолда яшаган. Бироқ бу хусусиятнинг зийрак англаб, алоҳида тасвирлаш, илмий ҳулоса чиқариш муаллиф услубини бошқа адибларникидан ажратиб туради: «Мухталиф ақвом Кобул вилоятида бордур. Жулгасида ва тузларида атроқ ва аймақ ва аъробдур. Шаҳрида ва баъзи кентларида сортлардур. Яна баъзи кентларида ва вилоётида пашойи ва парожий ва тожик ва бараки ва афғондур. Фарбий тоғларида ҳазора ва накдарийдур...

Ўн бир-ўн икки лафз била Кобул вилоятида талаффуз қилурлар: арабий, форсий, туркий, мўғулий, ҳиндий, афғоний, пашойи, парожий, габрий, баракий, ламғоний. Мунча мухталиф ақвом мутағойир алфоз маълум эмаским, ҳеч вилоятта бўлмай».

Шундан сўнг Бобур Кобул атрофидаги шаҳар ва қишлоқлар ҳақида батафсил маълумот беради. Уларда ҳам илмий таҳлил, бадиий тасвир етакчилик қилади. Шу боис, биз Кобул ҳақидаги тасвирга кенгроқ тўхталдик. Самарқанд, Фарғона, Андижон, Ўш, Ҳиндистон каби шаҳар ва минтақалар ҳам Бобур томонидан шундай кенг, ҳар томонлама тасвирланган.

Бобур бирор минтақа, жой ҳақида гапирганда, унинг табиатини тасвирлаш билан чекланмайди. Ўзи шоҳид бўлган воқеалар, табиатнинг гўзал манзараларини инсон турмуши лавҳалари билан уйғунликда акс эттиради. Бу «Бобурнома» саҳифаларини ширали ва мазмундор сатрлар билан бойитган. Фикримиз исботи учун уларни Абдураззоқ Самарқандийнинг ижодидан олинган мисол билан қиёслайлик. Абдураззоқ Самарқандий «Матлаъи саъдайн ва

мажмаи баҳрайн» асарида 1426 йилги воқеалар ҳақида ёзаркан, совуқ қиш ҳавосини қуйидагича тасвирлайди: «Йўлда совуқ ва қор шу қадар зўрайиб кетдики, таҳрир қаламининг тили шарҳлаб ёзишга ожизлигидан бармоқ унинг баёнини адо эта олмай (ташлаб) кетди». Бу парчада муаллиф совуқнинг қаттиқлигини тасвирлашга қалами ожиз қолганини айтиб, қаҳратон қишни шундай ифодалаш билан чекланмоқда, холос.

Абдураззоқ Самарқандий томонидан тасвирланмай, «қалами ожиз» қолган қиш манзараси Бобур тасвирида гўё тўлдирилгандек бўлиб туюлади. Манзарада инсон ва табиат инжиқлиги ўртасидаги кураш қор бўрони билан одамлар сабот-матонати, машаққатлар эвазига табиат қаршиликларини енгиши очиб берилганини кўрамиз: «Қутий деган ҳаволға келдук. Ушбу кун ғариб чопқун била қор ёвар эди. Андоқким, борчаға ўлум ваҳми бўлди. Ул эл тоғдағи ғор ва ковакларни ҳавол дерлар; бу ҳаволға етганда чопқун беҳад тез бўлди. Ушбу ҳавол қошида-ўқ тушулди. Қор улук, йўл якраҳа, тепилган-босилган йўл била ҳам от ба ҳийла борадур. Кунлар ғоят қисқалиққа илгариги киши ёруғ чоқта ҳавол олиға келдилар. Намози шом, намози хуфтанғача эл кела қолди. Андин сўнгра турғон ерда-ўқ тушти. Кўп эл от устида-ўқ тонг оттурди, ҳавол торроқ кўрунди. Мен ҳаволнинг оғзида курак олиб, қор кураб, ўзумға бир такия миқдори ер ясадим, қорни кўкустача қоздим, ҳануз ерга етмайдур эди. Бир нима елға паноҳ бўлди, ўшанда-ўқ ўлтурдум...».

Табиат ҳодисаларини ҳар ким ўзича кўради, ўзича идрок этади. Лекин кўпчилик кўрганларини тез унутади ёки кўрганича эътибор қаратмайди. Адиб, санъаткорнинг оддий кишилардан фарқи ҳам шундаки, у ўқувчи диққатини нозик жиҳатларга, табиат, атрофимиздаги мавжудот ва содир бўладиган воқеаларга кенгроқ жалб этади. Геология фанида берилган маълумотга кўра, ёш тоғларнинг тепасидан пастга қараб майда тошларнинг тўкилиши куза-

тилади. Бобур ёзади: «Бу икки дашт (Дашти Шайх ва Парвон)нинг орасида бир кичикрак тоғ тушубтур, бу тоғда бир парча қум тушубтур, тоғ бошидин тубигача Хожа Регировон дерлар. Ёзлар дерларким, нақора ва духул уни бу қумдин келур». Бобур «нақора ва духул уни» келишини эпитмаган, шунинг учун ишонқирамай «дерларки» деб, одамлардан эшитганини билдирмоқда. Аслида бу гап рост бўлиши ҳам мумкин. Камина Афғонистоннинг Тошқўрғон шаҳри атрофидаги никбатан ёш тоғлар қулласидан доимо шағал тошлар тўкилиб туриши, ўзига хос товуш чиқаришининг гувоҳи бўлганман. Маҳаллий аҳолининг айтишича, бу товуш икки тоғ орасидаги дарага «оқиб» тушган тошларнинг бир-бирига урилишидан ҳосил бўлар экан.

Заҳириддин Бобурнинг табиат ва борлиқни тасвирлашида кишига завқ берувчи манзаралар талайгина. «Бобурнома»ни мутолаа қилган бугунги ўқувчи ҳам уларнинг жозибасига, ҳаққонийлигига тан бермасдан иложи йўқ. «Бобурнома»даги лолалар ва уларнинг хиллари ҳақидаги маълумотлар фикримизга далилдир. Ўқувчида беихтиёр Дашти Шайх ва Парвоннинг «бир парча еридагина» ўсадиган «садбарг лола»ни ўз кўзи билан кўриш иштиёқи туғилади. Лола адибнинг асосий тасвир мавзуи бўлиб, унда Бобурнинг ҳаётга меҳри, табиат мўжизасидан лаззатланиши ва илмий хулосалари мужассам. Айни шу каби мушоҳадалар «Бобурнома» пухратини оширган, муаллиф устубининг ўзига хослигини таъминлаган. Муаллиф дастлаб «ранго-ранг» «ҳар навъ» лола ҳақида гапиради. Бир қараганда, бу икки ибора синонимга ўхшайди, аслида эса — бошқача. Биринчи ибора лоланинг турли рангларини, иккинчиси — унинг навини англатмоқда. Бобур эринмай лола навларини санаб чиқади ва улар «ўттиз икки-ўттиз уч навъ», деган хулосага келади. Бу хулосадан ўқувчи бир хил навъ, аммо турли рангдаги лолалар сони кўпайтириб кўрсатилибди, деган фикрга бормаслиги учун: «вайримукаррар лола» иборасини илова қилади. Демак, лолалар нав жиҳа-

тидан айнан бир хил эмас, балки бетакрордир. Саналган ўттиз уч навга кирмайдиган яна бир нав бор — «лолаи гулбўй». Бобурнинг бу навни ажратиб таъкидлаганининг боиси шундаки, ҳар қандай лола хушбўй ҳидга эга эмас. «Лолаи гулбўй» эса ўзгача, хушбўй. Бобур ва унинг ҳамроҳлари бу навни шундай аташган. Садбарг лола ҳамма жойда ўсавермайди, Дашти Шайхдаги мўъжазгина ерда улади. Хуллас, бу парчада Бобурнинг бадий талқини, табиатни теран идрок этиши яна бир карра намоён бўлган: «Бу домана (Дашти Шайх — Х.Қ.) да ранго-ранг ҳар анвоъ лолалар бўлур. Бир қатла санаттим, ўттуз икки-ўттуз уч навъ *ғайримухаррар лола чиқти*. Бир навъ лола бўлурким, андин андак қизил гул иди келур, лолайи гулбўй дер эдук. Дашти Шайхта бир парча ерда бўлур, ўзга ерда бўлмас. Яна ушбу домана Парвондин қўйироқ садбарг лола бўлур, ул ҳам бир парча ерда Фурбанд тангисининг чиқишида бўлур».

Заҳириддин Муҳаммад Бобур беҳисоб жангу жадаллардан, сарой ичидаги иғво-кудуратлардан толиққан пайтларда кўпинча табиат сайрига чиққан, бетакрор мўъжизаларга боқиб роҳатланган, юқорида кўрганимиздек, лола сайрида бўлиб, ўзи сезмаган ҳолда бизга «Бобурнома»нинг олтин саҳифаларини инъом этган. Бу саҳифалар табиат мухлисининг шунчаки оддий кузатишлари эмас, балки етук олим, юксак мушоҳадакор адибнинг ўта нозик эстетик диди, теран тафаккурининг маҳсули. Уларда ўқувчи Бобур юрагининг сасини, имкон қадар мусаффо ҳаводан нафас олиб, кўзни юмиб роҳатланиш кайфиятини кузатади.

Худди шундай ҳолатларда, шубҳа йўқки, шоир ҳаёт нашидасини суриб, ўткинчи умрни имкон қадар хуш ўтказиш лозим, деган кайфиятда ғазаллар битган. Ғазалларида у юрт олиш, шаҳзодаларни инсофга чақириш, мамлакат иқтисодини юксалтиришдек ташвишлардан узоқроқ. Бундай дамларда у на маслаҳатгўй вазир, на насихатгўй шайхулислом ва на ўзга ҳамроҳу дўстларга муҳтож. Унда

оддий инсоний кайфиятг устун. Май сархушлиги, бода кай-  
фи, ёр жамоли, мутриб чертаётган дуторнинг сеҳрли оҳанги  
қалбини мафтун этган. Гоҳ-гоҳда, аҳёнда насиб этадиган  
бундай дамларда табиат мўъжизаларидан ёш боладай қуво-  
нини бахтига муяссар бўлган нозиктаъб зот қуйидаги дил-  
бар ғазалида дил изҳорини янада равшан ошкор этган:

*Ёз бўлдию бўлди яна жаннат киби ёзи,  
Хуш ул кишиким айш ила ўтгай қишу ёзи.*

*Дутора уни айшу фароғатни берур ёд,  
Мутрибға қулоқ тутки, не дер наъмада сози.*

*Чун қиблам эрур ёр, қилай қошида сажда;  
Носих сўзин найлай, эмас сўзи намози...*

«Бобурнома»да муаллиф ўқувчига унча таниш бўлма-  
ган маълумотларни иложи борица кенгроқ ёритишга урин-  
ган. Бу, биринчидан, муаллифнинг ўзи билмаган нарсалар-  
ни синчковлик билан ўргангани аломати бўлса, иккинчи-  
дан, ўқувчини табиат мўъжизалари билан таништириш,  
уни табиатнинг ранг-баранг оламига олиб кириш иштиё-  
қидандир. Шу боис, Бобур ҳар бир воқеа ва нарсанинг  
нозик, кишини ҳайратга солувчи томонларини алоҳида  
бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилган. Хусусан, у кад-  
ҳал меваси ҳақида маълумот берар экан, дарахтнинг ба-  
ҳайбатлиги ва мевасининг бемазалигини таъкидлайди. Шу  
билан бирга, меванинг «хейли часпандадур, часпандалиги-  
дин баъзи иликни, оғизни ёглаб ер эрмишлар», деган фикр-  
ни келтириб, ўқувчи тасаввурини кенгайтиради: «Яна  
кадҳалдур. Бу ғариб бадҳайъат ва бадмаза мевадур, би-  
айниҳи қўйнинг қорнидурким, кепадек қориннинг ичи та-  
шқари бўлғай. Мазаси дил очур чучукдур, ичида фундук-  
дек-фундукдек доналари бор. Хурмоға филжумла шабо-  
ҳати бор. Мунинг доналари гирддур, узун эмастур. Бу до-  
наларнинг хурмодин юмшоқроқ гўшти бор, ани ейдурлар,

хейли часпандадур. часпандалиғидин баъзи иликни, оғизни ёғлаб ер эрмишлар. Ҳам дарахтнинг шоҳида бўладур, ҳам танасида, илдизида ҳам бўлур эмиш...».

«Бобурнома»да Ҳиндистонда муаллиф томонидан тоқзорлар барпо этилгани, қовун экиш ва етиштириш тажриба қилингани ҳақида ҳам ўқиймиз. Бобур Ҳиндистонда қовун ва узум етиштириш мумкин эмаслигига ишонмайди, уларнинг бу ўлкада йўқлигини ерли аҳолининг ҳафсаласизлигидан, деб билади. Натижада ўзи ишга киришади: «Балхий полизкорни қовун экали қўюлуб эди. Бир неча қовун сахлагон экандур, келтурди. Хейли яхшиғина қовунлар эди. Бир-икки бута тоқ «Ҳашт беҳишт» боғида экуруб эдим, анинг ҳам яхшиғина узумлари бўлуб эди. Шайх Гўран ҳам бир сабад узум йибориб эди, ёмон эмас эди. Ҳиндистонда қовун, узумнинг мунча бўлуридин филжумла хурсандлиге бўлди».

Бобурнинг тоқ эктириб қовун полизи яратиш нияти атрофидаги кишиларга ҳам аён бўлган кўринади. Ҳиндистоннинг «Ҳашт беҳишт» боғи томонига Бобурнинг келганини эшитган боббон (Шайх Гўран) ва полизчи (Балхий) унга қовун ва узум пешкаш қилгашлар. Тухфа ўз вақтида берилган ва Бобур уни қадрлаб, қониққан: («филжумла хурсандлиге бўлди»). Бироқ тажрибанинг илк натижалари — бу неъматлар, бизнингча, унча мазали бўлмаган. Чунки уларнинг таърифида Бобур услубига хос сифатловчи ибораларни кўрмаймиз. Қовунни «хейли яхшиғина», узумни «ёмон эмас эди», дегани бу неъматларнинг асл сифатига эмас, тажрибанинг натижасига берилган баҳо эди. Барибир, бу парча Бобурнинг табиат инжиқлиги устидан волиблиги, ижодкорлигининг самараси сифатида қадрли.

Ватанга бўлган муҳаббат ҳамма вақт ҳам кишида тупроқ, умуман, туғилган юрт, эл тимсолида гавдаланавермайди. Киши маънуқасини фақат жисман севиб, эслаш билан чекланмай, унинг хатти-ҳаракатлари, кийимлари, юрган

кўчаю хиёбонларини кўз олдига келтириб, шуларга-да ҳиссиётини бовлайди, эслайди. Зотан, Ҳиндистонда Бобур шунчаки умумий ҳавас боис токзорларни, полизни расм этишга киришмаган. Табиатнинг бу неъматлари шоҳ Бобурга Ватан тимсоли, рамзи бўлиб қолган. «Бобурнома»дан Андижондан келтирилган қовун, узумни кўриб Бобурнинг ҳўнграб йиғлаганини биламиз. Ватаннинг рамзлари узоқ вақт унга ором бермаган, чоғи. Охири тажриба қўллашга — Ҳинд табиатига янгилик, ўзгартирилиш киритишга жазм этган. Қуйидаги фард эса Бобурнинг бу кайфиятини янада ойдин ифодалаган:

*Қовун бирла узумнинг ҳажрида кўнглумда ҳам ҳар сў,  
Оқар сувнинг фироқидин кўзумдин ҳар дам оқар суя.*

«Бобурнома»даги яна бир тасвири кузатайлик: «Яна бир маҳвадур, гул чикон ҳам дерлар. Мунинг дарахти ҳам хейли болида бўлур. Ҳиндистон элининг иморатлари аксар маҳва йиғочидиндур. Маҳванинг гулидин арақ тортарлар ва гулини мавздек қурутиб ерлар ва арақ ҳам тортарлар. Филжумла кишмишга шабоҳати бор. Бадмазалиғи бор. Гулининг ўли ҳам ёмон эмас, еса бўлур. Бу ҳам саҳройи бўладур. Меваси бемаза бўладур. Донаси улукроқ, териси юпқа, мунинг донасининг маъзидин ёғ ҳам тортарлар». Ушбу ҳаётий тасвирининг ўзи муаллифнинг юксак бадиий санъатидан дарак беради. Бир дарахт ва унинг меваси ҳақида қанчалик кенг маълумот берилган! Бошқа нарсалар тасвирида кузатганимиз каби, бу гал ҳам Бобур маҳва дарахти меваси таърифида унинг киши учун заруратини мезон қилиб олади. Бобур фикрига асослансак, бу дарахтнинг турган-битгани фойда, чиқитга чиқадиган жойи йўқ. Чўпидан маҳаллий аҳоли иморат қуришда фойдаланади, гулидан арақ олади ёки қуритиб ейди, агар қуриштишга фурсат бўлмаса ҳўллигида ҳам еса бўлади, дейди муаллиф. Маҳванинг данаги ҳам бекорга кетмайди — ундан

ёғ олинади. Ижобий хусусиятлари қатори бу дарахтнинг камчилиги ҳам Бобур назаридан четда қолмаган. У ўз услубига содиқ қолиб, ҳар бир нарсага турли томондан ёндашиб айтади: «бадмазалиғи бор».

Жаҳон адабиётининг кўплаб машҳур адиблари асарларида ов манзаралари тасвирини ўқиганмиз. И.Тургенев, Л.Толстой, Г.Мопассан, Э.Хеменгуэй асарларидаги ов ва овчининг психологик кечинмалари тасвири фикримизга далилдир. Шарқ мумтоз адабиётида эса бу мавзу Ғарб адабиётидагидан анча илгари пайдо бўлган. Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Низомийнинг «Хамса», Навоийнинг «Хамса», Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома», Али Яздийнинг «Зафарнома», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» каби асарларида бу мавзу атрофлича ёритилган. Бу асарлар сюжети асосида яратилган миниатюра санъати намуналари ҳам фикримизни тасдиқлайди. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Заҳририддин Бобурнинг «Бобурнома»сидек ов мавзусига кенг эътибор берилган асар камдан-кам топилади. Ундаги тасвирлар жонлилиги, реал, айнан ҳаётнинг акси эканлиги билан киши диққатини тортади.

Биз Заҳририддин Бобурнинг ов ва овчиликка доир қарашларини таҳлил усулимиздан биров чекинган ҳолда, яъни кенгроқ, батафсил, аналитик таҳлил орқали ёритишни маъқул кўрдик. Бу усул, назаримизда, Бобур насри поэтикасининг айрим қирраларини батафсилроқ очиб беришдан ташқари, муаллифнинг ички олами, руҳий турғени, табиат ва инсон ўртасидаги мутаносиблик, вайри мутаносиблик, ҳайвонот, қушлар ва балиқлар хатти-ҳаракати каби ҳали биз пайқамаган, эътиборимиздан четда қолган жиҳатларга диққатимизни тортади.

«Бобурнома»даги айрим парчаларни ҳижжалаб ўрганмасак, олдимизга қўйган мақсадимиз юзага чиқмайдигандек, назаримизда. Бизнинг бундай таҳлил усулини танлаганимиз боиси шундаки, ов темурийлар хонадони учун

шунчаки кўнгилочар машғулот бўлмай, балки мардлик, шижоат, топқирлик, турли жонзотлар психикасини билиш мактаби ҳам ҳисобланган. Бобурнинг бу борадаги билим ва тажрибаси фақат адиб яшаган даврда эмас, балки бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ. Қуш, балиқ овининг муфассал баёни бу машғулот билан мутлақо шуғullanмаган кишида ҳам, «Бобурнома» мутолаасидан сўнг, жуда катта қизиқиш уйғотиши тайин. Бу — масаланинг бир томони. Қуйида келадиган парчалар мисолида Бобурнинг насрдаги маҳоратини белгилаш ниятидаги тадқиқ эса асл мақсадимизга киради. Шу боис, адиб ишлатган ҳар бир сўз, ибора, жумла, уларнинг мантиқий яхлитлиги таҳлилимиз объектига айланади. Шу тарзда Бобурнинг сўз бойлиги, санъаткорлиги унинг табиат олами ҳақидаги билими билан уйғунликда кўриб чиқилиб, муайян хулосаларга келинади.

«Бобурнома»да ов манзаралари содир бўлган ва тасвирланган воқеанинг табиийлиги, ҳаққонийлигидан ташқари, уларнинг муфассал баён этилгани билан ҳам қимматли. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, шоҳ ва адиб Бобур турли миллату элат вакиллариинг ов усуллари, ов асбоб-анжомларини шунчалик батафсил тасвирлайдики, ўқувчи мазкур ашёларни ўзи бемалол тайёрлаши ҳам мумкин. Қолаверса, ов жараёнлари тасвирида инсоннинг табиат, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси билан узвий муносабати санъаткорона кўрсатиб берилган. Инсон феъл-атворига хос ботирлик, қўрқоқлик, иккиланиш, тез хулоса чиқара олиш ёки бунинг акси, шерикларига ёрдамга келиш ёки ўз жонини асрашга уриниш, сабр-чидам билан овланадиган қуш, ҳайвонни кутиш ёки чидамсизлик қилиб овни тарк этиш ва бошқалар бунга мисолдир. Булардан ташқари, яна бир нозик жиҳат бор: ов объекти бўлган ҳайвон, қуш, балиқнинг одам онги, ҳаракати олдида ожиз қолиши, ўзини асраш хусусиятини зоҳир этиши каби ҳаракатлар ҳам Бобур томонидан диққат билан кузатилган.

Биз қуйида шу поэтик маҳорат ҳақида сўз юритамиз.

Жангу жадаллардан чарчаган Бобур дам олиш учун кўпинча ов ташкил қилган. «Бобурнома»да атайин ташкил этилган ов манзараси тасвири кам учрайди. Аксинча, муаллифнинг турли юртларни кезганда йўл-йўлакай учраган ҳайвонларни овлагани тасвирига кўпроқ дуч келамиз ва улар жонли, ҳаётий чиққан. Уларда тўсатдан рўпара келган овчи билан ҳайвон ёки парранда ҳаракатлари табиий ифодаланган. Бобур турли юрт ва элатлар, шаҳар ва тоғлар ҳақида ҳикоя қила туриб, тўсатдан тўқайзорда оёқ остидан чиқиб қолган ҳайвон, қуш, илон ва бошқа мавжудотларга тўқнаш келганини айтади ва бу манзараларни қандай кўрган бўлса шундай тасвирлайди. Бундай вазиятларда муаллиф ҳикоя қилаётган мавзуини тўхтатиб, вақтни ганимат билиб, қизиқарли ов жараёнини тасвирлаб кетади. Бу, аслида, «Бобурнома» муаллифи услубига хос. Асарда ов тасвири учунгина шундай услуб қўлланилган дейиш нотўғри, албатта. Бобур муайян воқеа баёни давомида қизиқарли, кутилмаган ҳодисани тасвирлаганки, бу «ҳикоя ичида ҳикоя» усулини вужудга келтирган.

Мана, кутилмаган бир ов тасвирига эътибор берайлик. Заҳириддин Бобур Синд дарёси ёқалаб лапкарлари билан бораётир. Табиат гузаллиги киши кўнглини мафтун этади, Бобур кайфиятида ҳам Оллоҳнинг бундай мўъжизасидан имкон қадар баҳраманд бўлиш завқи кучли: «Ўрду ёвуғида бир баланди устида ўлтуруб, гулзор тафарружи қилдук. Тарроҳлиқ қилгандек бу тепанинг олти тарафида бир дафъа сариқ ва бир дафъа арғувоний гул хат-хат мусаддас шаклда очилибтур». Тасаввур қилинг, жанг-жадаллардан чарчаган, узоқ йўл азоби тинкасини қуритган шоҳ Бобур бир лаҳза бўлса-да гулзорлар чиройидан маст, табиат оғушида ором олмоқда. Саҳарлаб «дарё ёқасидин бир шер ғирқираб чиқти...». Ана шу иборадан сўнг «Бобурнома»даги табиат манзараси ўрнини ов тафсилоти эгаллайди. Ўқувчи беҳосдан шиддатли кураш жараёнини, ўз

навбатида, кучли ҳайвоннинг жон талвасасини ҳис этади. Ҳар иккала томон ҳам волиб чиқиш учун курашади. Бунда овчиларнинг ўз жонларини аямасликлари, шерни мағлуб этишда турли усулларда олишишлари, мардлик ва жасорат ҳувайдо.

Охири йиртқич ҳайвон қанчалик кучли бўлмасин, одамзоднинг ақли, шафқатсизлиги олдида енгилади. Бу тасвир Бобурнинг поэтик маҳорати намойиши, ҳаётнинг ҳаққоний акси. Унда мумтоз насримиздаги сўз пардози, ташбиҳ, муболаға, истиора йўқ. Натуралистик тасвирнинг ўзи холос: «...отлар шер унини эшитгач, беихтиёр ҳар сарига элни олиб, титраб, жар ва чуқурга ўзини ташлади. Ёниб, яна жангалга кирди. Буюрдуқким, говмиш келтуруб, жангалга солиб, шерни чиқарвайлар. Яна ғирқираб чиқти, ҳар тарафтин ўқладилар, мен ҳам ўқладим. Холвий пиёда найза била санчарда найзанинг синонини ушата тишлади. Шер қалин ўқ еб, бутаға сиқиниб туриб эди, Бобо ясовул қилич суғуриб, яқин юриб эди, шер ҳамла қилурда, бошига чопти. Андин сўнг Али Сийстоний белига чопти, шер ўзини дарёва солди, сув ичида-ўқ ўлтурдилар».

Юқорида кўрганимиздек, Бобурнинг овларида жамиятнинг барча табақа вакиллари иштирок этадилар: оддий балиқчи, аскар, филбон, шоҳ ва унинг амирлари, шаҳзода Ҳумоюн ва бошқалар. «Бобурнома»даги ов манзаралари орасида балиқ ови тасвири алоҳида ўрин тутади. Бошқа овлардан фарқли ўлароқ, балиқ ови баёнида кенг тафсилот, балиқчига хос хусусиятларни очувчи кўпдан-кўп далиллар диққатни тортади. Бобур Ҳиндистоннинг Борон деган жойини таърифлаб, қиш фаслида ерли аҳолининг ўқор номли қушни кўп ов қилишларини ёзади ва «ушбу мавсумда Борон суйида балиғнинг гузари бўлур», дейди. Шу қисқа жумладан ҳам Бобурнинг балиқ ови ҳақида тасаввури кенглигини билиш мумкин. Чунки балиқ йилнинг муайян фасли ва муддатида дарё, оқар сувларнинг муносиб жойидагина бўлади ёки маълум жойидан ўтади.

Айнан шу муддатда ва жойда маҳаллий аҳоли «тўр биляна жах бoғлаб, қалин балиқ тутарлар». Бироқ бу—балиқ тутишнинг умумий усули. Боронликларнинг ўз балиқ овлаш усулини кўрган Бобур уни батафсил ёритади. У жойда «қулон қўйруғи» ўти бўлиб, унда эфир мойи моддаси кўп ва бу ўт маст қилувчи хусусиятта эга. Балиқчилар бу ўтни сувга ташлаб, балиқларни гаранг қилиб тутиб олишадди. Аммо бу шунчаки осон иш эмас. Сувга ташланадиган ўтнинг меъёри, ҳажми, қай пайтда, қай тарзда ташланса балиққа таъсир эгиши овда ҳал этувчи омилдир.

Бобур бу масалаларга ойдинлик киритиб, шу даражада аниқлик билан тасвирлайдики, балиқ овидан мутлақо бе-хабар киши ҳам «Бобурнома»ни ўқиб, балиқчилик сираларидан тўла хабардор бўлиши мумкин: «Яна куз маҳалларидаким, қулон қўйруғи деган ўт чиқиб камолга етиб, гул қилиб, дoнa бoғлар, бу қулон қўйруғидин ўн-ўн икки пуштвoрa, яна кўк шибоқдин йигирма-ўттуз пуштвoрa *сув бошига келтирув янчиб*, сувга солтурлар, *солгон замон-ўқ сувга кириб* маст бўлгон балиқни тута киришурлар».

Бу ерда муаллиф балиқчини аниқ дастур асосида ҳаракат қилишга ундамоқда. Имиллаш барча меҳнатни йўққа чиқариши аниқ. Қулон қўйруғи ва кўк шибоқ кўп бўлиши мумкин, аммо кам бўлмаслиги керак, шу боис унинг ҳажмини аниқ билдирадиган «пуштвoрa» сўзи ишлатилган. Бу сўз бир кишининг орқасига кўтариб келадиган юк, яъни матнда ўт ҳажмини англатади. Сувга киришни ҳам кечиктириб бўлмайди, ўт солинган заҳоти ишни бошлаш керак. Демак, вақт ўтиши билан ўтнинг балиқни маст қилувчи хусусияти йўқолади, оқар сув ўтнинг таъсир кучини сусайтиради.

«Бобурнома»даги ушбу манзарадан сўнг Борон элининг «жах бoғлаб» балиқ тутиши тасвирланган. Бунда ҳам, асосан, ов деталларига эътибор берилган. Бу усул билан Гулбаҳор, Парвон, Исталиф сувларида балиқ тутилиши айтилган, бироқ муаллиф у ҳақда юқоридагидек батафсил

тўхталмаган. Чунки мазкур усул, унинг фикрича, нисбатан кенг тарқалган.

Бобурнинг диққатини қишда Ламғонотда балиқ овлаш жараёни кўпроқ ўзига жалб этади. У балиқчи маҳоратини алоҳида таъкидлаб, унинг ақл-фаросат билан ов қилиши ва топқирлигини таърифлайди. Аслида, Бобур учун бу усул ҳам унчалик янгилик эмас, лекин овнинг қишда амалга ошиши, совуқ кезлари ҳам балиқ («ҳар қачон балиғ керак бўлса... бир замонда») олиб келиш муҳимроқ. Қуйидаги парчада асосан балиқчиларнинг сувнинг ўртасида қазилган чуқурдан биронта ҳам балиқни чиқариб юбормасликка уринишлари тасвирланган. Чунки бу усулнинг моҳияти балиқни чуқурликда тўплаш эмас, балки тўпланган балиқларни ундан чиқариб юбормасликда: «Яна қиш Ламғонотда *ғариб тавр* балиғ тутарлар. Сув тўкулур ерларда уй ўрунича ерни чуқурроқ қилиб, ўчоқ поясидек тошларни бу чуқурларда қўюб, устига тош қаларлар. Бу ерга сув қуйидин бир эшик қўярлар, тошни андоқ қаларларким, ушбу бир эшикдин ўзга ҳеч ердин балиғ кириб-чиқа олмас, бу қолғон тошнинг устидин сув оқар, моҳихона амали қилурлар. Қишлар ҳар қачон балиғ керак бўлса, бу чуқурларнинг бирини очиб, қирқ-эллик балиғни бир замонда келтурурлар. Бу тариқ очарларким... (бу ўрин қисқартириб олинди — Х.Қ.) балиғ чиқа олмас, ёнса бу кичик чигнинг ичкариги овзининг шиплари жиҳатидин ўта олмас...».

«Бобурнома»да турли хил қушларни овлаш жараёни ҳам батафсил, чиройли тасвирланган, Бобурнинг фасиҳ баёнлиги, қушчиларнинг ўзларига хос услуби, маҳорати жозибали берилган. Балиқ ови тасвирида кўрганимиздек, бу гал ҳам муаллиф асосий жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратган.

Нижровдаги қуш ови тасвирини кузатайлик. Овчининг пистирмаси кўталнинг чиқиш жойида тошдан омонат ясалган. Бундай қуш ови оддий бўлиб, кўп жойда қўлланилади.

Шунинг учун Бобур тафсилотларга берилмайди. Бироқ овнинг бу усули қанчалик оддий бўлмасин, натижаси ижобийдир («қушлар ўзи-ўқ тўрға кирар»): «Нижров таво-бииндин Пичғон эли бу кўталда қалин қуш тутарлар. Кўтал-нинг чиқишида ҳар ерда-ҳар ерда тошдин паноҳлар ясаб-турлар. Қуш тутар кишилар бу паноҳларда ўлтуруб, тўрнинг бир учини беш-олти қари йироқроқ беркитурлар, тўрнинг бир тарафини ерда тошқа бостирурлар. Яна бир тарафида тўрнинг ярмигача уч-тўрт қари йиғоч боғлар-лар. Йиғочнинг бир учи паноҳда ўлтурғон кишининг или-гидадур. Ясағон паноҳнинг тушукларидин мунтазирдур. Қушлар ёвуқ келгач-ўқ тўрни кўтарурлар. Қушлар ўзи-ўқ тўрға кирар. Бу тадбир била валаба қуш тутарлар. Андоқ муболаға қилтурларким, гоҳи андоқ қалин қуш ту-тарларким, бўғузларға фурсат бўлмас».

Тасвирининг мантикий занжири нечоғли изчил ва мус-тахкамлигига эътибор қилмайлик: «эшарлар», «ясабтур-лар», «беркитурлар», «чирмарлар», «отарлар» каби феъллар овчининг эпчил ҳаракатини билдирса, «йиқилур», «учар-лар», «паст учар», «борурлар», «келтурлар», «етарлар» каби сўзлар қушларнинг жон талвасасидаги уринишини англа-тади. Бобурнинг насрдаги поэтик маҳоратини намоён эт-ган бу тасвирлар ўқувчига муаллифнинг назмий асарлари қатори бадиий завқ беради, ҳаётийлиги ва бадиий талқини билан уни мафтун этади: *«Тутмоғининг кайфияти бу турлукдирким*, бир газ отими ичкка таноб эшарлар, бу танобнинг бир учиди газни беркитурлар, яна бир учиди шохдин билдурга ясабтурлар, бу билдургани беркитурлар, яна бир билакча ёючтур, узунтуғи бир қариш бўлғай, газ тарафидин бу танобни бу йиғочқа тугангуча чирмарлар, таноб тугангандин сўнг билдургани беркитурлар, андин сўнг билакча йиғоч таноб ичидин чиқарурлар, таноб чир-моғлиқ, ковок-ўқ турар. Билдургани иликка солиб келадурган қушнинг оли сари газни отарлар. Қушнинг қано-тиға ё бўйниға туша чирманиб, қуш йиқилур».

Бобур ишлатган «таноб», «газ», «билдурга», «билакча ёғоч» каби овчилик атамаларига эътибор берайлик. Бу воситаларсиз қуш овини ташкил этиш мумкин эмас, қолаверса, уларни ишлатиш тартиби ҳам муҳим. Қушлар пайқамаслиги учун таноб «бир газ отими инчка» бўлиши керак. Қуш ови учун «билдурга» лозим, у қушнинг қаерда ҳаракат қилгани, тўрга илингани ёки илинмаганини билдиради. Билдургани қуш пайқаб қолмаслиги учун яшириш зарур: «бу билдургани беркитурлар». Ов воситаларини ишга солиш учун яна бир ишни моҳирона бажариш талаб этилди: узун ҳам, калта ҳам бўлмаган «бир билакча йиғоч» олинади. Бобур масалани ойдинлаштириш учун ёғочнинг узунлигини аниқ айтади: «узунлиғи бир қариш бўлғай». Газ билан танобнинг мутаносиблигини таъминлаш учун уларни ёғочга «чирмаб» боғлаш ва кейингина билдургани беркитиш керак. Фақат шундан сўнггина «билакча йиғочни таноб учидин чиқарурлар». Шундай қилинганда тушган қушнинг халос бўлиши амримаҳол. Аммо яна бир нозик жиҳати ҳам борки, таноб кавак ҳолда туриши лозим, агар кавак турмаса унга келиб урилган қуш илинмай, чиқиб кетиши тайин. Бу ишлар бажарилгач, билдургани қўлга олиб, қушга қараб отиш қолади, холос.

Ов жараёнини Бобур диққат билан ҳар томонлама кузатиб, ўрганиб, кейин асарига киритган. Тасвир ов деталарига жуда бой. Бундай тасвирни яратиш учун киши овчиёзувчи ёки бу ишга ўта қизиққан бўлиши керак. Шубҳасиз, ов лаҳзаларини моҳирлик билан тасвирлаш Бобурнинг нозик услубидан далolatдир.

Қуш овининг тасвири давомида муаллиф «гамом Борон эли бу тариқ била қалин қуш тутарлар», деркан, бу иш осонгина амалга ошмаслиги, овчидан машаққат чекишни, катта маҳоратни талаб этишини алоҳида таъкидлайди. Бобур руҳшунос сифатида овчи сабр-матонатли, ов қийинчиликларига бардошли, мақсадига ишончи мустаҳкам бўлгандагина натижага эришишини уқтиради. Муаллиф

тасвирда қушларнинг ўзини асраш инстинкти — жон ваҳмида қанот қоқиши, уларга сув оқими ва ундан таралган ёруғлик ёрдам бериши, аини дамда шу ёруғлик қушларнинг домга илинишига сабаб бўлишини ҳам жуда ҳаётий лавҳаларда кўрсатиб берган.

Бобур ҳар қандай воқеани олдин ўзи текшириб, кейин баён этган. Юқоридаги жараёни ўз кўзи билан кўрган муаллиф, бу усул билан қуш овлашни синаб кўради. Унинг ҳаракати дастлаб натижасиз қолгандек кўринади, аммо эрталаб одамлар танобга илинган қушни Бобурга олиб келганларида унинг бу ишдан қаноат ҳосил қилганини биладилар. Шунинг учун қуш ови тасвирида Бобур «овлар эмишлар», «айтишларича» каби ибораларни иплатмасдан манзарани аниқ тарзда ўз номидан ҳикоя қилади: «...вале бу қуш тутмоқнинг хейли машаққати бор. Ёмғурлуқ ва қоронғу кечалари керак, бу кечаларда бу қушлар сибоб ва дарандалар жиҳатидин тонг отқунча тинмаслар ва муттасил учарлар ва паст учарлар, қоронғу кечаларда қушларнинг йўли оқар сувдур, қоронғуда оқариб кўрунур. Кўркунчдин сув юққори, сув қуйи тонг отқунча борурлар ва келурлар. Танобни бу маҳалда отарлар. Мен бир қатла кеча таноб оттим, таноб узулди, қуш ҳам топилмади. Тонгласига қушни узулган таноб била топиб келтурдилар».

Қанчалик жангу жадалларда, қонли урушларда иштирок этган бўлмасин, Бобур қалбини табиатта, мавжудотларга ғамхўрлик, инсонга хайрихоҳлик, шафқат туйғуси ҳеч қачон тарк этмади. Қуш ови баёнида ҳам у ўзининг аини эзгу туйғусига содиқ қолади, инсон табиатни асраши, инсоний фазилатларни сақлаб қолиши зарурлигини тараб иб қилади. Масалан, у Борон элининг қуш овлаш усуллари билан бирини тасвирларкан, бу усул қушларга нисбатан ваҳшийларча муносабат эканини, қушни бу тарзда овлаш инсофдан эмаслигини таъкидлайди. Бобурнинг бу даъвати бугунги кунда ҳам долзарбдир: «Борон ёқасида қишнинг охирларида ўрдак қалин келур, бисёр семиз бўлур... Бо-

рон ёқасида турнага таноб отиб, таноб била қалин тутарлар. Ўқор ва қарқара ва қўтошши ҳам таноб била қалин тутарлар, *бу нав қуш тутмоқ ҳайримукаррардур*».

Аслида овчилик ҳам бир касб. Онда-сонда ҳаваскорлик юзасидан шуғулланадиган кишиларнинг ови бароридан келавермайди. Овчи жониворларнинг яшаш тарзи, ҳавф тугилганда ўзини қандай тутишини пухта ўрганмас, ўрганганини эса амалда синаб кўрмас экан, овдан қуруқ қайтиши аниқ. «Бобурнома»да тасвирланган кўпгина ов жараёнларида асар муаллифининг ўзи қатнашган. Бобурнинг овчилик бобидаги тажрибаси кишини ҳайратда қолдирадиган даражада бой. Адибни овланаётган жонзотга хос хусусиятларгина эмас, балки унинг яшаш муҳити, жуғрофий шароити, йил фасллариининг метеорологик жиҳатлари ҳам қизиқтирган. Ана шу билим ва кўникмалар овнинг самарасини белгилаган. Энг муҳими, омадли ов овчига ҳузур бахш этган. Эҳтимол, бу жиҳат ҳам ов мантиқи ва мазмунини ифодаласа керак: «Ёзлар Кобул қушлари қалиндур. Аксар қушининг гузари Борон ёқасидур, не учунким, шарқи тоғлардур. Ғарб тарафи ҳам тоғлардур. Ушбу ернинг тўғрисидинким, Борон ёқаси бўлмай, бир улуг Ҳиндукуш кўталидур ва бас ўзга кўтал йўқтур. Бу жиҳаттин тамом қушлар мунинг била ўтарлар. Агар ел бўлса ё Ҳиндукуш кўтали устида андак булут бўлса, қушлар ўта олмас. Тамом Борон тузига тушар, бу маҳал ул Навоҳидаги эллар қалин қуш олурлар».

Бобурнинг қуш овлашга доир юқоридаги назарий қарашлари амалда унга кўп қўл келган. Бироқ унинг ҳар турли жониворларни шахсан овлагани ва бу жараёни «Бобурнома»да жонли тасвирлагани диққатга лойиқ. Қуйида келтириладиган парча асосида моҳир ёзувчи ажойиб сценарий ёзиши ёки талантли мусаввир ҳайратланарли ов жараёни манзарасини чизиши мумкин. Ўша даврдаёқ «Бобурнома» матни асосида ов манзараларини акс эттирган

миниатюрочи мусаввирларнинг диққатини ҳам айнан шу манзаралар ўзига жалб этган бўлса ажабмас.

«Бобурнома»нинг Ҳиндистон ўлкасига оид саҳифаларида каркидон тасвирига тез-тез дуч келамиз. Хуросон ва Мовароуннаҳрда бу ҳайвоннинг йўқлиги боис, муаллифнинг ўзи ҳам каркидон ҳақида кўпроқ маълумот олишга интилгани матидан сезилиб туради. Бобур ҳамроҳлари билан Бигромдан ўтиб кетаётиб, тўсатдан каркидон(карк)-нинг жангалзорга кириб кетганини кўриб қолади. Шундан сўнг ов авжига чиқиб, тасвир динамикаси бошланади. Ондагилар «жилаврез тебраб», «жангалга чарга солиб» каркидонни чакалақдан қувиб чиқарадилар. Шу тариқа жонини асрашга уринган каркидон билан унн мағлуб этишга интилган овчиларнинг ўзаро олишуви бошланади. Бобур овчиларнинг руҳий ҳолатини қизиқарли тасвирлаган. Улар биринчи марта баҳайбат, беўхшов, тумшугида битта ўткир шохи бор ҳайвон билан юзма-юз келишади. Овчилар, жумладан, Бобур ҳам бу ҳайвон филни ҳам енгади, деган гапларни эшитган. Тарихий, насрий асарларда карк ҳақида маълумотлар бор. Масалан, Ҳондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» асарида карк фил билан олишиб, филни тумшугидаги шохи билан кўтариб ўлдиргани, фил қони карк кўзига қуйилиб, уни кўр қилгани ёзилган. Овчиларда ҳадикдан кўра бу қудратли ҳайвонни маҳв этиш ҳисси зўр келганини тасвирлаган Бобур, инсоннинг қудрати ва ақл-заковати ҳар қандай кучдан устунлигини уқтирган. Шу боис, уларнинг ҳаммаси «хотирхоҳ» — интилиш ва қизиқиш билан ҳаракат қилганлар. Бу оя Бобур учун ҳам тажриба майдонига айланади, олдин синаб, кейин ишониш одатига кўра, у дарҳол овга киришади. Каркни от, фил билан юзма-юз қилади, бироқ карк уларга ҳамла қилмайди, қўрқади. Демак, карк филни енган деган гап ўз исботини топмайди. Лекин каркнинг қўрқани, эҳтимол, кўпчиликдан ҳайиқини оқибатидир.

Бобур карк овини қуйидагича тасвирлайди: «Бигромн-нинг ёвукида - ўқ озроқча жангалға карк кирди, теграси-ни олиб турубтурлар, ўшандин жилаврез тебраб етгук. Жангалға чарга солиб, тавво қилгон била карк чиқиб, туз-га қоча берди. *Хумоюн ва ул юздин келганлар ҳеч ким каркни кўрган эмас эди*, бори хотирхоҳ тафар-руж қилдилар. Бир курўҳга ёвуқ қовлаб, қалин ўқлаб йиқтилар. Бу карк ҳеч кишига ва отға яхши ҳамла қил-мади. Яна икки каркни ҳам ўлтурдилар. *Дойим хоти-рга кечар эдиким*, фил била каркни рўбарў қилса, нечук муомала қилмайлар. Бу навбат филбонлар филларни кел-турадур экандурларким, бир карк рўбарў-ўқ чиқар, фил-бонлар илгаррак юруган била карк рўбарў келмас, ўзга сари қочар».

Қуйидаги қисқа баён ҳам карк ови ҳақида. Унда таф-силотлар кам, бироқ ҳазиломуз бадеҳа бор: «Яна Ҳиндис-тонда Сару дарёсининг ёқасида қалин бўлур (яъни карк кўп — *Ҳ.Қ.*)... Бир овда Мақсуд отлиқ чухранинг оти-ни шохи била бир найза бўйи ташлади. Бу жиҳаттин Мақ-суд каркка мулаққаб бўлди».

Бобурнинг ов мавзуидаги маълумотларида умумлашма характердаги хулосалар ҳам мавжуд. Бироқ улар қанча-лик қисқа, умумий бўлмасин, ўша жойнинг ҳайвонот ва набототи, уларнинг миқдори, ов учун қулай ёки ярамасли-ги ҳақида бой маълумот берилган. Маълумотлар мазкур давлатнинг тарихини билиш, бутунги мавқеи билан қиёс-лашда ҳам фойдали: «Иламиш дарёсининг яқинидаги қалин чангалларда бўғу, марал ва тўнғуз кўп бўлур. Упоқ-упоқ чангалларида қирғовул ва товушқон қалин бўлур. Пунта-сида тулкуси бисёр бўлур ва рангин бўлур, тулкуси ўзга ернинг тулкусига боқа *югурук бўлур*... Қирғовуллари беҳад семиз бўлур. То ул қишлоқта эдук, қирғовул эти фаровон эди».

«Бобурнома»дан табиат манзаралари тасвири орқали жонли ва жонсиз мавжудот ҳақида бой маълумот оламиз,

табиат, жамият ва борлиқни инъикос этишда Бобурнинг юксак поэтик маҳоратига гувоҳ бўламиз. Инсон, табиат ва ҳайвонот оламидаги ҳодисаларни ўзаро алоқада ва уйғунликда ифодалаш Бобур тасвирларининг жонли ва қизиқарли чиқишини таъминлаган. Бу ҳол, айниқса, ов манзараларида ёрқин ифодасини топган. Айни тасвирлар инсон қудрати, ақл-заковати, янаш учун курашининг аниқ шарҳи сифатида ҳам қимматли. Умуман олганда, воқеий-илмий саргузашт асар бўлган «Бобурнома»да ҳозирги замон бадиий асарларига хос жиҳатларнинг учраши ўрта асрлар ўзбек мумтоз насрининг хусусиятларини кўрсатади. Бобурга хос қисқа баён, ҳодиса-воқеаларни реал, натуралистик тасвирлаш ўша давр насрий асарларида учрамайди. Бу муаллифнинг ўзига хос, бетакрор услубини белгилайди.

#### **4. «Бобурнома»да суғориш мавзуи**

«Бобурнома»да зикр этилган кўп фан соҳаларига доир тафсилотлар орасида суғориш мавзуи алоҳида эътиборга молик. Ушбу мавзудаги саҳифалар Бобурнинг яратувчанлик фаолиятини — иморат қуриш, боғ яратиш, умуман ҳаётда умид ва ишонч билан яшашдек руҳий хусусиятини очишга ҳам кўмак беради. Темурийлар даври тар-аққиётини, улкан шаҳарларни безаган боғ-роғлар, сайлгоҳ ва чаманзорларни сув иншоотлари қурилиши ва улардан фойдаланиш санъатисиз тасаввур этиш амримаҳол. Айниқса, Заҳириддин Бобурдек табиатда шаҳарсозликка, меъморликка, боғу чаманзорлар яратишга раъбати чексиз шахснинг «Бобурнома»да сув, ер, суғориш, дарё ва кўлларга қизиқишини таҳлил этмасдан бу улкан ижодкор дунёқарабини тўлалигича тасаввур қилиш мумкин эмас.

Дастлаб «Бобурнома»даги бу мавзуга олимлардан Ҳ.Ёқубов, С.Азизжонов, Б.Валихўжаев, А.Қаюмов ва бошқалар эътибор қаратганлар. Биз қуйида мазкур асардаги суғориш мавзусига доир тасвирлар таҳлили асосида Бобур-

нинг насрдаги поэтик маҳоратини кўрсатишга, унинг бу соҳа билимдони эканлигини батафсил очиб беришга ҳаракат қиламиз.

Амир Темурнинг бепоён салтанати ҳудудида темурий-зодалар томонидан кўплаб боғ-роғлар, сайлгоҳ ва кошоналар барпо этилган. Заҳириддин Бобур бу анъананинг давомчиси сифатида энг кўп иморат қурган, боғ яратган шахзода сифатида ҳам тарихда қолди. Бугунги Кобул шаҳри атрофида Гулкина отлиқ хушманзара мавзе бор. «Бобурнома» муаллифи бу масканнинг гўзаллиги ҳақида тўлибтошиб ёзади, ўзининг энг сармаст, беғам дамлари шу ерда ўтганини таъкидлайди («валаба лавандлиқлар анда қилиб эди»). Қалъалари тоғ этакларига туташган бу жойда Бобурнинг Вайс исмли амакиси ариқ қаздирган. Қазилган ариқ бир тўда зодагонларга эмас, бутун элга хизмат қилган, шу ернинг обод, фаровон, маъмур бўлишини таъминлаган («Доманадаги богот тамом бу ариқ била маъмурдир»).

Бобур бу жойдаги сув ва суғорил масалаларига, ариқ, чашмалар орқали боғ-роғли иқлим яратилганига эътибор беради. Чашмалар атрофида мазорот, ҳатто Хўжаи Хизрнинг қадамжоси ҳам борки, бу Кобул аҳлининг дам оладиган сайлгоҳи бўлган.

Камина XX-асрнинг 70-йилларида Кобулдаги гўзал маскан — Гулкинада бўлганимда айнан «Бобурнома»да тасвирланган манзара, тиниқ сувли чашмалар ва зиёратгоҳларнинг яхши сақлангани, маҳаллий аҳоли шу жойдан узоқ бўлмаган Бобур мақбарасини авайлаб асраётгани, ундан миннатдор эканликларини билдирганларига гувоҳ бўлгандим. «Қалъанинг жанубида, Шоҳи Кобулнинг шарқида бир улуг кўл тушубтур, — деб ёзади Бобур. Гирдо-гирди бир шаръий ёвушур. Шоҳи Кобул тоғидин Кобул сари боқа уч кичикрак чашма чиқар, иккиси Гулкина навоҳисидадур. Бир чашма бошида Хожа Шаму отлиқ мазордур; яна бирида Хожа Хизрнинг қадамгоҳидур. Бу икки ер Кобул

элининг гаштгоҳидур. Яна бир чашма Хожа Абдусамад тўғрисидадур, Хожа Рўшноийи дерлар».

Таъкидлаганимиздек, Шоҳи Кобул мавзеида маҳаллий аҳолининг сайлгоҳи, кўнгилочар макони бўлган. Бу жойдаги бир неча катта булоқ сувларидап ободончилик юзага келганини кўрсатган «Бобурнома» муаллифи, асарнинг кўп жойида ободонлик, эл ризқ-рўзи, боғ-роғларининг таърифини, албатта, сув билан боғлиқ ҳолда тасвирлайди. Бобурнинг барча ўлчовлари, боғлар сатҳи, аҳоли пуфуси, жойнинг орасталиги, аввало, сув миқдори, албатта, ернинг меиоратив ҳолати асосида баён этилади. Иккиланмай айтиш мумкинки, мумтоз адабиётимизнинг бирон-бир насрий, бадий ёки тарихий намунасида бунчалик сувга аниқ ва илмий теран ёндашилганини учратмаймиз.

Бобур Самарқанд атрофидаги ҳисобсиз боғлар, айниқса, аҳолининг дам олиш жойлари — ўланглар ҳақида сўзларкан, бу жойларнинг сайлгоҳга айлангани сабабини сув ҳажми, унинг бошланиши ва сарфи, фойдали коэффициенти орқали тушунтиради. Ўқувчи бу далилларга дарров ишонади, чунки улар шубҳа ва баҳсга ўрин қолдирмайди — «Сув бор жойда ҳаёт бор» деган мақол ўз исботини топади: «Бир малҳум ўланг Кониғил ўлангидур. Самарқанд шаҳридин шарқ тарафидадур, бир нима шимолға мойил... қора сувким, Оби Раҳмат ҳам дерлар, Кониғилнинг ўрта-сидин оқар, етти-секкиз тегирмон суйи бўлғой. Бу сувнинг атрофи тамом обгирдур. Батъи дерларким, бу ўлангнинг асли оти Конобгир экандур, вале тарихларда тамом Кониғил битирлар. хейли яхши ўлангдур. Самарқанд салотини ҳамини бу ўлангни кўруқ қилурлар».

Бобур тасвирлаган Оби Истода кўлининг ҳаётий тасвири ҳақида юқорида фикр билдирдик. Шу сув манбаининг суғоришга доир жиҳатини таърифларкан, муаллиф табиий сув омборининг вужудга келиши, унинг иқтисодий томони, сувнинг қанча ерни суғоришга етишини баён этади: «Бир икки-уч кўчдин сўнг Оби Истодаға етдүк. Ғариб улуг сув

назарға келди. Ул юздаги даштлар худ асло кўрунмайдур. Сув осмон била пайваст кўрунадур... Мунда йиғилур сувлар Каттавоз водийсининг ва Зурмат жулгасининг ва Ғазни рудининг, баҳор ёмғурларининг селлари ва ёзлар сув улғайганда зироатдин ортқон сувлари эмиш».

Бу шунчаки тасвир эмас, балки давр шоҳининг сувга стратегик хазина сифатида қарашидир. Сув қаерда тўпла-на бошлаб, қаерга қуйилиши, унинг ҳудуди аниқ таъриф-ланган. Юқорида ёмғир, сел сувлари, уларнинг сарфи, ор-тиши ва камайиши, қайси ерларни суғоришию партав сув-нинг қаерда тўпланиши ҳақида маълумот берилмоқда.

Шўролар даврида Ўзбекистон Афғонистондаги иррига-ция қурилишлари бўйича бош пудратчи эди. Камина шу соҳада хизматда бўлганимда Сарде сув омбори, Ғазни, Қора-боғ, Зурмат каби жойларнинг ирригацияси ва суғорилишида Бобур қолдирган маълумотлардан лойиҳалаштирувчи муҳандислар қандай фойдаланганларига гувоҳ бўлганман.

«Бобурнома»да Ҳиндистонда дарёлардан ташқари бо-шқа оқар сувлар йўқлиги кўп айтилади. Мақсадга кўчиш-дан олдин мана бу парчага эътибор қилайлик: «Ора кўнуб, Банўр ва Санўр руди ёқасига туштук. Ҳиндистонда дарё-лардин бошқа бир оқар сувким бор — будур, муни Гагар суви дерлар, Читр ҳам бу сув ёқасидадур. Бу сув юққори сайр қила отландук. Читрдин уч-тўрт курўх юққорроқ бу сув руднинг зиҳидин чиқиб келадур, руд юққориким, сайрға борилди, бир кенг дарадин тўрт-беш тегирмон сув чиқиб келадур. Юққорроқ хейли латиф ва хушҳаво му-носиб ерлардур. Ушбу сувнинг кенг дарадин чиқишида бир чаҳорбоғ буюрдум. Бу сув тузга тушуб, бир-икки курўх йўл бориб, рудға сингадур. Гагар суви зиҳобдин чиқар, бу сув сингар ердин уч-тўрт курўх қуйироқ бўлғай. Паша-каалда бу руд суви қалин келиб, Гагар сувига қотилиб, Самана ва Сунамға борурлар».

Бу ўринда матндаги бир жиҳатга эътиборни қаратмоқ-чимиз. Дастлаб Ҳиндистонда оқар сувлар йўқлигини айт-

ган Бобур, бу юртни кезиб Банўр ва Санўр рудига етар экан, дарёлардан бошқа оқар сувлар ҳам борлигини кўриб хурсанд бўлади. Шубҳасиз, уни минтақанинг шароити, гидрогеологик ҳолати жуда қизиқтирган. Айниқса, бу сувнинг сарчашмаси ва қуйилиш жойини аниқлаш унга жуда муҳим кўринган. У сув ёқалаб бориб, унинг манбаи ва ҳажмини («тўрт-беш тегирмон») аниқлаган. Ҳиндистон иқлимининг намлиги, ҳавосининг диққинафаслиги Бобурни жуда қийнаган. Бу жой эса унга, аввало, оқар суви борлиги, қолаверса, «хейли латиф ва хушҳаво муносиб ерлар» бўлгани боис эътиборини тортган. Аниқрови, бу мавзе унга қай бир хусусияти биландир ўз Ватанини эслатган. Шу туфайли, Бобур бу жойда боғ яратишни буюрар экан, боғнинг ўрнини «сувнинг кенг дарадин чиқишида» белгилайдики, бу бежиз эмас. Ҳозирги замон курортология фани ҳам дам олиш масканларини айнан тоғ дараларининг чиқишида, шамол, оқар сув ва мўътадил микроиқлим мавжуд жойда қуришни тавсия этади.

Бобур мавзени ўрганаркан, сув ёқалаб бориб сувнинг бошқа рўд — катта ариққа қўшилишини ёзади. Бироқ Гагар суви «зиҳобдин чиқар», дея таъкидлайди. Зиҳоб (захоб) суви одатда шўр, суғоришга яроқсиз ҳисобланади. Шунинг учун муаллиф унинг қуйилиш жойини, дарёчасини алоҳида-алоҳида кўрсатган. Илмий тил билан айтганда, Бобур юқоридаги парчада гидрологик тадқиқот сирасидаги фаразларини баён этган: сувнинг ҳосил бўлиш манбаи, ҳажми, ҳавзаси, ер реліефи, суғориш майдони, сув таркиби, сув ҳавзасида қурилиш олиб бориш имкони, истиқбол ва боғ яратишга мослиги ҳақида фикр билдирган.

Албатта, Мовароуннаҳр ва Хуросонда яшаб, тўрт фасл оқар сув ва ҳисобсиз дарёларни кўрган Бобурдек одам учун Ҳиндистоннинг биқик, қарийб оқар сувсиз табиий шароити руҳий азобларга сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам у: «доим хотирға етар эдиким, Ҳиндистоннинг бир улут айби будурким, оқар суви йўқтур», деган. Бу юртнинг қаери-

га бормасин, «ҳар ерда ўлтурушлуқ» ер бўлса «чархлар ясаб, оқар сувлар қилиб, тарҳлиқ ва сиёқ ерлар» яратиб фикри уни тарк этмаган. Бобур қаерда бов яратмасин, иморатлар қурмасин, «тарҳ» ва «сиёқ»ли бўлишини алоҳида таъкидлайди. У бовнинг тўрт томонли, тўғри чизиқли, хуллас, ҳар жиҳатдан гўзал чиқишини биринчи шарт даражасига кўтарган. Шундай бовни у Оғранинг Жуун суви ёқасида қуришни ихтиёр этади. Бироқ бу жойнинг ҳаддан ташқари ташландиқлигини кўргач, «чорбоб ҳаёли хотирдин чиқди», дейди. Ўша давр шароити сабабиданми, бов яратиш учун бошқа мавзе топилмагани учунми, барибир, бовни шу жойда барпо этиш зарурати туғилади.

Бобур кейинги тасвирда сувдан оқилона фойдаланиш, суғориш ва ичимлик сувни покиза сақлаш, исрофгарчиликка йўл қўймай, тежаб сарфлаш, муҳими, «макруҳлиғи ва нохушлиғидин» киши табиасти тортмайдиган сувни тозалаш йўлини топганини баён қилади. Бунинг учун бир неча ҳавзалар қуриб, сувни тиндириб, тозалайди. Қуйидаги сатрлар Бобурнинг ижодкорлиги ва яратувчилигига ёрқин далилдир: «...неча кундин сўнг зарур бўлуб, бу ерга ўқ илик қўюлди. Ул улуг чоҳким, ҳаммом суви андиндур, бунёд бўлди. Яна бу парча ерким, анбилий дарахтлари ва мусамман ҳавз андадур, булардин сўнг улуг ҳавз ва саҳне бўлди. Андин сўнг тош иморат олидағи ҳавз ва толор бўлди. Андин сўнг «Хилватхона» бовчаси ва уйлари бўлди. Андин сўнг ҳаммом бўлди».

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаётнинг мазмунини, фаровон ва гўзаллигини, аввало, сув, айниқса, оқар сув билан боғлайди. «Бобурнома»да муаллиф хоҳ Андижон, хоҳ Самарқанду Кобул, хоҳ Ҳиндистон ҳақида сўз юритмасин, бу жойнинг келажаги, ободонлиги мезонини сувда кўради. Таҳлилга ўтишдан аввал фикримизни асардан олинган бир неча парча орқали далиллашни лозим кўрдик:

«Чағонсарой суйи шарқ-шимолӣ тарафидин Кофирис-тоннинг ичи била келиб, бу вилоятнинг ораси била ўтуб, Кома бўлукида Борон суйига қўшулуб, шарққа боқа оқар»;

«Фаразким, мунча йўлким бордилар, сув бир қоида била отнинг қорнида эди. Туз ер учун юлибо суйи чуқур эмас-тур. Каттавоз даштнинг Оби Истодаға келур рудининг ёқасига келиб туштук. Бу руд қуруқ рудтур, мунда ҳаргиз сув оқмас, неча навбатким, мундин ўтубтурбиз, ҳаргиз бу рудда оқар сув кўрулмабтур. Бу навбат ёз ёғинлари жиҳатидин бу рудқа андоқ сув келибтурким, асло гузар тополмадик».

Мисоллардан Бобурнинг асл мақсади сув, сувориш ва у билан борлиқ масалалар ҳақида сўз юритиш эмаслиги аён кўринади. Биринчи мисолдан ойдинлашадики, Қунар ва Нургир туманларининг мавқеини аниқлаш мақсадида Бобур дарё, сув мавзуга мурожаат қилган («Нургил бу сувнинг ғарб тарафидур, Қунар шарқ тарафи»)(шу жумладан сўнг Мир Саййид Али Ҳамадонийнинг Нургилга қилган сафари ва бошқа мавзулар ҳақида сўз юритиладики, бу фикрлар сув мавзуга дахлдор эмас).

Иккинчи мисолда эса, ўзига хос ҳолат ифодаланган. Лашқари билан юрт кезган Бобур ҳамisha турли тасодифларга дуч келган. Бу мисол ҳар қандай вазиятга доимо тайёр туриш, қалтис ҳолатдан эсон-омон чиқиб кетишни ўйлаш, табиат инжиқликларидан оқилона фойдаланишга ундайди. Бобур бу руддан неча марта ўтган, аммо унда сув кўрмаган. Бироқ бу сафар бевақт ёққан «ёз ёғинлари жиҳатидин» катта сел келиб, ҳатто отларнинг ўтишига ҳам халал берган. Бунда синчковлик, маҳаллий пароятни аъло даражада билишдек жиҳатларни кузатамиз.

Бобур Ҳиндистонда ерни сувориш ва уни маҳаллий ўғит билан озиқлантириш ҳамма жойда ҳам йўлга қўйилмаганидан афсусланади. Бироқ бу камчиликни ислоҳ қилишга уринади. Муаллиф бу жараёни шу қадар аниқлик билан батафсил ёритганки, унинг маслаҳатларига амал қилган кишининг қўлидан бу иш келиши табиий. Бобур фикрича, бу иш «маппаққатликдур», аммо «мурдорлиғи ҳам бор». Одамларни меҳнатга чорлаш, эринмаслик, яратувчанлик

руҳида тарбиялаш Бобур дунёқараши ва умр мазмуни-нинг мавзини ташкил этади: «Яна Огра ва Чандвар ва Байана ва бу навоҳида далв (резина пақир — **Ҳ.Қ.**) била сув берурлар. Бу машаққатлиқтур ва мурдорлиғи ҳам бор. Чоҳ ёқасида айри йиғочни беркитиб, айрининг орасида қалтак тартиб қилибтурлар. Узун арғамчиға улуғ далвни боғлаб, бу қалтак устиға солибтурлар. Арғамчининг бир учини ўйға боғлабтурлар. Бир киши ўйни ҳайдамоқ керак, бир киши далв сувин тўкмак керак. Ҳар қатла ўй тортиб, далвни чиқориб, ёнар маҳалда ул арғамчи ўйнинг йўлиғаким, ўй сийдук ва тезағи била мулаввасдур, тегиб, яна чоҳқа тушар. Баъзи зироатларға сув эҳтиёж бўлса, кўза била эр ва хотун сув ташиб сујорадурлар».

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ирригация ва ер-нинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга доир қарашлари унинг бадий маҳоратини ўрганишда ҳам қўл келади. Кўпинча бу мавзу меъморлик борасидаги адиб фикрлари билан уйғунлашиб кетган...

Бобур даврида ҳовузлар фақат сув захирасини сақлаш вазифасини бажармасдан, боғ, шаҳар ва табиатнинг аж-ралмас бўлаги сифатида гўзал манзарага уйғунлик бағиш-лаган ҳамда аҳолини ичимлик сув билан таъминловчи ин-шоот ҳам ҳисобланган. Шу боис, «Бобурнома»да ҳовузлар-нинг мавқеи, чуқурлиғи, сув қайси томонидан қуйилиб, қайси томонидан чиқиши, атрофидаги дарахтлар, супалар, қўрғон ва бошқа бинолар билан уйғунлашгани, мармар тошлар-нинг тарапланган ёки тарапланмагани, уларнинг ранги, сув захираси, таркиби, сифати ва бошқа хоссалари ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Мана бу парчага эътибор қара-тайлик: «Якпора тошда буюрулғон кайладор ҳавзнинг юзини бир мартаба тамом кўтармайдурлар эди, буюрулди-ким, сангтарошлар кўпрак келиб, бир мартаба, ҳавзнинг тубини дуруст олсунларким, сув қўюб, атрофини тарозу қилса бўлғай. Кеч намози дигар ҳавзнинг бир мартаба юзини тамом олдилар. Буюрдимким, сув тўлдурдилар.

Атрофини сув била тарозу қилиб, ҳамвор қилмоққа машғул бўдилар. Бу навбат яна бир обхона буюрдимким, ерини якпора тошдин тарош қилгайлар, ичидаги кичик ҳавзани ҳам якпора тошдан қозғойлар».

Бобурнинг бу далилларига эътибор билан назар солайлик. У ҳовуз қазувчилар ишидан тамом норози. Бунда адибнинг муҳандислик қобилияти яққол намоён бўлмоқда. Усталар ҳовузнинг ост саҳнини текисламасдан устки, ҳошия қисмига яхлит мрамртошларни терганлар. Бобур кўплаб сангтарошларни ишга солиб, ҳовуз саҳнини обдон текислатади, кейин сув ёрдамида тарози(шайтон) орқали ҳовуз ҳамворлигини синовдан ўтказди. Фақат шундан кейингина кўнгли тўлади, сув ҳамворлиги, ҳовуз сатҳининг мақсадга мувофиқлигига ишонч ҳосил қилади. Яна кичик ҳовуз, обхонадаги ювинадиган жойни йирик мрамртошдан қуришни буюради ва бу иш ҳам бажарилади. Айни мисол яна бир карра Бобурнинг бинокорлик, суғориш илмидан хабардорлигини, ҳар бир иморатни алоҳида эътибор бериб қурдирганини кўрсатади.

Қуйидаги мисол эса ўзгача характерга эга. Унда сувнинг захираси, сув таъсирида вужудга келган ҳолатлар («сув тушар ердин қуйроқ улуғ кўл бўлубтур») кўрсатилган. Шулар қатори, бу кўл қанчалик катта бўлмасин, унинг захираси «алдамчи»лиги («вале бу сув доимий эмас эмиш») ҳам уқдирилган. Бу шох Бобур диққатини йўл-йўлакай ўзига тортган шунчаки ҳолатлар эмас, балки стратегик масала. Чунки Бобур қўшини мабодо шу йўлдан қайтишига тўғри келса, сувнинг бор-йўқлигига ишонч ҳосил қилиш лозим. Шу боисдан ҳам, муаллиф бу мавсумий оқар сув эканлигига диққатни тортган: «Бир арғамчи баланд қиёдин бир тегирмон суйи шорилдоб тунадур. Бу сув тушар ердин қуйроқ *улуғ кўл* бўлубтур... Бу сувнинг ёқаларида якпора парча-парча тошлар тушубтур, *ўлтур-ғудек, вале бу сув доимий эмас эмиш*». Мазкур матндан Бобур характеридаги сув билан боғлиқ бир назокат-

ни ҳам кузатдик. Муаллиф матнининг давомида: «сувнинг бидоятигача сайр қилиб» келганини ёзади. Юқорида зикр этганимиздек, Бобур Ҳиндистоннинг қаерида оқар сув кўрса, чанқоқ кишидек унга талпинган. Ушбу шаршаранинг йил бўйи оқиб туришини умид қилган Бобур эринмай унинг бошланиш жойигача борган. Буни ўзи «сайр» деб атаган эса-да, аслида, сув захирасини аниқлаш, ундан оқилтона фойдаланиш, одатига кўра, унинг атрофида оромгоҳ, ҳовуз, боғлар яратини иштиёқида уни назардан ўтказган бўлиши мумкин.

Бобур бирор жойни тасвирлаганда ҳамиша сув таъминотига алоҳида эътибор берган. Афғонистоннинг Нингнаҳор вилояти — субтропик ўлка. Унинг атрофини Кўҳи Сафид (ҳозир афғонлар бу тоғни пушту тилидаги номи Спингар — «Оқ олтин» номи билан атайдилар. — **Ҳ.Қ.**) ўраган. Бобур шу тоғларнинг сув манбаи, ёғини, ҳавосини *жуда қисқа ва аниқ* ифодалаган. Унинг синчковлиги шу даражадаки, «Ҳар қачон Кобулда қор ёрса, бу тоғнинг қулласига қор тушар. Ламғон эли Кобулда қор ёқғонини мундин билурлар» (Кобул ва Нингнаҳор ораси 140 — 150 км. — **Ҳ.Қ.**), дейди. Мана ўша матн: «Кўҳи Сафид Нингнаҳорнинг жанубида воқитъ бўлубтур, Бангаш била Нингнаҳорға восита ушбу тоғдур. Отлиққа йўл йўқтур. Тўққуз руд ушбу тоғдин чиқар, бу тоғдин қор ҳаргиз ўксумас. Бу жиҳаттин волибо Кўҳи Сафид дерлар. Қуйи жулғада ҳаргиз қор тушмас. Фосила тушчилик йўлдур. Бу тоғ домана-сида яхши ҳаволиқ ерлар бор. Сувлари совуқ, яхга анда ҳеч эҳтиёж бўлмас».

«Бобурнома»ни синчиклаб мутолаа қилар эканмиз, бой мумтоз адабиётимиз тарихида ўтган буюклар қаторидан ўрин олиш, улардай шухратга эришини осон эмаслигига қайта-қайта иқдор бўламиз. Бобур асарда Афғонистон ҳудудидаги Хожа Сеёрон чашмаси ҳақида маълумот беради. Ушбу маълумотномада тарих, биология, гидрология,

тилшунослик (этимология), жуғрофия, этнография (элшунос-лик), геология ва бошқа фанларга оид далилларга, рақамларга дуч келамиз.

Диққатни тортувчи жиҳати шундаки, турли фан маълумотлари ягона мантиққа изчил бўйсундирилган, асосий мавзу — сув, бу ўринда Хожа Сеёрон чашмаси тарихи, жуғрофий ўрни, суғориш имконияти Бобурнинг боғ яратиш иштиёқи ҳамда санъати билан ҳамоҳанг ифодаланган: «Бу кентлардин қуйироқ даштдин бир курўҳ-бир ярим курўҳ юққори боқа доманада тоғнинг тубида чашма воқий бўлубтур. Хожа Сеёрон дерлар. Бу чашмада ва бу чашманинг атрофида уч навъ дарахтлардур. Чашманинг ўртасида қалин чинор дарахтларидур, латиф сояси бордур. Чашманинг икки тарафида тоғ тубидаги пушталарда қалин балут дарахтидур. Ушбу икки парча балутистондин ўзга Кобулнинг ғарбий тоғида балут дарахти асло бўлмас. Чашманинг олидаким, дашт тарафи бўлғай, қалин арғувонзор воқий бўлубтур. Бу вилоятга ушбу арғувонзордин ўзга арғувонзор асло йўқтур. Дерларким, бу уч жинс дарахт уч азизнинг кароматидур. Сеёронга ваҳҳи тасмия муни дерлар. Бу чашманинг атрофини мен сангкорлик қилдурдум... мунча ер маълум эмаским, оламда бўлғай».

Заҳириддин Мухаммад Бобур учун юрт олиш, қўшин тортиш, шеър ёзиш, «Бобурнома»дек жаҳоншумул асарни яратиш қанчалик умр мазмуни бўлса, ариқ қазилш, сув чиқариш, боғ яратиш, сув тўғонлари қуриш, боғ сув иншоотларини таъмирлаш ҳам шу қадар умрининг маъно-мазмунига айланган эди десак, муболага бўлмайди. Фикримизни «Бобурнома»да келтирилган талай далиллар исботлайди. Султон Маҳмуд Ғазнавий (X—XI асрлар) даврида қўпгина сув тўғонлари, иншоотлари қурилган. Жумладан, Ғазни шаҳрида ўша пайтда яшаган Абу Райҳон Беруний таклифи, Султон Маҳмуд амри билан коризлар (ер ости ариқларини юзага чиқариб суғориш усули)дан фойдаланилган. Ҳозир ҳам Афғонистоннинг бу вилоятида кориз усули би-

лан сувориш келг йўлга қўйилган. Ўша даврда қурилган сув тўғони (банд) Алоуддин Жаҳонсўз Ғўрий томонидан бузиб ташланган. Оқибатда катта-катта ер майдонлари суворилмай қолиб кетган. Бобурнинг ёзишича, у тўғонни қайта таъмирлашга амр берган. Биз 1978—1979 йиллари Ғазни шаҳрида бўлганимизда, бу сув тўғони ҳали ишлаб турар, халқ уни «Банди Султон» деб атарди. Маҳаллий аҳоли тўғоннинг Бобур томонидан таъмирланганлигини мамнуният билан эслашига гувоҳ бўлганмиз: *«Султон (Маҳмуд) замонидан уч-тўрт банд бор экандур... Алоуддин Жаҳонсўз Ғўрий бу вилоятқа мусаллит бўлгонда бу бандни бузубтур ва султоннинг авлодининг бисёр мақобирини куйдурубтур. Ғазни шаҳрини бузубтур ва куйдурубтур, элни талабтур, ўлтурубтур, қатл ва бузуқлукдин дақиқае номаръи қўймабтур. (Бирон дақиқа ҳам қатл этиш, бузуқлик билан шуғулланишдан қўл узмабди). Андин бери бу банд бузугдур. Ҳиндустонни фатҳ қилгон йил бу бандни ясамоқ учун Хожа Калондин ярмоқ йиборилди. Тенгри иноятидин умид борким, бу банд ободон бўлвай»*.

Мазкур матннинг яна бир жиҳатига эътибор берайлик. Бобур Ғазни шаҳрини харобага айлантириб, аҳолисини қатли ом қилган Алоуддин Жаҳонсўз Ғўрийга баҳо бераркан, унинг барча ғайриинсоний ҳаракатлари орасида энг ёмони Банди Султонни бузгани эканини алоҳида таъкидлаётир. Алоуддиндан фарқли ўлароқ, Бобур бунёдкор, борган юртини обод этиш учун жон куйдирадиган шоҳ бўлганини мисолдан ҳам кўриниб турибди. Яна бир нозик жиҳати шундаки, Бобур Афғонистонда яшаб, унинг ҳудудидаги Ғазни шаҳри сув тўғонини таъмирлагани йўқ, балки Ҳиндистондан туриб бунга амр бермоқда. Яъни ўз салтанати тасарруфига кирган ерларнинг барчасини, ўзи қаерда бўлмасин, обод этишга интилмоқда.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур қурган иморат, иншоот, боғ-роғларнинг ҳисоби йўқ. Уларнинг муайян қисми «Бобурнома»дан маълум. Бу ўринда биз асардан олинган қуй-

идаги парча билан чегараланиб, фикримизни умумий тарзда хулосаламоқчимиз. «Бу чашманинг атрофини мен сангкорлиқ қилдурдум. Чашмани гач ва соружа била даҳи дардах қилдурдум. Бу чашманинг чор ҳади сиёқлиқ, гўниялиқ тахти бўлди, тамом арғувонзорға мулприф, арғувон гули очилган маҳалда мунча ер маълум эмаским, оламда бўлмай. Сарик арғувони ҳам бисёр бўлур. Сарик арғувон била қизил арғувон доманада дарҳам очилур. Бу чашманинг ғарби-жанубий тарафида бир дарадин ҳамиша ярим тегирмон суйи жорийдур. Бу сувни мен ариқ қаздуруб, дашти Сеёроннинг ғарби-жануб тарафидаги пуштанинг устига келтуртгум. Пуштанинг устида улуг гирд суфа солдурдум. Суфанинг гирдида тамом тол дарахтлари экилди. Хейли яхши манзиле бўлди. Бу суфадин юққорроқ пуштанинг ёнида узум боғи солдурдум. Бу ариқнинг таърихи «жўйи хуш» топилди», — дейди Бобур.

Шундай қилиб, «Бобурнома»даги борлиқ, табиат, ҳаёт тасвирида қаламга олинган сув ва сугориш мавзуи асардаги бошқа барча мавзулар билан чамбарчас боғлиқ тарзда ифодаланган. Бу тасвирлар ҳаётийлиги, турмушнинг ўзидан олингани, муаллифнинг кенг дунёқараши, қомусий билими билан уйғунлашиб кўзгудагидек тиниқ акс этиб турибди.

## 5. Бобур — бунёдкор шоҳ

XV аср охири — XVI аср бошида Мовароуннаҳр ва Хуросонда теурийлар салтанатини жаҳонга кўз-кўз қиладиган меъморий обидалар бунёд этилди. Шубҳасиз, бу бунёдкорлик ўша даврда меъморлик муҳандислигини, унга қизиқишни жуда юксакликка кўтарган эди. Мана шу ижтимоий-маданий уйғонишнинг тарихий, бадиий адабиётга бевосита таъсири кучли бўлган. Хусусан, насрий асарларда қурилган, қурилиши лозим бўлган бинолар кенг тасвирланган. Бу маълумотлар манба сифатида фақат меъмор-

лик тарихигагина алоқадор бўлмасдан, балки ҳар бир адибнинг мазкур соҳага қандай ёндашганини кўрсатиши билан ҳам муҳимдир. Масалан, Бобур ўз асарларида бинолар, ўзи яратган боғлар ҳақида ҳикоя қиларкан, мавзуга ўша даврнинг ҳокими — шоҳ нуқтаи назари билан ёндашади. Уни кўпроқ тикланажак иморатнинг баланд-пастлиги, жойлашган мавзеи, иморат қайси материалдан қурилгани, атрофидаги боғларнинг тарҳи, ҳатто дарахтлар, гул кўчатлари билан мувофиқ келиш-келмаслиги қизиқтирган. Хуллас, Бобур масалага юртбоши назари билан қараган ва шундай тасвирлаган.

Алишер Навоийни эса, кўпинча қурилган бинонинг асл вазифаси қизиқтирган. Зайниддин Восифий асаридаги иморатлар тасвирида на шоҳ Бобурнинг, на адиб, вазир Навоийнинг «ташвишлари»ни сезамиз. Уларда кўпинча гап шаҳар бинолар, ёки бирон конкрет иморат ҳақида борса, адибнинг сўз санъати, услуби бадий бўёқларда ўз ифодасини топган. Гиёсиддин Хондамир асарларида эса меъморликка доир тасвирларни деярли учратмаймиз. Бирор воқеага ҳамоҳанг тарзда бу мавзу тилга олинса-да, муаллиф иморатнинг қайси ҳукмдор томонидан қурилгани, унда қайси котибнинг хаттотлик ҳиссаси қўшилгани ва бошиқалар асосий маълумот сифатида келтирилади, ҳолос.

«Бобурнома»да Ҳиндистон рожалари Ман Синг ва Бикрамажит иморатлари бадий тасвирлангани диққатга лойиқ. Бобур кўпроқ Ҳиндистоннинг меъморлик услубига катта эътибор билан қарайди, бу иморатларнинг «ғариб» (гўзал)лигини таърифлаш билан бирга, ўз дидига ўтиришмаган томонлари — «бесиёқ»лигини таъкидлайди. Қолаверса, ҳинд усталари томонидан қўлланилган афзалликни («бу иморатлар тамом санги тарошидадиндур») алоҳида таъкидлайди ва намуна сифатида Ман Синг иморати тасвирига ўтади. Бу тасвир кигобхон кўз ўнгида ёзувчи Бобурдан кўра, меъмор Бобурни кўпроқ эслатади. Иморатнинг тузилишидан ташқари, унинг қайси материалдан

ишлангани, қаватларининг ер сатҳидан қуйи ёки баландлиги, ҳинд услубидаги гунбазлар, кошинкорлик назик дид билан таърифланади. Бобур Ман Синг иморатларида «гирдо-гирдини тамом кейла (банан) дарахтларини кўрсатибтурлар» деб, Ҳиндустонда ўсадиган машҳур банан дарахтининг расмини деворга солиш одат эканини алоҳида уқдиради: «Ман Сингнинг ва Бикрамажитнинг иморатларини тамом юруб, сайр қилдим, вашиб иморатлардур. Агарчи бўлук-бўлук ва бесиёқдур, бу иморатлар тамом санги тарошидадиндур. Барча рожалар иморатларидин Ман Сингнинг иморатлари яхшироқ ва олиброқтур. Ман Синг иморатининг томининг бир зилъи шарқ соридур. Бу зилъни ўзга зилъларға боқа кўпрак такаллуф қилибтур, баландлиги тахминан қирқ-эллик қари бўлмай, тамом санги тарошидадиндур, юзини гач била оқортибтурлар. Баъзи ерда тўрт табақа имораттур, икки қуйиға табақаси хейли қоронқудур, андак ёруғлуғи муддате ўлтурғондин сўнгра зоҳир бўладур...».

Бобур тасвирида муаллиф дунёқарашини, фикр тариқини намоён бўлади. Ҳиндистон вилоятларидан бири — Чандерийни тасвирлар экан, иморат сифатлари орқали жамиятдаги турли табақага мансуб кишиларнинг мавқеини кўрсатади. Азалдан иморатлар, саройлар, йирик меъморий обидалар ўша давр ҳукмдори шўҳратининг белгиси бўлган. Шубҳасиз, Бобур яшаган ва ҳукмронлик қилган даврда ҳам бу масалага шундай қаралган, ҳатто бундай эътибор ўзининг энг юксак даражасига чиққан эди. Шу жиҳатни яхши билган Бобур бу ҳолат Ҳиндистон учун ҳам хос эканини жуда усталик билан ифодалаган: «Вазир ва шарифнинг иморати тамом тошдин, улукларининг иморатларини такаллуф била тарошида тошдин қилибтурлар. Резапой элининг иморати ҳам тошдин, юяташ тарошида эмас, пўшиши сафол ўрниға тахта санглар била қилибтурлар».

«Бобурнома»даги меъморликка оид тасвирлар зийрак нигоҳли ёзувчининг кузатишигина эмас, балки ўзи кўплаб

иморатлар қурган, улар тарҳини чизган моҳир меъмор мушоҳадаларидир. Муаллиф Ман Синг иморатларининг ҳар бир деталига эътибор беради, уларни Мовароуннаҳр ва Хуросон меъморлик обидалари билан солиштиради. Қиёсларда меъмор Бобурнинг ўз юртига меҳрини, Ватанга садоқат ва муҳаббатини ҳам англаймиз. Бобур бу муҳташам иморатдаги асосий камчиликни («агарчи ҳиндустоний такаллуфлар қилибтурлар, вале беҳавороқ ерлардур») кўрсатиб, ўз юртидаги пурсафо ва гўзал биноларни эслайди. Бобур Ман Синг иморатидан сўнг унинг ўғли Бикрамажит томонидан қурилган биноларни кўздан кечиради. Бу тасвирда танқидий руҳ хийла кучли ифодаланган. Унингча, энг асосий камчилик — иморат ичига ёруклик тушмаслигидир. Шу боис, бу бинолар Бобурга маъқул тушмаган: «Ман Сингнинг ўғли Бикрамажитнинг иморатлари қўрғоннинг шимоли сори ўртада воқиф бўлубтур. Ўғлининг иморатлари отасининг иморатича эмас, бир улук гунбаз қилибтур, хейли қоронғу, муддате турғондин сўнгра равшанлиқ зоҳир бўладур. Бу улук гунбазнинг остидаги бир кичикрак имораттур, анга худ ҳеч тарафдин ёруклуқ кирмас».

«Бобурнома»да меъморликка доир соф тасвирларни қарийб учратмаймиз. Муаллиф ҳар бир манзарани қандай идрок этса, кўзига нима кўринган бўлса, қайд этиб борган. Бикрамажит иморатлари борасида сўз юрита туриб, Бобур бино ёнидаги Раҳимдод исмли шахснинг мадрасаси тасвирини келтиради ва кутилмаганда бу мадраса ҳовлисида ўсаётган гуллар ҳақида: «Бу боғчада хейли гуллар тикибтур... Бу ерларнинг канейри гули шафтолудек бўлур. Гвалийарнинг канейри қип-қизил хушранг канейрилардур. Бир пора қизил канейри Гвалийардин Огра боғларига келтуруб ақтурдум», дейди.

Демак, Бобур иморат таркибини, унинг ҳар жиҳатдан мукамаллигини боғ, гулзор, чиройли манзарали ва мевали

дарахтларсиз тасаввур этмаган. Ҳатто узоқ ўлка — Гвалийардан Огра боқларига мос гулни олиб келиб ўтқаздирган.

Бобурни ҳамиша ҳам меъморий обидаларнинг баландлиги, серҳашамлиги ҳайратга солмаган. У, аввало, иморатнинг сиёқи мутаносиблигига аҳамият берган. Бунда иморатлар учун ишлатилган материаллар — қурилиш ашёларининг сифати, хили, қаердан олинини, коннинг захираси, узоқ-яқинлиги ҳам уни қизиқтирганки, булар муаллиф тасвирида етакчи унсурлар ҳисобланади. Иморат учун ишлатилган тош, қум, ёвоч, виштнинг ранги, пишпиқлиги, қалинлиги, чидамлилиги, агар маҳаллий материал бўлса, қаердан олининигача (ёки узоқ ўлкалардан ташиб келтирилиши) зикр этилган. Қуйидаги парчада Бобур диққатини бутхонанинг баландлиги ўзига тортганини айтиб, жуда катта меҳнат эвазига бунёд этилган обидани бесиёқ, «беандомроқ» айвонлар бузиб турганини таъкидлаган. Айни пайтда у бутхона қурилиши учун ишлатилган тошлар шу иморатнинг ёнгинасидан олинганини, яъни узоқдан ташиб келтирилмаганини ибрат сифатида таърифлайди: «Бу бутхона хейли баланд бутхонадур. Қўрғонда мундин баландроқ иморат йўқтур ва Дўлпурнинг тоғидин Гвалийар қўрғони ва бутхона мушаххас кўрунур. Дерларким бу бутхонанинг тошларини тамом ушбу улук кўлдин қозиб олибтурлар. Бу боғчада бир йиғоч толор қилибтур, пастроқ, беандомроқ. Боғчанинг эшигида ҳиндустоний вазълиқ бемаза айвонлар қилибтур».

Амир Темурдан Заҳириддин Бобургача ва ундан кейин ҳам Ҳиндистонда шукуҳли кононалар қурилди. Бобурий Шоҳ Жаҳон қурдирган Тож Маҳал бунинг тенгсиз далилидир. Бобур вафотидан сўнг ўғли Ҳумоюн ҳам қурби етгунча меъморликка қўл урган. «Ҳумоюннома»да бу ҳақда диққатга лойиқ мисоллар келтирилади. Гулбаданбегим тасвирлаган обидаларнинг Бобур тасвирларидан фарқланадиган жиҳатлари кўп. Унинг тасвирида кўпроқ аёллар

нигоҳи тушадиган томонлар: уйлардаги токчалар сони, уй анжомлари, шу қатори, темурийзодалар фойдаланадиган уй жиҳозлари, айниқса, буюмлар тавсифи кўпроқ ўрин олган: «Тилсим (тўйхона вазифасида қурилган иморат — Ҳ.Қ.) учун солинган қасрнинг жойланиши бундай эди: саккиз бурчакли энг катта уй бўлиб, бу хонада тўй берилади. Бошқа кичик хона ҳам худди шунга ўхшаш саккиз (бурчакли) бўлиб, ҳар иккала саккиз (бурчак) турли безаклар билан безатилган эди. Катта уй тўйхона бўлиб, унга олтиндан тахт қўйилган эди. Бу тахтнинг усти ва тагига зар тикилган зардеворлар ташланган... Тахтнинг бағрига осилган зардеворнинг узунлиги ўттиз-қирқ газга яқин бўлиб, унга ҳам марварид шодалари осилган».

Кўрганимиздек, Гулбаданбегимнинг меъморий обидалар тасвирида халқ ҳунармандчилиги билан урф-одатларга тааллуқли маълумотлар ёнма ён келтирилган. Бундай маълумотларни бошқа бирор тарихий асардан топиш амримаҳол. «Ҳумоюннома» шу каби нодир маълумотларга бой асар сифатида катта аҳамиятга моликдир.

Заҳириддин Бобурни Ҳиндистондаги кўчманчи элатларнинг янаш тарзи, айниқса, уй-жой қуриш усули ҳайратга солган. Қуйидаги парчада муаллиф ҳинд лўлиларининг ўтроқ яшай олмаслигини, ер, мулк ва унинг ободонлигига мутлақо эътиборсизликларини тасвирлаш билан бирга, бирикки кеча-кундузда «шаҳар»лар бунёд этишларидан ҳайратга тушади ва зарурат туғилганда шундай қисқа муддатда бу «қурилиш»ларни йиғиштира олишларига қойил қолади: «Ҳиндистонда мавозий ва кентларнинг, балки шаҳрларнинг бузулмоқ ва тузалмаги бир замонда бўладур. Ушмундоқ улук шаҳрларким, йиллар анда мутаваддиндурлар, агар қочарлари бўлса, бир кунда-бир ярим кунда андоқ қочадурларким, осор ва аломатлари қолмайдур. Агар тузалмакка юз қўйсалар, ариқ қозмоғи ва банд боғламоғи эҳтиёж эмас. Экинлари тамом лаълмидур. Элига худ ниҳоят йўқтур, жамиъ йиғилдилар, бир ҳавз ясадилар, ё чоҳ қозидилар. Уй ясамоқ ё том қўпармоқ худ йўқтур. Хас

бисёр ва дарахт бешумор, чирилар қилдилар, филҳол кент ё шаҳр бўлди».

«Бобурнома»даги Самарқанднинг Кўҳак мавзеи Боғи Майдон ўртасидаги боғ тасвирида муаллифнинг юксак эстетик қарашлари, синчковлиги ёрқин акс этган. Бу иморат Амир Темур салтанати даврида қурилган олий меъморлик санъати дурдонаси. Бобур тасвирининг қиммати аввало шундаки, асарда эндиликда умуман ном-нишони қолмаган бу боғ ва иморатларнинг қарийб тўла тарҳи келтирилган. Боз устига тасвирларда давр шоҳининг назари мужассам. Ўқувчи муталаа жараёнида иморатнинг ҳар бир гардиши, сиёқи, баланд-пастлиги, атрофидаги боғчалар, кўкату гуллар — бари-барини аслидагидек тасаввур этади. Айниқса, иморат ўртасида қўйилган «тоштахт»нинг катталиги, сайқал берилгани Бобурни ҳайратга солган. Шундай катта тошни узоқлардан қандай олиб келингани унинг ақлига сиғмайди. Бу ишнинг машаққатли эканига ҳам, бобоси Амир Темурнинг юрт ободончилигига ҳафсаласи нақадар катта бўлганига ҳам қойил қолади: «Бу боғнинг ўртасида бир олий иморат қилибтур, Чилсутун дерлар, ду ошёна, сутунлари тамом тошдин. Бу иморатнинг тўрт бурчида тўрт манордек буржлар кўпорибтурларким, юққориға чиқар йўллар бу тўрт бурждиндур. Ўзга тамом ерларда тошдин сутунлардур. Батъини морпеч хиёра қилибтурлар. Юққориғи ошёнининг тўрт тарафи айвондур, сутунлари тошдин... айвоннинг ичида бир улут тош тахт қўюбтур, тули тахминан ўн тўрт-ўн беш қари бўлвой, арзи етти-секкиз қари, умқи бир қари. Мундоқ улут тошни хейли йироқ йўлдин келтурубтурлар. Ўртасида дарз бўлубтур...».

Заҳириддин Бобурни Самарқанддаги пуршукуҳ иморатлар, мадраса ва масжидлар мафтун этган. У «Улубек мирзонинг иморатларидин Самарқанд қалъасининг ичида мадраса ва хонақоҳдир», деб ҳикоясини бошлар экан, бугунги кунда ҳам Регистон ансамблида ўзининг беш юз йил олдинги сеҳру жозибасини кўз-кўз этиб турган муҳташам меъморлик обидаси ҳақида фикр юритади: мазкур мад-

расанинг ўша давр учун ягоналиги ва мислсизлигини таъкидлаш билан бирга («хонақоҳнинг гунбази бисёр улуг гунбаздур, оламда онча улуг гунбаз йўқ деб нишон берурлар»), унинг яхлит бир кошона эканига эътибор беради.

Темурийлар даврида салобатли ҳаммомлар қуриш ҳам расм бўлган. Кундалик турмуш учун зарур бу қурилишлар ички ва ташқи кўриниши, безалиши, қандай материалдан бино бўлганлиги, каттаю кичиклиги, сув билан таъминлаш системаси, хуллас, барча жиҳатлари билан кишилар диққатини жалб этган. Улуғбек мирзо қурган мадраса ёнида «яхши ҳаммом солибтур... ҳар нав тошлардин фаршлар қилубтур», дейилади «Бобурнома»да. Бобур бу ҳаммомга ҳам Улуғбек мадрасаси шукуҳини тасвирлагандек таъриф беради («Хуросон ва Самарқандта анча ҳаммом маълум эмаским, бўлғай»). Демак, Регистон ансамблига мос мадраса, хонақоҳ билан бирга, уларга уйғун тарзда ҳаммом ҳам бунёд этилган. Мадраса таълим-тарбия олиш талабларига жавоб беради, хонақоҳда тоат-ибодат учун, ҳужраларда муллавакчалар ва устозлар яшаб, баҳс-мунозара ўтказадилар. Ҳаммомнинг вазифаси эса ўз-ўзидан аён.

Мазкур ҳаммомнинг қурилиши Бобурга ўзгача шавқ-завқ бағишлаган чори, ҳаммом ҳақида у икки рубоий ҳам битган. Чунончи:

*Ҳаммомки қилдим кўрунгузким, айём  
Ўхшатти анинг бори иши манга тамом.  
Кўз ёшию кўнгул ўти бирла мендин,  
Гулчехралар истабон юруйдур ҳаммом.*

Ансамблга тағин, албатта, намоз, ибодат, амри маъруфларни ўтказадиган масжид зарур. Бобур Улуғбек мирзонинг бунёдкорлик дидини тўла мақуллаган ҳолда, бу ерда қурилган масжид ҳақида завқ билан ҳикоя қилади. У, аввало, масжиднинг номи билан қизиқади («масжиди Муқаттаъ дерлар») ва уни изоҳлаб беради. Айни шу изоҳда синчков бинокор-муҳандис Бобурнинг эстетик қарашлари ўз

ифодасини топган: «Бу жиҳаттин Муқаттаъ дерларким, қитъа-қитъа йиғочларни тарош қилиб, ислимиий ва хитоний нақшлар солибтурлар, тамом деворлари ва сақфи ушбу йўсунлуқтур».

Маълумки, масжиддаги меҳроб қиблани кўрсатиб туради, умуман, меҳроб ҳамма жойда бир жуғрофий нуқтада бўлиши шарт. «Бу масжиднинг қибласи била мадраса қибласининг орасида бисёр тафовуттур», деганда Бобур ўзида бу ердаги тушунмовчилик сабабини қидирини майли туғилганини айтади. Чунки иккала иморатдаги «қибла» кўрсаткичларидаги фарқ оз эмас, «бисёр». Бобур бу фарқни топиб, ўқувчига билдиради. Матндаги «ғолибо» сўзи лойиҳачилар томонидан йўл қўйилган чалкашликка ишора қилади. Албатта, бинодаги бундай фарқни англаш учун киши астрономия фанидан хабардор бўлиши керак. Бунда Бобур айнан шу қобилиятини намоён этган: «Ғолибо бу масжид қибласининг самти мунажжим тариқи била амал қилибтурлар».

«Бобурнома»да XV — XVI асрларда ва ундан олдинги асрларда қурилган истеҳком қалъалари, деворларига оид тасвирларга ҳам дуч келамиз. Уларда шоҳ Бобур ва «Бобурнома» муаллифи — адиб Бобурнинг яхлит қарашлари акс этган. Табиатан қуриш, яратишга мойил бўлган Бобур қалъалар меъморлигига алоҳида диққат қаратган. Зеро, ҳисобсиз душман ҳужумларидан ҳимояланишда, жанда ғолиб келишда мустаҳкам истеҳкомлар алоҳида ўрин эгаллаган. Хусусан, Заҳириддин Бобур Ўш қўрғонларини эгаллаш учун Аҳмад Таибал билан уруш олиб борган. Ўшдаги Мозу қўрғонини муаллиф «рустлиқ била машҳур», деб баҳолайди. «Рустлиқ» — мустаҳкам, кириш амримаҳол бўлган истеҳком маъносида. Бобур мазкур қўрғоннинг мустаҳкамлигини таъкидлаб, «хейли», яъни ўта мустаҳкамлигига диққатни тортади: «Мозу қўрғони хейли руст қўрғондур, шимол сариким, сойдур, хейли баланд воқий бўлубтур». Эътибор билан қарасак, Бобур қўрғоннинг мустаҳкамлигини икки марта такрорласа-да, таъин шу фикрига қувват бериб, шимол томонда сойи борлиги, яъни

ўтиш мушкиллиги ва боз устига деворлари жуда баландлигига ишора қилмоқда.

Назаримизда, бу тасвирдан Бобурнинг кўзлаган ўз мақсади бўлган. Қўрғон мустаҳкам, ғанимнинг унга кириши жуда қийин. Биз ана шу парчани келтиришдан олдин Бобурнинг адиб сифатидаги маҳоратига эътиборни қаратмоқчимиз. Демак, ана шундай мустаҳкам қўрғонда Бобурнинг душмани Аҳмад Танбал ўрнашган. Бобур лашкарлари тапқаридан туриб ҳужум қилиб, Танбалнинг қалъадан қочишига эришадилар. Қалъани эгаллаган лашкарлар ҳатто «Танбалнинг иниси Халил бошлиқ етмиш-саксон-юз ўбдон кишини банд қилиб», Андижонга юборадилар. Қалъа тасвири орқали Бобур ўзининг саркардалик маҳоратини намойиш қилган: ғаним кучли, кўпсонли лашкарга эга. У мустаҳкам истехком-қалъа ичида. Бироқ Бобур лашкари уларни енгади, бир қисмини асир олади...

Ёзувчи танлаган усул ўқувчини ҳайратга солади — қалъа тасвиридаги аниқлик, меъморлик талаблари ижроси, назокат бирикиб, мукамалликни таъминлаган: «Агар сойдин ўқ отсалар шоядким, фасилға етгай. Обдузд ушбу тарафда воқия бўлубтур. Қўрғондин қуйига боқа кўчадек икки тарафдин фасил кўпориб келтуруб сувға еткурубтурлар. Пунга тарафлари хандақтур. Сойға ёвуқ учун сой тошларидин улук-улуқ қазондек тошлар қўрғонга чиқариб эдилар. Ул миқдор улуг тошлариким, Мозу қўрғонида оттилар, ушмунча қўрғон уруши бўлуб ҳеч қўрғондин мундоқ тошлар отмадилар».

1506 — 1507 йиллар воқеаларини ҳикоя қилиб, Бобур ёзади: «Музаффар мирзо бизни Бобур мирзо солғон Тарабхона отлиқ иморатқа олиб борди, Тарабхонада човир мажлиси бўлди». Бу ўринда темурийзодаларнинг хос мажлислари, дам олиб ишрат қиладиган бино ҳақида сўз бормоқда. «Бобурнома»да Тарабхонани тасвирлаётган муаллифнинг кўтаринки кайфиятини сезиш қийин эмас. У, аввало, бинонинг вазифасига оид деталларга кўпроқ эътибор қаратади, иморатнинг қандай рившаддан тиклангани, ўлчами ва бошқа деталлари уни унча қизиқтирмайди. Аксинча,

мирзозодаларнинг айш-ишрати, дам олиши учун нималарга эътибор берилгани — ҳужраларнинг алоҳидалиги, шаҳнишинларнинг хос суҳбатларга мос қурилгани, иморатнинг ички саҳни, девордаги кўнгилочар расмлар диққатни тортади. «Бобурнома»даги архитектурага оид иморат тасвирида табиат, уруш манзараси, ҳайвонлар расмининг чизилгани ҳақида фикр билдирилмаган. Бироқ Тарабхона бу қоидадан мустасно. Бу бинони Самарқанднинг олдинги ҳукмдори Бобур мирзо солдирган, расмларини чизишни Султон Абусаид мирзо буюрган. Ана шу уйғунликни зийраклик билан илғгани, бино вазифасига мос тасвирни ўз ўрнида зикр этгани Заҳириддин Бобур адабий-эстетик оламининг теранлиги, ранг-баранглигидан яна бир далолатдир: «Тарабхона боғчанинг ўртасида воқиф бўлубтур, мухтасарроқ имораттур, икки ошёналиқ, вале ширингина имораттур, юққориғи ошёнисида такаллуф кўпроқ қилибтурлар. Тўрт кунжида тўрт ҳужрадур. Ўзга бу тўрт ҳужранинг ўртаси ва мобайнлари тамом бир уй дохилидур, бир уйдурким, ҳужраларнинг мобайни тўрт шаҳнишин йўсулук бўлубтур. Бу уйнинг ҳар зилъи мусаввардур, агарчи бу иморатни Бобур мирзо қилгандур, вале бу тасвирларни Султон Абусаид мирзо буюргандур, масоф ва урушларини тасвир қилибтурлар...».

Навбатдаги тасвирда, аввалги мисоллардагидек, иморат деталлари йўқ, фикрлар умумлашма тарзда, лўнда ифодаланган. Бунда фақат шоҳ Бобурнинг давлатчилик манфаатлар борасидаги нуқтаи назари — мамлакатни душмандан асраш, қалъанинг мустаҳкамлиги, кириб-чиқиш йўллари, сув таъминоти масаласи, аниқроғи, унинг стратегик мавқеига кўпроқ эътибор берилган: «Андижондурким... Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Кеш қўрғонидин сўнгра мундин улўроқ қўрғон йўқтур. Уч дарвозаси бор. Арки жануб тарафида воқиф бўлубтур. *Тўққуз тарнов сув кирар. Бу ажабтурким, бир ердин ҳам чиқмас.* ...Қалъанинг гирдо-гирди тамом маҳаллотдур. Бу маҳалла била қалъава фосила ушбу хандақ ёқасидоғи шохроҳтур».

Бобурнинг қурилишга оид қарапларини Алишер Навоийнинг ушбу мавзудаги мулоҳазалари билан қийослаш диққатга молик. Темурийлар даврида Оллоҳнинг «якка ва ягона»лиги ҳақидаги таълимот асосида оташпарастлик, бутпарастлик ва айрим жойларда христиан динига тааллуқли иморатларни бузиб масжид, хонақоҳ қуриш ҳоллари кузатилади.

Алишер Навоийнинг «Вақфия» асарида ҳам шундай воқеа тасвири бор. Навоийга Хусайний томонидан ҳада этилган ерда қадимда қурилган, аммо харобага айланган черков биноси бўлган. Мазкур бино тасвирида улuf шоирнинг юксак бадийий услубини кузатиш мумкин. Тасаввуф ақидасига содиқ, мусулмони комил, шу қатори барча тариқат ва мазҳабларни тан олган Навоий эскирган, вайронага айланган черковни буздираётганидан хижолатда эканини айтади. У бадийий санъат имкониятидан фойдаланиб, кераксиз ҳолга келиб қолган черков ўрнига масжиду мадраса қуриб фойдаланиш авлороқлигини зикр этиб, ўқувчини шунга ишонтиришга уринади. Китобхон черков тасвири орқали ваҳмангиз иморатга киради, унинг тим қоронғулиги, бойўғли (бум) ва кўршапалаклар (хуффолш) маконига айланганини тасаввур этади. Черков томларининг вайроналиги («юқори оқпоми бузуғлиғидин фироқ аҳли кўнгли эвидин нишони...») тасвири китобхонда бундай иморат баҳридан кечган маъқул, деган истакни туғдирса, бадийий насрнинг бевосита истиора, сажъ ва ўхшатиш санъатини ишлатган Навоийнинг фикр-мулоҳазаси эса: бу иморатни бузиб, ўрнига бошқа бино қурган тузук, деган фикрни туғдиради. («анда навмидлиқ чуғзалари била мотамий либос кабутарлар ошёни»).

Мазкур калисо, унинг атрофида қурилган мадраса («Ихлосия») ва масжид тасвирида Навоийнинг меъморликка оид қараплари ўз аксини топган. Шоир «Ихлосия» мадрасасини Бобур каби барча деталари билан тасвирламайди. Бироқ ўқувчи мадраса тузилиши ҳақида умумий маълумотга эга бўлади. Навоийнинг мадраса қуришдан кўзлаган мақсади — бу даргоҳда толиб ул-илмларга таъ-

лим беришдир. Шу боис, биро тасвирида ҳам ана шу мақсад бўртиб кўринган. Навоий мадрасанинг шимолида қурилган гунбаз остида ҳар куни Қуръондан ўттиз пора тиловат қилишни, толиб ул-илмларнинг фикҳ, ҳадис ўқишлари, ёш, мадрасага энди қадам қўйган «тифли абжадхон»ларнинг «ой гирдаси ва қуёш қурси икки фатир ва таббоҳлари тахтасига қаҳкашон шакли ун сепган бир зувола хамир» каби қалдирғочсимон доира шаклида ўтириб таълим олишларини тасвирлайди. Бундаги ҳар бир ифода ва сўзда муаллиф бадий маҳоратини кузатиш мумкин. Аниқ тасвирий ифодалар сўз кўрки билан ҳамоҳангликда юксак бадий насрни юзага келтирган. Қолаверса фақат Навоийнинг насрдаги маҳорати эмас, балки маърифат фидойиси, эл дарди ва тарбияси учун куюнган тасаввуф ва ислом ҳомийсининг сиймоси ҳам ўз аксини топган: «Мадрасадин киргач, масжид анинг ҳадди тарбики, қибла сори бўлғай, воқиф бўлди. Ва *хушхон имом ва хушовоз муқри муқаррар бўлдики*, салоти ҳамсани маҳалла аҳли била қоим тутуб ул ҳазрат дуосига машғул бўлғайлар. Ва мадрасанинг тўридаким, ҳадди шимолийдур, *гунбазе ясалдики*, *сураи қуръоний ва оёти фурқони адосида қироат гулшанининг Исавий нафас андалиби хушилхонлари ва тажвид равзасининг Довудий наъма фохтаи ширин адолари ҳар куни си пора калом йқуб ул, ҳазрат дуоси била хатм қилғайлар*... Омий ва нодон ва ҳар толиби илм олинда Аторудким иккинчи суфа мустакиддур — тифли абжадхон, ходимлари суфасида ой гирдаси на қуёш қурси икки фатир ва таббоҳлари тахтасида қаҳкашон шакли ун сепган бир зувола хамир...».

Матндаги биз таъкидлаб кўрсатган сўз, ибораларга бир карра диққатни қаратайлик. Навоийнинг «Ихлосия» мадрасасини тасвирлашдан кузатган нияти иморатнинг зебу зевари, тарҳини бериш эмас, балки ҳар бир суфа, гунбаз остидаги қопона қандай мақсад асосида қурилганини уқтиришдир. Бундан ташқари, Навоий «Вақфия» асарининг вазифасидан келиб чиқиб, бу мадрасада ўқиладиган Қуръондан давр ҳукмдори Хусайн Бойқарога савоб етишини

алоҳида таъкидлайди. Демак, Навоий учун «Ихлосия» мадрасасининг биноси тасвиридан кўра, бу даргоҳнинг вази-фасини зикр этиш муҳим кўринган. Шунинг учун тасвир-да меъморликка оид деталлар эмас, балки маънавиятга та-аллуқли жиҳатларни тасвирлаш етакчилик қилган. Бу, ал-батта, Навоий дунёқарашининг яна бир қиррасини очиб беради.

Дарҳақиқат, «Вақфия»да Навоий бу ерни унга Ҳусайн Бойқаро тортиқ қилганини айтган. Тасвирдан аён бўли-шча, иморат учун ажратилган жой жуда баҳаво, бу жи-ҳат ҳам шоҳнинг Навоийга эҳтироми, садоқатининг рам-зи сифатида қабул қилинган. Навоий мавзенинг очиқ, тоза ҳавосини таърифлаб, буларнинг бари Ҳусайн Бойқаро ҳим-мати туфайли амалга ошганини айтади. Бундай тасвирлар «Бобурнома»да ҳам бор ва уларни таққослаш учун асардан кичик парча келтирамиз: «Бу кентта Боғи Калон отлиқ Улуғбек миразонинг бир маъсуб боғи бор эди. Мен эгала-рига баҳо бериб олдим. Боғдин ташқари улуғ чинорлар бор, чинорларнинг туби сабзалиқ, сафолиқ манзиледур. Боғнинг ўртасидин бир тегирмон суйи ҳамиша жорийдур. Бу ариқ ёқасида боғ ўртасида чинорлар ва дарахтлардур, бурун бу ариқ эгри-бугри ва бесиёқ эди. Мен буюрдум-ким, бу ариқни ража ва сиёқ била қилдилар. Бисёр яхши ер бўлди».

Энди Навоий яратган боғ тасвирини кузатайлик: «Бу фақир ул ерда ўтғиз жериб ерни девор тортиб, сарой имо-рат қилиб, боғчасига ҳар турлик ашжор била сафо ва назрат ва ҳар чаманига ҳар навъ раёҳин била зебу зиё-нат бердим ва анинг таърифи мундин ўтмаским, ул ҳаз-ратнинг (яъни Ҳусайн Бойқаронинг — Ҳ.Қ.) мавкиб гардунсойи неча қатла ул манзилни ғайрати биҳишти ба-рин ва мақдами фалак фарсойи неча навбат ул маъманни ришки нигорхонаи Чин қилди. Ва умидим будирким, ҳами-ша ул ер бу давлатқа сазовор ва мудом бу хоксор ҳам бу иноятқа бархурдор бўлғаймен...».

Бу икки боғ тасвирини келтиришимиздан мурод икки буюк адибнинг меъморликка оид тасвирини қийёслашдан-

гина иборат эмас. Балки жуда муҳим бир мазмунни очиш, яъни темурийзода шахзодалар, амирларнинг ўз даврида иморат қуриш, боғ яратиш, имкони борича юрт, Ватанни боғ-бўстонга айлантириш йўлидаги ихлоси, сатъ-ҳаракатларидан хабардор этиш. Бу ўринда Бобур узоқ Афғонистонда Амир Темур набираси Мирзо Улуғбекдан қолган бир боғни муқаддас билиб, бу жойни темурийларнинг бир парча ватани сифатида қадрлагани ва боғ эгасини рози қилиб, уни сотиб олгани муҳим. Бобур бу боғга бошқа иморатлардан кўра жуда катта меҳр қўйиб, унга аслидан ҳам гўзалроқ тус беради. Навоий мисолида эса, Хусайн Бойқаро ўз вазирига олтин эмас, ганжина эмас, балки юртни обод қилиш учун ер бергани муҳим. Бу ерда Навоий «Ихлосия» мадрасасини қуради, уни кўркем боғга айлантиради. Ҳар иккала мисол ўша давр кишилари учун ҳам, бугунги авлодлар учун ҳам ибрат намунасидир. Қолаверса, темурийларнинг фақатгина ақидада эмас, балки ҳаётда ҳам тасаввуф таълимотининг ҳар ким яратувчилик билан шуғулланиши керак, деган ғоясининг амали сифатида қадрлидир.

Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарида меъморликка оид тасвирлар кам учрайди. Борлари ҳам жуда умумий тарзда. Бошқа ҳикоялардаги сингари бу каби тасвирларда ҳам муболага, истиора, тапбеҳ ва ўхшатишлар бор. Агар Навоийнинг шаҳар ва обидалар мавзuidaги тасвирида меъморлик деталлари баён этилса, Восифийда бу масала умумийлик касб этган: «Бир шаҳар кўрдимки (Тошкент шаҳри — Ҳ.Қ.) зангори фалак ҳар шом гозандаларни қувиш учун юлдузлардан исириқ уруғини унинг учун шафақ оташида куйдиради; аҳолиси йўли ва равишига деб оининг жаҳонни ёритувчи машъаласини ёқарди. Қон ичувчи Баҳром бу қалъа забти ва қўриқланиши учун юлдузлардан милтиқларга соққа тайёрларди... Бу шаҳар атрофида Кайковус биноларидин чорбоғлар бўлиб, Эрам боғининг дилида доғи бордир».

Қуйида келтирилган Самарқанд шаҳар қўрғони ҳақидаги парча ҳам Зайниддин Восифий қаламига мансуб «Бадоеъ

ул-вақоеъ»дан. Бунда шоҳ ва адиб Бобурни қизиқтирган, давлатнинг ҳимоясига тааллуқли қалъа деталлари деярли учрамайди. Самарқандга кириб келган Восифий эътиборини кўпроқ шаҳар қалъасининг баландлиги ва хандақларнинг чуқурлиги тортади. Шаҳар қурилиши, қалъа архитектурасига оид аниқ тасвир ўрнини шоирона муболаға, ўхшатиш, ташбеҳлар эгаллаган. Ҳақиқатда, бутун асарда кузатилгани сингари, мазкур парчада ҳам Восифийнинг ўзига хос услуби кўриниб туради: «Карвон Самарқанд шаҳар дарвозасига етгач, шундай бир шаҳар кўрдиларки, воят мустаҳкам ва маҳкам. Деворнинг баландлиги шу қадар эди, агар фалак ҳўкизи унинг тепасидан ўтганда, кунгирасининг учи қорнини йиртган бўлар эди... Шаҳарнинг хандақ чуқурлиги шу қадар эдики, ер ости ҳўкизи унинг қаъри сабзазорида ўтлаб юрар эди».

Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида ҳам меъморликка оид тасвирларни кўриш мумкин. Масалан, у Шоҳрух мирзо амри билан тасаввуф илмининг пешволаридан бири Хожа Абдуллоҳ Ансорий мазори устида қурилган иморат ҳақида ёзади. Бунда муаллиф иморатнинг нозик жиҳатларига унча эътибор бермайди. Тарихчи сифатида у кўпроқ бу иморатни қуришга амр берган Шоҳрух ҳақида мақтов сўзларини битади. Бобур тасвиридагидек иморатнинг ер майдони, қурилиш воситаларининг шакли, сифати, хона ва суфасининг ҳажми, тош ва гишт билан қоплангани ва бошқа тафсилотлар учрамайди. Ушбу қиёсда ҳам Бобур насрининг устунлиги, ҳаётийлигини кўриш мумкин:

«У олий даражадаги иморатнинг тарҳи ва нодир фазилати пойдеворнинг қуйилиши қуйидагича воқеъ бўлган: Шарқ томонидаги унинг пешгоҳига бузургворнинг мазорига қаратиб воят баланд камоли латофат билан олий бир айвоннинг суфаси қурилган ва суфанинг икки тарафида суфалар ва уларнинг тепасида яна суфалар ва айвонга яқин баландликда пасту баланд хоналар, унинг ўртасида эса олий бир суфа: шимол томонда ҳам суфалар ва

хоналар; шимол томоннинг ўртасида катта бир суфа; яна, жануб томонда ҳам хоналар бўлиб, уларнинг ўртасида олий суфа; саодат эшигининг очилиши бўлмиш мағриб томонда эса нурга тўла мазорга қараган олий иморат икки томонида иккита жамоатхона бағоят гўзал тарзда тартибга келтирилган, бузургвор мазорининг ташқарисида, мағриб тарафда баланд бир курси ўрнатилган ва осмон билан тенглашадиган айвон қад кўтарган».

Парчадан кўриши турибдики, Абдураззоқ Самарқандий бинонинг ижобий жиҳатларини сифатнинг орттирма даражаларини белгиловчи: «олий», «паст-баланд хоналар», «катта», «бағоят гўзал», «осмон билан тенглашадиган» каби сўзлар орқали берган. Тўғри, бинонинг сифатини мадҳ этувчи тўртликдан кейин муаллиф иморат қурилишида ишлатилган материал ҳақида фикр юритади. Аммо бу ўқувчига бино безаклари бўйича умумий тасаввур берсада, Бобур тасвирига нисбатан умумийлиги билан фарқ қилади: «У олий иморатларни барча тош ва виштлардан фоят гўзал тарзда куриб битиргандан кейин, коший зарҳал ва ложувардлардан зийнат берилди, ҳар томонига маъқаллий, куфий ва форсий хатлар ва шаклларни жуда нозик қилиб чизилди».

Шундай қилиб, Навоий, Бобур, Хондамир, Восифий асарларидаги меъморликка оид тасвирлар таҳлили орқали ҳам ҳар бир адибнинг ўзига хос насрий услуби, жамиятга муносабати, дунёқарашини белгилаб олиш мумкин.

## 6. «Бобурнома»да Мовароуннаҳр

«Бобурнома» уч минтақа — Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Ҳиндистон ҳақида батафсил маълумот беради. Асарни тадқиқ этган олимлар ҳам аксар ҳолларда шу ҳолатга алоҳида эътибор қаратганлар. Масалан, академик С.Азимжонова Бобурнинг Афғонистон ва Ҳиндистондаги давлат ҳокимиятини тадқиқ этган бўлса, Сайфиддин Жалилов «Бобурнинг Фарғона давлати» асарида Бобур-

нинг Фарғона ерларидаги ҳукмронлигини алоҳида мавзу сифатида тадқиқ этган. Ёки бир қанча инглиз, ҳинд олимлари Бобурнинг Ҳиндистондаги ҳукмронлик даври ҳамда ҳаётини диққат билан ўрганганлар.

«Бобурнома»да Заҳириддин Бобур Фарғона водийси — киндик қони тўкилган юртни тасвирлар экан, бу ўлканинг хоҳ унумдор ерлари, хоҳ Косон, Аҳси, Андижон, Ўш, Ўзган, Конибодом сингари шаҳарлари тўғрисида бўлсин, алоҳида меҳр билан сўз юритади.

Аввало, диққатимизни жой тасвирларига қаратсак. Бобур Косон ҳақида фикр юритар экан, фавқулодда маҳоратини намоён этади. Ҳар бир сатрда муаллифнинг юртга чексиз меҳри, унинг хуш ҳавоси, мувофиқ жуғрофий ўрнидан фахрланиш, ҳузурланиш кайфиятини кузатамиз. Ҳар бир иборада, жумлада шаҳарчанинг гўзаллиги аниқ-тиниқ очилиб, ўқувчини ўзига ром этиб, Бобур суйган бу юртни ўз кўзи билан кўришга ошиқтиради. Косон тасвири ниҳоясида ўқувчини Бобурнинг навбатдаги жумласи («Сафо ва ҳавода Ўш била Косон элининг таассуби бор») ҳайратга солади. Бобур Фарғона водийсида Косон сингари жойлар кўплиги, али эса ўз юрти табиати, Ватани билан фахрланиши, унинг гўзаллигини оламга кўз-кўз қилишга қодирлиги, ҳатто бу қасабаларнинг қайси бири чиройлилиги борасида ўзига хос баҳслар бўлганини мамнуният билан қайд этади: «Яна бир Косондур, Аҳсининг шимолида тушубтур. Кичикроқ қасабадур. Нечукким, Андижон суйи Ўшдин келур, Аҳси суйи Косондин келур. Яхши ҳаволиқ ердур. Сафолиқ боғчалари бор. Вале сафолиқ боғчалари тамом сой ёқасида воқиф бўлгон учун, «пўстини пеш барра» дебтурлар. Сафо ва ҳавода Ўш била Косон элининг таассуби бор».

Адиб учун юртнинг ҳар бир гиёҳи қадрли. Айниқса, Фарғона водийси ҳақида сўз юритар экан, Бобур унинг тоғларидаги яйлоқларидан ҳам ўлканинг афзаллигини, ўзига хослигини билдирувчи аломатларни кўради. Ҳар бир нарса ва жониворни алоҳида-алоҳида таърифлаб, уларга имкон қадар илмий шарҳ бериб ўтади. Масалан, муаллиф

Фарғона тоғларида учрайдиган тобулғу оғочи ҳақида фикр юритади, бу оғочнинг турмушда зарурлигига доир бир қанча хусусиятини санаб ўтади. Бунда бизнинг кўз ўнгимизда синчков, ишбилармон шоҳ Бобур сиймоси гандаланади. У юртнинг мўъжизакор оғочини табаррук билиб тасвирлайди: «Фарғона вилоятининг гирдо-гирди тоғларида яхши яйлоқлари бор. Тобулғу йиғочи бу тоғларда бўлур, ўзга ҳеч ерда бўлмас. Тобулғу бир йиғочедур, пўсти қизил, асо қилтурлар, қамчи дастаси ҳам қилтурлар, қушларга қафас қилтурлар, тарош қилиб тиргаз қилтурлар, хейли яхши йиғочдур. Табарруклик била йироқ ерларга элтарлар».

Маълумки, Монароуннаҳр, алаҳхусус, Ўзбекистон тоғлари азалдан шифобахш гиёҳларга бой. Бугунги кунда ҳам халқ табиблари бу гиёҳлардан унумли фойдаланиб, беморларни даволамоқдалар. Қадимда ҳам олим ва табибларни, ҳатто Заҳириддин Бобур диққатини шифобахш ўсимликларнинг хосияти қизиқтирган. Улар орасида меҳригиёҳ деб аталувчи алоҳида мўъжизакор гиёҳ борасида кўп ривоятлар бор. Таъкидлашларича, ҳар ким меҳригиёҳни топиб истеъмол қилса, қаримас, ёшликдаги қуввати сақланадур ва узоқ умр кўрадур экан. Бугунги кунда ҳам бу сирли ўсимликни кўрган, истеъмол қилган кишилар ҳақида бот-бот эшителиб қоламиз. Бироқ масаланинг мураккаб томони шундаки, меҳригиёҳ тоғ чўққиларига яқин жойларда ўсар, жуда камёб, уни қўлга киритиш мушкул эмиш. «Бобурнома»да муаллиф меҳригиёҳнинг арабча номини («ябруҳ ус-санам») келтириб, уни ўзи кўрмаганини, китобларда ўқиганини ёзади. У ўқувчисини ноумид қилмаслик учун Еттикент тоғларида ўсадиган «айиқ ўти» меҳригиёҳ эканини айтади ва бу фикрда ҳолис қолиш учун «эл бу от била айтурлар», дейди: «Баъзи китобларда битибтурларким, «ябруҳ ус-санам» (меҳригиёҳ) бу тоғлардадур, вале бу муддатга ҳеч эшитилмади. Бир гиёҳ эшитилдиким, Еттикентнинг тоғларида бўлур, ул эл «айиқ ўти» дерлар, меҳригиёҳ хосиятлик, қалибо меҳригиёҳдур, ул эл бу от била айтурлар».

Бу ўринда Заҳириддин Бобур Фарғона тоғларини тасвирларкан, уларнинг гўзал манзараси, дам олиш учун қулай-

лиги ҳақида фикр юритмайди, балки водийнинг мафтункор табиатини «Бобурнома»нинг кейинги саҳифаларида завқ билан таърифлайди. Юқоридаги сатрлар асарнинг дастлабки саҳифаларидан — Бобурнинг илк хотиралари, ҳолос. У ўз юрти набототидан олинган икки мисолда кишини ҳайратга соловчи гиёҳ, ўсимликлар ўлкада сероблигини алоҳида таъкидлайди. Унингча, Фарғона водийсининг ёвчи ҳам шу қадар азизки, уни табаррук билиб узоқ ўлкаларга олиб борадилар, тоғдаги мўъжизакор ўтлар эса одамларга боқий умр бағишлайди. «Бобурнома»даги ушбу сатрлар беихтиёр Ҳамид Олимжоннинг «Ўзбекистон» шеъридаги юртимизни мадҳ этган қуйидаги байтга ёдга солади:

*Бунда қуртлар ипак тўқийди,*

*Бунда ари келтиради бол...*

Бобур Фарғона ўлкасининг асосий иқтисодий базасини таъминловчи жиҳатга ҳам эътибор қаратган. У тоғлардаги феруза ва темир конлари билан боғлиқ масалага диққатни тортади: Фарғона вилоятидан олинадиган даромад ва унинг харжини чамалаб, бу даромад уч-тўрт минг кишини сақлашга (аскарлар назарда тутилган — **Х.Қ.**) етишини ҳам билдирадики, бу жуда муҳим: «Бу тоғларда феруза кони ва темур кони бўлур. Фарғона вилоятининг ҳосили била, агар адл қилсалар, уч-тўрт минг киши саҳласа бўлур».

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўша даврдаги жуғрофий бирлик — «Фарғона вилояти» ҳудуди ҳақида фикр юритаркан, унинг қайси қасаба, шаҳар ёки қишлоқлари ҳақида сўз юритмасин, муаллифнинг юрак энтиқишларини, бу ерларнинг тоза ҳавосидан симириб нафас олганию, бетакрор табиатига содиқ опшиқ мисоли ҳайрат билан термулганини сезиб турасиз. «Бобурнома» муаллифи томонидан севилиб тасвирланган макон Ўш қасабасидир. Бобур, бу шаҳарга чексиз меҳри боис, Бароқхон тоғ қулласининг теппасида бир айвонлиқ хужра солади.

«Бобурнома»ни ўқирканмиз, муаллиф диққатини бов, оқар сув, гулзор, ораста майдон ва расталар кўпроқ ўзига жалб этганини кузатамиз. Адибнинг ҳар бир ибораси, сўзи унинг сурурли қалб тафтига йўғрилиб қорозга тушган. Кейинги жумлалар бу гўзал юрт нашъасидан маст Бобурнинг меҳр тўла сўз бисотини кўз-кўз қилгандек — шода-шода гавҳардек асарга гўзаллик ато этган. Иккинчи жумла биринчисини, учинчи жумла иккинчисини шу тариқа тўлдириб ўқувчи кўз ўнгида табиасти гўзал, шарқираган сувлари зилол, ерлари гулзор, товлари дилкаш бир маъсум ўлканинг яхлит манзарасини гавдалантирган: «Андижон руди Ўшнинг маҳаллотининг ичи била ўтуб, Андижонга борур. Бу руднинг ҳар икки жониби боғот тушубтур, та-мом боғлари рудқа мушрифтур, бинафшаси бисёр латиф бўлур, қалин лола ва гуллар очилур...».

Фарғона водийсининг қайси шаҳар, қасаба ёки қишлоғини таърифламасин, Бобур бу элнинг сахийлиги, меҳмондўстлиги, гўзал табиасти ҳақида ҳам гапиради. Айни пайтда имкон қадар шаҳарларнинг бир-биридан фарқланиб турадиган жиҳатларига эътиборни қаратади. Масалан, у Марғилон ҳақида сўзларкан, унинг пурнеъматлиги, айниқса, анор ва ўриги «асру кўл»лигини таъкидлайди. Марғилон ўриқларининг олий сифатлигини айтиб қолмай, марғилонликларга хос ўрик қуритиш усули ҳақида завқ билан маълумот беради: «Яна бир жинс ўрук бўлурким, донасини олиб, ичига мак солиб қурутурлар, «субҳоний» дерлар, бисёр лазиздур». Қолаверса, шоҳ Бобур диққатидан Марғилон элининг жасурлиги — ботир аскарга хос хусусияти ҳам четда қолмаган: «Жангаралиқ расми Мовароуннаҳрда шойиъдур, Самарқанд ва Бухорода номдор жангаралар аксар марғинонийдир».

Заҳириддин Муҳаммад Бобур учун Самарқанд ва унга қарашли музофотлар фақатгина жуғрофий муҳит эмас, балки бобоси Амир Темур салтанатининг пойтахти, Мовароуннаҳр маркази, темурийзодалар ором топган муқаддас шаҳар сифатида ҳам қадрлидир. «Бобурнома»да Самарқанд

ҳақида маълумот берган муаллиф, назаримизда, юксак масъулиятни ҳис этган, билимини харж этиб, бутунги аҳволда шаҳар тарихи учун жуда қимматли маълумотларни қолдирган. Зотан, асардаги бошқа шаҳарларга берилган маълумотлар билан Самарқандга оид муаллиф қарашларини қиёсласак, катта фарқни кўрамиз. Бу, аввало, маълумотлар қамровининг кенглиги, бир-бирини мантиқан тўлдира бориши ва, ниҳоят, бу буюк шаҳар ҳақида имкон қадар бой далиллар воситасида фикр юритилгани билан характерланади.

Заҳириддин Бобур олим сифатида Самарқанднинг Ер қуррасидаги жуғрофий ўрнини ўша пайтдаги «бешинчи иқлим», «рамзи нужумий», «даража ва дақиқа» ва бошқа атамалар билан белгилайди ва «рубъи маскунда Самарқандча латиф шаҳр камроқтур», дейди. Эътибор берсак, Бобур Самарқандга қанчалик меҳр қўйган бўлмасин, одоб юзасидан бу шаҳарчалик дунёда бошқа шаҳар йўқ демайди, балки «камроқтур» сўзини ишлатади.

Муаллиф Самарқанднинг, умуман, Мовароуннаҳрнинг ислом дини ва мафкурасини назарий жиҳатдан асослашда ўзига хос бешик бўлганини фахр билан таъкидлайди, Самарқанд элига юксак баҳо беради («эли тамом сунний ва пок мазҳаб ва муташарриъ ва мутадаийин элду»). Бу баҳода исломий ақидага содиқликдан ташқари, инсоннинг фазилатларини белгиловчи муҳим жиҳат — жамият тартиб-қоидаларига бўйсунувчи, ўз қадр-қимматини ардоқловчи кишилар сифати ҳам айтилмоқдаки, бу жуда муҳим.

Шундан сўнг Бобур ҳаёти Самарқанд шаҳри билан боғлиқ ҳолда кечган буюк шахслар, яллома ва олимлар номларини тилга олади. Унинг фикрича, ислом дини пайдо бўлгандан бери дунёда ҳеч бир шаҳар бу дин ривожига Самарқандчалик хизмат қилмаган, бунчалик кўп олиму фузалоларни етиштириб бермаган. Шайх Абу Мансур ал-Мотурудий, Имом Бухорий, Бурҳониддин ал-Марғиноний

сингари алломалар номларини зикр этаркан, Бобур уларнинг муборак қабрлари шу шаҳарда эканлигини ёзади. Шу ўринда бир жиҳатта диққатни тортмоқчимиз. Юртимиз мустақилликка эришгач, ҳукуматимиз ўтмиш қадриятларимиз, алломаларимиз меросини ўрганиш, тиклашга киришаркан, дастлабкилар қаторида айнан «Бобурнома»да муаллиф тилга олган Имом Бухорий ва Абу Мансур Мотурудий таваллудлари саналарини кенг миқёсда нишонлади, уларнинг қадамжолари қайта тикланиб, обод этилди, илмий мерослари бугунги авлодга етказилди. «Ҳазрати Рисолат саллаллоҳу алайҳи ва саллам замонидин бери ул миқдор аиммайи исломким, Мовароуннаҳрдин пайдо бўлубтур, ҳеч вилоятгин маълум эмаским, мунча пайдо бўлмиш бўлмай. Шайх Абу Мансурким, аиммайи каломдиндур, Самарқанднинг Мотурид отлиқ маҳалласидиндур. Аиммайи калом икки фирқадур, бирни «мотуридия» дерлар, бирни «анъария». Мотуридия Шайх Абу Мансурга мансубдур. Яна соҳиби «Саҳиҳи Бухорий» Хожа Исмоил Хартанак ҳам Мовароуннаҳрдиндур...».

Самарқанднинг жутрофий ўрнини таърифлаган Бобур шаҳар тарихига алоҳида тўхталган. Унингча, «Самарқандни Искандар бино қилғондур»(аслида Искандар забт этганда Самарқанд катта шаҳар бўлган ва шу ном билан аталган). Бобурнинг Самарқандга оид маълумотида диққатни тортувчи муҳим жумла бор. Унда шоҳ Бобурнинг мулк, Ватан муҳофазасига куюниши, саркарда сифатида душманлардан ҳимоя этишга интилишини кузатамиз. Маълумки, қадимда шаҳарлар мустаҳкам қўрғонлар билан ўралган. Қўрғон деворининг мустаҳкамлиги, узунлиги шаҳарни, давлатни бошқарган ҳукмдор қудратининг рамзи сифатида баҳоланган. Ўн минг олти юз одимли Самарқанд қўрғони Бобур орзу қилган пойтахт қўрғонидир: «Қўрғонини, фасилнинг устидин буюрдумким, қадам урдилар. Ўн минг олти юз қадам чиқти».

Заҳириддин Бобур Самарқанд қад кўтарган водий ҳақида завқ билан ҳикоя қилади. «Бобурнома»ни мутолаа қилар эканмиз, муаллиф шаҳар гўзаллиги, оқар сувлари, мухташам биноларидан туйган завқни биз ҳам туямиз. Бобур яхши географ олим сифатида, Самарқанд чегараларини бирма-бир санаб ўтар экан, шаҳардаги Кўҳак, Конигил, Боғи Майдон мавзеларининг мафтункор гўзаллигини алоҳида шавқ билан тасвирлайди. Уни, аввало, Кўҳак ариқларидаги тиниқ, зилол сувлар, Дарғом каналининг шукуҳи ўзига тортган. У Дарғом суви ҳақида ёзаркан, Мовароуннаҳр ерларининг муайян қисми шу каналдан баҳрамандлигини уқтиради: «Самарқанднинг бовот ва маҳаллоти ва яна неча тумоноти бу сув била маъмурдур. Бухоро ва Қоракўлгачаким, ўттуз-қирқ, йиғоч йўлга ёвуқлашур. Кўҳак суйи била маъмур ва мазруъдур». Бобур ўша даврда ҳам Самарқанд аҳолиси боғдорчилик ва сабзавотчилик билан шуғулланганини, деҳқончилик элининг асосий юмуши ва ризқ-рўзи манбаи бўлганини таъкидлаган. Бунга Бобурнинг қуйидаги фикри янада ойдинлик киритади: «Мундоқ улуг дарё (Зарафшон — Ҳ.Қ.) асло зироаттин ва имораттин ортмас, балки ёзлар уч-тўрт ой Бухорова сув етмас».

Самарқанд таърифида Бобур бир жуда нозик, ўзига хос қиёсий таҳлилни келтирган. Гап Самарқанд ва Кобул обҳавосини таққослаш, Самарқанд мевалари доврўи ҳақида. Бу икки шаҳар Заҳириддин Бобурнинг ҳаёти мазмуни, унда пойтахт иштиёқини туғдирган маконлар сифатида хушҳаволиги, ўзгача табиати билан бошқа шаҳарлардан алоҳида ажралиб турган, адиб меҳри тушган йирик масканлардир. Шу боис, муаллиф бу шаҳарларнинг ўзига хос фазилатларини қиёслайди, ижобий жиҳатларини жамлаб, бир шаҳар тимсолида кўришни истайди.

«Бобурнома»ни муаллиф кўрганларини кунма-кун ёзиб бориб яратган, деган фикр мавжуд. Қуйида келтирилган парча эса шундан далолат берадики, муаллиф зарур ўрин-

ларда асарни таҳрир қилиб, тўлдириб борганга ўхшайди. Зеро, Самарқанд ҳақидаги қуйидаги фикрни муаллиф 1497 — 1498 йил воқеалари кечган пайтда ёзган. Афғонистоннинг Кобул шаҳрида эса у фақат 1503 йили бўлган. Парчада Бобур Самарқанд ҳавосини Кобул ҳавоси билан қиёсан таҳлил этган, демак, кейинчалик «Бобурнома» («Вақоит») муаллиф томонидан кўздан кечирилиб, асарнинг бу жойига айрим ўзгаришлар киритилган: «Ўзуми ва қовуни ва олмаси ва анори, балки жамиъ меваси ҳўб бўлур. Вале икки мева Самарқандтин машҳурдур: себи Самарқанд ва соҳибийи Самарқанд. Қипи маҳкам совуқтур, қори агарчи Кобул қорича тулмас. Ёзлар яхши ҳавоси бор, агарчи Кобулча йўқтур».

Заҳириддин Бобурнинг Самарқанд шуҳратини беҳисоб боғлари, муҳташам меъморлик обидалари орқали кўрсатгани табиий ҳол. Зеро, темурийлар салтанати даврида бу шаҳар империя пойтахти бўлиб, Амир Темур шаҳарнинг ободонлиги, боғ-роғлар билан чирой топиши, шунга мос юксак меъморий обидалар яратишга катта эътибор берган. Шаҳзодалар Шохрух, Улугбек, Муҳаммад Султон томонидан бу анъана давом эттирилиб, бир қанча мадрасалар, бинолар, осмонўпар миноралар қад кўтарган. Амир Темур вафотидан юз йилча вақт ўтгач, Самарқандни кўрган, бу шаҳарда яшаб, уни тасвирлаган Бобур буюк масканнинг муҳташам кўшклари, масжиду мадрасалари ҳақида мароқ билан ҳикоя қилади. Боғи Дилкушо, Боғи Бўлду, Нақши Жаҳон, Боғи Чанор, Боғи Шамол, Боғи Беҳишт сингари боғлар инсон қўлининг яратувчилиқ меваси эканини таткидлаб, бунинг натижасида жаннатсимон ўлка бунёд бўлганини мароқ билан таърифлайди. Бобур боғларни алоҳида-алоҳида тасвирлар экан, ўқувчи диққатини боғдорчилик санъати, уни яратувчиларнинг эстетик дид ва қараишлари сирхонасига бошлайди. Меъморлик жозибаси, «гўниялик», «тарҳлик», «сиёқлик» боғлар — шаҳар кўрки ва жозибаси тавсифи ўқувчини бефарқ қолдирмай-

ди, диёнатли аждодларимизнинг табиатга имон мезони билан қараб иш тутганларига тасаннолар айтади, албатта.

Самарқанд шахрининг беқиёс фазилатларини санаб ўтган Бобур, ўша пайтда ҳукм сурган султон ва беклар, ворисийлик тарзида, боболари Амир Темурнинг анъаналарига содиқ қолиб боғлар яратаётганини, бу боғлар ҳам ўзининг пурфайзлиги ва пурсафо, ҳаволи масканларни вужудга келтираётганини мароқ билан тавсиф этади: «Султон Аҳмад мирзонинг замонида ҳам бек ва бекот қалин боғ ва боғча солдилар. Ул жумладин, Дарвеш Муҳаммад тархоннинг чорбоғича сафолиқ ва ҳаволиқ ва мадди назарлиқ чорбоғ кам бўлмай. Боғи Майдондин қуйироқ, баландининг устида Қулба ўлангига мушриф бир чорбоғ солибтур, тамом бу ўланг оёғ остидадур. Чорбоғда ҳам мартаба-мартаба ерларни сиёқ била тузатиб, яхши порванлар ва сарв ва сафедорлар тикибтурлар, хейли саромад манзилдур. Айби будурким, улуғ суйи йўқтур».

Бобоси Амир Темур сингари боғ яратиб, муҳташам кононалар қуришга юксак иштиёқ сезган Бобур учун Самарқанднинг Кўксаройи, муҳташам масжидлари, Улуғбек мирзо мадрасаси, ҳаммомлар, муҳандислик санъати мўъжизаси ҳисобланган Муқаттаъ мадрасаси, Кўҳак пуштасидаги боғ ва иморатлар, сангфарш кўчалар ва тартибли савдо расталари, хуллас, барчаси ҳайрат ва ҳавас намунаси бўлган. Бобур Самарқанд кононалари ичида Улуғбек расадхонаси ҳақида батафсил маълумот беради: «Пуштайи Кўҳак доманасида расаддурким, зиж битмакнинг олатидур. Уч опёнлиқтур. Улуғбек мирзо бу расад била «Зижи Кўрагоний»ни битибтур...». Бу маълумотда олим Бобурнинг аниқ қарашлари, Мирзо Улуғбек илмига эҳтироми мужассам. Бу сатрлар шўро даври идеологияси тарқатган, гўё Улуғбек расадхонаси унинг вафотидан сўнг Хожа Аҳрори Вали «жоҳилияти» билан бузилган деган сафсатани йўққа чиқаради. Зотан, орадан шунча вақт ўтиб, Бобур расадхонани ўз кўзи билан кўриб тасвирлаганки, аини шу ҳақиқат

«Бобурнома»нинг тарихий жиҳатдан ҳам жуда қимматли манба эканини яна бир бор исботлайди.

Бобур Мирзо Улуғбекнинг фалакиёт илмида нодирлиги, бошқа астрономлардан устунлигини аниқ далиллар келтириб исботлайди, қондош шахзоданинг илмий ютуғидан ғурурланади. Бу сатрлар Бобурнинг фалакиёт илми тарихидан хабардорлигини ҳам кўрсатадики, бу ниҳоятда муҳимдир: «Улуғбек мирзо бу расад била «Зижи Кўрагоний»ни битибтурким, оламда ҳоло бу зиж мустаъмалдур. Ўзга зиж била кам амал қилурлар. Мундин бурун «Зижи Элхоний» мустаъмал эрдиким, Хожа Носир Тусий Ҳалокухон замонида Мароғада расад боғлатибтур, Ҳалокухондурким, Элхон ҳам дерлар. Ғолибо оламда етти-секкиз расад беш боғламайдурлар...».

Ушбу сатрлардан сўнг Бобур фалакиёт илмида «Зижи Маъмуний», «Зижи Батлимус» борлиги, Ҳиндистонда ҳам ўз зижлари мавжудлиги, улардан энг мукаммали эса Мирзо Улуғбек асари эканини алоҳида уқтиради.

Заҳириддин Бобур темурийлар даврида Самарқандда жуда кўп иморатлар қурилганини айтиб, шаҳардаги бир қадимий иморатга ўқувчи диққатини тортади: «Самарқанднинг қалъасининг ичида яна бир қадимий имораттур, Масжиди Лақлақа дерлар. Ул гунбазнинг ўртасида ерга тепсалар тамом гунбаздин лақ-лақ ун келур, ғариб амредур, ҳеч ким мунинг сиррини билмас».

Бобур шаҳар атрофидаги унча муҳташам бўлмаган, аммо табиатнинг хайрли инъоми боис яратилган ва ўша давр ҳокимларининг дам олиш гўшаларига (ўланглар) айлан-тирилган қатор масканларни ҳам тилга олади. Бу жойларнинг аксарияти Бобурнинг ҳаёти, Самарқанд учун олиб борган курашлари, валаба нашидаси ва мағлубият аламлари билан боғлиқ. Қуйидаги парчада Кониғил, Хон юрти, Бўдана қўриғи, Қўли Мағок, Қулба ва бошқа ўлангларни бир-бир санаб ўтаркан, бу юртдан кўнгил узгиси келмаётгани, унинг таърифини тугата олмаётганини пайқаш қийин эмас: «Яна бир ўланг Бўдана қўруғидур, Дилкушо боғи

била Самарқанд орасида воқитъ бўлубтур. Яна бир Қўли маюк ўлангидур, Самарқандтин икки шаръийга ёвушқай, варб саридур, бир нима шимолга мойил... Яна бир Қулба ўлангидур, бу мухтасарроқ ўлангдур...».

Заҳириддин Бобур Самарқанд таърифини якунлар экан, фикр-мулоҳазаларини умумлашма тарзда баён этади. Бунда фақат шаҳар тавсифи эмас, балки аҳолисининг сарф-саранжомлиги, ўз ишининг устаси бўлган касб-ҳунар эгалари кўплиги алоҳида таъкидланган. Зотан, бу таърифда ўтмиш маънавийтимизининг бир саҳифаси, савдо, ҳунармандчилик маданиятининг устунлиги ва жаҳоншумул аҳамият касб-иштани ўз аксини топган: «Самарқанд шаҳри ажаб ораста шахрдур, бу шахрда бир хусусияти борким, ўзга кам шахрда андоқ бўлмай. Ҳар ҳирфагарнинг бир бошқа бозори бор, бир-бирларига махлут эмастур, тавр расмедур. Хўб ноинволиқлари ва ошпазликлари бордур. Оламда яхши коғаз Самарқанддин чиқар. Жувози коғазлар суйи тамом Конигилдин келаду. Конигил Сиёҳоб ёқасидадурким, бу қора сувни Оби Раҳмат ҳам дерлар».

Заҳириддин Бобурнинг Мовароуннаҳр ҳақидаги мулоҳазаларида Бухоро шаҳри ва туманларининг «яхши вилоёт ва тумоноти» борлиги таъкидланади. Бироқ «Бобурнома»да биз Бухоро шаҳри ҳақида унчалик кўп маълумотни учратмаймиз. Асарда шаҳар 25 марта тилга олинса-да, бу асосан уруш лавҳалари, шахслар тақдири, мадраса ва мударрислар ҳаёти билан боғлиқ ҳолда эсланади. Бу, ахтимол, Бобур ҳаётининг, «Бобурнома» воқеаларининг ислом оламидаги бу машҳур шаҳарга унча алоқадор бўлмагандандир. Шу боис Бобур «Бухоронинг ҳам неча тумоноти бор. Тавр шаҳре воқитъ бўлубтур», дея унинг тарихий обидалари ҳақида фикр билдирмаган, аксинча, бу музофот таърифидида унинг мева ва полиз экинлари тавсифини бериш билан қаноатланган. Хусусан, «Мовароуннаҳрда Бухоро қовунича кўб ва хўб қовун бўлмас», «яна «олуйи бухорий» машҳурдур», «Бухоро олусидек ҳеч ерда бўлмас»,

«Мовароуннаҳрда Бухоро човирларидин тундроқ човир бўлмас» каби баҳоларда бундан беш юз йил олдин бу шаҳар ва туманларда ҳисобсиз бов-ровлар, тоқзорлар, яъни ғоятда мувофиқ экологик муҳит мавжуд бўлганидан хабар тонамиз.

Булардан ташқари, «Бобурнома»да Мовароуннаҳрга тегишли Кеш (Шаҳрисабз) вилояти ҳақида ҳам сўз юритилган, у ерда Жаҳонгир мирзо ва бошқа қариндошларининг қабрлари борлиги ва Амир Темур билан боғлиқ маълумотлар келтирилади. Бобур япаган даврда Қариши Насаф ва Нахшаб деб аталганлигини биламиз. Ғуздор, Кармана, Шовдор вилоятлари ҳақида ҳам қисқача маълумот бериб, муаллиф бу жойларнинг табиати, ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳақида тўхталиб ўтган. Шу билан Бобур Мовароуннаҳр ўлкалари ҳақидаги таъриф-таъсифларини «агарчи яна туманлари ҳам бор, бу мазкур бўлғонларча эмас. Ушмунча била иктифо қилилди», деб сўзини якунлайди.

### III БОБ. ШАХС СИЙМОСИДА ЗАМОН РУҲИ

#### 1. Воқелик ва руҳий ҳолат тасвири

Табиийки, барча бадий, тарихий асарларда, эдаликларда инсон ҳаёти, турмуш тарзи ва феъл-атвори ўз ифодасини топади. Мумтоз насрий асарлар ҳам бундан холи эмас. Зеро, одамлар орасидаги муносабат, аввало, ҳиссиёт, ҳаяжон, руҳий ўзгаришларсиз юзага келмайди. Бу ҳолатлар бадий, саргузашт, тарихий-илмий саргузашт асарларда қандай ёритилганини ўрганиш адиб услуби, баён тарзини белгилашда ёрдам беради.

Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» китобида Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари таърифланиб, асар персонажларининг руҳий ҳолатлари жонли ва ҳаётӣ акс эттирилгани алоҳида таъкидланган: «Зафарнома»нинг муаллифи, жаҳоннинг энг латофатли ва шарафли (кишиси), ётган тупроғи пок бўлгур, Мавлоно Шарафиддин Али Яздӣ у юришда олийжаноб шаҳзода Абул Фатҳ мирзо Иброҳим Султоннинг узангиси ёнида мулозим бўлган экан. У айтади: «Ўта жанговар душманининг мустаҳкам истеҳкоми бўлган Салмос рўбарўсида мен довюраклилик ва шижоатлиликнинг мукамаллиги, диловарлик ва ғайратлиликнинг чексизлигини ўз кўзим билан кўрдим ва бу борада ниманики аниқ кўрган бўлсам, ҳақ устига ҳақдирки, агар уни юздан бирини бўлса ҳам нақл тариқида оғизлардан эшитилса, ақл уни қабул қилишдан, албатта, ибо қилган бўлур эди».

Абдураззоқ Самарқандийнинг бу баҳосини тарихчи адибнинг «Зафарнома» ҳақидаги мулоҳазаси сифатида қабул этиш мумкин. Бунда асарнинг муҳимлиги, ундаги воқеа-

ҳодисалар имкони борича кенг, ҳаётий тасвирлангани шахзода Иброҳим Сулгон таърифида кўзга ташланади. Албатта, Абдураззоқ Самарқандий баҳо берган ҳаққоний тасвир бизнинг тушунчамиздаги баҳога мос келмас. Бироқ «Зафарнома»даги бўрттириш, муболая ва истиорага бой тасвирлар бу баҳода ўша давр адабий-эстетик мезонини акс эттирган десак, тўғри бўлади.

Мушкулликларга бардош бериб, мапаққатларни матонат ила енгган, қийинчиликлардан нолимайдиган Бобур ҳам баъзан оддий одам қатори кўнгли тўлиб, кўзига ёш олади. Асарнинг айрим жойларида ана шу ички туйғу, муаллифнинг руҳий ҳолати, изтироби бетакрор ўхшатишлар ёрдамида ифодаланган.

Вафотидан икки йилча олдин Бобур умр қарвони манзилга етаётганини савқитабий билан англаганга ўхшайди. У, айниқса, 1527 — 1528 йиллар воқеаларига доир дил изҳорларида фарзандларига тез-тез васиятномалар битади, насиҳатлар қилади, мулкларини зурриётлари ва яқинларига тақсимлаб, бош вориси сифатида Ҳумоюнга мактуб ва фармонлар ёзиб жўнатади.

Унинг сўнгги икки-уч йиллик ҳаёти ўта зиддиятли руҳий кечинмалар, қарама-қаршиликлар гирдобидида ўтган. Бир томондан, Ҳиндистонни фатҳ этгани, Иброҳим Лўдийдек саркардани енггани, ҳисобсиз бойликни қўлга киритгани кўнглига таскин берган бўлса, бошқа томондан фарзандлари Ҳумоюн, Комрон ва Ҳиндол ҳаракатларида тож-тахт, мол-мулкка ўчлик кайфияти, ворисликка даъвогарликлар ташвиш туғдиради. Қолаверса, ҳиндларнинг қанчалик бошини қовуштирмасин, уларни давлат, юрт бошқарувига тайинламасин, айримларининг бобурийлар салтанатига ишонқирамай қариши, гоҳида душманлик кайфияти Бобурнинг беором қалбига таҳлика соларди. Ахир, у Иброҳимнинг онаси Байдага қанча яхшиликлар кўргизиб, фарзандидан кўрмаган иноятлар қилганда ҳам бу аёл унинг таомига заҳар солган эди. Энг яқин кишилари, ҳатто у суянган бек Хўжа Калон Ҳинд иқлими ёқмагани боис уни тарк этиб, Ҳазнига жўнайди...

Бу воқеаларнинг барчаси—Бобур учун ички руҳий то-  
лиқиш, дунёдан беэиш даражасида таъсир этган нохуш-  
ликлар “Бобурнома”да зикр этилган. Келинг, қўйидаги  
вазалга эътибор берайлик. Шоир руҳий ҳолати аввалги-  
дан оғирроқ, кайфиятида тушкунлик қалаба қилгандек.  
Унинг метин иродаси, бардам руҳияти ҳам тақдир бошига  
солган сарнавишт дастидан мумдек эзилган, гўё чорасиз-  
дек. Бунинг устига сурункали беморлик ҳам қандайдир  
ноумидлик соясини солган:

*Сўрма ҳолимники, бўлдум бурноғидин зорроқ,  
Жисм жондин зору жоним жисмдин афзорроқ.*

*Банда тақрир айлай олмон банди-бандим дардиш,  
Юз темир банд ўлса андин бу эрур душворроқ...*

*Келмас ўхшар заҳматинг ислоҳға, Бобур, магар,  
Ҳар давоким қилдилар, бўлдуңг доғи беморроқ.*

Ҳақиқатда ҳам бу вазал Бобурнинг умр қарвони по-  
ёнига етаётган, табибларнинг ҳаракатлари ожиз қолган  
дамларда ёзилган бўлиши мумкин. Эҳтимол, бу мисралар  
буюк адибнинг умри давомида қалбидан кечган туғёнлар,  
амалга оширган ишлари сарҳисоби ва армон тўла юрагида  
қолиб кетаётган қониқмаслик ҳислари ифодаси тарзида  
юзага келгандир. Унинг хаста пайтини Гулбаданбегим чу-  
қур ҳиссиёт билан бой маълумотлар асосида тасвирлайди.  
Бемор шоҳ кўзига бундай дамларда на эгаллаган ҳудудсиз  
ўлкалари, на тенгсиз бойлиги кўринади. Уни, аввало, фар-  
зандлари, невараларининг тақдири, уларнинг теурийзода  
сифатида келажакда қандай иш юритишлари кўпроқ  
ўйлантиради. «Хумоюннома»да Бобурнинг Ҳиндолни бе-  
морлик тўшагида кутиши ўта ҳаяжонли тасвирланган. Бу  
сатрлар аёвсиз ҳаёт саҳнасининг айнан ўзи. Санъаткоро-  
на тасвирланган Бобур ва унинг атрофидагиларнинг ру-  
ҳий ҳолати ўқувчини ҳайратга солади. «Бобурнома»да кўрга-

нимиздек, шоҳ фарзандлари орасида Ҳумоюнга меҳри баланддек, гўё фақат уни суядигандек туюлади. Лекин бу мисолда фарзандларининг барчасини бирдай меҳр билан севадиган ота — Бобур гавдаланади. У ўзининг сўнгги дамлари яқинлашганини сезаркан, Ҳиндол ўғлини ҳалигача кўнглидагидек суймагани, унга оталик меҳрини беролмагани боисдир, жуда безовталаниб: «Ҳиндол қаерда, қачон келмоқчи, нима бўло куттириб қўйди?» деб атрофидагиларга жовдираб қарайди, фарзанди «ҳа» деганда етиб келавермагани боис таҳликага тушади.

Ана шу руҳий ҳолат Бобурни ота, шахс, оддий инсон сифатида кўз ўнгимизда гавдалантиради, унга меҳримиз янада ошади: «Ҳазрат Ҳиндолнинг қад-қомати қандай экан, кўрсам эди, деб яна қаттиқроқ талаб қила бошладилар. Ҳар соат, ҳар вақт, афсуски, Ҳиндолни кўра олмадим, дер эдилар... Касаллик аспосида онамга: Гулрангбегим билан Гулчеҳрабегимларни эрга бериш лозим, деб ҳукм қилдилар ва агар аммам ҳазратлари келсалар, у кишига подшоҳ, менинг фикримча, Гулрангбегимни Эсон Темур Султонга ва Гулчеҳрани Тўхта Буға Султонга берсак деганлар, деб хабардор қилинглар, дедилар».

Заҳириддин Бобурнинг меҳрибонлик билан ўз жигарбандларининг турмуш қуришлари ҳақида васият қилгани, нимага асосланиб айнан шундай қарорга келгани бизга қоронғи. Аммо бир нарсга аёнки, Бобур бундай хулосага келгунча қариндош-уруғларининг кайфияти, фикр-мулоҳазалари, салтанатининг келажаги борасида кўп ва ҳўп ўйлаган, қанчалик руҳий изтироб чеккан ёхуд орзулар чаманида сайр этган. Нима бўлганда ҳам, бу ҳолат Бобурни яна бир карра ўзгалар бахти, тинчлиги учун охириги дамгача қайғургани, ота сифатида фарзанд меҳрига чанқоқ эканини кўрсатади — кўз ўнгимизда унинг шахсиятини янада юксалтиради.

Юқорида Заҳириддин Бобур ҳаётининг охириги йилларидаги руҳий ҳолатига қисман тўхталдик. Энди унинг ёшлик даврига, жўшқинлик палласига назар ташлайлик.

Бир муддат (1524—1526 йиллар) Бобур чоғир — май ичишга берилади. «Бобурнома»даги айрим саҳифалар унинг «чоғир мажлислари»дан гувоҳлик беради. Шундай мажлислардан бири тасвирида унинг оддий инсонга хос руҳий ҳолати акс этган. Бобур кемада «намози хуфтангача» май ичиб, қаттиқ маст бўлади. Албатта, шароб ичган ҳар қандай одам ақлий фаолиятини муайян даражада идора қилолмай қолиши табиий ҳол. Шундай ҳолат «Бобурнома»да жонли ва ҳаққоний тасвирланган. Муаллиф ўзи ҳақида ҳеч нарсани яширмасдан — воқеа қандай рўй берган бўлса, шу ҳолида тасвирлаган. Бобур «ғариб маст экандурмен» дейди ва мастлик аломатлари — отга миниб, бир қўлда мангълани, иккинчи қўлида жиловни тутиб («якжилов») от сурганини ёзади. Унинг ўша пайтдаги руҳий ҳолатини кўрганлар эрталаб ҳикоя қилганда, эсида қолмаганини айтади: «Намози пешин сайрға отланиб, кемага кириб, арақ ичилди, аҳли мажлис... намози хуфтангача кемада ичиб, намози хуфтан кемадин маст тоғиҳ чиқиб отланиб, мангълани илгимга олиб, дарё ёқасидин ўрдуғача отнинг бу юзига эгилиб, гоҳ ул юзига эгилиб, якжилов чопиб келибтурмен, ғариб маст экандурмен. Тонгласиға мундоқ машғала олиб, ўрдуғача якжилов келганимни шарҳ қилдилар. Асло хотиримға келмади. Уйга келганимда хейли истифров қилибтурмен».

Кейинроқ Бобур май ичишни ман этувчи фармон эълон қилади. Албатта, бирор-бир шахс ёки салтанат аҳлини бир фармон билан май ичишдан тўхтатиш амримаҳол. Аммо бу фармон Бобурнинг жамият ахлоқига ҳушёр муносабатидан, унинг майхўрлик иллатига қарши чиққанидан далолат беради. Мазкур фармонгача унинг май ичишга рабати борлиги, бу иллатнинг унда пайдо бўлиши сабаби оддий инсон ҳаёти, онгида юзага келувчи руҳий кечинма билан боғлиқ. Бобурнинг ижодида унинг шаробдан бирийўла озод бўлиш, ичмасликка интилиш нақадар мушкул кечганини тасвирловчи ажойиб лавҳалар бор. Ичмасликка қанчалик аҳд этмасин, барибир, ҳаётнинг мураккаб дақиқала-

ри, турмуш ташвишлари уни май ичинга мойил этгани, мушкулликлардан бирқадар фория қилувчи восита фақат май экани қуйидаги сатрларда аён кўринади:

*Май тарини қилғали паришондурмен,  
Билмон қилур ишимни ҳайрондурмен,  
Эл барча пушаймон бўлур, тавба қилур,  
Мен тавба қилибмену, пушаймондурмен.*

Шоҳнинг иродасизлиги юртнинг бузилишига олиб келишини, ватъдага вафосизлик эса киши табиатини тубанлаштиришини билган Бобур ўзини енгади, чидайди, кўникади. Қуйидаги парча унинг ички дунёси мустаҳкам ирода, руҳий тетикликка вобаста эканини яққол акс эттирган. Оддий инсон бошидан кечадиган бундай ҳолат Бобур тасвирида енгил, табиий, жонли ифодасини топган: «Филвоқеъ, бу ўтган икки йилда чоғир мажлисини орзу ва иштиёқи беҳад ва воят эди, андоқким, чоғир иштиёқидин борлар йиғламоқ сарҳадиға етар эдим. Бу йил, алҳамдулиллоҳ, ул давдаға тамом хотирдин рафъ бўлди».

Бу сатрлар Бобурнинг чоғирдан тамомила фория бўлгани, айни пайтда, унинг май ичишни тарк этиш жараёни воят мураккаб кечганининг жонли тасвирини беради. Қанчалик оғир бўлмасин, Бобур ўзини енгган. Маънавий юксалиш жараёнига у тезда мушарраф бўлмаган, албатта. «Бобурнома»да ўспиринлик давридаги руҳий тувёни замирида бу жиҳат ўзининг ҳаётий, бадий инъикосини топган. Бобур Музаффар мирзо уйида меҳмон бўлганини тасвирлайди. Бу пайтда у ўспирин, чоғир базмларига кўп кўшилган бўлсада, шароб истеъмол қилмаган эди. Аммо руҳиятида аҳли базмга кўшилиш, ундан баҳраманд бўлиш ҳаваси кучли, у эса ичиш керакми, йўқми, деган иккиланишни енгилга уринар эди. Ҳалигача, дейди у, «нашға бўлгунча чоғир иртикоб қилмайдур эдим, мастлиқ ва сархушлуқ кайфияти ва ҳолатини камоҳаққуҳу билмайдур эдим...». Аммо давра аҳлининг сархушлиги, майнинг ақлга шиддатли таъси-

ри, хуш кайфият («мураввақ чоғирларни мажлис аҳли ҳам ҳайвон суйидек юта кириштилар, мажлис қизиқти, чоғирлар бошқа чиқти, бу ҳаёлда эдиларким, манга ичиргайлар») ёш Бобурда ҳам ичинга иштиёқни қўзғайди («ичмоққа майлим бор эди ва бу водийни тай қилмоққа кўнғлум тортар эди»).

Эътибор берсак, «Бобурнома»даги бу парчада базм муҳитининг, даврадошларнинг ҳамсухбатга кучли таъсир ўтказишининг ёрқин манзараси акс эттирилган. Киши руҳиятида содир бўлувчи ҳар бир ўзгариш, уни камолотга ёки забунликка олиб бормасин, ҳам объектив, ҳам субъектив жиҳатдан етилгандан сўнггина амалга ошишини кўрамиз.

Бу базм саҳнаси Бобурнинг йигитлик палласига кирганидан далолат беради. Биринчидан, базм ўтаётган кошона муҳташам, тарабхона Султон Абусаид мирзо буюртмасига кўра, наққошлар томонидан унинг жанглари манзаралари тасвири билан безатилган. Ёш Бобур темурий шаҳзодалар томонидан ҳурмат-эҳтиромда, унга энг азиз меҳмон сифатида ҳатто Музаффар мирзодан ҳам юқорида жой берганлар: «...шимолий сариға шаҳнишинда икки тўшак солдилар, бир-бирига рўбарў, тўшакларнинг ёнлари шимол сари эди, бир тўшакда Музаффар мирзо ва мен ўлтурдук, яна бир тўшакда Султон Масъуд мирзо ва Жаҳонгир мирзо ўлтурдилар. Музаффар мирзонинг уйида чун меҳмон эдук, мени Музаффар мирзо ўзидин юққори олди».

Иккинчидан, Бобур шаробга майл бутун пайдо бўлмагани, ҳатто отаси Умаршайх ҳаётлик пайтида ҳам чоғир ичишни таклиф қилишгани, аммо ичмагани, айниқса, «Хожа Қозининг юмни қадамидин зоҳид ва муттақий» бўлганини ёзар экан, ўзининг сабр-бардоши, атрофидагилар эҳтиромини тўла инобатга олганини баён этади. Учинчидан, Бобур у пайтда ёш йигит эса-да, уруш майдонларида тажриба орттирган, Шайбонийхондек қудратли ғанимини Самарқанддан чиқариб, шаҳарга эгалик қилган ва шаҳар берган

султон эди. Ана шу руҳий кўтаришчилик, ўзига ишонч уни чоғир базмига киришга тайёрлигини билдирган.

Заҳириддин Бобур бу нодир руҳий ҳолат тасвирини давом эттираркан, яна иккиланиб қолганини — ички руҳий ҳолатини жозибали тасвирлайди. Юқорида таъкидланган сабабларга кўра, Бобур кўнглида «чоғирға майл пайдо» бўлганини ўзи ҳам сезган. Шундай бўлса-да муаллиф яна бир неча инкор этиб бўлмас сабаблар, объектив далилларни келтириб, майхўрлар даврасига қўшилиш учун руҳан тайёрлигини зикр этади. Бироқ айтиш дамда яна бир монелик сезади: Бобурни билган кишилар ичмаслигидан хабардорликлари туфайли уни қисташмайдилар. Унинг ўзи эса журъат этиб, ичин истагида эканини очиқ билдира олмаслигини жуда аниқ, ҳаётий тасвирлаганки, эҳтимол, бу ҳолатни шарҳу изоҳлар билан мазмунлироқ ёритиб бўлмас. Шу боис парчани айнан келтирдик: «...сўнгра-лар йигитлик ҳавасидин ва нафс тақозосидинким, чоғирға майл пайдо бўлди, таклиф қилур киши йўқ эди, балки чоғирға майлимни билур киши йўқ эди. Кўнглум агарчи мойил эди, мундоқ қилмағон амрни ўзлук била қилмоқ мушкил эди».

Мумтоз адабиётимиз намуналари воситасида юксак маънавий фазилатларни бутунги ёш авлодга етказиш борасида кўп гапирамыз. Бобурнинг юқорида келтирилган парчадаги андишаси темурийзодалар ахлоқи, инсоний қадр-қимматга эҳтироми, атрофдагилар фикр-мулоҳазаси билан ҳисоблашилари, жамият қонун-қоидалари барча учун, жумладан, шоҳ Бобур учун ҳам бирдек амал қилишининг ёрқин далили эмасми?! Бобур майга қанчалик майл сезмасин, ёши катталар, даврадошларнинг хоҳиши-истаги бўлмаган экан, ўзини тияди, иродасини ишга солади, ичмайди. Айтиш хислат бутунги ёшлар учун, уларнинг май ва бошқа сархуш этувчи моддаларни истеъмол қилишдан тийилишларида бир ибрат, маънавий сабоқ вазифасини ўташи мумкин.

Чоғир базми тасвири давомида Бобур барибир май ичиш-га жазм этганини, бунга руҳан ҳозирлиги, базм муҳити, давра аҳли кайфияти ҳам шунга мувофиқлигини ёзади: «Хотирға кечтиким, чун мунча таклиф қиладурлар (ҳалигача ҳеч ким таклиф қилмаган — Х.Қ.), яна Ҳиридек ороста шаҳриға келиб туриббизким, жамиъ айш-ишрат асбоб ва олоти мукаммал ва муҳайё ва бори такаллуф ва танаъум ашё ва адавоти омода ва пайдо, ҳоло ичмасам қачон ичармен деб ичмакка азм қилдим ва бу водийни тай қилмоқни жазм қилдим».

Бобур майхўрлик жараёнидаги руҳий ҳолатини дастлабки босқичидан охиригача усталик билан тасвирлайди, воқеа ривожига аҳамият беради—бошланиши, ривож, ечими ва ниҳоясини аниқ кузатади. Бу мураккаб руҳий ҳолат натижасида, таъкидлаганимиздек, шарқона тарбия, тавозе устун келади ва Бобур бу мажлисда ҳам чоғир ичмасликка аҳд қилади. Бунга оддий инсоний эҳтиром туйғуси сабаб бўлади. Ҳусайн Бойқаронинг катта ўғли Бадиғўззамон мирзо уйида бу ўтиришдан олдин меҳмон бўлган Бобур унинг қўлидан шароб ичмаган (эҳтимол, унда Музаффар мирзо мажлисидагидек катта кўтаринкилик, ичиш-га интиқлик бўлмагандир). Шу боис, кўп ўтмай унинг укаси Музаффар мирзо уйида биринчи марта шароб ичиш, Бобур назарида, катта шаҳзодага нисбатан ҳурматсизлик билан тенг. Бу нозик психологик жараён тасвирида Бобурнинг ўта сезгирлиги, ўз истак-хоҳиши, нафсини қурбон қилиб бўлса-да, теурийлар хонадони назокатига, аниқроғи, инсоний ахлоқига зиён етказмасликка интилганини кўраимиз. Ниҳоят, «Бобурнома» муаллифининг ҳикоя санъати, воқеа ҳулосасини тасвир сўнгида бериб, ўқувчини ҳаяжонга солиши ва мантиқий яқунлаш маҳоратини ҳам кузатиш мумкин: «Вале хотирға кечтиким, Бадиғўззамон мирзо оғадур, анинг илигидин ва анинг уйида ичмай, инисининг илигидин ва инисининг уйида ичсам, хотириға нима келай деб, бу тараддудимни айттим. Бу узрумни маъқул деб, бу суҳбатта чоғир таклифи қилмадилар...».

Бобур тасвирлари, асосан, йўл воқеалари билан боғлиқлиги туфайли қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати ва ички дунёси ҳам бевосита табиат манзаралари ва ҳайвонот олами тасвири билан уйғун тарзда ўз ифодасини топган. Мана бу тасвирнинг ҳаётийлигига, динамизми ва сержилолигига эътибор берайлик. Воқеа бир неча бўлакларга бўлиниб, бир якун билан ҳулосаланган. Бобур ўз шериклари билан отда кетаётир. Тўсатдан ёшлик, мусобақа завқи уни Қанбар Али ва Қосимбек билан пойгага чорлайди. Отлар югуради, ҳар ким қалаба нашидасини татиб кўрмоқчи... Бобур шеригининг оти «қолғонини боқар хаёл қилиб» ўтирилади. Бир лаҳзада эгар айланиб, Бобур боши билан ерга урилади... Бобур тасодифий ноҳушликка тушганини пайқамай қолади. Адиб ўзининг кечинмалари, азоб чеккани, аниқроғи, мияси чайқалганини қисқа, содда, аммо аниқ баён этади: «Бу оламда ўтган вақоийи туп ва хаёлдек кўзумга ва кўнглумга кўрунур ва кечар эди».

Бу тасвирда бир нозик детал бор. Унда ҳам руҳий ҳолат, ҳам ҳаётий воқеа ўз аксини топган. Бобур боши билан ерга урилар экан, зарб ҳарорати, отнинг шиддати, мардлик ва ғурур туфайли қўзғалиб, йўлни давом эттиради, аммо кейин ҳушдан кетиб, бу ҳодиса охирини тасаввур қила олмайди («агарчи ўшул замон қўпуб отландим, вале ақлим охшомгача қарорига келмади»).

Академик Б.Валихўжаев ёзади: «Маълумки, мазкур даврда тарихий асарлар билан бир қаторда мемуар-эсдалик ёзиш ҳам давом этди... Кўпгина тарихий асарларда эсдалик сифатларининг элементлари, яъни муаллифларнинг тасвирланаётган ҳодиса-воқеанинг шоҳиди бўлишлиги ҳам кўзга ташланади. Аммо бу шоҳидлик кузатувчилик доирасидан четга чиқмай, воқеалар тасвири муаллифнинг саргузашти билан бевосита боғланмайди. Ана шу жиҳатдан мемуар-эсдалик типигаги энг яхши асарларнинг хусусияти шундаки, уларда тасвирланаётган тарихий воқеаларнинг актив қатнашувчиси сифатида муаллифлар намоён бўлади. Натижада бундай асарлар тарихий-мему-

ар эсдалик доирасида қолмай, бадийлик хусусиятларига ҳам эга бўладилар».

Заҳириддин Бобурнинг тасвирлари кўпинча жангу жадаллар, нотаниш муҳит, тоғ, дала, адир, табиат ва ҳайвонлар билан боғлиқ. Табиат билан бевосита алоқада бўлган кишининг ички олами, руҳий ҳолати — қўрқув, қувонч, ҳадиксеираш, табиатнинг турли ҳодисаларига бардош бериш, уларни енгиш ва енгилишдаги психологик тасвир ўз аксини топган. Бу тасвирлар ортиқча сўз ўйини, баландпарвоз образлардан холи бўлиб, ҳаётий, киши ички кечинмаларини табиий очиб бергани билан диққатни тортади. Масалан, Бобурнинг қуйидаги тасвирини инсон руҳий ҳолатини ифода этувчи полотно дейиш мумкин.

Сел ёмқоқда. Сув тошқинидан таҳликага тушган одамлар, аскар уловларнинг саросимаси, жонларини асрашга интилишлари муаллиф томонидан реал акс эттирилган. Тасвирда асар муаллифининг ички дунёси ёрқин ифодаланган. Бобур элни фалокатдан асраш, черик ва уловларни ноқулай вазиятдан эсон-омон олиб чиқиш устида ўйлайди. Ёмғирнинг зўрайгани, сел ваҳимасидан таҳликага тушади. «Черик элига ҳам бисёр таваҳҳум бўлди», дер экан, Бобур табиий офатнинг авжига чиққанини билдиради. Тасвирда одамларда мол-мулкдан кўра, ўз жонларини асраш ҳиссиёти кучли. «Тузларини тамом аксар сув тутуб» кетгани воқеа шиддати янада ошганини англатади. Ҳодиса кимдир кечиш жойини топгани ва бу ташвишдан барчани халос этгани билан якунланади: «Якшанба куни андоқ ёмғур ёвдиким, тамом тузларни сув тутти. Бҳира била ўрду тушган боғлар орасида озгина шўр сув эди. Намози пешингача арзи бир улуг дарёча бўлди. Бҳиранинг ёвуғида бир тиргаз отими ердин кўпроқ гузар йўқ эди, уздуруб ўтар эдилар, икки намоз орасида кирган сувларни сайр қила отландим.

Ёғин ва чопқун андоқ бўлдиким, яна ёниб ўрдува келмакка таваҳҳум бўлди. Икки намоз орасида ўшул кирган сувни уздуруб ўтгум. Черик элига ҳам бисёр таваҳҳум

бўлди. Аксар эл ўтоқларини ва оғир партоллларини танилаб, жиба ва кийим-яроғларини эгниларига олиб, от яланғочлаб, уздуруб ўттилар. Тузларини тамом аксар сув тутуб эди».

Заҳириддин Бобур одамларнинг руҳий ҳолатини фақат уларнинг бошига тушган ҳодиса, кайфиятга таъсир этувчи воқеа орқали ифодаламайди. Қуйидаги парчада Бобур Сири тоғ кўталини тасвирлар экан, уни кесиб ўтувчи йўловчининг ҳолати, руҳий кечинмаларини ифодаламайди. Адиб фақат кўталнинг релйефи, шакли ҳақида «бунчалик учма тоғни кўрган эмасмен» деб, кейингина ундан юз машаққат ва ранж ила ўтилганини ёзади. Сел тасвиридаги кишиларнинг руҳий ҳолати бу гал очиқ баён этилмаса-да, кечувдан ўтиш азобининг умумлашма сўзлар орқали ифодаланиши, кўталнинг муаллақлиги туфайли тортилган машаққатлар ёрқин акс эттирилган: «Сири тоқ кўталига етук, кўтал ва не навъ кўтал, ҳаргиз мундоқ баланд ва танг кўтал кўрулган эмас, ҳеч вақт мундоқ танги ва учма йўллар била юрулган эмас. Кўп ташвиш ва суубат била мухотара танги ва учмалардин ўтуб, юз ранж ва машаққат била муҳлиқ баланд ва танг кўталлардин ошиб, Фон навоҳисига келдук».

Кўталдан ўтаётган кишиларнинг руҳий ҳолатини бериш учун муаллиф ўзининг ички кечинмалари, тоғ табиятининг ваҳималилиги, бошқа тоғларга ўхшамас ҳайратланарли жиҳатларини акс эттирган. Бобурнинг бу ўтишдан хавотирга тушгани, ўзи ва шериклари жонини асраш инстинкти «кўтал ва не навъ кўтал», «баланд ва танг», «кўп ташвиш ва суубат била», «мухотара (хавфли — **Х.Қ.**) танги ва учмалар», «юз ранж ва машаққат била», «танг кўталлардан ошиб» каби сўз ва ибораларда ўз аксини топган.

«Бобурнома»даги айрим парчалар қисса ва романлардаги тасвирларга ўхшаб кетади. 1506—1507 йиллар воқеалари баёнида Бобур Аҳмад Қосим кўҳбур ва яна бир неча йигитни қочиб кетаётган Мирзохонни тутиб келиш

учун юборади. Асарда асир тушган Мирзохоннинг руҳий ҳолати: ўз-ўзини асраш инстинкти, қўрқувдан оёқларининг ҳаракатдан қолиши, ўз гавдасини бошқара олмаслиги маҳорат билан тасвирланган. Ўқувчи кўз ўнгида юлиб ва мағлуб, кучли ва кучсиз, жон таслим этган ва, таъбир жоиз бўлса, жон олувчининг ички дунёси, хатти-ҳаракатлари, руҳий ғалаёни ва бу тўфоннинг сўниши санъаткорона гавдалантирилган: «Қарғабулоқ пушталарида Мирзохонга етарлар, қоча ҳам олмас, илик тебратгунча қувват ва журъати ҳам йўқ эди, олиб келдилар. Мен эски девонхонанинг шарқи-шимолий сориғи айвонида ўлтуруб эдим, мен дедимки, кел кўрушалинг. Олдарафондин юкунуб келгунча икки қатла йиқилди, кўрушгандин сўнг, ёнимда ўлтургузуб, кўнгул бердим. Шарбат келтурдилар, Мирзохоннинг дафъи таваҳҳумига шарбатни аввал ўзаум ичиб, анга бердим...».

Уруш ва йўл азобларидан чарчаган, ташвишлар гирдобидан бир оз фориғ бўлган Бобур бир оз муддат дам олишга имкон топади. Муаллифнинг қуйидаги сатрлари ҳам «романбоп» бўлиб, Бобурнинг руҳиятида содир бўлган кўтаринкилик, Борон, Чоштуба, Гулбаҳор каби гўзал доманалар—тоғ ёнбағирларидан баҳра олганига бағишланган. Мазкур минтақанинг ўзига хос гўзаллиги, латофати, гулзорларнинг бетакрор манзараси, ҳатто бу ерда лоланинг 34 нави мавжудлигини тасвирлаган Бобур руҳиятида оддий инсонга хос табиатдан ҳузурланиш кайфияти пайдо бўлади. Одатда, «Бобурнома»да муаллифнинг бундай ҳолати тасвири берилганда, унинг назмга мурожаат қилганини кузатамиз. Бу—жуда нозик жиҳат. Чунки шеър кишида руҳий кўтаринкилик, яхши кайфият, ҳаёт ва турмушдан қониқиш паллаларида қуйилиб келади. Дарҳақиқат, бу тасвирда Бобурни айнан шундай руҳий кўтаринкилик чулғаб олгани сезилади. Олдин у Кобулнинг гўзал жойлари ҳақида биттан бир байтини ёд олса, кейинги ғазал шу сайр маҳсули сифатида яратилганини билдирган: «Булар-

га рухсат бергандин сўнг Борон ва Чоштуба ва Гулбаҳор доманаси сайрига бордук. Баҳорлар Борон ёзиси ва Чоштуба дашти ва Гулбаҳор доманаси бисёр хўб бўлур. Сабзаси Кобул вилоятининг ўзга ерларига боқа, хейли яхши бўлур, турлуқ-турлуқ лоталар очилур, бир қатла лола анвоини буюрдумким, санадилар, ўттуз тўрт навъ лола чиқти, нечукким бу ерларнинг таърифида бир байте айтилиб эди:

*Сабзаву гуллар била жаннат бўлур Кобул баҳор,  
Хосса бу мавсумда Борон ёзисию Гулбаҳор.*

Ушбу сайр келганда бу ғазални тутаттим:

*Меннинг кўнглимки, гулнинг дунчасидек таҳ-батаҳ қондур,  
Агар юз минг баҳор ўлса, очилмоғи не имкондур».*

Мумтоз адабиётда Бобурнинг «хуш эди» радифли ғазаличалик реал ҳаётни, мажлис аҳлининг руҳий ҳолатини аниқ акс эттирган ғазал жуда кам. Шоир дўстлар анжумани манзарасини шу даражада таъсирчан ифодалайдики, ўқувчи ҳам беихтиёр ўзини шу давранинг қатнашчисидек ҳис этади. Мажлис аҳлининг майдан сархушлиги, барчанинг фикрда яқдиллиги боис суҳбат мазмунли, ширин кечади. Лирик қаҳрамоннинг руҳияти тетик. Мажлис аҳлининг пок руҳий фазоси юксак инсоний туйғу, маданий муносабат имконини тўдирган. Май, суҳбат, мусиқа, «созу хонанда била нуқту майи бевап»нинг уйғунлиги Бобур руҳиятини поклаган, унинг хаёлини сертаҳлика кунлардан айириб, руҳан бардамлик бағишлаган. Хуллас, бу сюжетли, аниқ композицияга қурилган ғазал жуда дилкашлиги, лирик қаҳрамон ҳолатини аниқ акс эттиргани билан алоҳида ажралиб туради:

*Туну кун бирла бутун мажлиси асру хуш эди,  
Мажлис аҳли бори дилхоҳу бори дилкаш эди.*

*Борининг сўзи эди хубу, латифу рангин,  
Не паришонҷ, не бемаънию не чирмаш эди.*

*Яхши май йўқ эдию, нашъан май яхши эди,  
Ноҳуш эл йўқ эдию, асру ҳавойи хуш эди.*

*Барча таъзим қилиб бир-бирини мастона,  
Гоҳ бошта оёқ эрди, гоҳ оёқда бош эди...*

«Бобурнома»да тасодиф ва шароит тақозоси туфайли содир бўладиган руҳий ҳолатлар тасвири, мазмуни ва ифодасига кўра, ўта ранг-баранг. Масалан, Бобурнинг Шохбегим ва бошқа хонимлар билан учрашувини олиб кўрайлик. Бобур Боғи Бихиштни муҳосара этар экан, шу пайтгача ўзига душманона муносабатда бўлиб, уни писанд этмай, виқор билан юрганлар мағлубиятдан сўнг «мулойим»лашибгина қолмай, бутунлай ўзга ҳолатга тушганликларини тасвирлайди. Шохбегим ва унинг атрофидагилар Бобур билан, одатдагидек, ўзларига тайинланган жойда туриб кўришадилар. Авваллари уларда салтанат аёлларига хос виқор билан кўришиш расм бўлган. Энди эса ҳолатлари мутлақо ўзгача: «Шохбегим ва хоним бир уйда ўлтуруб эдилар. Доимий ерда тушуб, келиб бурунғидек адаб ва таъзим билад юруб кўруштум, Шохбегим ва хоним беҳад ва беқиёс музтариб ва мунфаил ва сарафканда ва хижил бўлубтурлар, не маъқул узр айта оладурлар, не мунифиқона сўрмоқ тарҳин сола оладурлар, булардин тамаим мундоқ эмас эди...».

«Бобурнома»да ҳар бир сўз мулоҳаза билан танланиб, чертиб-чертиб қўлланган. Юқоридаги матнда «доимий ерда тушуб» дер экан, шох Бобур ўзини сипо тутгани, аёллар билан ўринсиз ҳисоблашишни эп кўрмаганини билдиради. «Юруб кўруштум», деган иборада ҳам катта маъно бор. У аёлларнинг ўз олдига келиб кўришишларини истамайди, балки улар мағлуб, мустар ва хижил бўлсалар-да, истиқболларига бориб кўришганини ёзади. Бу ҳам теурий зодагонларнинг ахлоқ-одобига хос жиҳат. Кейинги гапда келган сўзлар ҳаддан ташқари хижолатда қолган аёлларнинг руҳий аҳволини очиқ баён этганки, буни Бобурнинг

поэтик маҳорати сирасига киритса бўлади: «беҳад», «беқиёс» каби сифатнинг орттирма даражалари шоҳбегимларнинг умумий руҳий ҳолатига ишора қилса, «музтариб», «мунфайл», «сарафканда», «хижил» сўзлари ҳолатни янада яққол ёритиб беради. Муаллиф «булардан тамаим мундоқ эмас эди...», дер экан, ўйламай қилинган ҳаракат, те-мурийлар салтанатининг бирлигига раҳна солиш кишини ана шундай ўта ноқулай руҳий ҳолатга солажагига ишора қилган.

Профессор А.Ҳайитметов ёзади: «Бобур сиймосида шоирларга хос эмоционаллик, олимларга хос синчковлик, ҳар масала юзасидан чуқур мулоҳаза юритишга мойиллик, жангчиларга хос дадиллик, донишманд давлат арбобларига хос тadbиркорлик, эҳтиёткорлик, мақтанишдан ўзини тийиш, ўзга кишиларга талабчанлик фазилатлари жамланган, бир-бирига табиий уйғунланган эди».

Бобур яшаган даврда аксарият бек, амиру султонлар ўпа пайтда расм бўлган иллат—бесоқолбозлик билан шуғулланганлар. Бобур бу иллатдан ҳазар қилган. «Бобурнома»да гап турли давр султон ва беклари ҳақида борар экан, юрт сардорларидан кимки шу иш билан машғул бўлса, муаллиф томонидан ахлоқсиз шахс сифатида қораланган. Масалан, Бобур Султон Маҳмуд ҳақида ёзар экан, унинг «муттасил чоғир ичиши», бадмаош ва золимлиги қатори чухрабошлигини танқид остига олади: «Чухра қалин саҳлар эди. Қаламравида чиройлиқ амрад ўғлон бўлса, ҳар навъ била келтуруб, чухра қилур эди. Бекларнинг ўғлонларини, балки кўкалдошларини чухра қилиб эди, балки ўзининг кўкалдошидин туққонга доғи бу хизматни буюриб эди. Бу шум феъл анинг замонида андоқ шойиъ эдиким, чухрасиз киши асло йўқ эди. Чухра сахламоқлиғни ҳунар билурлар эди».

Кўриниб турибдики, Бобур бу иллатни жамиятнинг «шум феъл»и, деб атаган. Бироқ расмга айланган бу касофат одат Бобур руҳиятига ҳам таъсир этмасдан қолмаган. Қуйидаги мисолда муаллифнинг «Бобурнома»да ҳаётнинг

бир лаҳзасини ҳаққоний тасвирлагани, бу иллатни умр бўйи ўзига ёғ билгани яққол кўринади. Парчада романтик туйғуни эмас, айнан ҳаётнинг реал акс эттирилганини кўра-миз.

Муаллифнинг руҳий ҳолати Бобурий номли ўспиринни кўриб ўзгариб кетади, «андоқ ҳол бўлдуким, яқин эдиким, эригаймен», дейди у. Ўзини йўқотган Бобурда ички тугён жўш уради, у мажнунсифат ҳолга тупади. Бобурга Султон Аҳмад мирзонинг Ойша Султонбегим исмли қизини никоҳлаб берадилар. Бироқ бу хотинидан кўнгли совиб, учрашмай юрган пайтда у Бобурийга йўлиққанини ёзади. Бу парчанинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, киши қанчалик ўз истагига эрк берса, ноўрин ишларга шунчалик тез берилиб кетиши мумкин. Бобур бу «ишқ»дан тез қутулади ва ўзини ўнглаб олади. Асарда киши руҳиятидаги ўзгариш—бу ишнинг нақадар ноўринлигини англаш, атрофдагилардан ҳадиксираб юриш, бу ҳолатини хуфёна сақлаш лозимлиги ёрқин тасвирланган:

«Аҳёнан Бобурий менинг қошимга келур эди, вале мен ҳаё ва ҳижоб жиҳатидин Бобурий сори туз боқа олмас эдим, не жойи улким, ихтилот ва ҳикоят қила олғаймен ва напға ва изтироб сабабидин шукр қила олмас эдим, не имкони улким, кетганидин шикоят қила олғаймен...

Бир кун ўшул меҳр ва муҳаббат авонида жамъи ҳамроҳ эдилар, бир кўчада келадур эдим, баякбор Бобурий рубарў учрай тушти. Манга инфиолдин андоқ ҳол бўлдуким, яқин эдиким, эригаймен. Туз боқмоқлиқ ё сўз қотмоқлиқнинг худ имкони йўқ эди. Юз ҳижоб ва ташвиш била ўтулди. Муҳаммад Солиҳнинг бу байти хотирга келди:

**Байт:**

*Шавам шарманда ҳар гаҳ ёри худро дар назар бинам,  
Рафиқон сўи ман бинанду, ман сўи дигар бинам.*

Бу байт ажаб ҳасби ҳол воқиф бўлди. Ишқ ва муҳаббат турғенидин, шабоб ва жунун қалаботидин бош яланг, оёқ яланг кўй ва кўчада ва бор ва борчада сайр қилур эдим...».

Бобур асарларидаги руҳий ҳолат ифодаси ҳақида гапирганда ҳинд ошпазларининг унинг овқатига заҳар солиб, суиқасд уюштирганлари тасвирига тўхталмасдан илож йўқ. Бу ҳодисани Бобур ўз бошидан кечиргани—заҳар азоби уни ҳаддан ташқари қийнагани боис тасвир жуда жонли чиққан. Ўқувчи кўз ўнгиди заҳар таъсиридан азоб чекаётган киши ҳолатигина эмас, балки унинг ички олами ҳам гавдаланади. Ўлим ва ҳаёт орасидаги кураш, воқеа замирида ҳақиқат ва гумоннинг таҳлили ва, ниҳоят, гуноҳкорларни шайқатсиз жазолаш—буларнинг бари бу ҳодисага дахлдор кишиларнинг мураккаб руҳий ҳолатини ёритиб берган. Бобурнинг ички олами, ҳаётдан умидворлиги—«тирик қолганимдан сўнг» дейишида кучли психологик тасвир ва киши руҳиятининг ўзгариш жараёни бор: «Дастурхон устида икки-уч марта кўнглум барҳам уруб, қусаёздим. Охир кўрдумким, бўлмас, қўптум. Обхонаға борғунча йўлда яна бир навбат қусаёздим. Обхонаға бориб, қалин қустим. Ҳаргиз ошдин сўнг қусмас эдим, балки ичганда ҳам қусмас эдим. Кўнглумға шубҳа кечти. Бовурчини сахлатиб буюрдимким, ул қайни итга бериб, итни сахлағайлар. Тонгласиға бир паҳарга ёвуқ ит беҳолроқ бўлуб, қорни дам қилвондек бўлди. Ҳар неча тош била урдилар, авруштиллар, қўпмади. Кун тушгача бу ҳоли бор эди, андин сўнгра қўпти, ўлмади. Бир-икки чухра ҳам бу ошдин егандур. Тонгласиға алар ҳам қалин қустилар, бирисининг худ ҳоли хароб эди, охир бори халос бўлдилар...

Тенгри манга бошдин жон берди. Ул дунёдин келадурмен, онадин эмди туғдум. Мен хаста ўлуб эдим, тирилдим. Жон қадрини, биллоҳ, эмди билдим...».

«Бобурнома»да бундай теран руҳий ҳолат тасвирлари кўп бўлганидек, Алишер Навоий насрий асарларида ҳам инсон руҳияти, унинг такрорланмас лаҳзалари замон, маъ-

навийат ва ахлоқ мавзулари доирасида талқин этилганини кўрамиз.

Аввал айтганимиздек, Бобур ҳар бир воқеани Оллоҳнинг иноятидан билиб, илоҳий қудратсиз бирон ҳодиса юз бермаслигини қайта-қайта таъкидлаган. Навоий ҳам киши руҳий ҳолатини кўпинча Оллоҳ инояти билан боғлиқ ҳолда тасвирлайди. Ул зот «Насойим ул-муҳаббат» асарида тасаввуф машойихларидан Зуннун Мисрий руҳий ҳолатини ажойиб тасвирлаган. Гап сўфиёна атамалар ва уларнинг моҳияти ҳақида кетар экан, Зуннундан «Мурид кимдур ва мурод ким?», деб сўраганларида, «Шайхул ислом дедиким, мурид тилар ва андин юз минг ниёзу мурод қочар ва андин юз минг ноз», деб жавоб беради. Ана шу тасаввуф тушунчасини очиб берип, Зуннун Мисрийнинг дунёқарашини ёритиш учун Навоий Зуннун Мисрий ҳаётидан қуйидаги мисолни келтиради:

«...Зуннун сайёҳ эрмиш. Дебдурки, бир кун борур эрдим, бир йигит кўрдумки, анда шўре бор эрди. Дедим, қайдинсан, эй ғариб? Деди: Ғарибму бўлур улки, онинг била мувонасати бўлмай? Бу сўздин қичқириб, беҳуш йиқилдим. Хушумга келгандин сўнгра, дедиким, сенга не бўлди? Дедимки, дору дардга мувофиқ тушти».

«Ғариб» тушунчаси нимани англатади? Зуннуннинг дардга нима даво бўлди? Биринчидан, тасаввуф ғояси, аввало, Оллоҳнинг ягоналигини тан олиш ва фақат унгагина сийиниш. Зуннун, эҳтимол, тасаввуф рукнини ижро этаётган кишининг ташқи қиёфаси, ночор аҳволи ёки тушкун руҳий ҳолатига қараб, унга «ғариб» сўзини раво кўргандир. Бироқ айнан шу ҳолга тушган, шўру ғавво билан тиловатлар қилиб, ўзлигини унутган кишининг Оллоҳ васлига етишиши мумкинлиги тасаввуфда тан олинади. Шу боис, дарвеш «ғариб» сўзини ўзига нисбатан нолайиқ билади, жисми илоҳий руҳият билан «мувонасат бўлган» киши ҳеч ғариб бўлиши мумкинми, дея жавоб берганида, Зуннун ўзидан кетади. Зуннун Мисрийни ҳайратга солган, унинг сўфиёна қарашларини кўзгатган, қаттиқ руҳий таъ-

сир ўтказган нима? Бу, энг аввало, дарвешнинг жавобидаги тасаввуфнинг маърифат ва тариқат йўли билан ҳаққа етишиш, бу йўлда ҳар қандай азоб, ғариблик, ташналикка сабр-чидамли бўлиш, Оллоҳни қалб билан таниш ғоясидир. Дарвеш ўз жавоби билан тасаввуф уйига кириш ҳар қандай неъматдан устунлигини, бу ақида эгаси ҳар қандай ташқи ҳолат ва иқтисодий ноқисликка қарамасдан ғариб эмас, ғанилигини айтган, инсон руҳий оламининг тасвири тасаввуф таълими ёрдамида ифодаланган. Яъни, киши Оллоҳдан ўз тилагини тилаши лозим, агар эътиқоди ва садоқати пок, самимий бўлса, муроди ҳосил бўлади.

Алишер Навоий «Муншаот»идаги Ҳусайн Бойқарога номасида кишининг ички, руҳий ҳолати бой бўлиши ёки муфлис қолиши унинг пок нияти ва иймони билан боғлиқлигини билдирган: «Ҳар киши тиласаким, муроду мақсуди ҳосил бўлуб, офат ва балодин эмин бўлғай, тенгри таоло буйруғи била амал қилиб, наҳйдин ижтиноб қилғай. Ва оламда ҳеч киши йўқтурким, ҳар навъ муроди бўлмағай ва ўзин балодин эмин тиламағай. Аммо ҳар кишининг муроди кўпрак бўлса, ҳақ таоло амрига итоати кўпрак бўлса, керак, батахсис салотин...».

Алишер Навоий асарларида ҳам «Бобурнома»даги каби инсоннинг кундалик ҳаёти лаҳзалари, хатти-ҳаракатлари орқали руҳияти тасвирланган ўринлар талайгина. Кўпинча, муаллиф воқеалар баёни ёрдамида жамият аҳлини инсоний фазилатлар руҳида тарбиялашга ҳаракат қилади.

Навоий тасвирлаган шахс Ҳусайн Бойқаро салтанатида вазир. Қуйидаги парчада Саййид Ҳасан Ардашер — тасаввуф ғояларига содиқ шахснинг ички олами барча жиҳатлари билан ёритилган. У юксак мансаб эгаси эканидан қатъи назар, меҳмонларга хизматкор каби муносабатда бўлиши, уларнинг маст ҳолатларидан жеркимасдан, аксинча, кайфиятлари кўтарилиши учун шароит яратиши лозим. Навоий суҳбат аҳлининг ички дунёси, ҳолати ҳақида ўқувчига аниқ тасаввур беради. Унинг «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» асаридан олинган парчага эътибор қара-

тайлик: «Оқшомки мажлис аҳли одат била усруб, уюр чов бўлса эрди, алар бирин-бирин усрук бошиға етиб, мулозим-лия элни мулозимларига топшуруб, навкарсиз номуродларни муҳофазат қилиб, ёнлари остиға нима солдуруб, бошлари остида нима ястаб, илайларига кўзали сув қўйдуруб, баъзининг кавш ва дасторларин ва ёклиқларин ва анинг учиди тугунгинаси бўлса, белгулукларни мулозимларға топшуруб, хотирларин ул тоифа жамиъдин сўнгра хуфтон намозин адо қилиб, ул хужраларида осойишға машғул бўлур эдилар».

Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарида қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати ўзгача тасвирланган. Албатта, бошқа мавзулар таҳлилида кўрганимиздек, бунда ҳам адибнинг енгил ҳикоя услуби, бадиий санъатлардан ўринли фойдаланиши тасвири бойитган. Қўйидаги мисол Восифийнинг қаҳрамон руҳий ҳолатини тасвирлаш маҳоратини белгилабгина қолмасдан, Навоийнинг шогирд-парварлиги, асар муаллифининг бу масалага муносабатини ҳам ёритади. Восифий Ҳиротга келиб, муаммо фанидан билимини синаб кўришни ихтиёр этади ва Соҳиб Доро унга эртага Навоий ҳузурига бориши лозимлигини айтади. Ёш шоир ва адиб Зайниддинни шоирлар сарвари Амир Алишер билан шахсан ҳамсуҳбат бўлишдек масъулият қаттиқ ҳаяжонга солади:

«Кечқурун уйга қайтдим у ажойиб кайфият мени чулғаб олди. Илон чаққан кишидек у ёқдан-бу ёққа ағнаб, ухлаёлмадим. Фақирнинг отаси изтиробимдин воқиф эдилар:

*Эй жони падар, чй ҳол дорй,  
Аз рўй чй дард беқарорй.*

*(Ҳа, жоним ўғлим, нечук уйроқан.  
Не дард била сен беқарорсан?)*

Мен у кишига: «Э ота, нимасини сўрайсиз. Эртага Мир Алишер мажлисига боришим керак, ҳолим не кечарини билмайман», дедим».

Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асари фақатгина машхур шахслар ҳаёти ва тарихи ҳақида маълумот бериши билан чекланмайди. Балки оддий халқ вакилларининг аҳволи, турмуш тарзига оид маълумотларга ҳам бой. Восифий ўша давр мусаввири «Монии Соний» Камолиддин Беҳзод ҳақида қизиқарли маълумот берганики, ундан Беҳзоднинг моҳир санъаткорлиги, тасвирий санъатнинг киши руҳияти, кайфияти ва соғлигига таъсири, мусаввирнинг давр султони Ҳусайн Бойқаро ҳамда Алишер Навоий билан ҳамкор, ҳамсуҳбат бўлганини билиб олиш мумкин. Муҳими, Беҳзод ўз асарлари билан кишилар руҳиятига таъсир этган, тасвирий санъатда ўша пайтдаёқ мазах расм жанридан фойдаланган: «Ҳар гал бу олий мартабали подшоҳни (яъни Ҳусайн Байқарони — Ҳ.Қ.) бирон кам ёки алам хотирини айлантирганда ва хира кубор унинг мунаввар хотири ойнасиغا ўтирганда мазкур устод бирор суратни жилвагар қилар ёки бир пайкарни намоён этарки, ҳазрати подшоҳнинг кўз қири тушиши билан унда таъъ ойнаси кудурат зангидан ва хотири саҳифаси қулфат куборидан дарҳол тозаланад эди...»

Баъзан Восифийнинг кишиларга берган баҳосида Бобур услубига хос қисқа, аниқ ифодалар орқали муайян шахснинг портрети яратилган ҳолларни учратамиз. Қуйидаги мисолда Камолиддин ҳожига баҳо берган муаллиф унинг ташқи қиёфаси билан бирга руҳий ҳолатига ҳам эътибор берганини кузатамиз. Руҳан сокин, камгап ва фақирнамо, аммо фазлу камолга бой бу шахс юксак маҳорат билан тасвирланган:

«Ҳазрат Хуросон Шайх ул-исломи мавлоно Ҳожи таърифида қўйидаги мадҳ сўзларини дедилар:

— Ўн икки йил бўлдики, мавлоно Камолиддин ҳожи бу фақир дарсига қатнашадилар. Гап келган ўринда ҳаргиз хомуш ўлтурмас ва чурқ этмай ўлтуриш лозим бўлган жойда сўзга ҳаргиз оғиз очмайдилар. Фазлу камол аҳлининг мунаввар хотирларига махфий ва марғуб қолмагай-ки, бундан ўта етук ва баланд таърифни тасаввур қилиб бўлмайди...».

Восифий «Бадоеъ ул-вақоеъ»да инсон руҳияти ва асабининг имконият чегараси ҳақида жуда зўр мисол келтирган. Бу тасвир ҳар қандай шароитда ҳам киши ўзини тутиши, асаби ва руҳиятини идора қилишга қодир бўла олиши мумкинлигига бир ибратдир. Восифий «бу ҳол оламдаги энг варойиб ишлардан бири эди», дер экан, мазкур руҳий жараён ўзига ҳам қаттиқ таъсир этганини, Ҳожининг ҳолати инсон иродасидан баланд, киши бардош қила олмайдиган руҳий юкни чидам билан кўтара олганидан далолат беради:

«Тонготар маҳалда совут кийган ва қуролланган бир киши жамоатхона эшигидан кириб келди. Ҳожи сўради: «Эй фалончи, қаердан келаяпсан? Не хабар айтмоқчисан?»

— Бухородан келаяпман. Келтирган хабарим шуки, уйингизни ворат қилишди. Ўзлингизни ушлаб олиб, изо бердилар ва қийнадилар. Аммо аҳли аёлингиз саломат қочиб қутулди, дўстларингиз уйида яшириндилар.

Ҳожи бу сўзларни эшитиб, кулиб қўйдилар-да, гапириб турган ҳикояларига қайтдилар. Авзойларини заррача бузмай, ўша кўйда гапира борардилар. Бу ҳол оламдаги варойиб ишлардан бири эди».

Фиёсиддин Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» асарида ҳам кишилар руҳий ҳолати ва психологик жараёнлар кенг тасвирланган. «Бобурнома»да муаллиф турли сафарлари, дам олиш ҳолати ва одамлар билан мулоқоти давомида уларга баҳо берган бўлса, Хондамир ҳам деярли ўхшаш услубни қўлаган. Бироқ, Хондамир тарихчи сифатида, аввало, тарихий воқеа-ҳодисалар, шахсларни бош мавзу қилиб олган ва улар билан боғлиқ тарзда психологик жараён, руҳий ҳолат тасвирини чизган. Восифийда эса воқеа иштирокчиларнинг ҳолатига тааллуқлилиги боис, психологик жараён ва руҳий ҳолат тасвирланган.

Хондамир «Ҳабиб ус-сияр»да Халил Султоннинг ўдрилиши воқеасини алоҳида сарлавҳа остида баён этади. Муаллиф Халил Султон бошлиқ аскарларнинг муҳолифларга қарши курашини, жанг майдонидаги вазиятнинг ас-

карлар руҳиятига таъсирини алоҳида қаламга олади. Шаҳзода рақиб имкониятидан ўз кучининг пастлигини сезар экан, асабийлашиб, қарши томонга икки марта элчи юборади. Элчилар рад жавобини келтирадилар. Шундан сўнг Халил Султоннинг руҳий ҳолати ўзгаради. Хондамир жуда нозик иборалар орқали шаҳзоданинг асабийлашгани, кайфиятида кескин ўзгариш содир бўлганини маҳорат билан тасвирлайди. Жанг олиб бораётган томонлар асабининг таранглиги ва вазиятнинг хийла оғирлигини муаллиф юксак санъаткорлик билан ёритган: «Ўтган гаплардан кейин Халил Султоннинг кўкарган чеҳрасида шиддатли ғазаб чизиқлари пайдо бўлиб, унинг қиёматга етувчи ғазаб шиддати фалакка бўй чўзди».

Халил Султон рақибни Кўр Сулаймонни қочиртириб, вофил қолиб базм уюштирганда, у пистирмадан келиб, шаҳзоданинг бошини танасидан жудо қилади. Бу тасвирда Хондамир тарихчи адиб сифатида иш тутган. Темурий шаҳзодалардан бирининг ўлими оддий, тарихий факт сифатида талқин этилган, холос: «Халил Султон ниҳонхонага кирди. Кўр Сулаймон унинг орқасидан югуриб борди ва шаҳзода қатли учун келганлигини билдирди. Халил Султон деди: «Бандаси фармонга бўйин эгмаса, нима қилиш керак». Шунда, Кўр Сулаймон шу заҳотиёқ унинг бошини танасидан жудо қилиб, ташқарига олиб чиқди...».

Ғиёсиддин Хондамир тарихий воқеалар замирида унинг иштирокчилари руҳий ҳолатини яхши ифодалай олган. «Ҳабиб ус-сияр»да бир шахс ёки гуруҳнинг руҳий кайфияти эмас, балки жамиятда содир бўлган сиёсий-ижтимоий воқеалар оқибатида кишилар онгида рўй берган руҳий ўзгаришлар тасвири кўп учрайди. Муаллифнинг бу услуби асар таъсирчанлигини ошириб, ўша давр ҳодисаларини теранроқ англаш имконини беради. Масалан, Мирзо Улуғбек ва унинг аъёнлари ҳақида сўз юритилганда, ҳукмдорнинг ўша давр уламоси Саид Ошиқ билан ихтилофга бориб қолгани айтилади. Бу зиддият Самарқанд шаҳрида ўтган бир тантананда эркак хонанда ва созандалар қатори аёл

санъаткорлар ҳам иштирок этгани туфайли келиб чиқади. Уламо Саид Ошиқ бу ҳолат ислом дини ва одатига қарши эканини айтиб, кўпчилик олдида Улугбекка қарата: «Муҳаммад динини ўртадан кўтардинг ва кофирлар ишини қилдинг», дейди. Бу сўздан қаттиқ ғазабланган Улугбек кейинги пайтда Саид Ошиқ ўзига жуда катта эрк бергани, ҳатто подшоҳ билан баҳслашишга журъат этган бу давраси, Конигилда қилган қўполлигидан кейин, иккинчи воқеа эканлигини айтади. Хондамир Улугбек саройидаги бу воқеа шаҳар аҳолисига аён бўлиб, кенг тарқалганини тасвирлайди. Ихтилоф муносабатларни таранглаштириб, Саид Ошиқнинг шайх ул-исломга шикоят билан мурожаат этгани шаҳар аҳолисининг умумий руҳий ҳолатини янада жиддийлаштиради. Можарони саройнинг нуфузли ҳайъати кўриб чиқади ва Улугбек фойдасига ҳал этади. Хондамир тасвиридаги руҳий ҳолатни аниқ тасаввур қилиш учун матнга мурожаат этайлик: «Саид нек накарда, ки нисбат ба Шумо (яъни Улугбек — Ҳ.Қ.) ва Шайх ул-ислом ин навъ суханон бар забон оварда, зеро, ки Шумо дар камоли адолат ва раиятпарвари сулук менамод». (Мазмуни: Саид яхши иш қилмабди, Сизга (яъни Улугбекка — Ҳ.Қ.) ва Шайх ул-исломга нисбатан бундай сўзларни раво кўрибди, чунки Сиз камоли адолат ва раиятпарварлик билан йўл туттансиз.)

Хондамир Улугбек мирзонинг адолат билан иш тутганлигини кўрсатаркан, унинг давридаги нуфузли шахслардан Мавлоно Фиёсиддин Жамшид, Мавлоно Муҳаммад Олим, Саид Ошиқ, Шайх ул-ислом, Мавлоно Муҳаммад Ардастоний, Али Қушчи ҳақида ҳам маълумот беради. У Улугбекнинг ўз салтанатида Саид Ошиққа ўхшаш кишилар билан курашиб, ошкора қарши чиқиши ўлимига сабаб бўлди, деган фикрни ҳам зимдан илгари суради. Тўғри, бу фикрни Хондамир очиқ айтмаган, аммо юқорида келтирилган мисолимиз ҳамда Хондамирнинг инсонлар руҳий ҳолати орқали воқеаларни тасвирлаш маҳорати шундай фикрга тўртки беради.

## 2. Тарихий ва саргузашт асарларда адабиётшунослик масалалари

XV аср иккинчи ярми—XVI аср бошларидаги адабий муҳитнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ўша даврдаги адиблар ижоди адабиётшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этилгани, баҳолангани ва уларга танқидий ёндашилгани билан изоҳланади. Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкираси, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Мухтасар» рисоласи, Атоуллоҳ Хусайнийнинг «Бадойиъ ус-саноиъ», Хусайн Воиз Кошифийнинг «Бадоеъ ул-афкор фи саноеъ ул-ашъор» каби адабиётшунослик назариясига оид асарларида адиб мавқеи, ахлоқи жамият талаблари мезони асосида баҳоланган. Шулар қатори эпик дostonларнинг кириш ва хотима қисмларида, иншо ҳамда муншаотларнинг ёзилиш қоидалари ҳақидаги назарий манбаларда ҳам адабий танқид, адабиётшуносликка оид фикрларни учратиш мумкин.

Бу даврдаги тарихий, тарихий-саргузашт, воқеий-илмий-саргузашт асарларга, жанр талабларидан ташқари, адабий жараён, адиб ахлоқи, ижоди, яъни адабиётшуносликка оид фикрлар билдириш вазифаси ҳам қўйилар эди. Бундан ташқари, давр адабий-эстетик талаблари асосида мусиқа ва мусиқа назарилси, тасвирий санъат ва бошқа соҳа вакиллари ижодига баҳо бериш, уларни таҳлил этиш каби масалаларга ҳам кенг ўрин берилганки, бу жуда диққатга лойиқдир. Бобурнинг «Бобурнома», Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ», Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» каби асарлари шулар сирасидандир. Бобур ва Восифийнинг адабиётшунослиги, айрим адибларга муносабатлари муайян мавзу жиҳатидан олимларимиз томонидан ўрганилган бўлса-да (масалан, В.Зоҳидов, И.Султон, Б.Валихўжаев, А.Ҳайитметов, С.Азимжонова, С.Ғаниева ва бошқалар), Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» асари бу нуқтаи назардан деярли ўрганилмаган. Фақат тожик адабиётшуноси Усмон Карим «Ҳабиб ус-сияр»да бир юз элликка яқин

шоир ва олим ҳақида маълумот берилгани, улардан аксарияти Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида ҳам қайд этилгани, Хондамир эса асарида бу шоирлар тўғрисида қўшимча маълумот қолдирганини таъкидлаб, айримларидан мисоллар келтирган.

Тарихий, саргузашт асарларда адабиёт, унинг ижтимоий вазифаси, адиб ахлоқи ва унинг жамиятдаги ўрни, адабий жанр ва давр талаби, адиб услуби ва унинг моҳияти каби масалалар борасида фикр юритилган. Адабиётшunosликда ҳалигача бу улкан хазинани махсус ўрганиш, ҳар бир муаллифнинг адабиёт ривожига қай даражада ҳисса қўшганини тадқиқ этиш, шу орқали муаллиф услуби, баён тарзи, асар тили каби масалаларни текширишга астойдил киришилгани йўқ. Бу манбалардан тадқиқотчилар ўзлари таҳлилга олган мавзу доирасида фактик материал сифатида фойдаланишган, холос. Биз қуйида Навоий, Бобур, Восифий ва Хондамирнинг насрий асарларидаги адабиёт ва адибга муносабат билан боғлиқ айрим жиҳатларни тадқиқ этарканмиз, ана шу катта, хайрли ишни баҳолиқудрат ҳал этишга интилдик. Аслида бундай йирик тадқиқот илмий теран, кенг миқёсли таҳлилни талаб қилади.

Таҳлилимизни Сайфий Бухорийдан бошлаймиз. Алишер Навоий бу шахсни «Мажолис ун-нафоис»да Мавлоно Сайфий деб атаydi. (Хондамир ҳам ўз асарида шу номни келтирган.) Бобур эса, “Мавлоно”ни тушириб қолдириб, Сайфийнинг Бухоро шахридан эканига ишора этиб, Сайфий Бухорий, дейди. Алишер Навоий Сайфийни ўз даврининг зукко, хуштабъ киниси сифатида таърифлайди, унинг масал жанрида қалам тебратиб, турли касблар таърифида ёзган шеърларини ўзига хосликка интилиш сифатида баҳолайди ва муаммо жанри ҳақида рисола ёзганини таъкидлайди. Шу қатори, шоир ахлоқига тўғри келмайдиган сархушлик (мастлик) борлигидан ачинади ва унинг бу камчиликдан қутулишига умид боғлайди. Демак, Навоий Сайфийга мураббий сифатида ҳам, мунаққид сифатида ҳам баҳо беради, келажакка ишонч билдиради.

Сайфийга берган баҳосида Бобур кўпроқ адабий танқидчи сифатида кўзга тинланади. Зеро, у Сайфий шахсиятидаги камчилик—манманликни айтаркан, асосий эътиборни унинг ижодида беради: «Девон тартиб қилибтур, яна бир девони ҳам борки, жамий ҳирфагарлар учун айтибтур, масални кўп айтибтур». Бобурнинг қараши шу жойгача Навоийнинг Сайфийга берган баҳоси билан бир хил. Шундан кейин келадиган сатрларда эса унинг Сайфий Бухорийга берган таърифи бошқача мазмун касб этади. Бобур Сайфийнинг адабий жанрлар ичида назалга фидойилигини жонли мисол орқали исботлаб, адибнинг арузга бағишланган асарини қуйидагича баҳолайди: «Бир форсий арузи бор. Бисёр камсухандур, бир ҳисоб била асру пурсухандур. Камсухан бу маъни билаким, кераклик нималарни битимайдур. Пурсухан бу маъний билаким, равшан ва зоҳир калималарни нуқта ва иъробияча битибтур». Бу баҳода ўша давр адабиётидаги жанр муаммолари, шакл ва мазмун уйғунлигини таъминлаш, кўпчилик учун фойдали асар яратиш, ижод жараёнида вақтни беҳуда кеткизмаслик каби масалалар ўртага қўйилган. Бобур кейинги сатрларда муаллифнинг бадий асар яратиш услуби, ижоднинг энг назик жиҳати—қисқабаёнлик, мантиққа эътибор зарурлигини, барчага маълум масалаларни қайта-қайта шарҳлаш, исботлашга урилишнинг бадий асар салмоғи ва бадиятига футур етказишини аниқ кўрсатган. Зотан, «Бобурнома» муаллифнинг бу қарашлари амалининг ёрқин исботидир. Асардаги қисқалик, фикрни мантиқий изчиллик билан баён этиш каби хислатлар Бобурнинг юқоридаги фикрлари ўз ижодида татбиқ этилганини кўрсатади.

Хондамирнинг Сайфий ҳақидаги маълумоти Навоий ва Бобур фикрларини тўлдиради. Улардан фарқли ўлароқ, Хондамир Сайфийнинг охириги кунлари тўғрисида маълумот бериб, унинг амир Хусравшоҳ томонидан ўлдирилганини таъкидлайди. Яна бир характерли томони шуки,

Хондамир Сайфийнинг бадеҳа жанрига доир бир байтини келтиради. Бу байт орқали ижодкорнинг бадий маҳорати ҳақида муайян тушунча ҳосил қилиш мумкин. Сайфийнинг адабий мероси бўйича тадқиқот олиб борган академик Б.Валихўжаевнинг фикрича, у ўз даврида анча шухрат қозонган шоирлардан бўлган.

Адиблар эътиборига тушганлардан яна бири Камолиддин Ҳусайндир. Навоий Камолиддин Ҳусайннинг давлат, бойлик баҳридан кечиб, илм ўрганиш учун Ҳиротга келганини ижобий фазилат сифатида баҳолайди. Айни пайтда, Хожа Абдулло Ансорийнинг машҳур сўфиёна асарига шарҳ ёзганини, унинг «Фазойил ва камолотнинг белгиси» номли рисоласи борлигини таъкидлайди. Лекин Камолиддиннинг ўта дарвинслиги, сўфийлиги ва камтарликни унутиб, «ўзини шайхлик исмига мавсум» қилиши Навоийга маъқул бўлмаган.

Бобур Камолиддиннинг тасаввуф илмидаги ютуғини таъкидлаб, бу фанда унинг ўз усули борлигини уқдиради. Бироқ Камолиддиннинг Ҳусайн Бойқарога бағишлаб ёзган «Мажолис ул-ушшоқ» асарига Бобурнинг танқидий муносабати характерлидир: «Бир таснифи бор, «Мажолис ул-ушшоқ» отлиқ, Султон Ҳусайн мирзонинг отига боғлаб битибтур, бисёр суст ва аксар ёлғон ва бемаза беадабона ҳарфлар битибтур. Андоқким, баъзидин таваҳҳуми куфрдур. Нечукким, хейли анбиёни ва авлиёни алайҳимис салом мажозий ошиқлиққа мансуб қилиб, ҳар қайсиға маъшуқ ва маҳбубе пайдо қилибтур. Яна бу ажиб гўлона амредурким, дебечада Султон Ҳусайн мирзо, ўзумнинг таҳрир ва таснифимдур, деб битибтур».

Кўриниб турибдики, Бобур биринчи навбатда Камолиддин Ҳусайн асаридаги шакл ва мазмунга алоҳида эътибор берган. Унга асарнинг «суст»лиги ва аксар «ёлғон»лиги маъқул бўлмаган. Бунинг устига, «беадабона ҳарфлар битибтур» дер экан, Бобур бадий асарда сўз ва ибораларни ишлатишда меъёрни сақламаган Камолиддин Ҳусайнни

танқид қилади. Бобур фикрича, муаллифнинг «таваҳҳуми куфр»лиги анъанавий мумтоз адабиётдаги сюжетлардан қочиб, оригиналликка интилганлигида. Зеро, муаллиф анбиё ва авлиёни ишқбозлик руҳида тасвирлаган, бунинг устига уларнинг ҳар бирига маъшуқа танлаган. Бунда муаллиф илоҳий ишқ—тасаввуф ғояларини тарғиб этмаган, албатта. Камолиддин Ҳусайннинг бу сюжетни танлаши, Бобур назарида, ўша даврдаги ахлоқ меъёрларини бузгани билан изоҳланади. Бу эса, ўз навбатида, Бобурнинг адабиётга муносабатини, унинг ахлоқ ва жамият, шахс ва бадий асар, сюжет танлаш каби масалаларда меъёрларга амал қилиш шарт, деган қарашини очиб беради.

Бобур комил мусулмон бўлиб, ҳамиша Оллоҳ ва унинг қудратига бўйсуниб иш юритган, жанг-жадаллар олдидан Яратгандан мадад тилаган шахс бўлса-да, гап ўзи бошқарган жамият қонуни, давлатни бир бутунликда сақлаш ҳақида бораркан, анбиёларни ошиқ қилиб кўрсатган Камолиддин Ҳусайннинг мавзу танлашда янгиликка интилганини ахлоқни оёқости қилиш билан барабар кўради. Шуни ҳам айтиш жоизки, Бобур ҳаётда ислом ақидаларини кўркўрона татбиқ этиш, ҳар қандай диний урф-одатларга бўйсуниш, сохта авлиёларга сифинишдан ҳамиша ўзини тийган, кўпинча бундай ақидаларга қарши чиққан. Шу боис, унинг Камолиддин Ҳусайн ижодига оид бу таъбеҳини адолатли деб, қабул қилса бўлади.

Камолиддин Ҳусайн асари ҳақидаги фикрини давом эттириб, Бобур диққатни яна бир ажойиб деталга тортади. У ҳам бўлса, «Мажолис ул-ушшоқ» асарига ўша даврнинг султони, шоир Ҳусайн Бойқаронинг сўзбоши ёзганидир. «Мажолис ул-ушшоқ»ни шакл ва мазмун жиҳатидан заиф деб билган Бобур Ҳусайн Бойқаронинг бу асарга дебоचा ёзгани ва бевосита иштирокини «ғўлона амредур», деб баҳолайди. Айниқса, унинг «ўзумнинг таҳрир ва таснифимдур», деган иборасини маъқулламайди.

Хуллас, Бобур бадий асарда тасвирланган воқеаларнинг ҳаётта яқинлиги, унда шакл ва мазмун бирлигини

сақлаш тарафдори бўлган. Хўш, Навоий билан Бобурнинг Камолиддин Ҳусайн шахсияти ва ижодига берган баҳосида яна пималарни кузатиш мумкин? Аввало шуки, «Мажолис ул-уншук» асари Навоий ҳаётлиги пайтида яратилган бўлиши керак. Назаримизда, Навоий асар сюжетини оригиналликка интилиш сифатида баҳоласа-да, лекин мазмун ва бадиияти сустигидан воқифга ўхшайди. Бироқ асарга Ҳусайн Бойқаро дебоҳа ёзгани боис, унинг камчиликларини қайд этишни лозим топмаган. Бобур эса Ҳусайн Бойқаро шахсиятига эътибор бермай (чулки Бобур ҳам шоҳ, у Ҳусайн билан бир даражада турган), ўз фикрини очиқ айтган. Бошқа бир ўринда у Ҳусайн Бойқаронинг ҳарбий юришларини, қиличбозлигини маътайди, лекин шеърларини ўзига хос баҳолайди: «Баъзи байтлари ёмон эмастур, вале мирзонинг девони тамом бир вазинадур».

Алишер Навоий эса Ҳусайн Бойқаро назалларини таҳлил этиб, «Мажолис ун-нафоис» тазкирасининг 8-мажлисини тўла шоҳ ва шоир Ҳусайнийга бағишларкан, унинг ижодига нисбатан деярли танқидий фикр билдирмайди (яна қараг: Ҳ.Қудратуллаев. «Ҳусайний ижоди Навоий таҳлилида». «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1991, 20 сентябр). Айни мисол шахснинг жамиятдаги мавқеи унинг ижодини баҳолаш, умуман, танқидий фикр билдиришга қанчалик таъсир этишига бир мисолдир.

Хондамир устодлари Навоий ва Бобурдан кейин Камолиддин Ҳусайн ҳақида маълумот беради. Унинг бу шахс ҳақидаги далиллари ўша давр адабиётшунослиги, адабий муҳити, юқори давраларда адиб ахлоқи, ижодига бўлган муносабатга ойдинлик киритади, устод, пир, шогирд ўртасидаги меъёрни ойдинлаштиради. Хондамирнинг ёзишича, Камолиддин Ҳиротга таҳсил учун келганида Кичик Мирзо қўли остида бўлади. Кунларнинг бирида ҳоким адибга ўзи билан Маккага боришни таклиф этганда Камолиддин турли баҳоналар кўрсатиб унинг таклифини қабул қилмайди. Бироқ мулоҳаза юритиб, бу ишидан пушаймон

бўлиб, ҳукмдори орқасидан йўлга чиқади. Аммо Кичик Мирзо Камолиддиндан астойдил ранжигани боис, уни ўздан узоқлаштиради. Кейинроқ Алишер Навоий Камолиддин Ҳусайннинг илмга интилиши, адабиётга иштиёқини сезиб, уни ўз паноҳига олади.

Бир куни Алишер Навоий нуфузли ҳайъатга Камолиддинни раҳбар қилиб, Ироққа—Яъқуб мирзо ҳузурига юборади. У тортиқ ва инъомлар билан бирга адабиёт ва маданият ҳомийси саналган Ироқ ҳокими Яъқуб мирзога Камолиддин орқали Абдурахмон Ҷомийнинг янгигина битилган «Куллиёт»ини бериб юборишни ҳам лозим кўради. Ҳайъат Ироққа етиб боргач, Яъқуб мирзо Камолиддиндан йўлда зерикмадингизми, деб сўраганда, Камолиддин: “Йўқ, ҳазратим, мен зериккан пайтимда ҳазрат Ҷомийнинг куллиётлариким, ёнимда эди, олиб мутолаа қилар эдим ва мамнууманки, шу фурсатда кўп илмдан баҳраманд бўлдим”, дейди.

Абдурахмон Ҷомий куллиётининг Ироққа етиб келганини эшитган Яъқуб мирзо жуда хурсанд бўлиб, Камолиддинга яна-да илтифот кўрсатиб, қимматли китобни келтиришни сўрайди. Китобни олиб келганларида, у, Ҷомийнинг куллиёти эмас, балки шу қалинлик ва рангдаги «Футухоти Маккия» китоби бўлиб чиқади. Ҳиротда китобдор Ҷомий куллиётининг ўрнига бошқа китобни бериб юборган экан!..

Хондамир «Ҳабиб ус-сияр»да ушбу воқеани Камолиддин Ҳусайн билан юз берган «ғаройиб воқеот»лардан бири сифатида келтирган. Бизнингча, асар муаллифининг Камолиддин билан юз берган бир неча воқеалари ичидан жуда усталик билан китобида айнан шу воқеани келтиргани бежиз эмас. Биринчидан, воқеанинг давомида ҳикоя қилинишича, ўша “ғаройиб воқеот”дан хабардор бўлган Алишер Навоий Камолиддин Ҳусайнни ўз хизматида четлаштиради. Бунинг биринчи сабаби, бизнингча, Камолиддиннинг ёлвончилиги—дўстликка, мансабу илмга нолойиқ иш тутиб, фақат Ироқ ҳокими Яъқуб мирзонигина эмас, балки ўзини ҳам аллагани, сохтакорликка қўл урганидир.

Иккинчидан, Навоийни Камолиддин хулқидаги энг ранжитган жиҳат—унинг Жомий ижодига муносабати бўлган. Навоий илм-маърифат, адабиёт вакилининг шунчалик паст кетиши кечириб бўлмайдиган ҳол деб билиб, жазо сифатида уни ўз даврасидан четлаштирган.

Ушбу воқеа Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкираси ёзилгандан кейин, ҳатто Жомий вафотидан сўнг рўй берган бўлиши эҳтимолдан холи эмаски, далиллар ҳам шундан далолат беради. Навоий тазкирасида Мир Камолиддин Хусайни асосан ижобий баҳолайди: «Хуросонда улум таҳсили қилди ва Ироққа тушти. Султон Яъқуб яхши эъзоз ва эҳтиром қилиб Биёбонни суюрғол берди-ким, юз минг олтунга яқин ҳар йили тегар эрди. Онча ғаниматқа ҳиммат этагин силкиб, яна Хуросонга келиб, дарвешлик ихтиёр қилди ва ҳазрат иршод маобий Нуран хизматида матбуъ ва мақбулдур ва тасаввуф илмида таъби бағоят қобил ва алар истилоҳотидин соҳиби вуқуф...

Мир хушшакл ва хуштаъб ва хушмуҳовара йигитдур. Барча ҳунарлар била ораста ва мундин ўзга айби йўқтур-ким, дарвешваш ва сўфиваш кишидур ва ўзин шайхлиқ исмига мавсум қилибтур...».

Абдурахмон Жомий 1492 йили вафот этган ва аллома-нинг куллийети (барча асарлари тўплами) вафотидан кейин тартиб берилиб, дастлаб Ироққа—Яъқуб мирзога нодир адабий янгилик сифатида юборилган. Буни яна бир далил тасдиқлайди: Хусайн Бойқаро ва Бадигуззамон орасидаги келишмовчиликлар ҳам, асосан, «Мажолис ун-нафоис» яратилганидан кейин авж олган. Хондамирнинг таъкидлашича, Алишер Навоийнинг, юқорида келтирилган воқеадан кейин, Камолиддинга танбеҳ бериши натижасида у Ҳиротни тарк этиб, Бадигуззамон хизматида борган. Бадигуззамон Камолиддинни мамнуният билан қарши олган, бироқ темурийлар салтанати Ҳиротда инқирозга учрагандан кейин, у волиб Шайбонийхон хизматида кирган. Бу ҳақда Хондамир асарида матълумот бор.

Бобур, Навоий ва Хондамирнинг Бадриддин Ҳилолий ижодига муносабатлари ҳам диққатга лойиқ. Навоий «Ма-жолис ун-нафоис»ни яратган пайтда Бадриддин Ҳилолий адабиёт даргоҳига эндигина кириб келаётган эди. Шу сабабдан улут устоз ўз тазкирасида Ҳилолий тўғрисида қисқагина сўз юритган: «Ҳофизаси яхшидур, таъби дами ҳофизасича бор. Сабақ ўқумоқ таклифи қилибтур, умид улким, тавфиқ топгай...». Хондамир ўз асарида Навоий «умид»ининг амалга ошгани, Ҳилолий ўз даврининг етук шоири бўлиб етишганини ёзади, уни замон шоирларининг сардори ва давр биланларининг сарвари сифатида таърифлайди, қасидалари, ғазал, маснавийлари кўпинча юксак савияда ва равлон тилда ифода қилинганини алоҳида таъкидлайди. Яна Хондамир Ҳилолийнинг бадиий маҳоратига кенг тўхталиб, унинг «Шоҳ ва Дарвеш», «Сифот ул-ошиқин», «Лайли ва Мажнун» каби достонлари ҳамда қасида ва ғазалларга бой девони борлигини айтади, ижодидан намуналар келтиради.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Ҳилолий ўша давр учун мазмун ва шакл жиҳатидан янгилик бўлган «Шоҳ ва Дарвеш» ва «Сифот ул-ошиқин» достонларини яратган. Айниқса, «Шоҳ ва Дарвеш» достонида у ўша даврнинг энг катта иллати—бесоқолбозликни танқид остига олган.

Бобур Ҳилолий «ғазаллари ҳамвор ва рангли ва кам хадшадур» дея, унинг ижодига тўғри баҳо беради. Лекин уни анъанавий услубни бузиб, «Шоҳ ва Дарвеш» асарини яратганликда айблаб, адабиётда ахлоқ масаласини устун қўяди, жамиятнинг обрўли кишиларини ҳурматсизлантиришни маъқул кўрмайди: «Шуаройи мутақаддам ишқ ва ошиқлик учун маснавийларким айтибдурлар, ошиқликни эрга ва маъшуқтуқни хотунга нисбат қилибтурлар. Ҳилолий дарвешни ошиқ қилибтур, шоҳни маъшуқ».

Бироқ шунга қарамасдан, Ҳилолий ижоди ва шахсиятининг ижобий жиҳатларига баҳо беришда Бобур ҳаққонийликни зоҳир этади: «Бисёр қавий ҳофизаси бор

эмиш, ўттуз-қирқ минг байт ёдида бор эмиш. Дерларким, «Хамсатайн»нинг аксар абёти ёдида бор. Аруз ва қофия ва шеър илмига хейли мустаҳзадур».

Навоий, Бобур ва Хондамирнинг назари тупган шоирлардан яна бири Осафий бўлиб, уни баҳолашда уйғун ва айрича жиҳатлар бор. Улар Осафий ижоди ва шахсига ўз нуқтаи назарларидан келиб чиқиб ёндашганлар. Масалан, Навоий таърифида Осафийнинг хуштабълиги, ҳофизаси (шеър ёд олиш қобилияти) «бағоят хуб»лиги таъкидланади. Бироқ характеридаги «раъносифатлиқ ва худройлиқ» танқид қилинади.

Бобур ҳам Осафий шеъридаги бадийликни ижобий баҳолайди, аммо «ишқ ва ҳолдин бебаҳрадур», деб унинг илоҳий ишқ ва ички дарддан бебаҳралигини камчилик сифатида таъкидлайди, фикрини далиллар келтириб ишботлайди. Ушбу хусусият Осафийдаги Навоий уқтирган камчилик («вариб сифот»)нинг бир лавҳаси сифатида кўз ўнгимизга келади: «Ўзининг даъвоси бу эдиким, мен ҳаргиз ҳеч ғазалимни йиғинтурмоқ водисиди бўлмадим. Ғолибо такаллуф бўлмай. Бу ғазалиётини иниси ё қаробати жамъ қилибтур». Ана шу баҳода Бобурнинг яна бир ижобий жиҳати кўзга ташланади. У ҳам бўлса, Осафий ахлоқини унинг ижоди билан бирга олиб кўриш, шоир хулқидаги сохтакорлик, фирибни қоралашдир.

Хондамир Осафийнинг ўткир зеҳн эгаси эканлигини, унинг Султон Абусаид, Алишер Навоий, Бадигўззамон хизматида бўлганини таъкидлаб, девони борлиги ва эл орасида машҳурлигини айтади ва девонидан бир байт келтиради. Осафий шахсиятидаги камчиликка ишора қилмаса-да, Хондамир унинг ҳаётдаги беқарорлигини, қисқа умри давомида бир неча ҳукмдор, устозлар хизмати ва тарбиясида бўлганини ёзади.

XV асрнинг иккинчи ярми—XVI асрнинг биринчи ярмида фақатгина адиблар ва уларнинг асарларигагина эмас, балки адабиётшунослик, адабий танқидга доир асарларга

баҳо бериш ҳам кўпинча Навоий, Бобур, Хондамир ва Восифий зиммасига тушган. Ўша даврда ҳам адабиёт назариясига оид асарларга адабиёт манфаати нуқтаи назари билан ёндашиш, адабиёт даргоҳига кириб келаётган ёш ижодкорга тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга эди. Бу вазифани бажариш учун эса, зукко адабиётшунос, холис мунажжид, тасаввуф тариқатидан хабардорлик талаб этиларди. Фикримиз исботи учун бир мисол келтирайлик.

Навоийнинг Мир Атоуллоҳга берган баҳосида адабиёт назарияси ҳақида ёзадиган киши бу соҳанинг турли жанр ва турларидан тўла хабардор бўлиши кераклигига ишора қилинади. Зеро, Атоуллоҳга «бовужуди донишмандлик, шеър ва муаммо ва санъатда дағи маҳорат пайдо қилди», деб баҳо берар экан, Навоий унинг теран назарий «Бадоеъи Атоий» («Бадоеъ ус-санойй»нинг иккинчи номи) асари ҳақида сўз очади. Бироқ, шунга қарамасдан, Навоий Атоуллоҳ шахсиятидаги айрим нуқсонларга ишора этиб, унинг тўғри йўлдан бориши лозимлигини таъкидлайди.

«Бобурнома»да Атоуллоҳ ўз даврининг йирик адабиёт назарийчиси сифатида таърифланади. Бироқ Бобур Атоуллоҳ ахлоқидаги нуқсон ҳақида гапириб, уни ҳақли равишда танқид қилади. Одатда, мумтоз адабиётда шеър қонунияти назариясига оид асар ёзган киши шеърый мисолларнинг аксариятини ўзидан олдин ўтган сўз санъати усталари, ўткир шоирлар ижодидан келтириши одоб ва зарурат саналган. Бироқ қофия ҳақида илмий рисола ёзган Атоуллоҳ, Бобур зикр этганидек («амсила учун тамом ўзининг абётини келтурубтур»), шу қоидадан чекинган. Натижада, юзага келган адиб ахлоқига зид ҳолат Бобур танқидига учраган.

Навоий, Бобур, Хондамир ва Восифий кўплаб адиблар ижодини таҳлил этганлар, илк марта уларга холисона баҳо берганлар. Дарवेशбек, Султон Маҳмуд, Хўжа Абдуллоҳ, Мавлоно Биноий, Мир Сарбараҳна, Бойсунгур мирзо, Амир Шайхимбек Сухайлий ва бошқалар шулар сирасидандир. Бу ижодкорларнинг адабиётга муносабати, ижодларидаги

ранг-баранглик ва ўзига хослик, ҳар бир ғазал, байт ва дostonнинг замон талабига мослиги, ҳаёт билан ҳамнафаслиги ёки унинг нозик талабларига жавоб беролмаслигига устозлар эътибор қаратишган. Бундан ташқари, улар ҳар бир ижодкор истеъдодининг турфа қирралари, масалан, Хожа Абдуллоҳнинг мусиқага раъбати, айниқса, уdda маҳорат билан куй ижро этиши, Бойсунғур мирзонинг наставлиқ хатини чиройли ёзиши, наққошликка «илиги ёмон эмаслиги», Биноийнинг мусиқага оид рисола битгани ва жуда қисқа вақтда мусиқа асбобида куй чалишни мукаммал ўргангани ҳақида маълумотларни келтирганлар.

Бобурнинг адабиётнинг моҳияти ва вазифасига доир қарашлари фақат унинг мунаққидлик фаолияти билан чегараланиб қолмаган. Унинг ўзи ҳам бадийятта оид рисолалар ёзган, Хожа Аҳрорнинг «Волидия» рисоласини таржима қилганки, бу адиб ижодиининг ранг-баранглик касб этганини кўрсатади.

Умуман, Заҳириддин Бобурнинг илм, таълимга оид қарашларида ҳам адабиётга, шеърятга тeран муносабати акс этган.

Бобур фикрича, илм ўрганиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Биринчи галда, кишига илм ёр бўлмоғи, яъни Оллоҳ томонидан илм эгаллашга мойиллик ато этилмоғи лозим. Шундагина у толиби илм бўла олади. Лекин киши мавжуд илмларнинг барчасидан хабардор, «ўргангали илме» қолмаган бўлса-чи? Эҳтимол, биз қуйида келтирадиган рубоий Бобур ҳаётининг охириги йилларида яратилгандир. Бунда, муайян даражада, шоирнинг ифтихор ҳиссини туйганини кузатамиз. Даврининг қарийб барча илмларини эгаллаган, «Бобурнома»дек қомусий асар яратган аллома яна ўрганиш, изланишга ҳозир, аммо энди у ўрганадиган илм қолмаган. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, Заҳириддин Бобур ўз даврининг етук олими, билимдони ва адаби сифатида шаклланган, ўзини қизиқтирган жамики илмни эгаллаган, бироқ шунга қарамай, у яна илмнинг янги кашфиётларига эҳтиёж сезаётганини билдирмоқда:

*Ким ёр анга илм толиби илм керак,  
Ўргангани илм толиби илм керак.  
Мен толиби илму толиби илме йўқ,  
Мен бормен илм толиби, илм керак.*

«Бобуринома»да муаллифнинг адабиёт, шеърят, китобатга доир қарашлари, араб алифбосини ислоҳ қилиш йўлида яратган «Бобурий хати» ҳам унинг ижод кўлами нақадар кенглиги, адабий-эстетик қарашлари серқирра бўлганлигидан далолат. Асардан келтирилган қуйидаги парча муаллиф ички олами, адабиёт, илм, маданиятга муносабатини яққол кўрсатади. Бобур Ҳумоюннинг ўғил кўргани, Комроннинг «кадхудолиғи таҳният»ига атаб Ҳиндистондан Қобулга улар учун совға-салом жўнатади. Муҳими шундаки, Бобур фарзандларига ҳисобсиз зар-зевар қатори, ўзининг шеърлари, таржималари (Хожа Аҳрорнинг «Волидия» асари таржимаси), ўзи ихтиро этган «Бобурий хати» билан битилган муфрадот ва сархатларни юборади. Шеър ва китобат санъатини қимматли совға сифатида фарзандларига жўнатгани унинг олиму шоирлигидан далолатдир, қолаверса, Бобур маънавияти ва маърифатининг олийлиги нишонасидир: «Ҳумоюннинг ўғли бўлғонининг таҳниятига ва Комроннинг кадхудолиғининг таҳниятига Мирзо Табризийни ва Мирзобек тағойини ўн минг шохрухий сочиқ била юборилди. Ўзум кийган тўн ва боқлағон камар ҳар икки мирзога йиборилди. Мулло Биҳиштийдin Ҳиндолға мурассаъ камар ва ханжар ва мурассаъ давот ва садафкорлиқ сандали ва кийган нимча ва тағбанд ва «Бобурий хати»нинг муфрадотини йиборилди... Ҳумоюнға, таржиманиким, Ҳиндистонға келгали айтқон ашғорни йиборилди. Ҳиндолға ва Хожа Калонға ҳам таржима ва анғор йиборилди. Мирзобек тағойидин ҳам Комронға таржима ва Ҳиндқа келгали айтқон анғор ва «Бобурий хати» била битилган сархатлар йиборилди».

Бобур сонғалар қатори ўғилларига Хожа Аҳрорнинг Волидия» рисоласи таржимасини юборгани ҳам ибратли-

дир. Мазкур таржимани у яқин кишиси—Хожа Калонга ҳам жўнатган. Бунда Бобурнинг таржима туташи ҳамон қувончини яқинлари билан баҳам кўриш, уларни ҳам бундан баҳраманд этиш нияти сезилиб туради. Бизнингча, бу масаланинг бошқа томони ҳам бор. Бобур яратган асари ва таржимасини ўғли ҳамда яқин дўстига топшириб, фикрларини билмоқчи бўлган, Хуросон ва Мовароуннаҳр илму адаб аҳлини баҳраманд этиб, уларнинг ҳам бу таржимага муносабатини аниқлашни истаган. Назаримизда, адиб ўзи яратган таржимага муносиб танқидчи, маслаҳатчини Ҳиндистондан топмагани боис, уни фарзандлари ва дўсти Хожа Калонга юборган кўринади.

### 3. Адабий жанрларга муносабат

XV аср иккинчи ярми—XVI асрнинг биринчи ярмида адабиётшунослар адабий жанр муаммоларига ҳам муносабат билдирганлар. Жумладан, Бобурнинг адабий-эстетик қарашларида бу масала алоҳида ўрин тутади. Бу борада Навоий, Бобур, Хондамир, Восифийнинг сатира ҳақидаги фикрлари алоҳида диққатга молик. Хусусан, «Бобурнома»да ўқиймиз: «Жолада шеър айтур эл хейли бор эди. Мисли Шайх Абул Важд ва Шайх Зайн ва Мулло Алихон ва Турдибек Хоксор, яна баъзилар ҳам бор эди. Суҳбатта Муҳаммад Солиҳнинг бу байти мазкур бўлдим:

*Жое ки ту боши дигареро чй кунад кас,  
Маҳбубии ҳар ишвагареро чй кунад кас.*

(Мазмуни: Ҳар бир ноз-карашмачининг муҳаббатини нима қилсин киши, Сен бўлган жойда бошқани нима қилсин киши. )

Дедукким, бу ғўнада айтсунлар. Табъи назми бор эл айтмоқ мақомида бўлдилар. Чун Мулло Алихон била хейли мутояба қилилур эди, ҳазл тариқи била бу байт бадиҳада хотирға келди:

*Монанди ту мадҳушу кареро чӣ кунад кас,  
Ҳар гоюкуну мода хареро чӣ кунад кас.*

(Мазмуни: *Сенга ўхшаш ҳушсиз карни нима қилсин киши,  
Ҳар бир ҳўкизга ўхшаган ва урғочи эшакни нима қилсин киши.*)

Мундин бурун яхши ва ёмон, жид ва ҳазл ҳарие хотир-ға етса эди, мутояба тариқи била гоҳи манзум бўлур эди. Ҳар нечук қабиҳ ва зишт назм ҳам бўлса марқум бўлур эди. Бу фурсаттаким, «Мубаййин»ни назм қиладур эдим, хотири фотирға хутур этти ва ҳазин кўнгулға мундоқ еттиким, ҳайф бўлғай ул тилдинким мундоқ алфозни дарж қилғай, яна фикрини қабиҳ сўзларға харж қилғай ва дарив бўлғай ул кўнгулдинким, мундоқ маоний зухур этгай, яна зишт ҳаёллар анда хутур этгай. Андин бери ҳажв ва ҳазл шеър ва назмидин торик ва тоиб эрдим».

Мазкур парчада Бобурнинг адабиёт жанрларига, шеърятга муносабати ўз аксини топган. Матндан кўришиб турибдики, муаллифнинг асл мақсади Муҳаммад Солиҳнинг шеърини татаббуга лойиқ мисол сифатида келтиришдан кўра, ҳазил ва мутойиба байтларға ўзининг муносабатини билдириш бўлган. Бу давргача ҳам Бобур ижодида ҳазил ва мутойиба шеърлар яратилган, шеърӣ анжуманларда ўқилган бўлиши керак. Бироқ юқорида «бу байт бадиҳада хотирға келди», дейди у. Бу бадеҳа шеър унинг ижодида сатирик жанрда яратилган охириги мисралар эканини таъкидлаган Бобур, айни фурсатда «Мубаййин»ни ёзаётганини зикр этади. Маълумки, «Мубаййин» адибнинг ислом дини ва ақидаларига оид асари. Бу эса шеър мисраларини турли мутойиба, ҳазил, гоҳида масҳараомиз оҳангга йўгиришдан кўра, маънавий қимматга молик асар яратишни лозим кўрган Бобур дунёқарашида жиддий ўзгариш содир бўлаётганидан дарак бериб, йигитлик ҳавасидан фазлу камол, илоҳӣй сифиниш томон интилиб бораётган шахс ички кечинмаларининг ғалаёни, курашини кўрсатади. Шу пайтдан бошлаб унинг шахсиятида ҳам шоҳ, ҳам шоиру адиб ва ҳам тасаввуф тариқатининг шоғирди, муриди, содиқ мухлиси етилаётгани кўзатилади.

“Бобурномада” Бобурнинг ҳазил, мутойиба ва одобсиз мавзуда асар яратипдан воз кечгани, адабиётнинг жиддий жанрларини афзал кўрганининг тасдиқи бўладиган яна бир жонли мисол бор. Юқоридаги парчада «бу фурсатта-ким, «Мубаййин»ни назм қиладур эдим, хотири фотирга хутур этти ва ҳазин кўнгулга мундоқ еттиким...», дейди Бобур. Асардаги шу матидан олдин битилган саҳифаларга диққат билан назар солсак, май, чоғир базмлари, маишат ва Бобурга унча мос бўлмаган қақшатқич қирғинлар тас-вирланган. Тасвирларда бадий юксаклик, нозик ифода-лар кам кўринади, воқеалар баёнида кўпинча фактик да-лиллар келтириш билан кифояланилади. Назаримизда, айни ўша пайтлар Бобур учун бесамар, ҳаётий мазмундан йи-роқ, маст-аласт кишилар суҳбатидан безган ва ўзининг пок матнавиятини қидириб юрган давр бўлган.

Бобур юқоридаги фикри билан кўнглида яна айтилмай қолаётган, онгида содир бўлаётган руҳий тиниқиш, ўзга-ришни янада кучлироқ, таъсирчанроқ баён этишни кўзла-ганини билдиради. Айтиш мумкинки, бу ниятини у жуда ўринли амалга оширган. Наср тилининг кучи гўё дил амри, «ҳасби ҳол»ни баён этиш, тўла ифодалашга имкон берма-ган чоғи, у ўша давр адабиётига хос услуб—насрда билди-рилган фикрни янада қувватлаш учун назмдан фойдалан-ган. Ҳақиқатда ҳам, Бобур келтирган бу шеърий парчада унинг «ҳар йўталганда қон тупурур эдим, аксар иситма бўлди, билдимким, бу иситма қондиндур», деган жисмоний заиф ҳолатининг рамзий ифодаси ҳамдир:

*Не қилайин сенинг била, эй тил,  
Жиҳатингдин менинг ичим қондур.  
Неча яхши десанг бу ҳазл ила шеър,  
Бириси фаҳшу, бири ёлмондур.  
Гар десанг куймайин бу журм била,  
Жилавингши бу арсадин ёндур.*

Бундан ташқари, мазкур шеър Бобурнинг адабиётга кенг назар билан қарагани, сатирага ижодкор фақат ўз дунё-

қараши доирасида ёндашиши хатолигини қайд этганини уқтиради. Агар, дейди Бобур, бу йўлда шеър битмайман десанг, умуман адабиёт майдонидан кетишинг керак («Гар десанг куймайин бу журм била, жилавингни бу арсадин ёндур»). Ҳақиқатан ҳам, Бобур сатирада шеър битмайман, деган бўлса ҳам, беихтиёр ҳаёт ва адабий муҳит таъсирида ҳазил-мutoйиба шеър ёзган. Хожа Калон Ҳиндистоннинг иссиқи ва ноқулай табиатига чидолмай, Бобурни таллаб кетаётиб айвонининг пештоқига қуйидаги байтни ёзиб кетади:

*Агар бахайру саломат гузар зи Синд кунам,  
Сиёҳрўй шивам, гар ҳавойи Ҳинд кунам.*

(Мазмуни: Агар мен соғ-саломат Синддан ўтиб олсам, кўзим қора бўлсин қайтиб Ҳиндни ҳавас қилсам.)

Хожа Калоннинг бу байтидан ранжиган Бобур («Биз Ҳиндистонда туруб, мундоқ зарофатомиз байт айтмоқ ва битмоқ бесураттур») «зарофатомиз» шеър айтади:

*Юз шукр де, Бобурки, кариму заффор,  
Берди сенга Синду Ҳинду мулки бисёр.  
Иссиқлиғига гар санга йўқтур тоқат,  
Совуқ юзини кўрай десанг Ҳазни бор.*

Бобур сатира ҳақида фикрини давом эттириб, ёзади: «Яна бошидин истигфор ва зътироз мақомида бўлуб, бу навъ ботил андишадин, бу йўсунлиқ нолойиқ пешадин кўнглумни тиндуруб, қаламни синдурдум».

Бобурнинг сатирага муносабатига ойдинлик киритиш мақсадида назмий асаридаги яна бир мисолга мурожаат этамиз.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қарашларида, аввало, холислик, фалсафий терапик устун. Биринчи навбатда, бу жиҳат яхши билан ёмон, эзгулик билан ёвузлик, гул билан тиконнинг бир фазо ва маконда ёнма-ён яшаб келгани баёнида кўринади. Шоир бу қарашини фалсафий,

тасаввуфий талқинда ифодалаб, ўз қони таркибида майи ноб зарралари мавжудлиги, яъни кимки май истеъмол қилса (бунда, албатта, майнинг тасаввуфий маъносини ҳам англаш мумкин), албатта, вужудида май зарралари қолиши табиийлигини уқтиради. Адиб манфий ва мусбат хусусиятларнинг бир маконда мавжудлигини билдириб, масалани ўзининг ижоди, шеъриятига кўчиради. Унингча, шоир қанчалик уринмасин, ижодида бировга маъқул бўладиган ёки маъқул бўлмайдиган сатрлар учраши, гулнинг тикони бўлгани сингари, шеъриятда ҳам барчага маъқул тушмайдиган сатрлар бўлиши табиий ҳол:

*Ҳар ердаки гул бўлса, тикон бўлса, не тонг,  
Ҳар қайдаки май дурдидин бўлса не тонг.  
Шеъримда агар ҳазил, агар жид, кечурунг,  
Яхши борида агар ямон бўлса, не тонг.*

Қизиги шундаки, Бобур бунда «ямон» деб шеъридаги «ҳазил», яъни сатирага мойил асарларини назарда тутмоқда. Демак, гарчи у ҳазил, мutoйиба, сатирик шеърни ёқтирмаса-да, шароит тақозоси билан шундай шеърлар битган, аммо ўзи айтганидек, улар «ямон бўлса, не тонг».

Бобурнинг адабий жанрларга, адабиётшуносликка доир қарашларида зомондоши Муҳаммад Солиҳ ижоди ва шахсига оид мулоҳазалар алоҳида диққатни тортади. Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асарини у шундай баҳолайди: «Шайбонийхоннинг отига бир туркий маснавий битибтур, бисёр суст ва фурудтур, ани ўқигон киши Муҳаммад Солиҳнинг шеъридин безътиқод бўлур». Бу ҳақда академик Б.Валихўжаев ёзади: «Аммо Бобур баъзан (қизиққонлик билан) у ёки бу шоир ижоди ва асари тўғрисида хулоса ҳам чиқаради. Жумладан, унинг Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома»си ҳақидаги мулоҳазаларини олайлик. Бобур бунда бутун асардан танҳо бир байтини маъқуллайди-да, қолган ҳамма қисмларини... инкор этади. Аслида бу асар, Муҳаммад Солиҳ дунёқарашидаги

чекланганликлар билан белгиланувчи нуқсон ва камчиликлардан қатъи назар, ўзбек эпик поэзияси, реалистик тасвир услуби тарихида ўзига хос мавқени эгаллаши адабиётшунослигимиз томонидан исбот этилгандир».

Бизнингча, Бобур Муҳаммад Солиҳнинг Шайбонийхонга— темурийлар хонадони душманига атаб китоб ёзганини ҳазм қила олмайди ва унга нисбатан юқоридагича баҳо беради. У Муҳаммад Солиҳ шеърини вояси кучли, бадий жиҳати юксаклиги учун эмас, балки ҳазил, мutoйиба жанрига ўзининг мурасасизлигини билдириш учун танлаган. Иккинчидан, аҳтимол, Бобур Муҳаммад Солиҳнинг Шайбонийхонни мақтаб шеър ёзишини ёқтирмай, «сенинг вазаларинг мен айтган зарофатомиз мисралар битилган шеърга лойиқ», деган.

Масаланинг яна бир томони бор. Фикримизча, Муҳаммад Солиҳнинг шахсияти ҳам Бобур назаридан четда қолмаган. Адабиётшунос Насрулло Давроннинг ёзишича, Муҳаммад Солиҳ Ҳусайн Бойқаро ва бошқа темурийлар томонидан жабр кўрган, кейинчалик Шайбонийхоннинг укаси Султон Маҳмуд хизматида бўлган. Шу сабабдандир, «Шайбонийнома»да муаллиф «шайбонийларнинг сиёсий душмани бўлган темурийлар ҳақида қалам тебратганда киши қалбида уларга нисбатан вазаб ва нафрат туғдириш учун бор кучи билан интилади. Шоирнинг айтишича, темурийлар маиший бузуқликка берилиб, эл-юртнинг аҳволидан хабар олмай қўйганлар. Улар ўзаро уруш-жанжаллар қилиб, мамлакат тинчлигини бузганлар».

Бироқ Бобур «Шайбонийнома»ни айни шу боисдан танқид қилмаган. «Бобурнома»да муаллиф Ҳусайн Бойқаро салтанатидаги бу иллатларни, ўзи темурийзода бўлса ҳам, Муҳаммад Солиҳдан кам қораламаган, аксинча, асарда муаллифнинг бу касофатдан ачингани, Темур салтанати емирилишидан даҳшатга тушгани ёрқин ифодаланган. Ҳатто Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома»да Бобур ҳақида:

*Хусн майдонига золим кирди,  
Зулм бозориға равнақ берди,—*

деб ёзгани ҳам темурийлар салтанатини яксон этган Шайбонийхонга атаб мадҳия асар битганидан далолатдир. Муҳаммад Солиҳга нисбатан муносабатда Бобур ўзига хос объективликни, бироз бўлса-да, шахсий қарашини қурбон қилганки, «Бобурнома»да бу камдан-кам учрайдиган ҳолдир.

Навоийдан кейин, Бобур яшаган даврда ҳам адабий асарларни қайси жанрда яратган маъқуллиги ҳақида турлитуман фикрлар бўлган. Адабиётшунос, мунаққидлар наср ёки назмнинг афзалликлари, маснавий, ғазал, рубоий, фард ва бошқа назм шакллари ҳақида ҳам фикр билдиришган.

Бобурнинг бу борадаги қарашлари, кўпинча, муайян бир адиб ижодига баҳосида ёки адабий жараён борасида юритган фикрида кўринади. Масалан, у Сайфий Бухорий ижодини баҳолаб, касб аҳли ҳақида оригинал ғазаллар яратганини таъкидлар экан, унинг ғазал жанрига садоқатини қуйидагича ифодалайди: «Маснавийси йўқтур. Нечукким, бу қитъа анга долдур:

*Маснавий гарчи суннати шеър аст,  
Мен ғазал фарзи айн медонам.  
Панж байтеки дилпазир бувад,  
Беҳтар аз хамсатайн медонам.*

(Мазмуни: Маснавий шеърнинг суннати бўлса ҳам, Мен ғазални фарзи айн (мақбул), деб биламан. Дилга ёққан беш байтни «Хамса»дан устунроқ, деб биламан.)

Алишер Навоий ҳам Мавлоно Сайфийнинг адабиётда ўз ўрнига эгаллиги, ҳунармандлар ҳақида шеърӣ девони борлигини алоҳида таъкидлаган: «Андоқки шеърӣ шуҳрат тутти ва масал тарийқин бағоят яхши айтти... Ва санъат ва ҳирфа аҳли учун ҳам кўп латофатлиқ назм қилибтур ва ул тарийқа мухтареъдур».

Бобурнинг адабий жанрларга муносабатини кузатар эканмиз, унинг ижодда турли, ранг-баранг жанрлар зарурлигини ёқлаганини кўрамиз. Астида унинг ўзи ғазал, рубо-

ий, фард, маснавий каби поэтик жанрларда ижод этган, насрода «Бобурнома» каби тенгсиз асарни яратган, туркий адабиёт хазинасинигина эмас, балки жаҳон адабиётини етук дурдона билан бойтган.

«Бобурнома»да 1501—1502 йиллар воқеалари тасвирида Бобурнинг назарий билими дебочаси бўлмиш, шеър қофияси ҳақидаги илк қарашлари баёнини кузатамиз. Шеърят оламига энди кириб келаётган Бобур ўзи ёзган рубойини адабиёт ва шеърятдан биров хабардор Тошкент хонига кўрсатиб, тузатиб олмоқ истаги борлигини билдиради. Бу мисолдаги муҳим жиҳат шуки, 18—19 ёшли Бобур, ўзининг таъжидлашича, шеърятда унчалик тажрибага эга бўлмаса ҳам, шеър қадри, унинг таъсир кучини тўғри англаган.

Бундан ташқари, хонга кўрсатилган ўша рубойда те-мурий шаҳзода ва беклар орасидаги урушлардан толиққан, ҳисобсиз тортишгувлар туфайли ғурбатда қолган муаллифнинг таржимаи ҳолидан бир лавҳа ҳам ўз аксини топган: «Бетаваққуф ўтуб, хон қошига Тошкандга бордим. Бу рубойини айтиб эдим, маъмул қофиясида тараддудим бор эди, ул маҳалда шеър мусталаҳотиға мунча татаббуъ қилмайдур эдим, хон ҳуштабъ киши эди, шеър айтур эди, агарчи сару сомонлиқ ғазали камроқ эди, бу рубойини хонга ўткариб, тараддудимни арз қилдим. Кўнгул тингудек шофий жавоб топмадим. Ғолибо, шеър мусталаҳотиға камроқ татаббуъ қилгондурлар. Рубойий будур:

*Ёд этмас эмиш кишини меҳнатта киши,  
Шод этмас эмиш кўнгулни ғурбатта киши.  
Кўнгулм бу ғариблиқта шод ўлмади ҳеч,  
Ғурбатда севинмас эмиш, албатта, киши.*

Сўнгра маътум бўлдиким, турк лафзида маҳал иқтисоси била то ва дол яна вайн ва қоф ва коф бир-бирлари била мубаддал бўлурлар эмиш».

Бобур, бир томондан, хонни «хуштабъ киши эди», деб таъкидлайди. Кейинги баҳо хоннинг шеъриятдаги ўрнига аниқлик киритади: «агарчи сару сомонлиқ назали қамроқ эди». Хоннинг «адабиётшунослик қобилияти» учинчи жумлада якунланади, яъни Бобур рубоийсини унга кўрса-тиб, афсуслангани, кўнгилдагидек жавоб ололмаганини айтади: «Кўнгул тингудек шофий жавоб топмадим». Шу уч жумлада ҳам адабиётшунос, ҳам ўз ижодига талабчан шоир Бобур сиймоси гавдаланган.

Заҳириддин Бобур фақат адиблар, шоирлар шеърларига баҳо бермаган, кўпинча, ўз ижодига ҳам назар солиб, юқорида кўрганимиздек, танқидий ёндашган. Лекин бу масаланинг бошқа бир жиҳати ҳам бор. Бобур ижоди етуклик палласига етган пайтда ҳам туркий адабиётда Алишер Навоийдан сўнг нодири даврон эканини биларди. Хоҳ насрий, хоҳ назмий асарларида, ҳатто салтанат бошқариши ҳусусида фахрия тарзида фикр юритар экан, у шу устунликка лойиқ бўлгандагина қалам тебратган. Ортиқча мақтаниш, сохта обрўга интилиш унинг табиатига ёт бўлган.

Қуйида келтириладиган рубоий айнан шоир Заҳириддин Бобур шаклланган бир даврда яратилган. Унда муаллиф ўзининг етук замондош шоири ижодига (адабиётшунос В.Раҳмонов фикрича, бу рубоий Алишер Навоийга бағишланган) баҳо бериб, танқидчи сифатида намоён бўлган, шеърнинг жамиятдаги вазифаси, шакл ва мазмун бирлиги аниқ таҳлил этилган. Бобур фикрича, назмдаги мазмун кишиларга фақат эстетик завқ бахш этиш, чиройли, қофиядош сўзлардан иборат бўлиб қолмасдан, тафаккур ривожини, шахснинг умумий-маънавий саводини («хатти саводий») оширишни лозим. Зеро, адабиёт инсонлар учун ҳаёт бахш этувчи восита, зулмат ичра нур, басир кўзларни очувчи қудратдир. Шеърят қиёмига етган, элга манзур бўладиган даражада зиммасига юклатилган бошқа вазифаларни бажаролсагина муаллифини «бори шеърларга султон янглив» кўтариши мумкин:

*Эйким, бари шеър аҳлига сен хон янглиз,  
Шеъринг бори шеърларга султон янглиз.  
Мазмуни анинг хатти саводий ичра  
Зулмат орасида обихайвон янглиз.*

Бошқа рубоийда у бир шоир шеърини мутолаа этиб, ўзининг танқидий мулоҳазасини билдирган. Бунда ҳам мунаққид Бобур қарашларини кузатамиз. Шеърдаги «фикри хуш», яъни мазмунан етуклик Бобурга маъқул келган. Фақат бу эмас. Бобур шеър яратиш учун шоирда юксак савод, тил ва мантиқ, имло ва ҳуснихат мажмуининг комил бўлишини таъкидлайди. Агар шоир яратган мисралар буларга эга бўлса, шеърни мутолаа этувчининг кўзи, яъни қалби равшан тортади. Бу назмда шакл масаласига доир мулоҳазалардир. Мазмун шаклдан кам аҳамиятга эга эмас. Бобур халқ орасидаги «қулоқни пурдур қилиш» иборасини қўллаган. Дур — бу безак, қулоққа тақиладиган зиракларга зеб берувчи восита. Сўз дури — шеър муаллифининг лугат бойлиги, назм бадиятларидан моҳирона фойдаланиши, шакл ва мазмун бирлигига эриша олгани белгиси. Хуллас, бу рубоий ҳам Бобурнинг шеър санъатининг моҳир мунаққиди, назмни, ўзи таъкидлаганидек, «яхши тасаввур» қиладиган олимлигини яна бир бор намоён этмоқда:

*Шеъринг эшитур фикрини Бобур қилди,  
Не фикри хушу яхши тасаввур қилди,  
Кўзини ёруқ айлади саводи бирла,  
Мазмуни била қулоқин пурдур қилди.*

Таъкидлаш керакки, XV—XVI асрларда ҳазил, мутойиба, мазахомиз шеърларни яратиш, уларни давраларда ўқиб бериш расм бўлган. Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарида бунга оид мисоллар жуда кўп. Амир Мажидиддиннинг Алишер Навоий шарафига Жаҳоноро боғида берган зиёфати пайтида ўша даврда ҳазил, мазах шеър айтишда машҳур бўлган Мавлоно Абдулвосеъ ўз шеър-

ларини ўқийди. Бу мисол ўша даврда сатирик шеърга муносабатни ойдинлаштиришга ёрдам беради. Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис»ида таъкидланишича, Мавлоно Абдулвосеънинг китобида қаттиқ ботувчи ҳазил, кўпинча беҳаё шеърларини яратишида уни паноҳига олган амир Мажи-диддиннинг ҳиссаси бўлган. Восифий маълумотича, ўша мажлисда Абдулвосеъ Навоийдан бошқа қарийб барча мажлис аҳли шаънига ҳазил-мутойиба шеър айтиб, ҳақоратомиз байтлар ўқиган. Ажабланарлиси шундаки, унинг бундай шеърлари ўша даврада катта инъомлар билан тақдирланган. «Бобурнома»да муаллиф шоир, адибларга баҳо берганда ҳажвий шеърлардан деярли мисол келтирмайди. Восифий эса «Бадоеъ ул-вақоеъ»да бу жанрга кенг ўрин берган.

«Бобурнома»да Восифийнинг номи умуман тилга олинмаганини икки жиҳатдан изоҳлаш мумкин. «Бадоеъ ул-вақоеъ»даги ҳаддан ташқари эркин ифода (баъзан пардасиз сўзлар билан ифодаланган воқеалар), сатирик воситаларнинг кенг қўллангани Бобурга маъқул тушмаган. Иккинчидан, эҳтимол, Восифийнинг турли султон ҳокимлар (жумладан, Шайбонийхон) хизматида бўлгани ҳам бунга сабабдир.

Бобурнинг Восифийга бундай муносабатидан қатъи назар, «Бадоеъ ул-вақоеъ» XVI аср адабиётининг нодир асар сифатида машҳур.

Хуллас, XV—XVI асрларда яратилган тарихий, саргузашт, воқеий-илмий-саргузашт асарлардаги адабиёт ва унинг вазифаси, шоир ва унинг жамиятдаги ахлоқий-маънавий ўрни, адабиётшунослик ва адабий жанрлар мавқеи ҳақидаги фикрлар ўша давр адабий-эстетик тафаккури даражасини белгилашда қимматли манбадир. Бу асарларда билдирилган фикр мулоҳазалар адабиётшунослик, таъкиршунослик ва шеършунослик учун махсус яратилган асарлар мақсади ва мазмуни, вазифаси ва кўлами билан уйғунлашиб кетади. Айниқса, Навоий, Бобур, Восифий ва Хондамир ижодида бу ёрқинроқ кўрингани боис, биз асо-

сий эътиборни уларнинг фикр-хулосаларига қаратдик, холос. Бу мавзунини янада чуқур ўрганиш галдаги вазифалардандир.

#### 4. Шахс мавқеи ва бадиий талқин

«Бобурнома»да 1500дан ортиқ турли даражадаги кишилар ҳақида сўз юритилади. Асарда тасвирланган ҳар бир образ, персонаж, шахс ўзининг жозибаси, характери билан алоҳида ажралиб туради.

Муаллиф ким ҳақида фикр билдирмасин, ўзига хос усулни қўллаб, унинг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларини очиб беради. Сўз юритилаётган шахснинг на жамиятдаги мавқеи, на ижтимоий келиб чиқиши ва на муаллифнинг унга муносабатидан қатъи назар, ҳолис тасвирлангани Бобур дунёқараши, кишиларга муносабатини белгилашдан ташқари, ўша давр сиёсий-ижтимоий, ахлоқий мезони ҳақида ҳам кенг маълумот беради.

Тадқиқотимизнинг бу қисмида «Бобурнома»даги ҳали таҳлил этилмаган образлар, персонажларнинг хусусиятларини очишга ҳаракат қилдик.

Муаллиф Умаршайх мирзо ҳақида фикр билдираркан, гап отаси ҳақида кетишидан қатъи назар, «авлоди» деган жойда ўз номини зикр этади ва ўқувчи Бобур Умаршайх ўғли эканлигини билади. Масалан, «Бори қизлардин улуг Хонзодабегим эди, менинг била бир туққон эди, мендин беш ёш улук эди...», деб ёзади. Шунда ҳам Бобур Умаршайхни «ота», Хонзодабегимни «опа», деб тилга олмайди, балки бошқа кишиларни таърифлаганда қўллаган ибораларни қўллайди, яъни отаси ва орасининг исмини тилга олиб фикр билдиради.

Бобур талқинида Умаршайх характери анча мураккаб, қарама-қаршиликка бой шахс сифатида намоён бўлади. Муаллиф унинг «шакл ва шамоийли» таърифидаёқ «паст бўйлуқ, тегирма саққоллиқ, қўба юзлук, танбал киши эди», дер экан, ҳатто отаси ҳақида фикр юритганда ҳам ҳолис

қолганини кузатамиз. Бобур Шайбонийхон, Ҳусайн Бойқаро, Султон Абусаид ва бошқалар тасвирида ҳам шу маромни сақлайди. Отаси ҳақида «ҳанафий мазҳаблиқ, покиза эътиқодлиқ киши эди, беш вақт намозни тарқ қилмас эди, умрий қазоларини тамом қилиб эди, аксар тиловат қилур эди», дер экан, унинг пок мусулмон, эътиқодли шахс бўлганини алоҳида таъкидлаб, шу хислатларини Умаршайхнинг ижобий фазилятлари сирасига киритади.

«Бобурнома»да муаллифнинг Хожа Аҳрор Валига нисбатан юксак эътиқоди кўп айтилган ва биз бу масалага турли мавзуларни ёритганда мурожаат қилдик. Бобур ўз даврининг бу йирик маънавий, сиёсий арбобини ўз пири, халоскори сифатида таърифлайди, «Бобурнома» қаҳрамонлари ахлоқига ва шахсларга муносабатини унинг қарашлари андозасига солиб баҳолайди. Муаллиф маълумотига кўра, отаси Умаршайх Хожа Аҳрор Вали билан яқин муносабатда бўлган, Хожа отасини фарзанд сифатида қадрлаган. Шунинг ўзи ҳам Умаршайх ўз даврида юксак эътиборга эга бўлганидан далолат беради.

Умаршайх саводли, «Ҳамсатайн»ни кўп муталаа қилган, таъби назми бор, аммо шеър айтмаган. Бобур «аксар «Шоҳнома» ўқур эди», деркан, отасининг форс адабиёти, айниқса, Абулқосим Фирдавсий ижодига меҳри борлигини айтади. Шу билан бирга, Умаршайхнинг «бисёр саховати бор»лигини билдирган Бобур, Хитойдан уч-тўрт минг қорамоли билан келаётган карвон қор бўронига учрагани, карвон аҳлидан атиги икки киши соғ қолганига қарамай, карвоннинг кўп мол-мулкини икки йил давомида асрагани, шу муддат ичида уларнинг қариндошларини топиб, молини хиёнатсиз топширганини ёзадики, бировнинг омонатига бундай муносабат, албатта, ибратлидир.

Бобур Умаршайхнинг жанговарлик қобилиятини тасвирлаб, «икки мартаба ўзи жамиъ йигитлардин ўзуб қилич тегурди... ўқни ўрта чоклиқ отар эди, бисёр зарб мушти бор эди, анинг муштидин йигит йиқилмоғон йўқтур», дейди.

Аммо «Бобурнома»да Умаршайх шахсининг салбий жиҳатларига кўпроқ ўрин берилган. Муаллиф Умаршайх беклари ҳақида фикр билдираркан, биринчидан, унинг одам танимаслиги, шунинг оқибатида кўп шикаст топганини айтади: «Неча навбат қойинотаси Юнусхонниким, Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чиватойхон наслидиндур... истидҳо қилиб келтурди. Ҳар қатла келтурганда вилоятлар берур эди. Чун Умаршайх мирзонинг муддаосидек бўлмас эди, гоҳи Умаршайх мирзонинг бадмаошлигинин, гоҳи мўғул улусининг муҳолафатидин вилоятта тура олмай яна Мўғулистонга чиқар эди».

Бобур ўз отасини «бадмаош», яъни у одамлар билан тил топиша олмаслиги, одамларнинг табиатини яхши билмаслиги боис кўп наид еган, дейди. «Бобурнома»да кўплаб персонажлар, шахслар борки, улар Умаршайхнинг ана шу салбий хусусиятини янада тўлдиради.

Адабиётшунослар А.Зуннунов, Н.Ҳотамов «Адабиёт назариясидан қўлланма» асарида шундай ёзадилар: «Асарда тасвирий усулнинг яна бир кўриниши бошқалар орқали берилган характеристикадир, яъни ёзувчи бадий асардаги образларга фақат ўзингина эмас, балки бошқалар орқали ҳам характеристика беради. Маълумки, ҳар бир киши атроф-муҳит билан, кишилар билан алоқада ҳаёт кечиради, улардан таъсирланади, ўрганади ва ўз навбатида ўзи ҳам уларга таъсир кўрсатади. Атрофидагиларнинг билдирган фикрлари, характеристикалари унга бўлган муносабатларини библиб олишда муҳим роль ўйнайди».

Бобурга тоға бўлган Мир Ғиёс таърифида ҳам айнан шу хусусиятни кузатамиз. Бобур унинг кимлигини билдириш учун «Султон Абусаъид мирзо эшигида мундин илгароқ йўқ эди», дер экан, «Абусаъид мирзонинг чорсу муҳри мунда эди» деб, уни султоннинг энг ишонган кишиси эканлигига ўқувчини ишонтиради. «Умаршайх мирзонинг охир замонларида кўп муқарраб бўлуб эди», дея отасининг салтанатида ҳам бу шахс нуфузга эга бўлганини таъкидлайди. Бир қараганда, Бобурнинг тоғаси Мир Ғиёс ҳақидаги

ижобий фикрлари табиий кўринади. Бироқ отасига маҳрам бўлган кишини «кулагач ва ҳаззол киши эди, фисқда бебок киши эди», деб баҳолайдики, бу билан Умаршайх девонидаги яқин кишиларнинг характери очиб беради.

Бобур ҳар бир шахсга хос хусусиятнинг энг нозик жиҳатларини илғайди, уни муносиб сўз, ибора билан ўқувчига етказди. Умаршайх атрофидаги кишилардан Бобурнинг яна бир тоғаси Али Дўст ҳақида “Бобурнома”да кўп жойда ҳикоя қилинади. «Умаршайх мирзо замонидин мен кўпроқ риоят қилиб эдим», дер экан, ҳар ҳолда, тоғаси, отасидан кейин ҳам унинг умаролари эҳтиромини жойига қўйганини ёзади. Али Дўст ҳақида «Илигидин иш келур дедилар», дейди ва бошқаларнинг тавсияси орқали унинг шахсиятига муносабат билдиради. Али Дўстнинг феъл-атвори ва бошқалар билан муносабатини кузатган Бобур «бу неча йилким, менинг қошимда эди, ҳеч андоқ иши зоҳир бўлмадиким, деса бўлмай», деган қарорга келади.

Бу Бобурнинг Али Дўст ҳақидаги охириги фикри эмас. Муаллиф кимга баҳо бермасин, имкони борича, ҳатто мураккаб характерли кишиларнинг ҳам айрим ижобий жиҳатларини қайд этишга ҳаракат қилади. Бу—унинг тасвир услубига хос «темир қонун». Али Дўстга келганда, яхшилигини «деса бўладиган» томони йўқ. Унинг яна бир камчилиги «Султон Абусаъид мирзога хизмат қилгон даврида ядачилик даъвосини» қилганлиги, яъни қўлидан келмайдиган ишга ўзини муносиб билгани эди: «Ярамас ахлоқ ва атворлиқ киши эди. Бахил ва фитна ва зумухт ва мунофиқ ва худписанд ва қаттиқ сўзлук ва совуқ юзлук киши эди».

Бу баҳодаги салбий сўз ва ибораларга эътибор берайлик. Али Дўстга нисбатан ишлатилган беш сўз ва тўрт иборада ёмон одамга тааллуқли деярли барча иллатлар мужассам. Бобур бу сўзларни қаттиқ нафрат ва шиддат билан ёзган кўринади. Тизилиб келган салбий сўз ва иборалар бири бирини мантиқан кучайтириб, портловчи яқун ясамоқда. Муаллиф бу шахсга нисбатан нафратини тўкиб

солиб, енгил тортганга ўхшайди. Бу унинг ўз тоғаси, қолаверса, отаси Умаршайхнинг яқин умароларидан бирига берган баҳоси эканлигини яна бир карра эласак, Бобурнинг ҳар қандай шахсга муносабатини билдиришда холис ёндашганига яна бир марта тан берамиз.

Умаршайхнинг атрофидагилар қанчалик фитнагар, лаёқатсиз, беҳаракат ёки қўрқоқ бўлишмасин, отасининг руҳига эҳтироми тусфайли Бобур уларни ўз хизматида қолдирган. Бу, биринчи галда, «Бобурнома» муаллифининг теурийзодаларга хос анъана ва удумларга ҳурмати сифатида кўзга ташланади. Унинг салтанатида икки тоғаси Али Дўст ва унинг укаси Мир Ғиёсдек фитначиларни ҳам бек сифатида сақлагани шундан. Умуман, бу жиҳат Бобурнинг характери оғир кишилар билан ҳам тил топишгани, уларни ўз тоғаларига бўйсундиришга интилганидан гувоҳлик беради.

Бобур фақат оила аъзоларини эмас, феъл-атворида нокаслик аломати бўлган бекларни ҳам ўз хизматида сақлаб, муроса юзасидан иш тутган. Масалан, Бобур Ҳасан Яъқуббекка баҳо берар экан, «Умаршайх мирзо воқифасидин сўнг менинг эшигимда соҳибихтиёр ул эди», дейди (яъни 12 ёш эканлигида давлат ихтиёри унда эди, демоқчи) ва, энг аввало, ижобий жиҳатларини—кўнгилкаш, “яхши таъблиқ” (шоир), «чуст ва часпон»лигини алоҳида таъкидлайди. Яна «мардона киши эди, ўқни яхши отар эди, чавгонни яхши ўйнар эди, хок паллани яхши сочарар эди» дея, унинг қобилиятини, айниқса, ҳарбий маҳоратини мақтайди. Шундан сўнг, ўз услубига кўра, унинг ички оламинини очишга, инсоний хусусиятларидан қайси бири одамийлигига соя солганига эътиборни қаратади. Умуман, Бобур бирор-бир шахсни баҳолаётганда, Ҳасан Ёқуббекда муносабатини билдиргандек, аввал унинг ижобий жиҳатларини санаб ўтади, кейин энг характерли иллатларини чертиб-чертиб, ажратиб, аниқ ва ёрқин ифодалайди. Ҳасан Яъқуббекка у қуйидаги нуқсонларни кўрганки, улар, албатта, бек шахсини безамаган: «Ичи тор ва камҳавсала ва фитна-

роқ киши эди». Шу баҳонинг ўзи ҳам Умаршайх атрофидаги кишиларнинг мунофиқлигини ва улар ҳар дақиқада Бобурга хиёнат қилиши мумкин бўлганини кўрсатади.

Бобурнинг Умаршайхга бўлган қарашини яна бир шахсга бўлган муносабатида жуда яхши кўринади. Бу Қамбар Али мўғул бўлиб, «ахтачидил» чиқиб, отаси даврида беклик унводини олган. У асли саллоҳ-қассоблар уруғидан, Умаршайхнинг қайнотаси Юнусхон олдида офтобачилик вазифасида ишлаган. Интилишларини инобатга олиб, Бобур ҳам хизматга олади ва у «хейли улуг риоят» топади. Бироқ мансабга эришгач, Қамбар Али тубдан ўзгаради («инишга етгунча аҳтимоми яхши эди»). Бу ҳам етмагандек, у «тийра макъ киши эди».

Умаршайхдан салтанат 12 ёшли Бобурга ўтар экан, шу кундан бошлаб у тож-тахт учун кураш ва қарама-қаршиликларга, отаси атрофидаги кишиларнинг хиёнатларига дуч келади. Шу боис, беклардаги яхши ва ёмон хислатларини Бобур очиқ, ҳар томонлама холис ёритиб беради. Мураккаб шароитда хиёнаткор кишилар билан давлатдорлик қилишга киришгани, Мовароуннахрни тарк этишига, асосан, мунофиқлик мажбур этгани, Умаршайхдан салтанатга вафодор ва Амир Темурнинг яхлит ҳамда мустаҳкам давлатини асраш учун жонини фидо қилувчи кишилар эмас, кичик хонликлар, бекликлар қолгани Бобур томонидан ҳаққоний тасвирланганки, бу эътиборни ғоятда ўзига тортадиган жиҳатдир.

«Бобурнома»дан икки мисол келтириб, фикримизни далиллашга уринайлик: «Яна бир Шайх Мазидбек эди... Умаршайх мирзо қошида андин улутроқ бек йўқ эди. Фосиқ киши эрди, чухра саҳлар эди».

«Ўзун Ҳасаннинг навкариниким, менинг беҳузурлуғумда манга кўрсатиб ижозат бердилар, муҳолифлар Андижон кўрғонини қабавонда бориб дебтурким, подшоҳнинг тили тутулуб эди, оғзиға пахта била сув томизадурлар деди. Ушбу таъриф қилғон йўсуңлуқ бориб, Али Дўстнинг қошида

онт ичиб айтибдур. Хакан дарвозасида Али Дўст эди. Бу сўздин бепой бўлуб, мухолифларни илғаб аҳд шарт қилиб, қалъани берди... Ғояташ ул мунофиқи намакҳаром мардакнинг номардлиғи эди».

Иккинчи мисолда Бобур яна тоғаси Али Дўстнинг ўта сотқинлиғи, номардлиғи, туз еб тузлиққа тупурадиган («намакҳаром») киши эканлиғини нафрат билан ёзган. Бу эътирофларда ўша пайтда темурийлар орасидан садоқат кўтарилгани, тож-тахт учун кураш авж олгани, мунофиқлик билан одамийлик ораси бир қадам бўлгани аёнлашади. Шу туфайли Бобур Мовароуннахрни тарк этган, ҳижронда «аҳли жаҳонда йўқ яхшилик» деб, бонг урган.

Умуман, «Бобурнома»нинг кўп жойида муаллиф яқин кишиларининг ўзига хиёнат қилганликлари ҳақида ёзди. Бу кўргуликлар унинг суяк-суягидан ўтиб кетган чоғи, мавзу такрор-такрор келганига гувоҳ бўламиз. Хиёнат, разолат, тож-тахт учун қариндош-уруқлар ўртасида қон тўкишлар буюк адибга қаттиқ руҳий таъсир этган, унинг армонлар карвонига айланган.

Мана бу ғазалга эътибор берайлик. Бутун вужуди билан Амир Темур салтанатини тиклашни мақсад этган Бобур шаҳзода-ю сўлтонларга бирлашини, ғаним билан курашда аҳилликка содиқ қолишга чорлайди, бироқ ўз мақсадига эриша олмайди. Оқибатда Мовароуннахрни тарк этаркан, бу кетини унинг мақсади эмаслиғини, ночорлиғи эканлиғини айтади. «Тенгрининг хости мундоқ эса мен нетгаймен?» деган шоир эл, улусдан озурда, ҳеч кимнинг юзиди кўришга тоқати йўқ ҳолда:

*Келди ул вақтки бошимни олиб кетгаймен,  
Олам ичра аёзим етганича етгаймен,  
Истарам ўзни азиз элга кўрунмасликтин,  
Неча ўаузни улус кўзида хор этгаймен.  
Халқ юз жавр ила ишлар буюрур кош элнинг  
Не юзин кўргамену не сўзин эшитгаймен.*

Захириддин Бобур ўзининг қисқа ҳаётида шу икки ўт орасида кўп азият чеккан кўринади. Нобакор, сотқин, яхшиликни билмаган кўрнамакларни узоқлаштириб, уларсиз давлатдорлик қилай деса, бири тоға, бири собиқ темурий бекзода. Бунинг устига, вафо қилганлари ҳам асоссиз жафоларга рўбарў этишди уни. Барибир, Бобурда шохлик масъулияти устун келди. Қабих кимсаларни ўзидан узоқлаштиришни қанчалик истамасин, улар билан мурсада кун кечирди, яхши-ёмонлигини Оллоҳга топширди, оқибатда эса улар ўз жазосига мустаҳиқ бўлдилар. Бобур фикрича, шох кечиримли, айниқса, қўл остидагиларга меҳрибон бўлиши керак. Чунки мамлакат ривож, атрофдаги кишиларнинг кайфияти, қолаверса, юрт тинчлиги ва бутунлиги ҳам «шаҳ назари»га бовлиқ:

*Етларни керакки, ошно кам қилсанг,  
Ҳар кимки вафо қилса, жафо кам қилсанг,  
Ноямид бўлур барча вафодорларинг,  
Гар шаҳ назаринг бирла вафо кам қилсанг.*

Темурийлар авлодига баҳо бераркан, Бобур, аввало, уларнинг ҳарбий қобилиятига, юрт сақлаш, вилоят олишига, раиятпарварлиги ва инсонийлигига алоҳида эътибор қаратади. Отаси Умаршайхга ҳам шу мезон билан ёндашади. У Умаршайх ҳақида «ҳамиша мулкгирлик дағдағаси бор эди», дейди. Бобур «дағдаға» сўзини, одатда, ўз хоҳиш-истагини амалда бажаролмайдиган, шу боис истагини тилида, ножойиз ҳаракатида зоҳир этган кишига нисбатан ишлатган. Албатта, атрофидаги бекларининг феъл-атворлари юқорида зикр этилган бу подшоҳнинг юрт олиши, ғалаба қилиши мумкин эмаслигини билган Бобур шундай ёзади: «Чун Умаршайх мирзо баландҳимматлиқ ва улўф доиялиқ подшоҳ эрди. Ҳамиша мулкгирлик дағдағаси бор эрди. Неча навбат Самарқанд устига черик тортти, баъзи маҳал шикаст топти, баъзи маҳал бемурод ёнди».

Бу ўринда Бобур отасининг жанговарлик қобилиятини танқид қилаётир. Биринчи баҳода «баъзи маҳал шикаст топти» деса, кейинги жумлада— «баъзи маҳал бемурод ёнди» дея, Умаршайхнинг лашкар тортишдан кўзда тутган умиди кўкка соғурилгани, ҳарбий режалари барбод бўлгани, муродига ета олмаганини айтиб, илк фикрини қувватлайди ва баҳсга ўрин қолдирмай, хулоса чиқаради.

«Бобурнома»да муаллиф Умаршайхнинг «масоф ва урушлари» борасида маълумот бераркан, ҳарбий лашкарбоши сифатида отасига берган баҳосини мисоллар билан исботлашга кирипади, унинг лашкаркашлик қобилияти бўшлигини яна бир карра кўрсатади. Умаршайх фақат Туркистоннинг Арис суви ёқасидаги урушда ғолиб чиққани, Такасекретку деган жойда Юнусхон билан урушда мағлуб бўлиб, асир тушгани ва рақибни раҳм қилиб уни қўйиб юборгани, Хавосда урушиб мағлуб бўлганини ёзади. Эҳтимол, шу сабабларга кўра, муаллиф отаси Умаршайх ҳақида юксак эҳтиром билан ёзмагандир (масалан, Алишер Навоий, Хожа Убайдуллоҳ Вали, Улукбек образларига бўлган муносабати сингари).

Бобурнинг образ яратишдаги маҳорати, навкару бекларига садоқати, уларнинг инжиқликларини кўтариши Боқи Чағонийёний мисолида ёрқин ифодасини топган. Бу образ бизга бевосита Умаршайх характерини, унинг жамиятда тутган мақеи, давлатдорлик йўлини эслатади. Отаси бекларининг шахсий хислатларига нақадар бепарво бўлса, Бобур унинг айни шу камчилигини такрорламасликка, давлатни бошқаришдаги бу норасоликларни тузатишга, қўл остидаги ҳар бир кишида юксак инсоний фазилатларини камол топтиришга интилган.

Боқи Чағонийёний сиймосида Бобур ўзга бекларга хос бўлмаган инсон образини яратади. Унинг уруш олиб боришда мустақиллиги, мардлиги, ўзини-ўзи бошқара олиши, элни ўзига бўйсундириш хусусиятларини таърифлайди, уни кўп солиқлардан озод қилади, алоҳида вилоятга бош қўйиб

кўтаради. Бироқ Чағонийёний бу яхшиликларга арзигулик жавоб қайтармайди, аксинча, «анвойи беадаблиқлар ва ямонлиқлар андин воқиф бўлди».

Бобур Чағонийёний образини поғонама-поғона ёритиб боради. Бу феъл-атвори оғир, қайсар кишининг энг ёмон иллати хасислик («хасис ва зумухт ва ҳасуд ва бадандарун ва нотавонбин ва кажхулқ киши эди») бўлиб, бошқа хислатлари шундан келиб чиққан. Шоҳлигига қарамасдан («бовужудким мени подшоҳ кўтариб эди»), Термиз шаҳрида унинг қўшинларига келиб қўшилганида—«йигит-яланг очлиқтин азоб торт»ган пайтда Бобурга ҳатто битта қўй ҳам бермаганини зикр этганки, бу эътироф Чағонийёний қиёфасини тўла очиб берган.

Бизнингча, муаллиф бу образ тасвири билан бек ва умароларини тарбиялашни—бир ёқадан бош чиқаришга ўргатишни, қовуштиришни ҳам кўзда тутган. У «ҳеч ким била соф эмас эди, ҳеч кимни кўра олмас эди», дер экан, Чағонийёнийнинг феълдаги иллатларни умумлаштиради, унга ўзининг салбий муносабати барчанинг фикри эканига ишонтиради. Шунчалик қабиҳлигига қарамасдан, «Кобулнинг ҳосиликим бор тамғадиндур, тамғани олиб ва Кобулнинг доруғалиғи ва Панҷиғир ва Кадий Ҳазора ва Кўшак ва эшик ихтиёри тамом анда эди». Бобурнинг қанчалик илтифот ва иноятига қарамасдан, «асло рози ва шокир эмас эди». Бироқ шунда ҳам Бобур унга илтифотини қанда қилмаган («Бовужудким, не навъ фосид хаёллар қилиб эди, нечукким мазкур бўлди, асло ўзумузга олмадук»).

Боқи Чағонийёнийнинг ягона мақсади Бобур бош бўлган салтанатдан ажралиб, мустақил ҳукмдор бўлиш эди. Бобур имкони борича уни бу ниятидан қайтаришга уринади. Бироқ ҳаракатлари зоеъ кетгач, Чағонийёнийни Кобул музофотида қолиб ҳукмдорлик қилишга эмас, балки мол-мулки ва тарафдорлари билан Ҳиндистон томонга чиқариб юборишга рози бўлади («Нози ва рухсати ҳаддин ошги, биз ҳам анинг ахлоқ ва афъолидин жонға етгук, рухсат бердук»).

Боқи Чағонийнийнинг салбий хислатларини ёритишда Бобур унинг фикридан фойдаланади. Бу шахс нопок ҳаракатлари кайринсоний эканлигини, жамият аҳлига маъқул тушмаслигини ўзи ҳам англагани туфайли тўққиз марта гуноҳ содир этгунга қадар Бобур уни кечириши зарурлигини айтади. «Бобурнома»да муаллиф қаҳрамонининг шу нозик жиҳатини келтирар экан, яна бир карра унинг қабиҳлигини ва ўзининг ҳақлигини, сабр-бардошини намоён этади: «Манга айттуруб йиборибтурким, шарт қилиб эдиларким, тўққуз гуноҳ мендин содир бўлмагунча сўрмайлар. Мен Мулло Бободин ўн бир гуноҳини бирар-бирар хотирнишон қилиб айтиб йибордим. Мулзам бўлди. Кўч ва моли била Ҳиндистон тарафига рухсат берилди. Ўзининг бир неча навкарлари Хайбардин ўтқариб келдилар».

Бобур Боқи Чағонийний образини такомилга етказишда барчага сабоқ бўладиган жиҳатлардан фойдаланади. Шоҳ Бобурнинг шунчалик ҳиммат ва эҳтиромини рад этиб, қадрига етмаган бу кимсанинг ўзга юртда «иш кучи эл таламоқ, йўл урмоқ» бўлади ва Ёр Ҳусайн Дарёхон томонидан ўлдирилади. Бундай кишиларга Оллоҳнинг ўзи жазо берилини ёзар экан, муаллиф яна бир карра унинг шахсиятини белгилашда хато қилмагани, худонинг иродаси ҳам шу эканига ишора этиб ёзади: «Боқининг хабарини эшитиб (яъни Ҳусайн Дарёхон—Ҳ.Қ), йўлини тўсуб, Боқи била борғонларни ариқ олди, Боқини ўлтуруб хотунини олди. Агарчи биз Боқия ҳеч ёмонлиқ қилмай қўя бердук, вале ўз ямонлиғи олиға келиб, ўз амалиға гирифтор бўлди.

**Байт:**

*Ту бадкуандайи худо ба рўзгор сипор,  
Ки рўзгор туро чокарест кийнагузор».*

(Мазмуни: Сен ўзиниға ёмонлик қилувчини турмуш ҳукмига ҳавола қил, Турмуш сенга ўч олиб берувчи хизматқордир.)

«Бобурнома»да образлар талқини бир-бирини тўлдириб келади. Шубҳасиз, асарда «Мен»—Бобур образи марказий бўлиб, барча воқеа-ҳодисалар, шахслар характери шу образ билан боғлиқ тарзда ривожланади. 1526 йил воқеалари ҳикоясида Бобур қурол-аслаҳа устахонаси—қуюв цехини тасвирлайди. Бундан ташқари, аждодларимизнинг бу борадаги ихтирочилиги, яратувчанлиги ва Бобурнинг бевосита бу ишга сабр-бардош билан бош-қош бўлганини ҳам биз «Бобурнома»дан билиб оламиз.

Тасвир марказида Бобур топишириғи билан тўпнинг тошотар қуйма қисмини яратган ва уни шоҳ ҳамда унинг аъёнларига намоён этган Устод Алиқули шахсияти туради. Бунда шоҳ Бобур ҳам, ўз ишининг жонқуяри Устод Алиқули ҳам жуда жонли ва реал акс эттирилган. Устанинг қуюв дастгоҳининг дастлабки ишлаш жараёнини шоҳга кўрсатиш чоғидаги ички ҳаяжони, шошилиши, айниқса, дастгоҳдаги ноқислик боис режадаги иш сифатли бажарилмаганда уста ўзини қўярга жой тополмай, ҳатто ўз жонига қасд қилишга ҳам тайёр бўлгани билан боғлиқ тасвирлар Бобурнинг тенгсиз адиб сифатидаги маҳоратидан дарак беради. Бунда унинг шоҳ сифатидаги фазилатлари, инсоний хислатлари ҳам яққол ифодасини топган. Бобур уста Алиқули ҳаракатидаги саросималик, югур-югурларда ўз касбини севган, масъулиятни ҳис этган инсонни кўради. У яратган дастгоҳда нуқсон бўлса-да, Бобур устани мукофотлаб, кўнглини кўтариб, хижолатдан чиқаради. Шунга яраша, уста ҳам дастгоҳни текшириб, нуқсон жиддий эмаслигини айтади. Бунда Бобурга хос хусусият Устод Алиқули образини ва Устод Алиқули ҳаракатлари Бобур шахсиятини очишга ёрдам берган. Шу тасвир «Бобурнома»даги анча реал, ҳаётий воқеалар манзараси эканлигини ҳам таъкидлаш жоиз: «Устод Алиқулининг қазон қуярининг тафарружига бордук. Қазон қуяр ерининг гирдида секкиз кўра бўлиб, олотни эритибтур. Ҳар

кўрагининг тубидин бир арифе бу қазоннинг қолибига рост қилибтур. Биз борғоч, кўраларнинг тешукларини очти, ҳар ариқдин эриган олот сувдек шарилдаб қолибга кирар эди. Бир замондин сўнг қолиб тўлмай, бу кўралардин келатурган эриган олотнинг келмоғи бирар-бирар мунқатиъ бўлди. Кўрада ё олотта қусуре бор экандур. Устод Алиқулига яриб ёмон ҳолате бўлди. Дарин эдиким, ўзини қолиб ичидаги эриган мисқа ташлағай. Устод Алиқулига дилжуйлуқ қилиб, хилъат кийдуруб, бу инфийолдин чиқардук... Устод Алиқули кўп башошат била киши йиборибтурким, қазоннинг тош уйи беқусурдур».

«Бобурнома»да муаллиф Устод Алиқули образига қайта-қайта мурожаат этган. Унинг ихтироси Бобур назаридан четда қолмаган. Чунки Ҳиндистонни забт этишда, Иброҳим Лўдийнинг филлар билан қуролланган юз минг кишилиқ армиясини янчиб ташлашда айнан Устод Алиқули томонидан яратилган шу қурол кўп қўл келган. Мазкур қурол қусурларини топгач, уста Бобурни яна тўпотар намоийшига таклиф қилади:

«Устод Алиқули ўшул улук қазони билаким, қуярда тош уйи бенуқсон эди, доруҳонасини ҳам сўнгра қуйуб, тайёр қилиб эди, тош отарида тафарружига бордим. Намози дигар бор эди, тош отти. Минг олти юз қадам борди. Устодга камар ханжар ва хилъат ва тупчоқ от инъом бўлди».

Парчадан аёнки, шоҳ Бобурнинг сабри, касб аҳлини қадрлаши, мулоҳазақорлиги, янги ҳарбий қурол синовларсиз дарҳол мукамаллик касб этмаслигини тушунгани боис, мутлақо янги қурол юзага келган.

Мазкур ҳарбий қурол ва Устод Алиқули образи асар давомида, вақти-вақти билан қисқа матнларда тасвирлаб борилган. Қуйидаги тасвирда Устод Алиқули ясаган тўп ўзининг аниқ самарасини бергани ва Бобур бу ишдан мамнун бўлганини кўрамыз: «Сешанба кун сув кечган ердин кўчуб, уруш ери қотилишига бир курўх ёвуқ келиб тушудди. Ўзум бориб, Устод Алиқулининг фарангий ва зарбзан отмоғини тафарруж қилдим. Ушбу кун Устод Алиқули

фарангий тоши била икки кемани уруб синдуруб, варқ қилди. Мустафо ҳам ул юздин фарангий тоши била кема уруб синдуруб, варқ қилди».

«Бобурнома»даги Устод Алиқули образи тасвири муаллифнинг образ яратипда изчилликка амал қилганини, бир образни асарнинг турли жой, турли йиллар воқеаларига боғлиқ ҳолда тасвирлаб, такомилга етказганини кўрсатади. Бундан ташқари, Устод Алиқули билан боғлиқ тасвирларда теран руҳий ҳолат, шахс психологиясидаги нозик жиҳатлар таҳлили ҳам борки, бу Бобурнинг поэтик маҳоратидан далолатдир.

Бобур тасвирлаган образлар галереяси орасида ўша давр ҳарбийлари, саркарда ва аскарлари ҳам ўрин олган. Асардаги шу персонажлар орқали муаллиф ўша давр жамиятининг ўзига хос хусусиятлари ва иллатлари, тож-тахт учун курашлар фожеасининг айрим томонларини ёритган. Бу, ўз навбатида, адибнинг дунёқарашини очиб берип билан бирга, унинг юксак санъаткор сифатидаги фазилатларини ойдинлаштиради.

Бобурнинг ёшлик йиллари Мовароуннаҳрда тож-тахт талашиниш воқеалари билан ўтган. Султон Маҳмуд амирларидан Хисравшоҳ ҳокимлик даври ҳам шу вақтга тўғри келади. «Бобурнома»да бу шахс ҳақида анчагина фикрлар билдирилган. Мовароуннаҳр ва Хуросонда Амир Темур салтанатининг инқирозга учрашида Хисравшоҳдек кишиларнинг давлат тепасига чиқиниши, адоват уруғини сочинилари ҳам сабаб бўлган. Улар мансаб ва амал илтижиди авлод-аждодлари, ўз ўғилларини қатл этишдан ҳам тап тортмаганлар, ҳукмронликка эга бўлиш учун иймон ва виждонларидан воз кечганлар.

Бобур Хисравшоҳ сиймосида ўзида қабиҳ иллатларни мужассам этган кимса портретини яратади. Унинг тасаввурича, давлат орттирини учун ҳам кишида муайян эзгу ният, яхши мақсад бўлиши керак, мол-мулк, бойлик инсон учун хизмат қилиши лозим. У Хисравшоҳни шунча бойлик орттиргани билан, «бир мокиён била ҳам тутушмади»

деб, ҳаётида ҳаловат топмаганига, ўз оромини ўзи бузганига ишора қилади: «Навқари йигирма мингга ёвушуб эди. Агарчи намози қилур эди ва таомда парҳиз қилур эди, вале тийра ва фосиқ эди, гавдан ва бефаҳм ва бевафо ва ҳаромнамак киши эди. Беш кун ўтар дунё учун бир ўзи ўстургон валинеъматзодасини кўр қилди. Яна бирини ўлтурди. Тенгри қошида осий ва халқ олдида мардуд бўлбтур. Домани қиёматтача лаънат ва нафрин сазовори бўлди. Бу ўтар дунё учун мундоқ ёмон ишлар қилди. Мундоқ бисёр маъмур вилоят ва мулча қалин яроқлиқ навқар била бир мокиён била ҳам тутушмади».

“Бобурнома”да жамият тартиб-интизомлари, ислом дини қоидаларига амал этмаганлар қаттиқ танқид қилинган. Хисравшоҳ шахсиятига хос қабиҳликни тасвирлаган муаллиф фақат ўша давр амири ёки давлат арбобининг образинигина эмас, балки энг паст, разил, инсоний қиёфасини йўқотган кимсанинг портретиши нафрат билан чизган. Бобур «беш кун ўтар дунё» ифодасини айнан Хисравшоҳ каби кишиларга қарата ишлатган. Масалан, Улуғбек ўлдирилганда Бобурнинг Абдуллатиф ҳақида айтган фикрида ҳам Хисравшоҳдаги разилликни очишда ишлатилган таъриф ва иборалар кўзга ташланади: «Бу беш кунлук ўтар дунё учун андоқ донишманд ва қари отасини шаҳид қилди». Бобурнинг Абдуллатифга берган баҳоси Навоийнинг Улуғбек ва Абдуллатифга берган баҳоси билан ҳамоҳангдир.

Хисравшоҳ образи Бобур дунёқарашини очиб беришга ҳам кўмаклашади. Бобур комил мусулмон сифатида инсоф билан яшап, инсоний фазилатларни, ким бўлишдан қатъи назар, йўқотмаслик зарурлигини алоҳида уқтиради.

Хисравшоҳ образига муаллиф асарнинг кўп жойида мурожаат этган. Ҳали ёшлигида Хисравшоҳ билан (бу пайтда унинг ёши анча катта бўлган) ораларида ўтган суҳбатни—илк бор учрашиб мулоқотга киришганини Бобур ёдига келтиради. Ўшанда ҳам нозикмизож Бобурнинг одам таниш хусусияти, ҳамсуҳбатига синчковлик билан баҳо

берганини кўрамиз: «Кўрушуб тортуқ тортгандин сўнгра буюрдумким, ўлтурди. Бир гарий, икки гарий ўлтуруб, ул тарафдин-бул тарафдин сўз ва ҳикоят айтилди. Бовужу-ди номардлиқ ва намакҳаромлиқ ковок ва бемазагўй ҳам бор экандур».

Бобур Хисравшоҳнинг Сайдим Али дарбон ва Муҳиб Али қўрчи каби навкарларига баҳо бериб, унинг характери-ни очипга ҳаракат қилади. У отасининг бек ва на-вкарларига хос хиёнат ва нобакорликларни, уларнинг ҳарбий лаёқатда бўшлиқларини айтиб, Умаршайх образи-ни тўлдирган бўлса, бу икки навкарининг ижобий жиҳат-ларини кўрсатиб Хисравшоҳнинг иллатли феъл-атворини тўла ойдинлаштиради. Бу тазодда Бобур гўё қора рангли жисм олдига оппоқ жисмни қўйиб қиёслагандек усталик зоҳир этган: «Филвоқитъ, Хисравшоҳ навкарларининг ора-сида бу икки кишидинким, Сайдим Али дарбон била Му-ҳиб Али қўрчи бўлғай, яхшироқ киши йўқ эди. Сайдим яхши ахлоқ ва атворлиқ киши эди. Қиличча мардона киши эди. Ўйида бемажлис ва бесухбате эмас эди... зарофат ва латофати рангин, ихтилот ва ҳикояти ширин, хушхулқ ва ҳарроф ва ҳаззол киши эди...».

Китобда Бобурнинг Хисравшоҳга бўлган муносабати мавзу талабига доир таҳлил этилгани боис, бунда юқори-дагиларни зикр этишни кифоя деб билдик.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур яратган характерли об-разлардан бири Шайбонийхондир.

Бобур Шайбонийхон билан жуда кўп уруш олиб бор-ган. Шайбонийхон шахсиятига онд маълумотлар «Бобур-нома»нинг жуда кўп воқеалари тасвирида, персонажлар талқинида гавдаланади. Бобурнинг Амир Темур салтана-тини асраб қолиш, имкони борича темурий шахзодаларни биргаликда ҳаракат қилишга ундаши ҳақида юқорида анчагина фикрлар билдирдик. Ана шу воқеалар билан боғ-лиқ тарзда “Бобурнома”да Шайбонийхон душман қиёфа-сида кўринади, асосан салбий жиҳатлари билан намоён бўла-ди. Бобур унинг баъзи ижобий жиҳатларини ҳам айтиб

ўтади, аммо бундай ўринлардаги ижобий талқин ҳам ким-нингдир ўта салбий жиҳатини очиш учун хизмат қилган. Хусусан, Бобур «... саҳарҳез эди ва беш вақт намозни тарк қилмас эди, қироат илмини тавре билур эди», деб Шайбонийхоннинг ижобий жиҳатларини таъкидласа-да, бу таъкидлар муаллифнинг «агарчи» сўзидан кейин келади ва Шайбонийхоннинг иллатларини янада бўрттириб кўрсатади.

Биз Бобурнинг Шайбонийхон ҳақидаги яқунловчи сўзини 1507—1508 йиллар воқеалари баёнида, Шайбонийхоннинг Ҳиротни босиб олиши ва кўз кўриб қулоқ эшитмаган бебошликлари тасвирида кўрамыз. Бунда санъаткор адиб Шайбонийхоннинг ночор кишилардан ўч олиши, қасос унинг ягона шиори экани, кину адовати, адабиёт ва санъат аҳлини хор қилишини жонли тасвирлар билан кўрсатиб беради. Шу қатори, шоир бўлишига қарамай Шайбонийхоннинг адабиёт ва санъатдан узоқлигини, гарчи ислом тартибларидан намоз, тиловатга риоя қилса-да, унда «гўлона ва аблаҳона ва кофирона» хислатлар мужассам дейди.

Қуйидаги парчада Шайбонийхондек мураккаб шахс хусусиятларини бир нуқтага жамлаган Бобур ўқувчи кўз ўнгида разил ва нокас, паст ахлоқли ва бидъат уруғини сепувчи шахсни гавдалантиради: «Яна Музаффар мирзонинг Хонзодахоним отлиқ ҳарамини Ҳирини олғоч-ўқ иддат чиқорига боқмай, никоҳ қилиб олди. Яна Қози Ихтиёр била Муҳаммад Мир Юсуфғаким, Ҳирининг машҳур ва хуштабъ муллоларидин эдилар, бовужуди омилиқ тафсирдин сабақ айтти, яна Мулло Султон Али Машҳадий била Беҳзод мусаввирнинг тасвир ва хаттига қалам киюруб, ислоҳ қилди. Яна ҳар неча кунда бир бемаза байт айтур эди ва минбарда ўқутуб, Чорсуда остуруб, шаҳр элидин сила олур эди. Агарчи саҳарҳез эди ва беш вақт намозни тарк қилмас эди, қироат илмини тавре билур эди, вале мундоқ гўлона ва аблаҳона ва кофирона ақвол ва афъол андин бисёр содир бўлур эди».

«Бобурнома»даги турли воқеалар тасвирида Шайбонийхон шахсига доир зарур маълумот бор. Бобур бу образни янада ёрқинроқ тасвирлаш учун, Умаршайх образи талқинидагидек, унинг атрофидаги кишилар хусусияти таърифидан фойдаланмайди, аксинча, Шайбонийхонга душман бўлган темурийзодалар образлари орқали унинг характерини очишга интилади. Ҳиротни босиб олишга киришган Шайбонийхон, аввало, темурийлар орасидаги, айниқса, Хусайн Бойқаронинг фарзандлари ўртасидаги ноаҳилликдан, рақобатдан усталик билан фойдаланади. «Бобурнома»нинг бош қисмида муаллиф Шайбонийхон ҳақида сўз юритиб, уни ҳали қувватга тўлмаган пайтида биргалашиб махв этишни таклиф этади. («Шайбоқхондек ваним пайдо бўлубтур, мунинг зарари туркка ва мўғулга мусовидур. Мунинг фикрини ҳололиқтаким, улусни ҳануз яхшии босмайдур ва кўп улғаймайдур, қилмоқлик вожибдур».)

Бобур темурийлар салтанати емирилаётганини кўриб ич-ичидан эзилар экан, Шайбонийхондек кучли, қудратли ва даҳшатли ваним тобора кучайиб бораётганидан ташвишга тушади: «Турк ва чигатойдин ҳар гўша ва канорда ҳам ким қолиб эдилар, баъзи раббат била, баъзи қаҳр била ўзбакка (яъни Шайбонийхонга — Ҳ.Қ.) пайваста бўлдилар. Бир мен Кобулда қолиб эдим. Душман бисёр қавий, биз кўп заиф, не маслаҳат қилмоққа эҳтимол, не муқовамат қилмоққа мажол...

Мен ва баъзи ички беклар Ҳиндистон тарафи бормоқчи таржиҳ қилиб, Ламгонга мутаважжих бўлдук».

Ана шундай мураккаб вазиятда тож-тахт, мамлакатни темурийлар душмани Шайбонийхонга қолдириб, Ҳиндистон томон юзланиш Бобурга жуда оғир ботган. У ўзининг аксарият вазаларида бу сафарга мутлақо ўз ихтиёри билан бормагани, тақдир уни шу кўйга солганини баён этади.

Тушкунлик ва беқарорлик, ноаниқлик ҳамда гоҳида ўзига ишонмаслик каби руҳий тугёнлар Бобурни қаттиқ изтиробга солган. Унда атрофидагилардан узоқланиш, ёлғиз қолиш кайфияти пайдо бўлган. Дунёни эзгу ният ва мақ-

садларни амалга ошириш майдони деб билган, шу йўлда тинимсиз курашган Бобур нияти саробга айланиб, ўз юртига сиймай дард, армон юки остида қолганидан эзилади. Мана бу ғазалда шоир жисмини симоб сингари эритган қаттол муҳитнинг мудҳиш изларини кўриш мумкин. Бунда хиёнатнинг қаҳқаҳаси, курашнинг алами, фидокорнинг букилган қомати, nobакорнинг тантанаси мужассам. Бунда салтанат, юрт дея жабру жафо чеккан Бобурнинг қалб ҳасратлари ўз аксини топган:

*Ўлум уйқусига бориб жадҳондин бўлдум осуда,  
Мени истасангиз, эй дўстлар, кўргайсиз уйқуда.*

*Неким тақдир бўлса ул бўлур, таҳқиқ билгайсиз,  
Эрур жангу жадал, ранжу риёзат барча беҳуда.*

*Ўзингни шод тутқил, аам ема дунё учун зинҳор,  
Ки бир дам аам емакка арзимас, дунёйи фарсуда.*

Бобур шоҳ сифатида ўз қўли остидагиларни имкони борича ранжитмасликка, улардан ўч олмасликка, беҳуда жазоламасликка интилган. Бу жиҳат, биринчидан, муаллифнинг инсоний хислатларини очиб берса, иккинчидан, «Бобурнома»да номлари зикр этилган, тасвирланган шахсларга ҳос хусусиятларни ёритишга имкон туғдирган. Ватанидан узоқда, Ҳиндистонда ҳокимият ўрнатган Бобур қўл остидаги кишиларга эҳтиёткорона муомала қилган. Бунинг ёрқин мисолини биз Хожа Калон образида ҳам кўрамиз. Бу бек гарчи Бобурнинг илтимосига зид бориб Ҳиндистонни ташлаб кетса-да, ҳимматли Бобур жазо бериш, йўлини тўсиш ўрнига, унинг шаънига атаб гина оҳангидаги бир бадиҳа-рубойй айтиш билан чегараланган.

Ёки яна бир мисол. Бобурнинг Ҳиндистонда урушга тайёрланаётиб, лашкари ва бекларига қанчалик иноят кўрсатиб бойлик улашмасин, керакли асбоб-анжом билан таъминламасин, улар Ҳиндистон об-ҳавосининг ноқулай-

лигини рўқач қилишиб, уни тарк этишга тайёр турадилар. Фақат бу эмас. Гап шундаки, бу галги урушгача ҳали Бобур ҳинд эли тўла забт этилмаган, Устод Алиқулнинг тошотар тўпи ихтиро қилинмаган, боз устига Бобур лашкарларининг орасига Иброҳим Лўдийнинг юз мингдан ортиқ лашкари, икки мингдан ортиқ филлари борлиги ҳақидаги гап-сўзлар ғулғула солган эди. Шундай вазиятда Бобур шаҳарни босиб олиши зарурлигини англаб, режасини амалга оширишга киришади. Бу пайтда унинг мунажжими Муҳаммад Шариф урушга бориш хавфли, сайёраларнинг ноурин жойлашуви шундан далолат бераётир деган ва бошқа шу каби миш-мишларни тарқатганди. Бобур мунажжим башоратига, сайёралар ҳаракати ва уларнинг инсон фаолиятига ўтказадиган таъсирига ишониб, имкони борича шунга амал қилса-да (акс ҳолда саройида мунажжим сақламасди), бу гал мунажжим Муҳаммад Шарифнинг башоратини тан олмайди, уни «шумнафас» деб, хунук хабар тарқатувчи, эл орасига ваҳима солувчи киши сифатида қоралайди.

Бироқ Бобурдаги мардлик, ўзганинг меҳнати ва илмини тан олиш, инсонийликни қадрлай олиш ҳисси қолиб келиб, Муҳаммад Шарифдан ўч олиш, уни жазолашдан тийиллади, аксинча, унга етарли инъом бериб, ўз қаламравидан ташқарига чиқариб юборади: «Муҳаммад Шариф мунажжимким, не навъ шумнафаслар суруб эди, филҳол муборакбодға келди(унинг айтганлари тўғри келмай, Бобур ғалаба қозонгандан сўнг. — Ҳ.Қ.). Ғалаба сўқуб, ичимни холи қилдим. Агарчи кофирвап ва шумнафас ва ўзига асру мағрур ва бисёр сард киши эди, чун қадим хизмати бор эди, бир лак инъом қилиб, рухсат бердимким, менинг қаламравимда турмағай».

Гулбаданбегим «Хумоюннома»да келтирган бир матлумот юқоридаги Муҳаммад Шариф мунажжим воқеаси билан ҳамоҳангдир. Бобурнинг баярикенглиги, мурувати, бировдан қасд олиш унинг табиятига ётлигига оид бундай

мисолларни ўқиганимиз сари ҳайратга тушамиз, Оллоҳнинг бу буюк шахсга берган сабр-матонатига қойил қоламиз. Амир Темур салтанати даврида Қундуз ва Бадахшонда Хушрўй исмли ҳукмдор бўлиб, ўзининг хатти-ҳаракати билан кўп ташвишлар келтирган. У марказий салтанатга тўлиқ бўйсунмас, солиқларни тўламас, ҳатто Заҳриддин Бобурнинг амакиваччаси султон Бойсунғур мирзони ўлдирган, яна бир жияни Султон Масъуд мирзонинг кўзига мил торттириб кўр қилган эди. Гулбаданбегимнинг ёзишича, ҳатто Бобур унинг вилоятидан ўтганда чиқариб юборган. Бироқ Бобур ҳокимиятни қўлига олганда унга мурувват қилади, бу раддорнинг жазосини беришни Оллоҳга топширади: «Подшоҳ ҳазратлари мардлик, одамгарчилик, мурувватни тупунган киши бўлганликларидан унинг (яъни Хушрўйнинг — **Ҳ.Қ.**) ана шундай ёмон гуноҳларига қарамай, асло ундан ўч олиш пайига тушмадилар ва «ғавҳар, олтин ва қурооллардан кўнгли хоҳлаганча олсин», деб буюрдилар». («Бобурнома»даги маълумотларга асослансак, «Хумоюннома»да айтилган бу шахс — Хушрўй Хисравшоҳ бўлиши мумкин.)

«Бобурнома»да турли-туман шахсларнинг қисқача таржимаи ҳоли, характери, ўзига хос хусусиятларини кузатар эканмиз, уларнинг аксариятида асар муаллифининг шахсий қарашидан кўра, умуминсоний ахлоқ мезонларига таяниб давлат ва жамият қурилиши, яхлит, мустақил империя манфаати нуқтаи назаридан ёндашиш устулигини кўрамиз.

«Бобурнома»да тасвирланган Муҳаммад Валибек шахсияти қарама-қаршиликларга тўла. Уша даврнинг давлатманд кишиси сифатида у етим-есирга, камбағалларга ўз қўли билан инъомлар улашади, қаттиққўллиги боис наварларни интизоми мақтовга сазовор бўлади. Аммо бу шахснинг «не сўзида маза бор эди, не ўзида», дея Бобур унинг феъл-атворидаги зиддиятни ҳақиқат тарозисига қўяди. Натижада Муҳаммад Валибекнинг қўполлигини, мантиқда ноқислигини жужий камчилик сифатида кўриб, бу нуқ-

сон фақат унинг ўзига тааллуқли эканлигини инобатга олиб, жамият олдидаги хизмати, камбағалпарварлиги, қўли очиқлигини ижобий баҳолайди. Шу боис, уни асарида таърифлаб, бу ишини ўзи ҳам тўғри деб ҳисоблайди: «Муҳаммад Валибекнинг оши ва шилони яхши эди. Навкарни бир шиқ ва ранга сахлар эди. Фақир ва мискинга ўз илиги била валаба хайр қилур эди. Фаҳшгўй ва бадзабон киши эди... Не сўзида маза бор эди, не ўзида. Мунча риоят қобили эмас эди. Ғолибо хизмат ани ул мартабага еткурғандур».

«Бобурнома»да зикр этилган Мир Муҳаммад Юсуф Муҳаммад Валибекдан тубдан фарқ қилади. У ўз даври Шайх ул-исломининг шогирди, аниқроғи, дин ва шариат пешволлигига даъвогар шахс. Бобур унинг жамиятдаги мавқеини аниқ белгилаб, қисқача: «Баъзи мажлисда Қози Ихтиёр юққори ўлтурур эди, баъзи мажлисда бу», деб ёзади. Аммо кейинроқ Мир Муҳаммад Юсуф характерида юз берган катта ўзгариш — элга хизмат қилиш ўрнига мансабга ўчлик, ҳатто Шайх ул-исломдек шариат пешвоси шогирдининг бесавод ва беилм кишига айланишига сабаб бўлганини кўрсатади. Муаллиф: «оқибат ушбу давдалардин мол ва жойи ва хонумони барбод борди», дер экан, унинг фожеасини яққол чизиб беради.

Бобур тасвирлаган шахсларнинг ранг-баранглиги, уларнинг ҳар бирида бу юксак санъаткорнинг ўз олами, дунёқараши акс этганига яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Айрим ўринларда муаллиф биргина жумла билан ўша давр кишиларининг дидини тасвирлайди, халқ амалий санъатига, унинг яратувчисига муносабатини билдиради: «Манга Султон Маҳмуд мирзодин Абдулқуддусбек отлиқ элчи келди... сочиқини келтурди: олгундин ва кумушдин бодомлар ва писталар қилиб эдилар».

Бир қараганда, бу мисолда шахс характери ва унинг портретига хос белгилар йўқдек. Аммо айтиш шундай жумладан Султон Маҳмуднинг Бобурга юксак ҳурматини сезиш қийин эмас. Иккинчидан, Султон Маҳмуд Бобурнинг юк-

сак дид соҳиби эканлигини, шоирона назарини инюбатга олган бўлса керакки, оддий тилла ва кумуш тапгаларни эмас, балки қимматбаҳо металллардан ясалган, халқ амалий санъатининг чинакам намунаси бўлган «бодом» ва «писталар»ни тортиқ этган. Бу эса Бобур томонидан қадрланган.

Биз юқорида «Бобурнома» асаридаги айрим шахс, персонаж, образларни кузатиб, имкон қадар таҳлил этишга уришиб кўрдик. Шахснинг жамиятда тутган ўрни, меҳнатга муносабати, тафаккури ва муомала даражаси билан ҳам мавқеини белгилан мумкин. «Бобурнома»да тасвирланган шахслар характерларининг ўзига хослиги, турли хислат ва хусусиятлари билан тасвирлангани Бобурнинг баён услуби, тасвир йўли, сўз танлаш маҳоратини белгилайди. Шубҳасиз, бунда асар муаллифининг ўзи, одамшунослиги ҳамда ўткир руҳшунослик истъедоди ҳам бўй кўрсатадики, айни шу жиҳат Бобур шахсиятини тўлароқ тасаввур этишда жуда муҳимдир.

## **5. «Алишербек назири йўқ киши эди...»**

Тарихда шундай шахслар бўладик, уларнинг умр мазмуни, инсоният тарихи ва маданиятига қўшган ҳиссаларини ўрганиб адоғига етказини мушкул. Улар билан боғлиқ тарихий манбалар, турли адиб ва тарихчилар қолдирган фикр-далилларни ўрганар эканмиз, бу шахсларнинг сирли олами, шахсиятининг ҳали биз билмаган, ўрганмаган жиҳатлари очилаверади. Баъзан далиллар кичик кўринса-да, бироқ буюк шахснинг ҳалигача номаълум жиҳатлари, ижоди қирраларини намоён этишда жуда асқотади.

Биз Алишер Навоий шахсиятига Заҳириддин Бобур, Ғиёсиддин Хондамир ва Зайниддин Восифий қарашларини қиёсий ўрганишга ҳаракат қиларканмиз, изланишимиз натижалари, асосан, манбалардаги нозик деталлар орқали олиб борилгани боис, нисбатан янги фикр, илмий хулосалар чиқаришимизга имкон берди, деб ўйлаймиз.

Тадқиқ этилаётган давр адабиётига оид насрий асарларда Алишер Навоийнинг давлат арбоби ва туркий адабиётнинг сарвари сифатидаги мавқеи ҳақида анчагина маълумот келтирилган. Шулар орасида Заҳириддин Бобурнинг «Бобурнома» асари кўпроқ диққатни тортади. Бобур Алишер Навоий шахсига ҳам одилona баҳо беради. Бу баҳо давлат арбоби, шоир ва адиб, туркий адабиёт сарвари, вазири аъзам Навоийга темурийзода, шоҳ, адиб, туркий тилда асарлар яратган адиб муносабатидир. Заҳириддин Бобурнинг ҳаққоний, ҳаётий баҳоси орқали биз Навоийнинг жуда кўп хислатларидан хабардор бўламиз.

Муаллиф «Бобурнома»нинг фақат бир жойида Алишер Навоий билан мактуб орқали алоқа қилганини ёзади: «Бу иккинчи навбат Самарқандни олгонда, Алишербек тирик эди. Бир навбат манга китобати ҳам келиб эди.

Мен ҳам бир китобат йибориб эдим, орқасида туркий байт айтиб, битиб йибориб эдим. Жавоб келгунча тафриқа ва ғавро бўлди».

1505—1506 йиллар воқеалари тасвирида Бобур Ҳусайн Бойқаро салтанати умаролари зикрини келтириб, Муҳаммад Бурундук барлос, Музаффар барлосдан сўнг «Яна Алишербек Навоий эди, беги эмас эди, балки мусоҳиби эди, кичиклигида ҳаммақтаб экандурлар», деб унинг Ҳусайн билан бевосита яқинлигини билдиради. Бобурнинг Навоий шахсиятидаги нозикмизожликни унинг бойлиги, давлати кўплигидан эмас, балки бу хусусият асли мизожида борлигини айтиши («Самарқандта эканда ҳам ушмундоқ нозук мизож экандур») улуғ Навоий шахсиятини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

«Бобурнома»да муаллиф Комил Инсон тушунчасини фақат бир жойда ишлатган. Бобур Ҳиндистонда хотини— Ҳумоюннинг онаси билан ўғлини эслаб, соғиниб ўтиришганида тўсатдан Ҳумоюн кириб келади. Ота, ўғил ва она узоқ суҳбатлашиб ўтиришади. Шунда Бобур руҳиятидаги суюкли ўғлига юксак оталик меҳри жўш уриб кетади. У гўё Ҳумоюннинг барча хатти-ҳаракатлари, қоби-

лияти ва босиқлиги, инсоний хусусиятларини умумлаштириб дейди: «...ва алҳақ суҳбатта бебадал эрди ва Инсони Комилким дерлар, ўшал эрди».

Асарда Комил Инсон тушунчаси бошқа ишлатилган жойни учратмадик. «Бобурнома»да муаллифнинг тасаввуфга доир қарашлари бўртиб кўринмаганидек, тасаввуф шайхларига муносабати, сифиниши ёки рад этиши ҳам яққол кўзга ташланмайди. Фақат Бобурнинг Хожа Аҳрори Валини ўз пири ва халоскори сифатида қабул қилгани бундан мустасноки, биз ишимизнинг бир қисмини шу мавзуга бағишлаганмиз. Гарчи Бобур Комил Инсон тушунчасини аниқ бир шахсга нисбатан ишлатмаган бўлса-да, унинг Алишер Навоийга бўлган муносабатига қараб, уни ўз даврининг Комил Инсони даражасида кўрганига гувоҳ бўламиз.

Заҳириддин Бобур Навоий шахсиятига биринчи галда давлат арбоби сифатида таъриф беради. Унинг «аҳли фазл ва аҳли ҳунарга мураббий ва муқаввийлиги»ни таъкидлар экан, жамиятдаги мавқеини аниқ белгилайди, шогирдларининг кўпчилиги инсоний хусусиятининг бир жиҳати эканини алоҳида уқтиради. Устод Қулмуҳаммад, Шайхий Нойи ва Ҳусайн Удийнинг мусиқадаги муваффақияти, Беҳзод ва Шоҳ Музаффарнинг тасвирий санъатда катта обрў-эътибори Навоийнинг «тарбият ва тақвияти била» амалга ошганини таъкидлайди.

Бобур Навоийнинг «мунча бинойи хайр» қургани, “Мирзодин (яъни Ҳусайн Бойқародан — Ҳ.Қ.) нима олмас, балки йилда мирзога куллий маблағлар пешкаш қилиши”ни келтириб, шоир шахсиятини ўқувчи кўз ўнгида улғувор этиб, улуғ вазирнинг бу дунё моддий бойликлари омонатлигини билиб, юрт, давлат манфаатига холисаниллоҳ хизмат қилганини кўрсатади.

Заҳириддин Бобурнинг Алишер Навоийга муносабати кўпгина олимларимиз томонидан ўрганилган, бу мавзуда фикр-мулоҳазалар билдирилган. Шу боис, биз «Бобурнома»дан Навоий шахсиятини янада терапроқ ёритувчи,

унинг табиатидаги нозик жиҳатларни очувчи бошқа таҳлил йўлини тутишга уриниб кўрдик. У ҳам бўлса, Навоий ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ шахслар, воқеа-ҳодисалар тасвирини таҳлил этиб, Бобурнинг улут шоир ҳақидаги қарашларини ёритишдир. Шу йўсин Навоий шахсияти, мавқеини Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр», Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асаридаги турли персонажлар ва тарихий лавҳалар таҳлили асосида ҳам кўриб чиқамиз. Бу қиёсий таҳлил, шубҳасиз, Алишер Навоий шахсиятини кенг-роқ қўламда кузатиш имконини беради.

Бобур Мажиддин Муҳаммад шахси борасида ҳам анча кенг тўхталади. Ҳусайн Бойқаронинг бу вазири доимо Навоий билан баҳс-мунозарада, фикр ихтилофида бўлгани тарихий манбалардан маълум. Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро салтанатида маърифат, адабиёт, санъат ҳомийси сифатида фаолият юритган. Бироқ турли сабаблар билан салтанат хазинаси бўшаб, Ҳусайн Бойқаро ноилож қолганда, Мажиддинга мурожаат қилади. У иқтисодий, молиявий, солиқ системасини қаттиққўллик билан йўлга қўйиб, салтанат хазинасини тўлдиришга муваффақ бўлади. Бу ҳақда маълумот бериб, Бобур амир Мажиддиннинг «Алишербек бошлиқ жамият беклар ва аҳли мансаб била зиддона маош» қилганини айтиб, бу ҳаракати оқибатида «борча ашинг била ёмон бўлдилар», дейди. Шу ўринда бир нозик муносабатга эътибор берайлик. Бир қараганда, Бобур Навоийнинг жамиятдаги мавқеи, таъсир кучини кўрсатмоқда. Иккинчидан, Мажиддиннинг иқтисодий ва молиявий қобилиятини зимдан қўллаган ҳам. Бироқ Бобур Мажиддин қанчалик салтанат иқтисодини мустаҳкамлаган бўлмасин, Ҳусайн Бойқаро, Навоий ҳурмати боис, уни вазифасидан «маъзул» этганини айтади. Диққат қилсак, бу матннинг мазмуни бошқа фикрга етаклайди. Бобур шох сифатида давлатнинг иқтидори, қуввати бойлик, иқтисод ривожини билан боғлиқ эканлигини таъкидлаётир. Шунинг учун у Ҳусайн Бойқаронинг Навоийни марказдаги ишлардан четлаштириб Астрободга «сур-

гун» қилганини, Маждиддинни «тамом Хуросон мамоликида ани ихтиёр қилиб, жамиъ муҳиммотни анинг уҳдасига» қолдирганини зимдан маъқуллаётир. Бу мулоҳазамизни Бобурнинг Маждиддин ҳақида: «бу ҳам имкони борича саъй ва эҳтимом қилиб, оз фурсатта сипоҳий ва раиятни рози ва шокир қилди», деган фикри қувватлайди.

Бобурнинг Маждиддинга берган баҳосида Навоий шахсиятига тааллуқли очиқ эътироз учрамайди. Бунини муаллифнинг улуғ шоирга юксак ҳурмати сифатида тушуниш мумкин. Эътибор берсак, юқоридаги парчада Бобур Алишер Навоий эмас, Маждиддин унга—Навоийга «зиддона маопи» қилганини айтаётир. Лекин бу билан муаллиф Маждиддинни қораламайди. Балки Навоий тарафдорларини (жумладан, Ҳусайн Бойқарони ҳам) Маждиддиннинг вазифасидан четлаштирилганининг айбдорлари сифатида баҳолаётир. Шу билан ҳам Бобур Маждиддинга хайрихоҳлигини билдираётир. Ушбу матннинг кейинги сатрларида бу янада ойдинлашади. Бобур давлат бошқаришда Маждиддиндек моҳир, иқтисод илмидан хабардор, сарфлашда ҳисобкор, хазинани бойитишга уста шахснинг Ҳусайн Бойқаро салтанатида йўқлигини, кам ёки нодирлигини очиқ айтмайди. (Балки бу Алишер Навоийга эҳтироми юксаклигидандир. Ҳар ҳолда, у Ҳусайн Бойқарони аяб ёзган эмас, чунки «Бобурнома»да бу темурийзоданинг камчиликларини рўй-рост очиб берган.) Аммо Маждиддиндан сўнг унинг ўрнини боса оладиган амир топилиши амри маҳол эканини ачиниб билан баён этади. Улуғ шоирга қанчалик юксак эҳтиром билан қарамасин, Бобур Ҳусайн Бойқаро салтанатида Навоий қараплари жиддий тўқнашувга учраганига, баъзи ҳолларда адолатга зиён етганига ишора қилади: «Саъй ва ифво қилиб, Маждиддин Муҳаммадни туттуруб маъзул қилдилар. Анинг ўрнига Низомулмулк девон бўлди. Печа маҳалдин сўнг Низомулмулкни ҳам туттуруб ўлтуруб, Хожа Афзални Ироқтин келтуруб, девон қилдилар. Мен Кобул келган фурсатда Хожа Афзални бек қилиб эдилар, девонда ҳам муҳр босар эди».

Бошқа жиҳатдан бу парча Навоий ва унинг тарафдорларининг Ҳусайн Бойқаро давлати бошқарувидаги таъсир доираси катта бўлганини ҳам кўрсатади.

Албатта, ҳар қандай давлатдорликда ҳам муҳим вазифадаги кишилар, айниқса, улар бош вазир ва мамлакат иқтисодига боғлиқ шахслар бўлса, ўзаро муносабатлари шахсий муомала доирасидан чиқиб, давлат, эл ҳаётига ҳам таъсир этади. Назаримизда, Навоий билан Мажиддиннинг шахсий муносабатлари ҳам умумдавлат аҳамиятига молик ишларга таъсир кўрсатмай қолмаган.

Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асаридаги маълумотга назар ташлайлик. Восифий Мавлоно Соҳиб Дорога суяниб ёзади: «Бир кун улуғ амир Алишер Мири Калон номи билан машҳур Хожа Мажиддин Муҳаммад-ни Боғи Жаҳонорода учратиб, дедилар: «Сизнинг беҳиштдек осмон зийнатли мажлисингиз таъриф у тавсифини эшитдик. Зарифу фозиллар мавлоно Абдулвосеъ муншига ҳазлу мутойиба қилишибди. Мавлоно уларнинг қаршисида туриб ҳаммасини енгибди. Бу ажойиб ва каройиб ҳодиса. Эсингизда турсак, шундай суҳбатга биз ҳам мушарраф бўлсак». Хожа қўлини кўксига қўйиб, «3-ин тафохур шояд ар сар бар фалак сояд маро» («Бундай фахрдан шояд бошим осмонга етса»), деди ва мажлисга ҳозирлик кўриш учун бир ҳафта муҳлат сўради».

Гарчи Восифий Навоийнинг Мажиддинга муносабати ҳақида фикр билдирмаса-да, юқоридаги парчадан буни сезиш қийин эмас. Адиб Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро саройида сўзи ўтадиган, эътибори юксак шахс сифатидаги ўрнини кўрсатган. Унинг рақиби Мажиддинга «эсингизда турсак», дея пичинг оҳангида муомала қилгани, рақиби эса Навоий таклифини қўлини кўксига қўйиб, жон-дили билан қабул этгани фикримизга далил бўла олади.

Восифий асаридан олинган бу парчада яна бир нозик жиҳат бор. Мажиддин тузган даврада Ҳиротнинг энг кўзга кўринган кишилари қатнашадилар. Бу шеърят оқшомига Мажиддиннинг «эрка шоири» мавлоно Абдул-

восеъ ҳам таклиф эгилган. У давра аҳлининг деярли барчасига қарата ном-баном ёзган ҳақоратомиз шеърларини ўқийди. Унинг бундай «марҳамати»дан фақат Алишер Навоий «бенасиб» қолади, Аниқроғи, у Навоийга атаб бундай шеър айтишдан ҳайиққан. Восифий шу мисол билан ҳам Навоийнинг эл орасида ҳурмат-эҳтироми баландлигини кўрсатган.

Заҳириддин Бобурнинг Мавлоно Биноийга берган таърифида ҳам Алишер Навоийга илиқ муносабат намоён бўлади. «Бобурнома» муаллифи Навоийнинг зарофатга бой хислатлари борлигини, Биноий Навоийдан «хейли мутаарриз» бўлгани боис «хейли жафолар» тортганини айтган. Навоий Биноийнинг ўз даврининг етук зиёлиси, адиби, муסיқашуноси даражасига эришишида муайян ҳисса қўшганини ҳам ёритгани жуда муҳимдир («Ул қиш муסיқий машқ қилур, ёзгача онча бўлурким, ишлар боғлар. Ёз мирзо Ҳири келганда савт ва нақш ўткарур. Алишербек таажжуб қилиб таҳсин қилур»).

Бобур Алишер Навоий характерини тасвирларкан, унинг талабчанлиги ва инжиқлигини, шахсни тарбиялашда унинг истеъдодидан қувониши, рақибни маҳв этишни эмас, балки мусобақалашниш ва юлиб чиқишни, кези келганда мағлубиятни тан олишини, ҳазл-мутойибада жавоб ҳазлни ҳазм этишини ҳам ёрқин ифодалаб берган: «... бир кун шатранж мажлисида Алишербек оёғини узатур. Биноийнинг (орқаси)га тегар, Алишербек мутояба билан дерки, «Ажаб балоест дар Ҳири, агар пой дароз мекуни ба (пушти) шоир мерасад». Биноий дерким: «Агар жамъ мекуни ҳам ба (пушти) шоир мерасад». Бунда муаллиф Навоийнинг эл билан бақамти яшаш хусусиятларини ҳам очиб берган. (Навоий билан Биноийнинг ўзаро муносабатлари ҳақида адабиётшуносликда анчагина фикрлар билдирилган. Қаранг: А.Мирзаев, Биноий. Душанбе, 1958.)

Бобурнинг Алишер Навоийни бир умр эҳтиром қилганлигига яна бир ёрқин далил бор. Муаллиф вафотидан сўнг исми номаълум қолган котиб томонидан «Бобурнома» охирига икки бетли илова қўшилган. Иловада асар муал-

лифига таъриф берилиб, «Ва бир неча аҳли табъким, ушбу подшоҳ (яъни Бобур — Х.Қ.) доимул авқот суҳбатдин айру қўймас эрди», дейилади ва “аҳли табъ”лар қатори «Султон Муҳаммад кўсаким, Мир Алишернинг мусоҳибларидин эрдиким, подшоҳ суҳбатида иззат топиб, сарафроз бўлуб эрди», деб ёзилади. Демак, Бобур сўнгги нафасига Навоийга яқин бўлган кишилар ҳурматини бажо келтирган, уларни эъзозлаган.

Заҳириддин Бобурнинг Алишер Навоийга муносабати ҳақида сўз очганда, унинг Ҳирот шаҳрида қисқа муддат бўлгани, бошқа жойда турмасдан атайин Навоийнинг шахсий уйи—«Унсия»да яшагани, шаҳарнинг бошқа жойлари қатори улуг шоир қурган биноларни меҳр билан зиёрат қилиб, бу ҳақда «Бобурнома»да ёзганини таъкидламасликнинг иложи йўқ. Айни шу сатрларда шоҳ, адиб, шоир, адабиётшунос Бобурнинг Навоий даҳосига юксак эътиқоди, садоқати рамзи мужассам. Бобур Навоий барпо этган биноларни ном-баном санайди, бу кошоналар инсон ҳаёти, маънавияти, пок ва соғлом турмуши, охирати ва бутунги кўни учун нечоғли зарурлигини уқдиради. Иморатлар сони, номи ва вазифасини таъкидларкан, муаллиф Навоийнинг эл учун яшаганини, умрини юрт осойишталиги ва фароғатига сарфлаганини таъсирчан ифодалаган. Қуйидаги парча Бобур услубига хос умумлаштириш маҳоратидан бир намуна ҳамдир: «Алишербекнинг ўлтурур уйлариким, «Унсия» дерлар, мақбара ва масжиди жомеиниким «Қудсия» дерлар, мадрасаси ва хонақоҳиниким, «Халосия» ва «Ихлосия» дерлар, ҳаммом ва дорушшифосиниким, «Сафоия» ва «Шифоия» дерлар, борини андак фурсатта сайр қилдим».

Алишер Навоий ижодига Бобурнинг берган баҳоси ҳам диққатни тортади. Биз мазкур ишимизда унинг адабиётшуносликка оид қарашлари таҳлилига алоҳида тўхталгандик. Бу ўринда айтиш мумкинки, мумтоз адабиётимизда хоҳ у форсий тилда, хоҳ туркий тилда бўлсин— Навоий ижодига танқидий ёндашган мунаққидни қарийб учратмаймиз. Бу шижоатни фақат Бобур ўз бўйнига олган.

Назаримизда, ана шундай журъат, аввало, Бобурнинг жамиятдаги мавқеи билан боғлиқдир, эҳтимол. Қолаверса, бунга унинг шахсий хусусияти, яъни ҳақ сўзни баён қилиши, ким ҳақида бўлишидан қатъи назар, фикрини очиқ-ойдин билдириши ва, албатта, шоҳлик мавқеи ҳам сабаб бўлган.

Бобур Навоийнинг туркий тилдаги олти достони, тўрт девони ва бошқа асарларини юксак баҳолайди. Улуғ шоирнинг «яхши рубоийи ҳам бор», дея бу жанрдаги асарларини маъқуллайди. Бироқ «яна баъзи мусаннафоти бор-ким, бу мазкур бўлонларга боқа пастроқ ва сустроқ воқеъ бўлубтур», дейди. Бизнингча, «баъзи мусаннафот»га Навоийнинг «Вақфия», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Насоим ул-муҳаббат», «Таърихи анбиё ва ҳукамо» каби насрий асарлари кирса керак. Бобур бу асарларнинг «паст» ва «сустроқ»лиги сабабини айтмайди. Навоийнинг бу асарлари баднийати, муаллиф ниятининг юксак даражада ифода топгани билан адиб ҳаётлиги даврида ҳам кейинчалик ҳам, адабиётшунослар, тарихчилар томонидан туркий насрининг нодир намуналари сифатида тўла тан олингани маълум.

Агар Бобурнинг Навоий «форсий назмда «Фоний» тахаллус қилибтур, баъзи аъёти ёмон эмастур, вале аксар суе ва фуруттур», дея танқидий баҳолаганини айтмаса, улуғ шоирнинг барча назмий асарлари унга маъқул бўлгани аён. Ҳўш унда Навоий насрининг қайси жиҳати Бобурга маъқул тушмади?

Бу саволга дабдурустдан жавоб бериш мушкул. Ҳар ҳолда, бу асарлар мизмун ва мундарижасига кўра «Бобурнома»га ўхшамаслиги, Навоийнинг баён услуби, авлиё ва ҳукамо, тасаввуф шайхлари ҳаёти, турмуши, тарихи ва уларнинг ғоялари таранғуми Бобурга унча маъқул тушмаган кўрилади. Маълумки, Бобур ҳаётда бўлгани сингари ижодда ҳам мустақил фикр юритган, ўз хотира асарини бировга бағишламаган, бироқ-бир шахс, ҳатто бобоси Амир Темур ва отаси Умаршайх шаънига ҳам баландроқ оҳангда бир

сўз айтмаган. Аксинча, кези келганда, Амир Темурнинг давлатчилиқ сиёсатиға айрим эътирозларини билдирган. Жумладан, унинг иморатларига нисбатан ўзининг қурилишларида кўпроқ сангтарош ишлатгани, бобосига нисбатан кўпроқ иморат қурганини айтган. Навоийнинг Ҳирот зодагонларидан бўлмаган, оддий шахс Паҳлавон Муҳаммадга атаб алоҳида асар битгани, Ҳусайн Бойқаро шахсиятида асосан ижобий жиҳатларни кўргани, ҳукамони анибиё билан тенг қилгани Бобурга маъқул келмагани эҳтимолдан узоқ эмас.

Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон» рисоласига Бобурнинг қарашини ҳақида адабиётшунослиқда кенг маълумот берилгани боис биз бу мавзуга тўхталмадик. Фақат шуни айтиш жоизки, Навоийнинг бу назарий рисоласи, Бобур айтганидек, «бисёр мадҳул» эмас, балки туркий адабиётда арузнинг ўрни ва ривожига улкан ҳисса қўшган асарлар сирасидан. Муаллиф бу асарида туркий тилдаги назмда арузнинг ўрнини биринчи марта ёритган, унинг хусусиятларини кашф этган. Бобур арузшунос олим сифатида ўзини Алишер Навоий ишининг давомчиси, мусобақадоши даражасида кўргани эса диққатга лойиқ.

Умуман, XV асрнинг охири—XVI асрнинг биринчи ярмида яратилган ёки шу давр ҳақидаги тарихий, саргузашт, ҳатто поэтик асарларнинг аксариятида Алишер Навоий ҳақида маълумотлар берилган. Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асари ҳам шулар жумласидандир.

Маълумки, Алишер Навоий Ҳирот адабий муҳитини бошқарган пайтда Зайниддин Восифий ёш бўлган. Ёш Зайниддиннинг муаммо билиш қобилиятини синаб кўрган Навоий унга юқори баҳо берган. Восифий «Бадоеъ ул-вақоеъ»да бу ҳақда батафсил тўхталиб ўтган. Шу боис, унинг Навоийга устоз ва ҳомий сифатида қарашини табиий. «Бадоеъ ул-вақоеъ»да муаллиф Навоийнинг шахсий ҳаётига доир нозик жиҳатларни кўпроқ ёритган. Бунда, асосан, Заҳириддин Бобур асаридаги аниқ баён, қисқа ва мантқиқий умумлашма таърифлардан фарқли тарзда улус шоир

ҳаётидан ҳикоя қилувчи гаройиб воқеалар ўрин эгаллаган. Восифийнинг санъаткорлиги шундаки, у Навоийнинг буюклиги, халқ билан муносабатларини ёритишда жонли мисоллар—шеъроят оқшомлари, шоир шахсий ҳаётига доир лавҳалардан кенг фойдаланган. Бу тасвирлар шунчалик халқона, оммабоппки, енгил ўқилади, кинигида эстетик завқ бериб, муаллифнинг юксак маҳоратини намоён этади. Яна бир жиҳат шуки, Восифий моҳирлик билан шоирнинг шахсий ҳаётидаги кўпчилик учун жумбоқ, сир бўлиб туюлган жиҳатларни танлаб, енгил ҳазил оҳангида ойдинлаштиради.

Академик Б.Валихўжаев ёзади: «Бобурнома»... воқеаларнинг хронологик тарзда маълум даражада изчил баёни билан тарихийликнинг унда кучлилигини намоёиш эттиради. Бу тарихийликда ҳам ўз навбатида ҳаётийлик ва бадиийлик ўзаро қўшилиб кетади. Аммо унда Восифий асаридагидек ҳикояларни кўрмаймиз. Бу билан икки асарни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ёки бирини юқори, иккинчисини паст деб айтолмайди ҳеч ким. Бир хил жанрга мансуб бу икки асар муаллифларининг дунёқараши, ижтимоий мавқеи нуқтаи назаридан, воқеаларга муносабатининг ҳар хиллиги натижасида ранг-баранг услубда ёзилган».

Ҳусайн Бойқаро саройида Мир Ҳожи Пири Баковул деган номдор ошпаз бўлиб, кунларнинг бирида уни тахтиравонда олиб ўтишади. Мир Ҳожи Навоийни кўриши билан: «Махдум, бугун Сизнинг мулозимларингиз ҳазрати Мирзо (яъни Ҳусайн Бойқаро — Ҳ.Қ.) олдида ажойиб гапларни айтишди», деб ўтиб кетади. Албатта, ҳар қандай амир ўз мулозимларининг шоҳга қандай «ажойиб» гапларни айтганини билишга интилиши табиий. Шу лаҳзада ўзини йўқотган, ҳаракатини назорат эта олмаган Навоий Мир Ҳожи тахтиравони сўрақасидан «Махдум, бир пас тўхтанг», деб югуради. Шунда Баковул: «Маъзур тутинг, Мирзо мени бир зарур иш билан жўнатдилар, шошиб турибман», деб унинг кўнглини баттар таҳликага солади. Бу Баковул

учун ғалаба бўлиб, у одамлар орасида кимсан вазири аъзам, шоирлар сарвари Навоийнинг ўз ортидан югуришини на- мойиш этганди.

Восифий бу қисса тасвирини бир маромда ривожланти- ради. Адиб Пири Баковулнинг ҳеч кимни писанд қилмай қолганини, ҳатто султон Ҳусайн Бойқаро ҳам ўзига бунча- лик эрк бермаганини айтади: «Тахтиравон олдида ўн чов- ли йигитчалар олтин, кумуш ва чиннидан ясалган май идиш- ларни кўтариб олишган. Қўлларида лаъл, фируза, забар- жад ва ёқут пиёлалар. Тахтиравон ҳар беш-олти қадам юрганда Пир бир пиёла май ичиб, газзатига ёнидаги йигит- чаларнинг биридан бўса оларди...».

Ҳусайн Бойқаро бу хабарни эшитиб, Пири Баковулни сурбетлиги боис, оила аъзолари билан йўқ қилиб, мол-мул- киини хазина ҳисобига мусодара этади.

Восифий «Бадоеъ ул-вақоеъ»да Навоий ҳақида шу каби кўпгина ҳикояларни келтирган. Айниқса, устознинг шо- гирдпарварлиги, илм аҳлига ҳиммати борасида мисоллар анча. Агар Бобур Навоийнинг ижоди ва шахсиятининг айрим жиҳатларига, қисман бўлса-да, танқидий фикр бил- дирса, Восифий мутлақо бу йўлдан бормайди. Аксинча, у Навоий ҳақида зарофатомуз ҳикоялар (масалан, Алишер Навоий таъбида нафсоний шахват ва руҳий лаззатга майл- нинг чекланганлиги хусусидаги қисса ва бошқалар) кел- тириб, бирон манбада учрамайдиган улуг адиб ҳаётидаги нодир воқеа-ҳодисаларни зикр этган. Мана, бир мисол: у юқорида номи келган ҳарзагўй шоир Абдулвосеънинг ижоди қанчалик бемаза, бемаъни бўлмасин, кўпчилик қатори На- воийга ҳам маъқул келгани, ҳатто шоирни тақдирлагани- ни ёзадики, бошқа бирон тарихий, адабий манбадан Наво- ийнинг, бутунги тилда айтадиган бўлсак, порнографик ада- биётни маъқуллаганини кўрмаймиз.

«Бадоеъ ул-вақоеъ»да Навоий ва бошқа машҳур шахс- ларга оид «пардасиз» ҳикояларнинг келтирилгани боиси шу билан изоҳланадики, биринчидан, бу Восифий услубига хос белги бўлган; иккинчидан, у доимо Ҳусайн Бойқаро

салтанати таъсири доирасида ижод қилмаган, «эркин ижодкор» сифатида қалам тебратган, бошқа ҳукмдордан паноҳ топа олиши мумкин бўлган.

Ғиёсиддин Хондамирнинг адабиёт ва маданият тарихидаги ўрни давр тарихчисининг мавқеи даражасида белгиланади. У ҳам Восифий сингари Навоийга шогирд, ундан кўра Навоий ва Ҳусайн Бойқаро давлатидан кўпроқ баҳраманд бўлган, улардан ҳам моддий, ҳам маънавий мадад олган адиб. Бироқ Восифийдан фарқли ўлароқ, Хондамир турли султон ва шоҳлар саройида хизматда бўлмаган, турмуш саргардонликларини ўз бошидан кечирмаган, фақат Навоийнинг чексиз марҳамати ва Ҳусайн Бойқаро ҳокимияти соясида ижод қилган. Темурийлар салтанати инқирозидан сўнг эса Бобур ва унинг фарзандлари билан бирга яшаб, ижодини давом эттирган. Шунинг учун унинг шахсга, замонга, даврга муносабатида ўша муҳитларнинг таъсири бор.

Хўш, Ғиёсиддин Хондамир ўз асарларида Навоийни қандай таърифлаган? Улуғ шоирнинг қайси жиҳатларини ёритган? Унинг Навоийга муносабатида Восифий, Бобур муносабатларидан фарқли жиҳатлар нимада?

Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асари бу каби саволларимизга ҳар томонлама жавоб беради. Адабиётшунослигимизда айни мавзуда анчагина фикрлар айтилгани кўпчиликка маълум. Шу боис, бу масалани ёритишда биз нисбатан кам ўрганилган Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» асарига асосланиб хулоса чиқаришни лозим кўрдик.

«Ҳабиб ус-сияр»дан башарият тарихидан бошлаб XVI асрнинг бошигача бўлган давр, сафавийларнинг Шайбонийхонни мағлуб этгани, 1512 йили улар салтанати қаттиқ зарбага учрагани ва 1525 йилгача бўлган воқеалар жой олган. Хондамир «Макорим ул-ахлоқ»да Навоийга муносабатини анча ойдин ифодалаган бўлса-да, назаримизда, муаллиф бу асарида улуғ шоир ҳақида фикрини тўла-тўқис баён этмаган. Шу боис, Хондамир буюк зот олдидаги маънавий бурчини адо этиш ниятида «Ҳабиб ус-сияр»да Наво-

ий ҳақида яна анча кенг маълумот бериб ўтган. Бу асар тарихий манбалигидан ташқари, унда 150 дан ортиқ адиб тарихчи, шайх, тасаввуф пешволари, давлат арбоблари ҳақида қимматли маълумотлар жамланган. Бу маълумотлар ҳали адабиётшунослик нуқтаи назаридан қарийб ўрганилмаган.

«Ҳабиб ус-сияр» тарихий асар бўлгани учун муаллиф Алишер Навоийга алоҳида боб бағишламаган. Шоир шахсияти замонга, давлатдорликка оид маълумотлар, адабий асарлар, адиб ва адабий жараёнга берилган баҳоларда кўзга ташланади. Асар давомида Навоийнинг исми эллик мартадан ортиқ тилга олинади. Агар Хондамир келтирган маълумотлар умумлаштирилса, Навоий мавқеи, унинг тарихда, адабий муҳитда, қолаверса, ўша давр кишилари тақдирида тутган ўрнини яхлит ҳолда ўқувчига етказиш мумкин.

«Ҳабиб ус-сияр»да муаллиф улуғ шоирнинг уч жиҳатини кўпроқ ёритишга интилган: биринчидан, тарихий асар талаби ва мундарижасидан келиб чиқиб, Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро салтанатидаги ўрни; иккинчидан, адибнинг шахс тарбиясидаги нозик истеъдоди—одам таниш қобилияти, валиёна хислати ва, ниҳоят, учинчидан, ўша давр адабий жараёнига сарварлиги, адабиётшунослиги ҳамда унинг адабий-эстетик қарашларининг кейинги адабиётшуносликда ҳам маҳак топи сифатида ўрин тутганлигидир.

Асарда Навоий шахсиятига доир жуда қимматли маълумотга кўзимиз тушди. Ҳали бирон манбада биз унинг на онаси ва на отаси ҳақидаги маълумотни учратганмиз. Хондамир Ҳусайн Бойқаро салтанатидан олдинги давр—Султон Абусаид мирзо саройидаги воқеаларни тасвирларкан, Алишер Навоийнинг отаси Ғиёсиддин Ганжкина (Хондамир шу ном билан берган — Ҳ.Қ.) ҳақида қисқача маълумот келтиради. Султон Абусаид салтанати ҳақида сўз юритар экан, муаллиф Навоийнинг падари бузрутворини бу даргоҳда нуфузли шахслар доирасида бўлгани, эътиборга ноиллигини алоҳида таъкидлайди. Султон Абусаид кун-

ларнинг бирида жуда катта нуфузли ҳайъат тайинлашга қарор беради: «Мирзо Султон Иброҳим Ҳирот музофотида бир неча кунни фароват билан ўтказганидан кейин, ўзининг яқинлари билан маслаҳатлашиб Мирзо Султон Абусаидга алоҳида мактуб юбориб, ўзининг фикр-мулоҳазасини билдиришни аҳд қилган (яъни Ҳиротни ўз вассалигига киритишга аҳд этади — **Ҳ.Қ.**). Бу масалани ҳал қилиш учун давлатнинг энг нуфузли уч кишисидан иборат ҳайъат тузилади. Биринчи, Шайх Нуриддин Муҳаммад бинни Шайх Баҳовуддин Умар, иккинчи Хожа Шамсиддин Муҳаммад Кўсавий ал-Жомий, учинчиси—амир Бобуриддин Хованшоҳим, мазкур сатр муаллифининг (яъни Хондамирнинг — **Ҳ.Қ.**) паноҳбонидир ва Амир Ғиёсиддин Ганжжинаким, ҳазрати амири султон Низомиддин Алишернинг падари бузургворидир ва сафарда у уч бузургга хизмат қилиш ҳамда ҳамкорликка тайинланган эдилар, ўз ишларининг бажарилишига амр этилди...».

Бу даврда темурийлар салтанатига тегишли ерларда парокандалик содир бўлган эди. Ҳар қайси бек, амир ўзича раҳбар бўлиб, марказга бож тўлашдан бош тортарди. Бу ҳақда академик Б.Аҳмедов «Хондамир» номли рисоласида шундай ёзади: «Хожа Муҳаммад ва Дарвеш Муҳаммад тархоннинг Бойсунқурга қарши кураши кун сайин кучайиб борди. Улар ўша кунлари Қаршида истиқомат қилиб турган Султон Али мирзони Самарқандга—Боғи навга олиб келдилар. Бойсунқур мирзо ҳам ўша ерда эди. Дарвиш Муҳаммад тархон Бойсунқур соқчиларининг кўпларини ўлдириб, мулозимларини эса тумтарақай қилиб юборди...».

Бу Мовароуннаҳрдаги вазият. Хуросон ўлкаларидаги темурийлар салтанатига қарашли ҳудудларда эса шароит бундан ҳам оғир эди. Хондамирнинг маълумот беришича, ўша пайтда ҳеч ким фармонга қулоқ солмаган. Мирзо Жаҳоншоҳ Астрободдан Сабзаворгача бўлган ерларни ўз тасарруфига киритган, Мирзо Султон Абусаид Балхда ҳукмдорлик қилар, Мирзо Султон Иброҳим, юқорида таякид-

лаганимиздек, Ҳиротда ўтириб ҳеч кимга итоат этмай қўйган, Мавлоно Ясавул Аҳмад эса Ихтиёриддин қатъасини босиб олиб, салотинни тан олмай қўйган ва ҳоказо. Ана шундай мураккаб шароитда Алишер Навоийнинг отаси Ғиёсиддин Кичкина (Ганжкина) амир ва беклар орасида юзага келган катта можарони бартараф этиб, Ҳиротни Султон Абусаид ҳукмронлигига қайтаришдек мураккаб вазифа юклаган пуфузли ҳайъатга аъзо қилиб жўнатилган.

Хондамир фикрича, Ғиёсиддин Кичкинининг улуг кишиларга ҳамроҳ бўлиши унга билдирилган улкан ишюпч эди. Қолаверса, бу факт юртда тинчликни асрашда султонлар, Ҳусайн Бойқаро ва унинг ўғли Бадиъуззамон орасидаги ихтилофларни бартараф этишда доимо жонбозлик кўрсатиш, аслида Алишер Навоийнинг отасидан олган тарбияси, маънавияти юксак оиладан унга ўтган марос, бурч сифатида ҳам баҳоланиши мумкин.

Бир қараганда, юқоридаги маълумот тарих учун Навоийнинг падари бузруквори мавқеини белгилашда унчалик муҳим эмасдек туюлади. Аммо буюк шахсининг отаси ҳақида Хондамир келтирган шу қисқа хабар-маълумот ҳозиргача Ғиёсиддин Кичкинага оид ягона манба бўлиб, кўпчиликда қизиқиш уйғотиши табиий.

Хондамирнинг Навоий ҳақида берган маълумотлари Бобур ва Восифийнинг маълумотларидан ҳам шаклан, ҳам мазмунан фарқ қилади. Хондамир ўз вазифасини тарихчи-носир сифатида адо этган. Унинг тасвирида биз Навоий ҳақида ҳеч бир асарда учратмаган далилларга дуч келамиз. Бу, аввало, Ҳусайн Бойқаронинг давлат қурилишидаги масалаларни ҳал этишида Навоий тутган мавқега тааллуқлидир. Тўғри, бу мавзуга доир айрим маълумотлар Бобур ва Восифий асарларида ҳам баён этилган. Аммо Хондамир ҳам даврнинг, ҳам салтанатнинг моҳир тарихчиси сифатида Навоийнинг салтанатни теурий шахзодалар, беғу амирлар низоларидан имкони қадар бутун сақлаб қолишга интилганига, Ҳусайн Бойқаро ва унинг

фарзандлари орасидаги ҳисобсиз жанжалларда «қозилиқ» қилгани ва аксарият ҳолларда масалани Хусайн фойдасига ҳал этганига кўпроқ эътибор берган. Бундан ташқари, биз Хондамир асаридан Навоийнинг давлат бошқарувидаги ўрни, вазир сифатидаги фаолиятига оид қимматли маълумотларга ҳам эга бўламизки, бу жуда муҳим.

«Ҳабиб ус-сияр»да ўқиймиз: «1495 йили Султон Хусайн билан унинг тўнғич ўғли Балх ҳокими Бадиъуззамон мирзо ўртасида кўндан бери давом этиб келаётган ноиттифоқлик қуролли тўқнашувларга айланди... Султон Хусайн қон тўкилишининг олдини олиш мақсадида Балхга вазири Алишер Навоийни юборди. Бадиъуззамон амир Алишерга бўлган зўр ҳурмати туфайли унинг сўзларига қулоқ солди ва отасининг амру фармонида чикмасликка сўз берди. (Хондамир Навоий сазй-ҳаракати боис битаёзган бу иш подшоҳнинг ноўрин уриниши оқибатида бузилганини ёзади — Ҳ.Қ.) Бироқ Султон Хусайн Амир Алишерни Бадиъуззамон ҳузурига юбориб, унинг кетидан Балх қалъасининг кутволи Исом барлоста махфий фармон юбориб, Бадиъуззамон ов қилмоқ учун шаҳардан чиққанида уни қайта шаҳарга киритмасликни буюрган экан...».

Бу воқеа тафсилоти орқали Хондамир Навоийнинг дипломатик қобилиятини, унинг тинчлик элчиси сифатидаги хусусиятини очиб беради.

Фикримиз тасдиқи учун яна бир мисолга мурожаат этсак. Қўнларнинг бирида амир Хожа Абдулла Ахтаб Хожа Қутбиддин Товус шаънига таҳқиромиз сўзларни битиб, Хусайн Бойқарога арз этади ва бу низо бутун салтанатнинг оромини бузади. Ниҳоят, подшоҳ Алишер Навоийни ади ва инсофни барқарор этиш, можарони бостириш («жиҳати тамҳиди ади ва инсоф ва рафъи русум») учун Ҳиротга жўнатади. Навоий Ҳиротга бориб, масалани чуқур ўрганади ва Хўжа Абдулланинг уч юз минг динор пора бериб, олий девон мансабига эга бўлганини фойда этиб, бу воқеани жума намози пайтида халойиққа эълон қилиб, Хожа Абдуллани шарманда этиб, қайта Хожа Фатҳиддин Товус

девондаги вазифасини давом эттиришга тикланганини ёзди. Бундай мисолларни «Ҳабиб ус-сияр»дан кўп келтириш мумкин.

Хондамир Алишер Навоийнинг одам танишда, кишиларга баҳо беришда фавқулудда қобилият соҳиб эканлигини кўрсатадиган бир қанча диққатга лойиқ мисолларни келтиради. Бунда асосан тарихий шахслар: шоир, ҳунарманд, амир, давлат арбоби ҳақида сўз юритилади. Улуғ адибнинг бу хусусияти, шак-шубҳасиз, зиёли, давлат маҳкамасининг оддий хизматчиси ёки йирик давлат арбоби каби кишиларнинг тақдирига, келажагига ўз таъсирини ўтказган. Бу таъсир туфайли пок қалбли, эл манфаати учун куюнган, илм, маърифат, адабиёт ва санъат учун ўз жонини фидо этганлар давр ғаламислари ва нопок тўдalar хуружидан асралиб, Навоий марҳаматида ижод ва истиқболли ҳаётга йўналтирилган. Аксинча, ҳаракатларида қабихлик, нопоклик, ҳасад ва нотавонлик, одамларни алдашдек иллатлардан холи бўлмаган кимсалар улуг Навоий марҳаматидан қуруқ қолганлар, уларнинг аксарияти аразлаб, юртларини тарк этганлар.

Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» асаридаги мисолларга таяниб, Алишер Навоий, Бадигўззамон мирзо ва парда ортидаги Ҳусайн Бойқаро ўрталаридаги муносабатларни очувчи мисолларга кенгроқ тўхтаб ўтишни лозим кўрдик. Зеро, бу мисоллар Хондамирнинг Навоий шахсиятига муносабатига, Бобурнинг Ҳусайн Бойқаро ва Навоийга берган баҳоларига, Бадигўззамон ва унинг саъй-ҳаракатларига доир қарашларга ойдинлик киритади. Иккинчидан, Навоийнинг не машаққатлар билан давр зиёлилари шахсиятини моҳир мураббий сингари тарбиялаб боргани, уларни камолга етказганини кўрамиз. Учинчидан, бу мисоллар кўпчиликка маълум тарихий далил—Ҳусайн Бойқаронинг набираси—Бадигўззамоннинг ўғли Мўмин Мирзо ўлдирганидан кейин ота-ўғил орасида кучайган низолар оқибатида Бойқаро давлатининг Хуросонда инқирозга юз тутганини аниқ далиллар билан ёритади. Ушбу ихтилофда ҳамиша ота-ўғил

можаросини баргараф этишга интилган Навоий ўз обрў-этиборидан фойдаланиб, Бадӣғуззамонни инсофга чақирган. Бироқ Бадӣғуззамон Навоийни Хусайн Бойқаронинг ҳомийси деб билган, ундан ҳам аразлаган. Бу мисолларнинг тадқиқотимиз учун аҳамиятли томони яна шундаки, Бобур, Навоий, Хондамир ва Восифий келтирган тарихий, ҳаётӣй далиллар бу алломаларнинг ҳам ижодда, ҳам турмушда имкон борича юрт тинчлигини кўзлаб иш юри-тишганини, теуурийлар салтанати яхлитлигини асрашни мақсад этишганини, шоҳ ва шаҳзодалар ўртасидаги низо-лар теуурийлар салтанати инқирозини тезлаштираётганидан огоҳлантириб, бундай вазиятдан изтироб чекишганини кўрсатади.

Мавлоно Фиёсиддин Жамшид Қоиний Хусайн Бойқаро ҳокимияти даврида ҳалоллиги билан эътибор қозониб, катта мансаб эгаси бўлади. Бироқ Алишер Навоий мажлисларида иштирок этиб юрган бу шахс кунларнинг бирида Навоий ҳақида тухматомиз сўзларни айтади. Навоий бундай ҳаракатни нолойиқ билиб, уни садоратлик мансабидан четлаштиради. Хусайн Бойқаро вафотига яқин фурсатга қадар ишсиз, касб-кори бетайин Мавлоно Қоиний Бадӣғуззамон эътиборини ўзига тортади ва у Қоинийга аввалги мансабини қайтаради. Бироқ Навоийга вафо қилмаган Қоиний Бадӣғуззамонга ҳам вафо қилмайди ва нолойиқ хатти-ҳаракати оқибатида олти ойдан кейин вазифасидан четлаштирилади.

Хондамир «Ҳабиб ус-сияр»да Мавлоно Халилуллоҳ исмли самарқандлик толиб ҳақида маълумот берган. Халилуллоҳ Самарқанд ҳокими Абусаиднинг зулмидан безиб, Ҳиротга боради, Гавҳаршодбегим ва Ихлосия мадрасаларида таҳсил билан шуғулланади, муайян ютуқларга эришади ҳам. Бироқ Навоий уни муттасил шароб ичиб, мастликка машғуллиги боис вазифасидан бўшатиб, ўз доирасидан четлаштиради. Халилуллоҳ ҳам Камолиддин ва Қоиний сингари Бадӣғуззамон мирзо ҳузурига—Балхга кета-

ди ва улар каби садоратдан муносиб вазифага эга бўлади. Бироқ Халилulloҳ Балхда ҳам кўп «хунар» кўрсатади, яъни Навоийнинг унга берган баҳоси ўз исботини топади. Оқибатда Бадиъуззамон уни ўз даргоҳидан четлаштиради. Сарсонликда қолган бу даврзада Қундузга—Амир Хисравшоҳ ҳузурига боради ва ўша ерда вафот этади.

Халилulloҳ характеридаги энг нолойиқ иллат ичкиликка муккасидан кетганидир. Демак, Навоий ўз даврининг толибул-илмлари, вояга етган ёшлар, айниқса, адиблар хусусиятида мастликка ружу қўйишни энг нолойиқ хислат сифатида қоралаган, бундайлардан нафратланган. Бу хусусият инсон шайнига футур етказишини билган Навоий Халилulloҳдан «қўлини ювиб қўлтиғига урган».

Хондамир асарида Навоий характеридаги ёритувчи диққатга лойиқ яна бир мисолни келтирган. Бу улуг шоир хизматида бўлган, даврининг йирик ихтирочиси, наққош ва адиби, Навоий кутубхонасининг бошлиғи Мавлоно Ҳожи Муҳаммад Наққош ҳақидаги қимматли маълумотдир. Дурустгина тасаввур ҳосил бўлиши учун ушбу маълумотни ўз таржимамизда тўла келтиришни лозим билдик: «Мавлоно Ҳожи Муҳаммад Наққош ўз даври илминини эгаллаган, доимо ҳайратланарли ихтиролар ва ажиб тажрибалар ўтказиб, уни кундалик амалий ҳаётда қўллаган шахс эди. Тасвир ва тазҳиб (зар билан нақш бериш) фанида маҳорати чексиз эди. Бир неча вақт чинни идишлар ясаш билан шуғулланди. Жуда кўп тажриба ва чексиз меҳнати эвазига катта бир чинни идиш ясашга эришди. Бироқ ранг ва жилоси унча ўхшамас эди. Мавлоно Ҳожи Муҳаммад ихтироларидан бири Амир Низомиддин Алишер кутубхонасида қўйилган сандиқли соат эди. Ушбу сандиқда у одам ҳайкалини ясаган эди. Бу ҳайкал ҳар соатда қўлидаги чўпи билан олдида турган нафорага бир марта урар, икки соат ўтса икки марта уриб садо берар эди. Мавлоно Ҳожи Муҳаммад Наққош муайян муддат Алишер Навоий кутубхонасининг мудирини вазифасини ҳам бажарган. Мирзо Бадиъуззамон Ҳиротни босиб олишга киришган пайтда Му-

ҳаммад Наққош Навоӣдан ранжиб, Бадигъуззамон ҳузурига борди ва ўша мансабга (яъни кутубхона мудирӣ — **Ҳ.Қ.**) тайинланди. Абулфатҳ Муҳаммад Шайбоний истилоси пайтида (1506 йили) вафот этди».

Ушбу парчада Хондамир Алишер Навоӣй характери-нинг нозик нуқталарини чизиб берган. Энг аввало, бу мисолда Навоӣйнинг янгилик яратишга, ихтирога муносабати янада ойдинлашади. Навоӣй даврида Хуросон ва Мовароуннаҳр улкан маданий, адабий, илмий ва ижтимоӣ юксалиш йўлини тутган эди. Ислом оламида Баҳовуддин Нақшбанднинг «Дил ба ёр, даст ба қор» деган фалсафий-сўфиёна қараш таъсирида яратувчанлик, янгиликка интилиш меҳнатга бўлган муносабатининг ажралмас қисмига айланган эди. Шунга қарамасдан, ҳали ислом олами илм-маърифатга, янгилик-ихтироларга ўз эшикларини ланг очиб бермаганди, албатта. Ана шундай бир шароит Мавлоно Ҳожи Муҳаммад Наққошдек халқ ичидан чиққан моҳир ихтирочи ва қосиб маданият ҳомийси Навоӣйнинг паноҳида туриб, фақат варойиб соат яратмаган, балки одам мужассамасини—ислом қонуниятига зид пайкарли ихтиросини пешкаш қилган. Шубҳасиз, Навоӣй бу ихтиронини яратилгунга қадар кузатган, унга қизиққан, Муҳаммад Наққош қапфиётига ҳомийлик қилган. Табиӣки, ихтирога Навоӣй ҳомий экан, нега Муҳаммад Наққош ундан аразлаб кетди, деган ҳақли савол туғилади. Хондамир бу борада аниқ маълумот бермаган. «Ҳабиб ус-сияр»да номлари келтирилган шахсларнинг (Муҳаммад Наққошдан ташқари) Навоӣйдан аразлаб кетилганининг аниқ сабаблари бор: айримлари унинг нафратига учраганлар, айримлари ёлғончилиги, ғийбатга мойиллиги, бошқалари Навоӣйни ноўрин ёмонлагани ёки мастликка ружу қўйгани оқибатида устод марҳамати ва суҳбатидан маҳрум этилган. Бироқ юқоридаги мисолда Хондамир Муҳаммад Наққошнинг Навоӣйдан ранжиб кетганини жуда нозиклик билан таъкидлайди («охир ул-амр аз он жаноб ранжида бигрехт»).

Тўғри, Навоий қанчалик буюк адиб, вазири аъзам бўлмасин, замондошларининг, алаҳқусус, Бобурнинг таъкидлангича, нозик таъблик, гоҳида тез аччиқланиш унинг характериға хос бўлган. Муҳаммад Наққош Алишер Навоий хизматида бўлиб, охириги пайтда у билан ихтилофға бориб, Бадийуззамон ҳузуриға борар экан, юқорида биз мисол келтирган шахслар каби ўқувчида ёмон таассуёт қолдирмайди. Бу даврнинг икки вакили—вазир ва буюк шоир ҳамда таниқли ихтирочининг ўзаро арази сабаби Муҳаммад Наққошнинг ахлоқсизлиги ёки Навоийнинг қобилиятли кишилар қадрига етмаганида эмас, балки ҳар иккаласининг ҳам нозик диду хусусиятидан, эҳтимол. Қолаверса, бу араз жамиятга, адабий муҳитга таъсир етмагани, шунчаки шахсий низо қатори маданият тарихида салбий из қолдирмагани билан ҳам муҳим.

Хуллас, Алишер Навоийнинг мўътабар сиймоси ҳали у ҳаёт пайтида ва вафотидан ҳаял ўтмасдан замондош адибу тарихчилар асарларида абадан Комил Инсон даража-сида тасвирланган.

Унинг шахсияти турли даврларда минглаб кишиларнинг юксак инсоний ахлоқ руҳида тарбия топишлариға омил бўлди.

## 6. «Ажаб замоне» ҳукмдори

Ўрта асрда яратилган адабий, тарихий асарларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири уларда муаллифларнинг воқеа-ҳодисаларға ўз дунёқараши, билими кўлами билан ёндашганидир.

Навоий, Бобур, Хондамир ва Восифийнинг айнан бир шахсга, муайян бадий асар ёки воқеа-ҳодисаларға ўзларининг жамиятда тутган мавқеларидан туриб баҳо беришганини кузатиш фақат тасвирланаётган шахс, асар ё воқеанинг ўзига хос жиҳатларинигина эмас, балки тасвирлаётган адиб дунёқарашини, услубини, давр, замонга муносабатини билишга ҳам ойдинлик киритади.

Адабиётшунос Э.Каримов ёзади: «Ёзувчи бадиий адабиётда қаҳрамон характери яратар экан, унинг шаклланишига хизмат қиладиган ҳамма омилларни ҳисобга олади. Фақат насл-насаб, таржимаи ҳол, давлатнинг ижтимоий тузуми, тарихий даврлар, халқнинг маданий тараққиёти даражасига эмас, балки ўтмиш маданияти ютуқлари, инсоннинг ақлий тараққиёт даражаси ва бошқа кўпгина омиллар инсон характерининг шаклланишига муайян таъсир ўтказди» (Адабиёт назарияси, I том, 155-бет).

Тадқиқотимиз доирасида бирламчи манбаларни синчиклаб ўрганиш шуни кўрсатдики, шоҳ ва адиб Заҳириддин Бобур ҳамда бош вазир, шоир ва адиб Алишер Навоийнинг ҳомийлиги, марҳамати остида янаб ижод қилган тарихчи, адабиётшунос Ғиёсиддин Хондамир, XVI асрда «Бадоеъ ул-вақоеъ»дек насрий-саргузашт асари билан шуҳрат топган нисбатан «эркин ижодкор» Зайниддин Восифий айнан бир тарихий шахслар, яъни шоҳ, султон, амир, бек, лашкарбоши, шоир, санъаткор ва оддий кимилар ҳақида маълумот берганлар. Худди шу маълумотларда адибнинг жамиятдаги мавқеи унинг ижодига қанчалик таъсир этганини кузатдик. Натижа кутганимиздан ҳам қизиқарлироқ чиқди: адибнинг жамиятдаги мавқеи ҳам ростбаёнлик, ҳам шахс мавқеини белгилаш, ҳам ўзаро муносабат боис, объективлики, оз бўлса-да, қурбон қилинга (ҳатто Заҳириддин Бобурдек ростгўй адиб ижодида ҳам) олиб келган.

Мавзуга чуқурроқ кириш учун мисолларга мурожаат этамиз. XV асрнинг иккинчи ярмида ҳукмронлик қилган Султон Ҳусайн Бойқарога (бундан кейин Ҳусайн — Ҳ.Қ.) Навоий, Бобур, Хондамир ва Восифийнинг муносабатлари қандай бўлган? Навоий вазир сифатида унинг қайси жиҳатларини бўрттиргану қайси ўринда, оз бўлса-да, ўзининг танқидий қарашларини билдирган? Бобурнинг Ҳусайнга берган очиқ, «шафқатсиз» баҳосида нималар пинҳон ва нималар аниқ намоён бўлган? Ҳусайннинг шахсияти, давлат қурилишидаги фаолиятида Бобур қандай ютуқ ва ноқисликларни кўрган, унинг ижодини қандай баҳолаган?

Ҳусайн Бойқарога Хондамир ва Восифийнинг муносабатлари қай даражада? Бобур билан замондош бўлишса-да, нима учун улар султонларининг камчиликларини кенг ёритмаганлар?

Таҳлилимизни Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Ҳусайн Бойқарога муносабатини кузатишдан бошлаймиз. Зеро, тарихий асарларнинг биронтасида «Бобурнома»дагидек Ҳусайн Бойқаро шахсиятига жиддий, одилона ва очиқ баҳо берилмаган.

Бунга, аввало, асар муаллифининг Ҳусайн Бойқарога нисбатан бетарафлиги, унга иқтисодий, ижтимоий томондан бовлиқ бўлмагани, иккаласи ҳам темурийзода, шоҳ, адиб, шоир экани ва ниҳоят, иккаласи ҳам Амир Темур салтанати яхлитлигини асраб қолишда ўз салоҳиятлари доирасида фаолият кўрсатгани асос бўлган. Яна бир асос — Бобурнинг услуби. У ким ҳақида бўлмасин, фақат рўстгап баён этганки, натижада ўша даврнинг йирик сиймоси — Ҳусайн Бойқаро шахсиятига ҳам аниқ, объектив баҳо берилган.

Бобур Ҳусайн Бойқаро ҳақида умумий маълумот бераркан, «белидин қуйи инчка»лиги, «қизил яшил абришим»дан кийим кийишини айтиб, ўзига хос дидга эгаллигига ишора қилади. Агар «аввал тахт олгон маҳалда олти-етти йил тоиб» юрган бўлса, бора-бора билаги бақувват, қилич уришида ўз даврининг нодирларидан бўлганини кўрсатади. Ҳусайн «бовужудким, ҳам ёш ва ҳам салтанат била улур подшоҳ эди, кичиклардек қўчқор сахлаб, кабутар сахлаб, кабутар ўйнар эди, товуқ ҳам урушқа солур эди»ки, унинг бу каби хусусиятлари Бобурга унча манзур бўлмаган.

У Ҳусайн Бойқаро шахсининг қўидаги жиҳатларига ҳам эътибор берган: шакл-шамойили, сўзлашуви одоби, эл билан муносабати, аскарларининг сони ва уларни бошқариш тактикаси, бойлиги, саркардалиги ва урушини қобилияти, фарзандларига муносабати ва бунинг оқибати, аҳли адаб ва илмга ҳомийлиги, овир пайтда кишига ҳамдам бўлиш хислати, аҳли аёли ва, ниҳоят, майга муносабати...

Умуман, Бобур Ҳусайн Бойқаронинг давлат қурилишини, унга раҳбарлик қилишини ёқлайди: «Султон Ҳусайн мирзонинг замони ажаб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳири шаҳри мамлу эди. Ҳар кишинингким бир ишга машғуллуги бор эди, ҳиммати ва қарази ул эдиким, ул ишни камолға тегургай». Бу Бобурнинг Ҳусайнга берган юксак сиёсий-иқтимоий баҳоси. Охириги жумлага эътибор берайлик: муаллиф ҳар иш охирига етказилган, деб эмас, балки жуда муносиб сўз таълаб «камолға тегургай» демоқдаки, бу сифатнинг ориттирма даражаси. Умуман, Бобур Ҳусайн Бойқаро шахсиятини белгилашда, аввало, унга теурийзода, шоҳ, султон сифатида қарайди, ахлоқи, фарзанди, оиласи ҳақида сўз юритганда ҳам шу мезонни асос қилиб олади. Бобур Амир Темур фарзандлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар, Соҳибқирон амирлари ўртасидаги носоклом муносабатларни буюк империя таназулининг асосий сабаби, деб билган. Ана шу меъёр унинг Ҳусайн Бойқаро хонадони ва салтанатига муносабатида ҳам ўз аксини топган.

«Бобурнома»дан биламизки, Бобур ҳам кўп вақт май ва човир базмига ружуъ қўйган. Бироқ у бу машғулоти сурункали давом эттирмаган, ҳатто умрининг охирида салтанатида май ичилиши ман этиб, фармон чиқарган, май қалаҳларини, кўзаларни синдириб ташлаган. Бобур Ҳусайн Бойқаронинг майга берилганини шоҳ учун энг кечирилмас иллат деб билган: «... қирқ йилға ёвуқким Хуросонда подшоҳ эди, ҳеч кун йўқ эдиким, намози пешиндин сўнг ичмагай, вале ҳарғиз сабуҳи қилмас эди, ўёлонлари ва жамғ сипоҳиға ва шаҳриға бу ҳол эди. Ифрот била айш ва фисқ қилурлар эди».

Бу парчадан муаллифнинг Ҳусайнни фош этувчи катта нафратини илган қийин эмас. У, биринчи галда, бу иллат шоҳнинг ўзидан кўра ўғиллари, сипоҳи ва шаҳарнинг жамғ майзада аҳлиға тааллуқли эканлигини таъкидларкан, теурийлар салтанатининг инқироzi худди шу касофатли одат боис юз берганини айтади. Бобур Ҳусайн Бойқаро фарзандларининг оталарига нисбатан ўта ҳурматсизлиги,

«отасидан ийманмай, Тенгридин қўрқмай», ҳатто рамазонда ҳам айш, фисқ-фужур билан шуғулланганларини ёзадики, бу унинг шаҳзодаларга отган таъна тошларидан кўра, теурийларга мансуб хонадоннинг паст кетгани, нокасликка юз тутганидан қайғуриш, ачиниш ҳиссига йўғрилган аламидир! Бу вайриахлоқий муҳит Амир Темур салтанатини инқирозга олиб келганидан Бобур афсусланиб ёзади: «Бу мирзолар (Хусайн ўғиллари. — Ҳ.Қ.) андоқ ифрот била фисқ ва айшга машғул эдиларким, отасидек кордида ва кордон подшоҳ тушчилик йўл келиб, рамазондек мутабаррак ва азиз ойга кечалик фурсат қолиб, отасидан ийманмай, Тенгридин қўрқмай, ҳануз иши чоғир ичмак эди нашот била, мажлисоролиқ эди — инбисот била. Муқаррардурким, мундоқ бўлгон кипи андоқ шикаст топқай ва бу навъ ўтган элга ҳар ким даст топқай».

Заҳириддин Бобур Хусайн Бойқаро фарзандларига «отадан мерос» бўлиб ўтган майзадалики доимо қоралайди. Масалан, у Иброҳим Хусайн мирзо ҳақида шундай ёзади: «Яна Иброҳим Хусайн мирзо эди. Табъи ёмон эмас экандур. Ҳири човирини ифрот била ича-ича-ўқ отаси замонида ўлди».

Бу қисқа таърифдаги кесатиққа эътибор берайлик. Муаллиф Иброҳим Хусайннинг шоирлик таънига ижобий баҳо беради, унинг адабий қобилиятига ачиниш ҳиссини ҳам сезиш қийин эмас. Бироқ човир ичиш одоби ҳақида гапириб, «ифрот била», яъни сурункасига, кўп, тартибсиз ичганини айтади. Бобур «-ўқ отаси замонида» дер экан, «ўқ» (тезлик маъносида) сўзи орқали йигитнинг жувонмарг бўлиб кетганини аниқлатмоқда. Айни дамда бу фожиа ота ҳаётлигида, унинг кўз ўнгида содир бўлганини таъкидлаш орқали, Хусайнга зимдан таъна тошини отмоқда. Бобур асарида «ўлди» сўзини жуда кам ишлатган, бироқ бу парчада айни шу сўзни лозим топиб қўллайди ва воқеанинг ҳунуклиги, вазиятнинг носоғломлигини санъаткорона очиб, тасвирнинг таъсирчанлигини таъминлайди.

Заҳириддин Бобурнинг бошқа темурий шахзодалардан афзал томонлари ҳақида кўп фикрлар айтилган. Бироқ, бизнингча, кўпчилиكنинг диққатидан четда қолиб келаётган яна бир муҳим жиҳат борки, бу Бобурнинг давлат қурилиши, уни бошқаришда фарзанд тарбияси ва ўзаро муносабатларга доир қарашларидир. Бу буюк шахс ҳаминша ўзидан олдин ўтган шоҳ ва султонларнинг фарзандлари ўртасида кечган тож-тахт учун кураш, бойлик ва юртга эгалик қилиш масалаларини салтанатнинг заволи, инсоний эътиборни забунликка элтувчи бало сифатида баҳолаб келган. У темурий амирзодаларнинг, бекларнинг муросасизликка юз тутгани, давлат, бойлик орттириш учун бир-бирларини қатл этишгача боришганини салтанат заволига асосий сабаб, деб билади. Шу боис, ҳаминша фарзандлари Ҳумоюн, Комрон, Ҳиндол, Гулбаданбегим ва бошқаларни аҳилликка даъват этади. Айниқса, тўнғич ўғли Ҳумоюнга бу насиҳатни қайта-қайта зикр этганини кўрамиз. Масалан, Ҳумоюнга ёзган мактубида ана шу ақиданинг моҳияти, муаллиф қарашлари рақаму далиллар билан ўз аксини топган: «Агар Тенгри инояти била Балх ва Ҳисор вилояти мўяссар ва мусаххар бўлса, Ҳисорда сенинг кишинг бўлсун, Балхта Комроннинг кишиси бўлсун. Агар Тенгри инояти била Самарқанд ҳам мусаххар бўлса, Самарқандта сен ўлтурғил, Ҳисор вилоятини, иншооллоҳ, холиса қилғумдур. Агар Комрон Балхни озирғанса, арзадошт қилинг, иншооллоҳ, анинг қусурини ўшал вилоятлардин ўқ рост қилғумиздур. Яна сен ўзинг билтур эдингким, доим бу қоида маръий эди: олти ҳисса санга бўлса, беш ҳисса Комронга бўлур эди. Ҳаминша бу қоидани маръий тутуб мундин тажовуз қилманг. Яна ининг била яхши маош қилғайсан...».

Бу матнга эътибор берсак, Бобурнинг Ҳумоюн мавқеини катта ўғил сифатида таърифлаб, унинг мол-мулкдаги ҳиссасини шу билан белгилаганини кўрамиз. Яъни каттага катта, сердаромадроқ жой (масалан, Самарқанд ўлкаси),

иниси Комронга эса Балх вилояти... Бобур нозик психолог сифатида, Комронга Балхни берсак кўнгли ўксимасми-кан, деган мулоҳазага борган ва бу камчиликни кейин бошқа жойлар ҳиссасидан бартараф қилиш лозимлигини ҳам огоҳлантириб айтган.

Бобур Ҳусайн Бойқаро хонадонидаги ота ва ўғилларнинг носозликлари ҳақида куюниб ёзади ва бунга, аввало, Ҳусайннинг ўзи айбдор, деб уни қоралайди. Унинг шоҳ сифатида турли баҳоналар билан ўғилларининг бирини ўринсиз суқуб, бошқасини ранжитгани саройда осойишталик йўқолишига, хонадон аъзоларининг, бутун жамиятнинг ҳаловати бузилишига, ўзаро урушларга сабаб бўлганини афсус ила баён этади: «Яна бир Музаффар мирзо эди. Султон Ҳусайн мирзонинг суқуклук ўғли бу эди. Агарчи хейли суйгудек ахлоқ ва афъоли ҳам йўқ эди, ўғлонлари мунини кўп отруқ кўргани учун аксар ёғийқтилар».

Бу парчада Ҳусайн Бойқаро салтанатининг емирган иллат ҳам, унинг ота, шоҳ сифатида тутган ўрни, ноўрин тарбияси ҳам, шаҳзодалар низоларининг туб сабаби ҳам кўрсатилган.

Бобур Ҳусайн Бойқаро фожеасининг яна бир томони-ни катта ўғли Бадиъуззамон билан бовлиқ ҳолда кўради. Гарчи Ҳусайн Бойқаро бу ўғлига нисбатан кўпинча адолатсизлик қилган, ҳатто маст ҳолида унинг ўғли, яъни ўз набираси Мўмин мирзони қатл эттирган бўлса-да (бу фожеани Бобур ҳам қоралаган), Бобур назарида, фарзанднинг отага қўл кўтариши, унга қарши қўшин тортиши, ҳатто душманлари ёнида туриб курашиши на инсоф ва на инсонийлик матлабига тўғри келади.

«Бобурнома»да муаллиф Ҳусайн Бойқаронинг хотинлари тасвири орқали унинг характериға хос нозик жиҳатларни очишга ҳаракат қилади. Бунда Бобур бир йўла уч мақсадга эришган: Ҳусайн Бойқаро образини жонлантирган, Бадиъуззамон феълдаги яккашлик, отасига ўчакишини одатининг ирсий асослари борлигини билдирган ҳамда султоннинг хотинлари таърифини келтирган. Ма-

салан, у Хусайн Бойқаронинг биринчи хотини Бека Султонбегим ҳақида фикр билдириб, Бадигъуззамон ундан туғилганини алоҳида зикр этади. Шундан сўнг бу аёлнинг «кажхулқ»лиги, бундай хотин эр учун бу ёруғ дунёда ҳам, у дунёда ҳам дўзах азобиға тенглигини айтади. Бобур Бадигъуззамон характеридаги яккашлик, гоҳида баттоллик онасидан кўчган деган фикрни ҳам билдирган. Гарчи Бобур қанчалик Хусайн Бойқаро характерининг мусбат томони ҳақида фикр билдирмасин, унинг хотини Бека Султонбегимнинг ахлоқан пастлиги, шахсий қарашлари жамият манфаатларига футур етказганини кўрсатиб, шохни ҳаётда жабрдийда тарзида тасвирлаган, уни «марди нақў» атаб, бундай хотиндан қутулганини табриклаган: «Аввал олғон хотуни Бека Султонбегим эди, Санжар мирзо Марвийининг қизи эди. Бадигъуззамон мирзо мундин туғуб эди. Кўп кажхулқ эди. Султон Хусайн мирзони кўп овритур эди. Кажхулқлиғидин мирзо батанг келди, охир қўйди ва халос бўлди, не қилсун, ҳақ мирзо жониби эди.

*Зани бад дар саройи марди нақў,  
Ҳам дар ин олам аст дўзahi ӯ».*

Ушбу хулосасини келтириб, муаллиф Бека Султонбегимга нафратини айтиб тугата олмаган чоғи, тағин илова қилади: «Тенгри ҳақ мусулмонға бу балони солмағай. Ёмон хўйлуқ, кажхулқ хотун, илоҳо, оламда қолмағай».

Хусайн Бойқаро турмушидаги номувофиқликлар борасида ёзаркан, Бобур унинг яна бир хотини Хадичабегим ҳақида ҳам фикр юритади. Бу образ орқали Хусайн Бойқаронинг бир қанча камчиликларини, хусусан: биринчидан, унинг ўз хотинларига катта имконият, ҳатто давлат ишларига аралашини ҳуқуқини бергани; иккинчидан, паслу насаби ғунчачиликка бориб тақаладиган, аввал Султон Абусаидга хотин бўлган аёлға уйлангани; учинчидан, унинг давлат ишларига «асру ихтиёр бўлуб» қолгани ва, ниҳоят, яна шаробхўрлик касофати билан Бадигъуззамоннинг ўғли

Мўмин мирзони шу аёл кирдикорлари боис қатл эттирганини бир йўла очади. Бобур фикрича, Хадичабегим туфайли Ҳусайн Бойқаро ўз фарзандлари билан душманланган: «Сўнгралар худ асру ихтиёр бўлуб эди. Муҳаммад Мўмин мирзони анинг савийи била ўлтурдилар. Султон Ҳусайн мирзонинг ўғлонлари ёғийқтилар, кўпрак мунинг жиҳатидин эди, ўзини оқила тутар эди, вале беақл ва пургўй хотун эди, рофизия ҳам экандур».

Ҳусайн Бойқаронинг бу икки хотинига салбий баҳо бераркан, муаллиф, биринчи навбатда, унинг салтанатидаги нооромликлар шу хотинларнинг макр-ҳийласи, бир-бирини кўролмасликлари оқибатида юз берганини таъкидлайди. Бундан зинҳор Бобур Ҳусайннинг давлатни бошқариш усулини ёқтирмагани учун хотинларининг салбий хислатларини ёритган, деган хулосага бормаслик керак. Бу, асар талабидан келиб чиққан, турли вақт ва воқеалар тасвири орқали келтирилган.

«Бобурнома»да муаллифнинг Ҳусайн Бойқарога муносабати билан боғлиқ бир қизиқ, нозик ифода бор. Ҳиротда илк марта бўлган Бобур бу шаҳар ниҳоятда тараққиётга юз тутгани, Амир Темур салтанатидаги бошқа шаҳарлардан кўра ўнлаб-йигирмалаб марта юксак ривожлангани боис қизиқиб қолиб, томоша қилганлигини ёзади: «Яна Ҳириниким, рубъи маскунда андоқ шаҳр йўқтур ва Султон Ҳусайн мирзонинг замонида мирзонинг тасарруфидин ва такаллуфидин Ҳирининг зеб ва зийнати бирга ўн, балки йигирма тараққий қилиб эди, кўрмак орзуси хейли бор эди. Бу жиҳатлардин турмоқни қабул қилдук».

Албатта, бу таъриф Ҳусайн Бойқаронинг давлат қурилишига берилган юксак баҳо. Унда Бобур Ҳусайннинг ўғли Бадигўззамон мирзо томонидан қабул қилинганини ёзади. Ўша йили (1506) Ҳусайн Бойқаро вафот этган, Бадигўззамон эса Ҳирот ҳокими эди. Бобур ўзининг Бадигўззамон томонидан кутиб олинганлигини баён этаркан, шаҳзодага нисбатан салбий қарабини сезмаймиз, аксинча, унинг меҳмоннавозликда абжирлиги, саховати ҳақида илиқ

сўз билдирганини кўрамиз. Бунга Бобур дипломатияси, объективлиги, унинг ҳар кимдаги ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатни кўра олиш қобилиятининг ёрқин ифодаси сифатида қараш мумкин: «Бу суҳбатта менинг олимга қоз қабоби қўйдилар, чун қуш бузмағини ва тўрғамғини қилғон эмас эрдим, илик алтмадим.

Бадиғуззамон мирзо дедиким, нега майл қилмассиз. Мен дедим, тўрғамғонни ожиздурмен. Филҳол Бадиғуззамон мирзо менинг олимдаги қозни бузуб, тўрғаб олимда қўйди. Мундоқ ишларда Бадиғуззамон мирзо беназир киши эди. Охир суҳбатта бир мурассаъ камар, ханжар, бир чорқаб, бир тупчоқ манга берди».

Шундан кейин Бобур Ҳиротдаги олтмишга яқин зиёратгоҳни томоша қилганини номма-ном келтиради. Қизиғи шундаки, Ҳирот зиёратгоҳида фақат Ҳусайн Бойқаро қабрига бормаганини атай таъкидлаб айтади («Бу йигирма кунда машҳур сайргоҳлардин бир Султон Ҳусайн мирзонинг хонақоҳидин ўзга ер кўрулмаган шояд қолмади экин...»).

Буни қандай тушунмоқ керак? Агар Бобур Ҳусайнни эҳтиром этмаган десак, «Бобурнома»даги далиллар бунга етарли асос бермайди, айниқса, Ҳирот шаҳри ҳақидаги унинг юқоридаги фикри бунга далил. Эҳтимол, Бобур Бадиғуззамоннинг кўнглига қараб иш кўргандир. Ота-бола орасида кечган низодан хабардор Бобур Бадиғуззамоннинг меҳмони бўла туриб, Ҳусайн оромгоҳини зиёрат қилсам, мезбоннинг кўнглини овритиб қўяман, деган андишага боргандир.

Ҳусайн Бойқаро билан ўғиллари ўртасидаги носоз муносабатлар, можаро ва ҳатто қонли тўқнашувлар Ҳусайн вафотидан кейин ҳаял ўтмай ўз акс-садосини беради: Ҳиротга Ҳусайннинг икки ўғли ҳоким бўлади, салтанатдаги тарқоқликдан фойдаланган Шайбонийхон эса ғалаба қилади, ягона салтанат Хуросонда инқирозга юз тутади. Ҳиротда бўлган Бобур учун Бадиғуззамоннинг меҳмоннавозлиги эмас, бирлашибганимга қарши курашини муҳим

эди. Ана шундан кўнгли чўкиб Кобулга йўл олган Бобур Ҳиндикуш тоғида қор кечиш машаққатига дуч келади. Бу ҳақда биз юқорида батафсил сўз юритдик.

Гулбаданбегим «Ҳумоюннома»да ёзади: «Мирзолар Хуросонда қишлашни таклиф қилдилар, қишдан кейин ўзбеклар билан (яъни Шайбонийхон билан — Ҳ.Қ.) жанг қиламиз деб тўхтатмоқчи бўлдилар, лекин урушга қатъиян ва узил-кесил қарор қила олмас эдилар. Султон Ҳусайн мирзо саксон йил (бунда, назаримизда, Гулбаданбегим йил ҳисобида адашган; Ҳусайннинг салтанати (1469—1506) салкам қирқ йилни ташкил этади — Ҳ.Қ.) Хуросонни обод ва маъмур қилган эдилар, аммо мирзолар оталарининг ўрнини олти ой ҳам сақлаб тура олмадилар. Подшоҳ (яъни Бобур. — Ҳ.Қ.) уларнинг бепарволикларини кўргач, Кобул томонга равона бўлдилар».

Заҳириддин Бобур Ҳусайн Бойқаро ижодига ҳам танқидий назар билан қараган. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасининг 8-мажлисини шоир Ҳусайний ижодига бағишлаган. Бобурнинг Ҳусайний ижодига билдирган муносабати («Туркий айтур эди. Тахаллуси Ҳусайний эди. Баъзи байтлари ёмон эмастур, вале мирзонинг девони тамом бир вазндадур») ўртағиёна ижодкор асарларига берилган баҳодек таассурот уйғотади. Бу борада адабиётшуносликда анчагина фикрлар билдирилганини инобатга олиб, мазкур мавзуга кенгроқ тўхтаб ўтишни лозим топмадик. Бироқ мумтоз адабиётшунослигимизда Бобурдан бошқа ҳеч ким Ҳусайний ижодига танқидий ёндашмаган, деган ақида бор. Бизнингча, «Мажолис ун-нафоис» асарининг 8-мажлисида Алишер Навоий шоҳ ва шоир Ҳусайнийнинг айрим ижодий жиҳатларини нозиклик билан танқид қилган. Албатта, унда Бобур қарашларидаги каби очик-ойдин айтилган танқидий фикр йўқ.

Навоий Ҳусайний ғазалларини баҳолашда уларни Лутфий ғазаллари билан қиёслаб, ғазалларнинг нисбий фарқидан келиб чиқиб, Ҳусайний ғазалларининг мазмун жиҳатидан анча савёзлигини билдирган: «Малик ул-калом Мавлоно Лутфийнинг мапҳур матлаи жавобида дебтур:

*Эй қадинг тубию жаннат хадди гулгун устина.*

Бу матлаъ воқеъ бўлубтурким:

*Хаттининг тори тушубтур лаъли майгун устина,  
Ўйлаким, жон риштаси бир қатраи хун устина».*

Ушбу қиёсда Навоий Лутфий ғазалининг бир матлаиға Ҳусайнийнинг уч ғазалидан уч матлаъни келтиради. Бунда Алишер Навоийнинг нозик диди, бадиий асар яхлитлиги борасидаги эстетик қараши яққол намоён бўлган. Биринчидан, Лутфий ғазалида ёр юзининг жаннатга ўхшатилишини маъқуллаган Навоий фикрида Ҳусайний ғазалидаги ҳаётийлик, май пиёласи узра ёрнинг бир тола лаб туки соясининг тушишини олқишлаш оҳанги бор.

Иккинчидан, Навоий Лутфий ғазалининг шухратини, унинг мантиқ кучини, мисраларидаги оҳангдорликни, сеҳрли сўз ўйинларини қалбан сезади. Бироқ Лутфийнинг бир матлаиға Ҳусайнийнинг уч матлаи рақобатга киришади. Тўғри, Навоийнинг асл нияти ёр қиёфасини бор ғўзаллиги билан акс эттиришни кўра олишдир. Ҳусайний икки ғазалида Лутфийга эргашиб, жавобия яратиб, ёрнинг «хатт»ини таърифлайди. Бироқ, Навоий фикрича, чиройли ёр юзида нозик ўрнашган хол бўлмаса, у мукамал эмас. Ана шу мукамалликни Навоий Ҳусайнийнинг учинчи ғазалидан қидиради ва:

*Нуқтаи холинг ажаб йўқ лаъли хандон устина  
Ким, бўлур бир қатра дошм оби ҳайвон устина, —*

матлаини келтириб, ана шу кемтикликни тўлдиради ва «мундин назм таврида ғояти қувват маълум бўлур», дейди. Бу қувват ғазалда «хатт» билан «хол»ни яқраг ишлатиш маҳоратида кўринган.

Учинчидан, Навоийнинг бу таҳлил услуби бизга унинг бадиий асарга муносабати орқали мутлақ бир янгиликни

ҳада этади. Зотан, Навоий Ҳусайнийнинг уч ғазали орқали шоир ижодида изчиллик мавжудлигини уқтиради: ҳар бир яратилган ғазал алоҳида бадиий асар бўлгани қатори, шоир ижодидаги ғазаллар мазмунан бир-бирини тўлдиргани, муаллиф дунёқарашини янада ёрқин ифода этгани, бир ғазалда айтолмай қалбида қолган ният, армон бошқа ғазалда ўз ифодасини топганини кўрамиз. Юқоридаги мисолда Навоий мукаммал ёр образидаги зарур деталларни Ҳусайнийнинг уч ғазалидан топади ва уни «назмда гояти қувват» зоҳир этганлик сифатида баҳолайди. Аслида Навоий Лутфийнинг поэтик маҳорати заминиди Ҳусайний ғазалларини муайян даражада танқид қилади, яъни Лутфийнинг бир матлаиға Ҳусайнийнинг уч матлаи тўғри келишини билдиради. Бу мисол Навоийнинг Ҳусайний ижодиға танқидий ёндашганидан далолатдир.

Ҳусайн Бойқароға Заҳириддин Муҳаммад Бобур баҳосини янада ёрқинроқ тасаввур этиш учун Навоий, Хондамир ва Восифийнинг бу султонға берган баҳолари билан қиёслаш зарурати бор.

Алишер Навоий «Хамса», «Вақфия», «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Муншаот» ва бошқа асарларида Ҳусайн Бойқаро шахсиятиға дўсти, ҳукмдори, қолаверса, ижоди учун шароит яратиб берган давлат арбоби сифатида таъриф берган. «Вақфия»дан олинган қуйидаги парчада бу масала янада равшан кўринади: «Яна ул ҳазратнинг фалак мартаба даргоҳида ва сипеҳр манзалат боргоҳида арзодоштим будурким, тириклик бўстонидирким, адно нулуфарин сипеҳри ахзар била тенг тутса бўлмас ва ҳаёт гулистонидинким, жузвий солиғ гулин хуршеди ховарға ўхшатса бўлмас... Эмдиким ҳаётим гулшанининг баҳори хазонға етишти ва гулшанда очилвон йигитлик гуллари тўкила киришти... Ул ҳазратнинг муаббад давлатидин ва рафеъ ҳимматидин кўнглумға кечмаган комларға комгор бўлубмен ва тушимға кирмаган мақосидға иқтидор топибмен.

Икки орзу риштасидин ўзгаким, гириҳи кўнглум пардасидин ечилмади ва икки мурод ғунчасидин ўзгаким, тутуни жоним гулшанидин очилмади».

Бунда Навоий Ҳусайн Бойқаро шахсияти унинг ҳаётида қанчалик муҳим ўрин тутганини аниқ билдирмоқда. Бутун умрини хонақоҳу мадраса, ҳаммому рабоблар қуришга бағишлаган буюк шоир кўп вақтини Ҳусайн Бойқаро салтанатининг юмўшларига сарфлаган. Шу боис, кексалик даврида икки армони—Қаъбаи муборақ ҳажига бориб, мусулмончилик фарзини адо этиш ва ижодий режаларини амалга ошириш истаги борлиги ҳақида ёзади. Бунда, бир тарафдан, Ҳусайн Бойқаро Навоийга яқин дўст сифатида намоён бўлса; иккинчидан, улар қанчалик яқин бўлишмасин, Навоий ўз шоҳидан уни эркин қолдириш, кўп заҳмат ва вақтни эгаллайдиган сарой ишларидан озод қилиш, ижод ва имоний поклик чўққисига етишга имкон беришини илтижо билан сўрамоқда.

Бутун тарихий ҳужжатлардан маълумки, Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийга бу ниятларини амалга оширишга шароит яратади, ҳаж сафарига алоҳида фармон орқали рухсат беради, бироқ шароит тақозаси билан Навоий бу сафарга бора олмайди. Навоий ўз асарларида («Хамса», «Мажолис ун-нафoис» ва бошқалар) Ҳусайн образига кўп мурожаат қилган. Лекин адиб мактабдош дўстининг инсоний хислатлари борасида ҳали айтадиган сўзлари қолганини, кейинги асарларида бу ҳақда кўп ёзажagini шундай ифюдалаган: "...балки ҳар навъ назм ва насердин китоблар тасниф қилсам эрди ва мужалладлар тартиб берсам эрди, то ул ҳазратнинг фархунда оти ва васила била кўп йиллар рўзгор аҳли тилида мазкур бўлса эрди».

Алишер Навоий асарларида, гоҳида бўлса ҳам, Ҳусайн Бойқаро давлатдорлигида иш юритиш ва давлат қурилишида хатоликлар, адолат ва инсофга зид амаллар содир бўлганини баён этади. Буюк адиб бу фикрлар унинг шахсий манфаатларига қаратилмаганини билдириб, «мулк бўстонининг чамани акнофида кўрмас нимадин кўзумни

наргис кўзидек кўр ва эшитмас нимадин қуловимни бинафша қуловидек кар ва тутмас нимадин илгимни чинор илгидек шал ва бормас ердин оёғимни сарв аёғидек ланг ва айтмас сўздин, батахсис махфий асрореким... ифшосидин савсан тилидек гунг қилдим», дейди.

«Вақфия»да Ҳусайн Бойқаро ҳақида сўз юритар экан, Алишер Навоий асосан унинг давлатдорлик услуби ва ўзининг бу ишда кўрсатган таъсири борасида кенг маълумот беради. Муаллиф ўша давр насрига хос ўхшатиш, муболаға, бадиий санъатлардан моҳирона фойдаланган. Ҳар бир ибора Ҳусайний характерини, унинг шахсиятига доир хусусиятларни очишга, тўлдиришга қаратилган. Шоирона ибора ва ташбеҳлар («адл қуёши юзин ёпардек бўлса», «покиза авқоти шабистонида агар бидъат насими шарият шамъига зарар еткурғудек бўлса...») муаллифнинг ўзига хос маҳоратини белгилаб берган. Навоий насридаги бадиият ўрта асрнинг аксарият тарихий, бадиий, саргузашт асарларига хос бўлган анъанавий лафзбозликдан тубдан фарқ қилади. Бунда муаллифнинг юксак мантиқий фикрлаши, шоирона тахайюли, услубига гувоҳ бўламиз. У Ҳусайний хислатларини ёритар экан, унинг қаттиққўл, гоҳида шафқатсиз бўлишида табиийликни, бу шиддат олдини олишга унга яқин бўлган киши, ҳатто Навоийнинг ўзи ҳам қодир эмаслигини ифодалаган («... аммо бўлди эрса, дағи ҳукмдин тажовуз қилмадим»).

Қуйидаги парча Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатидаги яқинлик ва бу яқинлиkning чегараси, асар муаллифининг шоҳига садоқати, фидойилигини ёритади. Бунда Навоий нафсониятини ўз вақтида қадрлай олиши, ҳимоя қилиши, нозик руҳий ҳолатлари ифодаси, оддий инсонга хос жиҳатларни ҳам кўрамизки, бу, шубҳасиз, муаллифнинг ютуғи: «Пок хаёлидин (яъни Ҳусайн Бойқаронинг — Ҳ.Қ.) тақвиятига содиқ ва соф зиҳни шаръи мубин тамшиётига мувофиқдур. Ғояти риояти ва ниҳояти эҳтиёт бу ҳукмга муқтази бўлдимки, наузи биллоҳки, агар ба шарият тавофулидин шариф рўзғори ҳавосида зулм булутлари адл қуёши юзин ёпардек бўлса, бу қул зурваи ар-

зга еркургай, то ул булутларни надомат оҳи сарсари била оламдин чиқорғай ва покиза авқоти шабистонида агар бидъат насими шариат шамъига зарар еткурғудек бўлса, бу нотаваон парвона бўлғай, то ул шаъмни муҳофазат ҳуллаларидан фонусқа кюрғай. Биҳамдиллаҳки, ул тавр амре ҳодис ва бу навъ илме воқеъ бўлмади, аммо бўлди эрса, дағи ҳукмдин тажовуъ қилмадим ва ўзимни арода кўрмайин ул ишни ароға солдим».

Эътибор берайлик, Навоий ижодини ўрганганимизда, кўпинча, Ҳусайн Бойқаро ҳақидаги фикрларда такаллуф билан берилган юқори баҳоларга одатдаги ҳол, деб қараганмиз. Юқоридаги парча улў шоир ижоди қирраларининг нозик жиҳатларини англаш имконини беради. Бу ўринда Навоий насрий асарида бадий санъатлардан фойдаланиш, ўхшатишлар, образлардаги жозибадорлик талқини алоҳида таҳлилға муҳтожлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Навоий Ҳусайн Бойқарони шаъмға ўхшатаркан, у яратган муҳитда «бидъат насими» эсганини очиқ айтади. Адиб фикрича, бу нохуш насим катта бузғунчилик кучига эгаки, «шариат шамъини» ўчириб қўйиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун шоҳнинг маърифатпарвар, ижобий жиҳатларини ҳимоя қилиш учун шариат шамъига парвона Навоий Шаъм — Ҳусайнни муҳофаза этиш, уни фонус ичига олиш зарурати туғилганини ёзади. Матннинг охириги жумласига эътибор берайлик: Навоийда ҳамиша ҳам Ҳусайн давлатдорлигидаги ножоиз (адиб фикрича) ҳукму ҳаракатларнинг олдини олиш имкони бўлмаган ва бу ишларға ўзи шахсан аралашини лозим кўрмаган («...ўзимни арода кўрмайин»). Бироқ кейинги сўзлар улў шоир характери ва образини, шу билан бирга, инсонпарварлик ғояларини амалға ошира олмаган Навоийнинг бошқалар орқали ўз қарашларини Ҳусайн Бойқароға ўтказишға интилганини кўрсатади («ул ишни ароға солдим»).

Юқоридаги матнни мантиқан кучайтириш учун Навоий ўз даври насрий асарларига хос услубдан—насрда шеърий парча келтиришдан фойдаланган. Мазкур шеърий парча муаллифнинг ўзига тааллуқлилигини инобатға ол-

сак, у фақат насрий парчадаги фикрни тўлдирибгина қолмай, Навоийнинг ўз ички дарди, қарашларини ҳам очиқ ифодалаганини кўрамиз. Насрий парчада Навоийнинг ўз шоҳига берган баҳолари унинг жамиятдаги мавқеини белгилашда ўрин тутса, шеърини парчада Хусайн томонидан содир этилган хатоликлар, давлат қурилишидаги номувофиқликлардан шоирнинг додга келгани, уни Хусайн Бойқаро тушунмаганидан «оҳ» урганини кўрамиз. Ана шу фирон, бонг, нидода Хусайн Бойқаро образи Навоий шахсияти билан ҳамоҳанг очилиб, ёрқин ҳамда сирли ҳолда ўз аксини топган:

*Таҳририм агар яхши эди, йўқса табоҳ,  
Алфозим агар ёмон эди, гар дилхоҳ.  
Арз этмагини чу ҳукм айлаб эди шоҳ,  
Шоҳ англамаса, бу хизматим нетгаймен, оҳ!*

Алишер Навоий асарларида Бадигуззамонга насихат тариқасида айтилган ўғитлар бор. Навоий ҳам Бобур сингари ота-ўғил—Хусайн ва Бадигуззамон ўртасидаги ихтилоф ва урушлардан азоб чеккан, доимо низоларнинг олдини олишга шошилган. Унинг бу саъй-ҳаракатлари ҳақида Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ», Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» асарларида ҳамда «Бобурнома»да кўп мисоллар келтирилган.

Бироқ қанчалик обрў-эътиборга эга бўлмасин, Навоий ҳаммавақт ҳам Бадигуззамонни инсофга келтира олмаган. Кўпинча унинг ўзи ҳам яраштиришга «оёғи тортмай» борган. Чунки Хусайн Бойқаро Навоийнинг мавқеидан фойдаланиб, ўзига таъсир ўтказишга кўп уриниб кўрганга ўхшайди. Бу муносабатларнинг бузилиши оқибатида ота-ўғилнинг бир-бирига қўшин тортиши билан тутаган ҳоллар ҳам рўй берган. Фикримизнинг тасдиқи учун бир мисол келтирайлик. Бу мисолда, айниқса, муддаоси амалга ошмаган Навоийнинг ички изтироби, ҳатто хўрлиги келиб «кўп йиғлагани» жуда таъсирчан чиққан. Яна бир муҳим

жиҳати шуки, Бобур мутлақо ортиқча сўз ишлатмайди, Бадиъуззамон билан Навоийнинг бир-бирларини бир оғиз сўздан англаб олишларини зикр этади ва бу муаллифнинг юксак услуби, ифода тарзининг ёрқин намунаси сифатида намоён бўлади: «Бир кун Алишербек била мирзонинг (яъни Бадиъуззамон — Ҳ.Қ.) орасида бир суҳбате ўттиким, мирзонинг тезфаҳмлиғига ва Алишербекнинг риққати қалбиға долдур. Алишербек сиррий сўзларни мирзоға гўшаки валаба айтти. Дағи дедиким: “Бу сўзларни унутунг!” Мирзо филҳол айттиким: “Қайси сўзларни?” Алишербек бисёр мутаассир бўлуб кўп йиғлади.

Охир оталиқ, ўғуллук орасида бу гуфтугўйлар анча мунжар бўлдуким, отаси отасининг устига ва ўғли ўғлининг устига Балх ва Астрободқа черик торттилар...».

Алишер Навоий қўпинча Ҳусайн Бойқаро — шоҳга айтолмаган фикрларини пардали тарзда Бадиъуззамонга айтган. Ана шу мезон асосида бошқа баъзи мисолларга мурожаат этсак, буюк адибнинг ноқобил шахзодага айтган ўтти замирида унинг отаси Ҳусайннинг ҳам хатоликларини пайқаш қийин эмас. Навоийнинг Бадиъуззамонга атаб битган қуйидаги мактуби фикримизга далил: «Аммо бировниким, Тенгри тасоло бир сурук бандалари устига ҳоким қилди — анга ҳеч амр итоати адлча бўлмас ва ҳеч наҳдий ижтиноб чоғир таркича бўлмас... Ва чоғирни «уммул-хабоис» ярамасликлар ораси дебтурлар (шак-шубҳасиз, бу фикр Ҳусайнға ҳам қаратилган. — Ҳ.Қ.). Жамъи ёмонлиқ андин мугаваллид бўлтурким, борча яхшилиқ ва ямонлиқ, бу икки нима зимнида мундариждур. Ва илтимос улким, агар муяссар бўлур, кулний ва агар муяссар бўлмас улча мақдурдур, бу икки ишдин кўниин қилғайсиз. Дағи агарчи бу фақир ҳеч ҳисобда эрмасмен, аммо эшиқда эрконим била йироқ эрконимға бир ҳукм берманғиз ва улча бор мирзонинг ҳукми ижросида саъй қилиб, ул давлат маслаҳатининг дақойиқидин ҳеч вақт номаръий қўйманғиз. Ва ҳазарот ва маҳодим била, балки соғир наввоб ва худдом била рўзгорлиғ тарийқин маслук тутунгуз».

Хуллас, Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро ҳақида асосан ижобий фикр билдирган. Унинг маданият ва адабиёт, давр равнақи тараққиётига қўшган ҳиссаси қатори, ўз даврининг моҳир саркардаси, адолатли шоҳ эканлигини такрор-такрор зикр этган. Ўрни келганда, барча имкониятлардан фойдаланиб, шоҳни инсофга, адолатга, юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлашга ундаган. Айниқса, унинг Ҳусайн ва Бадиъуззамон ўртасидаги яқинликни қарор топтиришга қўшган ҳиссаси беқиёс. Навоий Ҳусайн ижодини кўпинча унга бўлган ҳурмати, адабиёт, шеърятга юксак меҳри ва ҳомийлиги боис, шеърӣ девон битганини, туркий тилда рисола яратганини, вазалларидаги шира ва рангинликни таъриф этиб, айтиб дамда, назиклик билан улардаги камчиликларни ҳам билдириб турган.

Хондамир ва Восифийнинг Ҳусайн Бойқарога муносабатлари эса ўзига хос. Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» асарида, аввало, Ҳусайн образига биринчи навбатда тарихчи сифатида ёндашади ва унинг ҳарбий юришлари, жангу жадаллардаги ишгиروي тўғрисида маълумот беради. Хондамир ҳам Навоий сингари, Ҳусайн Бойқаро ҳақида асосан ижобий фикр билдирган, унинг давлатни бошқаришдаги фаолиятидан инсоний хислатларигача баён этган: «Баҳори айёми давлаташ чун айёми баҳор хуррам ва хуррами ҳангоми салтанаташ монанди ҳангоми хуррами дур аз ғам, аз рашохати таммоми адл ва инсофаш мамлакат чун биҳишт...». (Мазмуни: Давлатининг баҳор айёми баҳор айёмидек хуррам ва салтанатнинг хуррамлик вақти ғам-ташвишдан узоқ бўлган дамларнинг шодмонлигидек, адл ва инсоф била иш тутиши мамлакатнинг беҳиштига монанд...»).

Шундан кейин Хондамир Ҳусайн Бойқаро сифатларини санашга киришади. Шоҳнинг «макорим ул-ахлоқ» эгаси эканлигини билдириб, унинг бу хислатини мардоналик, шижоат безагани, қилич уришда Рустами Достоннинг руҳи ҳам хижолатда қолишини образли ифода қилади. Юқорида Ҳусайннинг муҳораба майдонидаги шижоати ҳақида

Бобур ва Навоийнинг таърифларини келтирдик. Хондамир ҳам бу мавзуга тўхталиб, унинг жангдаги салоҳиятини юксак баҳолайди ва қойил қолганлигини билдиради («Уруш ва қиличбозликлардаги тўқнашувларда шитобкорлик ва қонли урушларда Исфандиёрдек шижоат ва мардлик кўрсатар эди»).

Хондамирнинг жанг майдонидаги Ҳусайн маҳоратига кенгроқ ўрин бериши табиий, албатта. Чунки уни тарихчи сифатида бу ҳукмдорнинг саркардалик маҳорати, валабаларга асос бўлган мардоналиги кўпроқ қизиқтирган. Муаллиф Ҳусайн шамширининг ўткирлиги, уруш майдонида ҳаминша дushman бўйишга япиндек тушиши ва қалабасари интилганлигини жуда образли ибораю ташбеҳлар билан таърифлаган («Шамшери обдораш дар дарёи бежо ҳама вақт бар гардани хасм мерасид ва иғўлаи синони хунбораш саҳрои хирмани ҳаётро эъдои муҳтариқ мегардонид»).

Шу таърифлар қатори, Хондамир Ҳусайн Бойқаро салтанатидаги базмлар жуда кўтаринки руҳда ўтганини ҳам кўрсатган. Бу тасвирларда, гарчи улар Ҳусайннинг ижобий амалларини назарда тутиб келтирилган бўлса-да, аслида муаллифнинг норизолиги, салтанатнинг заволига сабаб ҳам шу каби тантаналар эканига ишора йўқ эмас: «Айш ва шишот базми жаннатда содир бўлгани сингари, ҳар жиҳатдан безатилган ёш йигитчалар ва ишрат мажлиси ва инбисоти (густохлиги, ҳаддан ташқари очиқлиги) Ирам гулистонидагидек беозор ва ваҳимадан холи». Хондамир бу базмдаги ҳаддан ташқари айш-ишрат, бесоқолбозлик ва маст-аластликка берилганликни уни мақтаб туриб фох этмоқда. Бу жиҳатлар Бобур ва Навоий асарларида ҳам танқид қилинганини юқорида кўриб ўтдик. Албатта, Хондамирнинг жамиятдаги мавқеи бу масалаларни Бобур ёки Навоий сингари гоҳ очиқ, гоҳ пардали тарзда баён этишга имкон бермасди. Хондамирнинг Ҳусайн Бойқаро кундалик турмуши саҳнасини юқоридагидек холис кўрсатишининг ўзини унинг журъати сифатида қабул қилиш мумкин.

Хондамир Ҳусайн Бойқаронинг бадиий маҳоратига анча юксак баҳо беради, унинг даврида янаган шоир, адиблар ижоди мисолида фикрини тасдиқлашга уринади. Бу қуйидаги байтда ўз аксини топган:

*Пеши табъи покаш об фарсурдае,  
Пеши фаҳми тезаш оташ мурдае.*

(Мазмуни: Унинг ўткир табъи олдида сув ҳам силлиқлигини йўқотади, фаҳмининг ўткирлиги олдида оташ-олов ҳам ўчиб қолади.)

Хондамирнинг юқоридаги маълумоти «Ҳабиб ус-сияр»-нинг 4-жилдида «Салтанат ва халифатнинг музаффар Хоқони Мансур Абулғози Султон Ҳусайн мирзонинг аҳвол ва сифатларининг қисқача таърифи» сарлавҳаси остида берилган. Хондамир асарининг бу қисмида Ҳусайн Бойқаро ҳақида жуда қимматли маълумотларни келтиради: давр султонининг кундалик иш-юмушлари, теуурий шаҳзодаларнинг давлатни идора қилиш усуллари, давлат қурилиши ишларини кенгашиб олиб бориши, халқ аҳволидан мунтазам хабардор бўлиши, хайр-саховат этиш ҳукмдорнинг кундалик машғулоти бўлиши лозимлиги ва бу хусусият Ҳусайн Бойқаронинг ҳар кунлик иш услуби эканлиги...

Хондамирнинг Ҳусайн Бойқарога берган баҳосининг давомини қуйида «Ҳабиб ус-сияр»дан кенгроқ беришни маъқул билдик. Ушбу матн дастлабки марта таҳлил объектига айланганини инобатга олсак, тадқиқотчилар учун зарур бўлган тақдирда илк манба сифатида ҳам хизмат қилиши мумкин: «Ҳафтада икки марта—душанба ва пайшанба кунлари қозилар ва уламони олий мажлис аҳли олдида чақириб, аҳком талаблари асосида содир бўлган масалаларни кўриб чиқарди. У дарвишлар ва ибодатда бўлган кишилар суҳбатига мунтазам бориб турар, уларнинг ваъз ва суҳбатларидан баҳраманд бўларди. Машойих ул-ислом ва воизларнинг ҳурмат ва эҳтиромини жойига қўяр, уларнинг ҳолидан хабар олиб турарди. Инсон учун зарур ҳисоб-

ланган хайр биноларидан масжид ва мадраса, хонақоҳ ва работлар қуришга жуда майли баланд эди, рағбат билан ишга киришарди. Бир неча иншоот ва иморатларни ўз маблағига қуриб, вақф ҳисобига ўтказганди. Кўнгилочар ва дилрабо иморатлар қуришга саъй-ҳаракати катта эди. Боғу бўстон яратини, уларни жуда чиройли қилиб безашда ҳам рағбати олий. райҳон, гуллар билан оройини бериб, кўнгилочар манзиллар яратарди. Эрталабдан оқшомгача мулкни асраш ва жаҳонгирлик масалалари устида бош қотирарди...».

Бу маълумотлардан кейин Хондамир Ҳусайн Бойқаро тасарруфида бўлган юртлар ҳамда умарони бирма-бир исм-шарифларини келтирадики, бу—тарих учун жуда муҳим.

Зайниддин Восифийнинг Ҳусайн Бойқаро ҳақидаги маълумоти Бобур, Навоий ва Хондамир маълумотларидан тубдан фарқ қилади. Чунки у Ҳусайн Бойқаро билан жуда кам учрашган. Адибнинг бу шоҳ ҳақидаги маълумотлари эса яқини бўлмиш Ҳусайн Бойқаро амири Соҳиб Дордан олинган ёки ўзи онда-сонда иштирок этган Алишер Навоий мажлислари таассуротларига асосланган. Шунга қарамасдан, Восифий Ҳусайн Бойқарони ўша давр адабиёти ва маданияти ҳомийси, хушсухбат киши, ҳамиша халқ йиғилган даврада иштирок этувчи султон сифатида қаламга олган. Аксар ҳолларда Навоий, Паҳлавон Муҳаммад ва бошқа давр фозиллари ҳақида ҳикоя қилган Восифий Ҳусайн Бойқаро шахсияти ҳақида сўз юритганда фақат унинг ижобий хислатларини тилга олади. «Бадоеъ ул-вақоеъ»да «Султон Ҳусайн мирзонинг бир мажлисида фозиллар ва аслзодалар йиғилган эди», «Олиймансаб кишилар, аслзодалар ва улуклар мирзо Султон Ҳусайн мажлисига йиғилган кун бир масала ўртага ташланди» каби жумлаларда Ҳусайн Бойқаро ҳақидаги маълумотлар келтирилган. «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарини мутолаа қилганда Ҳусайн Бойқаро шахсияти тез-тез тилга олинганини кузатамиз ва кўз ўнгимизда одил шоҳ, эл учун жонини фидо этган давр султонининг образи тавдаланади.

Биз, юқорида темурий шаҳзодалар орасида 37 йил Хуросонда ҳукмдорлик қилган Ҳусайн Бойқарога нисбатан давр адибларининг қарашларини таҳлил этишга уриниб кўрдик. Бу ёндашишда ҳар бир адибнинг жамиятдаги мавқеи унинг ижодига нечоқли таъсир кўрсатганига шоҳид бўлиш билан бирга, ўрта аср насрида даврнинг етук сиймолари портретларини яратиш, уларга ҳар томонлама баҳо бериш ҳам мезон вазифасини ўтаганини кузатдик. Ҳусайн Бойқаро шахсиятига одилона, жамият, ватан, юрт манфаати нуқтаи назаридан баҳо беришда, темурий ҳукмдорга бўлган давр мезонини белгилашда Бобурнинг баҳоси, ростбаёнлиги ва ҳақиқатга таянгани, айниқса алоҳида аҳамиятга моликки, бу давр тарихи ва шахс мавқеини белгилашда жуда муҳимдир.

## 7. Султонлар кечмиши аёллар тақдирида

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари Мовароуннаҳр ва Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистон тарихи, урф-одати ва тож-тахт учун курашлар ҳақида бой маълумот берувчи манба сифатида машҳур. «Бобурнома»ни қайта-қайта мутолаа қиларканмиз, бир мавзу — Бобурнинг хотин-қизларга берган баҳоси, уларга қараши, асарда бу зоти олиҳаларнинг ўша даврдаги ўрни мавзуи диққатимизни ўзига тортди.

Темурийлар орасида Бобур аёл зотига юксак инсоний муносабати билан алоҳида ажралиб туради. Хотинлари, фарзандларига муносабатини бошқа султонлар қарашлари билан қиёслаганда ҳам унинг аёлларга эҳтироми, уларнинг иззат-икромини жойида қўйгани, имкон қадар жамиятдаги мавқеига ўша давр мезони билан одилона баҳо берганини кўрамиз. У ҳам бошқа темурийзодалар қатори бир неча хотинларни ўз никоҳига олган, давр расм-русуми, сулҳ ва урушлар боис ҳам қайси бир халқ, уруғ бошлиғининг қизига (масалан, ўша пайтдаги Афғонистон ерларини тасарруфига киритгандан сўнг, афғон зодагонининг қизини

хотинликка олади: бу ўша давр сиёсий ҳаётида «Мен сенга қариндошлик туйғум бор», деган маънони билдирган) уйланган. Бироқ Бобур томонидан зўрлик, гаровда тутиш эвазига бировнинг аёли ёки қизини нигоҳига киритиш ҳолати бўлмаган. Бу унинг замондош ҳукмдорларидан фарқли томонларидан биридир.

Бобур тасвирлаётган султоннинг «вилояти», «авлоди», «шакл-шамойили» ҳукмдорнинг хотинлари, улардан тутилган зурриётлар ҳақида ҳикоя қилади. Айниқса, Бобурнинг отаси Умар Шайх мирзо ҳамда Ҳусайн Бойқаро ва бошқалар ҳақидаги маълумотлари диққатни тортади. Шу қатори, «Бобурнома»даги воқеа-ҳодисалар ривожиди ҳам муаллиф кўпгина аёллар ҳақида маълумот беради, уларнинг айримлари Бобур таржимаи ҳолини бойитади, дунё-қарашини очади.

Тарихдан маълумки, теурийлар хонадониди ўз султонларига йўл-йўриқ кўрсатиш, муҳорабалар тақдирини ҳал этиш, сулҳ тузиш ёки аксинча уруш-низоларни бошлаш, султонзодаларни тахтга тайинлаш ёки ундан маҳрум этиш каби мураккаб масалаларга сарой аёллари бош бўлганлар, жуда бўлмаганда, бу воқеаларга ўз ҳиссаларини қўшган. Бунда оқила аёллар саркарда эрларига шўҳрат келтирганлар (масалан, Амир Темурнинг суюкли хотини Сарой Мулк хоним буюк саркарда валабаларининг илҳомчиси, ҳамюяси ва яқин маслаҳатчиси бўлган). Ўзининг тор манфаатини кўзлаб қабих ҳаракатлар қилган бир қанча зодагон аёллар эса султонларнинг офати, шум толеига айланган ҳам.

Заҳриддин Бобур 1494 — 1495 йиллар воқеаларини тасвирлар экан, «Хотунлар орасида раъй ва тадбирда, менинг улуғ онам Эсан Давлатбегимча кам бўлмай эди, бисёр оқила ва мударбига эди. Кўпроқ иш-куч аларнинг машварати била бўлур эди», деб ёзади. Бу сўзлар замирида тожтахт курашларининг маълум тарихи ётибди. Бу пайт Бобур отасининг вафотидан кейин валиаҳд сифатида энди тахтга ўтирган, Ўш, Самарқанд, Ҳисор, Конибодом юртла-

рини бирлаштириш, Амир Темур салтанатини келажакда яна тиклаш орзусида юрган давр эди. Бироқ Бобурдан кўра тажрибали, ёши катта темурийзодалар — Самарқандда ҳукмронлик қилишга кўпроқ имкони бор Султон Маҳмуд, Султон Аҳмад, Жаҳонгир мирзо ва бошқалар фитна уюштириб, Бобурни тахтдан олиб, Жаҳонгир мирзони тайинлаш учун режа тузадилар. Режани амалга ошириш учун саройда навбатдаги ҳийла — бир султонга иккинчи султоннинг қизини никоҳлайдилар. Бунда ҳам зодагон қиз тақдири султонлар ниятига «ем» бўлади. Ҳатто бу тўй хабарини Бобурга етказган элчи ҳам сарой найрангида ўз ролини ижро этади: *«Бу келган элчининг Ҳасан Яъқубқа (Умар Шайх мирзонинг ишонган беги бўлган, кейинроқ Бобурнинг ҳам яқин кишисига айланган, — Ҳ.Қ.) уруғлиги бор экандур. Ҳасан Яъқубни ваъдалар билан мирзога боқтирғали келган экандур. Наридея жавоб айтиб, балки ул саридея бўлгондек қилиб, элчига рухсат берди»*.

Саройдаги бу фитналар олти-етти ойдан сўнг ўз ишини қилади. Бобур отамнинг беги деб эҳтиром кўрсатгани Ҳасан Яъқуб ваимлар ёнига ўтиб, Бобурни бартараф этиб, унинг ўрнига икки ёш кичик укаси Жаҳонгир мирзони тахтга ўтказишга бош бўлади. Бундай ноўрин фитнадан хабар топган катта ёшли, оқила Эсан Давлатбегим Бобур тарафдорлари Хожа Қози, Қосим қавчин, Али Дўст, Узул Ҳасан ва бошқаларни машваратта чақириб, бу можаронинг олдини олади. Натижада саройдаги катта ноҳуш кўнгилсизликка чек қўйилади. Ҳасан Яъқуб эса ҳаял ўтмай «қоронғу кечада ўз элининг ўқи... қочориға тегиб, қочоридан бурунроқ ўз амалиға гирифтор бўлади», яъни ўлади.

Заҳириддин Бобур отадан ёш қолар экан, атрофидаги бек ва аъёнлари кўп хуфёна ҳаракатлар, хиёнатларни унга раво кўрадилар. Назаримизда, худди шу даврда унинг яқин маслаҳатдоши, оқилонга йўл кўрсатадигани ўзининг онаси Қутлуғ Нигорхоним ва унинг онаси Эсан Давлатбегим бўлган.)

1496—1497 йиллар Бобур Самарқандни эгаллаб юз кун ҳокимият қилар экан, шаҳар унинг қанимлари томонидан қамал қилинади. Бобур не мапаққат билан қўлга киритган шаҳарни ташлаб чиқишни истамас эди. Аммо Эсан Давлатбегим Бобурга қўлдан кетиши мумкин бўлган Андижонга қайтишни, куч тўплаб кейин Самарқандга юриш қилиши мумкинлигини билдиради. Бундай қараганда, бу ўша вазиятдаги ҳарбий ҳолатнинг оқилона ечими, лашкар эмпигини таъмин этиб, тож шарафини ҳимоя қилишдек стратегик йўл эди. Бу мисолда ҳам Бобур бошқа чора қолмаганидан эмас, Эсан Давлатбегимнинг мавқеи, обрў-эътибори боис унинг таклифига рози бўлганини кўрамыз: «Чун оналаримдинким, онам ва онамининг онаси Эсан Давлатбегим бўлғай, яна устод ва пиримдинким Хожа Мавлонойи Қози бўлғай, бу навъ хатлар келиб («Агар келиб фарёдимишга етмасангиз иш вубол бўлғусидир. Самарқанд Андижон кучи била олилиб эди. Агар Андижон иликта бўлса яна Тенгри рoст келтурса, Самарқандни иликласа бўлур. Мутаоқиб бу мазмун била хатлар келди»), мундоқ эҳтимом била тилағойлар, не кўнгул била киши турғай».

1499—1500 йиллар воқеалари. Заҳириддин Бобур навбатдаги муҳорабалардан чарчаб, Андижонга қайтади ва қишни шу ерда ўтказишни режалаштиради. Унинг катта онаси — отаси Умар Шайхнинг онаси Шоҳ Султонбегим ҳам Бобурдан ташвишланиб Андижонга келади. Бу пайт лашкарлар чарчаган, қишлоқ озиқ-овқат, от емаклари кам, Андижондаги заҳира қишдан эсон-омон чиқиш имконини бермасди. Вақтида етиб келган Шоҳ Султонбегим Бобур душманлари Андижонни осонгина босиб олишлари, қалъадорлик мушкил бўлиши каби бир қанча далилларни келтириб, Бобурни лашкарлари билан мувофиқ жойга кўчиришга кўндиради. Бу мисол ҳам султонзода аёлларнинг не човли муҳораба сир-асрорини билишлари, бу масалага фаол қатнашганларини кўрсатади: «Бу маслаҳат учун Работак

ўрчинидаким, икки сув ораси ҳам дерлар, Армиён ва Нўноб навоҳисида қипламоқ хаёли била Андижондин кўчиб, мазкур бўлган кентларнинг навоҳисига келиб қишлоқ солдук».

Кейинроқ бу жойда қишни яхши ўтказган Бобур Шоҳ Султонбегим ва онасининг ақл-идрокига тан беради. Бу манзиллар Бобур ва унинг атрофдагиларнинг яхши дам олиши, ов қилишида ҳам жуда қулай эди. Айниқса, Бобур бу стратегик мувофиқ жойдан туриб Аҳмад Танбалдек душманига зарбалар бериб, эсанкиратиб қўйган эди.

Темурийлар саройида султонзодаларнинг тож-тахт, мулк-гирлик курашларида зодагон аёллар зимдан, гоҳида очиқ фаолият кўрсатишган. Заҳириддин Бобур Ҳиротга Ҳусайн Бойқаро вафоти муносабати билан борганида Кобулда ғанимлари, аниқроғи, ота томонидан катта энаси Шоҳ бегим бошлиқ гуруҳ — Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Муҳаммад Ҳусайн мирзо, Султон Санжар, Тулак кўкалдон ва бошқалар исён кўтаришади. Улар Бобурни Кобулдаги ҳокимиятидан маҳрум этиб, Муҳаммад Ҳусайн мирзони тахтга ўтказиш режасини тузишади... Хуллас, Бобур Кобулга кириб, исёнчиларни тор-мор этади, аёллар ҳарамида яширинган Муҳаммад Ҳусайнни «чунон додамнинг волидаси Шоҳбегим хоҳарзодаси бўлур эди, буюрдумким, мундоқ беиззатона кездурманг, ўлум йўқтур», деб озод этади, яъни инсонийлик кўрсатади.

Шундай вазиятда Бобур ўзининг исёнкор катта энаси, унинг ёнидаги бошқа фитнакор аёлларга қандай муносабатда бўлган? Худди ана шундай тарихий ҳодисалар Заҳириддин Бобур шахсиятини юксакликка кўтарган десак, хато бўлмас. У ақлли, мулоҳазакор саркарда сифатида бу зодагон аёлларга бўлган аввалги эҳтиромли муомаласини ўзгартирмайди. Уларни ночор, уят билан йўғрилган ҳолатларида қолдириб ўз гурури, мардлигини намойиш этадики, юқоридаги мисолларда кўрдик.

Хусайн Бойқаронинг Хадичабегим исмли хотини Ҳирот сиёсий-ижтимоий ҳаётида ўз таъсирини қолдирган аёллардан. Хадичабегимнинг, кези келганда, Хусайн Бойқаро салтанатининг ривож, султонининг мулкгирлик ишларидаги фойдали маслаҳатларини инкор этиб бўлмайди. Аммо бу аёл темурийларнинг Хуросон салтанати емирилишига, Хусайн Бойқаро фарзандлари орасига нифоқ тушишига, охир-оқибат улар ўртасида душманлик пайдо бўлишига сабабчидир. Унинг ўз ўғли Музаффар Хусайн мирзони салтанат меросхўри сифатида кўриш орзуси боис, саройда фожиа рўй беради. Бунга Бобур алоҳида ургу берган. Хадичабегимнинг Хусайн Бойқаро салтанатида яратган носовлом муҳити Шайбонийхонга темурийларнинг бу мустаҳкам бўғинини осонлик билан бартараф этишига имкон яратган, дейиш мумкин. Бобур Хадичабегимга ўзининг холис, аччиқ баҳосини берган: «Яна Хадичабегим эди. Султон Абусаъид мирзонинг ғунчачиси эди, мирзодин бир қизи бор эди. Оқбегим отлик. Ироқта Султон Абусаъид мирзонинг шикастидан сўнг Ҳирига келди. Ҳирида Султон Хусайн мирзо олди ва севди, ғунчачилиқ мартабасидин бегимлик мартабасига тараққий қилди. Сўнгралар худ асру ихтиёр бўлуб эди. Муҳаммад Мўмин мирзони анинг савийи била ўлтурдилар. Султон Хусайн мирзонинг ўғлонлари ёғийқтилар, кўпраги мунинг жиҳатидин эди, ўзини оқила тутар эди, нале беақл ва пургўй хотун эди, рофизия ҳам экандур. Шоҳ Ғариб мирзо била Музаффар Хусайн мирзо мундин туғиб эди».

Бобурнинг Хусайн Бойқаронинг яна бир хотини Опоқбегимга муносабабига эътиборни тортмоқчимиз. Опоқбегим оқила, муштипар аёл. «Бобурнома»да муаллиф Опоқбегимни Хадичабегимдан сўнг Хусайн Бойқаро хотинлари рўйхатида келтириб таърифлар экан, бу меҳнаткаш, ўз султонига садоқатли, том маънода муштипар, овози чиқмайдиган аёлнинг синиқ тақдирини ҳикоя қилгандек бўла-

ди. Бир неча сатрда Бобур ўз муҳити, даврининг заҳмат-каш, оқила, меҳрибон аёл образини яратади. Унинг фикрича, ана шундай юксак фазилатли аёлни Хусайн Бойқаро қадрламаган, аксинча, у хиёнаткор Хадичабегим ҳукмининг асири бўлган.

«Бобурнома»ни мутолаа қилар эканмиз, Бобурнинг бирон аёлга бунчалик меҳрибонлик билан баҳо берганини кўрмадик. Бунда Хусайн Бойқаро саройида диққанафас бўлган, ўзининг инсонийлиги ва шафқатига жавобан қадр топмаган мунис аёл кўз ўнгимизда гавдаланади. Опоқбегимнинг юксак фазилати далил сифатида бировнинг фарзандини ўз фарзандидек тарбиялаганини Бобур алоҳида таъкидлайди. Хусайн Бойқаронинг унга бефарқлигига қарамаздан, Опоқбегим шариятли хотин сифатида бурчини адо этиб, астойдил унинг хизматида бўлган. Шунинг учун Бобур бу покиза аёлни «таъзим ва эҳтироми»ни рисоладагидан устунроқ жойига қўяди, умрининг охиригача унга паноҳ бўлади. Опоқбегим ҳам Бобурнинг инсонийлигини қадрлаган, Бобурни паноҳ қилиб, ишониб Ҳиротдан унинг ҳузурига — Кобулга келади: «Яна Опоқбегим эди, андин ҳеч ўғил ва қиз бўлмади. Попо овачаким, мунча суюклик эди, мунинг кўкалдоши эди, чун ўғул-қизи йўқ эди, Попо овачанинг ўғлонларини ўғлидек саҳлар эди. Мирзопинг беҳузурилиқларида бисёр яхши хизмат қилур эди, ҳарамларидин ҳеч ким мунча хизмат қила олмас эди. Мен Ҳиндустонга келур йил Ҳиридин келди. Мен ҳам таъзим ва эҳтиромларин иликдин келгунча қилдим. Чандерийни муҳосара қилғонда хабар келдиким, Кобулда Тенгри ҳукмини буткармуш».

Хусайн Бойқаронинг Опоқбегимга беҳурматлигини ҳам Бобур таъкидлаб ўтган. Гап шундаки, Хусайн Опоқбегимга уйлангандан кейин унинг кўкалдоши Попо Оқачани кўриб кўнгил қўяди ва уни ҳам хотинлари қаторига қўшади. Попо овоча Хусайн Бойқарога беш ўғул ва тўрт қиз

туғиб беради. Опоқбегимнинг юксак инсонийлиги шундаки, у тақдирига тан бериб, аввалгидек ўз эри-султонига садоқат билан хизмат қилаверади.

Бобур барча султон ва шоҳларнинг хотинлари, аҳли аёли ҳақида маълумот берар экан, уларни бирма-бир номлайди, зурриётини исмлари билан зикр этади. Ҳусайн Бойқарога келганда унинг хотинлари сонидан адашганини, буларнинг орасидан энг «мўътабар»ларини номлаганини таъкидлайди. Бу мўътабарлар орасида ҳам кимлар борлигини юқорида зикр этдик: «Яна кичик-кирим ғума, ғунчачи бисёр эди. Хотунлардин ва ғумалардин, мўътабар булар эдиким, мазкур бўлди». Бобур бу рўйхатда Ҳусайннинг тўққиз хотинининг исмини келтирган.

Бунда энг даҳшатлиси Ҳусайн Бойқаронинг оклавий ҳолати, беҳисоб хотинларидан туғилган фарзандларининг аяпчили тақдири ҳақидаги Бобурнинг якуний баҳосидир. Бу баҳода ачиниш ва нафрат ахлоқ сабоғи ва надомат, юрт султонининг ножоиз ишлари оқибатида Хуросон салтанати таназзулига асос бўлгани айтилади. Ҳатто ўша пайтда Ҳусайн Бойқародан туғилган 14 фарзанддан учтасигина шарият аҳқомига мос бўлиб, 11 таси ғайришарий дунёга келган бўлса, Бобур зикр этгандек, бу салтанат емирилмасдан қолармиди: «Султон Ҳусайн мирзодек улут подшоҳ, Ҳиридек ислом шаҳрининг подшоҳи бу ажабтурким, бу ўн тўрт ўилдин учи валаддуззино эмас эди. Фисқ ва фужур ўзида, ўғлонларида ва эл-улусида асру шойиъ эди. Ушбуларнинг шоматидин эдиким, мундоқ хонводадин етти-секкиз йилда бир Муҳаммад Замон мирзодин ўзга осор ва аломат қолмади».

Аёлларнинг машаққатли ҳаёти, турмушдошлари тақдирини баҳам кўриш, барча қийинчиликларга бардош бериш Заҳириддин Бобурга тегишли хонимларни ҳам четлаб ўтмаган. Бобурнинг ҳисобсиз жанглари, юртдан-юртга кўчишлари, йўл азоби-ғўр азоби дегандек, турли таъвипи-

ларини опаси Хуб Нигорхоним тақдири мисолида кўрайлик: «Муҳаммад Ҳусайн Кўрагон дувлатқа бериб эдилар, бир қизи, бир ўғли бўлуб эди. Қизни Убайдхон олиб эди. Мен Бухоро ва Самарқандни олғонда чиқмай қолиб эди. Султон Саъидхондин амакиси Саййид Муҳаммад мирзо Самарқандга манга элчиликка келганда анга кўшулуб борди. Султон Саъидхон олди».

Шу матида — анча пардали ифодаланган кичик парчадан кўринадики, Хўб Нигорхонимнинг ўзи ҳам, қизи ҳам Бобурнинг Бухоро хони Убайдуллахонга қарши олиб берилган урушлари боис гаров мулкига айланган. Мавжуд тартиб ва удум бўйича уларда на ихтиёр, на ҳуқуқ бўлган. Султонлар хоҳишини бажо келтириш бу муштипарларга шарт бўлган, холос.

Бобурнинг аёлларга муносабати ҳақида сўзлаганда, унинг опаси Хонзодабегим тақдири ҳақида фикр билдирмасдан ўтиб бўлмайди. Бу аёл Бобур армонларининг армони бўлиб қолганга ўхшайди. Бобур ёзади: «Бори қизлардан улур Хонзодабегим эди, менинг била бир туққон эди. Ул фатаратта (яъни Самарқанд учун бўлган муҳорабада — **Х.Қ.**) Хонзодабегим Муҳаммад Шайбонийхонга тушиб эди, бир ўғил бўлиб эди, Хуррамшоҳ отлиқ, мақбул ўғлон эди. Балх вилоятини анга бериб эди, отаси ўлгандан бир-икки йил сўнгра Тангри раҳматига борди. Шоҳ Исмоил ўзбакни Марвда босқонда Хонзодабегим Марвда эди. Менинг жиҳатимдин яхши кўруб, андин узаттилар. Қундузда келиб менга қотилдилар. Муфориқат имтидоди ўн йил бўлуб эди, мен ва Муҳаммад кўкалдош иков келдук, бегим ва бегимнинг ёвуғидағилар танимадилар. Бовужудким, отимни айттим ҳам, муддаттин сўнгра танидилар».

Қаранг, Хонзодабегим Бобурдек султонзоданинг опаси бўлишига қарамай, салтанат қадри учун унинг ашаддий душманига хотин бўлган, фарзанд кўриб, барча қариндош-уруғдан ўн йилдан ортиқ муддатда айрилиқда яшаб, ҳатто

кўришганда, исмини айтганда ҳам укаси Бобур ва унинг атрофидагиларни танимайдиган ҳолатга келган. Мусофирчиликда бечора Хонзодабегимнинг бошидан нималар ўтмади, қанчалик камситиш ва хўрликларни кўрмади дейсиз...

Бобур «Ул фатаратта хонзодабегим Муҳаммад Шайбонийхонга тушуб эди», демоқда. Аслида «тушуб эди» ибораси Бобур сулҳ тузиб, Самарқанд шаҳридан чиқиб кетиши имконига опаси Хонзодабегимни Шайбонийхон никоҳига сўраганига ноилож рози бўлганидан сўнг эришади.

«Бобурнома»нинг бошқа жойида ҳам бу масалага тўхталган муаллиф: «Менинг эгачим Хонзодабегим ушбу чиққанда Шайбоқхоннинг илигига тушди», дейди. Бобурнинг қизи Гулбаданбегимнинг «Хумоюннома» асарида Бобур ноиложликдан опасининг Шайбоний никоҳига киришига розилик билдиргани айтилган.

Модомики, инсоният тарихида темурийлар, алашхусус, бобурийлар салтанатида умргузаронлик қилган сарой зодагон аёлларининг қисмати шундай кечган бўлса, оддий халқ, жамиятдаги аёл зотининг қисмати не кечди экан, деб ўйланиб қоласан киши.

Назаримизда, бу тақдирлар бизни янада осуда яшашга, уруш аталмиш кулфатдан йироқ бўлишга, аёл зотига эҳтиром сақлашга чақиради. Айниқса, бугунги тинч, мустақил юртимиз мусаффо осмонининг қадрини, қимматини янада теранроқ англашга, айниқса, аёлларимиз ўзларининг тенг ҳуқуқли, ўз тақдирларини белгилашда эркин ҳуқуқга эга эканликларини яна бир карра англашга ундайди бу кўҳна тарих. Заҳириддин Бобур эса темурийзода аёл-зодагонларнинг ҳурматини ҳамиша жойига қўйишга интилган, айрим ҳолда тарих чизиғи шундай мард султонни ҳам ночор қолдирган, панд берган.

У салтанат ишлари билан қанчалик банд бўлмасин, ҳатто бетоблик дамларида ҳам, уларнинг аҳволидан хабар олган, муаммоларини ечишга интилган. Эҳтимол, яна мана

шу фазилати билан Бобур Фарбда ҳам, Шарқда ҳам эҳтиромли мард сифатида шуҳрат топган.

## 8. Уч карра “Оллоҳ” дейишга ундаган Ватан соғинчи

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг 47 йиллик қисқа, аммо баракали умри мобайнида асосан бир шиор билан яшади, яъни бобоси Амир Темур салтанатини яхлит асраш, темурий ворислар орасида яқдиллик ва адолатни жорий этиш, ҳасад, худбинлик, бойликка қулликнинг инсон ахлоқидаги ноқислик эканлигини уқдиришни ҳаётининг мазмуни, деб билди. Биз Бобурнинг ана шу нияти, қарашлари, давлатдорликдаги нозикликларини унинг ахлоқий, адабий-эстетик қарашларини ўзида мужассам этган бир манба воситасида ёритишни мақсад қилдик. Бу — Бобурнинг ўғли Ҳумоюнга ёзган мактубидир.

«Бобурнома»нинг 935(1528) йил воқеалари зикрини эслайлик. Бобур томонидан Ҳиндистон забт этилган. Шоҳ Бобурнинг бобоси Амир Темурнинг буюк империясини тиклашдек нияти муайян даражада амалга ошган. Унинг ўйлари галдаги режаларни амалга ошириш, юрт ободонлиги ва бирлигини таъминлашга қаратилган. Ҳижрий 935 йил воқеалари зикрида «Бобурнома»нинг аввалги саҳифаларида баён этилган Иброҳим Лўдий лашкарларига қарши кураш, қонли Поинпат жанги, ҳиндларнинг бобурийлар лашкарига қарши кураши, тасодифий пистирмалар каби тасвирлар йўқ. Бунда Хуросон ва Мовароуннаҳр ўлкаларидаги ҳаёт томирларини забт этилган Ҳиндистон билан боғлаш кайфияти бор. Бобур ўғиллари — шаҳзодалар Ҳумоюн, Комрон, Ҳиндол ва бегу амирларининг ҳамфикрлиги, бир ёқадан бош чиқариши ниҳоятда зарурлигини, айтиқса, бу пайтда жуда чуқур ҳис этади.

Бобур 935 ҳижрий йил, чоршанба куни жумодиул аввал ойида Мурий ва Адуса манзилларидан ўтиб, Кобулга юбориладиган баъзи-бир мактублар шу ерда битилганини ай-

тади. Бу мактублардан бири Ҳумоюнга ёзилган. Мактубнинг илк сатридаёқ биз Бобурнинг давлат қурилиши ишларига оид қимматли фикрига дуч келамиз. У ўғли Ҳумоюнга қарата, аввало, жамиятда осойишта ҳаёт таъминланмас экан, ўзга мақсадларни амалга ошириш мумкин эмаслигини билдирган («Агар ҳолоғача муътаддун биҳ ише бўлмайдур, худ ўғри била қароқни манъ қилғил, орага тушган сулҳ ишини барҳам урмасун...»)

Бобур Кобулдан чиқиб, Ҳиндистонни эгаллар экан, 3—4 йил давомида бу улкан мамлакатда осойишталик ўрнатишда анча мушқилликларга дуч келган. «Бобурнома» ва бошқа тарихий асарларнинг гувоҳлик беришича, қароқчилар, муттаҳам қазооблар қарвон йўлларини тўсганлар, йўловчилар, савдогарларни қорат қилиб, аҳолига кўп таъвишлар туғдирганлар; Бобур ва Ҳумоюннинг уруш билан бандлигидан фойдаланган қанимлар Кобул, Ғазни, Ҳирот, Қандаҳор, Нингнаҳор вилоятларига вақти-вақти билан таҳлика солганлар. Бу ҳол Ҳиндистоннинг айрим минтақаларида ҳам онда-сонда содир бўлган. Шу боис, Бобур ўғлига «ҳолоғача муътаддун биҳ ише бўлмайдур» дер экан, бу бебошликлар жиловини тортиш фурсати етганини билдиради. Унинг назарида, юрт амнияти, ўша даврдаги дипломатик муносабатлар муҳитини яхшилаш, ҳиндлар билан тузилган сулҳни асраш калити ҳам айнан шунда.

Шундан сўнг Бобур ёзади: «Яна бу эдиким, Кобул вилоятини холисона қилдим, ўғлонлардин ҳеч ким тамаъ қилмағайсиз. Яна Ҳиндолни тилаб эдим. Яна Комронга шаҳзода била яхши омаду рафт риоят қилмоғлиғи ва Мўлтон вилоятини ўзига иноят қилмоғлиғи ва Кобул вилоятининг холиса бўлури, кўч ва уруқнинг келурини битилиб эди».

Бу сатрлардан Бобурнинг муроди нима? Турмуш ва тарих тажрибаларидан сабоқ олган Бобур Мовароуннаҳрдан Афғонистонга келиб, Кобулни муқим пойтахти қилиб тайинлар экан, уни вақти келиб тўнғич ўғли Ҳумоюн сарпарастлигида қолдириб ҳам кўрди. Барча шоҳона саройларда бўлгани сингари, Бобур салтанатида ҳам унинг ўғил-

лари орасида низо чиқариш, ота-ўғил муносабатларини бузишга интилувчилар топиларди. Шу боис, Бобур «Кобул вилоятини холиса қилдим», дер экан, аввало, мулк пойтахти Кобулга ҳоким бўлиш ниятидан фарзандларини озод этганини билдиради. Шунинг учун у Ҳумоюндан кичик Ҳиндолни қошига чақириб, буни тушунтиришини, Комронга акаси Ҳумоюн билан яхши борди-келдисини узмаслигини ва Мўлтон вилояти унга иноят этилганини ёзади. Бунинг замирида Бобурнинг узоқни кўзлаган мақсади бор. У Ҳусайн Бойқаро сиёсатда фарзандларининг бирини иккинчисидан устун қўйганини салтанати инқирозининг сабабларидан деб ҳисоблаган. Ҳумоюнга насиҳат тариқасида билдирилган бу ўғит орқали тож-тахт учун талашишлар шу йўсинда давом этса, фожеага олиб келиши аёнлигини уқтиришни кўзлаган ва кўзи тиригида ўғилларининг ўзаро муносабатларида орани очиқ қилиб қўйиш йўлини қидирган эди. Бироқ Бобурнинг бу нияти вафотидан сўнг ўғиллари томонидан амалга оширилмади. У валийсифат иш кўрганга ўхшайди: зотан, ҳали ҳаётлигидаёқ салтанат катта ўғли Ҳумоюнга қолиши билан фитнагарлар Ҳумоюн ва унинг укалари орасида низо кўзга шади. Низонинг бош масаласи, худди Бобур олдиндан кўра олгандек, пойтахтда ким салтанат юргизиши, Огра, Кобул, Ғазнида ким ҳокимлик қилиши устида боради ва, охиrhoқибат, Ҳиндистонда Шербек ғалаба қозониб, Ҳумоюн ҳеч вақосиз қолиб, 1540 йили Эрон томонга юз тутди. Ундан кейин Ҳумоюннинг укалари билан муносабати тубдан бузилади. У Комроннинг кўзига мил торттириб, кўр қилади, бошқа укаси Ҳиндол билан ҳам юз кўришмас бўлиб кетади. 1540 йили Ҳумоюнга Оллоҳ ўғил беради ва унга Акбар деб исм қўйишади. Шу шаҳзода Ҳиндистонда бобурийлар сулоласини давом эттириб, боболари Амир Темур ва Бобурнинг яратувчилик санъатини бутун оламга кўз-кўз қилади.

Мактуб мутолаасига қайтсак. Бобур унда энг яқин беги — Хожа Калон номидан Шамсиддин Муҳаммад Атова Ғазнидан Ҳиндистонга келиб, салом етказганини билдиради:

«Кайфиятлар маълум бўлди. Бизнинг эҳтимомимиз ул сарилар (яъни Хурсон ва Мовароуннаҳрдагилар — Ҳ.Қ.) бормоққа беҳад ва бегояттур. Ҳиндистон ишлари ҳам бир навъ сомон топиб келадур. Тенгри таолодин умид андоқдурким, бу оранинг иши Тенгри таоло инояти била бот саранжом топқай. Бу иш забтидин сўнг бетаваққуф, Тенгри еткурса, мутаважжих бўлғумдур. Ул вилоятларнинг латофатларини киши нечук унутқай. Алалхусус мундоқ тойиб ва торик бўлғонда қовун ва узумдек машруъ ҳазни киши не тавр хотирдин чиқарғай». Дарҳақиқат, Ҳиндистонда Бобур ҳижрон азобидан ўта толиққан, гоҳида кўзига ҳеч нарса кўринмаган, Ватан тупроғини тўтиё этгиси, у томонга қараб учгиси келган дамлар кўп бўлган. Бу байт шоирнинг ўшандай ҳолатини акс эттиради:

*Борми экин ҳеч нима оламда ҳижрондин амон,  
Ҳарнеким ондин ямонроқдур будур ондин ямон.*

Биз Заҳириддин Бобурнинг Ватан соғинчи ва ҳижрони ҳақида кўп фикр билдирдик ва бу борада ҳар қанча ёзсак кам. Чунки Ватан соғинчи Бобур руҳияти, ички олами, ҳаётдан мақсади ва ниятининг моҳиятига бовлиқ. Бу унинг армонлари ичида Бош армони! «Бобурнома»нинг бир неча жойида қовун ва узум Ватан рамзи сифатида келади. Бу неъматлар шоир Бобур мисраларини ҳам безаган. Бироқ юқоридаги сатрда, бизнингча, Бобурнинг ҳижронга оид ғазалларидан кўра таъсирчанроқ соғинч мавжуд. Ушбу мактуб ёзилган пайтда Бобур айни кучга тўлган, давлатдорлик ишларига бор вужуди билан шўнғиган, Ҳиндистонни тасарруфига киритган эди. Ҳиндистонда давлат низоми асосида тартиб ўрнатиш, маҳаллий майда феодаллар, рожалар ҳукмдор бўлган юртда ягона, мустаҳкам империяни юзага келтириш иштиёқи унинг бутун вужудини қамраб олган эди. Бобур Ҳиндистонни босиб олган шоҳ сифатида қанчалик гурурланмасин, унинг бутун борлигини изтиробга солган Ватан соғинчи мактуб сатрларидан ба-

ралла аён бўлаётир. Эҳтимол, Хожа Калон Шамсиддин Атова орқали Бобурни, кўнглини ёзиши учун, хушхаво Хуросонга таклиф қилган бўлса ажаб эмас. Шу вақтдан икки йил ўтар-ўтмас вафот этишини хаёлига ҳам келтирмаган Бобур Ҳиндистондаги ишларини тартибга солиши билан «бетаваққуф» Ватан сафарига отланишини ёзган. Бобур Хуросон ва Мовароуннаҳр сафарини жуда-жуда истаган, юртини соғинган. Эътибор берсак, юқоридаги қисқа сатрларда у уч марта «Тенгри таоло»ни ёд этади, бу кунларга этишини Оллоҳдан сўрайди. «Бобурнома»дан маълумки, муаллиф ҳаминша ҳам Оллоҳ номини келтиравермаган, бу сўзни муқаддас билиб, мусулмони комил сифатида Оллоҳга сиғинган. Аммо мусофирчилик, номувофиқ табиат, юрт соғинчи Бобурнинг суяк-суягидан ўтиб кетгани боис, у Оллоҳга мурожаат этади, қайта-қайта ёлбориб, Ватан билан юзлаштиришини илтижо қилади. Шак-шубҳасиз, бу мисол бутунги кишиларимиз, ёш авлодди Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, мустақил юртимиз тупроғини кўзларга тўтиё этиш, унинг ҳар заррасини олгидан афзал билишда ёрқин мисолдир. Шунча юртни эгаллаган Бобур ҳам Ватан соғинчи олдидан ожиз қолган!

Мактубнинг кейинги сатрлари Бобурнинг Ҳумоюнга насиҳатидан кўра, кўпроқ теурий давлатчилик, давлат ва жамият қурилиши масалалари устида боради. Бунда давлат хазинаси, унинг сарфи, молиявий мувофиқлик, кимга қараб чиқим этиш ва бошқалар бирма-бир санаб ўтилади. Бу сатрлар, аввало, тарихимизда ўтган шоҳ ва султонларнинг ҳар қилик иш тартиби, меъёри, кўлами ва услубини ўрганишимиз учун ҳам муҳим. Янада муҳимроғи, Бобур Ҳиндистонда туриб ҳам Хуросонда олиб борилаётган қурилиш ишлари, таъмир юмушларига эътибор берганидир. Шоҳ Бобур ўғли Ҳумоюнга тубандаги ишларни дастлабки «заруриёт» қаторига санаб ўтади.

Бобур давлат ишини юритишда ҳалоллик, покликка асосланган, эл учун зарур иншоотлар—карвонсарой ва ҳам-

мом қурилишида сарфланадиган материалларнинг пишиқлиги ҳам унинг кундалик ташвишига айлангани эътиборли: «Заруриёт булардур: аввал қўрғоннинг марамматиға, яна захира, яна келур-борур элчи буйланинг улұфа ва қўналғаси, яна масжиди жумъанинг иморати ёрмоғини молдин олиб, шаръий қилиб сарф қилсунлар. Яна карвонсаро ва ҳаммомларнинг мараммати, яна аркта Устод Ҳасан Али қилғон пишиқ хишт била нимкора иморатнинг итмоми, бу иморатни Устод Султон Муҳаммад била машварат қилиб, муносиб тарҳ била буюрулсун. Агар Устод Ҳасан Али тортқон бурунги тарҳ бордур, худ ўшандоқ-ўқ тамом қилсун, йўқ эрса, иттифоқ била бир ширин тарҳлиқ иморат солсун».

Шоҳ Бобур, умуман, теурий шахзодалар фақат юрт забт этмоқни эмас, балки шу юртни обод этишни ҳаёт мазмунига айлантирганига гувоҳ бу сатрлар! Бунда Бобур «нимкора иморат»ларни битиришдан янги режа ва тарҳлар билан бинолар қуришгача аниқ, пишиқ кўрсатмалар тарзида маслаҳат беради. Бунда ҳатто муҳандислар (Ҳасан Али, Султон Муҳаммад) ҳам аниқ кўрсатилган. Бу мисолда шоҳ Бобурдан кўра, мулоҳазакор, андишали ота Заҳириддин Бобур кўз ўнгимизда гавдаланади. У ўғлига иморат тарҳи ва муҳандис шахсиятини аниқ белгилаб берса-да, бу фикрини ҳукм даражасига етказмайди, балки ўғли Ҳумоюн ва бошқалар иззат-нафси, ҳурмати боис маъқул тарҳ ва шаклни танлашни уларнинг ихтиёрига қолдиради. Шунинг ўзи ҳам фарзанд тарбиясининг мувофиқ усули эмасми?

«Бобурнома»да муаллифнинг суғориш, боғ яратиш, яратганда ҳам уни «ғўнияли ва тарҳ» билан яратиш борасида кўп сўз юритганини кўрамиз. Бобур бобоси Амир Темур сингари тасарруфидаги ҳудудларнинг турли жойларида улкан иморатлар ва саройлар қурди. У яратган боғлар ҳисобсиз, барчаси юксак дид ва эстетик талаблар асосида қурилган. Шу боис, унинг Ҳумоюнга ёзган мактуби ҳам боғ ва суғориш муаммоларини ўртага қўйилгани билан ҳам

диққатни тортади. Бобурнинг бу фикрлари ҳаваскор бов яратувчи ёки ариқ қазувчининг мулоҳазалари эмас. У ернинг паст-баландлиги қатори, суворишга муҳтож ёки муҳтож эмаслиги, боғнинг табиий жойлашиш мавқеи, тупроқ таркибига алоҳида эътибор беради.

Бобур нега Ҳумоюнга бу ҳақда ёзмоқда? Бизнингча, бу отанинг ўғлига юрт бошқаришга оид ўғитлари, қолаверса, васияти. У бўлажак боғига «Назаргоҳ» деб ном беради ва унинг янада кўзга кўриниши учун ўғлига «яхши ниҳоллар тикмак керак», деб буйруқ оҳангида амр қилади. Буларнинг барчасини «хушранг ва хушбўй гул» тўлдиришини қайта-қайта уқдиради: «Яна Боғи Хиёбон ва хиёбон. Яна бу боғнинг суйи оздур, мунга бир тегирмон суйи сотқун олиб, келтурмак керак. Яна Хожа Бастанинг варб-жануб тарафида Тутум дара суйини бир пунгта устига келтуруб, ҳавз қилиб, ниҳоллар тиктуруб эдим. Гузаргоҳнинг муқобаласида тушган учун ва яхши мадди назари бор учун, «Назаргоҳ»га мавсум бўлуб эди, мунда ҳам яхши ниҳоллар тикмак керак. Тарҳ била чаманлар қилиб, чаманлар атрофида хушранг ва хушбўй гул ва раёҳин тикмак керак».

Мактубнинг давомида Бобур Ҳумоюнга Ҳиндистондан борган аскару беклар учун жой тайёрлашни, бу масала давлат сиёсати эканини («Ҳиндистондин борюн черик тор ерда танқислиқ ҳам тортарлар, вилоят ҳам хароб бўлур») уқдириб, ўзи шароб ичишдан тавба қилганини, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валининг «Волидия» қасидасини туркий тилга таржима қилгандан сўнг бу тавбага астойдил амал этганини билдиради. Бу сатрларда шох Бобур умрининг анча вақтини чоғир базмларига беҳуда сарф этгани, май давлат бошқариш ишида катта тўсиқ эканини Ҳумоюнга насиҳат тариқасида етказмоқда.

«Бобурнома»даги маълумотларга диққат билан назар солсак, адибнинг охириги икки йиллик ҳаёти ўтган дамларининг сарҳисоби сифатида бошқа йиллар воқеалари баёнидан аниқ фарқланиб туради. Унда ёшликда ўтказилган беҳуда дамлардан ачиниш, ҳаёт тажрибаларини фарзанд-

лар шуурига етказиш, ўзи қилган хатоликлари, инobatга олмаган муҳим юмушларидан ўйиллари хулоса чиқаришига даъват бор. Бобурнинг бундай кайфиятини биз газаллари, назм дафғаридаги сатрларида ҳам кўрамыз:

*Масту беҳудлуқ била умрунгни ўткардинг, дариш,  
Эй кўнгул, мундин бери бўл бир нима хушёрроқ.*

*Фафлат уйқусидин уйғон, гар тилар бўлсанг мурод,  
Ким етар мақсадга ҳар ким бўлса ул бедорроқ...*

*Келмас ўхшар заҳматинг ислоҳга, Бобур, магар  
Ҳар давоким қилдилар, бўлдуңг доғи беморроқ.*

Мактубнинг кейинги сатрларида Бобурнинг яна бир буюк фазилати—моҳир мураббийлиги кўзга ташланади. У ўғли Ҳумоюнга май истеъмол қилишни буткул тарк этишни уқдирмайди. Бунга аста-секинлик билан етишиш ҳам мумкинлигини билдиради. Эҳтимол, бунда Бобур ўзининг қанчалик руҳий олишувлар, бир неча тавбалардан сўнг шароб истеъмол қилишдан тийилганини эслаган бўлса ажаб эмас. Бу мисол Бобурнинг ота сифатидаги юксак руҳшунослиги, фарзанд тарбиясида ҳар бир нозик жиҳатни инobatга олгани, ўга мулоҳазакорлигидан дарак беради: «Сиз ҳам тавба қилинг. Суҳбат ва чоғир ҳамсуҳбат ва ҳамкоса била хуштурким, била суҳбат тутқайсизким, била чоғир ичгайсиз. Агар ҳамсуҳбат, ҳамкоса Шераҳмад ва Ҳайдарқулидур, худ бу тавбанинг хейли ашколи йўқтур».

Биз Заҳириддин Бобурнинг ўғли Ҳумоюнга ёзган бир мактубининг мазмуни орқали унинг дунёқарашига дахлдор баъзи жиҳатларни аниқлашга уриниб кўрдик. «Бобурнома»— муаллифнинг қалб ойнаси, Бобурнинг фарзандларига, яқинларига мактублари ана шу ойна ўрнашган хонанинг калити.

#### IV БОБ. НАСРДА БАДИЙ САНЪАТ ВОСИТАЛАРИ

##### 1. Бадиий санъатлар мўъжизаси

«Сўз билан сурат чизиш» деган образли ибора реалистик тасвирда бадиий тилнинг мавқеини аниқ белгилаб беради. Қаламга олинган ҳар бир одамни, ҳар бир ашёни, ҳар бир жойни кўзга яққол кўринадиган қилиб тасвирлаш учун ёзувчи энг аввало, ўша одам, ўша ашё, ўша жойни ҳаёлида жуда аниқ ва тўла-тўқис гавдалантиради, кейин уларни қовозга ҳам тирик ва таъсирли қилиб тасвирлаб бериш учун керакли сўз ва ибораларни излайди<sup>\*</sup>. «Адабиёт назарияси»да реалистик наср ҳақида билдирилган бу фикр, асосан, Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор прозасига нисбатан айтилган. «Бобурнома»даги реалистик тасвир эса ўзгача манзара касб этади ва шу боис унга юқоридаги таъриф унча мос келмайди. Чунки Бобур ўз асарини олдиндан режа тузиб, кейин ёзмаган, воқеаларни «ҳаёлида жуда аниқ ва тўла-тўқис» тасаввур қилишга кўпинча улгурмаган, воқеа-ҳодиса қандай рўй берган бўлса, адиб тасвирлаб бораверган. Шу боис, унинг тасвирлари жонли, ҳаётий ва ишонарли чиққан. Бобур образ, персонажларни аввалдан белгиламаган, ҳаётнинг ўзи уларни унга етказган, фикр билдиришга ундаган.

Заҳириддин Бобурнинг насрдаги ўзига хос услуби том маънода такрорланмасдир, ўзгача — оригиналдир.

«Бобурнома»дан бурун яратилган насрий асарларда воқеа-ҳодисалар романтик туйғу, ташбеҳ, истиора, мажоз, муболаға, сажъ каби бадиий санъат воситалари орқали тас-

<sup>\*</sup> Адабиёт назарияси. I том, Тошкент, «Фан», 1978, 341-бет.

вирланган, шу билан жозибадорлик, кўркемлик касб этган. Хусусан, «Бобурнома»дан ярим асрча олдин битилган Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» номли тарихий-насерий асарида бадиий санъатлардан фойдаланишнинг, тарихий воқеа-ҳодисаларга бадиият «тўнини кийдириш»нинг ёрқин намунасини кўрамиз. Бу асарда ўринли ўхшатишлар, образли ифодалар шунчалик серобки, ўқувчи баъзан уларга маҳлиё бўлиб қолиб, муаллифнинг сўз бойлиги, ҳар бир сўз ва иборани нақадар маҳорат билан ишлатганидан ҳайратга тушади. Бироқ оддий мақсаднинг тумтароқлик, сўз ўйини доирасида ифодалангани ўқувчининг мантиқни илғаб олишини қийинлаштиради. Шунга қарамасдан, бу услуб ўша даврда насрий асар меъёрларидан бири ҳисобланган. Абдураззоқ Самарқандий, Восифий, Хондамир ижодига ҳам шу хусусият хосдир. Айни дамда, бу адибларнинг ҳар бири ўз услубига эга. Масалан, Шохрух мирзонинг отдан йиқилиб қўли синиши каби нохуш ҳодисани Абдураззоқ Самарқандий «муборак қўлига синиш фалокати етишди», деб таърифлар экан, унгача шох ўтирган отнинг «ҳавода худди чақмоқдек беором» ҳаракатда бўлганини ёзади. Отнинг асовлиги Шохрухнинг қўли синишига сабаб бўлганини билдириш учун Абдураззоқ Самарқандий узоқ чекиниш қилиб, отнинг хислатларини батафсил ёритади, «иззат оёғини Кайвон тепасига қўядиган» Шохрухнинг бу ҳодисада айбсизлигини кўрсатиш асосий мақсади эканини билдиради. Хуллас, агар мавзуга дахлдор, уни ёритиш учун ишлатилган ўхшатиш, муболаға ва бошқа тасвирлардан кўз юмсақ, матн қисқариб, фақат реал тасвир қоларди (масалан, «Шохрух мирзо отда кетатуриб, отнинг асовлигидан йиқилиб, қўлини синдирди» қабалида). Худди шунини Абдураззоқ Самарқандий услубини, адиб маҳорати белгиси сифатида қабул қилиш мумкин. Шунга ўхшаш мисолни «Бобурнома»дан келтирайлик:

«Ушбу ҳолатта мен етиб бордим. Етгач-ўқ от югурт-тум. Туруш бермай дуркураб қоча бердилар. Кўчадин қочу-

руб тузга чиқориб, қилич тегурур маҳалда отимнинг оёғига ўқладилар. Отим букулуб, ёғийнинг ўртасида мени ерга урди. Чуст кўпуб бир ўқ оттим...».

Алишер Навоий насрий асарларида ҳам бадий санъатлардан кенг фойдаланганини кўрамиз. Навоий Ҳусайн Бойқаро давлат бошқарувидаги айрим камчиликларни билса-да, фикрини имкони борича ичида сақлайди. Матнда сўз санъатларидан фойдаланилган, жимжимадорлик бор ва Абдураззоқ Самарқандий асаридан юқорида келтирилган мисолга ўхшаб кетади. Аммо Навоий тасвирида муаллиф мавқеи ва руҳий ҳолати реал ифодаланган. Қуйидаги мисол Навоийнинг «Вақфия» асаридан олинган. Унда муаллиф Ҳусайн Бойқаро салтанатида юқори вазифада бўлган пайтида иложи борича ўз султони чизган чизикдан чиқмай фаолият юритганини билдиради. Бу ҳолат асарда бадий воситалар ёрдамида жуда чиройли ифодаланган. Наргис гулидаги юмилган кўз акси, бинафша барглари қулоққа ўхшаса-да ҳеч нарсани эшитмаслиги, чинор тохлари узун бўлса-да, мустақил ҳаракатта мойил эмаслиги, савсан гулининг «тили» кўп бўлгани билан ҳеч қандай садо чиқмаслиги ташбеҳлар ва ўринли истиоралар ёрдамида ифодаланган. Бу каби ўхшатиш ва сўз ўйинлари шунчаки шаклбозлик эмас, балки темурийлар саройи муҳитининг ёрқин ойнаси, Навоий умрининг муайян даври, унинг юрак тутғени, имконияти ва ночорлиги, албатта, носир сифатидаги юксак маҳорати натижаси ҳамдир.

«Вақфия» асари Ҳусайн Бойқаро салтанатидаги давлатдорлик, қонунчилик, ҳуқуқий ва иқтисодий масалаларга бағишланган бўлса-да, унда муаллифнинг бошқа насрий асарларида кўзга яққол ташланмайдиган бир жиҳат мавжуд: асарда Ҳусайн Бойқаро давлатдорлигидаги айрим камчиликлар маҳорат билан танқид қилинганки, бу хусусият Навоийнинг бошқа асарларида қарийб кўзга ташланмайди. Кўпинча, Навоий Ҳусайн Бойқаронинг вазири бўлишига қарамай, ўз қараш ва ниятларини эркин баён

эта олмагани, бунга имкон тополмагани, мураккаб шароитда иш кўрганини ёзади. Навоийнинг бундай ёндашуви Бобурнинг насрдаги холисона тасвирига ўхшаб кетади. Фақат Бобур насридан фарқли ўлароқ, Навоий бадиий санъатларга кўпроқ эътибор беради: «...анинг (яъни Ҳусайн Бойқаронинг — **Ҳ.Қ.**) кишвари гулистонининг ҳарими атрофида ва мулки бўстонининг чамани акнофида кўрмас нимадин кўзумни наргис кўзидек кўр ва эшитмас нимадин қулоғимни бинафша қуловидек қар ва тутмас нимадин илгимни чинор илгидек шал ва бормас ердин аёғимни сарв аёғидек ланг ва айтмас сўздин, батахсис махфий асрореким, гул хурдаси масаллик гунчадек кўнглумда амонат топшурди — ифшосидин тилимни савсан тилидек гунг қилдим».

Ғиёсиддин Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» асарида ҳам тарихий воқеаларни бадиий либосга ўраб бериш, ўша давр насрида расм бўлган жимжимадор услуб равшан кўринади. Фарқ шундаки, Хондамир муаррих сифатида эътиборини ҳикоя қилинаётган давр тарихи, шахсларнинг жамият ва тарихдаги мавқеи, уларнинг уруғ-аймоғи ва авлодига қаратади. Бадиий санъатлардан фойдаланишда ҳукмдорларнинг даражаси ва мавқеини ҳисобга олиб қалам тебратади. Масалан, Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий, Улуғбек сингари нуфузли кишилар ҳақида сўз борганда, уларнинг шахси ва фаолияти сифатлашлар орқали, юксак ибораларда берилади. Ўзгалар, масалан, Бадиъуззамон тилга олинганда эса, фақат унинг исми («Султон Аҳмад, ки солҳо дар мулозамати Бадиъуззамон мирзо мансаби садорат дошт...») айтилади ёки баъзан у билан боғлиқ жиҳатлар ёритилади, холос («... чун он гавҳари шабафрўз аз қадами адам ба олами зуҳур ниҳод, ба Султон Бадиъуззамон мирзо мавсум шуда»).

Хондамир насри ҳам бадиий жимжимадорликдан холи эмас, аксинча, бу жиҳат адибнинг санъаткорлигини бел-

гилайди. У Хусайн Бойқаро ҳақида қисқача («аҳволи фушурда») маълумотлар бераркан, ташбеҳ, истиора, мубо-  
лая, ўхшатиш каби санъатлардан моҳирона фойдаланади. Масалан, шоҳ тасвири учун сўз бисотидан асл гавҳарлар-  
ни унга ҳада этишда илҳомининг «машшотан рухсор»и «банди уззор»га қўшилиб, янгидан-янги ҳикоялар сўзлашга ун-  
дагани, Хусайннинг давлатдорлик айёми баҳор фаслига монандлиги («баҳори айёми давлаташ чун айёми баҳор»), салтанатидаги хуррамлик ғам-ташвишдан узоқ дамни эс-  
латиши («хуррами ҳангоми салтанаташ монанди ҳангоми хуррамни дур аз ғам»), ҳатто унинг базмларини ўспирин йигитчалар беагани («базми айш ва нашшотан биҳинг-  
ваш ва қавонони хуззор ораста») ва бошқаларни образли бадний воситалар орқали ифодалайди. Шу қатори, Хонда-  
мирнинг насрий асарларида жимжимадорликдан холи, соф ҳаётгий тасвирлар ҳам мавжуд.

Воқеа-ҳодисаларни реалистик тасвирлаш, жимжимадор услубда ифодалаш Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-  
вақоеъ»сига ҳам хоски, бу жиҳат асарнинг мумтоз форс-  
тожик насрий адабиётида алоҳида мавқени эгаллашига сабаб бўлган. Масалан, Восифий асарда беш кун давомида «Убайдуллоҳон Қарши яйловидан шаҳарга етиб келгуни-  
ча қасидалар ёзиб тутатилди ...», дейди. Муаллифнинг ўзи қасиданинг баднийлигига баҳо беради ва бу ҳолатни қуйи-  
дагича талқин этади: «Бу дурри макнунларни фикрат ғав-  
вослари табиат денгизи қаъридан баён соҳилига етказгач,  
андеша саррофи уни фикр мисқаби билан тешиб, таҳрир  
ипига тизгач, уни олий мартабали жаноб Хожа Ҳошимий  
остонасига нисор этмоқ фикри хотирга келди». Эътибор  
берсак, Восифий қасиданинг шоир ҳаёлидан қоғозга ту-  
шиши («бу дурри макнунларни фикрат ғаввослари таби-  
ат денгизи қаъридан баён соҳилига етказгач») жараёни-  
ни бадний ифодалайди ва уни Ҳошимийга тақдим этгани-  
ни айтади. Восифий Ҳошимийни баланд мадҳ сўзлари, аниқ-  
роғи, тўрт даражали аҳтиром: «олий мартабали», «жаноб»,  
«ҳазрат», «хожа» билан «сийламоқда»ки, бу «Бадоеъ ул-  
вақоеъ» услубига хосдир.

Шунга ўхшаш ҳолатни «Бобурнома»дан олиб кўрайлик. Бобур тасвирлаётган мавзу ва унинг мавқеи Восифийникига ўхшаш. У ҳали буюк ҳукмдор эмас, балки ёш йигит тоғаси бўлмиш Тошкент ҳокими олдига ёрдам сўраб борган ва унга ўз рубойисини тақдим этган. Унда Бобур Тошкент ҳокими васфига мақтов ибораларни ишлатмайди, аксинча, «ул маҳалда шеър мусталаҳотига мунча татаббуъ қилмайдур эдим», дейди ва хон ҳақида «хуштабъ киши эди, шеър айтур эди», деб қисқа маълумот бериб ўтади. Бунинг устига шеърини хонга ўқитиб, «кўнгул тинғудек шофий жавоб топмадим», деб у ҳақда танқидий фикр ҳам билдиради ва воқеликни реал тасвирлаб, ортиқча муболағага берилмайди.

Ўша давр адиблари услубларини қиёслаб, кенгроқ таҳлил қилиш ниятида яна бир манбага мурожаат этайлик. Бу Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома» асаридир. «Ҳумоюннома» юқорида тилга олинган асарлардан тубдан фарқ қилади. Ҳаётни реалистик тасвирлашда, жимжимадорликдан узоқликда Гулбаданбегим кўп жиҳатдан «Бобурнома»га эргашган. «Ҳумоюннома» услубидаги катта фарқ шундаки, Гулбаданбегим аёл тарихчи бўлгани боис, асарида эркак адиблар эътибор қаратмаган аёлларга хос жиҳатларга кенг ўрин берган. Бу, аввало, асарда келтирилган аёл персонажларнинг ички олами, жамиятга муносабати, аёлларни қизиқтирган турмуш юмушлари, буюмлар, урф-одат ва этнографик маълумотларда яққол ўз аксини топган. «Ҳумоюннома» тарихий маълумотларга бойлиги билан, шубҳасиз, қадрли асардир. Юқорида таъкидланган сифатлар бу асарни янада нодир манбалар қаторига қўшади. Қуйидаги мисол фикримизни қувватлайди: «Шундан буён Ҳиндистонда оин банди (бозорларни безаш, бозор кўргазмаси, бугунги тилда айтганда ярмарка — **Х.Қ.**) расм бўлиб қолди. Тўрт зина билан кўтарилган олтин тахт устига кимхобдан қилинган палос, кўрпача ва ёстиқлар ташланди. Баргоҳ(подноҳ чодир), хиргоҳ (хурсан-

дчилик қилинадиган алоҳида чодир. (Изоҳлар академик С. Азимонованики. — Х.Қ.) ички томонларига фаранг зарбоби ёпилган бўлиб, ташқариси Португалия сақлати билан ўралган эди. Баргоҳ ва хиргоҳларнинг ёючларига эса олтин суви югуртирилган эди...».

Юқорида айтганимиздек, Абдураззоқ Самарқандий, Навоий, Хондамир, Восифий асарларида ўша давр воқеа-ҳодисаларини тасвирлашда бадиий воситалар кенг қўлланилган, ҳаёт лаҳзалари романтик тасвирланган. «Бобурнома», «Хумоюннома» эса, мумтоз адабиётимизда реалистик, натуралистик тасвир нуқтаи назаридан такрорланмас асарлардир.

Ҳар гал «Бобурнома» таҳлилига киришарканмиз, беихтиёр муаллифнинг зийрак нигоҳи ва ўткир қаламига тан берамиз. Масалан, қуйидаги манзара асосида моҳир мусаввир баркамол рангтасвир асари яратиши мумкин. Бунда инсоннинг Оллоҳ яратган табиатдан завқланиш кайфиятини кўрамиз. Катта кўл — Оби Истоданинг суви жимишлашидан «даштларнинг асло кўринмас»лиги, «сув осмон билан пайваст»лиги, Серобнинг «ул юзидаги тоғ ва пушталар муаллақ» кўриниши киши кўз ўнгиде жонли табиат манзарасини гавдалантиради. Муаллифнинг юқоридаги ибораларида очиқ истиора воятда ўринли ишлатилган: «...Оби Истодава етдук. Ғариб улуғ сув назарға келди. Ул юздаги даштлар худ асло кўрунмайдур. Сув осмон биле пайваст кўрунадур, ул юздаги тоғлар ва пушталар не таврким, Серобнинг ул юзидаги тоғ ва пушталар муаллақ кўрунур. Бу тоғлар ва пушталар ҳам ер ила кўкнинг орасида муаллақ кўринадур».

Эътибор берайлик: Бобур табиат манзарасини қандай кўрган бўлса, худди шундай тасвирлаган. Унга жило бериш учун ажойиб тапбиҳлар, муболаға, истиора, мажоз каби санъатлар қўлламаган. Тоғ ва пушталарнинг ер билан кўк орасида муаллақлиги тасвиридаёқ ўқувчи реал манзарани кўргандек бўлади; сувнинг бепоёнлиги, жимишлаши, еру

осмон, сув ва куруқликнинг тавсифида мантиқий изчиллик бор.

Шубҳасиз, ҳар бир етук адибнинг услуби ўзига хос. Эҳтимол, шунисиға кўра ҳам адабиёт қизиқарли, ранг-барангдир.

Мавзунӣ янада ойдинроқ тасаввур этиш учун Бобур, Хондамир ва Восифий баёнидаги совуқ ҳаво тасвирини қиёслаб кўрайлик. Бобур Ҳиндукуш тоғини ошиб ўтаётганда қаттиқ совуққа дуч келади: «Қор улук, йўл якраҳа, тепилган-босилган йўл била ҳам от ба ҳийла борадур. Кунлар юят қисқалиққа илгариги киши ёруғ чоқта ҳавол олиға келдилар, намози шом, намози хуфтангача эл кела қолди... Мен ҳаволнинг оғзида курак олиб, қор кураб, ўзумға бир такия миқдори ер ясадим, қорни кўкусгача қоздим, ҳануз ерга егмайдур эди...».

Хондамир «Ҳабиб ус-сияр»да қиш манзарасини қўйидагича берган: «Дар мубоди фасли дай ва авоими зимистон ва хунуқиҳои дай, ки орази хубони гулрўй ва рухсори бунафша мўёни фариштахўй нилуфари гардид, ва жамшеди хуршед ба зимистон хонаи жидди шитофта санжоби шаҳоб бар дўш кашид». (Мазмуни: Дай ойининг ўртасида, қишнинг бошида, дай ойининг совуқ пайтида чиройли қизларнинг орази ва сочлари бинафша ҳидли фаришталарнинг юзлари нилуфар рангини олди ва жамшиди хуршид ҳам қишнинг уйига шитоб билан кириб эғниға санжоб кийимини торгди.)

Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарида эса совуқнинг қуйидаги тасвири келтирилган: «Офтоб бо вужуди он, ки санжоби саҳоб пўшида буд, ларзон буд ва осмон гарчи мужамми худ дар зери доман дошт, аз шиддати бурут кабуд менамуд». (Мазмуни: Қуёш булутлардан кийим кийган бўлса ҳам қалтираб турарди, осмон гарчи ичидан кийим кийган бўлса ҳам, совуқ шиддатидан қўқаргандек эди.)

Бобур тасвирида қалин қор, қаҳратон қишини бадиий восита ва бўрттиришлар билан ифодаланган намуналарни деярли кўрмаймиз. Хондамир ва Восифийда эса қуёшнинг бир хилда «санжоби саҳоб» кийгани, яъни булутга ўралгани, шунга қарамасдан, совуқдан ҳатто қуёш титраётгани алоҳида ташбеҳ билан ифодаланган. Бобурда қиш тасвири муаллиф ва шерикларининг совуқдан чеккан азоблари, ундан қутулиш йўллари қидирганликлари зимирида берилади. Совуқнинг шиддати Восифий ва Хондамир асарларидаги каби бадиий тасвир воситалари орқали эмас, балки қишнинг инжиқликларини енгилга интилган кишиларнинг хатти-ҳаракатлари тасвирида акс этади. Бугунги ўқувчи Хондамир тасвиридагидек, дай ойи—декабрнинг қаҳратон совуғидан гул юзли ва фаришта хислатли гўзалларнинг юзи нилуфар рангига ўхшапчилигини ёки Восифийнинг ташбиҳидагидек, совуқнинг қақшатқичлигини аниқ тасаввур эта олмайди. Аммо ҳаётий тасвирланган «Бобурнома»даги манзаралар унда кўпроқ таассурот қолдиради.

«Бобурнома»да муаллифнинг воқеа-ҳодисаларга муносабатини ўхшатиш, муболаға ва истиора санъатлари ёрдамида ифода этган ўринлар ҳам бор. Қуйидаги парча истиора санъатининг муболаға билан йўқрилганига бир мисол. Бобур Иброҳим Лўдий аскарлари билан олиб борган урушнинг бошланишини қуйидагича тасвирлайди: «...ва кундин бир поси ўтуб эрдиким, жавонгор ва бурунгор андоқ уруш бўлдиким, зилзила заминда ва валвала замонда тушти». Бобурнинг сўз танлаш маҳоратига эътибор берайлик: қўшинлар тўқнашганда, от, фил, одамлар ҳаракати зарбидан ер зилзила бўлгандек тебраниб, осмонда валвала — ғала-ювур садолари авжига чиққан. Уруш тасвирини давом эттираркан, муаллиф ёв қаердан бостириб киргани, ким кимга кўмакка келгани, айрим бекларининг шижоати каби лаҳзаларга эътиборини қаратган. Бу саҳналарда уруш ўзининг ҳаётий тасвирини топган. Уруш тасвири якуни-

дагина Бобур очиқ истиора санъатидан фойдаланади: «...ва кўп ёвнинг танаси мазаллат тупроғига тушуб, фано бодига юборилди».

Бобур уруш манзарасини «зилзила» ва «валвала» ташбеҳлари воситасида аниқ тасвирлаб, душманларнинг енгилгани ва маҳв этилганини бадиий ифодалаган. Шунинг ўзидан ҳам ўқувчи омонсиз жанг рўй берганини билиб олади.

Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъи савдайн ва мажмаи баҳрайн» асаридаги уруш тасвирини олиб кўрсак, юқоридаги фикримиз янада ойдинлашади. Муаллиф бадиий санъат воситаларидан фойдаланиб, уруш аталмиш даҳшатнинг фожиясини образли, мажозий тарзда ифодалаган. Абдураззоқ Самарқандийнинг «сарварларнинг каллалари майдон тўпи ҳам найзалар кокилига айланди», «жиловни бўшу, узангини таранг қилиб» каби ташбеҳ ва истиоралари жанг жараёнини ёрқин ифодалайди. Бобурнинг юқорида келтирилган жанг майдони тасвирида ҳаётда содир бўлган реал манзара акс этган ва унда ўхшатишлар, бадиий санъатлар ишлатилмаган. Абдураззоқ Самарқандийнинг тасвири аса қуйидагича: «Ҳар икки томондан қуюн сингари тез ҳамлалар қилдилар ва ҳар икки тарафдан бир-бирларига ташландилар: сарварларнинг каллалари майдон тўпи ҳам найзаларнинг кокилига айланди ва зангори рангли шамширнинг юзи қон шингарфидан бадахшон лаъли ҳам анорранг ёқут тусини олди. Шу ҳолатда валаба ёр лашкар дилопарларидан бир гуруҳи жиловни бўшу узангини таранг қилиб қилон кирдорли найзаларни шамолдек югурувчи учқур отлар қулоғига қўйдилар».

Ғиёсиддин Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» асарида Ҳусайн Бойқароннинг Шайбонийхонга қарши кураши баёни кўп жиҳатдан Бобур ва Абдураззоқ Самарқандийнинг юқоридаги тасвирларига ўхшаб кетади. Бунда бир нозик жиҳатни кузатиш мумкин: Хондамир муаррих сифатида тарихий ҳақиқат тасвирига кўпроқ ўрин беради, ҳаётдан узоқ воқеа ва қиссалар, тасвир воситалари даврнинг эсте-

тик талабларига мос келмаслигини инобатга олади. (Навой, Бобурнинг ҳаётдан узоқ, муболағаларга бой асарларни танқид этганликларини эслайлик.) Бу жиҳат Хондамир ижодига ижобий таъсир кўрсатган, албатта. Унинг асарларида Абдураззоқ Самарқандий китобида кузатилган юксак жимжимадорлик йўқ. Имкони борича, у ҳаёт воқеаларини аниқ ҳикоя қилишга интилган. Бироқ Хондамир ҳам, ўрта аср насрига хос жимжимадорликдан тўла халос бўлолмаган, фақат сезиларли даражада бундан чекинган. Хондамирнинг қуйидаги тасвири фикримизни тасдиқлайди: «Ва Муҳаммад Султонро дар буронғор боздошта забти жувонғорро ба Ҳамза Султон ва Маҳди Султон тавфиз фармуд. Ва он ду подшоҳи жангжўи пархошжўи бадин тартиб ва онин дар баробари якдигар оташи хашм ва кин муштаил сохта баҳодирони пурдил ва нўки пайкони жонгусил поираи хунрез дар жисм пурситез кушоданд ва далерони Рустамтавон ба зарби шамшер ба он рахна дар жони хубон андохта хирмани бақои эшонро ба боди фано бар доданд. Ва он душманони хирасар аз зарби тег ва ханжар инон ба суби фирор гардонида то пеши Шайбонихон мажоли таваққуф маҳол донистанд. Ҳароси беқиёс асоси саботи баъзе аз наздикони Шайбонихонро мутаззал гардонида». (Мазмуни: Ва Муҳаммад Султон буронғорда тўхтатиб, жувонғорни эгаллашни Ҳамза Султон ва Маҳди Султонга топширди. Ул икки урушқоқ ва низоталаблар бир-бирларига жаҳл ва адоват оловларини пуркадилар. Шижоатли баҳодирлар ситезли жисмларда қон тўкувчи ўткир найзалари билан санча бошладилар. Ва у ақлсиз, шуурсиз душманлар тег ва ханжар зарбидан бутун инонихтиёрларини йўқотиб, Шайбонийхон олдига етиб боришга зўрға мажол топдилар. Ҳаддан ташқари қўрқув Шайбонийхоннинг айрим яқинлари кўнглига ғулғула солиб, унинг оғир аҳволга тушиб қолишига сабаб бўлди).

«Бобурнома»да муаллиф асарга бадиийлик бағишлаш учун сатрлар орасида истиора, мажоз каби бадиий санъат-

ларни ишлатган. Бир кичик мисолга эътибор берайлик. Бобур ҳали мустаҳкам кучга эга бўлмаган бир пайтда Шайбонийхонни Самарқанддан чиқариб, шаҳарни забт эт-ади. Матнда муаллифнинг ўз рақиби — Шайбонийхонга бўлган ҳаддан ташқари нафрати ўз ифодасини топган. Бобур ана шу ички тугёнини Самарқанд шаҳри аҳолисининг Шайбонийхонга муносабати орқали усталик билан тасвирлаган. Бобур Шайбонийхон аскарларини «телба итлардек» деб атаганда ўхшатиш санъатидан усталик билан фойдаланган. Иккинчи жумлада муаллиф гўё сўз орасида «ушбу дастур била» иборасини ишлатадики, бу ҳам Бобурнинг истеъдодидан дарак беради. У қачон, қаерда жанг қилган бўлмасин, рақибини бу усул билан маҳв этмаган.

Бунда яна бир нозик бадий қочирим бор. Умуман, одамларни ким бўлишидан қатъи назар, ўлдириш жараёни хунук манзара. Бу даҳшатдан ҳузурланиш («башошат ва напъа»га тушиш) ундан-да баттар хунук ҳол. Бироқ Самарқанд эли Шайбоний лашкаридан озод бўлар экан, душманни ўлдириш шаҳар халқига кўтаринки руҳ берганини Бобур санъаткорона ифодалаган: «Бизнинг элга ва шаҳр элига ғариб башошат ва напъа эди. Телба итлардек ўзбакларни кўча сойиларда топш ва таёқ била ўлтурдилар. Тахминан тўрт-беш юз ўзбакни ушбу дастур била ўлтирдилар эркин».

Насрий асарда қўлланилган бадий санъат воситалари ҳамиша ҳам муайян сюжет, воқеа-ҳодисалар ривожини ва конкрет шахс характерини ёритишга қаратилмаган, балки асардаги кичик деталларга жозиба бағишлаш, муаллиф фикрига сайқал беришда ҳам қўл келган.

Мавзунини янада ойдинлаштириш мақсадида Алишер Навоийнинг кексаллик даври ижодига оид бир парчани кўзатайлик: «Эндиким ҳаётим гулшанининг баҳори ҳазонға етишти, ва гулшанда очилгон гуллари тўкила киришти.

Сабзаси табиат ҳавоси бурудатидин оқарди (соч, соқол оқарди — Ҳ.Қ.) ва доласи куҳулат совуғ нафасларидин сарғарди, сунбули сероби марғулаларидан тоб кетти (томир уриш сусайиши, терида сўлғинлик, ажин, вужудда тетиксизлик ҳоллари содир бўлиши — Ҳ.Қ.) ва ниҳоли сарба-ланди, ажал сар-саридин фано туффроғига йиқилурға етти».

Кўриниб турибдики, Навоий насрий асарларида ўзининг шоирона ташбиҳ ва ўхшатишлари, муносиб ибора ва сўзлари билан кишининг руҳий ҳолатини аниқ тасвирлаган. Ҳар бир рамзий ифода киши вужудидаги ўзгаришларни яққол акс эттирган. Ана шу жиҳат ҳам Навоий насрининг услуби, адиб маҳоратини белгиловчи ўзига хосликдир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, XV аср охири — XVI аср биринчи ярмида яратилган насрий асарлардаги жимжимадорлик услуби муаллиф маҳоратидан ҳам далолат беради. Фикримиз тасдиқи учун яна бир мисолга мурожаат этайлик. Абдураззоқ Самарқандий ёзади: «Совуқнинг лашкари баҳор сипоҳини кўриб чекинишга юз тутган, ҳавонинг жонпарвар шабадаси мўътадиллик лутфини касб этган... Мирзо Улўбек фатҳу зафар ҳамнишини бўлган хоҳишларини ҳаракатга келтирди». «Совуқнинг лашкари» «баҳор сипоҳи»га ҳужум қилади, ҳимояланувчи томон эса ҳали лашкарлик кучига эга эмас, шу боис пиёда — «сипоҳ» сўзи ишлатилган. Қиш чекиниб, баҳор кираётган паллада шабада чиндан ёқимли — «жонпарвар» бўлади. Мирзо Улўбекнинг нияти фатҳ этиш орқали зафар топиш, шу боис унинг ҳаракати мақсади билан бир мазмундалигини «ҳамнишин» сўзи ифодаламақда.

Бундай анъанавий ташбиҳ ва ўхшатишларни бошқа адиблар ижодида ҳам кўриш мумкин. Зайниддин Восифий Шерак номли гавдали, баҳайбат кишининг қаҳри қаттиқлигини, шафқатсизлигини «сагсифати хукниҳодтабиат» (ит феълли ва чўчқа табиатли), «ба мо шааролдандони бу-

нёд намуд» (бияга шағол каби тишларини кўрсатиб таҳдид қилди), деб тасвирлайди ва унинг атрофидаги кишиларнинг ҳийлагарлигини тулки ҳаракатига ўхшатади: «он ҳама рўбаҳбозиҳои шумо аст» (бунинг ҳаммаси сизларнинг тулкимизожликларинг экан).

«Бобурнома»да ҳам юқоридаги мисолларга ўхшаш парчаларни кўрамиз. Масалан, қуйидаги матида «сар ба бод бермагайлар» ибораси ўз ўрнида ишлатилган. Бобур мати мазмунини тиниқ ифодалаш учун барчага маълум бу иборани келтирган. Ҳатто бунда «сар», «ба бод» сўзлари форсча бўлса-да, одамлар ўзларини йўқотиб қўймасликларига даъват этилаётганликларини тушунади: «Мўғуллар ичида риоят қилгон эътимодлиқ кишимиз Тўлун Хожа учун Самарқандтин мўғул улуси қоча киришганда Тўлун Хожани йиборилиб эрдиким, элга насиҳат қилиб таваҳхумни хотирларидан чиқарвой, то эл қўрқунчтин сар ба бод бермагайлар».

Бунга ўхшаш мисолларни барча насрий асарлардан истганча топиш мумкин. Улар ижодкорларнинг бадиий санъат воситаларидан фойдаланиш маҳоратларини белгилайди. «Бобурнома»да муаллиф ишлатган кўпгина бадиий санъатлар фақат Бобур услубига хос бўлиб, муаллифнинг баён тарзини белгилаб беради. Мазкур масалани алоҳида мавзулар доирасида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

### ***Гапда қатор келган сўзлар билан ифодалаш маҳорати.***

Бобур насрига хос жиҳатлардан яна бири — гапнинг иккинчи даражали бўлакларидан моҳирона фойдаланиш билан боғлиқ. Маълумки, араб алифбосида тиниш белгилари йўқ ва гапда қатор келган сўзлар ишлатилганда «вергул» вазифасини гурли боғловчилар бажарган. «Бобурнома»да бир неча қатор келган сўзлардан ташкил топган жумлалар талайгина. Масалан, «ва» боғловчиси адиб томонидан кишилар характери, табиат ва жонли мавжудот хилларини тасвирлашда кўпроқ қўлланилган. Ҳиндистон-

нинг носоз табиати ҳақида сўз юритаркан, Бобур шиддат билан бир неча сўзни қатор ишлатади ва имкони борича «ва»лардан фойдаланади. Бунда муаллиф юқоридаги тас-вирлардагига ўхшаш бадиий санъатлардан фойдаланмай-ди, аммо бу салбий сўзлар маъносининг ўзи Бобур маҳора-ти, синчковлиги, ҳар бир калимани ўрнида ишлата олиш маҳоратидан далолатдир. Энг муҳими, ўқувчи адиб мақса-дини аниқ пайқайди. Айни мисолда эса, айтиш мумкинки, чинакам маҳорат зоҳир этилганидан китобхон ҳайратга тушади. Ҳар бир «ва»дан сўнг мантиқ кучи ошаверади, муаллиф мақсади тобора равшанлашиб, аввалги ибора, жумла янгидан қувват олади. Ўқувчи «ва» боғловчисининг так-роридан зерикмайди, аксинча давом этишини хоҳлайди: «Элида ҳусн йўқ ва ҳусни ихтилот ва омизиш ва омаду рафт йўқ ва табъ ва идрок ва адаб йўқ ва карам ва мурувват йўқ... ва яхши от йўқ ва яхши ит йўқ ва узум ва қовун ва яхши мевалар йўқ ва ях йўқ ва совуқ сув йўқ ва бозорларида яхши ош ва яхши нон йўқ ва ҳаммом йўқ ва мадраса йўқ ва шамъ йўқ ва машғал йўқ, шамъ-дон йўқ ва шамъ ва машғал ўрнига жамъ қасир чиркини бўладур».

«Бобурнома»даги қуйидаги матнга эътибор берайлик. Бунда грамматик тузилиши жиҳатидан мураккаб гап кел-тирилган. Ҳар иккала жумлада ҳам қатор келган сўзлар бор. Бобур биринчи жумладаги сўзлар орасида «ва» боғ-ловчисини иплатса, иккинчи жумлада «дағи» боғловчисини келтиради. Бу, бир жиҳатдан, матнни ўқишни осонлаш-тирса, иккинчидан, боғловчиларнинг такрорланишига йўл қўймайди ва грамматик қоидага мос келади. У ҳолда юқоридаги мисолдаги «ва»лар карвони грамматик қоидага зидми, деган савол туғилиши мумкин. Йўқ, зид эмас: адиб услубининг ранг-баранглиги, гўзаллиги ана шунда. Услуб жиҳоси ҳам шу каби мисолларда ўз аксини топади: «Бу тоғларда Ҳиндистон қушлари, Ҳиндистон жониворлари бисёрдур, мисли тўти ва шорак ва товус ва лўча ва маймун ва нилагов ва кўтаҳпой, балки бу мазкур бўлгон жонивор-лардин дағи ўзга-ўзга жинс қушлар ва жониворлар бўлур-

ким, Ҳиндистонда дағи андоқ жониворларни эшитилмайдур».

«Бобурнома»да муаллиф қаҳрамонга хос хусусиятларни ёрқинроқ очиб мақсадида «не» («на») инкор қўшимчасидан ҳам фойдаланган. Масалан, у салбий образ — Хисравшоҳ хусусиятини очар экан, ҳар бир ишлатган «не» сўзи бу шахснинг нокасу нопоклигини таъкидлаб, муаллиф фикрини қувватлайди. Бунда ортиқча муболаға, бадиий воситага асосланган тасвирлар йўқ, аммо жумладаги қатор келган сўзлар бемалол шу бадиий кемтикликни тўлдирган, ҳатто жуда жонли ифодалаб берган ҳам: «Хисравшоҳ бадбахт кофири неъмат салтанат дағдағаси билаким, салтанат андоғ нокас, беҳунарларга не навъ етгай! Не асл, не насаб, не ҳунар, не ҳасаб, не тадбир, не шужоат, не инсоф, не адолат!»

Қуйидаги мисолда эса «не» бўшлиқ, ҳеч нарсасиз далажой маъносида келмоқда, унинг асл сабаби эса кечанинг қоп-қоронғилигида: «Қоп-қоронғи кеча, туп-туз ер, не тоғ ва пушта кўринадур, не йўл ва из маълум бўладур, ҳеч ким бошлай олмади».

«Бобурнома»да «ва» бокловчиси фақат сўзлар орасида эмас, балки қатор иборалар ўртасида ҳам келган. Бунда Бобур «ўнг қўл», «сўл қўл», «ўнг ён» ва «сўнг ён» деб, томонларни икки хил ифодалаган. Шундан ҳам муаллифнинг туркий тил грамматикаси талабларига тўла риоя этганини, бир сўзни жумлада икки марта қайтармасликка интиганини кўрамыз: «Буронғор, жувонғор ва ўнг қўл ва сўл қўл, ўнг ён ва сўл ён, ўнг ва сўл чопа отланғоч бекулфат ясамоқ ва беминнат тавочи черик эли ерлик ери била-ўқ мутаважжих бўдилар».

#### *Тасвирда сифат даражаларидан фойдаланиш*

«Бобурнома»да сифат даражаларини билдирувчи сўз-иборалар кўп қўлланилган. Бобур ижодида сифат дара-

жалари ўзига хос ранг-баранглик, маъно жиоларига эгалиги туфайли, уларни алоҳида, қисқача таҳлил этишни лозим кўрдик. Адиб шахс, воқеа-ҳодиса, жой-макон тасвири-ни келтирар экан, асосан, сифатнинг орттирма даражалари-ни белгиловчи «хейли», «улуқ», «бисёр», «асру» ёки сифат миқдорини белгиловчи «кўп» сўзларини ишлатади. Бу сўзлар «Бобурнома»нинг қаерида келмасин, воқеа-ҳодисаларни белгилаш, ёритишда ўзига хос мазмун касб этади. Масалан, қуйидаги жумлада қурилган суфа «яхши», аммо унга «хейли» сўзи қўшилиб, кўп жиҳатдан маъқул манзил бўлганини ифодалаб келмоқда: «Суфанинг гирдида тамом тол дарахти экилди. Хейли яхши манзил бўлди».

Жумладаги «хейли» сўзи ўзгача маъно касб этмоқда. Исталифдек хушманзара жой барча ҳудудларда ҳам мавжуд эмас, деган мазмун мазкур гапда таъкидланган: «Исталифча кент маълум эмаским, хейли ерларда бўлғай».

Бобурнинг ифода услубига эътибор берсак, унинг нақадар заргарона назокат билан сўз танлаганидан ҳайратга тушамиз. Отанинг ўз фарзандини суйиши табиий ҳол. Бироқ, Бобур фикрича, кишининг фарзандига ортиқча бино қўйиши салбий ҳол. Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Музаффар мирзони бошқа фарзандларидан сабабсиз устун қўйганини муаллиф «хейли» сўзи орқали ифодалаган. Ана шу беҳуда ҳаракат сабабини билдириш учун муаллиф кейинги жумлада «хейли» сўзини ишлатмайди, балки уни, ортиқчаликни англатадиган «кўп»ни «отруқ»қа қўшиб, татсирчан тарзда ифодалаган: «Агарчи хейли суйгидек ахлоқ ва афъоли ҳам йўқ эди, ўғлонлари мунки кўп отруқ кўргани учун аксар ёвқитилар».

Заҳириддин Бобур шахс характерини ифодалашда ҳам сифатнинг орттирма даражаларидан жуда ўринли фойдаланган. Асарда «асру» сўзи кўпинча шу маъно ва вазифада келган. Масалан, Бобур Ҳусайн Бойқаронинг ўз беги Музаффар барлосга юксак самимиятини айтиш шу сўз воситасида ифода-лайди. Жумладаги «билмон» сўзи шохнинг ўз

бегига изҳор этган меҳрининг омонатлигини англатса, «асру улут» иборасидаги «улут» сўзи Ҳусайннинг одам танимай, хатога йўл қўйганини таъкидлайди: «Билмон мирзога қайси таври хуш ёқиб, асру улут риоят қилиб эди».

Бобурнинг Алишер Навоий руҳий ҳолатини белгиловчи қуйидаги жумласига эътибор берайлик. Бунда сифатнинг орттирма даражасини белгиловчи «бисёр» ва сон сўз туркумига мансуб сифатдош — «кўп» сўзи ишлатилган. Аслида жумлада бу икки сўзнинг ўрни алмаштирилса ҳам мазмун ўзгармайди («бисёр йиғлади», «кўп мутаассир»). Лекин Бобур бир сўзни такрор ишлатмаган ва ифода сайқалига эътибор бериб, жумла тузган. Бу билан Навоий руҳий ҳолатини аниқ етказа олган: «Алишербек бисёр мутаассир бўлиб, кўп йиғлади». «Кўп» сўзи «Бобурнома»да тез-тез ишлатилса-да, ҳатто қуйидаги бир жумлада икки марта қўлланилган бўлса-да, ўз ўрнида келган ва муаллиф мақсадини аниқ баён этиб, воқеалар, кишилар характеридаги меъёрнинг бузилганлигидан далолат беради: «Кўп кажхулқ эди (Бека Султонбегим — **Х.Қ.**), Султон Ҳусайн мирзони кўп овритур эди».

«Бобурнома»да муаллифнинг адабий-эстетик тафаккури умумлашма ифодаларда ҳам ёрқин намоён бўлган. Бундай афоризмнамо жумлалар Бобурнинг ҳаёт тажрибаси, фикри теранлиги, воқеа-ҳодисалардан тўғри хулосалар чиқариш, умумлаштириш маҳорати самарасидир. Бемалол айтиш мумкинки, бу мисолларнинг аксарияти зарбулмасал, мақол ва афоризм бўлиб, ўқувчи мушоҳадасини теранлаштиради. Бу жумлаларда Заҳириддин Бобурнинг давлатчилик, юртни бошқариш, қўл остидаги кишилар билан муроа-мадорада яшаш, ишлаш сабоғи акс этган. Яна бир муҳим жиҳати, унинг давлат бошқарувида ворисийлик сиёсати ҳам айнан шу жумлаларда ўз аксини топган. Олдинги ҳукмдорларнинг яхши ва савоб ишларини давом эттириш, «ҳар ишнинг зимнида юз минг мулоҳаза» билан иш кўриш—эл-юртга, салтанатга эҳтиром, бамаслаҳат иш

кўрип сиёсати бу! Бобурнинг шоҳ сифатидаги ютуқлари, урушларда юлиб чиқишининг омили ҳам юксак мантиқий мулоҳазаларида эканига шубҳа йўқ: «Мулкгирликда ва мамлакатдорликта агарчи баъзи ишлар зоҳирда маъқул ва муважжаҳ кўринур, вале ҳар ишнинг зимнида юз минг мулоҳаза вожиб ва лозимдур»; «Бизга етганда саховат била машҳур бўлгон элнинг муруввати унутилур»; «Ишрат усраттин сўнг, фароват машаққатин кейин лаззатлироқ ва яхшироқ кўринур»; «Агар ота ёмон иш қилгон бўлса, яхши иш билан бадал қилмоқ керак»; «Ҳар кимдин яхши қоида қолгон бўлса, анинг била амал қилмоқ керак...»

**Этимология.** «Бобурнома»да турли мавзуларнинг ёритилиши муаллифнинг жуғрофий атамаларни билгани, ўрганишга интилгани, ўрни келганда асарида унга жой бергани китобнинг воқеий-илмий-саргузашт тасвирларга бой манба сифатида кенг кўламда шуҳрат қозонишини таъминлаган десак, хато бўлмайди. Зеро, мумтоз адабиётдаги бирон-бир насрий асарда, у хоҳ саргузашт, хоҳ тарихий, ҳатто жуғрофий мавзуларда бўлсин, Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистондаги жой, қишлоқ, шаҳар, ўлка, тоғ, адир, ҳайвонот ва наботот атамаларини аниқ табиий, жуғрофий маълумоти билан бунчалик кенг, илмий ёритилганини кўрмаймиз. Географ олим Ҳамидулла Ҳасанов «Заҳириддин Муҳаммад Бобур» асарининг «Сўз ва ном» қисмида бу ҳақда кенг тўхталиб ўтган. Бироқ Ҳ.Ҳасановнинг иқрорича, унинг кузатишлари «Бобурнома»нинг географик шарҳи бўлиб, китобда этимология масаласи алоҳида тадқиқ этилмаган. «Бобурнома»га оид бошқа тадқиқотларда ҳам мазкур мавзу етарли даражада ўрганилмаган. Шу боис, бу мавзуга бироз чуқурроқ киришиб, Бобурнинг жуғрофий, тилшунослик қобилиятини билишга ҳаракат қилмоқчимиз.

«Бобурнома»да «бутака» сўзининг шарҳи берилган. Бунда муаллиф мазкур ўтга этимологик таъриф беришни мақ-

сад қилмаган. Матнда тоғ доманалари табияти ҳақида сўз боради. Шарҳда тилшунос Бобурдан кўра, шоҳ, саркарда Бобур қарашлари, мушоҳадаси кўпроқ ўрин олган. Бироқ Бобур бутака ўтининг отга тўйимли емиш эканини таъкидлаб, бутаканинг «стратегик» моҳиятини назарда тутиб, бу ном тарихига мурожаат этади. Бобур этимологик атама шарҳини «важҳи тасмия» ибораси билан беради, яъни «важҳ»—сабаб, «тасмия»— аталиш, келиб чиқиш демакдир. Бобур диққатини, аввало, ўтнинг «бутака ўти» деб номланишига тортади, сўнг унинг асл мазмуни нималигини кўрсатади: «Андароб ва Хост ва Бадахшонот тоғлари тамом арчалиқ, қалин чашмалиқ, юмшоқ пунталиқ тоғлардур. Ўти тоғининг ва пуштасининг ва жулгасининг бирдек бўлур ва хўб бўлур, аксар бутака ўти бўлур, отга бисёр созвор ўттур. Андижон вилоятида бу ўтни «бутка ўти» дерлар, важҳи тасмияси маълум эмас эди, бу вилоятларда маълум бўлди. Бу ўт бута-бута чиқар учун бутака дерлар эрмиш».

Ҳақиқатда, «Бобурнома»да муаллиф табиятнинг ҳар бир гиёҳига синчковлик билан қарагани, уларни ўргангани, аскарларини озиқ-овқат билан таъминлаш масаласи ҳаминша биринчи ўринда турганини кўрамиз. Ушбу фикрни қувватлаш учун яна бир мисол келтирайлик. Бунда Бобур «бефойда» ўт ҳақида гапираркан, унинг этимологияси туғул, умуман, бирор-бир хусусиятини ҳам билдирмайди. Назаримизда, бу фактни у фақат ҳамроҳлари бу ўтдан фойдаланишга уринмасликлари учун берганга ўхшайди: «Яна бир Нижров ва Ламъонот ва Бажавр ва Савод тоғлари қалин ножу ва чилғўза ва балут ва зайтун ва ханжаклик тоғлардур. Ўти бу тоғларнинг ўтидек эмастур, қалин бўлур ва баланд бўлур, вале бефойда ўттур. От била қўйга созвор эмастур».

Бобур этимологик тушунчаларни шунчаки ҳавас учун ўрганмаган, балки уларга шоҳ, саркарда ва адиб сифатида ёндашган. Ўзи эгаллаган ҳар бир вилоят номи, ерли халқ

тили, табиатидаги мавжуд предметлар номини аниқлаш ҳарбий ишларни муваффақиятли олиб боришига ёрдам берган. Қуйидаги мисол фикримизнинг ёрқин далилидир. Бобур ҳарбий буйруқларнинг эски мўғул тили ва бошқа тиллардалиги, аскарлари ҳаминша ҳам уларни тез илғаб ололмасликларини назарда тутиб, таржима ёрдамида етказишга ҳаракат қилган. Бор-йўғи минг кишилик Бобур лашкари унинг фикрини аниқ илғашин учун ҳарбий атамалардаги «ямин ва ясор»ни (арабча сўзлар) «ўнг қўл», «сўл қўл» деб ўзгартиради ва буни «имтиёз» сифатида баҳолайди. Худди шундай аниқлик киритилган «бўй» атамаси ҳам юритилган. Ана шу атамалардаги ислоҳчилик ишларини олиб борган Бобур «ҳеч маҳал онча тартиб ва насақ била ясамайдур эдим» деб, бу ишидан мамнулигини билдирган. Кези келганда айтиш керакки, бугунги мустақил Ўзбекистон армияси ҳам ана шундай ўзгаришларга эҳтиёж сезади. Биз мумтоз адабиётимиз ва тарихимиздан сабоқ олиб, бугунги Ўзбекистон қуrolли кучларида ишлатиладиган рус тилидаги амр-фармонларни, Бобур тажрибаси асосида, кўриб чиқишимиз мақсадга мувофиқ кўринади. Мана ўша матн: «Агарчи баронғор ва ўнг қўл ва ўнг ён бир маъниси бор, вале алфоз тавйири била ташхис мухталиф маонийға мен итлоқ қилдим. Нечунким, маймана ва майсараким, баронғор ва жавонғор дерлар, ясолда қалбнинг ким, қул дерлар, дохили эмас. Мунда бу навъ ясолни ўшул сарофате била баронғор ва жавонғор дейилди. Яна қулким, бошқа ясолдур, мунинг ямин ва ясорини имтиёз учун ўнг қўл, сўл қўл битилди. Яна қулдаким, хосса тобиндур, мунинг ямин ва ясорини ўнг ён ва сўл ён айтилди».

«Бобурнома»да муаллиф Савалак тоғи ҳақида маълумот беради. Савалак Ҳимолай тоғларининг пастки этаклари. Бобур тоғ номининг келиб чиқиш тарихига тўхталиб, олимлик фазилатини намоён этади. Бунда фақат топонимик қараш эмас, балки ном билан ҳудуднинг ўзаро алоқаси, боғлиқлиги ва бир-бирини тўлдириши кўрсатилган. Яна бир жиҳат шуки, Бобур қарийб бирон-бир манбада

учрамайдиган «Кашмир» этимологиясини ўз вариантыда тақдим этади ва шахсий фикрини билдираркан, тақдим қилаётган фикрларига ўзи ҳам унча ишонмайди чоғи, «бу жиҳатдин бўла олурким», дейди. Лекин «Кашмир» сўзининг келиб чиқиши ҳақида билдирган фикрини Бобур шахсан ўзига тааллуқли экани, аниқ илмий далилга асосланмагани учун росттўйлик билан бу ўзининг фарази эканини ҳам айтади. Бироқ Савалак тоғи ҳақидаги қарапсларини у аниқ, шубҳага ўрин қолдирмай баён этган. Шундан ҳам маълум бўладики, Бобур ҳар бир этимологик, топонимик атамаларга катта эътибор берган, унинг асосига, ҳақиқийлигига диққат билан ёндашган ва шундан кейингина китобидан жой берган: «Ушмунча дейдурларким, бу тоғ элини Кас дерлар. Хотирва еттиким, Ҳиндистон эли «шин»ни «син» талаффуз қилур. Чун бу тоғда муътабар шаҳар Кашмирдур... Бу жиҳаттин бўла олурким, «Кашмир» демиш бўлғайлар»; «...Бу тоғни Ҳинд эли Савалак Парбат дерлар, ҳинд тили била «сава»—рубъ, «лак»—юз минг, «парбат»—тоғ, яъни рубъ ва юз минг тоғким, юз йигирма беш минг тоғ бўлғай».

«Бобурнома»да муаллиф ҳаминша ҳам жой номлари топонимикасига бундай кенг тўхталмаган. Айрим жой номларининг аталиши аниқ манбаларда зикр этилганини далиллар билан келтирган ҳоллари ҳам бор: «Яна бир Ғазни вилоятидур. Баъзан туман ҳам дерлар. (Эътибор берайлик, бунда Бобур ҳатто географик бўлинишнинг соф ҳудудий атамасига эътиборни қаратмоқда: Ғазни вилоятми ёки туманми? Демак, ўша пайтда ҳам географик номланишнинг ҳудудий аҳамияти жуда катта бўлган, — Х.Қ.), Сабуктигин билан Султон Маҳмуднинг ва авлодининг пойтахти Ғазни экандур. Баъзи Ғазнин ҳам битибтурлар. Султон Шихобиддин Ғурийнинг ҳам пойтахти бу экандур. Бу Султон Шихобиддинни «Табақоти Носирий»да ва баъзи Ҳинд тарихида Муиззиддин битибтурлар».

Бобур томонидан географик, ҳудудий бўлиниш, тобелик масалалари кўпинча унинг юрт бошлиғи ва шох сифати-

даги хусусиятини ҳам белгилаб беради. Чунки ҳудудларнинг қайси вилоят, мамлакат, туман ва ҳатто қишлоққа тааллуқлилиги чегара масалаларини белгилаб келган. Бобур фақат масалага топонимик жиҳатдан ёндашмасдан, ўз сиёсий нуқтаи назарини ҳам билдирган. Масалан, у: «Баъзи Қандаҳорни ҳам Зобулистон доҳили тутубтурлар», дер экан, бу ҳудудий бўлинишга шубҳа қилгани, бу айрим кипиларнинг фикри эканини уқтириши жуда муҳимдир.

Аксарият ҳолларда «Бобурнома»да муаллиф этимологияга оид маълумотларни турли воқеа-ҳодисалар баёнида йўл-йўлакай тилга олиб ўтади, холос. Масалан, «сингир» сўзининг келиб чиқиши, «афғоншиор» иборасининг «афғоншол»га айлангани, бунда тилда содир бўладиган фонетик ҳодиса таъсирини аниқ кўрсатадики, бу жуда муҳим: «Тонгласи андин кўчуб, Ҳангуға тушулди, бу навоҳидаги афғонлар бир парча тоғни сингир қилдилар. Сингир лафзини Кобулға келганда эшитилди. Бу эл тоғни беркитганин сингир дерлар эмиш»; «Чархнинг боёти қалиндур. Лаҳугарнинг ўзга кентларида боғ бўлмас. Авғонпол элдур. Кобулда бу лафз шойиғдур. Фолибо авғоншиордурким, «авғоншол», дерлар».

Насрий асарларда сажъ санъати кенг қўлланилган. Айниқса, бу санъат Алишер Навоий асарларида жуда кенг ишлатилган. Сўз санъатининг бу воситаси Навоий асарларида ва ўша давр насрида анча ривожланган услуб бўлиб, адабиётшуносликда батафсил ўрганилган. Хондамир ва Восифий ҳам сажъ санъатидан фойдаланганлар ва, шубҳасиз, бу бадиий санъат адибларнинг насрий асарларини безаган, китоб ўқилишини оsonлаштирган, муаллифнинг маҳоратини кўрсатган.

«Бобурнома»да эса муаллиф сажъдан анча кам фойдаланган. Бобур ишлатган сажъ намуналари қанчалик ҳисобли бўлмасин, аксинча, шунчалик ўринли келган асар, бадиий салмовини кўтаришга хизмат қилган. Масалан, «яна бу-ким, Жаҳонгир мирзо мундоқ мукаддар ва ёмонлик билан-ким борди, ё кудуратини рафъ қилғайбиз, ё мазарратини

дафъ»; «Биз шаҳар ва вилояттин маҳрум, борур тураримиз номаълум»; «Семиз этлар ва майда этмаклар арзон, чучук қовунлар ва яхши узумлар фаровон»; «Андоқ усураттин мундоқ арзонлик ва андоқ балияттин мундоқ амонлиққа келдук...».

Таъкидлаганимиздек, «Бобурнома»да сажъ санъати кам ишлатилгани боис биз мазкур мавзуга кенг тўхталмадик ва, табиийки, уни Навоий, Хондамир, Восифий асарлари билан қиёсий таҳлил этишга зарурат сезмадик.

Заҳириддин Бобурнинг бадий маҳорати, сўз санъатидан фойдалангани ҳаётни реал, гузал ва аниқ акс эттиришга ёрдам бергани, ифоданинг жонли, таъсирчан чиқишга улуш қўшганини юқоридаги мисолларда кўрдик. Умуман, ўрта аср насрида фикрни юксак бадий тарзда ифодалаш, сўз санъатидан моҳирона фойдаланиш, реал воқеликни имкони борича шоирона ибораларга, бадий либосга ўраб тасвирлаш давр талаби бўлган. Тарихий, саргузашт, илмий асарларда ҳам бадий воситаларни кенг қўламда қўллаш сўз қадри ва мавқеини сақлашнинг мезони даражасига кўтарилганки, бу ўша давр маънавиятида юксак адабий-эстетик талабчанлик ҳукмрон бўлганидан далолат беради.

## 2. Насрда назм: анъана ва ўзига хослик

XV асрнинг охирги чораги — XVI асрнинг биринчи ярмида яратилган мумтоз насрий асарларда назм намуналаридан фойдаланиш анъана тусини олганини кузатиш мумкин. Адабиётнинг наср ва назм турлари турли даврларда баҳс-мунозаралар мавзусига айланган ва мумтоз адабиётшунослигимизда доимий мавзу бўлиб келган. Адабиётшунос С.Ғаниева «Алишер Навоийнинг прозаик асарлари, китобида шундай ёзади: «Навоий прозасининг қарийб белгиловчи хусусиятларидан бири уларнинг ҳассос шоир қалами остидан чиққанлигидир. Бу, энг аввало, наср билан

назмнинг биргаликда, ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатдан узвий алоқада ишлатилганида кўринади. Прозаик асарлар таркибидаги назмий парчалар насрий баёнда ифодаланган фикрни хулосалаш, яқунлашда, иқтибослар сифатида, шунингдек, муаллифнинг асардаги ғоявий ниятини янада қучайтириб, бўрттириб, эмоционал таъсирчан қилиб бериш учун хизмат қилади». Бизнинг мавзунимиз учун Навоийнинг насрий асарда назмни қўллаб туриб, ўша давр адабиётида наср ва назмнинг мавқеи ҳақида фикр билдиргани диққатга сазовордир.

Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаронинг икки байти битилган мактубини оларкан, жуда таъсирланади. Мазкур байтлар шоирга илҳом бағишлайди ва у «не икки байт эдиким, икки сарой ҳосилин фидо қилсам, ҳеч иш қилмамин бўлғаймен», дер экан, ўша даврда асарлар наср ёки назмда яратилишидан қатъи назар, «назмнинг раъноларида юз ноз ва насрнинг зеболарида минг роз» ифода этилганини кўрсатади. Улуғ шоир томонидан наср ва назм турларига берилган бу баҳо, аслида, насрий асарларда назмнинг мавжудлиги, бу икки шаклнинг ўзаро адабий-эстетик боғлиқлигини кўрсатади. Навоий мазкур айтгани — адабий услубни Ҳусайн Бойқарога юборган насрий мактубидаги бир рубоий билан ифодалаган. Рубоийда насрнинг моҳияти, бадиияти, ўша даврда адабий тур сифатидаги мавқеини айтиб, фикрини назмда ифода этгани диққатга сазовор: «...не икки байт эдиким, икки сарой ҳосилин фидо қилсам ҳеч иш қилмамин бўлғаймен ва не назм ва наср эрдиким, жон ва кўнгил жавҳар-ла билмамин бўлғаймен, назмнинг раъноларида юз ноз ва насрнинг зеболарида минг роз.

### Рубоий:

*Наср андаки анжом ила оғоз эрди,  
Ҳар лафзи анинг мояи эъжоз эрди,  
Ҳар тухфа хат анда роз пардоз эрди,  
Йўқ айб азар десам хати роз бўлди».*

Умуман, XV асрга оид насрий асарларда шеърий парчалар келтириш ўзига хос услуб ва анъана сифатида давом этган, айниқса, форс-тожик ва араб тилларида яратилган асарларда кўп қўлланилган. Фақат тарихий, тарихий-саргузашт, маноқиб ва бошқа рисоаларни эмас, балки барча насрий асарларни шеърий парчалар билан безаш, насрнинг мантиқ кучи, эстетик қудрати камлик қилганда назм «ёрдам»га келган ҳоллар кўп учрайди. Шеърий парчалар насрга кўпинча кўмакдош вазифасини бажарган. Эҳтимол, шу жиҳат бу анъананинг асосини ҳам ташкил этган. Бироқ адиблар шеърий парчаларни ишлатганда наср ва назмдаги мантиқ яхлитлигини сақлашга масъулият билан ёндашганлар, келтирилган ҳар бир шеърий парча имкон борича наср билан уйғунликда қўлланиб, фикр ривожига ҳисса қўшишга қаратилган. Аслида, насрда назм ишлатилиши фақат форсий ва туркий адабиётга эмас, умуман, Шарқ адабиётига хос анъана бўлган. Масалан, ҳинд ёзма ёдгорликлари «Рамаяна», «Маҳобҳората» ёки «Қобуснома» сингари шох асарларда ҳам насрий матнлар орасида шеърий парчалар ишлатилганки, бу китоблар бир оҳангда равон ўқилади.

Мумтоз адабиётимизда бу услуб XV—XVI асрларда такомиллашди ва насрий асарларнинг ажралмас қисмига, талабига айланди. Аслида, Берунийнинг «Ҳиндистон», Ибн Синонинг «Дор уш-шифо», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» каби насрий асарларида ҳам шеърий парчалар берилган. Наср ва назмнинг бир-бирини тўлдириб келган намуналарини Шайх Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», «Муншаот», «Вақфия» сингари асарлари мисолида кўрамыз.

Тадқиқотимизга асос қилиб олинган «Бобурнома», Навоийнинг юқорида зикр этилган асарларига, Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ», Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» асарларига ҳам мазкур анъана хос, албатта. Бу адиблар услубидаги наср ва назм муштараклигининг таҳлили насрий

асарларда назм парчаларини келтириш қонуниятини, бироқ бўлса-да, ўрганиш имконини беради. Зотан, мумтоз адабиётимизда назм ёрдамида насрий матнни бойитиш ва таъсирини ошириш йўллари қидириш диққатга сазовор. Шу ўринда XV—XVI аср адиблари ўз салафларига эргашиб, адабиётнинг бу икки турида эркин ижод қилишни бурчи деб билишганми ёки Навоий ва Жомий каби алломалар ижодининг таъсирига тушишганми, деган саволлар туғилиши ҳам табиийдир.

Таҳлилимизга асос бўлган биринчи манбалар шуни кўрсатадики, мазкур жиҳатлар наср ва назм мутаносиблиги яхлит маънавий-эстетик шаклда мазмунни теран ифодалашга қаратилган. Биз таҳлил доирасига қайси адиб мазкур адабий-эстетик «неъмат»дан қандай фойдаланган, унинг услубида бу жиҳат қандай намоён бўлган, ҳар бир ижодкорга бу адабий усул кўзда тутилган мақсадни рўёбга чиқаришда қай даражада кўмак берган, муаллифнинг ва даврнинг қандай қарашлари ҳамда талабларини адо этган, деган масалаларни олдик.

Ҳар бир адиб бу масалага ўз ўлчови, услубига кўра ёндашган. Масалан, «Бобурнома»да муаллиф ўз фикрини асосан насрда баён этган, бошқача айтганда, асарда шоир Бобурдан кўра носир Бобур кўзга яққолроқ ташланади. Навоийнинг насрий асарларида эса, насрда ифодаланган фикр шоирнинг жозибадор шеърий парчалари, салафларининг байтлари билан бойитилган ҳоллар кўпроқ назарга ташланади.

Бобурнинг бу масалага ёндашишини мисоллар орқали кўриб чиқайлик. У ўз руҳий ҳолатини аниқроқ ва ёрқинроқ ифодалаш, табиатдан завқланиш кайфиятини ўқувчи билан баҳам кўриш, бирор шахс ижоди ёки хусусиятларини белгилаш (бу жиҳат Навоий, Хондамир ва Воҳсийнинг насрий асарларига ҳам хосдир) учун насрда назмдан фойдаланади. «Бобурнома» воқеий-илмий-саргузашт асар бўлгани боис муаллиф ҳаётда рўй берадиган воқеаларни

икир-чикиригача реал тарзда баён этаркан, асосан, насрга эътибор қаратади. Шу боис, наср устулиги асарда яққол кўринади. Бироқ баъзи ҳолларда келтирилган назм парчалари муаллиф ғоясини таъсирчан ифодалашга хизмат қилганини ҳам кузатамиз. Муаллиф ўзининг юксак романтик туйғуларини ифодалаш учун гоҳида шоирона туйғуларга берилади, реалистик тасвирларига кўтаринкилик бағишлаш ниятида шеъроятга мурожаат этади. «Бобурнома»нинг ана шу қисмлари жуда раво ёқилади, ўқувчини муаллиф ҳикоя қилган воқеа-ҳодисалар ичига олиб киради.

Навоийнинг насрий асарларидаги назм ўзгача жило ва хусусиятларга эга. Шоирнинг ҳиссиётга тўлиқ руҳи насрдаги фикрни назм ёрдамида ёрқинроқ ифодалаб келади, қувватлайди, яъни Навоий асарларида «Бобурнома»га нисбатан ўзгача жиҳат — насрдан назмнинг устун эканига гувоҳ бўламиз.

Ғиёсиддин Хондамир тарихчи адиб сифатида «Ҳабиб ус-сияр» асарида ўзининг шеърларидан ташқари, Саъдий, Аттор, Румий, Ҳофиз, Жомий, Навоий, Ҳотифий, Ҳилолий каби шоирлар ижодидан ҳам намуналар келтирган. Бу намуналар поэзиянинг мисра, байт, тўртлик, рубоий, маснавий, ғазал, қитъа каби жанрларига тааллуқлидир. Бироқ «Ҳабиб ус-сияр»да келтирилган назм парчаларини ўқимасдан ташлаб ўтсак ҳам воқеа мазмуни қарийб ўзгармайди. Бу хусусият асарнинг барча қисмларига хос эмас, албатта...

Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарида назм наср билан ғоят уйғунлашиб кетган. Муаллиф ўз даврининг истеъдодли шоири, адиби, адабиётшуноси, муаммо жанрининг билимдони сифатида танилган. Шу туфайли «Бадоеъ ул-вақоеъ»ни Восифий кўпинча ўз шеърлари билан беаган. Восифий насридаги шеърий парчалар Бобур, Навоий, Хондамир асарларида келтирилган парчалардан тубдан фарқ қилади. Агар «Бобурнома»да муаллиф

зарурат туфайли назмга мурожаат этган бўлса, Восифий имкон топилди дегунча насрий матнни шеър билан бойитишга интилган. Батъан «Бадоеъ ул-вақоеъ»да шундай тасвирлар учрайдики, воқеа насрдан кўра назмда ёрқинроқ ифода топган. Буни асарнинг «Гуфтор дар таърифи назир ҳазрати Убайдуллоҳон», «Гуфтор дар баёни шиддати сармо ва зимистони Самарқанд» сарлавҳалари остидаги қиссалар, муаллифнинг қасида, муаммо жанрларига оид ҳикоялари, айниқса, Тошкент шаҳрини васф этган қасидаси мисолида кўриш мумкин.

Насрий асарлардаги шеърий парчаларни ўрганиш наср ва назмнинг ўзаро алоқасини ҳамда муаллиф услубини аниқлашга имкон туғдиришидан ташқари, асар муаллифининг шеършунослик қобилияти, унинг адабий-эстетик қараишларини белгиланида ҳам бир омилдир.

«Бобурнома»да шеърий матнлар байт, мисра, рубоий, маснавий, ғазал жанрларида, батъан эса катта ҳажмда учрайди. Муаллифнинг мақсади асосан насрий матнда ифодаланган бўлса-да, орада келтирилган назм парчалари асар мазмунининг янада таъсирчан чиқишига кўмаклашган. Бу ўринда Бобурнинг Самарқандда шоир Биноий билан учрашуви ва улар ўртасида ўтган шеърий мусобақа баёнини мисол тариқасида айтиш мумкин. Бобур Биноийнинг Самарқандда Шайбонийхон хизматидан чиқиб, саройга келган пайтини тасвирлаган. Адиб Биноийга, унинг Шайбонийхонга — Бобур рақибига хизмат қилганига қарамасдан ишониб, ўз даргоҳидан жой берганини ёзади. Бобур Биноийга писбатан «чун фазилатлиқ киши эди, гуноҳе содир бўлмайдур эди», дер экан, биринчи навбатда, унинг инсоний хислатларини қадрлашини ёзади.

Бобур Биноийни «доим қасида ва ғазал ўтқарур эди» деб ижод билан шуғулланганини таъкидлайди, аммо унинг бирор-бир асарини таҳлил қилмайди, баҳо бермайди. «Бобурнома»нинг айни шу жойида келтирилган шеърий парчалар Биноий шеъри, Бобур рубоийси ва уларга жавоб

ёзган Хожа Абулбарака Фироқийнинг рубойисидир. Абулбарака шеърида Бобурнинг саховати, қалам ва маданият аҳлига меҳр-шафқати, инсонга ишончи ёритилган. Бу шеър мусобақаси Бобур шеър машқини энди бошлаб, илк рубойисини битган даврига тўғри келади. Яна бир позик жиҳат шуки, «Бобуринома»даги бу шеърий парчалар насрий матнга қўшимча вазифасида эмас, балки мустақил мавзу сифатида муаллиф ва унинг ҳамсуҳбатлари дунёқараши, ижтимоий аҳволи, ўзаро муносабати, бир-бирига ҳамияти, турли тилли адибларнинг туркий тилдаги ижоди намунасига айланган. Масалани аниқ тасаввур этиш учун мазкур матнни нисбатан тўлиқ келтирамыз: «Неча кундин сўнг чун фазилатлиқ киши эди, гуноҳе содир бўлмайдур эди, Самарқандга келтурдук. Доим қасида ва ғазал ўткарур эди. Навода бир амал менинг отимга боғлаб ўткарди. Ўшул аснода бир рубойий айтиб ўткарди.

#### Рубойий:

*Не ғалла маро к-аз ў тавонам нўшид,  
Не муҳмали ғалла то тавонам нўшид.  
Онроки не хўрданасти на нўшидан,  
Дар илму хунар кужо тавонад кўшид.*

(Мазмуни: На егулик ғаллам бор ва на кийининишга асраган кийимим бор. Ейдигани, киядигани бўлмаган кийи илм ва хунарга қандай урина олсин?).

Ул фурсатларда бирар, иккирар байт айтур эрдим. Вале ғазал тутатмайдур эрдим. Биргина туркий рубойий айтиб йибордим.

#### Рубойий:

*Ишлар бори кўнглунгдазидек бўлаусидур,  
Инъому вазифа бори буйрулаусидур.  
Ул ғаллау муҳмалки деб эрдинг, бердим,  
Муҳмалга бўю ғалладин уй тўлаусидур.*

Мулло Биноий бу рубойининг сўнгги мисраининг қофиясини радиф қилиб, ўзга қофия била бир рубой айтиб ўткарди:

*Мирзомки, шоҳи баҳру бар бўлаусидур,  
Оламда ҳунар бирла сар бўлаусидур.  
Бир муҳмал учун муңча иноят бўлди,  
Мустаъмал агар десам, нелар бўлаусидур?*

Ул фурсатта Хожа Абулбарака Фироқий Шаҳрисабздин Самарқандга келиб эди. Дедиким, ўшул радиф ва қофияда айтмоқ керак эди. Бу рубойини Хожа Абулбарака айтди.

**Рубой:**

*Бу жаврки қилди давр сўрулаусидур,  
Султони карам бу узрни қўлаусидур.  
Тўкулган азарчи тўлмас, эй соқий,  
Тўкулгонимиз бу даврда тўлаусидур».*

Мазкур парчадаги наср ва назм уйғунлиги яна бир жиҳати билан эътиборни тортади. Бу ўринда Бобур Хожа Абулбарака рубойисини тилга олиб, Шайбонийхондан Самарқандни қайтариб олган пайтга келиб, тинимсиз уруш барҳам топиб, салтанатга тинчлик, фаровонлик ва умид учқунлари насиб эта бошлаганини билдирмоқда. Зеро, Абулбарака рубойида биноийларнинг бу кўйга тушишини кимнингдир айби эмас, балки «давр сўрулусидур», дея баҳоламоқда. Рубойининг охириги мисрасида ана шу бебошликлар, тож-тахт учун курашлар яраси Бобур бошлиқ салтанат томонидан тузатилажаги аниқ ифода этилган. Айтиш мумкинки, Бобур мазкур парчада наср ва назмни уйғунлаштириб, асар мазмунини бойитган.

Қуйидаги мисол ҳам Бобурнинг назмий ижоди билан боғлиқ. Адиб сафари давомида Ғумал рудини кечиб ўтади. Ийди фитр (рамазон ҳайити) ўпа йили Наврўз айё-

мига тўғри келади. Вақт билан боғлиқ бу тасодифни «Бобурнома»да муаллиф наср билан назмни уйғунлаштирган ҳолда тасвирлайди. Бунда Бобур учун ғазалнинг яратилиши муҳим эдими ёки икки айёмнинг бир вақтда келишими, деган савол туғилиши мумкин. Бизнингча, Бобур учун ҳар иккала сабаб ҳам муҳим ҳисобланган. Чунки наср матнидаги «наврўз ул ийдқа ёвуқ келиб эди» ва «ул тақриб била бу ғазални айтиб эрдим» деган иборалар бир-бирини тўлдирган, муаллиф учун байрам ҳам, яратган ғазали ҳам бирдек қадрли бўлган: «Наврўз ул ийдқа ёвуқ келиб эди. Тафтовут бир-икки кун эди, ул тақриб била ғазални айтиб эрдим:

*Янги ой ёр юзи бирла кўруб эл шод байрамлар,  
Манга юзу қошингдин айру байрам ойида ғамлар.  
Юзи наврўзи васли ийдими Бобур ғанимат тут,  
Ки мундин яхши бўлмас бўлса юз наврўзу байрамлар».*

Хондамир «Ҳабиб ус-сияр»да наср билан назмни бирга ишлатишда кўпинча ўзининг шеърий парчаларини мисол қилиб келтиради. Бу билан биз носир, тарихчи Хондамир қатори шоир Хондамирни ҳам таниб борамиз. Яъни адибнинг насрда баён этган мақсади, ундаги мантиқ яхлитлиги назмда кучайтирилади. Яна қизиқ томони шундаки, «Ҳабиб ус-сияр»да шеърий парчалар келтирилган ўринларда бадиий санъатлардан фойдаланиш, адиб ижодига ҳос жимжимадорлик унчалик сезилмайди. Эҳтимол, бу вазифаларни шеърий парчалар бажаргани боис, Хондамир шу усулни маъқул топгандир: «Хон дар авосити ҳамон зимистон табли мурожиат кўфта ва аз Омуйа гузашта ба Самарқанд шитсфг. Ва навбати дигар анжори фароғат ва рафоҳият бар ў жиноти аҳволи сокинони қуббатулисломи Балх тофг. Аммо дар муддати муҳосира он миқдор хароби аз сипоҳи ўзбак дар зоҳири он балда ва тавобеъ руй наму-да, ки мазида бар он тассавур натавон кард. Бинобар он дар боби таърихи он ҳодиса хомаи суҳангузор ин қитъа дар симми таҳрир овард.

## Қитъа:

*Муҳаммадхон чу аз Омӯйа гузашт,  
Шароби айши аҳли Балх шуд талх.  
Тамоми шаҳр вайрон гашт аз чанг,  
Аз он торих шуд вайрони Балх».*

(Мазмуни: Хон ўша қиш пайтида чақирӣқ таблани чалиб Омӯ сувини кечиб, Самарқанд томон интилди. Ва фароғат ва рафоят нури қуббатулислом Балхдан ва унинг аҳолисидан юз ўтирди. Бироқ муҳосара пайтида ўзбак (яъни Шайбонийхон аскарлари — **Ҳ.Қ.**) сипоҳийлари томонидан шунчалик вайроналиклар содир қилиндики, унинг чегарасини тасаввур этиш мушкул. Шунинг учун бу воқеа тарихи ҳақида қаламим қўйидаги тарихни сабт этди. Қитъа: Муҳаммадхон Амударёсини кечиши билан Балх аҳлининг фароғати бутунлай бузилди. Уруш туфайли шаҳар вайронага айланди, шу боис унинг таърихи «Шуд вайрони Балх», деб тоилди.)

Бобур Самарқандда салтанат қилган Султон Маҳмуд мирзо хислатларини таърифлаш учун аввал насрда унинг «фақир ва мискин нафрин ва дуойи бадиға овиз очиб» халқ ғазабига учраганини ёзиб, шеърӣй парча келтиради. Муаллиф Султон Маҳмуднинг бадахлоқлигини биринчи навбатда Хожа Аҳрорга тааллуқли кишиларга «кўп таалди ва таппаддуд қила бошлагани»да кўради. Бунда Бобур Султон Маҳмуд тўдаси ҳаддан ташқари разолатга юз тутганини кўрсатади. Бу разолат фақат Султон Маҳмудга ўхшаш беклар ахлоқида эмас, балки Хисравшоҳга тааллуқли барча эл «ҳамиша шурб ва зиноға машғул» бўлганининг аналитик таҳлили берилганида ҳам кўринади.

Одатда, «Бобурнома»да муаллиф бирон ҳодисадан қаттиқ таъсирланган, тасвирланаётган воқеа унинг руҳиятига мос тушган тақдирда назмга мурожаат этганига гувоҳ бўламиз. Султон Маҳмуднинг Самарқанддек бир юрти азимнинг осойишталигини бузгани, халқни «ба жону дил озурда ва ранжида» этганини насрда ифодалаган Бобур фикри таъсирини кучайтириш учун назмга мурожаат қила-

ди: «Самарқанд аҳликим, йигирма-йигирма беш йил Султон Аҳмад мирзонинг замонида рафоҳият ва фароват била ўтқариб эдилар, аксар муомала ҳазрати Хожа жиҳатидин адл ва шаръ тариқи била эди, бу навъ зулм ва фисқдин бажону дил озурда ва ранжида бўлдилар. Вазиф ва шариф, фақир на мискин нафрин ва дуойи бадива оғиз очиб, қўл кўтардилар:

*Ҳазар кун зи дарди дарунҳои реш,  
Ки реши дарун оқибат сар канад.  
Баҳам бармакун то тавони диле,  
Ки оҳе жаҳоне баҳам бар канад».*

(Мазмуни: Ички яралар дардидан ҳазар қил! Чунки бу яра охир-оқибат кюзага чиқади. Қўлдан келганича бирон-бир дилга озор берма, дилдан чиққан бир«оҳ»бир жаҳонни барбод этар.)

Алишер Навоий асарларида ҳам муаллифнинг ички олами, қарашлари наср ва назм мунтарақлигида ўз аксини топганини кўрамыз. Адиб асарларида ҳамма вақт ҳам насрий асардаги мазмун билан назм парчалари бир мақсадни ифодалаб келмаганини, муайян даражада тафовут ҳам борлигига гувоҳ бўламыз.

Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида турли даврларда ўтган пайғамбарлар ҳақида ёзаркан, насрий матнда Иброҳим пайғамбар шахсиятига оид далилларни келтириб: «Иброҳим Абу Роҳимдур, яъни раҳмлиқ ота. Анбиёга миллат отасидур», деб, унинг умуман, яккахудочиликка асос солганини айтади ҳамда барча миллат набиларининг отаси сифатида таърифлайди. Шу ўринда муаллиф шеър келтиради-да, одамларнинг эътиқод атрофида бирлашишлари лозимлиги, Оллоҳнинг якка-ю ягоналиги ҳар бир мўмин учун аён ҳақиқат эканлиги ва шу иқрор асосида барча миллат, элатларга мансуб кишилар бирлашинлари керак, деган таълимот илгари сурилади. Навоий келтирган тўрт мисра шеърнинг охирги икки сатрида бу ўткинчи дунёда ҳар ким Оллоҳ томонидан белгиланган кунни яшаб кетар

экан, унга имон келтириши, инсофу адолатга юз тутиш лозимлиги тарғиб этилади. Бу мисол, ўз навбатида, Навоийнинг наср ва назм имкониятидан аъло даражада фойдалангани, унинг юксак адабий маҳоратидан далолатдир: «Ва Иброҳим алайҳисаломнинг умри ихтилофида юз тўқсон беш йил дебдурлар. Ва Шом навоҳийсида Жабрун қарий-ясида Тенгри таоло раҳматига борди... Санъати деҳқонлиқ. Ва Иброҳим Абу Роҳимдур, яъни раҳмлиқ ота. Анбиёга миллат отасидур.

### Шеър:

*Гар Иброҳиму Исмоил бўлсун,  
Ки, Ҳақ амрин қабул этмак керактур.  
Бу фоний дайрда чун қилди манзил,  
Туруб бир неча кун кетмак керактур».*

Шайбонийхон Мовароуннаҳрни забт этиб Балх ва Ҳиротга таҳдид солаётган пайт. Хондамир «Зикри нахзати салотини Хуросон ва муқобили муқотилаи Шайбонийхон» («Хуросон султонларининг Шайбонийхон ҳужумига отланганликлари зикри») сарлавҳаси остида Хуросон бек ва султонлари Шайбонийхоннинг бу юртга ҳужуми ҳақида маслаҳатлашганликлари ҳамда унга қарши тайёргарлик кўрганликлари тўғрисида сўзлайди. Шунда кўмакка Кобулдан Заҳриддин Бобурнинг ҳам келиши хабари келади. Хондамир бу ташрифни Оллоҳнинг юксак инояти сифатида қабул қилиб, ўзига хос таърифлар орқали насрда ифодалайди. Адиб Бобурни улуклар экан, одамларга мурожаат этиб, уларнинг кам-аламларини енгиллаштирувчи, дардларига дармон бўлувчи инсон келаётганлигини ёзади. «Бобурнома» маълумотларидан маълумки, Бобурнинг бир ёқадан бош чиқариб Хуросонни Шайбонийхон ҳужумидан асраш таклифини Ҳусайн Бойқаро, Бадигўззамон ва бошқа шахзода-ю беклар унча қабул қилмайдилар. Улар ўзаро низо ва урушлардан чарчаган эдилар, ўрталаридаги қарама-қаршилиқлар шунга бориб етган эдики, истаган

тақдирларида ҳам бирлашиб душманга қарши бора олмасдилар.

Хондамирнинг олим, тарихчи, башоратгўй сифатида Бобурнинг лашкарбошилиқ, шоҳлик қобилиятини олдиндан англаб етгани муҳим: «Ногоҳ мубашшири хужастамаҳол ва даргоҳи иқболмисоли Султон Бадиғуззамон мирзо расид ва башорати тулўи ахтаржоҳу жалол аз уфқи инояти Эзиди мутаъол расонид, яъне хабари ташрифи хужуми майманат хужуми ҳазрати халофату фатҳпаноҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳи шуҷоъ ёфт. Ва партави анвар ва хужжат ва шодмони бар ў жиноти аҳволи соликин жаҳонбони ва умароу аркони давлат тофт:

**Назм:**

*Мужда эй дил, ки Масеҳонафасе меояд,  
К-аз анфоси хушаш бӯй касе меояд.  
Аз вами ҳажр макун нолау фарёд, ки дӯш,  
Задам фолеу фарёдрасе меояд».*

(Маамуни: Тўсатдан хўжаста ҳолатли қосид, иқболли Султон Бадиғуззамон мирзо даргоҳига етиб, парвардигорнинг уфқи иноятидан порлоқ калдузнинг чиқинни ва жоҳу жалоли осойишталик етаётганлигидан даяк берувчи хабарни етказди. У ҳам бўлса, ҳазрати халофатпаноҳ мард ва қўрқмас подшоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур муборақ қадамининг етиб келиш хабари эди. Шунда нур ва иқбол ёруклиги, шодлик барча давлат бошлиқлари чеҳрасида хувайдо бўлди. **Назм:** Мужда бер, эй кўнгил, Масеҳо нафасли келмоқда, унинг хуш нафасидан шундай кишининг хабари етмоқдаки, энди сен ғаму ҳижрон ҳақида нола қилмасанг ҳам бўлади, чунки мен фол очдим, фарёдларимизга, додимизга етувчи келмоқда».)

Қизиги шундаки. Хондамир Бобурнинг тарихи, хислати ва шоҳу саркардалиқ хусусиятлари ҳақида насрда ёзаркан, ўз фикрини шеърӣй парча билан якунлайди. Кўп ҳолларда «Ҳабиб ус-сияр»даги насрий матнда муаллиф Бобурнинг давлатдорлик сиёсатига оид жиҳатларни ёритса, назмда унинг шу хусусиятларини такомиллаштирган. Ма-

салан, асарнинг «Зикри вусул ва мавқаби ҳазрати Бобур подшоҳ ва зоҳири балдаи Кобул ва мафтуҳ шудани он хатта ба марзи инояти ҳазрати худованди жузвкулл» сарлавҳали қисмнинг охирида келган ушбу парчага эътибор қилайлик. Сарлавҳадан маълумки, Афғонистоннинг Кобул вилояти Оллоҳ инояти ва ихтиёри билан Бобур тасарруфи остига кириши ҳақида гап боради. Хондамир бу тарихий воқеани батафсил баён этиб, якунида шундай ёзади: «Ва ҳазрати подшоҳ мувофиқати тобидоти илоҳи ва муозидоти тавфиқоти номутаноҳи хаттаи Кобул ва тавобеъ ва музофот ва замол ва мулҳақотро ба тахти тасарруф дароварда маъмур ва ободон гардонид ва тавоифи раъёиё ва мезонро, ки поймол ва жавр ва адвон ва аз дасти хеш зулм ва исён гашта буданд, ба миҳоди амин ва амон расонид.

**Назм:**

*Илми адл доду сохт баланд,  
Партави лутф бар жаҳон афканд.  
Бас ки дар мулк тухми эҳсон кошт,  
Гашта хуррам зи марғзори бихишт.  
Боғи умеди аҳли фазлу ҳунар,  
Шуд зи файзи атои ӯ ба бар».*

(Мазмун: Подшоҳ ҳазратлари Оллоҳнинг хоҳишу иродаси билан қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш учун Кобул чегараси ҳамда унинг бутун атрофидаги мулкка эгаллик қилди, уни маъмур ва обод этди. Ундаги барча қурилишлар ва мозорлар турли шахслар томонидан турли даврларда хароб бўлган эди, қайта обод этиб, тартибга келтирди ва тинчлик ҳамда омонликни барқарор этди.

**Назм:** Адолат илмини баланд кўтарди, жаҳонга лутф партавини ёйди. Мулкда эҳсон уруғини экканидан кейин, бу мулк жаннат мисоли хуррам бўлди. Фазлу ҳунар аҳлининг умид боғи унинг файзу атоси туфайли ҳосилга кирди.)

Хондамир асарида насрий матн ичида шеърӣ парча келтирар экан, аввал айтганимиздек, кўпинча наср ҳам, назм ҳам бир мазмунни ёритиб келадикӣ, бу ҳам муаллиф

услуги белгиларидан биридир. Бунда шеър қудрати, жи-  
лоси, оҳанги, қофиялар жаранги, сўз шираси насрда баён  
этилган фикрга сайқал беради. Китобхон асардаги тари-  
хий воқеа-ҳодисалар, айниқса, қонли жангу жадаллар тас-  
вири, исмлар ва жой номларини ўқишдан толиққанда шеъ-  
рий парчаларни муголаа қилиб дам олади, нафасини рост-  
лаб, ўқинини давом эттиради. Эҳтимол, насрий асарда назм  
парчаларини келтиришнинг бир жиҳати шундай руҳий  
«даво» билан ҳам боғлиқдир. Масалан, қуйидаги парча  
фикримизни далиллайди: «Ду подшоҳи жангжўю пур-  
хошжўй бадин тартиб ва инон дар баробари якдигар ота-  
ши хашм ва кин муштаил сохта. Баҳодирони пурдил ба  
нўки пайкони жонгусини ноираи хунрез дар жисм пурси-  
тез куподанд ва дилерони рустамтавон ба зарби шамшер  
бар он рахна дар жони хубон андохта хирмани бақои эшон-  
ро бар боди фано доданд.

#### Назм:

*Ҳамоми камонҳо зи борони тир,  
Расомид тўфон ба чархи асир.  
Ҳисомид далерон чу хунбор гашт,  
Зи хун руди Жайхун падибор гашт».*

(Мазмуни: Урушишга ташна ва бир-бирини йўқ қилишга  
интилган подшоҳлар ғазаб ва нафрат билан жанг бошладиларки,  
қўрқмас баҳодирлар ўзларининг жисмларини ўткир найзаларнинг  
қонли тизига топшириб, жангга кирдилар ва Рустамсифат паҳла-  
вонлар ўзларининг шамшир тиклари билан жуда кўп кишиларни  
бу дунёдан жудо қилдилар.

Назм: Камонларнинг тортилишидан ўқлар ёмғирдек ёғилди.  
Натижада чархда тўфон вужудга келди. Баҳодирларнинг шамши-  
ри қонга бўялгандан сўнг, Жайхун сувлари ҳам қонга қоришиб  
кетди.)

«Бобурнома»даги шеърий парчалар кўпинча муаллиф-  
нинг руҳий ҳолатини акс эттиради. Хондамир асаридан  
келтирилган мисолларда ҳам Бобурнинг бу ҳолатини

кўрдик. «Бобурнома»дан жой олган матлаъ, мисра, баъзан ғазалнинг яратилиш тарихини бизга ойдинлаштиради. Бу назмий сатрлар асар муаллифи шахсиятига тааллуқли бўлиб, муаллифнинг руҳий кечинмаларини ўрганиш имконини беради.

Шоҳ Бобурнинг энг оғир руҳий ҳолатта тушган вазиятлари — турли даврда ҳеч вақосиз, яъни от-улов, егуликларсиз қолган пайтларидир. Қору бўронлар, шиддатли жангу жадалларга ҳам бардош берган Бобур ҳаётдан нолимаган, бировдан ёрдам сўрамаган, бироқ аскарлари захирасиз қолганда ўзидан кўра уларга кўпроқ қайғурган, улар олдида номус қилган. Шундай дамларда иззатнафсонияти баланд бу шахс ўз руҳий кечинмаларини шеър билан ифодалаган ва шу тариқа енгил тортган. Назаримизда, шундай пайтда насрдаги тасвирдан муаллиф кўнгли тўлмаган, аниқроғи, насрда тўла ифодалай олмаган ички дунёсини назмий асарида ифодалаган. Қуйидаги мисол бунинг ёрқин намунасидир: «Яна Боқи Тархонға ва ўзга бекларга асру кўп инсоният ва бахшишлар кўрсатти (яъни Хисравшоҳ — Ҳ.Қ.). Икки навбат анинг вилоятидин убурумиз воқитъ бўлди. Бизнинг абнойи жиҳсимиз демайки, адно навкаримизга қилғон инсониятни бизга қилмади, балки навкаримизча бизни кўзга илмади.

Байт:

*Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилик,  
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилик».*

Қуйидаги мисол ўзгача мазмунга эга. Бунда яқуний хулосани Бобур шеърда эмас, аксинча, насрий парчада айтади: «...мунинг зарари туркка ва мўтулға мусовидур». Шайх Саъдийдан келтирилган шеър эса «Бобурнома»даги насрий матн билан жуда ҳамоҳанг жаранглайди: «Хожа Абулмакоримнинг тавассути била бу сўзни ораға солдимким, Шайбоқхондек ғаним пайдо бўлубтур, мунинг зарари туркка ва мўтулға мусовидур. Мунинг фикрини ҳололиқтаким,

улусни ҳагуз яхши босмайдур ва кўп улғаймайдур, қил-моқлиқ вожибдур. Нечукким дебтурлар:

*Имрўз бикүш чу метавон кушт,  
Оташ чу баланд шуд жаҳон сўхт.  
Мағзорки зих қунад камонро,  
Душман чу ба тир метавон дўхт».*

(Маъмуни: Кучинг етар экан, оловни шу он ўчир. Агар алағга олса, жаҳонни ёндиради. Душманинг камонини ўқлашга имкон берма. Чунки у ёйи билан барчани нобуд қилиши мумкин.)

Алишер Навоий ижодида наср ва назмнинг уйғунлигига жуда кўп мисол келтириш мумкин. Улуғ адиб асарларида мазмун бир мавзуга дахлдор бўлади — наср назмни, назм насрни мантиқан тўлдириб, бир-бирига сайқал беради. Қуйидаги мисолда насрий матндан кўра назм парчалари кўпроқ. Муаллиф фикрини рубоий билан бошлайди. Рубоийдаги ҳазил оҳангини насрдаги ифода ва иборалар мантиқан давом эттиради. Ўқувчи насрий парчани ҳам, назм намуналарини ҳам бирдек ўқийди, Навоийнинг «сўтвор» дардига шерик бўлади. Яна насрий парчалардан сўнг бир байт келтирилади. Бу Навоий ғазалининг Матлаъи бўлиб, бу мавзу адибга ҳеч ором бермагани, у бутун ижоди давомида, аниқроқи, умрининг охиригача «қуёшдек шоҳи» ҳажрида ёнганини билдиради. Байтдан сўнг Навоий яна насрга мурожаат қилади, бироқ насрий парчани узоқ давом эттиролмайди, Олдиҳ имтиҳонини ва у юборган кулфатга чидашдан бошқа чора йўқлигини билдириб, яна бир рубоий келтиради. Рубоийда Навоий насрда айтолмаган дардини очиқ баён этади:

«Рубоия:

*Вешунгон эмиш қаро булутқа моҳим,  
Гардунни совурмоғлиқ эрур дилхоҳим.  
Кирмиш қаро туфроққа қуёшдек шоҳим,  
Невачун қаро қилмасун фалакни оҳим.*

Жигарсўз ҳодисаким, истимои кўзга мужиби хунбор-  
лиқ ва ғамандўҳ воқиаким, иттилои жонга боиси афгор-  
лиғ эрди—етишти. Кўз ашк тўфонидин баҳор ёмғуридек  
сели андўҳ оқизиб, жон ғусса фиронидин найсон булути-  
дек ўкурмак оғоз қилди.

*Ўртанур эл фурқатингдин нола бунёд айласам,  
Қўзғалур олам ўқирмак бирла фарёд айласам.*

Аммо... сабрдин ўзга чора ва таҳаммулдин ўзга тадбир  
топилмас.

**Рубоия:**

*Гул борди эса, чаман муаттар бўлсин,  
Шамъ ўчти эса, қуёш мунаввар бўлсин.  
Шаҳзодага гар раъза мўяссар бўлди,  
Султонга жаҳон мулки мусаххар бўлсун».*

«Бобурнома»да мумтоз адабиётимизда қўлланилган «таъ-  
рих айтиш» бадий санъатига доир мисоллар ҳам бор. Бу  
парчалар кўпинча насрда (айрим ҳолларда тарихий сўзлар  
араб тилида) матн таркибида келади. Батъан Бобур шеъ-  
рда ифодаланган тарихий воқеани келтиради. Шулардан  
бири унинг 19 ёпида Самарқандни Шайбонийхон қўли-  
дан қайта олиш тарихига доир ёзилган байт. Бобур «Бу  
фатҳда шуаро таърихлар айтиб эдилар», дер экан, унинг  
иқрорида ёш бўлишига қарамай Шайбонийхондек «пур-  
тажриба ва кўп иш кўрган ва улув ёшлиқ киши» устидан  
эришган ғалабаси сурурини кўрамиз. Муаллиф бир қанча  
шоирлар бу воқеага атаб тарих ёзганларини зикр этар-  
кан, воқеанинг чиндан тарихий аҳамиятга молик эканини  
уқтиради ва камтарлик билан «ул жумладан бир байт хо-  
тирда қолибтур», дейди. Аслида, бу байт Бобур хотираси-  
га туйқусдан келмаган кўринади. Унда Бобур пижоати,  
мардлиги, фотиҳу баҳодирлиги хирад аҳли томонидан тан

олингани ҳақида сўз боради. Аниқроғи, таърих айтган шоир «Бобурнома» муаллифи ўзи ҳақида айта олмаган, айтса нокамтарлик бўладиган фикрни тўлдирмоқда. Бобур бу байтдан олдин фахр билан Шайбонийхон устидан қозонган ғалабасини Ҳусайн Бойқаронинг Ҳиротни Ёдгор мирзодан олгани билан солиштириб, беш жиҳатдан ўз устунлигини ёзган. Бобур таърих айтиш санъатига доир бир байтида ана шу мазмунни янада бойитиб, такомиллаштирган: «Бу деганлардин вараз элга санг кам урмоқ эмас, баёни воқеи бу эрдиким, мазкур бўлди... Бу фатҳда шуаро таърихлар айтиб эдилар. Ул жумладин бир байт хотирда қолибтур.

**Байт:**

*Боз гуфто хирад ки таърихаш,  
«Фатҳи Бобур баҳодур аст», бидон».*

(Мазмуни: Ақл яна айтдики, билгил: унинг таърихи «Фатҳи Бобур баҳодур бўлур».)

«Бобурнома»да насрий матнлар орасида ҳажми анча катта шеърий парча (36 мисра) ҳам бор. Бу асардаги ноёб ҳол эканидан ташқари, Бобур услубига унчалик хос ҳодиса ҳам эмас. Муаллиф аввал насрда Афғонистоннинг Якка, Шибарту, Жангалак деган жойларида туркман ҳазоралари билан жанги манзарасини анчагина батафсил тасвирлайди. Насрий парчада ҳикоя якун топади, адибнинг бу мавзуда айтмаган фикри қолмаган, аниқроғи, шеърий парча келтиришга зарурат йўқ: «Илгаридин хабар келдиким, бир неча ҳазора черик элининг олини бир тангида тўсуб, ўқлашиб кишини ўттали қўймайдурлар, бу хабар келгач, илдам ўқ юрудум, етиб кўрдум эрса, танги ҳам эмас, бир неча ҳазора бир тумшукдин келиб ўқ қўядурлар, партал йиғилиб турубтур, ўбдон-ўбдон йигитлардек.

Шеър (36 мисра шеър келтирилган — Ҳ.Қ.).

*Ҳазора молидин мен ҳам бир пора кўй йиғиштурдум».*

Шеърда ҳам Бобур лашкарларининг ҳазоралар билан уруши манзараси берилган. Шеър маснавий шаклида ёзилган бўлиб, унча бадий юксак эмас. Эҳтимол, Бобур ўша пайтда бу шеърни ёзиб, асарига киритиб қўйганга ўхшайди.

Насрий асарга киритилган назмий парча асар мазмунини бойитиб, унга сингиб кетиши керак. Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарида олинган қуйидаги мисол шундай хулосага келишимизга асос бўлди. Унда муаллиф катта аҳамиятга молик давр воқеасини бир мисра орқали баён қилган. Маълумки, Паҳлавон Муҳаммад Куштигир Ҳусайн Бойқаро салтанати даврида энг моҳир курашчи, мусиқашунос, шоир ва олим эди. Паҳлавон Муҳаммад аслида ўша кезлардаги Усмонли империясига қарашли Измир шаҳридан Машҳад шаҳрига тоғаси Паҳлавон Абусаъид билан бирга келган «сайнд»дир. Ҳирот зодагонлари Паҳлавон Муҳаммадни «мусофир» ёки «бегона»дек тутиши Куштигирни пойтахтда чамаси эллик километрга ғарбдаги, Машҳад йўли устидаги Неъматобод қасабасида яшашга ундаган (*Муҳаррир*).

Алишер Навоий ҳамиша бу шахсни юксак инсоний фазилатлари туфайли ҳимоя қилган ва унга атаб алоҳида «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асарини битган.

Бу сиймо ҳақида Восифий асарида ҳам жуда кўп воқеалар келтирилган.

Восифийнинг ёзишича, кунларнинг бирида Ҳусайн Бойқаро базм оқшоми уюштиради. Паҳлавон кечада қатнашади ва сайр қилиш мақсадида ташқарига чиқиб, шонинг пайки—отини жиловидан тутиб борадиган Тайфур исмли чиройли йигитча ва унинг ҳамроҳи бўлган ўспиринлар базмига боради. У ёзади: «Паҳлавон Муҳаммад Абусаид ҳаво олиш учун ўтирган даврасидан ташқарига чиқиб, Садафхона томонда мағъал ёруғлигини кўрди ва ғаларовурни эшитди. Мастлиги туфайли Паҳлавон ўша томонга қараб юрди. Яқинлашиши билан Тайфур уни кўриб, пайкий ёшлар билан бирга истиқболига чиқди ва оёғига бош қўйиб бу қанчалик лутф ва банданавозлик деди. Мисра: *«Бургут паппани овлаш учун келмоқда»*.

Бир қараганда, унча эътиборни тортмайдиган бу мисрада Восифийнинг жуда катта масала—ўша даврдаги ахлоқий-маънавий мавзуга берган баҳосини кўрамиз. Паҳлавон Муҳаммад, таъкидлаганимиздек, ўзи оддий халқдан чиққани учун Ҳусайн Бойқаро уюштирган мажлисни тарк этиб, бевараз, шоҳона илтифотдан холи суҳбатни хуш кўрган. Ширакайфлик Паҳлавонни беихтиёр Тайфур ва унинг атрофидагилар даврасига тортган. Албатта, бунда Восифий Паҳлавоннинг Тайфур бошлиқ бесоқол болалар даврасига интилганига ҳам ишора этадики, бу мавзунини ёритишда муҳим жиҳат. Ҳар ҳолда, Восифийга Паҳлавондек обрўли, давр фозилларидан бирининг ўспиринлар, Ҳусайн Бойқаро отининг жиловдори, пайки ва бесоқоли суҳбатига боришни эриш туюлган. Адиб бундай ғаройиб воқеаларга «Бадоеъ ул-пақоеъ»дан ўрин беришни мақсад этган. Асар сюжети ва воқеаларининг рангини бўлишини кўзлаган Восифий Паҳлавон Муҳаммад, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Тайфур қатнашган бу қиссани завқ билан ҳикоя қилган. Бироқ яна бир эътиборни тортадиган жиҳати шундаки, насрий парчада тасвирланган бу воқеада Восифий Паҳлавоннинг ёнини олмаган, Навоий томонида ҳам турмаган, балки даврани тарк этиб, Ҳусайн хизматкори Тайфур базмига юз тутган Паҳлавондан ранжиган ва Ҳусайн Бойқаро қарашларини ёқлаган.

Зайниддин Восифий ўзи ҳам паҳлавон бўлган. Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур «ҳарзагўйлиги», яъни баъзан куракда турмас «ҳангомалар»ни ёзиб, айтиб юргани сабабли Зайниддин Восифийни тилга олмакни ўзига эп кўрмаган. Зайниддин Восифий Маворўннаҳр ва Хуросонда хонлар саройида «дарбадар» кун кечирган, табиийки, Паҳлавон Муҳаммадга хос «чеккагирлик», саройдан йироқ юрмакни хуш кўрмаган. Ҳар қандай «воқеа» ҳақида нақлга синчков ёндашиш керак (*Муҳаррир*).

Насрий асарлардаги назм парчаларини диққат билан ўргансак, адиб ижодий лабораториясининг поэтик жиҳатлари намойён бўлади. Агар айрим мисолларда шеърини парча фақат мантиқ гўзаллиги, сўз санъатининг зеб-зийнати

учун ишлатилса, «Бобурнома»да муаллиф мақсади ва асли ниятини ифодалаб келади. Бобур сўз мазмунида такрорга йўл қўймаслик учун назмда баён этадиган фикрини насрий матнда очиқ-ойдин айтмайди. Унда фикр умумий тарзда ифодаланиб, муаллиф мақсадини шеърий сатрлар ёрқин очиб беради. Масалан, Ҳиндистон воқеалари тасвирини олайлик. Ҳинд рожаларидан бири Қосим Санбалий енгилган, аммо Бобур одамларига қўрғон ихтиёрини бериш ниятида эмас. Бобур насрий матнда ўзининг сиёсати, қудрати ҳақида сўз юритмайди, балки «ваъда ва вайд фармонлари»ни юборганини айтади. Эҳтимол, бу фармонларда шеър матнида келтирилган шиддат ва турклар (ўзбеклар) билан сиёсатда ҳазиллапиш яхши эмаслиги уқдирилгандир, аммо бу фикр насрий матнда йўқ. Шу боис, шеърий парча муаллиф мақсадининг асли ифодаси, якуний хулосасига айланган: «Байанага Қаландар пиёдани йибориб, Низомхонга ваъда ва вайд фармонлари йиборилди. Буғина қитъани бадихада айтиб, битиб йиборилди:

*Бо турк ситеза макун, эй, мири Байана,  
Чолокию мардонаши турк аён аст.  
Гар зуд наёишу насихат накуни гўш,  
Онжоки аён аст чи ҳожат ба баён аст».*

(Мазмуни: *Эй, Баёна мири, турк билан ўйнашма. Туркнинг эпчиллик ва мардлиги ҳаммага аёндир. Агар тез келиб, насихатни қулоққа олмасанг, аён бўлган гапни баён қилишининг нима ҳожати бор.*)

Шундай қилиб, мумтоз адабиётимиздаги насрий асарларда назм намуналаридан фойдаланишни, назм ва наср—адабиётнинг бу икки тури бир асарда «япаб» келганини қисқача бўлса-да, кўриб чиқдик. Бу икки адабий турнинг уйғун ҳолда бадий асарлардан ўрин олгани мумтоз адабиётимизни юксалтириш, тараққий эттиришга сабаб бўлган. Насрий асарлардаги назм парчалари адабий, тарихий аъённа эканлигидан ташқари, муаллифнинг шеършунослик истеъдоди, эстетик тафаккури, шеър танлаш, мавзуга мос шеър ярата олиш маҳоратини ҳам кўрсатади.

### 3. Мусиқага муносабат — адабий-эстетик қарашнинг таркибий қисми

Ўрта Осиё ва Хуросон халқлари тарихига назар ташласак, маданиятимизнинг нақадар қадимлигига гувоҳ бўламиз. XVI—XVII асрларда яшаб, ижод этган Дарвеш Али «Рисолаи мусиқий» асарида ёзишича, бу халқлар милoddан олдин ҳам мусиқага ихлос қўйишган. Муаллиф чанг, барбат, қонун, уд, ғижжак, қўбуз ва най каби чолғу асбобларининг келиб чиқиши тарихини ҳикоя қилади, ўша даврдаги соҳанда ва бастакорларни санаб ўтади. Навоий даврида, ундан кейин Бобур салтанати замонида ҳам санъат ва адабиёт даргоҳига қадам қўйган киши котиблик, нотиқлик, айрим ҳолларда, тасвирий санъат сирларини билиши билан бирга, мусиқа назариясини ҳам эгаллаган бўлиши, бир ёки бир неча мусиқа асбобларида куй чалиб кўрсатиши талаб этилган. Шеъриятда аруз талабига монанд ғазал яратиш қонуний ҳисобланганидек, шоирнинг мусиқа оҳанглариининг нозик жиҳатларини идрок этиши ҳам шунчалик муҳим бўлган.

Навоий ва Бобур даврида «...музыка санъати соҳасида классик мақомлар билан бирга, халқ куй ва оҳанглари ҳам яшаб келар эди. Классик мақомлар ёзма адабиётдаги лириканинг мазмунини ва руҳини билан бевлиқ равишда давом этса, халқ музикаси ўзининг ўйноқчилигини ва жозибadorлигини билан ажралиб турарди»<sup>\*</sup>.

Шарқ адиби ва олимлари ҳаётига назар таплаганда, уларнинг мусиқадан яхши хабардор бўлганликларини кўра-миз. Жумладан, Форобий, Абу Али ибн Сино асарларида, Кайковуснинг «Қобуснома»сида, Маҳмуд Масъуд Шерозий (XIII—XIV асрлар), Муҳаммад Омилий (XV аср) асарларида мусиқага доир жуда кўп қимматли фикрлар бор. Тожик классик адабиётининг асосчиси Абу Абдулло Рўдакий уд чалишда, Носир Хисрав ғижжак чалишда, Фир-

<sup>\*</sup> Ўзбек насри тарихидан. «Фан», Тошкент, 1982, 19-бет.

давсий чанг, барбат чалишда пухрат топганлар. Алишер Навоий, Биноий, Ҳусайн Бойқаро, Бобур мусиқа назариясига оид асарлар яратилган, куй басталашган.

Бобурнинг мусиқага қўйган талаби шеърятга муносабати сингари изчил, объектив бўлган. Унинг бу соҳага оид қарашлари билан Навоийнинг эстетик муносабати орасида ҳамоҳанглик бор. Навоийнинг замондошларида мусиқа ҳавасини орттириш, уларда мусиқа олами завқи, сеҳридан баҳрамандликни тарбиялашдаги кўмагини Бобур давом эттирган. Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»да мусиқанинг жозибаси, сеҳри ҳақида фикр юритиб, кайфият-ни кўтаришда куйнинг таъсири, кундалик ҳаётда зарурлигини шундай таъкидлаган: «Хушхон муғаннийдин дард аҳлининг ўти тездур, агар малоҳати бўлса, ҳол аҳлиға рус-тоҳездур. Ҳар муғаннийки, дардмандонароқ нағма чекар, анинг нағмаси захлиқ юракка ковгарроқ тегар».

Кўриниб турибдики, улут шоир фақат ёқимли куй ва хушовоз хонандани таърифлаётир. Демак, самимий, юксак нафосат билан яратилган куйгина киши руҳининг озиғи бўла олади. Навоий ҳамиша ҳаётий санъат тарафдори бўлган ва бу соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаган. Лекин, унинг фикрича, қўшиқ элга хизмат қилиши керак. Санъатта дор туширганларга адиб нафрат билан қараган. Санъатни даромад манбаига айлантириб олганларни эса таъмагир сифатида қоралаган: «То буюрғувчида сила ва инъом бор, алар мулозимдурлар ва хизматтор. То суҳбатда неъмат кўп, аларга барча амру наҳйинг жўб. Чун базмда танаъум оз бўлди, алар иши истиғноу ноз бўлди... Ҳаракотлари тузуксиз сўзларидек ва калимотлари ҳашв ва маҳалсиз нозларидек. Вафо алар таъбидин маслуб...».

Адабиётшунос Ботирхон Акрам ёзади: «Навоий ваза-лиётда саз, овоз, наво, қўшиқ, нағма, шаҳноз, суруд, баёт, оҳанг, ўланг, арғуштак, савт, нақш, илҳон каби куй, рақс, мусиқа маъносидаги: созанда, хонанда, наво, нағмакаш, илҳоннамой, илҳонсаро, мутриб, муғанний, чаргар сингари бастакор ва созанда маъносидаги, шунингдек, уд, чанг, тан-

бура, арғунун, қонун, най, фижжак, рубоб, сетор, сур, сурнай, карнай(караной), нақора(новора), ковурго(катта новора), чағона (сафойил) каби чолғу асбоблари гоҳ бевосита мутрибона-муסיқий манзаралар чизиш учун хизмат қилса, гоҳида (аксарият) билвосита улғу шоир ва мутафаккирининг фалсафий, ижтимоий, маънавий-ахлоқий ва ижодий-эстетик қарапларини ифодалайди»<sup>\*</sup>.

Заҳириддин Бобурни ҳам адабиёт ва муסיқа аҳлининг ахлоқ масаласи доимо қизиқтириб келган. «Бобурнома»да бу масалага кенг ўрин берилган. Айтиш жоизки, Бобур ҳам Навоий сингари санъат аҳли ахлоқини унинг ижоди билан бирга таҳлил этган. Бобур тасвирлаган муסיқа билимдонларидан бири Ҳусайн Удий бўлиб, «удни мазалиқ чолиб, мазалиқ нималар айтур эди». Бу қараш санъаткор ижросидаги асар малоҳатли бўлса «ҳол аҳлиға рустохез» вужудга келишини қайд этган Навоий қарашига тўғри келади. Ҳусайн Удийнинг муסיқа илмига киритган янгиллиги («уднинг торларини якка қилиб бу чолибтур») жуда қадрланиб, ижобий баҳоланган. Бобур бу созанда ахлоқидаги энг катта иллатлардан бирини қайд этиб: «айби бу эдики, бисёр ноз била чолур эди», дер экан, унинг санъати халқ учун эмас, балки кимлар учундир хизмат қилишини, ўзини бошқалардан юқори қўйиш, ялинтириш хусусияти борлигини айтади ва фикрини исботлаш учун жонли бир мисол келтиради. Диққатга молик жойи шундаки, «Бобурнома»да муаллиф Шайбонийхон ҳақида илиқ, ижобий гап айтмаган, фақат Ҳусайн Удий мисолида уни оқлаб: «Шайбонийхон бир навбат соз буюрур, такаллуф қилиб ҳам ёмон чолур, ҳам ўз созини келтурмай, ярамас соз келтурур. Шайбонийхон фаҳмлар, буюрурким, суҳбатда-ўқ қалаба гарданиға урарлар. Шайбонийхоннинг оламда бир яхши ишиким бор будур, филвоқит хўб бордур. Ушмундоқ позук мардакларга мундин кўпрак сазо керак».

Муסיқани тушуниш ҳақида Навоийнинг «Насоим ул-муҳаббат»ида (бу мисол Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс»и-

<sup>\*</sup> Акрам Ботирхон. "Мутрибона оҳанглар". «Санъат», 1991, 5-сон.

да ҳам бор) келтирилган мисол жуда характерли: «Алар (яъни Жалолиддин Румий — Ҳ.Қ.) дер эрмишларки, рубоб уни беҳишт эшигининг сариридур. Агар бизга андин завқу хушҳоллиқ бўлса, жиҳат будур.

Бир мункир эшитиб дебдулки, биз доғи эшитурбиз. Бизга нечук ул завқу ҳол бўлмас? Алар дебдулларки, сиз ул эпикнинг ёпқанининг саририн эшитурсиз, биз очқонининг. Сабаб будурки, бизга завқу ҳол бўлур ва сизга йўқ”.

Албатта, Навоийнинг Румий тилидан келтирган бу эътирофида соф тасаввуфона қараш мавжуд. Яъни мусиқадан чиқадиган оҳанг илоҳий куй бўлиб, одам токи Оллоҳни кўнгли билан танимаса, Унга чин дилдан эътиқод қилмаса Уни эшита олмайди, таний олмайди. Шу боис, Румий мусиқадан завқ олган, уни бутун вужуди билан ҳис этган, мункир эса бу лаззатдан маҳрум бўлган. Демак, мусиқани (пу билан бирга, адабиётни ҳам) фақат оддий эшитувчи сифатида эшитиш (ёки ўқиш) кифоя қилмайди. Уни қалб билан тушуниш лозим. Ўшандагина у кишига завқ бағишлаб, руҳини поклайди.

Навоий қарапларида кузатганимиздек, Бобурнинг муносабатида ҳам мусиқа ва адабиётнинг ҳамоҳанглиги, адабий жараённинг мусиқа олами билан ҳамбасталиги яққол сезилади. Ўша даврда кўпчилик мусиқа билимига эга бўлган ва, ўз навбатида, бу билим аруз қонуниятига риоя қилишга ҳам ундаган. Ижодда мусиқа ва шеърининг уйғунлиги бир-бирига кўмак берганини биз Паҳлавон Муҳаммад, Навоий, Ҳомий, Биноий, Бобур ва бошқа адиблар ижодида кўришимиз мумкин. Улар бадиий асар яратишда ўз даврларининг яловбардорлари бўлиш билан бирга мусиқага оид рисолалар битиб, бу соҳага ҳам ҳисса қўшганлар. Навоий ҳам, Бобур ҳам замондопларининг мусиқий билимини баъзан умумий тарзда, баъзан эса батафсил ёритганлар, уларнинг ўзига хос овози ва дунёқарашини таъкидлаганлар. Ҳар иккала аллома ўз даврлари мусиқа маданияти ва мусиқа аҳли ҳаётига оид қимматли маълумот қолдирганлар. Улар мусиқада оригиналлик тарафдори

бўлганлар, адабиёт ва мусиқани бир-бирига кўмакдош соҳа деб билиб, яхши мусиқа асари, мусиқа соҳасида назарий рисола яратилишини қувончли воқеа сифатида қадрланган, мусиқа аҳлига ҳам маънавий, ҳам моддий ёрдам беришган ва, энг муҳими, ўзлари мусиқа илмининг билимдонлари бўлишган.

Алишер Навоий ижодини пухта ўрганган адиб Садриддин Айний «Алишер Навоий» рисоласида қизиқ бир воқеани келтиради: «Алишернинг шогирдларидан бири бўлиб, қозилик ҳамда вазирлик мартабаларига эришган Хожа Абдулло Марворид унинг ёрдами ва раҳбарлигида музикадан ихтисос олиб, бу соҳада бир китоб ёзди. Абдулло Марворид Навоийнинг:

*Дил офати бир муабачаи моҳлиқодур,  
Майхораву бебок.  
Ким ишқидин онинг ватаним дайри фанодур,  
Сармасту яқом чок, —*

деб бошланадиган бир мустазодига «Сармасту яқом чок» номи билан куй басталайди. Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ»даги муболағалироқ таъбирига кўра, бу ашула ўша вақтларда Хиротда жуда машҳур бўлган ва куйланмаган бирор уй ва бу ашулани эшитганда ёқасини чок қилмайдиган бирор тингловчи бўлмаган.

Маълумотларга кўра, Бобур ҳам мусиқага доир рисола ёзган, аммо бу асар ҳалигача топилгани йўқ. Бироқ «Бобурнома»да турли воқеалар, базмлар, мусиқа аҳлига берилган баҳолар орқали адибнинг мазкур соҳага муносабатини аниқлаш мумкин. У ўз даври мусиқаси ҳақида фикр юритаркан, умумий хулоса билан чекланмайди, балки ҳар бир мусиқа асбобининг ўзига хос нозик томонларига эътибор беради. Айниқса, унинг рижжак, уд, қонун каби мусиқа асбобларида созанданинг куй чалишдаги моҳирлиги ва ўзига хос томонларини алоҳида тасвирлагани диққатга сазовордир.

Навоий ва Бобурнинг хабар беришларича, ўша даврдаги адабий йиғинлар, шоҳона базмлар мусиқасиз ўтмаган. Кўзга кўринган шоирларнинг машҳур вазаллари бастакорлар томонидан куйга солинган. Шубҳасиз, адабиётдаги сингари, мусиқа оламида ҳам ўз соҳасини мукаммал билган истеъдодли созанда, хонанда, бастакорлар кўп бўлган ва улар ўртасида ўзига хос мусобақа давом этган. Бобурнинг кўрсатишича, мусиқа соҳасида ўз касбининг сир-асорини мукаммал билган кишиларнинг айримлари ўз ихтиролари, маҳорат ила куй чалишлари, янгиликка интилишлари билан шуҳрат қозонган.

Бобур машҳур созанда Қулмуҳаммад Удийнинг фаолиятини юксак баҳолаб, унинг вижжакка янгилик киритгани—уч қил «таққан»ини алоҳида таъкидлайди. Бу билан Қулмуҳаммаднинг куй чалишда моҳирлигинингина қайд этмайди, балки истеъдодини алоҳида таърифлаб, «аҳли нафмадин ва аҳли создин ҳеч ким мунча кўп ва хўб пешрав (оғзаки анъанавий касбий мусиқада куйни ривожлантириш — **Х.Қ.**) боғлаюн эмастур» деб, бастакорлик қобилиятига эътиборни қаратади.

Ҳақиқатан, Қулмуҳаммад Удий замонасининг машҳур бастакори ва созандаси бўлган. Манбаларда у яшаган давр мусиқаси ҳақида сўз борганда бу санъаткорнинг номи зикр этилади. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да Қулмуҳаммад Удийнинг мусиқий рисола битгани ҳақида маълумот беради.

Бобур Шайхий Ноний ҳақида маълумот бериб, унинг мусиқа соҳасига қўнган ҳиссасини юксак баҳолайди, уд, вижжак, най чалишга моҳирлигини таъкидлайди ҳамда мусиқа асбобининг имконияти ва унда ижро этаётган санъаткорнинг усталигини ажойиб далил ёрдамида очиб беради: «Яна Шайхий Ноний эди, удни ва вижжакни ҳам хўб чолур экандур... Бир навбат Бадиъуззамон мирзонинг суҳбатида бир ишни пайдин хўб чиқарур, Қулмуҳаммад вижжакта ул ишни чиқара олмас. Дерким, вижжак ноқис создур. Шайхий филҳол Қулмуҳаммаднинг илигидин

ғижжакни олиб, ул ишни ғижжакта хўб ва покиза чолур. Шайхийдин яна бир нима ривоят қилдилар: нағамотқа андоқ мустаҳзар экандурким, ҳар нармаким, эшитса, дер экандурким, фалонининг фалон пардаси мунга оҳангдур, вале хейли иш ботламайдур. Бир-икки нақше андин дерлар».

Шайхий Нойй шахсиятини, мусиқага лаёқатини очишда Бобур уни шунчаки оддий санъаткор билан эмас, балки Қулмуҳаммад Удийдек машҳур бастакор, ғижжакка уч қил тақиб, янгилик киритган шахс билан таққослайди (бу анъана Восифийда Мир Хонанда—шогирд ва ҳофиз Басир—устоз мисолида давом эттирилган). Нойининг юксак созапдалик маҳорати «хўб ва покиза» чалишида намоён бўлади. Унинг яна бир қобилияти—куйларни ҳатто нозик пардаларигача эслаб қолиши қайд этилади. Бобур Шайхий Нойй шахсияти ва мусиқий қобилиятини баҳолашда ўзининг ҳолислигига содиқ қолади ва бу санъаткорнинг шунчалик маҳорати бўла туриб, деярли бастакорлик билан шуғулланмаганини, «бир-икки нақш»дан бошқа куй ботламаганини айтиб, афсусланади. Айни пайтда, Бобур бу жиҳатдан мусиқа соҳасида кўп асар яратган Қулмуҳаммад Удийни зимдан Шайхий Ноййдан устун қўяди.

Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарида ҳам ўша давр мусиқа базмлари ва бастакорлари, раққосу хонандалари ҳақида қимматли маълумотлар бор. Муаллифнинг бу маълумотлари ўта чиройли ташбиҳлар, истиора ва муболағалар, ўхшатиш каби сўз санъати воситалари билан безатилгани боис ажралиб туради. Унинг давр созандаларига берган баҳосида Бобурнинг аниқ, реал, конкрет тасвирлари ўрнига шоирона жимжимадор таъриф-тавсифларни кўрамиз. Бу услуб фақат Восифий ижодининг хусусиятларинигина эмас, балки ўша давр руҳини ҳам бизга етказди. Масалан, адиб қонунда куй чалишда шуҳрат қозongan Қосим Али ҳақида: «Шундай созанда эдики, фалак ойининг қонуни торлари учун деб ҳоласидан кумуш калава-

сини келтирар, хурисиймолар ўша қонуи қулоқлари намуна-  
насиға беҳишт боғининг гулгунчаларини қонунсоз ҳузу-  
рига келтиради» деса, «...созандалар пешвоси Саидахмади  
Ғижжакий эдики, фалак Шарқ қуёшининг заррин жомини  
унинг ғижжаги тоси учун муносиб кўрарди, жаннат  
хурлари ғижжак камончасининг тори учун ўз анбарин то-  
лаларини келтиради» деб, давр созандаларининг маҳоратини  
образли ифода этади. Восифийнинг асари фақат ўша давр  
муסיқа ҳаётига оид маълумот бериб қолмай, балки давр-  
нинг нодир созандалари ҳақидаги муסיқий антология си-  
фатида ҳам қадрлидир. Масалан: «Оламнинг нодир со-  
зандаларидан устод Ҳасан Удий бўлиб, руҳбахш муғанний-  
лар унинг қуллигида эдилар... Устод Ҳусайнийки, Кўчак  
Ноий ҳусну жамолда, камолотда, Арабу Ажаму Ироқда унинг  
сози овозаси шуҳрати ўз чўққисига етган эди. Яна Мир  
Хонанда бўлиб, у хонини қилаётганда ҳофиз Басир воят  
беҳуд ва бетоқат бўлар экан. Ваҳоланки, ҳофиз Басир-  
нинг ўзи замонасининг яғонаси экан. Ҳазрати Довуд пай-  
гамбардан кейин ҳеч ким ҳофиз Басирдек хонандалик  
қилолмас экан. Шуниси ҳам машҳурки, унинг хонандалик  
мажлисида тўрт киши ҳушдин кетган экан...».

Восифий маълумотида диққатга молик томони шунда-  
ки, ўша даврда адабиётшунослар, муסיқашунослар давра-  
сида муסיқа фани ва ижрочилик санъати бўйича доимо  
мусобақалар бўлиб турган. Восифий ҳофиз Басир шахси-  
яти ҳақида сўз юритаркан, унинг истеъдоди, овозининг  
ширалилигини айтиб, Мир Хонанда ана шундай моҳир  
санъаткорни қойил қолдирганини ва XV—XVI асрларда  
муסיқа илмида ворислик анъанаси давом этганини билди-  
ради. Муаллиф муסיқага оид жуда кўп қиссалар келтир-  
ганки, улар чиндан эътиборга лойиқдир.

Бобур ҳам Шайхий Ноий ва Қулмуҳаммад ҳақида га-  
пирганида, Восифий сингари, муסיқа оламида устод-шо-  
гирдлик, ўзаро мусобақа руҳи борлигини таъкидлаб ўтган.

Бобур муסיқа аҳлига баҳо берганда, бу соҳадаги ҳар  
бир янгиликка катта эътибор билан қараган. Янгиликни

тушуниш, идрок этиш учун, олдин яратилган асарларни назарий ва амалий жиҳатдан мукаммал билиш талаб этилади. Бобур шундай фазилат эгаси бўлишидан ташқари, ҳар бир янгиликка ижодий ёндашган, санъаткор яратган оригинал асарни ҳамиша қутлаган. Бир-икки мисол келтирсак:

«Яна Мир Азу эди, бу саз чолмас эди, мусанниф эди, агарчи оз иш боғлабтур, вале мазалиқ ишлари бор»;

“Аҳли наъмадин қонунни Хожа Абдулло Марворийча киши чолмас эди...”;

«Яна мусаннифлардин Фулом Шодий эди. Шодий хонанданинг ўғли эди, агарчи саз чолур эди, вале бу созанда-лар чаргасида чолмас эди. Яхши савтлари ва нақшлари бор. Ул замонда онча нақш ва савт боғлар киши йўқ эди».

Бобур бу ўринда ҳар бир бастакорнинг жамиятдаги ўрни ва муסיқа оламидаги мавқеини аниқ белгилаб бермоқда. Мир Азунинг саз чолмаслигини билдирса-да, бу жиҳатни унинг камчилиги қаторига киритмайди, аксинча, унинг сон жиҳатидан кам асарларининг савияси баландлигини таъкидлайди. Марворийнинг қонунда гирифт қилиши эса, унинг ўзига хос услуби эканлигини билдиради. Фулом Шодийни сермаҳсул ижодкор сифатида таърифлайди. Мазкур шахсларга берилган баҳолар Бобурнинг эстетик қарашлари ва муסיқий билими юксаклигидан далолатдир.

Бобур Паҳлавон Муҳаммад Куштигирни ҳам таърифлаган. Баркамол олим, замонасининг энг кучли полтони, хонанда ва бастакор Паҳлавон Муҳаммаднинг нуфузли кишилар қаторидан ўрин олишида муסיқа илмидан хабардорлиги катта ўрин тутган. Бобурдан олдин Паҳлавон Муҳаммаднинг шахсияти ва муסיқий қобилиятига Алишер Навоий юксак баҳо берган. Унинг таъкидлашича, Паҳлавон туғма муסיқий қобилият эгаси. Шу билан бирга, у хушовоз хонанда бўлиб, вазалларига ўзи куй басталаб, ўзи ижро этган. Классик муסיқачиликнинг нақш, сўфия, амал,

жир, чорзарб мақомларини замонасининг хушхонларидан ҳам яхши куйлаган ва мусиқа рисоласи битган. Навоий Паҳлавон Муҳаммаднинг чоргоҳ амалида куйлашини мақтаб: «Хуросон мулкида, балки Самарқанд ва Ироқда ҳамули ишши билур гўянда йўқтур», дейди ва унинг номи халқ ёдидан чиқмаслигини таъкидлайди. Навоий «Мажолис уннафоис»да Паҳлавонга юксак баҳо бериб, «мусиқий ва адвор илмида даврининг беназирдур», дейди.

Дарвеш Али «Рисолаи мусиқий» асарида Паҳлавоннинг мусиқий қобилияти ҳақида характерли бир ҳикоя келтиради. Ўша даврдаги базмлардан бирида Паҳлавон Муҳаммад ҳам иштирок этади ва йирилганларнинг ҳамма саволларига жавоб беради, сўнгга хотирига келган янги куйни чалиб эшиттиради. Куйнинг жозибадорлиги, мусиқа назарияси талабларига аъло даражада жавоб бериши давра аҳлини, айниқса, мусиқашуносларни ҳайратда қолдиради. Ўша даврнинг машҳур мусиқашуноси Дарвеш Шодий чалинган куйдан руҳланиб, Паҳлавонга қараб: «...агар ҳазратим рухсат этсалар, басталаган куйларини мен ижро этсам ва номингиз орқали мен ҳам шуҳрат топсам», дейди.

Бобур Паҳлавон Муҳаммадга қуйидагича баҳо беради: «Яна беназир элдин бир Паҳлавон Муҳаммад Бусаъид эди. Куштигирлиқта худ саромад эди, шеър ҳам айтур эди. Савт ва нақиллар бовлар эди. «Чоргоҳ»да бир яхши нақли бор, хушсуҳбат киши эди. Куштигирлиқ била мунча ҳайсиатини жамъ қилмоқ варобати бор».

Паҳлавонга берилган бу баҳонинг назик бир томонига эътиборини қаратмоқчимиз. Паҳлавон шахсияти орқали киши ўз касби, шуғулланаётган асосий соҳасидан ташқари (Паҳлавоннинг куштигирлиги — кураш устаси ҳамда шоирлиги назарда тутилмоқда), имконият ва вақт топиб, мусиқа билан ҳам шуғулланса, замонасининг машҳур созандаси бўла олингани ҳам ҳайрат билан таъкидламоқда. Яъни Бобур замондоплари қобилиятини тарбиялаб, қунт билан бир ишга киришса, албатта, муваффақият қозонгани мумкинлигини билдирмоқда.

Бобурнинг мусиқага муносабатини санъаткорнинг ахлоқи, маънавий қиёфасидан айри таҳлил этиш мушкул. Юқорида келтирилган Хусайн Удий мисолида ҳам шунга гувоҳ бўлдик. Камолиддин Биноий машҳур адиб бўлишига қарамай, шоирлик истеъдоди мусиқий билим билан безанмаганини кўрган Алишер Навоий шу ҳақда Биноийга ишора қилади. Натижада юксак истеъдод эгаси бўлган Биноий ярим йил мусиқа билан шу қадар шуғулланадики, куй чалишга, мусиқа бўйича ҳатто бир неча куйлар яратинга муваффақ бўлади. Бу ҳақда маълумот берган Бобур Биноий ҳақида шундай ёзади: «Ёз мирзо Ҳири келганда савт ва нақш ўтқарур. Алишербек таажжуб қилиб таҳсин қилур. Мусиқийда тавр ишлар боғлабтур, ул жумладин бир нақши бор, “Нухранг”га мавсум. Бу тўққуз рангнинг тутаниши ва нақшнинг ялғоси “Рост”тадур».

Заҳриддин Бобур санъат аҳлига чуқур эҳтиром билан қарайди ва санъаткорнинг ижрочилик маҳорати билан бирга даврада ўзини қандай тутиши ҳам диққатидан четда қолмайди. Санъаткор ва ижрочи ахлоқи бобида Бобур келтирган бир мажлис тасвири диққатга сазовордир: «Мажлиста наъма аҳлидин Ҳофиз Ҳожи эди, Жалолиддин Маҳмуд нойи эди. Фулом Шодийнинг иниси Шоди бача эди. Чанг чолур эди, Ҳофиз Ҳожи ҳўб ўқур эди. Ҳири эли паст ва нозук ва ҳамвор ўқурлар. Жаҳонгир мирзонинг бир хонандаси бор эди, Миржон отлиқ, Самарқандий эди. Баланд ва дурушт ва ноҳамвор ўқур эди... Хуросон эли пурзарофат тирилур эл. Мунинг бу ўқишининг бириси қулвин тутамудур, яна бири чиройин читамудур, мирзо жиҳатидин ҳеч ким манъ қила олмайдур».

Бобурнинг Сайид Бадрнинг рақс маҳоратига берган баҳоси муаллифнинг юксак эстетик дидидан далолат беради. Муаллиф унинг раққослик маҳоратини бир неча ибораларда таърифлайди: «бисёр зўр», «вайри мукаррар рақс қилур», «ғалибо ул рақс анинг ихтироидур». Тасаввур этсак, сўзга жуда тежамкор Бобур бир раққос маҳоратига шунчалик атрофлича баҳо берар экан, демак, рақс

ҳақиқатан ҳам жозибали, юксак маҳорат билан ижро этилгани аёнлашади. Сайид Бадр яхши рақсга тушибгина қолмай, балки ҳар бир ҳаракатида янгилик, оригиналиikka интилган. Шу боис, унинг рақси «ғайри мукаррар», ўзи эса мазкур усул ихтирочисидур. Бобур бу шахсининг Хусайн Бойқаро давраларида доимо бўлишини таъкидлаб, Сайид Бадрни «доимо ҳарифи шароб ва ҳамсухбати эди», деб илова қилган. Бобур Сайид Бадрга бу шараф, аввало, унинг ўта моҳир раққослиги туфайли инъом этилганини билдиради.

Бобурнинг Юсуф Алига берган баҳосида биз бу самимиятнинг кўрмаймиз, адиб унинг рақсини кўриб, «соҳиб усул», деб баҳолайди: «Намози шомдин сўнг Тарабхонадин Музаффар мирзо солгон янги қишлоқи уйга келдук. Ушбу уйга келганда охир мастликларда Юсуф Али кўкалдош кўпуб раққослик қилди...”

«Бобурнома»да муаллиф, аввал айтганимиздек, санъат аҳлининг маҳоратига алоҳида эътибор билан қараганини кузатамиз. Адибнинг синчков назаридан турли санъат вакилларининг нозик, аини пайтда мураккаб ҳаракатлари, ижрозчилик маҳоратлари четда қолмаган. Бунда ҳам Бобурнинг қиёслаш маҳорати асосий мезон вазифасини ўтаган. У кўп ўлкаларда бўлиб, турли миллат ва элатларнинг урф-одатларини тасвирлаган. Шулар қатори, ҳиндистонлик лўлилар цирк санъати ҳам унинг диққатини тортган. Ҳиндистон забт этилгач, Бобур кечага «Ҳиндистонни бо-зипгарлари келиб, ўюнларини кўрсаттайлар», дейди. Ўқувчи диққатини тортиш учун «Ҳиндистон лўлилари баъзи ишларе кўрсатурларким, ул вилоятларнинг лўлиларидин кўрулмайдур эди», дейди. Лўлилар ижросидаги ажойиботлардан Бобур энг аълоларини саралаб, баён этади. Ўзи завқланиб, ўқувчисини ҳам шу завққа шерик қилади: «Ул жумладин бири будурким, етти ҳалқани пешонасига ва икки тизига таъбия қилиб, яна тўрт ҳалқани иккини икки илик бармоғи била ва иккини икки оёғи бармоғи била тез ва бедаранг эврадур...» Бобур бу томошани шунчалик аниқ ва батафсил тасвирлайдики, ҳавас қилган киши уни бема-

лол ўрганиши ҳам мумкин. Иккинчидан, бу усулнинг ижро жараёни яқини «тез ва бедаранг эвурадур», яъни худди шу иборада шўъбадабоз ўз аксини топган. Тасвирни давом эттириб, Бобур «яна бири буким» деб, бошқа намоёниши ҳикоя қилар экан, санъаткорларнинг ҳаракатлари аввалгисидан мураккаброқ, ҳаяжонлироқ ва янада нодир эканини кўрамиз. Тасвир асносида Бобур тобора орттирма сифатлар ёрдамида лўлилар маҳоратини ифодалаш услубини қўллайди. Ўқувчи кўз ўнгига бири-биридан ажиб томошалар тасвири гавдаланади. Бобур лўлилар санъати Мовароуннаҳрда таомил бўлган «чўб оёқ» ўйинидан фарқ қилишини айтади. Мовароуннаҳрда, одатда, оёқларига узун чўп боғлаб, махсус қопчага оёқни тикиб, ўйин кўрсатишган. Муаллиф ҳинд лўлиларининг мазкур рақслари оригиналликни шундай тасвирлайди: «Лўлилар бир йиғоч билан «пойи чўбин» қилиб, йўл юруйдурлар, оёқларига ҳам боғламайдурлар».

«Яна бири буким», деб Бобур илгари ҳеч қаерда кўрилмаган ўйинни тасвирлашга киришади. У энди мураккаб ҳаракатлар орқали юксак маҳорат намунасини кўрсатган лўлиларни таърифлаб улар санъатининг мукамаллигини тасвирлайди: «Яна бири буким, икки лўли бир-бирини тутушуб, ул вилоятларда икки турлук муаллақ борурлар, Ҳиндистон лўлилари бир-бирларини тутушуб, уч, тўрт турлук муаллақ борадурлар. Яна бири буким, олти-етти қари йиғочнинг тубини бир лўли белига қўюб, йиғочни тик тутуб турадур, яна бир лўли бу йиғочқа чиқиб, йиғоч устида ўюнлар ўйнайдур».

Юқоридаги парчаларда Бобур Ҳиндистон классик акробатикаси турларини яққол тасвирлаб берган. Қуйидаги мисолда у катта ёшдаги акробатдан кўра ёш боланинг санъатига қойил қолганини яширмайди, бу соҳани мароқ билан ҳикоя қилади: «Бир кичик лўли яна бир улўф лўлининг бошига чиқиб, тик турадур, қуйида лўли ул сари, бул сари илдам юруб, иш кўрсатганда, бу кичкина ул лўлининг бошининг устида тик-тик тебранмай туруб, ул ҳам ишлар кўрсатадур...».

Бу тасвирлар бугунги ўқувчи учун унчалик қизиқарли туюлмаслиги ҳам мумкин. Бироқ Бобур замонида Мовароуннаҳр ва Хуросон эли учун нотаниш мамлакатнинг табиати, ҳайвонот олами, ҳатто санъатининг ҳар бир детали қизиқарли бўлган. Техника воситаларисиз лўлилар кўрсатган цирк намоишлари ҳам ўқувчи диққатини жалб этгани муқаррар. Бобурнинг санъат аҳли маҳоратига синчковлик билан ёндашгани, уни реал ва жозибали тасвирлагани, «Бобурнома»нинг бошқа жиҳатлари қатори, асарнинг кенг шуҳрат қозонишига ҳисса бўлиб қўшилгани аниқ.

XV асрнинг охири—XVI асрнинг биринчи ярмида яратилган насрий асарларда адабиёт ва мусиқанинг уйғунлиги, бу икки санъат ва маънавият қутбларининг ҳамиша бири биридан куч олиб, бири бирини бойитиб келгани мумтоз адабиётимиз ва мусиқа оламимизнинг энг қадрли жиҳатидир. Бобур, Навоий, Восифий ва ўзга замондош адиблар мусиқа ихлосмандлари бўлибгина қолмай, унинг ривожига ҳам сезиларли ҳисса қўнганлар. Ўша давр мусиқа фани ва санъатининг тараққиёти, устоз-шогирдлик анъаналари мавжудлиги, санъаткор ахлоқи, унинг ўз касбига муносабати авлодларимиз маънавиятининг мезони бўлган. Шу боис, бу соҳани янада чуқурроқ ўрганиш, бугунги авлодга ибрат қилиб кўрсатиш лозим.

## ХУЛОСА

Китобнинг хулоса қисмини қоралар эканмиз, табиий саволлар туғилади: биз ҳазрат Бобур ижодини нега ўрганамиз? Нега фарзандларимиз, шогирду талабаларимизга Ватанга меҳр, дўстга садоқат, бошга қилтич келганда ҳам рост сўзлаш, умрни мазмунли ўтказиш ҳақида маслаҳат берганимизда бу беназир шахс ҳаёти, умр мазмунига муурожаат этишни айтамиз? Айниқса, «Бобурнома»ни ахлоқ, тарбия, мардликка чорловчи манба сифатида уларга тавсия этишимизнинг боиси нимада?

Заҳириддин Бобурнинг бу шоҳ асари адабий манба сифатида тарихий воқеалар тасвири, жонли саҳналарга шу қадар бойки, ундан олинадиган сабоқлар сарҳадларини белгилаш амри маҳол! Асарни мутолаа қилган сари олам ва одамни янгидан каниф этасан, киши. Муаллифнинг ҳаёти қанчалик яхши кўргани, вафоли ошиқ мисоли ёниб куйлагани, ўтаётган умрни имкон қадар ижод, яратиш, янгиликлар қувончи билан безашга интилганини кўрамыз. Бобурга Оллоҳ ҳамиша шошиб яшаш, бобоси Амир Темурнинг ягона салтанатини қайта тиклашга уриниш, асрашни ҳаётининг мазмуни этган чори. Бироқ бевафо даррон унга 47 йил умргузаронликни раво кўрди. Шу қисқа умрнинг қарийб бошидан охиригача у от устидан тушмади: тарқалиб, парокандаликка учраётган темурийзодаларни яраштириш, бир мустаҳкам давлат теварагида йиғиш учун жангу жадалдан кўли бўшамасди. Шунга қарамай, «Бобурнома»дек тарихий, бадий, ростбаёнлиги билан бебаҳо қомусий асар, юзлаб дилбар назал, рубоий, қитъа, маснавийларни ўз ичига олган шеърый девон, «Мубаййин»дек диний, фалсафий маснавийни, аруз фани дурдонаси бўлмиш «Мухтасар» («Аруз рисоласи»)ни яратишга, Хўжа Аҳрори Ва-

лийнинг «Рисолаи волидийя»сини форс тилидан туркий тилга таржима қилишга улгурдики, бундай умрдан ибрат олса арзигуликдир.

«Бобурнома» 30 га яқин фан соҳалари бўйича аниқ, илмий маълумот берувчи мўътабар манба. Унда муаллифнинг ҳаёти, дунёқарashi, яшаш тарзи ҳам чиройли далил ва бўёқларда берилган. Асардан жой олган Бобурнинг ҳаётга муҳаббат, ундан лаззатланиш, табиат мўъжизаларидан ҳайратга тушишдек жиҳатлари кўпчилик диққатини ўзига тортади.

Заҳириддин Бобурнинг кузатувчанлиги, атрофдаги барча ўзгаришлар, табиатнинг нодир воқеалари, жумбоқ ва мўъжизаларини ўрганмагунга қадар изланавергани кишини ҳайратга солади. Эҳтимол, адибнинг ана шу хислати ва қарашлари «Бобурнома»га дунёвий шуҳрат келтирган ва бу асар ҳозир ҳам олимлар диққат марказида.

Заҳириддин Бобур Ҳиндистонни забт этган бўлса-да, ерли халқ урф-одати ва анъаналарини эҳтиром этган, уларнинг дини ва эътиқодига тажовуз қилмаган. У вафотидан олдин вориси—ўғли Ҳумоюнга васият қиларкан, зинҳор ҳиндлар ибодатхоналари, бутпарастликка оид обидаларига шикаст етказмаслик, халқнинг диний, мазҳабий эътиқодига эҳтиром ила қарашни алоҳида таъкидлаган. Бобурнинг буюк давлатдорлик сиёсати ҳинд халқи ва илм аҳли томонидан муносиб баҳоланган. Масалан, ҳинд тарихчиси С.Р.Шарма шундай ёзади: «Бобурнинг биронта ҳинд ибодатхонасини бузгани ёки ҳиндларни уларнинг диний эътиқодига кўра таъқиб қилганининг ҳеч қандай асорати кўринмайди».

Бобур мусулмони комил, диндор шахс бўлса-да, ҳеч вақт жаҳолатпарастлик билан кўр-кўрона ислом дини ақидаларини пеш қилиб иш тутган эмас. Бу масалада ҳам у изчил мулоҳазали, зийрак ақл эгаси сифатида иш кўргани боис яна бир карра қалбимизда меҳр уйғотади.

Кобулда бўлиб ўтган зилзиланинг «Бобурнома»даги тасвирида том маънодаги ҳаққоний ва бадиий талқинни кўриш мумкин. Асарда келтирилган кўпдан-кўп аниқ

тасвирлардан кўз юммаган ҳолда, инсоният учун даҳшатли бўлган биргина шу табиий офатнинг Бобур томонидан нақадар маҳорат билан акс эттирилганини инобатга олиб, «Бобурнома»ни жаҳондаги нодир асарлар қаторига киритса бўлади. Бу тасвирлар, муаллифнинг билимдон руҳшунос ҳам бўлганидан далолат беради. Даҳшатли офат пайтида (Бобур тасвирлаган зилзилани ҳозирги сейсмология ўлчовларига кўра 9 — 10 балл билан белгиласак бўлади), инсон ўз ихтиёрини қўлдан бой бериши, табиий. Зилзила пайтида Нурулло танбурчи Бобур билан бирга бўлиб, танбурда куй чаларди. Зилзила бошланиши билан у ўзини асрашни ўйламасдан, қўлидаги танбури ва ерда турган иккинчи танбур ҳимоясига отилади. Шу пайт даврада ўтирган Жаҳонгир мирзо жонини асраш пайида ўзини болохонадан пастга отади. Бобур Нурулло танбурчи ҳолатини тасвирлар экан, унинг ўзини эмас, танбурини асрашга интилганини ҳаққоний тасвирлаб, юксак маҳорат кўрсатган.

Бобур умрининг сўнгги йилини қаттиқ касаллик билан ўтказди.

Ҳиндистонни темурийлар бошқарувига қайта ўтказганига ҳали 4 — 5 йил бўлмагани боис, уни салтанатнинг келажиги, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, битмаган бинолар, карвон йўллари бехатарлиги ва бошқалар тапшишга соларди. Шунда Бобур бирон-бир Шарқ подшоҳи ва султонига хос бўлмаган, тарихда мисли кўрилмаган жасорат кўрсатади: у ўзи ҳаётлик чоғида салтанатни ўғли Ҳумоюнга Васият орқали топширади. Бу Васиятноманинг ҳар бир сатрида шоҳ Бобурнинг жавонмардлик, салтанатни адолат, юксак ахлоқ, инсоф ва диёнат билан бошқариш, вориси — шаҳзода Ҳумоюннинг укалари, беғу раиятга юксак инсонийлик билан муносабатда бўлиб иш тутиш ҳақида огоҳликка чақириши бор. Бу Васиятнома Бобурнинг улгурмаган ишлари, битмаган орзулари, АмирТемур салтанати ягоналигини истовчи ҳайқирини битилган армонидир.

Заҳириддин Бобурнинг орзу-армонлари унинг набираси, бошқа темурийзода — шаҳзода Акбар томонидан му-

айян даражада амалга оширилди. Акбар даврида Ҳиндистон маданияти, санъати, меъморлиги юксак чўққиларга кўтарилди, нисбатан, Бобур орзу қилган салтанат қарор топди.

Заҳириддин Бобурнинг «Бобурнома» асари билан бирга биз ҳазрат Алишер Навоийнинг бир неча насрий асари, Фиёсиддин Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр»и, Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ»си, аҳёнан Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» каби насрий асарлар муаллифларнинг дунёқараши, бадиий маҳоратини баҳоли қудрат кўриб чиқдик. Бу асарлар ҳам маънавиятимизнинг бебаҳо сарчашмаларидир. Уларда ҳам адиблар дарди, қараплари, Комил инсонни тарбиялашга доир дурдона фикрлар мавжуд. Бу асарлар ҳам, «Бобурнома» сингари, Хуросон ва Мовароуннаҳр тарихининг жонли гувоҳлари, дейиш мумкин. Шу қатори, бу китобларнинг ҳар бири ўз муаллифининг услуби, дунёқараши, ўша давр насрининг характерли томонларини бизга етказгани билан ҳам муҳим. Бу дурдоналарнинг қиёсий таҳлили фақатгина Бобур услуби ва маҳоратини эмас, балки Навоий, Хондамир, Восифийнинг ҳам насрдаги мавқеини, ўзига хос услубларини кўрсатади.

Заҳириддин Бобур ижоди, унинг «Бобурнома»сининг кўп назокатлари, ўрганилмаган қирралари билан кишини бу сирли оламни янада чуқур идрок этишга, тадқиқ этишга чорлайди. Айниқса, унинг салтанатни бошқариш маҳорати, давлатчилик сиёсати, беқиёс ҳарбий маҳорати, юксак дипломатик қобилияти, қолаверса, шахсий жасорати навбатдаги кузатишларимизга асос бўлар, деган умиддамиз.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур умрининг ўзи — ҳаёт мактаби. «Бобурнома» — муаллифнинг армон китоби, умр мазмуни. Унинг саҳифаларини сатрлардан сатрларга кўчиб мутолаа қилар эканмиз, киши руҳиятида инсоф орта боради, ёвузликдан ҳазар, яхшиликка интилиш туйғуси онгимизни чулғаб олади. Сизда ҳам, ҳурматли китобхон, бироз бўлса-да шу туйғу зуҳур топган бўлса, ўзимизни мақсадга эришган, деб биламиз.

## МУНДАРИЖА

|              |   |
|--------------|---|
| Сўзбоши..... | 3 |
|--------------|---|

### I боб. Бадий тасвир воситалари ва ифода усуллари

|                                                                      |    |
|----------------------------------------------------------------------|----|
| 1. Бобурнинг қиёслаш санъати — теран мантиқий тафаккур намунаси..... | 8  |
| 2. «Секкиз сифати асил анинг зотиға муттассил эрди...».....          | 26 |
| 3. «Темурийя салотиғи дастури билди...».....                         | 56 |
| 4. Бобурнинг мўвул қавми ва унинг урф-одатларига муносабати.....     | 77 |

### II боб. Бобурнинг ҳаётни тасвирлашдаги бадий маҳорати

|                                                   |     |
|---------------------------------------------------|-----|
| 1. «Бобурнома»да ҳаққонийлик ва бадий талқин..... | 84  |
| 2. Тахайюл ва илоҳий қудрат.....                  | 110 |
| 3. «Бобурнома»да табиат ва муҳит инъикоси.....    | 125 |
| 4. «Бобурнома»да сугориш мавзуи.....              | 147 |
| 5. Бобур — бунёдкор шоҳ.....                      | 159 |
| 6. «Бобурнома»да Мовароуннаҳр.....                | 175 |

### III боб. Шахс сиймосида замон руҳи

|                                                                   |     |
|-------------------------------------------------------------------|-----|
| 1. Давр воқелиғи ва руҳий ҳолат тасвири.....                      | 188 |
| 2. Тарихий ва саргузашт асарларда адабиётшунослик масалалари..... | 113 |
| 3. Адабий жанрларга муносабат.....                                | 226 |
| 4. Шахс мавқеи ва бадий талқин.....                               | 237 |
| 5. «Алишербек назири йўқ киши эди...».....                        | 259 |
| 6. «Ажаб замоне» ҳукмдори.....                                    | 280 |
| 7. Султонлар кечмиши аёллар тақдирида.....                        | 302 |
| 8. Уч қарра «Оллоҳ» дейишга ундаган Ватан соғинчи.....            | 312 |

### IV боб. Насрда бадий санъат воситалари

|                                                                      |     |
|----------------------------------------------------------------------|-----|
| 1. Бадий санъатлар мўъжизаси.....                                    | 320 |
| 2. Насрдаги назм: ағъана ва ўзига хослик.....                        | 343 |
| 3. Мусиқага муносабат — адабий эстетик қарашнинг таркибий қисми..... | 365 |
| Хулоса.....                                                          | 379 |

ҲАСАН ҚУДРАТУЛЛАЕВ

## БОБУР АРМОНИ

Китобнинг оригинал макети «Ma'rifat» газетаси таҳририяти матбаа бўлимида тайёрланди.

Муҳаррир

*Барно Эшпўлатов*

Жамоатчи муҳаррирлар

*Маҳмуд Саъдий,*

*Аҳмад Отабой*

Дизайнер

*Мамуржон Аҳлидинов*

Техник муҳаррир

*Дина Габдрахманова*

Босишга рухсат этилди 22. 03. 2005 й. Бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. «Bodoni» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 20,6. Нашриёт-ҳисоб табоғи 19,5. Адади 3000 нусха. Буюртма № 1245. Баҳоси келишув асосида.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.